

PEDAGOGIK MAHORAT

Ilmiy-nazariy va metodik jurnal

3-son (2020-yil, iyun)

Jurnal 2001-yildan chiqa boshlagan

Buxoro – 2020

PEDAGOGIK MAHORAT

Ilmiy-nazariy va metodik jurnal 2020, № 3

Jurnal O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi OAK Rayosatining 2016-yil 29-dekabrda qarori bilan **pedagogika** va **psixologiya** fanlari bo'yicha dissertatsiya ishlari natijalari yuzasidan ilmiy maqolalar chop etilishi lozim bo'lgan zaruriynashrlar ro'yxatiga kiritilgan.

Jurnal 2001-yilda tashkil etilgan.

Jurnal 1 yilda 6 marta chiqadi.

Jurnal O'zbekiston matbuot va axborot agentligi Buxoro viloyat matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan 2016-yil 22-fevral № 05-072-sonli guvohnoma bilan ro'yxatga olingan.

Muassis: Buxoro davlat universiteti

Tahririyat manzili: O'zbekiston Respublikasi, Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko'chasi, 11-uy

Elektron manzil: ped_mahorat@umail.uz

TAHRIR HAY'ATI:

Bosh muharrir: Adizov Baxtiyor Rahmonovich – pedagogika fanlari doktori, professor

Bosh muharrir o'rinbosari: Navro'z-zoda Baxtiyor Negmatovich – iqtisod fanlari doktori, professor

Mas'ul kotib: Hamroyev Alijon Ro'ziqulovich – pedagogika fanlari doktori, dotsent

Xamidov Obidjon Xafizovich, iqtisod fanlari doktori

Begimqulov Uzoqboy Shoyimqulovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Mahmudov Mels Hasanovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Ibragimov Xolboy Ibragimovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Choriyev Abdushukur Choriyevich, pedagogika fanlari doktori, professor

Yanakiyeva Yelka Kirilova, pedagogika fanlari doktori, professor (N. Rilski nomidagi Janubiy-G'arbiy Universitet, Bolgariya)

Qahhorov Siddiq Qahhorovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Mahmudova Muyassar, pedagogika fanlari doktori, professor

Barotov Sharif Ramazonovich, psixologiya fanlari doktori, professor

Jabborov Azim Meyliqulovich, psixologiya fanlari doktori, professor

Sunnatova Ra'no Izzatovna, psixologiya fanlari doktori, professor

Kozlov Vladimir Vasilyevich, psixologiya fanlari doktori, professor (Yaroslavl davlat universiteti, Rossiya)

Morogin Vladimir Grigoryevich, psixologiya fanlari doktori, professor (Xakassiya davlat universiteti, Rossiya)

Belobrikina Olga Alfonsasovna, psixologiya fanlari nomzodi, professor (Novosibirsk davlat pedagogika universiteti, Rossiya)

Chudakova Vera Petrovna, psixologiya fanlari nomzodi (Ukraina pedagogika fanlari milliy akademiyasi, Ukraina)

Tadjixodjayev Zokirxo'ja Abdusattorovich, texnika fanlari doktori, professor

Amonov Muxtor Raxmatovich, texnika fanlari doktori, professor

O'rayeva Darmonoy Saidjonovna, filologiya fanlari doktori, professor

Axmedova Shoirra Ne'matovna, filologiya fanlari doktori, professor

Durdiyev Durdimurod Qalandarovich, fizika-matematika fanlari doktori, professor

Hayitov Shodmon Axmudovich, tarix fanlari doktori, professor

To'rayev Halim Hojiyevich, tarix fanlari doktori, professor

Mirzayev Shavkat Mustaqimovich, texnika fanlari doktori, professor

Mahmudov Nosir Mahmudovich, iqtisod fanlari doktori, professor

Bo'taboyev Muhammadjon To'ychiyevich, iqtisod fanlari doktori, professor

Bo'riyev Sulaymon Bo'riyevich, biologiya fanlari doktori, professor

Olimov Shirinboy Sharopovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Qahhorov Otabek Siddiqovich, iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent

Qosimov Fayzullo Muhammedovich, pedagogika fanlari nomzodi, dotsent

Jumayev Ulug'bek Sattorovich, psixologiya fanlari nomzodi, dotsent

ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО

Научно-теоретический и методический журнал № 3, 2020

Журнал включен в список обязательных выпусков ВАК при Кабинете Министров Республики Узбекистан на основании Решения ВАК от 29 декабря 2016 года для получения учёной степени по **педагогике и психологии**.

Журнал основан в 2001г.

Журнал выходит 6 раз в год

Журнал зарегистрирован Бухарским управлением агентства по печати и массовой коммуникации Узбекистана.

Свидетельство о регистрации средства массовой информации № 05-072 от 22 февраля 2016 г.

Учредитель: Бухарский государственный университет

Адрес редакции: Узбекистан, г. Бухара, ул. Мухаммад Икбол, 11.

e-mail: ped_mahorat@umail.uz

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

Главный редактор: Адизов Бахтиёр Рахманович – доктор педагогических наук, профессор

Заместитель главного редактора: Навруз-заде Бахтиёр Нигматович – доктор экономических наук, профессор

Ответственный редактор: Хамраев Алижон Рузикулович – доктор педагогических наук, доцент

Хамидов Обиджон Хафизович, доктор экономических наук

Бегимкулов Узакбай Шаимкулович, доктор педагогических наук, профессор

Махмудов Мэлс Хасанович, доктор педагогических наук, профессор

Ибрагимов Холбой Ибрагимович, доктор педагогических наук, профессор

Чориев Абдушуккур Чориевич, доктор педагогических наук, профессор

Янакиева Елка Кирилова, доктор педагогических наук, профессор (Болгария)

Каххаров Сиддик Каххарович, доктор педагогических наук, профессор

Махмудова Муяссар, доктор педагогических наук, профессор

Баратов Шариф Рамазанович, доктор психологических наук, профессор

Джаббаров Азим Мейликулович, доктор психологических наук, профессор

Суннатов Рано Иззатовна, доктор психологических наук, профессор

Козлов Владимир Васильевич, доктор психологических наук, профессор (Ярославль, Россия)

Морогин Владимир Григорьевич, доктор психологических наук, профессор (Абакан, Россия)

Белобрыкина Ольга Альфонсасовна, кандидат психологических наук, профессор (Новосибирск, Россия)

Чудакова Вера Петровна, PhD (Психология) (Киев, Украина)

Таджиходжаев Закирходжа Абдусаттарович, доктор технических наук, профессор

Аманов Мухтор Рахматович, доктор технических наук, профессор

Ураева Дармоной Саиджановна, доктор филологических наук, профессор

Ахмедова Шоира Негматовна, доктор филологических наук, профессор

Дурдыев Дурдымурад Каландарович, доктор физико-математических наук, профессор

Хаитов Шадман Ахмадович, доктор исторических наук, профессор

Тураев Халим Хаджиевич, доктор исторических наук, профессор

Мирзаев Шавкат Мустакимович, доктор физико-математических наук, профессор

Махмудов Насыр Махмудович, доктор экономических наук, профессор

Бутабоев Мухаммаджон Туйчиевич, доктор экономических наук, профессор

Буриев Сулаймон Буриевич, доктор биологических наук, профессор

Олимов Ширинбай Шаратович, доктор педагогических наук, профессор

Каххаров Отабек Сиддинович, доктор философии по экономическим наукам (PhD), доцент

Касимов Файзулло Мухаммедович, кандидат педагогических наук, доцент

Жумаев Улугбек Саттарович, кандидат психологических наук, доцент

PEDAGOGICAL SKILLS

The scientific-theoretical and methodical journal

3, 2020

The journal is submitted to the list of the scientific journals applied to the scientific dissertations for **Pedagogic** and **Psychology** in accordance with the Decree of the Presidium of the Ministry of Legal office of Uzbekistan Republic on Regulation and Supervision of HAC (The Higher Attestation Commission) on December 29, 2016.

The journal was founded in 2001.

The journal is published 6 times a year

The journal is registered by Bukhara management agency for press and mass media in Uzbekistan.

The certificate of registration of mass media № 05-072 of 22 February 2016

Founder: Bukhara State University

Publish house: Uzbekistan, Bukhara, Muhammad Ikbol Str., 11.

e-mail: ped_mahorat@umail.uz

EDITORIAL BOARD:

Chief Editor: Ph.D. of Pedagogy, Prof. Bakhtiyor R. Adizov.

Deputy Editor: Ph.D. of Economics, Prof. Bakhtiyor N. Navruz-zade.

Editor: DSc, Asst. Prof. Alijon R. Khamraev

Doctor of Economics Sciences Obidjan X. Xamidov

Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Uzakbai Sh. Begimkulov

Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Mels Kh. Mahmudov

Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Holby I. Ibrahimov

Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Abdurashid Ch. Choriev

Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Yelka K. Yanakiyeva (Bulgaria)

Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Siddik K. Kahhorov

Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. M. Mahmudova

Ph.D. of Psychology, Prof. Sharif R. Baratov

Ph.D. of Psychology, Prof. Azim M. Jabbarov

Ph.D. of Psychology, Prof. Rano I. Sunnatova

Ph.D. of Psychology, Prof. Vladimir V. Kozlov (Yaroslavl, Russia)

Ph.D. of Psychology, Prof. Vladimir G. Morogin (Abakan, Russia)

Ph.D. of Psychology Sciences, Prof. Olga A. Belobrikina (Novosibirsk, Russia)

Ph.D. of Psychology, Vera P. Chudakova (Kiev, Ukraina)

Ph.D. of Technical sciences, Prof. Shavkat M. Mirzaev

Ph.D. of Technical sciences, Prof. Mukhtor R. Amanov

Ph.D. of Technical sciences, Prof. Zakirkhodja A. Tadjikhodjaev

Ph.D. of Philology, Prof. Darmon S. Uraeva

Ph.D. of Philology, Prof. Shoiran N. Akhmedova,

Ph.D. of Physical and Mathematical Sciences, Prof. Durdimurod K. Durdiev

Ph.D. of Historical Sciences, Prof. Shadman A. Khaitov

Ph.D. of Historical Sciences, Prof. Halim H. Turaev

Ph.D. of Economics, Prof. Nasir M. Mahmudov

Ph.D. of Economics, Prof. Mukhammadjon T. Butaboev

Ph.D. of Biological Science, Prof. Sulaymon B. Buriev

Ph.D. of Pedagogical Science, Prof. Shirinboy Sh. Olimov

Ph.D. doctor of philosophy in economics Otabek S. Kahhorov

Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Fayzullo M. Kasimov

Ph.D. of Psychology Sciences, Prof. Ulugbek. S. Jumaev

MUNDARIJA

DOLZARB MAVZU	7
Носир МАҲМУДОВ. Интеллектуал салоҳият ва педагогик маҳорат, инвестиция – инновацион ривожланишнинг асоси.....	7
PEDAGOGIKA VA PSIXOLOGIYA.....	13
Shirinboy OLIMOV. Pedagogik texnologiyaning ilmiy asoslari.....	13
Шаҳноза ҚУЛИЕВА, Акмал ТЎРАЕВ. Бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда модулли таълим технологияларининг аҳамияти.....	17
Наргиза ХАЛИЛОВА. Шахс психологик тараққиётини таъминлашда рефлексивликни ривожлантириш усуллари ва такомиллаштириш технологиялари.....	22
Дилафрўз БАРАТОВА. Маҳаллада психологик хизмат ташкил этилишининг ўзига хослиги.....	32
Дилрабо АМРИДИНОВА Илк уйғониш даври мутафаккирлари ижодида комил инсон ғояси.....	35
Иноятхон ТҲИЧИБЕВА. Таълим муассасаларида ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишда ўқитувчининг тутган ўрни.....	38
Феруз ГАНЖИЕВ. Мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг социал интеллекти ва касбий компетенцияларининг амалий жиҳатдан ўрганилиши.....	42
Анвар ХИКМАТОВ. К вопросу развития системы военной разведки Амира Темура.....	47
Анвар АЛИМОВ, Иқбол САВРИЕВА, Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда педагогик инновациялардан фойдаланиш имкониятлари.....	50
Шоҳида ЮСУПОВА. Инновационная деятельность преподавателей при формировании технического мышления студентов в технических вузах.....	60
Зебо ҲАСАНОВА. Бўлажак ўқитувчиларда ахлоқий-эстетик дунёқарашни ривожлантиришнинг психологик асослари.....	64
Дилафруз ФАРСАХОНОВА. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларини маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг шакл ва методлари.....	71
Зулфия БОЛТАЕВА. Целевые ориентиры построения современного урока на основе личностно-ориентированного подхода в условиях коллаборативной среды.....	77
Ситора УМАРОВА. “Жавомеъ ул-хикоёт ва лавомеъ ул-ривоёт”да инсонпарварлик ғоялари.....	81
Феруза АЛКАРОВА. Ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштиришга йўналтирилган вазиятлар самарадорлиги.....	84
Адхамжон ЗИЯЕВ, Улуғбек МАҚСУДОВ. Ўқувчиларда фуқаролик туйғусини миллий кадриятлар асосида тарбиялашнинг педагогик жиҳатлари.....	87
Zarina MURODOVA. Ilmiy-axborot texnologiyalarining jadal rivojlanishida intellektual salohiyatning shakllanishi.....	91
Гулжан КУТТИБЕКОВА. Инновационная модель применения технологий артпедагогика и арттерапии в процессе эстетического воспитания младших школьников.....	95
Шокир ДОНИЁРОВ. Ўқувчилар жамоаси билан ишлашда бошқарув услубларидан фойдаланиш имкониятлари.....	99
Дилфуза ЖАББОРОВА. Масофали таълим – педагогик технологияларнинг муҳим таркибий қисми сифатида.....	103
Маъмура ЁДГОРОВА. Бўлажак мутахассисларнинг ижодий фикрлашларини шакллантиришда муаммоли ўқитиш технологиясини қўллаш методикаси.....	106
Umida XALIKOVA. Raqamli texnologiyalar – maktabgacha ta’lim yoshidagi bolalarning aqliy salohiyatini rivojlantiruvchi vosita sifatida.....	111
Азиза БОБОКЕЛДИЕВА. Бола қобилиятларини ривожлантиришда ижодий ўйинларнинг аҳамияти.....	118
Jahongir KARSHIYEV. Darsdan tashqari mashg‘ulotlar jarayonida talabalar dunyoqashini shakllantirish jarayonini loyihalash.....	121
Муталиб МИРЗАЕВ. Китобхонлик – маънавий тарбияни шакллантирувчи омил сифатида.....	127
Феруза Саидкулова. Талабаларда иқтисодий компетенцияни ривожлантиришнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари.....	132
МАКТАБГАЧА ВА БОШLANG‘ICH TA’LIM.....	137
Абдурашид ТУРҲУНОВ. Мактабгача ёшдаги болаларни мактабга психологик тайёрлаш.....	137
Бузулайхо ҚОДИРОВА. Бадий асарлар воситасида бошланғич синф ўқувчиларида тарихий онгни шакллантириш масалалари.....	142
Rustambek QO‘LDOSHEV. Чарақай болаларни мактабга қандай тайёрлаш керак?.....	145

Гулширахон Юсупова. Бошланғич синф ўқувчиларида креатив фаолликни таркиб топтиришнинг педагогик имкониятлари.....	148
FILOLOGIYA VA TILLARNI O‘QITISH	152
Zilola AMONOVA, Gulbahor QURBONOVA. Shekspir tragediyalarining umumta’lim maktablarida o‘rganilishi	152
Najmiddin BAKAYEV. Lotin tili amaliy mashg‘ulotlarida innovatsion texnologiyalardan foydalanishning samaradorligi.....	157
Зебо САЛИМОВА. Умумий ўрта таълим мактабларида инглиз тилини ўқитишда қўлланиладиган методлар таснифи.....	162
ANIQ VA TABIIY FANLAR	166
Тажибай САПАРБАЕВ, Маралбек ЖЭНІБЕКОВ, Гулназ ТАУТАНОВА. Методика преподавания темы «тепловое расширение твердых тел» виртуально-анимационным методом.....	166
Siddiq QANHOROV, Abdimo‘min KARIMOV, Oynisa KARIMOVA. Kompetentsiyaviy yondashuv asosida o‘quvchilarning tafakkurini oshirish	171
Лазиз НИЯЗОВ, Умурбек ҒАПУРОВ. Кимё фанини ўқитишда визуал объектлардан фойдаланишнинг аҳамияти.....	175
Мухриддин ҚАМБАРОВ. Олий математикадан дарс машғулотларини ташкил этишга қўйиладиган талаблар	180
Madina FARMONOVA. Biologiya o‘qituvchisining metodik tayyorgarligiga qo‘yiladigan zamonaviy talablar	187
Севара НАЗАРОВА, Ҳилола САЛИМОВА. “Тупроқ унумдорлиги” мавзусини ўқитишда педагогик технологияларнинг аҳамияти	193
Умида УМАРОВА. Мулоҳазалар алгебрасини ўқитишда интерфаол методлардан фойдаланиш методикаси.....	198
Xolida FAYZIYEVA. Fizika fanini o‘qitishda interfaol metodlardan foydalanish	204
AХBOROT TEXNOLOGIYALARI.....	206
Нозимбек ЗАРИПОВ. Мактаб ўқувчиларига информатика фанини ўқитишда компьютер графикаси дастурий пакетларидан фойдаланиш.....	206
Ibrat SADULLAYEV. Sirtqi ta’limda talabalarning o‘zlashtirish monitoringini olib borish («Plikers» texnologiyasi misolida)	212
Дониёр ТОШТЕМИРОВ, Муҳаммад НИЁЗОВ. Информатика ва ахборот технологиялари фанини ўқитишда турли даражадаги назорат топшириқларидан фойдаланиш	217
IQTISODIY TA’LIM VA TURIZM.....	224
Отабек ҚАХҲОРОВ, Асрор НОРОВ. Миллий иқтисодиёт ривожланишида олий таълим муассасаларида инновацияларни тижоратлаштиришнинг босқичлари	224
TASVIRIY SAN’AT VA MUSIQA TA’LIMI.....	228
Фаррух НУРУЛЛАЕВ. Мусиқа таълимида Бухоро фольклор кўшиқларига қўйиладиган методик талаблар	228
Шерали АБЕЗОВ. Развитие творческого потенциала студентов средствами народного искусства ..	234
JISMONIY TARBIYA VA SPORT	237
Искандар ХАМРАЕВ, Мохинур ИСКАНДАРОВА, Наргиза БАХРОНОВА. Принципы современной педагогической подготовки.....	237
Ҳасан САҒОЕВ. Футболчининг модели – унинг тактикаси сифатида.....	243
QUTLOV	248
Ўлмас РАСУЛОВ. Санъатшунос олим Файзулла Тўраев ижодий фаолиятига бир назар.....	248
Тўхтасин РАЖАБОВ. Таълимда устоз ва шоғирдлик анъанаси.....	251
Наззора Бекова. Кимё гулшанида тобланган “кимёи вужуд”	253
Нишон КИЯМОВ. Заҳматкаш ва забардаст олим.....	256
“Педагогик маҳорат” журнали учун мақолаларни расмийлаштириш талаблари.....	258

DOLZARB MAVZU

Носир МАҲМУДОВ
иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТ ВА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ, ИНВЕСТИЦИЯ – ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШНИНГ АСОСИ

Ушбу мақолада жамият тараққиёти учун илм-фан, интеллектуал салоҳият ва бу борада сарфланадиган инвестицияларнинг аҳамияти ҳамда ушбу жараённинг Ўзбекистондаги кечаги ва бугунги ҳолати, бу борада амалга оширилаётган ислоҳотлар кенг таҳлил қилинган. Шунингдек, келажакда жамият ва таълим соҳасини инновацион ривожлантириш, аҳоли, айниқса, ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини ошириш ва ўзбек халқининг буюк аجدодлари ижодини дунёга тарғиб қилиш бўйича таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: илм-фан, таълим, тарбия, инновация, инвестиция.

В этой статье представлен всесторонний обзор роли науки, интеллектуального потенциала и инвестиций в развитии общества, а также текущего и нынешнего состояния процесса в Узбекистане и текущих реформ в этой области. Были выдвинуты предложения по дальнейшему инновационному развитию общества и образования, повышению интеллектуального потенциала населения, особенно молодого поколения, развитию творчества великих предков узбекского народа.

Ключевые слова: наука, образование, обучение, инновации, инвестиции.

This article provides a comprehensive overview of the role of science, intellectual potential and investment in community development, as well as the current and present state of the process in Uzbekistan and the ongoing reforms in this area. Proposals for further innovative development of society and education, enhancing the intellectual potential of the population, especially the younger generation, and promoting the creativity of the great ancestors of the Uzbek people have been put forward.

Key words: science, education, training, innovation, investment.

“Дунёдаги ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат биринчи навбатда ўзининг интеллектуал салоҳияти, юксак маънавияти билан қудратлидир. Бундай энгилмас куч манбаи эса, аввало, инсоният тафаккурининг буюк кашфиёти – китоб ва кутубхоналарда десак, адашмаган бўламиз”.


Шавкат Мирзиёев

Инсониятнинг бугунги кунгача эришган ривожланиш даражаси, такомиллаштирилган фанларнинг назарий ва фалсафий ҳамда амалий жиҳатлари асосан X асрдан бошланган бўлса, техника ва технологияларнинг ихтиро қилиниши, уларни жадаллик билан ривожлантириш XIX-XXI асрларга тўғри келади.

Ушбу давр ичида юқори суръат билан ривожланиш даражаси дастлаб “Буюк ипак йўли” мамлакатларидан Европага, кейинчалик эса Америка ва Осиё (Шарқий Осиё) қитъаларига ўтган. Эришилган тараққиётнинг барчаси – ихтиролар, янгиликлар, кашфиётлар, яъни инновацион фаолиятнинг махсули ҳисобланади.

Ер шарни аҳолисининг сони жадал суръатлар билан кўпайиб, мавжуд ресурслар эса қисқариб бормоқда. Бугунги миллиард аҳоли XVII асргача шаклланган бўлса, иккинчи миллиард аҳоли учун 200 йил талаб қилинган. Ҳозирга келиб, ҳар бир миллиард аҳоли ўсиши учун 20-30 йил етарли бўлиб қолди. Инсон ҳаёти учун зарур бўлган ресурсларнинг чегараланганлиги, йил сайин уларнинг камайиб бориши, озиқ-овқат хавфсизлиги каби муаммолар ҳар бир мамлакат олдига қўйилган асосий вазифа бўлиб қолди. Жумладан, 1994 йил Ўзбекистон аҳолиси 22,2 млн. киши бўлиб, ер майдони 447,4 минг кв.км.ни ташкил қилар эди. Бугунга келиб аҳоли сони 34 млн.га етди, ер майдони эса ўзгармайди.

Ушбу глобал муаммоларнинг ечимини топиш учун инсондан идрок этишни, фикр-мулоҳазалар, ихтиролар қилишни талаб қилади, инновацион фаолиятга зарурат шаклланади.



1-расм. Инновацион ривожланишни шакллантириш услубияти

Инновацион ривожланишни шакллантириш жараёни, асосан учта таъминловчи механизмдан иборат ва уларнинг моҳияти ҳар хил миқдорга эга. Хусусан, амалий моҳияти бўйича: биринчи ўринда интеллектуал салоҳият, иккинчи ўринда инвестиция ва учинчи ўринда ташкилий тизимлардан иборатдир. Интеллектуал салоҳият бўлмаса, инвестицияга ҳам эҳтиёж қолмайди, ташкилий тизим ҳам зарур бўймайди. Ҳозиргача Ўзбекистонда уларнинг ўзаро боғлиқлигининг миқдорий нисбати аниқланмаган. Албатта, ҳар бир ихтиро ва тадқиқотнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, нисбатлар ҳар хил бўлади. 1-расм бўйича $MIR = A + B + C = 100\%$, бу ерда (A) нинг салмоғи юқорилигига шубҳа йўқ.

Юқоридаги хулосалардан келиб чиқиб, агар интеллектуал салоҳият мазкур тизимда етакчи бўлса, мамлакатимизда интеллектуал салоҳиятнинг ҳолати қанақа, потенциали қанча ва уни янада ривожлантириш учун нима қилиш керак? Шунингдек, инновацияни ривожлантиришга, илмий тадқиқот-ихтироларга ажратилган инвестициялардан қай даражада самарали фойдаланилмоқда каби саволларга жавоб топиш лозим бўлади.

Инсон туғилиши билан унда интеллектуал фаолият шакллана бошлайди ва у ҳар бир инсон учун турли нисбатга эга бўлади. Билим, таълим олаётган болаларимизни интеллектуал салоҳияти бўйича шартли равишда уч гуруҳга бўлишимиз мумкин, яъни:



2-расм. Миллатнинг интеллектуал салоҳиятини такомиллаштириш механизми

Табиийки, иккинчи гуруҳ биринчига, учинчи гуруҳ иккинчига интилади. Ушбу жараёнда асосан билим берувчи педагог ва унинг маҳорати, оила ва атроф муҳит муҳим ҳисобланади. Гуруҳда таълим олаётган болалар, талабалар юқорида қайт этилган уч гуруҳни ташкил қилади, яъни улар юқори, ўрта ва паст даражадаги интеллектуал салоҳиятга эгадирлар. Уларнинг салмоғи фанлар ва мутахассислик бўйича ҳар хил миқдорга эга. Ушбу ҳолатни тўғри баҳолаб, ўқув жараёнини самарали ташкил қилиш педагогнинг маҳоратига боғлиқ бўлади.

Ўзбекистонда инновацион фаолиятни янада ривожлантиришга наслий асос бор. Яъни тарихга назар ташласак, Марказий Осиёда фақат Ўзбекистонда яшаб, ижод қилган алломаларимиз Ал-Хоразмий, Ал-Бухорий, Ал-Фарғоний, Али Абу Ибн Сино, Улуғбеклар томонларидан яратилган ва бутун дунё-инсоният тан олган фундаментал фанлар бугунги кунда ҳам ўз кадр-қимматини йўқотгани йўқ. Улар томонидан яратилган математика, астраномия, тиббиёт ҳамда фалсафа каби фундаментал фанлар асрлар давомида инсониятга хизмат қилиб келмоқда.

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

Афсуслар бўлсинким, Собик иттифоқ даврида юқорида қайт этилганлар, яъни дунёвий билимларга асос солган алломаларимиз ҳаёти ва ижоди, уларнинг ихтиролари ҳақидаги манбалар, ахборотларни халқимизга, айниқса, ёшларга етказиб бера олмадик. Бу борада марказ томонидан макул даражада тўсиқлар, чекланишлар мавжуд эди. Шунинг таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида хусусан, 2017 йилгача ҳеч қандай тўсиқлар, чегараланишлар йўқ даврда ҳам илмий тадқиқотларнинг мамлакатни ривожлантиришдаги ўрнига, кадр-қимматига етарли даражада эътибор берилмади. Ўзбекистон Фанлар академияси йўқолиш даражасига келиб қолган эди, баъзи илмий тадқиқот институтлари тугатилди. Ўзбек халқининг гурури олим-у алломаларининг ҳаёти ва ижоди, уларнинг ихтиролари ҳақидаги ахборотлар матбуот, радио-телевиденияда қисман ёритилиб берилди. Фикримизча, бу етарли эмас эди. Улар ҳақида ёзилган адабиётлар етарли нусхада чоп этилмаганлиги сабабли омманинг, ёшларимизнинг талабини тўлиқ қондира олмадик.

Республикада илмий салоҳиятни янада ошириш, ёшларни илмий тадқиқотга, яқиндан янги ихтироларни амалга оширишга ундаш, ўзбек миллатини илм-фан соҳасидаги буюк алломаларнинг ҳаёти ва ижодини янада чуқурроқ ўрганиш, уларни халқаро даражада тарғибот қилиш мақсадида ўз йўналишлари бўйича халқаро фондлар ҳамда музейлар ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Таклиф сифатида, Инновацион ривожланиш вазирлиги ташкилотчилигида Ал-Хоразмий халқаро фонди ва музейи Ўзбекистон Фанлар академиясининг Математика илмий тадқиқот институтида, Беруний халқаро фонди ва музейи Урганч давлат университетиди, Абу Али Ибн Сино халқаро фонди ва музейи Бухоро давлат тиббиёт институтида, М.Улуғбек халқаро фонди ва музейи Самарқанд давлат университети таркибиди шакллантириш мумкин.

Халқаро фондларнинг маблағ жиҳатдан шаклланиши ички ва ташқи тушумлардан иборат бўлади, яъни Инновацион ривожланиш вазирлигидан, йўналишлар бўйича илмий тадқиқот институтларидан, олий таълим муассасаларидан, ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ташкилотлардан, ихтиёрий даражада ташкилотлар ва жисмоний шахслар ҳамда хорижий мамлакатлардаги ўзбекистонлик фуқаролар ҳисобидан шакллантириш мумкин.

Фонд маблағларидан алломаларнинг ҳаёти ва ижоди, ихтиролари натижаларини ўрганиш, хорижий мамлакатлардаги уларнинг қўлэмаларини олиб келиш, бир неча тилларда таржима қилиб, етарли нусхада чоп этиш, фундаментал фан сифатида йўналишлар бўйича халқаро илмий-амалий анжуманлар, симпозиумлар ўтказиш ва ахборот дисклари тайёрланиб, мамлакат ҳудудида ҳамда хорижий мамлакатлар илм аҳлига улардан оммавий тарғибот учун фойдаланишга сарфланади. Натижада, интеллектуал салоҳиятга эга бўлган инновацион фаолият кўрсатаётганлар учун, айниқса, ёшларимизни маълум даражада илмий тадқиқот ишларига янада кўпроқ йўналтиришга ва буюк алломаларимиз ҳақида хорижий мамлакатларда ҳам тарғибот қилишга имконият яратилади. Хар уч йилда бир марта математика, тиббиёт, астраномия каби фундаментал фанларнинг муаммоларига бағишланган халқаро анжуман ўтказилса, жумладан, дунёнинг етук математиклари, астраномлари йиғилади. Ушбу йўналишлар бўйича улар Ўзбекистонда олиб борилаётган инновацион фаолият ва эришилаётган натижалар билан танишадилар. Биз эса уларнинг илмий фаолиятлари натижаларини билиб оламиз. Шунингдек, ўзаро фикр алмашиш натижасида фундаментал фанларнинг тезроқ ривожланишига асос яратилади.

Мустақилликка 29 йил бўлган бўлса, шу давр ичида алломаларнинг ҳаёти ва ижодини акс эттирувчи ҳамда кўплаб хорижий тилларга таржима қилиб, халқаро даражада тарғибот қилинадиган бадиий филмлар ишлаб чиқилмади.

Молиявий таъминотсиз инновацион фаолиятни самарали амалга ошириб бўлмайди. Хорижий мамлакатлар тажрибасига назар солсак, мамлакатнинг инновацион ривожланишини таъминлаш учун илм-фанга давлат бюджетидан энг камида 2 ва ундан ортиқ фоизда маблағ ажратилиши лозим экан. Япония, Жанубий Корея, Германия, Франция каби ривожланган мамлакатлар 3-5 фоиз маблағ ажратилган йиллари юқори ўсиш даражасига эришганлар. Ўзбекистонда 2017 йилгача ушбу кўрсаткич 0,3 фоизга ҳам етмас эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев илмий тадқиқот, инновацион фаолиятга алоҳида эътибор қаратиб, ўз маърузаларида инновацион ёндошувсиз, илм-фан тараққиётсиз мамлакат иқтисодиётининг жадал ривожланишини таъминлаб бўлмаслигини таъкидлаган эдилар. Кенг қамровли зиёлий-олимлар муҳокамасидан сўнг 2019 йил 29 октябрда Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу қонунни ҳаётга татбиқ қилишнинг амалий жиҳатларини таъминлаш мақсадида Фан ва технологиялар бўйича республика Кенгаши ташкил қилинди. Уларнинг ташаббуслари билан Фанлар академияси ва унинг таркибиди Илмий тадқиқот институтлари янги талаблар асосида қайта шакллантирилди. Ушбу тизимдаги илмий муассасалар сони 20 тадан 35 тага етказилди. Хар йили амалга ошириладиган

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

академикликка сайланиш жараёни яна давом еттириладиган бўлди. Академиклар, илмий ходимлар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилди. Утган уч йил давомида илмий ходимларни моддий рағбатлантириш мақсадида уларнинг иш ҳақлари 3 баробар оширилди. Илмий даражага эга бўлган фан докторлар ва номзодлари ҳамда ўз йўналишлари бўйича (PhD) докторлари учун алоҳида устама ҳақ белгиланди.

Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 31 январ куни пойтахтимизнинг “Олимлар” кўчасидаги Илмий тадқиқот институтларига ташрифидаги маърузаларида илм-фан ходимларини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни давомийлигини таъкидлаб, қуйидаги вазифаларни белгилаб бердилар: **“Энди олимларимиз ҳам масъулятни чуқур хис қилган ҳолда, тадқиқотларнинг амалий натижалари билан тегишли соҳалар ривожига муносиб ҳисса қўйишлари лозим. Академиклардан ҳам, илм-фан соҳасига илк қадам қўяётган ёш олимлардан ҳам катта шижоат ва амалий натижалар талаб этилади”**.

Мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантириш, қисқа муддат ичида уни ривожланган мамлакатлар даражасига олиб чиқиш учун инновациянинг туб моҳиятини очиб берган Президентимиз Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатномасида **“... биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислоҳотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз”**, деб таъкидладилар. Мамлакатимизда 2020 йилнинг “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб номлашни таклиф қилинганлиги бежиз эмас. Шундан келиб чиқиб, илм-фан ҳамда рақамли иқтисодиёт йўналишларига етарли миқдорда маблағ ажратилади. Бир неча ўнлаб Давлат дастурлари, фундаментал амалий лойиҳаларни бажариш вазифа қилиб белгиланди. Шу ўринда, давлатимиз раҳбарининг **“Мамлакатимиз учун илм-фан соҳасидаги устувор йўналишларни аниқ белгилаб олишимиз керак. Хеч бир давлат илм-фаннинг барча соҳаларини бир йўла тараққий эттира олмайди. Шунинг учун биз ҳар йили илм-фаннинг бир нечта устувор йўналишини ривожлантириш тарафдоримиз”** деган кўрсатмаларини барча олим-у зиёлийлар инновацион фаолиятларида инобатга олишлари керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуслари асосида Инновацион вазирлик ташкил қилинди, қисқа вақт ичида вазирликнинг ташкилий тизими, таркиби шакллантирилди, керакли мутахассислар билан таъминланди. Вазирлик олдида инновацион фаолиятни самарали ташкил қилиш, илм-фан йўналишларини координация қилиш, уларни ўзаро боғлиқлигини баҳолаш, буюртмаларини талаблар асосида илмий тадқиқот лойиҳаларини шакллантириш ва молиявий ресурслар билан таъминлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари муаммоларининг ечимини топишга кўпроқ инвестиция киритиш ҳамда инновацион фаолият натижаларини амалда кенг қўллашни ташкил қилиш, тадқиқотлар натижаларини тижоратлаш каби вазифалар қўйилди.

Албатта, инновацион фаолиятнинг мураккаб жараёنлигини ҳисобга олсак, юқорида қайт этилган муаммоларнинг самарали, оқилона ва муқобил ечимини топиш учун юқори интеллектуал салоҳиятга эга бўлган мутахассис кадрлар керак. Давлатимиз раҳбари ушбу муаммога алоҳида эътибор қаратиб, Олий Мажлисга мурожаатномасида **“... ташаббускор ислоҳотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юртадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур. Шунинг учун ҳам боғчадан бошлаб, олий ўқув юртигача – таълимнинг барча бўғинларини ислоҳ қилишни бошладик”**. Шунингдек, “Мурожаатнома”да мактабларнинг ўқув дастурларини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш, ўқув юктамалари ва фанларни қайта кўриб чиқиш, уларни халқаро стандартларга мослаштириш, дарслик ва адабиётлар сифатини ошириш, олий таълим стандартларини хорижий тажриба асосида такомиллаштириш, ўқитиладиган фанларни қайта кўриб чиқиш ҳамда мутахассисликка алоқаси бўлмаган фанлар сонини 2 баробарга қисқартириш каби вазифалар белгилаб берилди.

Ҳар бир оила ўз фарзандининг камолини кўришни, ҳаётда ўз ўрнини топиши, бахтли-саодатли яшашини истайди. Бунинг учун эса ота-оналар фарзандларини илмий ва маънавий жиҳатдан етук мутахассис, ўз касбига эга, ватанига, миллатига содиқ инсон қилиб тарбиялашга ҳаракат қилади – инвестиция киритади. Шу ўринда, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Президент мактаби фахрий меҳмонлари китобига ёзган дастхатини эслаб ўтиш жоиздир: **“... Янги Ўзбекистонимизни юксак тараққийёт босқичига кўтаришдек эзгу ниятимизга янги ва мустақил фикрлайдиган, ўз Ватанини жонидан ортиқ севадиган, унинг ёруғ келажаги учун садоқат билан хизмат қиладиган, фидойи ёшларни тарбиялаш орқали эришамиз”**. Бугунги кунда аксарият оилаларда топилган даромадларни урф-одатлар, менталитет деб ёки манманликка берилиб катта-катта тўй-хашамларга, тадбирларга сарфлайдилар, фарзандларни кўшимча ўқитишга, билимли, юқори савияли

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

бўлишига эътибор берилмайди. Яъни оила бюджетидан самарали фойдаланилмайди, албатта, бу салбий ҳолатдир.

Ўзбекистон ёшлари – болаларимизнинг илмий салоҳиятга мойиллиги, онгли тафаккури ва ақл-идроки ҳамда фикрлаши бошқаларга нисбатан юқори эканлигини алоҳида таъкидлаш мумкин. Бунинг учун дунёдан олган буюк алломаларимиз юрти Ўзбекистон бўлганлиги учун наслий омил десак, хато бўлмайди. Ушбу ҳолатни мустақиллик йилларида ёшларимиз халқаро даражадаги кўплаб танловларда ўзларининг ютуқлари билан асослаб бердилар. Айниқса, фундаментал фанлар – математика, кимё, шунингдек, мусиқа ҳамда спортнинг кўплаб турларидан, жумладан, шахмат каби ақлий йўналишлардан бунинг жамъи олимпиадаларининг совриндорлари бўлишмоқда. Биринчи Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги математика фанига ихтисослашган мактабдан охириги 20 йил ичида 37 тадан ортиқ ўқувчилар математика фанидан жамъи олимпиадаси совриндорлари бўлишди. Агар ушбу мактаб мураббийлари моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилса, уларнинг ўқув-методик ҳамда педагогик маҳоратларини асос қилиб барча вилоятларда ташкил қилинса, фан соҳасидаги олимпиада ғолиблари янада кўпроқ бўларди.

Ушбу ижобий ютуқлар яхши, ўзимизники, лекин ёшларимизнинг интеллектуал салоҳиятини кўрсатиш борасида фойдаланилмаган имкониятларимиз, захираларимиз кўп.

Зеро, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2019 йилнинг 10 сентябрь куни Тошкент шаҳридаги Президент мактабига ташрифи чоғида педагоглар билан мулоқотида **“... мен сизларга энг катта бойлигимни ишониб топширяман. Болаларимизнинг кўзини, билимини, гурури-ифтихорини кўриб, йўлимиз тўғри эканига ишонч ҳосил қилдим. Ислохотларимизга, фарзандларимиз тарбиясига елкадош бўлганингиз учун сизларга миннатдорлик билдираман”**, – дея таъкидлаган эдилар.

Аксарият ота-оналар фарзандларининг қабилитидан, қайси фанни яхши кўриши, яхши ўзлаштиришидан қатъий назар уларнинг касб танлашини чеклаб қўйишади. Фарзанди фундаментал фанни қизиқиб, яхши ўқиб, ўзлаштирган бўлса ҳам, баъзи ота-оналар ўз фарзандининг қабилитини, имкониятини инобатга олмасдан – сен ҳуқуқшунос ёки иқтисодчи ёхуд божхона соҳасидаги касбга эга бўласан деб боланинг тақдирини ҳал қилишади. Бу, албатта, боланинг интеллектуал салоҳиятидан амалда тўлиқ фойдаланиш нуқтаи назаридан салбий ҳолатдир.

Ўзбекистоннинг, миллатимизнинг келажагини ўйлаб давлатимиз раҳбари ташаббуслари билан Президент мактаблари ташкил қилинди ҳамда Президентимиз Шавкат Мирзиёев шундай тилак билдирди: **“Мен ишонаман, бу масканлар жонажон Ўзбекистонимизнинг эртанги тақдирини ўз қўлига олишига, глобаллашув даврида кескин беллашув ва рақобатларда ғолиб бўлишига қодир шахсларни – янги Хоразмийлар, Фарғонийлар, Бегунийлар, Улуғбекларни тарбиялаб етиштиради”**. 2019 йилнинг ўзидаёқ ана шундай 4 та Президент мактаблари, 3 та ижодий мактаблар тубдан янги ташкил қилинди. Ушбу янгиликлар, ёндошувлар Ўзбекистон тарихида биринчи марта амалга оширилди. Президент мактабларига қабул жараёнида халқаро эксперт-мутахассислар билан шаффоф ўтказилганини, болаларимизга уларнинг берган баҳоларини, айниқса уларнинг мамлакатимиз ҳудудларида ташкил қилиниши, қабул қилинган болалар ота-оналарини телевидения орқали хурсандчилик кўз ёшлари билан Президентга айтган сўзларини эшитган ҳар бир Ўзбекистон фуқароси ғурурланди.

Стратегия назарияси фанида ўз инерцияси билан ривожланиш салбий ҳолат деб ҳисобланади. Охириги уч йиллик ривожланишдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти – ҳозирги рақобатбардош муҳитда жадал, шиддатли ривожланишни ҳар бир иқтисодиёт тармоғи олдида вазифа қилиб қўйдилар. Бунинг учун эса инновацион фаолиятни янада кенгрок амалга ошира оладиган интеллектуал салоҳиятга эга кадрлар зарур.

Ушбу мақсадда қиёсий таҳлиллар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, дунёда яхудий миллати интеллектуал салоҳият ҳамда ақлий меҳнат фаолияти бўйича етакчи ўринларни эгаллаган. Улар ўз болаларини ёшлигидан шунга ундайди, кўпроқ ақлий меҳнатга йўналтиради, ақл-мия фаолиятини ривожлантириш талаблари асосида овқатланиш рақибига алоҳида эътибор беради, ёшлиқдан чет тилларини ўргатади.

Тан олиш керак, ушбу соҳага етарлича эътибор бермаймиз. Аниқроқ айтадиган бўлсак, жисмоний меҳнат билан шуғулланадиганларнинг ўзини овқатланиш рақибига, ақлий меҳнат соҳасида фаолият кўрсатувчиларнинг ўз рақибига бўлиши лозим. Бунинг учун Ўзбекистонда бошқа мамлакатларга нисбатан имкониятлар кўпроқ, яъни интеллектуал салоҳиятни оширишга имконият берувчи озиқ-овқат рақибига – ёнғок, майиз, асал, саримсок, тухум, балиқ каби маҳсулотлар ўзимизда табиий шароитда етиштирилади. Фақат биз ота-оналардан, тарбиячи-педагоглардан талаб –

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

фарзандларимиз ақл-заковатини оширишга ёрдам берадиган овқатланиш рационидан фойдаланишимиз лозим. Афсуски, аксарият ота-оналар бунга эътибор бермаймиз.

Ушбу муаммолар ечимини топиш учун Инновацион ривожланиш вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги биргаликда матбуот ва телевидениядан тарғибот учун кенг фойдаланган ҳолда тизимли фаолият кўрсатсаларгина Президентимиз, ўзбек халқи орзу қилган марраларга эришишимиз мумкин.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // Халқ сўзи. – Т.: “Шарқ” нашриёти, 1992 йил 15 декабрь, №243 (494)-сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги “Таълим тўғрисида”ги 464-И-сон Қонуни / Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон; 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон.
3. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” 463-И-сон / Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркия президенти девони халқ кутубхонасининг тантанали очилиш маросимидаги нутқи // Халқ сўзи. – Т.: “Шарқ” нашриёти, 2020 йил 21 февраль, №38 (7540), 1 бет.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. – Т.: “Шарқ” нашриёти, 2020 йил 25 январь, №19 (7521), 2-4 бетлар.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 31 январь куни пойтахтимизнинг Олимлар кўчасидаги илмий-тадқиқот институтларига ташрифи чоғидаги нунки // Халқ сўзи. – Т.: “Шарқ” нашриёти, 2020 йил 1 февраль, №24 (7526), 1 бет.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 10 сентябрь куни Тошкент шаҳрида иш бошлаган Президент мактабига ташрифи чоғидаги нунки // Халқ сўзи. – Т.: “Шарқ” нашриёти, 2019 йил 11 сентябрь, №188 (7418), 1 бет.
8. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 октябрдаги “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги ЎРҚ-576-сон Қонуни. www.lex.uz
9. Махмудов Н., Акабирова Д. Стратегия инновационного развития промышленности Республики Узбекистан в период модернизация экономика. Монография – Т.: «Иқтисодиёт» 2011 г. 331 стр.
10. www.stat.uz– Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий сайти.

PEDAGOGIKA VA PSIXOLOGIYA

Shirinboy OLIMOV

Buxoro davlat universiteti
pedagogika kafedrası professori,
pedagogika fanlari doktori

PEDAGOGIK TEXNOLOGIYANING ILMIY ASOSLARI

Ushbu maqolada zamonaviy pedagogik texnologiyalarni o'quv jarayonida qo'llash zarurati, uning ilmiy asoslari haqida suz yuritilib, zamonaviy pedagogik texnologiyalarning muhim tarkibiy qismlari hisoblangan hamkorlikda o'qitishning imkoniyatlari, mazmuni, afzalliklari ochib berilgan. Shuningdek, maqolada o'qitish jarayonida o'qituvchi-o'quvchi, obyekt-subjekt tarzidagi hamkorlikka asoslangan ta'lim berish jarayonining xususiyatlari kursorib berilgan. Hamkorlik pedagogikasining xorijiy davlatlar va mamlakatimizda qo'llanilishi haqidagi fikrlar qisqichliq ta'lim qilingan.

Kalit so'zlar: ta'lim, tarbiya, ta'lim texnologiyalari, zamonaviy pedagogik texnologiyalar, hamkorlikda o'qitish, o'qituvchi-o'quvchi hamkorligi, didaktik tizim, o'quv materiali, rivojlanitiruvchi ta'lim.

V данной статье речь идет о необходимости применения современных педагогических технологий в учебном процессе, раскрыты возможности, содержание, преимущества совместного обучения, являющегося важной составляющей современных педагогических технологий.

V статье также указаны особенности образовательного процесса, основанного на сотрудничестве в стиле преподаватель-студент, объекта-субъекта в процессе обучения. Сделан сравнительный анализ мнений о применении педагогики сотрудничества в зарубежных странах и в нашей стране.

Ключевые слова: образование, воспитание, образовательные технологии, современные педагогические технологии, совместное обучение, сотрудничество учителя и ученика, дидактическая система, учебный материал, развивающее образование.

This article deals with the need to apply modern pedagogical technologies in the learning process, reveals the possibilities, content and advantages of joint learning, which is an important component of modern pedagogical technologies.

The article also specifies the peculiarities of the educational process based on cooperation in the style of a teacher-student, object-subject in the learning process. A comparative analysis of opinions on the application of pedagogy of cooperation in foreign countries and in our country is made.

Key words: education, upbringing, educational technologies, modern pedagogical technologies, joint learning, teacher-student cooperation, didactic system, educational material, developing education.

Bugungi ta'lim-tarbiya islohoti bo'lajak mutaxassislarni kasbiy faoliyatga tayyorlashda ularning bilim, ko'nikma va malakalarini zamonaviy talablarga mos shakllantirish muammosini dolzarb qilib qo'ydi. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi PF-4947-son Farmonining 4.4-bandida belgilab qo'yilgan "Ilmiy-tadqiqot va innovatsiya faoliyatini rag'batlantirish, ilmiy va innovatsiya yutuqlarini amaliyotga joriy etishning samarali mexanizmlarini yaratish, oliy o'quv yurtlari va ilmiy-tadqiqot institutlari huzurida ixtisoslashtirilgan ilmiy-eksperimental laboratoriyalar, yuqori texnologiya markazlari va texnoparklarni tashkil etish" [1] ustuvor vazifalar sifatida belgilab qo'yilgan. Mazkur vazifalarning samarali hal etilishi o'z navbatida innovatsion ta'lim muhitini tashkil etish va ta'lim-tarbiya jarayonida yangi zamonaviy texnologiyalarni ishlab chiqish va amalda joriy qilish orqali mavjud dolzarb muammo va kamchiliklarni bartaraf etishni taqozo etadi.

Pedagogikaga oid adabiyotlar tahlili shuni ko'rsatadiki, hozirgi davrda **pedagogik texnologiya** tushunchasi ta'lim amaliyoti va nazariyasi ilmdan mustahkam o'rin egalladi, lekin uning pedagogikaning mukammal lug'atlaridagi o'rni hali noma'lumligicha qolmoqda.

Pedagogik texnologiya tushunchasining shakllanishi va rivojlanishi tarixida turli qarashlar mavjud bo'lgan: u texnik vositalar haqidagi ta'limot deb hamda o'qitish jarayonini loyihalashtirilgan holda izchil va

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

muntazam tashkil etish deb talqin qilingan. Hozirda pedagogik texnologiyalarning bir qancha ta'riflari mavjud.

V.P. Bospalko pedagogik texnologiyani *"amaliyotga tatbiq qilinadigan muayyan pedagogik tizim loyihasi"* sifatida belgilaydi. U pedagogik tizim texnologiyalar ishlab chiqish uchun asos bo'ladi, deb hisoblaydi. Bunda asosiy diqqat o'quv-pedagogik jarayonni oldindan loyihalashga qaratiladi, **didaktik vazifa va o'qitish texnologiyalari** tushunchasidan foydalaniladi. Shu tariqa V.P. Bospalko o'quv jarayonini loyihalash g'oyasini ilgari suradi, afsuski, pedagogik **texnologiya va loyiha** tushunchalari haqida aniqlik yo'q.

Pedagogik texnologiya ta'lim jarayoniga jadallik bilan kirib borayotgan bo'lsa ham, uning maqomi noaniqligicha qolib ketmoqda. Tadqiqotchilarning ishlarida fan va amaliyot oraliqidan o'rin egallamoqda.

N.F.Talizina har bir pedagog real pedagogik jarayonni tashkil etishdan oldin o'quv jarayoni haqida *texnologik darajada bilimlar tizimini bilib olgan bo'lishi shart* deb ta'kidlaydi. U fan va amaliyot oraliqida tamoyillarni olg'a suruvchi, metodlar ishlab chiquvchi, ularni izchil qo'llash kabi masalalar bilan shug'ullanuvchi alohida fan bo'lishi kerak, deb hisoblaydi, ularsiz pedagogik jarayon asoslanmay qoladi (texnologiya real o'qitish jarayoni sifatida) [3,38].

Ayrim mualliflar o'qitish texnologiyalariga fan va san'at oraliqidagi fan deb qaraydilar, boshqalari uni loyihalash bilan bog'laydilar.

Bir yondashuvda o'qitish texnologiyalari o'qitishning barcha vositalarini qamrab olgan qandaydir jihozlash sifatida ham belgilanadi. Unda texnologiya o'quv jarayonini texniklashtirishni taqozo qiladi.

Boshqa yondashuv esa texnologiyaga ta'lim amaliyotini yangi yoki zamonaviylashtirilgan bilimlar bilan ta'minlashning usuli sifatida qarashga imkoniyat beradi. Bunda texnologiyaga ta'limning ilmiy tamoyillari va amaliyotini tatbiq etish sifatida qaraladi.

Texnologiya tushunchasi 60-yillarda Amerika va G'arbiy Evropada ta'limning isloh qilinishi bilan bog'liq ravishda kirib keldi. B.Blui, J. Keroll, P.Ya.Galperin, V.I.Davidov, N.A.Menchinskaya, Z.I.Kalmokova, L.I. Zankov texnologiyalari mashhur. O'qitishni tashkil qilishning texnologik yondashuvlari V.P.Bospalko, N.F.Talizina, L.M.Fridman, Yu.N.Kulyutkina, G.S.Suxobskoy, T.V.Kudryavtsev, A.M. Matyushkin, M.I.Maxmutov kabi aksariyat psixolog va didaktiklarga taalluqlidir.

Texnologik yondashuvlar tahlili shuni ko'rsatadiki, aksariyat o'qitish texnologiyalari bo'sh texnologiyalanganligi holicha qolib ketmoqda. Bir qator texnologiyalarda esa nazariy asoslar kuchaytirilgan, amaliy tomoni u qadar oydinlashtirilmagan.

T.A.Ballo texnologiyaning bir tomonini, ya'ni o'qitishda topshiriqli yondashuvni yoritadi. Boshqalarida yo kompyuter orqali dasturlashtirilgan o'qitish, yoki o'qitishning muammoli tuzilmasi ajralib turadi.

L.V. Zankov, T.Ya.Galperin, V.I.Davidov tadqiqotlarida bosqichli o'qitishning yaxlit texnologiyalari haqida ham fikr yuritiladi.

1. Pedagogik texnologiyada hali ko'p aniqlanmagan masalalar bor. bu muammoni tadqiq etish o'qitish texnologiyasining tushunchasi va metodologik mohiyatini aniqlash bilan bog'liq.

Ta'lim texnologiyasi deganda ta'limning belgilangan maqsadi va talabaning bilim darajasiga ko'ra o'quv faoliyatini boshqarishning nazariy loyihasi va pedagogik tizimning amalda bo'lishini ta'minlovchi zarur vositalar tizimi tushuniladi.

O'qitishning shaxsga yo'naltirilgan texnologiyasi biror nazariya va maqsad asosida ishlab chiqiladi. Pedagogik tizimning amalda bo'lishi, uning moslanuvchanligi hamda talabaning shaxsiy xususiyatlari, ularning texnologik va individual me'yorlari bilan bog'langan. Bunda ushbu texnologiyalarning moslashuvchanligi, ularning variativligi, talaba xatti-harakatlarining bosqichlilik muhim ahamiyat kasb etadi.

O'qitish texnologiyasi sathida o'quv jarayonining barcha komponentlari yoritiladi.

Shaxsga yo'naltirilgan texnologiya asosida talabalarning intellektual va emotsional-motivatsion rivojlanishi, bilim va kasbiy malakalar shakllanishi, ta'lim jarayoniga qadriyat sifatida yondashish munosabatini ta'minlash, faollikni oshirish, o'z-o'zini anglash va mustaqilligini shakllantirish yotadi.

Bu tadqiqotlarni tahlil qilgan holda ushbu ta'rifni berish mumkin:

Pedagogik texnologiya ta'lim maqsadlariga erishish va shaxsning rivojlanishiga qaratilgan pedagogik faoliyatni muttasil ravishda rivojlantirish tizimi loyihasidir.

Oliy ta'limni isloh qilish bu masalalarga ilmiy asoslangan nazariyalar nuqtayi nazaridan yondashishga majbur etadi. Har qanday loyihalash, o'qitishning ilmiy asoslangan vositalari bo'lgani holda uning texnologikligi hisoblanmaydi.

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

Loyihalash metodologik funktsiyani bajaradi. U talabning psixik rivojlanish qonuniyatlari, o'quv jarayonining rivojlanish xususiyatlari va pedagogik boshqaruv usullarining tadqiqot vositasi sifatida maydonga chiqadi.

Oliy o'quv yurtida ta'limni takomillashtirish maqsadida pedagogik muloqotning yangi shakllari, axborotlarning tarkibiy qismlarini qayta ishlab chiqish, o'quv faoliyatini boshqarishning yangi shakllari talab qilinadi.

Texnologik taraqqiyot bugungi kunda ijtimoiy jarayonlarni kuzatib borishga qodir eng muhim komponentlardan biridir. Pedagogik ta'lim texnologiyasini yaxshilash jamiyat madaniy saviyasini va uning iqtisodiy qudratini shakllantirish shartidir.

O'qitish texnologiyasi ta'limning faoliyatini ta'minlaydi, bilimlarni mehnat jarayoniga tatbiq etishni ta'minlaydi, pedagogning ongliligini qolipga tushiradi, uning jadal harakat qilishiga va hayot yo'liga ta'sir ko'rsatadi.

Kasbiy o'qitish texnologiyasi shaxsni intizom, iroda va ixtisoslikka bo'lgan qiziqishni yuzaga keltiradi. Mutaxassisga bo'lgan har tomonlama talabni qanoatlantirishga qaratilgan ta'lim texnologiyalari pedagog va talabning hamkorligiga tezlikda moslangan psixologik-pedagogik shart-sharoitlarni amalga oshirishga yo'naltiradi.

Mutaxassislarni kasbiy tayyorlash texnologik tamoyili bo'lajak kasbiga qaratilgan maqsadlar, mazmun funktsiyalari, o'qitish metodlaridir. Shundan kelib chiqqan holda pedagogik texnologiyalar ishlab chiqiladi.

Pedagogik texnologiyalar ta'riflariga bo'lgan turli yondashuvlar shuni ko'rsatadiki, haqiqatdan ham o'qitish texnologiyalari fan va ishlab chiqarish hamda o'quv-pedagogik jarayon oralig'idan o'rin oladi. Bu kasbiy didaktik tayyorgarlik tizimidagi bilimlarning mustaqil sohasi bo'lib, u o'qitishning didaktika nazariyasi va amaliyoti bilan chambarchas bog'langan. U o'quv faoliyatini boshqarish jarayonini loyihalash va konstruksiyalash funktsiyalarini o'zida qamrab oladi.

O'qitish texnologiyasi tarkibiga o'quv jarayonini boshqarishning aniq usullari, boshqarish va o'qitishning ayni istiqbolli tadbirlari haqidagi ham nazariy, ham amaliy bilimlar kiritiladi. O'quv jarayonining borishi sharoitlariga mos ravishda ularning izchilligi belgilanadi.

O'qitish texnologiyasi, o'qitish nazariyasi, o'qitish texnikasi. Ular o'quv faoliyatini boshqarish haqidagi pedagogik sohalardir, ular umumlashtirilgan darajasiga ko'ra amalga oshiriladi.

Pedagogik texnologiya ta'lim istiqbolining jarayonlashtirilgan aspektidir.

O'qitish texnologiyasini belgilash – bu kasbiy faoliyat sohasidagi ta'limiy va takomillashish samarasini ta'minlovchi o'quv jarayonini me'yoriy boshqarib turishdir.

Ilmiy adabiyotlarda pedagogik texnologiyaning uch aspekti to'g'risida fikr yuritiladi: *ilmiy, tavsifiy, amaliy*.

Ilmiy aspektda o'qitishning maqsadi, mazmuni va metodlari ilmiy asoslanadi, pedagogik jarayon loyihalashtiriladi.

Tavsifiy aspektda rejalashtirilgan o'qitish natijalariga erishishning maqsadi, mazmuni, metodlari va vositalarining ishtiroki asosida algoritm jarayoni ishlab chiqiladi.

Amaliy aspektda pedagogik texnologiya jarayoni amalga oshiriladi.

Ta'lim amaliyotiga nisbatan pedagogik texnologiyaning uch sathi belgilanadi: *umumpedagogik, xususiy metodik, lokal (modul)*.

Umumpedagogik texnologiya yaxlit ta'lim jarayonini ifoda qiladi.

Xususiy metodik texnologiya bir fan doirasidagi o'quv-tarbiya jarayonini amalga oshirish metodlari va vositalaridan iborat bo'ladi.

Lokal (modul) texnologiya o'quv tarbiya jarayonining maxsus bo'limlariga texnologiyani tatbiq qilishni ifoda qiladi. Bu texnologiya xususiy didaktik va tarbiyaviy vazifalarni hal qilishga qaratiladi [3,43].

Pedagogikada o'qitish texnologiyalari bilan birga ta'limiy texnologiyalar ham o'rin olgan. Ta'limiy texnologiyalar mazmun-axborot aspektini bildirsa, o'qitish texnologiyasi jarayonga aloqador deb hisoblanadi, ya'ni ular orasida hali ham aniq farqlar belgilanmagan.

Pedagogik texnologiya talabalarining tayyorgarlik darajasiga, ularning axborotlar bilan tanishganligi va amaliy tayyorgarligiga moslangan bo'lishi lozim.

Kasbiy ta'lim tizimida o'qitish texnologiyalari fundamental va amaliy bilimlarning o'zlashtirilishini, harakatlarning reflektivligini aks ettiradi va o'z kasbiy faoliyatini shakllantiradi.

Pedagogik texnologiya o'qituvchi va talaba faoliyati bilan belgilanadi. Faoliyatning bunday turlariga ko'ra pedagogik texnologiyaning tuzilmasi aniqlanadi.

Pedagogik texnologiyaning tuzilmasi. U *kontseptual asos, ta'lim jarayoni mazmuni, texnologik jarayondan* iborat bo'ladi.

Har bir pedagogik texnologiya muayyan ilmiy kontseptsiyaga asoslanadi.

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

Pedagogik texnologiyaning ilmiy kontsepsiyasi ta'lim maqsadlariga erishishning falsafiy, psixologik, ijtimoiy-pedagogik va didaktik asoslashlarni qamrab oladi.

Ta'lim jarayoni mazmuni ta'lim jarayonining umumiy va aniq maqsadlari, o'quv materiali mazmunidan iborat bo'ladi.

Texnologik jarayon o'quv jarayonini tashkil etish, o'qituvchi faoliyati, talaba faoliyati, o'quv jarayonini boshqarish usullari, o'quv jarayoni diagnostikasini qamrab oladi.

Tadqiqotchilar har qanday pedagogik texnologiyalarni qanoatlantiradigan mezonlarni belgilaydilar.

Izchillik pedagogik texnologiyaning mezoni sifatida jarayonning mantiqiyliqi, pedagogik texnologiyaning barcha qismlarining o'zaro bog'liqligi, yaxlitligani o'z ichiga oladi.

Pedagogik texnologiyaning mezonlaridan biri boshqaruvga asoslanganligidir. U o'quv jarayoni diagnostikasi, uni rejalashtirish va amalga oshirishni loyihalash, undagi o'qitish metodlari va vositalari bilan o'zgartirib turishdan iborat bo'ladi.

Pedagogik texnologiyaning samaradorlik mezoni ta'lim jarayonining konkret sharoitlarida olinadigan yuksak natijalarni ko'zda tutadi.

Qayta tiklash pedagogik texnologiyalar mezonlaridan biridir. Unda pedagogik texnologiyalarni boshqa o'quv yurtlarida qo'llash imkoniyati tushuniladi.

Shunday qilib, oliy maktabda mutaxassislarining kasbiy tayyorgarligi murakkab va doimiy harakatdagi tizimni tashkil etadi. Bu tizimda bo'lg'usi o'qituvchining texnologik tayyorgarligi alohida o'rin tutadi. U bo'lusi pedagogning intellektual rivojlanishi, faol o'qishi, ijodiy shaxsning rivojlanishi, tafakkurning kasbiy yo'nalganligini idrok qilish, o'quv-bilish faoliyatini tashkil etishda tadqiqiy (ilmiy) tamoyillarni amalga oshirish bilan bog'langan.

Bo'lg'usi pedagogning texnologik tayyorgarligi oliy o'quv yurtida pedagogik texnologiyalarni amalga oshirishni talab qiladi. Oliy o'quv yurti ta'lim jarayonida foydalaniladigan va keng tarqalgan pedagogik texnologiyalar: muammoli o'qitish, o'qitishning tabaqalashtirilgan va individual texnologiyasi, programmalashtirilgan o'qitish texnologiyasi, kompyuter axborot texnologiyasi, mualliflik texnologiyasidir.

Adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi PF-4947-son Farmoni.
2. Олимов Ш.Ш., Хасанова З.Д. Педагогик технологияларни ўқув-тарбия жараёнига қўллаш. – Т.: «Фан ва технология», 2014. - 184 бет.
3. Olimov Sh. Sh., Durdiyev D.Q. Pedagogik texnologiya. – Buxoro: "Sadridin Salim Buxoriy" Durdona nashryoti, 2019. – 184 b.
4. Roziqov O., Og'ayev S, Mahmudov M., Adizov B. Ta'lim texnologiyasi. – T.: «O'qituvchi», 1999.
5. Сайидахмедов Н.С. Янги педагогик технология моҳияти. // Ж. Халқ таълими. 1991, 1-сон, 97-102 бетлар.

Шаҳноза ҚУЛИЕВА
Акмал ТЎРАЕВ

Бухоро давлат университети
меҳнат таълими
кафедраси доцентлари

БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА МОДУЛЛИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Мақолада бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда модулли таълим технологияларининг аҳамияти ҳақида фикр юритилган. Бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда замонавий ўқитиш методларини қўллаш ҳамда самарадорлигини оширишда, таълим олувчиларнинг шу фаолиятнинг субъекти сифатида мустақил, режали билим олиши, ўзлаштириши ва ўз-ўзини бошқариши ҳамда ижодий қобилиятларини ривожлантиришида модулли таълим технологияларининг аҳамияти катта. Таълим олувчи модулда белгиланган тартибда вазифани бажариши, ўз-ўзини текшириши ва баҳолаши, эришган натижадан қониқмаганда, ўқитувчинининг кўрсатмалари билан хатоларини англаган ҳолда модулни қайта ўрганиши мумкин.

Бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнига умумқасбий ва ихтисослик фанларини ўқитишда модулли таълим технологиясини қўллаш талабаларнинг ўз билимларини ошириши бўйича мунтазам ишлашни ташиқил қилиши зоясига асосланади. Модулли таълим технологиялари талабанинг ўқув жараёнига ижодий фаолиятини такомиллаштиради.

Бугунги кунда модул таълимининг моҳияти ҳамда модулли ёндашув тамойиллари, модул спецификацияси ҳамда модулнинг назорат блокани ишлаб чиқиши мақолада батафсил ёритилган бўлиб, талабалар улардан фойдаланиши жараёнида танқидий тафаккурлари ривожланади ва ижодий меҳнат қилишига ҳаракат қиладилар. Модуларнинг тузилишида бутун фан мазмунига қарашли компонентлар иштирок этади, ундан ташқари, асосий модулар билан вариатив модуларни бир-бири билан боғланган ҳолда кўрсатиши ўқув дастурининг мантиқини сақлайди ва модуларнинг бундай кетма-кет уланиши муаммоли тизимни ҳосил қилади ва шунинг билан ўқув жараёнининг узлуксизлигини ташиқил қилади.

Калит сўзлар: шахс, технология, модул, модулли таълим, модулли ёндашув, модуллилик, комплекс дидактик мақсад, компентентлик, инструментал компентенция, коммуникатив компентентлик, тизимли компентентлик, модул спецификацияси, баҳолаш.

В статье рассматривается значение модульных технологий обучения в подготовке будущих учителей. Модульные образовательные технологии играют важную роль в применении и эффективности современных методов обучения при подготовке будущих учителей, создавая независимые возможности для студентов приобретать самостоятельные, запланированные знания как предмет образовательной деятельности и самоуправления, а также творческие способности каждого учащегося. Если учащийся завершает задание в порядке, установленном в модуле, самостоятельно проверяет и оценивает, не удовлетворен достигнутым результатом, осознав ошибки, будет возможность пересмотреть модуль по инструкции учителя.

Применение модульных образовательных технологий при преподавании общих и специализированных предметов в процессе подготовки будущих учителей основано на идее организации регулярной работы по повышению знаний учащихся. Модульные образовательные технологии улучшают творческую активность студента в процессе обучения.

Сегодня сущность модульного обучения и принципы модульного подхода, спецификация модуля и разработка блока управления модулем подробно описаны в статье, студенты развивают критическое мышление и стараются творчески работать в процессе их использования. Структура модулей включает компоненты, относящиеся к содержанию всей науки, в дополнение к показу основных модулей и переменных модулей по отношению друг к другу сохраняется логика учебного плана, а такое последовательное соединение модулей создает проблемную систему и, таким образом, организует учебный процесс.

Ключевые слова: личность, технология, модуль, модульное обучение, модульный подход, модульность, комплексная дидактическая цель, компетентность, инструментальная компетентность, коммуникативная компетентность, системная компетентность, спецификация модуля, оценка.

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

The article discusses the importance of modular teaching technologies in the training of future teachers. Modular educational technologies play an important role in the application and effectiveness of modern teaching methods in preparing future teachers, creating independent opportunities for students to acquire independent, planned knowledge as an object of educational activity and self-government, as well as the creative abilities of each student. If the student completes the task in the manner prescribed in the module, independently checks and evaluates, is not satisfied with the achieved result, there will be an opportunity to review the module, realizing the errors of the teacher's instructions.

The use of modular educational technologies in the teaching of general and specialized subjects in the process of preparing future teachers is based on the idea of organizing regular work to improve students' knowledge. Modular educational technologies improve the student's creative activity in the learning process.

Today, the essence of modular training and the principles of a modular approach, the module specification and the development of a module control unit are described in detail in the article, students develop critical thinking and try to work creatively in the process of their use. The structure of the modules includes components related to the content of the whole science, in addition to showing the basic modules and variable modules in relation to each other, the logic of the curriculum is preserved, and such a sequential connection of the modules creates a problematic system and, thus, organizes the educational process.

Keywords: *personality, technology, module, modular training, modular approach, modularity, integrated didactic goal, competence, instrumental competence, communicative competence, system competence, module specification, assessment.*

Замонавий ўқитиш технологияларида талаба – шахс педагогик жараён марказига қўйилади, унинг ривожланишига ва табиий имкониятларини рўёбга чиқаришга қулай шарт-шароитлар яратилади. Ўзбекистон Республикаси таълим тизими миллий моделининг таркибий қисми сифатида “шахс” киритилган ва унга биринчи ўрин ажратилган ва шахсга йўналтирилган таълим технологияларига алоҳида эътибор қаратилган. Шахсга йўналтирилган таълим технологиясининг энг истиқболли тизимларидан бири – модулли таълим технологияларидир.

Бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнида умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитишда модулли таълим технологиясини қўллаш талабаларнинг ўз билимларини ошириши бўйича мунтазам ишлашни ташкил қилиши гоёсига асосланади. Модулли таълим технологиялари талабанинг ўқув жараёнига ижодий фаолиятини такомиллаштиради.

Модул – бу мантикий равишда тугалланган, ишлаб чиқарилган тамойиллар асосида қурилган ва ўқув фанининг бир ёки бир нечта фундаментал тушунчаларини ўрганишга йўналтирилган ўқув материали бирлиги. Модулли таълим тизими ҳақида расмий равишда илк бор 1972 йили Токиода бўлиб ўтган ЮНЕСКОнинг бутун дунё анжуманида айтиб ўтилган. Модулли таълим технологияси тафаккур нейрофизиологияси ва педагогик психологиясини камраб оладиган функционал тизимлари умумий назариясидан келиб чиққан.

Модуль-«modulus» термини латин сўзидан келиб чиққан бўлиб, ўлчам, маълум бўлак, ҳажм деган маънони англатади. Модулли ўқитиш услубига асосан фан бўйича ўқув дастур алоҳида бўлақларга, яъни модулларга ажратиб ўқитилади. Модул ёки ўқув функционал блок – бу ўқув дастуридаги бир неча ўқув мавзуларини боғланган ҳолда ўрганиш тизимидир. Ҳар бир модул аниқ бир мутахассислик фаолиятини бажариш учун керак бўладиган маълум ҳажмдаги ўқув ахборотни беришга қаратилган. Модул назорат ишлар вариантларини, топшириқларини, муаммо ва ҳисоблаш масалалар матнларини, индивидуал дифференциал лаборатория ва амалий ишларни ўз ичига олади. Бунда дарснинг ўқув вазифаларини талабалар кўпроқ мустақил равишда бажаришга ҳаракат қилишлари керак, буни ташкил қилиш учун ҳар бир модулни ўрганишда ўзига хос услубни қўллаб жадваллар, алоҳида белгилар ва схемалар тайёрланади, талабалар улардан фойдаланиш жараёнида танқидий тафаккурлари ривожланади ва ижодий меҳнат қилишга ҳаракат қиладилар. Модуларнинг тузилишида бутун фан мазмунига қарашли компонентлар иштирок этади, ундан ташқари асосий модулар билан вариатив модуларни бир-бири билан боғланган ҳолда кўрсатиш ўқув дастурининг мантиқини сақлайди ва модуларнинг бундай кетма-кет уланиши муаммоли тизимни ҳосил қилади ва шунинг билан ўқув жараёнининг узлуксизлигини ташкил қилади.

Ўқитувчининг вазифаси ўқув ахборотини бериш, билим олиш йўналишини кўрсатиш ва талабалар билимини назорат қилишга айланади. Масалан, “Технология фанини ўқитиш методикаси” фанини ўқитишда маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотларида модулли таълим технологиясидан фойдаланса, таълим самарадорлигига эришилади.

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

Модул таълимнинг моҳияти – таълим олувчининг мустақил равишда унга тақдим этилган ҳаракатлар мақсад дастури, ахборот жамғармаси, қўйилган дидактик мақсадларга эришиш учун услубий кўрсатмаларни қамраб олган индивидуал (махсус) дастур билан ишлаши мумкинлигидан иборат бўлиб, ўқув жараёнида таълим берувчи ва таълим олувчи орасида бўладиган муносабатлар баравар субъект-субъект мулоқотига риоя қилишни талаб қилади. Бу ҳолда педагогнинг вазифалари ахборот бериш, назорат қилиш, маслаҳат бериш, баҳолашдан иборат бўлади.

Модул таълимнинг бошқа тизимлардан қуйидагича принципиал фарқи бор:

- таълим мазмуни тугалланган, мустақил модуллар шаклида тақдим этилади;
- педагогнинг ўқув жараёнида бўладиган талаба билан мулоқоти тубдан янги асосда амалга оширилади;
- таълим олувчи ўқитувчи билан бўладиган ҳар бир учрашувга шахсий билим орттириш қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда модул ёрдамида дастлабки тайёргарликни маълум даражагача етказилади;

Бўлажак ўқитувчиларини тайёрлашда модулли таълим технологияларига ўтишда қуйидаги мақсадлар кўзланади: таълимнинг (фанлар орасида ва фан ичида) узлуксизлигини таъминлаш; ўқув материални мустақил ўзлаштириш учун етарли шароит яратиш; таълимни жадаллаштириш; фанни самарали ўзлаштиришга эришиш.

Бугунги кунда талаба шахсининг барча имкониятларини юзага чиқариш учун, албатта, таълим шахсга йўналтирилган характерда бўлиши талаб этилади. Бунинг учун таълимни ташкил этиш жараёнида талабанинг қобилиятлари, эҳтиёжлари ва ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиш лозим. Ана шу элементлар ҳисобга олинган тақдирда ўз-ўзидан табақалаштирилган, ривожлантирувчи, ўқишга бўлган мотивларни кучайтирувчи “субъект-субъект” концепциясига асосланган таълим тизими келиб чиқади.

Замонавий тадқиқотчилардан бири П.А.Юцявичене модулли маълум даражадаги мустақил ахборотдан ҳамда мақсадли равишдаги методик бошқарув асосида мақсад қилиб қўйилган натижаларни таъминлашга қаратилган бирлик сифатида таҳлил этади.

Н.В. Борисова, В.М. К.Я. Вазина, Гареев, Е.М. Дурко, В.В. Карпов, М.Н. Катханов, С.И. Куликов, П. Юцявичене ва бошқа олимларнинг фикрларини ўрганиш натижасида қуйидаги кўринишлардаги модулларни ажратиш мумкин:

- мустақил концептуал кичик бирлик;
- модул мустақил бирлик сифатида бир ўқув курсини ўз ичига олиб, бир неча блокларни ўзида мужассам этади;
- модул маълум мутахассисликка тегишли бўлган бир қанча ўқув предметларни ўзида мужассамлаштирувчи фанлараро бирлик бўла олади;
- аниқ бир мутахассисликни эгаллашга йўналтирилган касбий таълим модули.

Бундан ташқари “модул” тушунчасига тегишли бўлган бир қанча **хусусиятларни ажратиш мумкин:**

- мақсад;
- турли хил турдаги ўқув фаолиятини интеграцияси;
- методик таъминот;
- мустақил ривожланиш;
- таълим жараёнидаги талабанинг мустақиллиги;
- ўқув ахборотини таҳлил қилиш ва структуралаштириш кўникмаси;
- назорат ва ўз-ўзини назорат;
- талабанинг таълим олишдаги шахсий траекторияси.

Модулли ёндашув тамойиллари:

- модуллилик;
- мазмунни структуралаштириш;
- динамик ҳаракатни таъминлаш (соддадан-мураккабга);
- фаолиятлилилик;
- мослашувчанлик (гибкость);
- натижаларни олдиндан аниқлаш;
- маслаҳатларнинг турли-туманлигини таъминлаш.

Модул турлари:

- Назарий модуллар(Назарий билимларни шакллантиришга йўналтирилган модуллар).
- Амалий модульлар (Амалий кўникмаларни ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган модуллар).

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

- Технологик ёки аралаш модуллар (назарий билим, амалий куникма ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган модуллар).

Модулнинг таркибий қисмлари.

Модул дастур комплекс дидактик мақсаддан (КДМ) ва бу мақсадга эришишга хизмат қилувчи модул блоклари йиғиндисидан иборат.

Модул дастурини ишлаб чиқиш учун асосий ғояларни ажаратиб олиш ва блок-модулларда структуралаштириш, сўнгра комплекс дидактик мақсадларни шакллантириш талаб этилади. Комплекс дидактик мақсадлар модул-блокларининг мақсадларига, яъни интегратив дидактик мақсадларга (ИДМ) ва хусусий дидактик мақсадларга (ХДМ) бўлинади, уни эса ўз навбатида ўқув элементлари ташкил этади.

Модул дастурларнинг мақсади албатта малакали мутахассисни етиштиришга хизмат қилади. Модул дастурнинг мақсадини тузишда ана шу мутахассисга қандай талаблар тизими қўйилаётган эканини аниқлаб олишдан бошланади. Бугунги кунда Россияда мутахассисга қўйиладиган умумий талаблар тизими ўрганилиб, улар уч асосий гуруҳга ажратилмоқда. Мутахассиснинг компетентлигини аниқловчи критерийларни қуйидаги категорияларга бўлиш мумкин.

*** Инструментал компетенциялар:**

- анализ ва синтез қобилиятига эга бўлиш;
- режалаштириш ва ташкил этиш қобилияти;
- умумий базавий билимларга эга эканлиги;
- мутахассислик бўйича базавий билимларни эгаллаганлиги;
- она тилида бемалол мулоқотга кириша олиш;
- ахборот технологияларидан фойдалан олиш малакалари;
- ахборот материали билан ишлаш қобилияти;
- муаммоларни ечиш қобилияти;
- Қарорлар қабул қилиш қобилияти.

***Коммуникатив компетентлик:**

- танқид ва ўз-ўзини танқид қила олиш;
- груҳда фаолият кўрсата олиш;
- ўзаро мулоқотга кириша олиш;
- ахлоқий қадриятларни тан олиш;
- турли халқлар маданиятига хурмат билан қараш;
- бошқа йўналишда фаолият юритувчи экспертлар билан муносабатга кириша олиш.

***Тизимли компетентлик:**

- билимларини амалда тизимли равишда қўллаш олиш;
- тадқиқот олиб бориш;
- янги шароитга мослашиш;
- ижод қилиш;
- лидерлик қобилиятини ўстириб бориш;
- индивидуал ҳолда фаолият юритиш қобилияти;
- лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уларни бошқариш;
- тадбиркорлик ва янги ғояларни илгари суриш;
- масулиятлилик;
- муваффақиятга эришиш мотивининг ривожланганлиги.

Танланган мутахассислик бўйича умумий дидактик мақсадлар тасдиқланган стандартда ўз аксини топган. Модул дастурини ишлаб чиқишда ана шу стандарт талабларига асосланилади.

Модулларни ишлаб чиқишда учта асосий компонентга эътибор қаратиш лозим:

1. Модул спецификацияси.
2. Модулнинг назорат блокини ишлаб чиқиш.
3. Модулнинг ўқув материални ишлаб чиқиш.

1.Модул спецификацияси – ана шу модул ҳақида тўлиқ маълумотни ўзида акс эттиради.

Унинг таркибига қуйидагилар киради:

1.1.Модулнинг номи. Модулларнинг номлари мазмунга мос бўлиши ва қайтарилишларга йўл қўймаслик лозим.

1.2.Ўқитишнинг мақсади. Мана шу модулни ўзлаштириш натижасида қандай фаолият юритиш имкони туғилиши, касбий тайёргаликдаги ахамияти ёритиб берилиши лозим. Талабанинг

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

режали тараққийети акс эттирилиши мақсадга мувофиқ.

1.3.Ўқитиш натижалари. Модулни ўрганиш натижасида қандай билимларни эгаллаши, қанадай кўникма ва малакалар шакллантирилиши санаб ўтилади. Ўзлаштириш жараёни тугагандан сўнг талаба қандай фаолиятни қандай шароитларда бажара олиши кўрсатилади. Натижалар узвий бирликка эга бўлиб, ўқитиш мақсадларидан четга чиқмаган ҳолда шакллантирилиши лозим. Натижаларни текшириш жараёнида бир неча кўникмаларни эгалланиши назарда тутилиши лозим. Одатда, бир модул 3-5 турдаги кўникмани эгаллашга қаратилган бўлиб, уни эгалланганлиги мақсадга эришилганлик даражасини кўрсатади. Эришиладиган натижалар аниқлаштирилган мақсадларни шакллантириш қоидалари асосида шакллантирилади.

1. Модулнинг назорат блокинни ишлаб чиқиш.

1.1. **Баҳолаш мезонлари.** Баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишда фаолият объекти, бажариладиган фаолият тури, фаолият сифати, бажарилган фаолиятнинг стандартлари кўриб чиқилади. Баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишда ўқитиш натижаларига мос ҳолдаги фаолият тури ишлаб чиқилиши лозим. Ҳар бир натижани текшириш мезонлари 4 ёки 6 тадан ошмаслиги тавсия этилади.

1.2. **Ўзлаштириш даражаси.** Ўзлаштирилганлик даражасини чуқурлигини кўрсатувчи мезонлар ишлаб яқилади, баъзи ҳолларда уни ишлаб чиқиш шарт эмас, агар у баҳолаш мезонларида кўрсатилган бўлса. Ўзлаштирилганлик даражасини исботловчи эришилган натижа турли кўринишда бўлиши мумкин. Ўзлаштириш объекти- тайёрланган предмет, амалий топшириқ, оғзаки ёки ёзма жавоблар тарзида бўлиши мумкин.

1.3. **Модулга кириш назорати.** Модулни ўрганиш учун зарур бўлган таълим ва билимлар тизимини кўрсатади.

1.4. **Ўқув жараёнини давомийлиги.** Давомийлик ўқув соатлари бирликлари кўринишида акс этади.

1.5. **Баҳолаш.** Баҳолаш тизимини ишлаб чиқаётганда унинг ҳаққонийлигига ва ишончли бўлишига эътибор қаратиш лозим. Якуний назорат алоҳида ўтказилиши мақсадга мувофиқ. Баъзи модулларда ягона баҳо ҳам қўйилиши мумкин. Баҳолаш тизими модулнинг характеридан келиб чиқиб танланади.

1.6. **Модулнинг тушунтириш хати.** Ушбу хат тавсиялар кўринишида бўлиб, педагог шахсига йўналтирилган. Унда педагогга қўшимча тавсиялар, баҳолаш жараёнини олиб боришнинг янги имкониятлари, қўллаш мумкин бўлган усулларга тавсиф берилади. Проект, портфолио каби усуллардан ҳам фойдаланиш мумкин.

2. Ўқув материали.

Ўқув материали ахборот матнини ва дидактик воситаларни ўзида акс эттиради. Ахборот матнида адабиётлар, иловалар ва ҳаволалар ўз аксини топади. Қайтар алоқани амалга ошириш учун ахборотни ишлаб чиқишда жорий назорат учун топшириқлар ва уларни ишлаб чиқиш намуналарини киритиш тавсия этилади. Ахборот материали тушунарли, лўнда ва кўргазмалли бўлиши лозим.

Бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда ўқитишнинг модулли таълим технологиясига ўтиш самарадорлиги қуйидаги омилларга боғлиқ бўлади: таълим муассасасининг моддий техника базаси даражаси; профессор-ўқитувчилар таркибининг малакавий даражаси; талабаларнинг тайёргарлик даражаси; кўзланган натижаларни баҳолаш; дидактик материаллар ишлаб чиқиш; натижаларнинг таҳлили ва модулларни оптималлаштириш.

Демак, бўлажак ўқитувчиларни модулли ўқитишда ўз қобилиятига кўра билим олиши учун тўла зарур шароитлар яратилади.

Адабиётлар

1. Ермолаева Е.И. Модульное обучение в вузе: его основные учебные элементы. Пензинский университет. 2010.- 75с.

2. Йўлдошев Ж.Ф., Усмонов С. Илғор педагогик технологиялар. – Т.: Ўқитувчи, 2004.

3. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т., 2006.

4. Соколов Е. Модульная профессиональная подготовка: Резервы оптимизации // Новые знания.-2000.-№ 3.

5. Трофимов В, Ломова И. Методология разработки модульнқх курсов // Новые знания.-2000.-№2.

Наргиза ХАЛИЛОВА

Низомий номидаги Тошкент давлат
педагогика университети психология
кафедраси мудири,
психология фанлари номзоди, доцент

**ШАХС ПСИХОЛОГИК ТАРАҚҚИЁТИНИ ТАЪМИНЛАШДА
РЕФЛЕКСИВЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

Инсоният ҳаётининг замонавий босқичи онгли ҳаёт кечирishi учун шарт-шароитларнинг такомиллашуви ва айни вақтда инсон онги учун кураш кучайиб бораётгани билан тавсифланади. Одам ўзининг бу оламдаги ўрнини, ўз имкониятларини, келажак олдидаги масъулиятини тўлақонли англамаслиги, умуман, унда ўзини ўзи англаш рефлексив жараёнларининг етарли ривожланмаганлиги кўплаб салбий психологик ўзгаришларга асос бўлади.

Мақолада муаллиф илмий изланишлари доирасида шахс психологик тараққиётини таъминлашда рефлексивни ривожлантириши масалалари ёритилган бўлиб, унда психодиагностик методикалар ёрдамида рефлексивлик масалалари ўрганилган ва муайян тренинглар асосида уни ривожлантириши усуллари баён этилади.

Калит сўзлар: шахс, рефлексия, рефлексивлик, шахс психологик тараққиётини таъминлаш, рефлексивликни ривожлантириши стратегиялари, рефлексивлик йўналишлари, тафаккур типлари, ижтимоий интеллект типлари.

Современный этап человеческой жизни характеризуется улучшением условий для сознательной жизни и в то же время усилением борьбы за человеческое сознание. Тот факт, что человек не до конца понимает свое место в этом мире, свои возможности, свою ответственность за будущее, в целом недостаточное развитие рефлексивных процессов самосознания в нем, и это является основой многих негативных психологических изменений.

В статье рассматривается развитие рефлексивности в обеспечении психологического развития личности в контексте авторского исследования, в котором описывается изучение рефлексивности с использованием психодиагностических методов и методов ее развития на основе конкретных тренингов.

Основные понятия: личность, рефлексия, рефлексивность, обеспечение психологического развития личности, стратегии развития рефлексивности, сферы рефлексивности, типы мышления, типы социального интеллекта.

The modern stage of human life is characterized by the improvement of conditions for conscious life and at the same time the intensification of the struggle for human consciousness. The fact that man does not fully understand his place in this world, his capabilities, his responsibility for the future, the generally insufficient development of reflexive processes of self-consciousness in him, and this is the basis of many negative psychological changes.

In article development of reflexivity in ensuring psychological personal development in the context of an author's research in which studying of reflexivity with use of psychodiagnostic methods, methods of its development on the basis of concrete trainings is described is considered.

Key words: personality, reflexion, reflexivity, ensuring psychological development of personality, strategies of reflexivity development, spheres of reflexivity, types of thinking, types of social intelligence.

Жаҳон миқёсида ёшларда онгли хулқ-атворни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар кўлами анча кенг. Жумладан, “ЮНЕСКОнинг 2014-2021 йилларга мўлжалланган “Ёшларга нисбатан ЮНЕСКОнинг оператив стратегияси”[1]дастурининг 2-йўналишида “Катта ҳаётга ўтиш учун зарур салоҳиятни ривожлантириш” вазифаси кўйилган. Бунда ёшларда таълимни давом эттириш, меҳнат фаолиятини бошлаш, фуқаролик ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ва соғлом турмуш тарзини яратиш учун зарур кўникма ва малакаларни, шу жумладан бевосита шахс рефлексив соҳаси билан боғлиқ сифатлар (ўзини ўзи адекват баҳолаш, ўзини ўзи эмоционал бошқариш, ҳаётий тажрибадан тўғри фойдаланиш ва бошқалар)ни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар ўтказилиши режалаштирилган.

Мустақил юртимизда инсон капиталидан оқилона фойдаланиш барча соҳаларда ишни инсон омилини эътиборда тутган ҳолда ташкил этишга катта эътибор берилмоқда [2]. Жумладан,

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

Харакатлар стратегиясининг 4.5-бандидаги “жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуктаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш” каби вазифаларнинг қўйилиши бевосита шахс ўзини ўзи англаш жараёнлари ривожланиши билан боғлиқлиги нуктаи назаридан долзарб аҳамият касб этади.

Дунёда шахс психологик тараққиётини таъминлашда рефлексивликни ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришга оид тадқиқотлар, асосан, шахсни шакллантириш асосида унинг индивидуал имкониятларини яхшилаш; шахс ўқув, касбий, коммуникатив, интеллектуал соҳаларида рефлексивликни ривожлантириш йўллари аниқлашга қаратилган йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Рефлексивлик психология, педагогика ва фалсафа фанлари учун марказий тадқиқот предметларидан биридир. Уни ўрганиш соҳасида Шарқ алломалари фалсафий меросида хориж ва Ўзбекистон психологлари тадқиқотларида катта ҳажмдаги билимлар тўпланган. Хусусан, шахс ривожланишида рефлексивлик билан боғлиқ масалаларда Шарқ мутафаккирларидан Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Унсурулмаолий Кайковус, Жалолиддин Давоний [3] кабиларнинг ўзини ўзи англаш, ўзини ўзи баҳолаш, бошқариш, назорат қилиш, тарбиялаш масалаларига доир фикрлари замонавий илм-фан учун ҳам диққатга сазовордир.

Шахснинг рефлексив жараёнлари яқин хориж мутахассислари (К.А.Абульханова, Н.Т.Алексеев, О.А.Анисимов, В.В.Барцалкина, А.В.Брушлинский, Л.С.Виготский, И.М.Войтик, Ю.В.Громыко, В.В.Давидов, А.А.Деркач, С.В.Дмитриев, В.П.Зинченко, В.В.Знаков, А.В.Карпов, Ю.Н.Кулюткин, И.С.Ладенко, В.И.Моросанова, Я.А.Пономарёв, Г.С.Пьянкова, С.Л.Рубинштейн, В.В.Рубцов, И.Н.Семёнов, С.Ю.Степанов, Г.П.Шедровицкий ва бошқалар) ҳамда узоқ хориж тадқиқотчилари (А.Буземан, М.Вудкок, Д.Дернер, М.Келлер, М.Кеплинг, М.Мэнтей, Ж.Пиаже, Р.Росса, Д.Френемс, Р.Холленд, Д.Шон, М.Экенберг ва бошқалар) [4] илмий изланишлари предмети бўлган.

Биз дастлаб рефлексия тушунчасига фалсафий, педагогик, психологик нуктаи назардан ёндашувларни илгари сурамиз. Жумладан, рефлексия инсоннинг ўзини ўзи таҳлил қилиш, ўзини ўзи мушоҳада қилиб кўриш, ўзи ҳақида қайта-қайта фикр юритиш қобилияти сифатида ўзини ўзи англаш жараёнини фаоллаштириши, “Мен”-концепциясини бойитиши ҳамда шахс ўзини ўзи такомиллаштиришнинг муҳим омили саналиши (А.Г.Асмолов ва В.П.Зинченко) қайд этилади. Айни вақтда тадқиқот ишимиз А.В. Карповнинг рефлексия – бу бир вақтнинг ўзида фақат инсонга хос бўлган ноёб хусусият, шу билан бирга ниманидир англаш психикага шахсий мазмун бериш жараёни, деган нуктаи назарига асослангани кўрсатилади [5].

Ўзбекистон психологларида М.Г.Давлетшин, Э.Ф.Ғозиев, Р.И.Суннатова, А.А.Файзуллаев, Н.С.Сафаев, Х.А.Рухиева, Э.М.Мухторов, А.Р.Вильданова, Э.А.Кулжанов, Б.Н.Сирлиев, М.Ҳакимов илмий ишларида рефлексивлик муаммолари ўзини ўзи англаш, ўзини ўзи баҳолаш, ўзини ўзи бошқариш, ўзини ўзи назорат қилиш, ўзини ўзи психологик муҳофаза қилиш, миллий ўзликни англаш, мотивацион ўзини ўзи бошқариш, ўқув фаолиятида ўзини ўзи бошқариш тизими нуктаи назаридан изоҳлаб берилган [6]. Шунингдек, шахс шаклланиши, ривожланиши ва камолга етиши билан боғлиқ ривожланиш психологияси доирасида ўзини ўзи англаш, ўзини ўзи баҳолаш каби жараёнлар билан уйғун ҳолда ривожланаётган рефлексивлик мактабгача тарбия, кичик мактаб, ўсмирлик ва ўспиринлик даврлари нуктаи назаридан тадқиқ қилинган. Бунда асосий эътибор шахс ривожланишининг турли босқичларида рефлексивликнинг намоён бўлиши, даражаси, унинг ёндош ходисалар билан алоқадорлик масалалари текширилган. Бизнинг тадқиқотда хусусан, турли ёш даврларда рефлексивликнинг ривожланганлик даражасини текшириш мақсадида “Рефлексивлик даражасини аниқлаш” (В.В.Пономарёв) методикаси ва “Рефлексивликнинг устувор стратегияларини ўрганиш” сўровномаси натижаларидан эмпирик маълумотлар олинди.

Жадвалда келтирилган натижаларга кўра, рефлексивликнинг устувор стратегияларидан ўз-ўзига йўналганлик бошқа инсонларга йўналганлик ($r=0,46$; $p\leq 0,01$) билан аҳамиятли даражада алоқадорликка эга эканлиги маълум бўлди. Таъкидлаш жоизки, инсонларнинг ҳар қандай фаолияти кўпроқ бошқаларга нисбатан тақлид қилиш, уларнинг хатти-ҳаракат, хулқ-атворларини баҳолаш орқали амалга ошади.

Аниқланишича, бошқа инсонларга йўналганлик ўз-ўзига йўналганлик ($r=0,46$; $p\leq 0,01$) келажакдаги фаолиятга рефлексия ($r=0,10$; $p\leq 0,01$) билан мустаҳкам алоқадорликка эга экан. Таъкидлаш жоизки, синалувчилар гуруҳида ўз-ўзига йўналганликнинг устувор бўлиши табиий ҳисобланади. Энг асосийси, инсон ўзидаги ижобий ёки салбий хулқ-атворларини шакллантиришда

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

ота-она, атрофдаги инсонлар, тенгдошлари ўртак, намуна вазифасини ўтайди. Айниқса, бошқа инсонларга йўналганлик келажакдаги фаолиятга рефлексия билан алоқадорлиги алоҳида аҳамият касб этади.

1-жадвал**Синалувчиларда рефлексивлик йўналишлари ўртасидаги корреляция кўрсаткичлари (К.Пирсон корреляцияси мезони бўйича)**

Рефлексивлик йўналишлари	Ўз-ўзига	Бошқа инсонларга	Ўтмишдаги фаолиятга	Ҳозирги фаолиятга	Келажакдаги фаолиятга	Бошқалар билан ҳамкорлик ва мулоқотга
Ўз-ўзига	1	0,46**	-0,001	-0,03	0,04	-0,04
Бошқа инсонларга	0,46**	1	-0,01	-0,009	0,10**	0,05
Ўтмишдаги фаолиятга	-0,001	-0,01	1	0,36**	0,28**	0,10*
Ҳозирги фаолиятга	-0,03	-0,009	0,36**	1	0,29**	0,12**
Келажакдаги фаолиятга	0,04	0,10**	0,28**	0,29**	1	0,13**
Бошқалар билан ҳамкорлик ва мулоқотга	-0,04	0,05	0,10*	0,12**	0,13**	1

Изоҳ: * $p \leq 0,05$, ** $p \leq 0,01$

Дарҳақиқат, ҳар қандай шахс келажакдаги фаолиятга интилиши ўзгаларнинг эришган омад ва муваффақиятларини таҳлил қилиши асосида юз беради. Шу нуқтаи назардан олганда, инсонларкасбий фаолиятларини олдиндан кўра олиши ҳамда ривожлантириши, таҳлил қилишида бошқаларнинг образи аҳамиятли ҳисобланади.

Ўтмишдаги фаолиятга рефлексия ҳозирги фаолиятга рефлексия ($r=0,36$; $p \leq 0,01$), келажакдаги фаолиятга рефлексия ($r=0,28$; $p \leq 0,01$), бошқалар билан ҳамкорлик ва мулоқотга рефлексия ($r=0,10$; $p \leq 0,05$) билан аҳамиятли даражада алоқадорликка эга эканлиги кузатилади. Хусусан, ўтмишдаги фаолиятга рефлексиянинг ортиши улардаги келажакдаги фаолиятни режалаштира олиш, ҳозирги кундаги таълим, меҳнат фаолиятларидан қониққанлик ҳамда инсонлар билан ҳамкорликда амалга ошириладиган хатти-ҳаракатлар ҳамда мулоқот жараёнлари билан узвий боғлиқ.

Ҳозирги фаолиятга рефлексия ўтмишдаги фаолиятга рефлексия ($r=0,36$; $p \leq 0,01$), келажакдаги фаолиятга рефлексия ($r=0,29$; $p \leq 0,01$), бошқалар билан ҳамкорлик ва мулоқотга рефлексия ($r=0,12$; $p \leq 0,01$) билан ҳам ўзаро алоқадорликка эга эканлиги тадқиқот натижаларидан аниқланди. Шу ўринда ҳозирги фаолиятга бўлган рефлексия мотивация ва ўзини ўзи англаш шаклида намоён бўлади ва субъектнинг вазиятга бевосита жалб қилиниши унинг элементларини тушуниш, юзага келатган воқеа-ҳодисаларни англаш, ҳамда таҳлил этишини таъминлайди.

3-жадвал**Тафаккур типлари ва рефлексивликнинг йўналишлари ўртасидаги корреляцион муносабат хусусиятлари**

Рефлексивлик йўналишлари	Тафаккур типлари			
	Предметли-амалий	Мавҳум-рамзий	Сўз-мантиқий	Яққол-образли
Ўз-ўзига	0,009	0,12**	0,06	0,01
Бошқа инсонларга	0,006	0,07	0,01	0,02
Ўтмишдаги фаолиятга	-0,08*	-0,08*	0,05	-0,01
Ҳозирги фаолиятга	-0,12**	-0,09*	-0,14**	-0,16**
Келажакдаги фаолиятга	-0,13**	-0,17**	-0,18**	-0,09*
Бошқалар билан ҳамкорлик ва мулоқотга	-0,004	-0,05	-0,03	-0,004

Изоҳ: * $p \leq 0,05$, ** $p \leq 0,01$

Келажакдаги фаолият тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларни уларнинг ривожланиши ҳақидаги ўй-қарашларни режалаштириш, амалга оширишнинг энг самарали усулларини танлаш ҳамда мумкин

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

бўлган натижаларни ташхислашни келажакдаги фаолиятга рефлексия ўз ичига олади [8]. Шу нуқтан назардан келажакдаги фаолиятга рефлексия бошқа инсонларга йўналганлик ($r=0,10$; $p\leq 0,01$) ўтмишдаги фаолиятга рефлексия ($r=0,28$; $p\leq 0,01$) ҳозирги фаолиятга рефлексия ($r=0,29$; $p\leq 0,01$), бошқалар билан ҳамкорлик ва мулоқотга рефлексия ($r=0,13$; $p\leq 0,01$) билан кучли даражада алоқадорликка эга эканлиги қайд этилди. Тадқиқотда иштирок этган синалувчиларнинг бошқалар билан ҳамкорлик ва мулоқотга рефлексия ҳозирги фаолиятга рефлексия ($r=0,12$; $p\leq 0,01$), келажакдаги фаолиятга рефлексия ($r=0,13$; $p\leq 0,01$) кучли даражада ўтмишдаги фаолиятга рефлексия ($r=0,10$; $p\leq 0,05$) билан аҳамиятли даражада боғлиқликка эга эканлиги аниқланди.

Интеллектуал фаолият тараққиётининг психологик омиллари, рефлексивлик ривожланишининг алоҳида билиш жараёнлари тараққиётидаги роли, умумий интеллектуал фаолият ва рефлексивлик ривожланишининг ўзаро алоқаси хусусиятларини ўрганишга ҳам эътибор қаратдик. Бунда кўзланган навбатдаги вазифалардан бири ўсмир ва ўспиринлик даврида рефлексивликнинг йўналишлари ва тафаккур жараённинг предметли-амалий, мавҳум рамзий, сўз-манتيкий ва яққол-образли турлари билан алоқадорлигини текширишдир. Бунинг учун танлаб олинган синалувчилар гуруҳида Г.С.Никифорова томонидан ишлаб чиқилган “Тафаккур типини аниқлаш” тестидан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларига кўра, ўз-ўзига йўналганлик мавҳум-рамзий тафаккур ($r=0,12$; $p\leq 0,01$) билан кучли даражада алоқадорликка эгаллиги кузатилди. Маълумки, мавҳум-рамзий тафаккур типи устувор бўлган инсонларда маълумотни қўл билан ушлаб ва тасаввур қилиб бўлмайдиган белги, рамз, кодлар ва формулалар орқали ўзлаштириб оладиган ҳамда мавҳум фикрлаш малакаси юқори бўлган инсонлар тоифасига тегишлидир. Шунинг учун ҳар қандай ўз-ўзига йўналган инсонларда нарса ва ҳодисаларнинг мазмун-моҳиятини англаб етиш, тушуниш билан боғлиқ қобилиятнинг ривожланиши табиий ҳисобланади. Ушбу тафаккур типининг хусусиятлари ривожланган инсонларда илм-фаннинг турли йўналишларида ихтиро, кашфиётларни яратишга нисбатан қобилияти кучли эканлигидан далолат беради.

Ўтмишдаги фаолиятга рефлексия предметли-амалий тафаккур билан ($r=-0,08$; $p\leq 0,05$) мавҳум-рамзий тафаккур билан ҳам ($r=-0,08$; $p\leq 0,05$) салбий алоқадорликка эга эканлиги аниқланди. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, шахс ҳозирги кунда эришган ютуқ, муваффақият ва муваффақиятсизликларнинг моҳиятини англаб етишда ўтмишда амалга оширилган фаолият жараёнларини таҳлил қилиши муҳим саналади. Ўз навбатида ўтмишдаги фаолиятга рефлексия ортиши мавҳум-рамзий тафаккур пасайишига, ёки, аксинча, бўлиши мумкин.

Илмий текширув натижаларига кўра, ҳозирги фаолиятга рефлексия предметли-амалий тафаккур ($r=-0,12$; $p\leq 0,01$) сўз-манتيкий тафаккур ($r=-0,14$; $p\leq 0,01$) яққол образли тафаккур билан ($r=-0,16$; $p\leq 0,01$) юқори даражада ҳамда мавҳум-рамзий тафаккур билан аҳамиятлилиги тескари пропорцияга эга. Шунингдек, келажакдаги фаолиятга рефлексия предметли-амалий тафаккур ($r=-0,13$; $p\leq 0,01$), мавҳум-рамзий тафаккур ($r=-0,17$; $p\leq 0,01$) ва сўзли-манتيкий тафаккур ($r=-0,18$; $p\leq 0,01$) яққол-образли тафаккур билан ($r=-0,09$; $p\leq 0,05$) манфий боғланишга эга. Хусусан, рефлексивлик мазкур турларининг ортиши тафаккур турлари ривожланишига тўсқинлик қилса, аксинча, предметли-амалий, мавҳум-рамзий, сўз-манتيкий, яққол-образли тафаккур турлари ривожланиши рефлексивлик хусусиятларини яққол тарзда намоён бўлмаслигига олиб келади.

4-жадвал**Ижтимоий интеллект компонентлари ва рефлексивликнинг йўналишлари ўртасидаги алоқадорлик**

Рефлексивлик йўналишлари	Ижтимоий интеллект компонентлари				
	Ўзини ўзи англаш	Ўзини ўзи бошқариш	Эмпатия	Ўзаро таъсир кўникмаси	Ўзини ўзи мотивация-лаш
Ўз-ўзига	0,04	0,03	-0,001	-0,01	-0,003
Бошқа инсонларга	0,04	0,03	0,04	-0,04	-0,01
Ўтмишдаги фаолиятга	0,07	0,08*	0,10*	-0,05	0,07
Ҳозирги фаолиятга	0,03	0,05	-0,02	-0,03	0,09*
Келажакдаги фаолиятга	0,08*	0,03	0,04	-0,05	0,04
Бошқалар билан ҳамкорлик ва мулоқотга	0,05	-0,01	0,02	-0,05	0,05

Изоҳ: * $p\leq 0,05$, ** $p\leq 0,01$

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

Маълумки, ижтимоий интеллект Э.Торндайк фикрига кўра, инсонлар билан муваффақиятли мулоқот қилишни таъминлайдиган ўзига хос билиш қобилияти сифатида намоён бўлади. Таъкидлаш жоизки, ижтимоий интеллектнинг асосий вазифаси хулқ-атворни олдиндан кўра олишдир. Айнан тадқиқотимиз жараёнида шахсдаги рефлексивлик хусусияти ва ижтимоий интеллект ўртасидаги муносабат хусусиятларини текшириш мақсадида С.Холлнинг “Ижтимоий интеллект” методикаси ўтказилиб, эмпирик маълумотлар тўпланди.

Жадвалда келтирилган натижаларга кўра, ўтмишдаги фаолиятга рефлексия ўзини ўзи бошқариш ($r=0,08$; $p\leq 0,05$) эмпатия билан ($r=0,10$; $p\leq 0,05$) аҳамиятли даражада алоқадорликка эга. Таъкидлаш жоизки, инсон томонидан ўтмишда амалга оширилган фаолият доимий равишда таҳлил қилинади. Натижада инсон ҳар қандай фаолият жараёнида ўзини ўзи бошқариши, ўзгаларга ҳамда ўзига нисбатан ҳамдардлик ҳисси юзага келади. Шунингдек, ҳозирги фаолиятга рефлексия ўзини ўзи мотивациялаш билан ($r=0,09$; $p\leq 0,05$) ўзаро алоқадорликка эга эканлиги тажриба натижаларидан аниқланди. Ҳозир кундаги ҳар қандай фаолият инсондан табиий равишда ўзини ўзи бошқариш, ўзини ўзи намоён қилиш, ўз имкониятларини кўрсатиш каби ўзини ўзи мотивлаштиришни талаб қилади. Албатта, мазкур жараёнда фаолиятдан кутилаётган натижа ва самарадорлик кўрсаткичлари муҳим саналади.

Тадқиқот натижаларига кўра, келажакдаги фаолиятга рефлексия ўзини ўзи англаш билан ($r=0,08$; $p\leq 0,05$) алоқадорликка эга эканлиги маълум бўлди. Маълумки, ўсмир ва ўспиринлик даврида шахснинг ўзини ўзи англаш жараёни шаклланиши давр хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ўзига хос тарзда ҳамда адекват кўринишга эга бўлиб боради. Шу боис, шахсда ўзини ўзи англаш тизими қай даражада тараққий этган бўлса, бу келажакка нисбатан юксак мақсад ва режаларни қўйилишида яққол акс этади.

Биз шахс тараққиётининг асосий психологик манбалари, рефлексивлик ривожланишининг шахс индивидуал психологик тараққиётидаги ўрни, шахс ижтимоий муносабатлар субъекти сифатидаги тараққиётида рефлексивлик ривожланишининг аҳамияти каби масалаларни таҳлил қилишга эътибор қаратдик. Дастлаб ўсмир ва ўспиринлар гуруҳида рефлексивлик йўналишлари ва психологик олам мустақиллиги ўртасидаги муносабат хусусиятларини текширишга ҳаракат қилинди. Маълумки, психологик олам мустақиллиги С.К.Нартова-Бочавер фикрига кўра, “Борлиқнинг субъектив аҳамиятга эга бўлган феномени, яъни инсон бой ҳаётдан ажралиб чиққан энг муҳим ҳаёт стратегияси ва долзарб фаолиятидир. Психологик олам инсон ўзини айнанлаштирадиган табиий, ижтимоий ва соф психологик ҳодисалар (худуд, предметлар, боғлиқлик, установкалар) йиғиндисидан иборат. Субъект учун шахсиятли мазмунга эга бўлган тақдирдагина у кадрли бўлади, шунинг учун ҳам психологик олам психологик ва табиий воситалар билан ҳимояланади”. Айнан психологик олам мустақиллиги ва рефлексивлик йўналишлари ўртасидаги алоқадорлигини текшириш мақсадида С.К.Нартова-Бочавер томонидан ишлаб чиқилган “Психологик олам мустақиллиги” сўровномаси танлаб олинган гуруҳда ўтказилиб, олинган маълумотлар таҳлил қилинди.

5-жадвал**Шахсда субъектив олам мустақиллиги ва рефлексивлик йўналишлари ўртасидаги муносабат хусусиятлари**

Рефлексивлик йўналишлари	Субъектив олам мустақиллиги соҳалари					
	жисмоний	худуд	нарса	одат	алоқа	қадрият
Ўз-ўзига	-0,08*	-0,09*	-0,09*	-0,02	-0,03	-0,10**
Бошқа инсонларга	-0,14**	-0,07	-0,10**	-0,07	-0,02	-0,08*
Ўтмишдаги фаолиятга	-0,08*	0,02	0,06	0,000	-0,009	0,06
Ҳозирги фаолиятга	0,12**	0,04	0,009	0,01	0,03	0,02
Келажакдаги фаолиятга	0,04	0,03	0,07	-0,02	-0,004	0,12**
Бошқалар билан ҳамкорлик ва мулоқотга	-0,01	0,05	0,02	-0,002	0,01	0,05

Изох: * $p\leq 0,05$, ** $p\leq 0,01$

Юқоридаги маълумотларга (5-жадвал) асосланиб, ўз-ўзига йўналганлик қадриятлар мустақиллиги билан ($r=-0,10$; $p\leq 0,01$) кучли даражада тесқари алоқадорликка эга бўлса, жисмоний тана мустақиллиги ($r=-0,08$; $p\leq 0,05$) худуд мустақиллиги ($r=-0,09$; $p\leq 0,05$) нарса буюмлар оламининг мустақиллиги ($r=-0,09$; $p\leq 0,05$) билан аҳамиятли даражада қарама-қарши алоқадорлик қайд этилади. Айни вақтда бошқа инсонларга йўналганлик шахс жисмоний танасининг мустақиллиги ($r=-0,14$; $p\leq 0,01$), нарса буюмлар оламининг мустақиллиги ($r=-0,10$; $p\leq 0,01$) мустақам даражада тесқари

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

пропорция кузатилса, кадриятлар мустақиллиги билан ($r=-0,08$; $p\leq 0,05$) салбий даражадаги боғланиш аниқланди. Шу ўринда айтиш лозимки, ўз-ўзига йўналганликнинг ортиши улардаги кадриятлар тизимига таъсир кўрсатади. Чунончи кадриятлар тизими шахс йўналганлигининг таркибий қисми саналади.

Ўсмир ва ўспиринлар гуруҳида ўтказилган методика натижаларига кўра, ўтмишдаги фаолиятга рефлексия инсон жисмоний танасининг мустақиллиги билан ($r=-0,08$; $p\leq 0,05$) тескари алоқадорликка эга эканлиги аниқланади. Маълумки, шахс камолга етиши жараёнида бир қатор имкониятларга эга бўлиб боради. Фаолият жараёнидаги ютук, омад ва муваффақиятлари улардаги жисмоний ривожланиш даражаси билан уйғун ҳолда кечиши барчамизга маълум. Шу нуқтаи назардан олганда, уларда ўтмишдаги фаолият рефлексияси ва жисмоний тана мустақиллиги ўртасида нотурғун муносабат юзага келган.

Ҳозирги фаолиятга рефлексия жисмоний тана мустақиллиги билан ($r=0,12$; $p\leq 0,01$) ижобий алоқадорликка эга эканлиги тажриба натижаларидан кузатилди. Эмпирик маълумот натижаларига кўра, ҳозирги кунда ёшларнинг таълим ва меҳнат фаолиятидаги муваффақиятлари кўп жиҳатдан улардаги жисмоний мустақиллиги билан боғлиқлиги қайд этилади. Шунингдек, келажакдаги фаолиятга рефлексия шахсдаги кадриятлар мустақиллиги билан ($r=0,12$; $p\leq 0,01$) кучли даражада аҳамиятлиликка эга эканлиги маълум бўлди. Кадриятлар мустақиллиги инсон турмушининг дунёқараш жиҳатини ўзида акс эттиради, ҳаёт стратегиясини белгилаб, унинг учун аҳамиятли бўлган объектларни тақдим этади. Албатта, инсон томонидан амалга оширилиши режалаштирилаётган фаолият ўз-ўзидан уларда дунёқарашнинг кенгайиши, ҳаёт тарзи ўзгариши ва унга нисбатан креатив ёндашув, шахсий масъулиятлилик кучайишига сабаб бўлади.

Маълумки, рефлексивлик ривожланишида шахсдаги муваффақиятга эришиш мотивацияси ва муваффақиятсизликдан қочиш мотивациясининг ўрни муҳим ҳисобланади. Муваффақиятга эришиш мотивацияси бу муваффақиятга эришиш фаолиятида юксак натижаларга эришиш истагидир. Шунингдек, ҳар қандай вазиятда, айниқса, унинг натижалари бошқа одамлар томонидан қабул қилинганда ва баҳоланганда муваффақиятсизликдан қочиш учун ҳаракат қилишдир. Шу нуқтаи назардан олганда, тажриба гуруҳида А.А.Реан томонидан ишлаб чиқилган “Муваффақиятга интилиш ва муваффақиятсизликдан қочиш мотивацияси” методикаси ўтказилиб, эмпирик маълумотлар тўпланди.

6-жадвал**Муваффақиятга интилиш мотивацияси ҳамда рефлексивлик йўналишлари ўртасидаги ўзаро муносабат**

Рефлексивлик йўналишлари	Муваффақиятга интилиш мотивацияси
Ўз-ўзига	0,02
Бошқа инсонларга	0,04
Ўтмишдаги фаолиятга	0,11**
Ҳозирги фаолиятга	0,12**
Келажакдаги фаолиятга	0,03
Бошқалар билан ҳамкорлик ва мулоқотга	0,03

Изоҳ: * $P\leq 0,05$, ** $P\leq 0,01$

Жадвалда келтирилган натижаларига кўра, ўтмишдаги фаолиятга рефлексия муваффақиятга эришиш мотивацияси билан ($r=0,11$; $p\leq 0,01$) ижобий корреляция кузатилади. Таҳлил натижаларида келтирилишича, мақсадни англаш орқали натижани кўзлаган ҳолда ҳаракат қилишга нисбатан хоҳишнинг кучли эканлигини кўрсатади. Шунингдек, ҳозирги фаолиятга рефлексия муваффақиятга интилиш мотивацияси билан ($r=0,12$; $p\leq 0,01$) аҳамиятли даражада алоқадорликка эга эканлиги маълум бўлди.

Рефлексивлик шахс индивидуал психологиясининг турли соҳалари билан боғлиқлигини тадқиқ этиш тадқиқотимиз вазифалардан бири сифатида белгиланган. Жумладан, бу йўналишда рефлексивлик ва эмоционал кечинмалар ўзаро алоқаси текширилди. Бунда М.Дюмен, Ч.Дарвин, Г.Спенер, С.Кьеркегор, В.Вундт, У.Джеймс, Б.Кэннон, У.Макдугал, А.Дюм, Д.Дьон, З.Фрейд, ва Р.Вудвортларнинг дифференциал эмоциялар ҳақидаги классик қарашларига, П.Якобсон, Э.Гельгорн, Г.Харлоу, Дж.Боулби, А.Симонов, П.Экман каби замонавий тадқиқотчиларнинг илмий ёндашувлари

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

кенг даврада таҳлил қилинган. Дифференциал эмоцияларни ўрганишда уларнинг ҳар бири когнитив соҳада ва инсон хулқ-атворига таъсир қилувчи мустақил ҳиссий мотивацион жараён сифатида кўрилади. Шунга мувофиқ дифференциал эмоциялар назарияси ҳиссиётларни туғма ҳодиса деб ҳисоблайдиган ва инсон танасини тузилиши билан боғлиқ бўлган назариядир. Айнан дифференциал эмоциялар ва шахс рефлексивлигининг йўналишлари ўртасидаги алоқадорликни текшириш мақсадида “Дифференциал-эмоциялар шкаласи” методикаси (К.Изард) ўтказилиб, эмпирик маълумотлар тўпланди.

7-жадвал

Шахс эмоцияларидаги дифференциаллик ва рефлексивлик ўртасидаги муносабат

Эмоционал ҳолатлар	Рефлексивлик йўналишлари					
	Ўз-ўзига	Бошқа инсонларга	Ўтмишдаги фаолиятга	Ҳозирги фаолиятга	Келажақдаги фаолиятга	Бошқалар билан ҳамкорлик ва мулоқотга
Қизиқиш	0,02	0,05	0,06	0,05	0,16**	0,04
Хурсандчилик	0,03	0,01	0,16**	0,07	0,08*	-0,03
Ҳайратланиш	0,03	-0,03	0,09*	-0,01	-0,02	-0,02
Ғам	-0,05	-0,03	0,05	-0,07	-0,01	-0,02
Жаҳл	-0,001	-0,07	0,06	0,01	0,01	-0,06
Шубҳаланиш	0,05	0,03	0,01	-0,08*	0,02	0,02
Жирканиш	0,04	-0,04	-0,01	-0,008	-0,01	-0,01
Қўрқув	-0,05	-0,02	-0,005	-0,09*	-0,01	-0,04
Уят	-0,002	0,06	0,01	-0,09*	0,06	0,02
Айбдорлик	-0,03	0,02	0,06	-0,10*	0,09*	-0,007

Изох: *P≤0,05, ** P≤0,01

Тадқиқотда қайд этилишича, ўтмишдаги фаолиятга рефлексия хурсандчилик билан ($r=0,11$; $p\leq 0,01$) кучли даражада ва ҳайратланиш билан ($r=0,09$; $p\leq 0,01$) аҳамиятли тарзда алоқадорликка эга. Маълумки, шахс ўтмишдаги ўйин, таълим ва меҳнат фаолиятини таҳлил қилиш натижасида уларда эришган ютуқ, муваффақиятларини, ҳаттоки, муваффақиятсизликларини ҳам хурсандчилик билан эсга олади. Шунинг асносида айрим вазиятларда қилган хатти-ҳаракатларидан ҳайратланиш ҳолатлари ҳам кузатилади.

Ҳозир фаолиятга рефлексия шубҳаланиш ($r=-0,08$; $p\leq 0,05$), қўрқув ($r=-0,09$; $p\leq 0,05$) уят ($r=-0,09$; $p\leq 0,05$), айбдорлик ($r=-0,10$; $p\leq 0,05$) билан тесқари алоқадорликка эгаллиги маълум бўлди. Таъкидлаш жоизки, фаолиятнинг у ёки бу турини муваффақиятли бажаришда инсондан ижобий эмоциялар талаб қилинади. Юқоридаги шубҳаланиш, қўрқув, уят, айбдорлик ўсмир ва ўспириннинг реал имкониятлари чекланиб қолишига олиб келади.

Тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда келажақдаги фаолиятга рефлексия қизиқиш ($r=0,16$; $p\leq 0,01$) билан юқори даражада аҳамиятли ҳамда хурсандчилик билан ($r=0,09$; $p\leq 0,05$) ўзаро алоқадорлик кузатилади. Натижалардан шунини таҳлил қилиш мумкинки, ўқиш ва меҳнат фаолиятига нисбатан кучли қизиқиш мавжудлиги натижаси самарали бўлишига олиб келади. Албатта, ҳар қандай режалаштирилган ишлар муваффақият билан якунланса, шахсда кўтаринки кайфият уйғониши фаолиятнинг унумдорлиги ортишини кутиш ўринли. Шунингдек, ўсмир ва ўспиринлар гуруҳида ўзидаги мавжуд имкониятлардан етарли даражада фойдалана олмаслик уларда айбдорлик ҳиссини юзага келтириши эмпирик маълумотларда кузатилади.

Биз тадқиқот доирасида рефлексивлик йўналиши ва инсоннинг инсон томонидан идрок этилиши билан боғлиқ жиҳатга ҳам эътиборимизни қаратишга ҳаракат қилдик. Инсонни инсон томонидан идрок этилиши ўзининг объективлиги билан ажралиб туради ҳамда шахснинг хусусият бу одамнинг хусусиятлари сифатида шахсга тегишли эканлигини акс эттиради [9]. Чунончи,

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

рефлексивлик тараққиётига коррекцион-ривожлантирувчи таъсир кўрсатишнинг анъанавий технологиялари таҳлили, рефлексивликни ривожлантиришда рефлексия амалларида уйғунликка эришиш услубиёти, мазмуни ва назарий асослари, бундай ёндашувнинг самарадорлигига эътибор қаратиш муҳим. Дастлаб, шахсда рефлексивликни ривожлантиришга қаратилган анъанавий ёндашувлар психодинамик, транзакцион таҳлил, психодрама, танага йўналтирилган психотерапия, бихевиорал йўналтирилган гуруҳлар, гуманистик ёндашув, сензитив тренинг гуруҳлари каби ёндашувларнинг мазмуни, қўлланилиш самарадорлиги, амалга ошириш механизмлари кўрсатиб ўтилди. Мазкур тренинг назарияларига мос равишда ўсмирлик ва ўспиринлик даврда рефлексивликни ривожлантиришга қаратилган коррекцион-ривожлантирувчи модел ишлаб чиқилди.

Тадқиқот вазифаларидан келиб чиқиб, навбатдаги босқичлари ўсмир ва ўспиринлар гуруҳида рефлексивликни ривожлантиришга қаратилган коррекцион-ривожлантирувчи дастур ишлаб чиқилди.

Ўсмирлар ва ўспиринлар гуруҳида рефлексивликни ривожлантиришга қаратилган психокоррекцион дастур доирасида “Мен кимман?”, “Мен қандайман?”, “Бошқалар мен тўғримида”, “Ким энг...”, “Мен ... эканими ҳеч ким билмайди”, “Менинг хислатларим”, “Ҳа”, “Ўзини ўзи кадрлашни тасдиқланиши”, “Менинг мақсадларим” каби психологик тренинг машғулотларидан фойдаланилди [7].

Рефлексивликни ривожлантиришга қаратилган психокоррекцион дастурнинг самарадорлигини аниқлаш мақсадида ретест (қайта текширув) амалга оширилди.

9-жадвал

Шакллантирувчи эксперимент таъсирида ўспиринлар гуруҳида рефлексивлик йўналишларида ўзгариш кўрсаткичлари (Стъудент t-мезони бўйича)

Синалув чилар гуруҳлари	Рефлексивликнинг йўналишлари	Экспериментдан олдинги кўрсаткичлар		Экспериментдан кейинги кўрсаткичлар		Тафовутнинг статистик аҳамияти (t-мезони бўйича)
		M ₁	S ² ₁	M ₂	S ² ₂	
Ўзини ўзи билан қиёсловчи тип	Ўз-ўзига	5,39	1,63	2,88	1,82	p ≤ 0,01
	Бошқа инсонларга	3,31	1,54	3,08	3,37	p ≥ 0,05
	Ўтмишдаги фаолиятга	33,8	5,43	3,28	5,53	p ≥ 0,05
	Ҳозирги фаолиятга	29,2	6,56	29,7	5,84	p ≥ 0,05
	Келажакдаги фаолиятга	37,8	6,54	35,8	5,47	p ≤ 0,05
	Бошқалар билан ҳамкорлик ва мулоқотга	33,9	6,32	31,8	6,07	p ≤ 0,05
	Умумий рефлексия	134,6	18,6	127,9	21,5	p ≤ 0,05
Ўзи билан бошқаларни қиёсловчи тип	Ўз-ўзига	3,28	1,61	3,11	2,40	
	Бошқа инсонларга	5,25	1,81	2,91	2,15	p ≤ 0,05
	Ўтмишдаги фаолиятга	33,0	5,88	32,7	6,08	p ≥ 0,05
	Ҳозирги фаолиятга	30,3	6,76	30,1	6,23	p ≤ 0,05
	Келажакдаги фаолиятга	37,5	6,07	36,6	6,79	p ≥ 0,05
	Бошқалар билан ҳамкорлик ва мулоқотга	43,4	62,0	32,0	6,17	p ≥ 0,05
	Умумий рефлексия	144,1	65,1	130,8	19,5	p ≤ 0,05
Дуплекс (икки томонлама) йўналган тип	Ўз-ўзига	3,28	1,54	2,87	2,00	p ≤ 0,05
	Бошқа инсонларга	3,30	1,53	2,76	1,98	p ≥ 0,05
	Ўтмишдаги фаолиятга	33,6	4,69	31,7	4,69	p ≤ 0,05
	Ҳозирги фаолиятга	28,9	5,86	30,7	6,03	p ≥ 0,05
	Келажакдаги фаолиятга	36,9	5,57	34,3	6,68	p ≤ 0,05
	Бошқалар билан ҳамкорлик ва мулоқотга	34,7	5,34	31,8	6,52	p ≤ 0,05
	Умумий рефлексия	134,5	13,0	128,1	14,4	p ≤ 0,05

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

Мазкур жараёнда тренинг самарадорлиги рефлексияга қаратилган ривожлантирувчи ишлар, аввал, одамнинг ўзини бошқа инсонлар билан солиштириш тизимини яхшилайдди. Махсус ишлаб чиқилган тренинг машғулотларининг самараси ўзини бошқа инсонлар билан боғлиқ рефлексивликни кучайтиришга хизмат қилганлигидир.

Жадвалда келтирилган натижаларга кўра, ўспиринлар гуруҳида амалий машғулотлар самарадор бўлганини кўришимиз мумкин. Хусусан, ўз-ўзига йўналганлик типига ўз-ўзига, келажакдаги фаолиятга рефлексия, бошқалар билан ҳамкорлик ва мулоқотга рефлексия ҳамда умумий рефлексия даражаларига аҳамиятли таъсир кўрсатганлигини кўриш мумкин. Натижалардан шуни айтиш мумкинки, шахс ҳаёти, фаолиятидаги муваффақият, муваффақиятсизлиги интилишлар даражаси аксарият ҳолларда ўзига боғлиқ эканлиги асосланилди.

Шахс онтогенетик тараққиётида рефлексивликни ривожланишига доир илмий-назарий, эмпирик маълумотларни тизимлаштириш асосида қуйидаги хулосаларни шакллантириш мақсадга мувофиқ:

1. Шарқ алломалари асарларида ўзини ўзи англаш, ўзини ўзи баҳолаш, ўзини ўзи бошқариш, ўзини ўзи назорат қилиш, ўзини ўзи тарбиялаш, ўзини ўзи таҳлил қилиш каби рефлексив жараёнларнинг ривожланиши шахс камолотини таъминловчи механизм эканлиги асослаб берилган.

2. Жаҳон психологиясида шахс рефлексивлиги, шахснинг ўзини ўзи англаши, ўзини ўзи ривожлантириш, билиш жараёнлари ва фаолиятни бошқариш, қобилият ва ихтиёрий фаолият, гуруҳий ўзаро таъсир, шахслараро мулоқот, ижтимоий перцепция, эмпатия, ўзини ўзи баҳолаш, тафаккур, коммуникатив жараёнлар, ҳамкорликдаги фаолият таркиби ҳамда ўқув фаолиятини ташкил этишнинг инструментал воситаси, ўз ҳаёт фаолиятини англаш кабилар фикрлаш фаолияти нуқтаи назардан ёндашилади.

3. Ўсмирлик ва ўспиринлик даврида рефлексивлик ўз-ўзига йўналганлик, бошқа инсонларга йўналганлик типига кучли алоқадорликка эга бўлса, келажакдаги фаолиятга рефлексия эса, бошқа инсонларга йўналганликка, ўтмишдаги фаолиятга рефлексия ҳозирги фаолиятга рефлексия ҳамда бошқалар билан ҳамкорлик ва мулоқотга рефлексия билан мустаҳкам алоқадорликка эга эканлиги қайд этилди.

4. Шахсда рефлексивликнинг ривожланиши билиш жараёнлари тараққиёти билан боғлиқ бўлади. Жумладан, ўз-ўзига йўналган типига диққат жараёни билан боғлиқлик қайд этилса, ҳозирги фаолиятга ва келажакдаги фаолиятга рефлексия тафаккур турлари орасида предметли-амалий, мавҳум- рамзий, сўз-мантиқий, яққол образли тафаккур билан тескари алоқадорликка эгаллиги кузатилди.

5. Ўсмирлик ва ўспиринлик даврида ижтимоий интеллект компонентлари ва рефлексивлик йўналишлари ўртасида ўзаро алоқадорлик қайд қилинади. Жумладан, ўтмишдаги фаолиятга рефлексия ўз-ўзини бошқариш, эмпатия, ҳозирги фаолиятга рефлексия, ўзини ўзи мотивациялаш ҳамда келажакдаги фаолиятга рефлексия, ўзини ўзи англаш жараёнлари билан боғлиқлиги эмпирик тадқиқотлар асосида аниқланди.

6. Субъектив олам мустақиллиги соҳалари ва рефлексивликнинг йўналишлари ўртасида ўзига хос интеркорреляцион алоқадорлик кузатилади. Ўз ўзига йўналган типига жисмоний тана, ҳудуд, нарса буюмлар билан, бошқа инсонларга йўналганликдаги жисмоний танлов мустақиллиги, нарса буюмлар қадриятлар билан ўтмишдаги фаолият рефлексияси жисмоний тана мустақиллиги билан тескари алоқадорликка эга бўлса, келажакдаги фаолиятга рефлексия қадриятлар билан, ҳозирги фаолиятга рефлексия эса, жисмоний тана мустақиллиги билан кучли даражада аҳамиятлиликка эгаллиги исботланди.

7. Ўсмир ва ўспиринлар гуруҳида муваффақиятга эришиш ва муваффақиятсизликдан қочиш мотивацияси, шахс эмоционал ҳолатлари ва рефлексивликнинг йўналишлари ўртасида боғлиқлик аниқланди. Шунга мувофиқ, муваффақиятга интилиш ва муваффақиятсизликдан қочиш мотивацияси ўртасидаги фаолиятга рефлексия, ҳозирги фаолиятга рефлексия билан эмоционал ҳолатлардан қизиқиш, хурсандчилик, келажакдаги фаолиятга рефлексия билан хурсандчилик, ҳайратланиш, ўтмишдаги фаолиятга рефлексия билан ижобий корреляцион алоқадорликка эга эканлиги эмпирик маълумотлар асосида асосланилди.

8. Рефлексивликни ривожлантиришга қаратилган психокоррекцион дастур ўсмирлик ва ўспиринлик даврида ўзининг самарадорлигини кўрсатди. Айниқса, ўсмирлик даврида ўз-ўзига йўналган типига бошқа инсонларга йўналганлик ва “дуплекс” типидогиларда юқори аҳамиятлилик қайд этилди.

Тадқиқот натижалари ва улар асосида шакллантирилган умумий хулосалар қуйидаги амалий тавсияларни тақлиф этиш имконини бермоқда:

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

1. Шахс онтогентик тараққиётида рефлексивликни ривожлантиришга хизмат қилувчи психодиагностик ва психокоррекция дастурларни таълим муассасалари амалиётчи психологлар фаолиятига жорий қилиниши мақсадга мувофиқ.

2. Ота-оналар ўсмирлик давридаги фарзандларига ўзини ўзи англаш, ўзини ўзи баҳолаш, ўзини ўзи таҳлил қилишга ўргатиш орқали ўзини ўзи тарбиялаш имкониятларини намоён қилишга шароит яратиш лозим.

3. Шахснинг психологик қиёфасини ташкил этувчи ижтимоий интеллект, муваффақиятга эришиш мотивацияси, ўз-ўзига ҳурмат, мулоқотда ўзини ўзи бошқариш сифатларини такомиллаштириш орқали шахсда рефлексивликни ривожлантиришга эришиш керак.

4. Ўсмир ва ўспиринлар билан олиб бориладиган психокоррекция тадбирларни ташкил этишда шахсда рефлексивлик йўналишларининг ривожланиши билиш жараёнлари тараққиёти билан боғлиқлигини ҳисобга олиш зарур.

5. Ўсмир ва ўспиринлар гуруҳида таълим-тарбия жараёнларини олиб боришда муваффақиятга эришиш ва муваффақиятсизликдан қочиш мотивацияси, шахснинг эмоционал ҳолатлари билан рефлексивлик йўналишлари ўзаро боғлиқлигига эътибор қаратиш лозим.

Адабиётлар

1. Оперативная стратегия ЮНЕСКО в отношении молодежи на 2014-2021 гг. – Париж: Изд-во ЮНЕСКО, 2014. – 20 с.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Фармони //ПФ- 4947 07.02.2017.// <http://lex.uz/docs/3107036>

3. Khalilova N.I. Thinkers of the medieval east on reflexive processes // European journal of research and reflection in educational sciences. – UK, 2018. – Vol.6 No.2. – P. 59-62.

4. Халилова Н.И. Рефлексия психологик тадқиқотлар предмети сифатида //Иновациялар ва таълимдаги ислохотлар контекстида замонавий психология: муаммолар, қонуниятлар ва истиқболлар: Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2019. – Б. 383-387.

5. Халилова Н.И. Рефлексивлик умумий қобилиятлар тизими сифатида //Педагогик маҳорат. – Бухоро, 2017. – №1. – Б. 70-74.

6. Халилова Н.И. Психология фанида рефлексия муаммосининг ўрганилиши // ЎЗМУ хабарлари. – Тошкент, 2017. – №1/3. – Б. 295-298.

7. Халилова Н.И. Психологик тренинглар воситасида ўсмирлик даврида рефлексияни ривожлантириш имкониятлари//Мақтаб ва ҳаёт. – Тошкент, 2018. – Б. 17-20.

8. Гуткина Н. И. О психологической сущности рефлексивных механизмов // Психология личности: теория и эксперимент. М., 1982. С. 100 -108.

9. Карпов А. В. Психология рефлексивных механизмов деятельности. М.: ИП РАН, 2004.

10. Психологик атамалар русча-ўзбекча изоҳлар луғати. –Т.: Фан ва технологиялар 2019. – 293 бет.

Дилафрўз БАРАТОВА

Бухоро давлат университети
психология кафедраси доценти,
психология фанлари номзоди

МАҲАЛЛАДА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИНING ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Бугунги кунда психологик хизмат кўрсатиш амалиёти барча давлатларда турлича кўринишларда амалга оширилмоқда. Айнан маҳалла ҳаёти билан боғлиқ психологик тадбирларнинг олиб борилиши ушбу тизимда ўзига хос ижтимоий омилларнинг яққол намоён этилишини таъминлашга хизмат қилади. Ушбу мақолада ҳам маҳалла тизимида психологик хизматни ташкил этилишининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: психологик хизмат, уюшмаган ёшлар, шахс руҳияти, зиддият, қадрият

Сегодня практика оказания психологических услуг осуществляется в разных формах во всех странах. Именно реализация психологических мер, связанных с жизнью махаллей, служит для обеспечения четкого отражения конкретных социальных факторов в этой системе. В данной статье также обсуждаются особенности организации психологических служб в системе махалля.

Ключевые слова: психологическая служба, неорганизованная молодежь, психика личности, конфликт, ценность

Today, the practice of providing psychological services is carried out in various forms in all countries. It is the implementation of psychological measures related to the life of mahallas that serves to ensure a clear reflection of specific social factors in this system. This article also discusses the features of the organization of psychological services in the mahalla system.

Key words: psychological service, disorganized youth, personality psyche, conflict, value

Мавзунинг долзарблиги: Айни пайтда, маҳаллалар қадим-қадимдан эзгулик бешиги, тарбия ўчоғи бўлган, миллий урф-одат анъаналар шаклланган маскан ҳисобланган. У одамлар ўртасида ўзаро меҳр-оқибат, бағрикенглик ва ҳамжихатлик қарор топишида муҳим аҳамият касб этиб келган. Қолаверса, бугунги кунда ҳам биздаги маҳаллалар мамлакатимизда давлат бошқарувининг бирламчи бўғини, асосий устуни сифатида эътироф этилмоқда.

Мамлакатимиз Президенти томонидан ёшларга алоҳида эътибор қаратилиши Ўзбекистондаги муайян ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Албатта, бугунги кунда ўсиб келаётган ҳар бир ёшнинг ўзига хос психологик имкониятларини тўғри талқин қилиш ва шу асосда уни ҳаётга, турли хил ижтимоий вазифаларни бажаришга йўналтириш барча соҳалар каби психологиянинг ҳам асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Чунки, кишлок ва шаҳарлардаги уюшмаган ёшлар контингенти жуда кўпчилиқни ташкил этади. Қолаверса, ҳар бир ёш ўспириннинг ўзига хос табиати, маънавияти, қизиқишлари ва ўзига хос дунёқарашлари мавжудки, ушбу хусусиятлар асосида ўспиринлар ҳаётини ҳар жиҳатдан тўғри ва мазмунли тарзда шакллантириш мумкин бўлади. Албатта, ушбу ишни амалга ошириш учун эса шу ҳудудда истиқомат қилувчи маҳалла фаоллари, маҳалла профилактика нозирлари, таълим муассасаси раҳбарлари ҳамда барча ота-оналар биргаликда ҳаракат қилишлари зарур бўлади.

Бугунги кунда уюшмаган ёшлар гуруҳи ва унга ижобий таъсир этиш масаласи барча ижтимоий муассасалар олдида турган долзарб масала эканлиги тобора сезилмоқда. Зеро, ҳаётнинг ўзи мураккаблашиб бораётган бир вақтда ҳар бир шахсга, айниқса ёшларга таъсир этувчи кучлар ҳам тобора кучайиб бормоқда. Шунинг учун уюшмаган ёшлар гуруҳини ўрганиш ва унга психологик таъсир этиш механизмларини тадқиқ қилиш учун амалиётчи психологларга тегишли даражадаги билим ва кўникмалар шаклланган бўлиши шарт. Бу ҳақида амалиётчи психологлар қуйидаги илмий маълумотларни билиши ва тўғри талқин қилиши талаб этилади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, маҳаллаларга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасига ва 1993 йилда қабул қилинган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонунига биноан маҳаллалар давлатнинг жойлардаги муҳим таянчи бўлмиш юридик шахс сифатида фаолият кўрсатди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида жами 9627 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи фаолият кўрсатмоқда, шундан 6855 таси юридик шахс мақомига эгадир. Маҳаллаларда психологик хизмат кўрсатишга бағишланган грант лойиҳалари бўйича Республика микёсида муайян илмий-тадқиқот изланишларининг олиб борилаётганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Жумладан, Бухоро давлат

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

университетининг психология кафедраси олимлари томонидан ЁА-1-9 рақамли “Аҳолининг турли қатламларида психологик хизмат кўрсатиш амалиёти” лойиҳаси асосида (лойиҳа раҳбари доцент Д.Ш.Баротова) 2015-2017 йилларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. Мазкур грант лойиҳаси доирасида бир қатор маҳаллаларда психологик хизматни ташкил этиш бўйича талайгина тажрибалар тўпланди. Тажрибалар шуни кўрсатадики, ҳақиқатан ҳам, маҳаллаларда аҳолининг турли қатламлари истиқомат қилишади. Лекин ҳар бир қатламнинг ўзига хос ижтимоий-психологик имкониятлари мавжудки, бу имконият-ларидан унумли фойдаланиш тақозо этилади. Бу жараёнда эса психологик хизмат амалиёти муҳим аҳамият касб этади. Маҳаллада психологик хизмат амалиётини ташкил этиш учун куйидаги йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш зарур:

1. Маҳаллада истиқомат қилувчи ҳар бир шахснинг ўзига хос психологик хусусиятларини ўрганиш асосида шахс харитасини тузиш.
2. Маҳаллада шахслараро муносабатлар тизимига баҳо бериш (маҳалла фаоллари ва маҳаллада яшовчилар ўртасида).
3. Маҳаллада муаммоли оилалар ва муаммоли шахсларни ўрганиш асосида ушбу муаммонинг психологик ечимларини излаш ва бартараф этиш.
4. Маҳалла, мактаб, оила ва профилактика нозирлари ҳамкорлигини самарали тарзда ташкил этишнинг психологик таъсир мезонларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётда қўллаш.
5. Маҳаллада уч авлод учрашувини ташкил этиш асосида ёшларга психологик таъсир этиш доирасини кенгайтириш.
6. Маҳалладаги кадриятларни ўрганиш ва шу кадриятларнинг таъсирчанлигига таяниб шахслардаги у ёки бу муаммоларни бартараф этиш.
7. Маҳалладаги жиноятларнинг содир этилиши ва суицид ҳолатларига олиб келувчи омилларни муайян ижтимоий психологик тамойиллар асосида таҳлил қилиш. Ушбу ҳолатга мойиллиги бор ҳар бир шахс билан индивидуал шуғулланиш.
8. Маҳаллада ногиронлиги мавжуд шахсларга алоҳида психологик ёндашув йўллари кўрсатиш.
9. Маҳалладаги маънавий-иқтисодий ва мафкуравий жиҳатдан муаммоси бор шахслар билан тизимли ишларнинг ташкил қилинишига қўмаклашиш.
10. Маҳаллани ҳар томонлама тизимли равишда ўрганиб, унда истиқомат қилувчи ҳар бир оила ва ҳар бир шахснинг ўзига хос индивидуал психологик харитасини тузиш ва шу асосда маҳаллага психологик хизмат кўрсатишнинг илмий амалий жиҳатдан истиқболли режаларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётда қўллаш.

Дарҳақиқат, бугунги кунда республикамызда маҳалла институти тараққиёти учун жуда кўплаб ишлар қилинмоқда. Айни пайтда маҳаллада яшовчи фуқароларнинг ўзаро муносабати, мулоқоти, улардаги маънавий-психологик жиҳатларнинг тадқиқ қилиниши орқали ҳар бир маҳаллада психологик хизмат кўрсатиш бўлимлари очилмоқда. Айниқса, маҳалладаги уюлмаган ёшлар билан ишлаш, нотинч оилалар ва ногиронлар билан ишлашдаги психологик муаммолар аста-секин ечиلىб бормоқда. Бу борада бир қатор социал-психологик тадқиқотлар олиб борилиб, тегишли илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилмоқда. Бинобарин, йиллар давомида маҳаллада психологик хизмат зарурлигини ўрганувчи тадқиқотлар олиб бордик. Бунда турли вилоятлардаги фуқаролар томонидан олинган жавоблар таҳлил қилиниб тегишли хулосалар қилинди.

Жумладан, Бухоро, Тошкент, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида олиб борилган контент-таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, аксарият фуқароларимизнинг ҳолисона жавобларида маҳаллада психологик хизматнинг ниҳоятда зарурлиги ҳақида эътироф этилган. Ушбу жавобларнинг айримларини мисол тариқасида келтирамиз.

“Содир бўлаётган оилавий зиддият ва фожиаларнинг олдини олишда маҳаллаларда психолог хизматининг ташкил этилиши самарали таъсир этади, деб ўйлайсизми?” – саволига олинган жавоблар ҳақида маълумот

2.1.1-жадвал

<i>Вилоят ҳудудлари</i>	<i>“Ҳа”</i>	<i>“Йўқ”</i>	<i>Жами n=</i>
<i>Бухоро вилояти</i>	43	5	48
<i>Тошкент вилояти</i>	48	3	51
<i>Навоий вилояти</i>	70	5	75
<i>Қашқадарё вилояти</i>	46	6	52
<i>Жами n=</i>	207	19	246

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

**“Ёшларнинг оила қуришдан олдин психолог хузурига бориши зарур, деб ҳисоблайсизми?”
– саволига олинган жавоблар ҳақида маълумот (n=226)**

2.1.2-жадвал

<i>Вилоят ҳудудлари</i>	“Ҳа”	“Йўқ”	Жами n=
<i>Бухоро вилояти</i>	43	5	48
<i>Тошкент вилояти</i>	49	2	51
<i>Навоий вилояти</i>	72	3	75
<i>Қашқадарё вилояти</i>	48	4	52
Жами n=	212	14	226

“Маҳалла тизимида психолог лавозими жорий этилишини маъқуллайсизми?” – саволига олинган жавоблар ҳақида маълумот (n=226)

2.1.3-жадвал

<i>Вилоят ҳудудлари</i>	Ҳа	Йўқ	Жами n=
<i>Бухоро вилояти</i>	43	5	48
<i>Тошкент вилояти</i>	51	0	51
<i>Навоий вилояти</i>	72	3	75
<i>Қашқадарё вилояти</i>	49	3	52
Жами n=	215	11	226

Юқорида қайд этилган барча фикрларнинг ҳаққонийлигини тасдиқлаш учун бугунги ижтимоий психологиянинг эмпирик тараққиётига хизмат қилувчи муайян валидлиги юқори бўлган замонавий методларни танлаш, саралаш ва уларни мазкур тадқиқотимиз мақсадига мос равишда қўллаш орқали маҳаллаларда аҳолининг турли қатламларидан эмпирик маълумотлар олиш ва шу маълумотлар асосида тегишли илмий – амалий тасаввурларимизни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади, деб ўйлаймиз. Шу нуқтаи назардан, дастлабки илмий адабиётлар таҳлили ва илмий – тадқиқий кузатишларимизга асосланган мулоҳазаларимиз бугунги кунда аҳолининг турли қатламларига аниқ мақсадга йўналтирилган методикаларни қўллаш орқали психологик хизмат кўрсатишнинг ниҳоятда муҳим эканлигини кўрсатмоқда. Бунда Республикаимизнинг ҳар бир маҳалласида истиқомат қилувчи аҳолининг турли қатламлари ўрганилиб муайян методикаларни қўллаш кўзда тутилади. Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб тадқиқот методикалари танланди. Танланган методикаларимиз эса аҳолининг турли қатламларида намоён бўлувчи Шахс хусусиятлари (“Кэттелл” мезонлари бўйича), шахсларнинг ўзини – ўзи ҳиссий баҳолашларини аниқлашга оид эмпирик кўрсаткичлар, (Рикс-Уэссман услуби бўйича), шахсларда зиддиятли ҳолатлардан чиқиш мотивациясининг намоён этилишига оид кўрсаткичлар кўламини белгиловчи омиллар (Томас услуби бўйича)ни аниқлашга ва шу аниқликлар асосида маҳаллада аҳолининг турли қатламларига психологик хизмат кўрсатишнинг амалий – диагностик йўналишларини асослаб беришга хизмат қилади.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. Тошкент., “Ўзбекистон” 2017.-488б
2. Баротов Ш.Р и др. Психологическая служба образования: от теории к практике.(Учебно - методическое пособие). – Бухара: Дурдона, 2017. – 172 с.
3. Богословский В.В., Общая психология 2019. – С. 102-145.
4. Василюк Ф.Е. От психологической практики к психо-технической теории. Московский Психотерапевтический журнал, 1992. № 1. – С. 15-32.
5. Allport G. Formation of personality: Selected works / [Per. from English. L. V. Trubitsyna and D. A. Leontyev]; under total. ed. D. A. Leontyev. - М.: Smysl, 2002.

Дилрабо АМРИДИНОВА

Самарканд давлат чет тиллар институти

ИЛК УЙҒОНИШ ДАВРИ МУТАФАККИРЛАРИ ИЖОДИДА КОМИЛ ИНСОН ҒОЯСИ

Мақолада Марказий Осиёда илк уйғониш даври муттафаккирлари Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби етук илм фан намояндаларининг фалсафий қарашлари ва улардаги комил инсон ғоясининг намоён бўлиши хусусиятлари таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: *фалсафий мерос, шахсий сифатлар, ижтимоий ғоялар, одоб-ахлоқ тамойиллари, ахлоқий тушунча ва тасаввур.*

В научной статье анализированы философские взгляды и воззрения крупных представителей Ренессанса эпохи Ренессанса в Центральной Азии ал-Фараби, Бируни, Ибн Сино, о всесторонней развитой личности, его нравственных качествах.

Ключевые слова: *Философское наследие, личные качества, социальные идеи, духовно-нравственные принципы, этические понятия и представления.*

The scientific article analyzes the philosophical views and views of large Renaissance Renaissance in Central Asia al-Farabi, Biruni, Ibn Sino about a comprehensively developed personality, its moral qualities.

Key words: *philosophical heritage, personality attributes, social ideas, ethical principles, ethical concepts and imaginations;*

Ўзбек халқи мустақилликка эришгани туфайли ўтмиш авлодлар қолдирган бой маънавий-маданий меросни ўрганиш ва қайта тиклашга мушарраф бўлмоқда. Фан ва маданият намояндаларининг асарларида ифодаланган маънавий-ахлоқий ғоялар инсонлар руҳияти ва маънавияти тараққиётида, айниқса ёшларда эзгулик ва ифтихор туйғусини ривож топишида муҳим восита бўла олади.

Республикамиз Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Бизнинг улуғ аждодларимиз ўз даврида комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий мезонлар мажмуини, замонавий тилда, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанларини эслаш ўринли. Ота-боболаримизнинг онгу тафаккурида асрлар, минг йиллар давомида шаклланиб, сайқал топган ор-номус, уят ва андиша, шарму ҳаё, ибо ва ифбат каби юксак ахлоқий туйғу ва тушунчалар бу кодекснинг асосий маъно-мазмунини ташкил этади” [1]

Ушбу тарихий ва ҳикматли сўзларни янада чуқурлаштириб Президент Ш.Мирзиёев “Биз аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, уларнинг ғояларини англаган ҳолда, қатъий ислохотларни амалга ошироқдамиз, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан бормоқдамиз” [2] деб таъкидлайдилар.

Эраמידан уч минг йиллар олдин ёзилган асар “Авесто”-зардуштийлик динининг муқаддас китоби ҳисобланиб, дастлабки шарқона фалсафий қарашларни ўзида акс эттирувчи таълимий-тарбиявий манбадир. Унда инсонни камолотга эришувида меҳнат, эзгулик, инсонийлик, софлик, бағрикенглик каби сифатларнинг аҳамияти чуқур ифодаланган.

“Авесто”да инсонинг баркамол бўлиб етишишида унинг сўзи, фикри ҳамда иши бир бўлишига катта эътибор берилди. Ушбу ахлоқий учлик ғояси энг қадимги даврлардан бошлаб кишилик жамияти тараққиётининг барча босқичларида яратилган комил инсон муаммоларига бағишланган Шарқ фалсафий фикрлари мазмунининг шаклланишига асос бўлган десак, хато қилмаган бўламиз. Зеро, унда одамнинг инсон сифатида маънавий ва моддий камол топиши учун зарур бўлган муайян талаблар ўз ифодасини топиб, ҳаёт кодекси сифатида нафақат Шарқ балки Ғарб халқларининг ҳам муқаддас маънавий меросига айланган.

Комил инсон ҳақида гап кетганда, ахлоқ-одоб тамойилларига урғу берилиши бежиз эмас. Наинки, одамнинг инсонлиги, унинг онгли мавжудот сифатида ҳаёт кечириши ва турмуш тарзи, табиат, жамият ва одамларга бўлган турли-туман муносабатларида намоён бўлади. Унинг ахлоқ-одоби ана шу инсоний ахлоқ чегарасида туриб муомила қилиши, тарихан ўз ахлоқий тушунча ва тасаввурларини бойитиб, кенгайтириб ва ривожлантириб келганидан далолат беради. Лекин одамзот ва унинг маънавий дунёси шунчалик кенг ва мураккабки, у айрим инсоний фазилатлар, кўникиш ва

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

салоҳиятлари билан чегараланиб ёки белгиланиб қолмайди. У мураккаб жисмоний, ақлий ва руҳий муштаракликни тақазо этади.

Марказий Осиёда илк уйғониш даври буюк мутафаккирлари-Фаробий, Беруний, Ибн Сино ва бошқаларнинг Маъмур академияси олимларининг ахлоқий-маърифий, ахлоқий тарбия, ўз-ўзини такомиллаштириш, “билим-жамият равнақи учун” каби фикр ва қарашларида акс этди. Қуйидаги ахлоқий ўғитларга бу хислатларни яққол кўриш мумкин: “Билимдан ташқари яхши шахсий сифатларга эга бўлган кишигина ақллидир” (Фаробий); “Оқил киши ўзида замондошларини энг яхши сифатларини мужассам этади”, “Қанчалик ақлли бўлмасин агар у жамият учун фойда келтирмаса, у комил инсон эмас” (ал-Масихи); “Ким ўзининг ҳис-туйғусини бошқара олса, ўз қалбини тарбиялай олса, ўша оқилдир” (Беруний). Ушбу ҳикматларда инсонни комилликка эришуви ҳақидаги ғоялар ўз аксини топгандир.

Ўрта асрлар Шарқ фани ва маданияти етакчилари орасида шубҳасиз, ўз даврида замондошлари томонидан “Муаллим Ус-соний” (“Иккинчи муаллим”) деб ном берилган Абу Наср Фаробий (870-950) биринчи ўриндан жой олади.

Фаробийнинг фалсафий - ижтимоий ғоялари ниҳоят даражада таракқийпарвар ва инсонпарвардир. У инсонни ижтимоий ҳодиса сифатида қарайди ва одамлар орасида инсонпарвар муносабатлар уларнинг қизиқишлари, хоҳиш-истаклари ва ўзаро ёрдам беришларининг бирлашуви асосида юзага чиқади, деб ҳисоблайди. “Фозил одамлар шахри” асарида олим ҳукмдор тимсолида ўзида ақл, ирода, илм-фанга қизиқиш, адолатпарварлик, мулоҳазакорлик, уздабуронлик каби сифатларни жамловчи комил инсонга хос жиҳатларни мужассамлаштиради [3].

Инсон муаммоси ва унинг ривожланиши Фаробий фалсафий тизимининг энг муҳим ва мураккаб таркибий қисмини ўзида акс эттиради. Бунинг сабаби, унинг фалсафий, ижтимоий-сиёсий таълимоти марказида ҳар томонлама баркамол инсон ва инсоният уларнинг умумий бахти, юксак фозилликка эришуви йўллари ва усуллари муаммоси туради. Буларнинг барчаси олим дунёқараши юксак инсонпарварликка асосланганидан гувоҳлик беради. Мутафаккир ахлоқ, инсон хулқ-атвори ва унинг таълим-тарбиясига катта аҳамият беради. Унинг фикрича, инсон маънавиятининг юқори даражаси қалби, ақли ва фикрлашида акс этади.

Мутафаккир “Фозил одамлар шахри”, “Бахт-саодатга эришув ҳақида китоб” каби асарларида олим одамлар ва давлатнинг тақдирида диний таълимотларда олдиндан белгилаб қўйилганига қарши ўларок, таракқийёт ва ривожланиш манбаи сифатида ижодий фаолиятнинг муҳимлигини таъкидлайди. Айниқса, инсоннинг билимларни эгаллаши, ўзида ҳиссий ва маънавий эҳтиёжлар орасида кераклиларини танлаб олиш кўникмасини ҳосил қилишда ёрдам берадиган ироданинг роли катта эканлигини алоҳида ажратиб кўрсатади.

Шарқ Уйғониш даврининг буюк қомусий олими Абу Али ибн Сино (980-1037) ўз вақтида барча билим соҳаларини эгаллаган эди, шу сабабли ўзига хос фалсафий тизимни ярата олди. Афсуским, ҳақиқат йўлида ва одамларга қилган буюк хизматлари Ибн Сино учун даҳшатли қийинчиликлар келтирганлиги тарихдан бизга яхши маълум.

Ибн Сино қатъийлик билан хотиржамлик ҳамда аъзоларининг ўзаро муносабатларида уйғунлик ва ўзаро бир-бирин тушуниш мавжуд бўлган жамият зарурлиги ҳақида гапирган эди. Инсонпарвар олим бундай жамиятни ўзи жуда қизиқарли асослаб берган эди: одамлар бир-бири билан мулоқот қилмасдан, ҳамкорликсиз, ўзаро ёрдамсиз, бир-бирига хизмат қилмасдан, бир-бирига нисбатан яхшилик қилмасдан, мавжуд ҳам бўлолмайди, яшай ҳам олмайди. Шунинг учун олим ўзининг “Китоб аш-шорат ва танбиҳот” асарида мана бундай ёзади. “Инсон худди одамзод уруғининг бошқа вакиллари билан мулоқотдаги каби эҳтиёжларини қанчалик қондирмасин, бироқ ўзининг шахсий эҳтиёжлари мустақиллиги мазмунида алоҳидаликни ифода этмайди. Одамлар орасида ташкил этилган ўзаро алоқадорликдаги айрибошлаш жараёнида ҳар бири бошқасини қандайдир ғам-ташвишдан қутқариб қолади. Агар ҳар бири алоҳида бажарганда эди, қўлидан келадиган иш бўлганида ҳам, унинг елкасига оғир машаққат тушган бўлар эди. Шу сабабли одамлар орасида ўзаро келишув, адолат ва қонунларнинг аниқланган меъёрлари зарур” [4].

Инсонпарварлик анъаналарининг ривожланишида Абу Райҳон Беруний (973-1048) муҳим ҳисса қўшди. Инсонни ўз табиатига кўра ижтимоий мавжудот деб ҳисобланган олим ахлоқийлик ва меҳнатсеварликни шахс инсоний қадр-қимматининг асосий мезонлари сифатида белгилаб берди.

Беруний мероси ўзида таълим ва тарбия мазмуни, илм-фанга оид қимматли ғояларни ўз ичига олган мислсиз илмий назариялар тўпламини қамраб, улар орасида олинган билимларнинг амалий қўлланилиши муҳимлиги, мотивация ва билишга эҳтиёж, инсоннинг ўз дунёқарашини ўстиришга асосий ургу берилган. Унинг фикрича, “Комил” нарса ортиқчаликни ҳам, камчиликни ҳам қабул этмайди, яъни ҳамма нарса ўз меъёрида бўлгани маъқулдир.

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

Мутафаккирларнинг фалсафий қарашларининг инсонпарварликка йўналтирилганлиги унинг инсоний ўзаро муносабатлар асослари сифатидаги ахлоқийлик ва жамоавийлик, билимларнинг инсон хуснига таъсири ҳақидаги қарашларида ўз аксини топган бўлиб, ушбу фазилатларни эгаллаган кишилар мукамал ахлоққа эга бўлган комил инсонлардир.

Беруний қарашлари илм-фан, таълим ва маърифатпарварлик масалалари билангина чегараланмайди. Балки ёшларда тарбиялаш лозим бўлган яхшилик, зийраклик, кўнгилчанлик, ҳақиқатпарварлик, адолатли бўлишга интилишни-энг муҳим сифатлар, деб ҳисоблаганлиги билан ҳам қадрлидир. Унингча олижаноб ва инсоннинг юксак маънавий ўй – фикрлари: – бу туғма инсоний хусусият ҳам, темпераментнинг психологик ўзига хослиги ҳам эмаслигини, аксинча олийжаноблик ахлоқий иш ва ҳатти - ҳаракатлар натижасида тарбияланиши ва эгалланиши мумкин эканлиги ҳақидаги фикрларни илгари сурилган.

Олимнинг келгуси авлод тарбияси ҳақида билдирган фикрлари ўша давр учун жуда катта жасорат эди. Унинг фикрича комил инсоннинг асосий сифатларидан меҳнатсеварлик, барча даврлар учун хос ижобий хислат бўлиб, инсоннинг моддий фаровонлиги ва маънавий юксаклигини таъминлайди.

Ҳозирги даврда, жамиятимизда маънавий-ахлоқий муҳит юксалиб, миллий қадриятлар, инсон ҳуқуқи ва эрки, ижодий куч-қуввати намоён бўлаётган бир шароитда баркамол инсон ўзида ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий хислатлар мажмуини мужассамлаштирган, жамиятда ўзлигини ва ўз қобилиятини ҳар томонлама намоён эта оладиган, маърифатли, ақлан етук, жисмонан соғлом, ахлоқан пок шахсни тарбиялаш бугунги таълим-тарбия муассасаларининг асосий ва муҳим вазифаси бўлиб қолиши зарурдир.

Дарҳақиқат, ҳозирги даврда инсоният олдида турган барча умумбашарий муаммолар ечими авваламбор инсон омили ролининг фаоллашуви, унинг соғлом фикри юксак маънавияти ва маърифати билан боғлиқ бўлиб қолаётганлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Зеро, XXI аср инсоният тарихида янги бир даврни – цивилизациямиз олдида турган барча муаммоларни ва зиддиятларни юксак маънавият, теран ақл – идрок, билим ва тафаккур кучи, ўзаро ҳурмат ва келишув йўли билан ҳал қилиниши устувор бўлган даврни бошлаб берди.

Хулоса қилиб айтишимиз керакки, биз ёш авлодни ўтмишимизга ҳурмат, маънавий меросимизга эътиқод руҳида тарбиялаш вазифасини қўяр эканмиз, таъкидлаш жоизки, бу ҳурмат, бу эътиқод асло кўр-кўрона, юзаки бўлмаслиги, аксинча, теран билимга ақлий етукликка, эркин фикрлаш ва маънавий покликка асосланган муносабат бўлмоғи лозим.

Адабиётлар

1. Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat – engilmas kuch. – T.: Ma'naviyat, 2008. 74-b.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M. Mirziyoevning BMT Bosh assambleyasining 72 – sessiyasida so'zlagan nutqi. – T.: O'zbekiston, 2017. -184-b.
3. Buyuk yurt allomalari.Tuzuvchi U.Uvatov. – T.: “O'zbekiston” NMIU, 2018.- 424 b.
4. Choriyev A. Inson falsafasi: inson to'g'risidagi falsafiy fikrlar taraqqiyoti. – T.: “O'zbekiston Faylasuflari milli y jamiyati, 2007, 244 - 246 s.

Иноятхон ТУЙЧИЕВА

Фаргона давлат университети педагогика
кафедраси мудири, педагогика фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD)

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА ЎҚИТУВЧИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Ушбу мақолада таълим муассасаларида ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишда ўқитувчи шахсининг аҳамияти, у бажарадиган вазифалар ҳақида фикр юритилган. Шунингдек, таълим олувчилар ижтимоий фаолликларини оширишга йўналтирилган педагогик жараёнларга таъсир этувчи бир қатор ўзига хос омиллар мавжудлигини ўқитувчи, албатта, назарда тутиши, ёшларнинг интеллектуал ривожини ҳамда уларнинг истеъдоди ва қобилиятларини тўлиқ амалга оширишга эътибор бериши кераклиги баён қилинган.

Таянч сўзлар: таълим муассасалари, ижтимоий фаоллик, ўқитувчи шахси, таълим олувчи, ўқувчи-ёшлар, ташаббусни йўналтириши, мулоқот маданияти, мустақил фикрлаш, характер, темперамент, ижтимоийлашиш, ҳамкорлик, қўллаб-қувватлаш.

В данной статье рассматривается значение личности учителя в повышении социальной активности молодежи в образовательных учреждениях, задачи, которые он выполняет. Также было отмечено, что учитель должен обязательно предусмотреть наличие ряда специфических факторов, влияющих на педагогические процессы, направленные на повышение социальной активности обучающихся, обратить внимание на интеллектуальное развитие молодежи и ее талант и способности в полной мере.

Ключевые слова: образовательные учреждения, социальная активность, личность учителя, образование, учащаяся молодежь, ориентация на инициативу, культура общения, независимое мышление, характер, темперамент, социализация, сотрудничество, поддержка.

This article discusses the importance of the teacher's personality in increasing the social activity of young people in educational institutions, the tasks that he performs. It was also noted that the teacher must necessarily provide for the presence of a number of specific factors that affect the pedagogical processes aimed at increasing the social activity of students, pay attention to the intellectual development of young people and their talent and abilities to the full.

Key words: educational institutions, social activity, teacher personality, education, student youth, initiative orientation, communication culture, independent thinking, character, temperament, socialization, cooperation, support.

Илм-фан ва технологияларнинг жадал ривожланиши, дунёда рақобатнинг ортиши шароитида ҳар бир давлат ва жамиятнинг бу жараёнда рақобатбардошлиги асосида ёшларнинг интеллектуал ривожини ҳамда уларнинг истеъдоди ва қобилиятларини тўлиқ амалга оширишга эътибор беришга боғлиқ бўлади.

Шунинг учун бу масала ҳар доим давлатларнинг узоқ муддатли ривожланишини таъминлашга қаратилган барча стратегияларда акс эттирилган. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси [1] ҳам бу борада истисно бўлмади. Унда алоҳида бўлим давлатнинг ёшлар сиёсатини такомиллаштиришга бағишланган. У Ўзбекистоннинг 10 миллион фуқароси ёки мамлакат аҳолисининг 31 фоизини ташкил этувчи ёшларга нисбатан давлат сиёсатининг самарадорлигини оширишга қаратилган бир қатор устувор вазифаларни қамраб олади.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқини ташкил этиш зарурати ҳаётнинг ўзи томонидан белгилаб қўйилди, у ташкилотдан ёшлар ҳаётидаги энг долзарб масалаларни ҳал қилишни талаб этади, айниқса, уюлмаган ёшлар ҳаётда ўз ўрнини топиши учун муносиб шароитлар яратиш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, касб-хунарга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш, уларнинг ташаббусларини рағбатлантириш шулар жумласидан[2].

Ўқувчи-ёшларнинг ижтимоий фаолликларини ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ташаббусларини рағбатлантириш аксарият ҳолларда таълим-тарбия жараёнида ўқитувчи томонидан амалга оширилади.

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

«Ижтимоий фаоллик» шахснинг ўзига хос сифати бўлиб, у инсонда бирданига пайдо бўлмайди, балки узлуксиз таълим ва меҳнат жараёнида вужудга келади. Шунинг учун ҳам фаолликнинг дастлабки элементлари болалик даврида шаклланади. Мактабгача ва бошлангич таълим жараёнида болаларда психик жараёнлар ривожланади. Бу эса уларнинг инсоний қиёфаси шаклланиши, атрофдагилар ва ўзига нисбатан муносабатларнинг таркиб топишига асос бўлади. Бола ижтимоий муносабатларга киришиши, тартиб ва қоидаларни ўрганиши, фаолиятнинг ҳар хил турларини ўзлаштириши билан камолотга эришади. Камол топиш жараёни албатта атрофдагилар билан фаол муносабат туфайли амалга ошади. Бола фаолликсиз ҳеч нарсага эриша олмайди, ахлоқий меъёрларни ўзлаштира олмайди. Шунинг учун унинг фаоллиги мактабда ўқувчилик пайтлариданоқ ижтимоий тус олиши жуда муҳимдир. Шундай қилиб, ижтимоий фаолликнинг шаклланиши шахснинг тарбияланишида, унда жамият талабларига хос хусусиятлар ва фазилатларнинг шаклланишида муҳим ўрин тутади[3; 103-б.].

Ижтимоий фаолликни ошириш ва ривожланишини таҳлил қилиш учун шахснинг ижтимоий камол топиши асосий тушунча ҳисобланади. Педагогик-психологик адабиётларда эътироф этилишича, ижтимоий камол топиш аждоқларимиз тўплаган ижтимоий тажрибани бола томонидан ўзлаштириш жараёнида амалга ошади. Бу ўзлаштириш аввал бошданок инсоннинг ижтимоий муҳит билан ўзаро фаол муносабати тарзида намоён бўлади.

Таълим олувчилар ижтимоий фаолликларини оширишда ўқитувчи қатор педагогик мулоқот шарт-шароитларига риоя қилиши зарур: биринчидан, ўқитувчи ўзи кунда муносабатга киришадиган кишиларнинг турли психофизиологик, ижтимоий ҳолатини инобатга олиб, ўқувчилар, ота-оналар ва синф раҳбарлари билан мулоқотнинг мазмуни, усули, ритми ва характерини белгилаб ола билиши зарур. Иккинчидан, ўқитувчи мулоқот мотивлари, объекти, предмети, вазифалари, ва ниҳоят, натижаларини олдиндан башоратлаш лаёқатини эгаллаши зарур. Ўқитувчининг маслаҳатлари курук насихатдан, фикрлари аввалдан ёдлаб олинган иқтибослардан, ўқитиш усули анъанавий методлардан иборат бўлиб қолса, ўқувчига умуман таъсир кўрсатмаслиги, балки, ҳатто акс таъсир кўрсатиши мумкин.

Ёш авлодда ижтимоий фаолликни тарбиялаш жараёнининг самарадорлиги таъминлаш учун қуйидагиларни ҳисобга олиш лозим:

- педагогларнинг ёшлар билан биргаликда амалга оширадиган фаолиятини ўзаро ҳамкорлик асосида ташкил этиш;

- педагогик мулоқот принципи доирасида талаба-ёшларнинг маънавий-ахлоқий билимлар, маданият ютуқлари, анъаналарга бўлган ижобий муносабатини шакллантириш;

- ҳар бир шахснинг қизиқишлари, эҳтиёжлари, маданий бойликларни ўзлаштиришга бўлган интилишларини жамоанинг қизиқишлари ва интилишлари билан уйғунлаштириш;

- педагогларнинг ўқувчи-ёшлар билан ҳамкорликдаги фаолиятини улар дуч келадиган индивидуал қийинчиликларни бартараф этишга йўналтириш;

- маънавий-ахлоқий ривожланиш ижтимоий ҳаёт муаммолари билан боғлангандагина тўлақонли аҳамият касб этади ва шахснинг ахлоқий танловни амалга оширишларига хизмат қилади.

Ёшларни ижтимоий фаоллигини ошириш соҳасида уларни ижтимоий муносабатларга киришишга тайёрлашда бир қатор педагогик ҳолатларга эътибор қаратилади: умуммиллий маданий маънавий қадриятлар асосида ўзини жамиятнинг фаол фуқароси сифатида ҳис қилишга тайёрлик; ёшларда фидойилик ҳамда ўзаро маданий ҳамкорлик ҳиссининг ривожланганлиги; аждоқлар ва ёш авлод орасидаги маънавий-маданий ижтимоий бирдамликнинг шаклланиши.

Ўқитувчининг таълим олувчилар ижтимоий фаолликларини ривожлантириш соҳасидаги компетенцияларининг мавжуд даражасини ошириш борасида қуйидаги илмий-методик тавсияларни бериш мумкин.

1. Ўқитувчиларнинг таълим олувчиларда ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган фаолиятини қуйидаги йўналишларда ташкил этиш зарур:

-ҳар бир ўқитувчи ўз касбий компетентлигини ошириб бориши, бунда қуйидаги механизмдан фойдаланиши лозим:

- ўз-ўзини ривожлантириш режасини тузиш ва унга амал қилиш;

- таълим муассасаси томонидан ўқитувчиларнинг хоҳиш-истакларини назарда тутган ҳолда, ўзаро тажриба алмашиш мақсадига қаратилган ижодий гуруҳлар ташкил этиш;

- малака ошириш тизимининг қатъий фаолиятини таъминлаш;

- педагогик кенгаш, семинар ва конференцияларда фаол иштирок этиш;

- илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланиш, методик мақолалар ёзиш ва чоп этириш;

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

- ҳар бир таълим муассасаси ўз имконияти доирасида ўқитувчилар ижодий фаолиятини рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш.

2. Шунингдек, фан ўқитувчилари, хусусан, гуруҳ раҳбарлари муайян таълим муассасаси ва гуруҳ жамоасининг ўзига хос имкониятларига таянган ҳолда қуйидагиларни амалга оширишлари зарур:

- “ижтимоий фаоллик”нинг заруратини ўқувчилар онгига чуқур сингдириш учун ота-оналар ва маҳалла билан ҳамкорликда иш олиб бориш;

- ўқув жараёнидан ташқари режали тадбирлар ташкил этиш;

- халқимизга хос бағрикенглик, ташаббускорлик, меҳнатсеварлик, сабр-бардошлилик каби фазилатларни таркиб топтиришга қаратилган ҳадислар, ривоятлар, ҳикматли сўзларни ҳар бир ўрганиладиган мавзу мазмунига меъёрида сингдиришга эътибор бериш;

- диншунослик, дунё динлари тарихи, адабиёт, маънавият асослари, миллий ғоя каби фанларни ўқитишда кўпроқ ижтимоий фаолликни таркиб топтиришга аҳамият қаратиш ва шу асосида маънавий-ахлоқий тарбияни амалга ошириш;

- ўқувчи-ёшларни республикадаги Байналмилал маданият марказига ташрифларини уюштириш ва бу орқали турли миллат вакиллари билан дўстона мулоқотни кенгайтириш лозим;

- ўқувчи-ёшлар билан “Ижтимоий фаоллик нима учун керак?”, “Замондошларимиз ибрати”, “Ватан тараққиётида менинг ҳиссам”, “Она Ватанимнинг буюк фарзандлари”, “Ўзбекистонлик эканимдан фахрланаман”, “Ўсмир ва қонун”, “Ўқувчилар томонидан содир этилаётган жиноят ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш”, “Ватан меҳридан юксалаётган авлод”, “Ватанга хизмат қилиш буюк мақсадим”, “Юртим тарихини ўрганаман”, “Гиёҳвандлик – аср вабоси”, “Тақдирни қўл билан яратур инсон”, “Коррупция – келажакка таҳдид”, “Конституция ва қонун талабларига қатъий риоя қилиш маънавий савиямиз ва маданиятимизнинг асосий мезонига айланиши шарт” каби мавзуларда иншолар танлови, давра суҳбатлари, маънавият соатлари, тарғибот тадбирлари, семинар-тренинглари ўтказиш.

Ўқитувчи касбий мулоқот маданият унинг барча ҳатти-ҳаракатида, таълим мақсади ва вазифаларини қўя билиши ва унга эриша олишида ўз ифодасини топади. Ўқитувчи турли ёшдаги, ҳар хил жинсга мансуб таълим олувчилар шахси билан ишлар экан, уларнинг психологик хусусиятлари, улар вояга етаётган оилавий муҳит шароитларини ҳисобга олган ҳолда, таълим олувчилар билан ўзаро муносабатини самимият негизида ташкил эта олмас, бу орқали ўқувчи шахсини тарбиялаш, уларга самарали таълим бериш вазифасини муваффақиятли ҳал эта олмас экан, унинг касбий мулоқот маданиятига эгаллиги ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Айнан шахс тараққиёти ҳолатларини бошқара билиш, унда муайян билим ва тушунчаларни таркиб топтира олиш, уларда муайян ижтимоий ориентацияни мустаҳкамлаш, назарий-ижодий тафаккур ва фойдали меҳнат малакаларини сингдириш ўқитувчининг ҳақиқий ўқитувчилигини белгилаб беради.

Таълим олувчилар ижтимоий фаолликларини оширишга йўналтирилган педагогик жараёнларга таъсир этувчи бир қатор ўзига хос омиллар мавжудлигини ўқитувчи, албатта назарда тутиши керак. Улар:

– таълим олувчи фаоллашувига таъсир этувчи субъектлар;

– шахс ижтимоий фаоллигининг индивидуаллиги;

– турли жинс вакиллари ижтимоий фаоллигига хос хусусийлик;

– шахсни қамраб олган ижтимоий муҳит;

– таълим олувчиларнинг ижтимоий фаоллашувини рағбатлантирувчи педагогик жараёнлар кабилар.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида ёшларни тарбиялаш ва уларнинг бандлигини таъминлашда мактабдан ташқари таълимнинг замонавий усуллари ва йўналишларини жорий этиш, ўқувчиларда таълим олишга кучли мотивацияни шакллантириш, ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббусни амалиётга татбиқ этиш таълим тизимининг устивор йўналишлари сифатида белгилаб қўйилган[4].

Ўқитувчининг таълим олувчилар жамоаси билан ижобий муносабат ўрнатишининг бирламчи мотиви унинг касбий бурчидир, зеро, унга жамият томонидан ёш авлодни тарбиялаш ва таълим бериш вазифаси юклатилган. Табиийки, ўқитувчининг ўқувчилар билан мулоқоти доимий равишда унинг характер хусусиятлари, қизиқишлари, эҳтиёжларини ўрганишга йўналтирилсагина, у ўз педагогик фаолиятида ўқувчилар билан мулоқот қилишнинг нозик қирраларини эгаллаб олиши мумкин. Ўқитувчи ўқувчиларини ҳақиқатан яхши билиб олсагина, берадиган билимлари негизида

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

уларнинг ҳар бири билан тўғри мулоқот йўсинини ўрната олади ва қўйган мақсадларига эриша билади.

Ўқитувчи маданиятининг яна бир муҳим кўрсаткичи ўқувчилар жамоасини шакллантиришнинг турли йўналишларидан фойдалана билишда намоён бўлади. Ўқитувчи ўқувчилар жамоасини ягона организм сифатида қабул қила билиши ва у билан тўғри муносабат ўрната олиши, жамоавий ва индивидуал эҳтиёжларни уйғунлаштира олиши керак. Ўқитувчи синф жамоаси билан мулоқотга киришар экан, ўз ўқувчиларидан бирортасини назардан қочирмаслиги лозим.

Таълим олувчи шахси билан тенгхуққилик асосида, унинг шахсига ҳурмат билан муносабатда бўла оладиган ўқитувчигина юксак мулоқот маданиятига эга бўла олади. Бундай ўқитувчи ўқувчиларни тушунишга, унга ёрдам беришга тайёр туради ва ўз навбатида улардан кўмак сўрашдан, улар билан самимий мулоқотда бўлишдан чўчимади. Табиийки, бундай мулоқот маданияти ўқитувчининг нуфузига салбий таъсир кўрсатмайди, балки сифат жиҳатидан ўзгача тусга эга бўлади.

Ўқитувчи турли хил характер ва темперамент эгалари билан доимий мулоқотда бўлгани сабабли ўқитувчи доимий равишда мулоқот усуллари янгилаб туриши, унга ижодий ёндашишга тўғри келади. Мулоқот аудиториясининг катталиги, яъни таълим олувчилар жамоаси, педагоглар, ота-оналар билан доимий равишда муносабатда бўлиш кераклиги сабабли ўқитувчи мунтазам тарзда турли кишилар билан муносабатга мослаша билиши, яъни адаптацияга тайёр туриши керак. Мулоқот санъатини эгалламаган ўқитувчи бундай вазиятда қийин аҳволда қолиши табиий. У атрофдагиларни диққат билан тинглай билиши, ўзини ижобий жиҳатдан кўрсата билиши, топқирлик ва зукколик билан тушунтира билиш хусусиятларига эга бўлиши зарур.

Таълим-тарбия жараёнининг яхлитлиги ҳақида фикр юритилар экан, ўқитувчининг ушбу жараённи самарали ташкил этиши нечоғли аҳамиятга эгаллигини ҳам назардан қочирмаслик керак. Аксарият ўқитувчилар ўз вазифаларини фақатгина ўқувчиларга билим беришдан иборат деб ҳисоблайдилар. Бундай ёндашув нотўғри бўлиб, педагогик фаолиятнинг тўлақонли амалга оширилмаслигига сабаб бўлади.

Ўқувчи-ёшларни маънавий, маданий ва ахлоқий ривожлантириш мураккаб, кўп қиррали педагогик фаолиятни талаб қилади. Бу жараён жамият ҳаёти, унинг ўзига хос жиҳатлари, мавжуд зиддиятлардан айри ҳолда амалга оширилмайди. У оила, жамият, маданият, инсониятнинг ҳаётий, тарихий ривожланиш босқичлари билан бевосита алоқадорликда моделлаштирилади. Шундагина инсоннинг ҳаёти ва унинг ривожланиш жараёнини акс эттиради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида баён этилган қўйидаги фикрлар таълим олувчилар ижтимоий фаолликларини оширишда ўқитувчининг туган ўрнини юксалтиришда алоҳида аҳамиятга эга: "...Илм йўқ жойда қоқоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади. Шарқ донишмандлари айтганидек, "Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир!" Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак" [5].

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. /Расмий нашр/ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: "Адолат", 2017. – Б.37.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги «Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбир тўғрисида» ПҚ-3138-сонли қарори.
3. Тожибоева Х.М. Ўқувчи-ёшлар ижтимоий фаоллигини ошириш жараёнининг педагогик-психологик моҳияти // Халқ таълими. – Тошкент, 2017. - №4. – Б.102-106.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги "Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси" тўғрисидаги ПФ-5712-сонли Фармони. <https://lex.uz>
5. 2020 йил 24 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси матни. <http://uza.uz>

Феруз ГАНЖИЕВ

Бухоро давлат университети таянч докторанти

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ТАРБИЯЧИЛАРИНИНГ СОЦИАЛ ИНТЕЛЛЕКТИ ВА КАСБИЙ КОМПЕТЕНЛИЛИГИНИНГ АМАЛИЙ ЖИХАТДАН ЎРГАНИЛИШИ

Ушбу мақола Мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг социал интеллект ва касбий компетенлигининг амалий жиҳатдан ўрганилиши назарда тутилган. Мақола мазмунида мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари социал интеллект ва касбий компетенлиги концептуал асосда таҳлил этилган. Шунингдек, социал интеллект ҳам ушбу мақолада ўз аксини топган.

Калим сўзлар: *Компетентлик, ижтимоий компетентлик, интеллект структураси, амалий фаолият, психологик турғунлик, социал перцепция, социал тафаккур.*

Данная статья предназначена для практического изучения социального интеллекта и профессиональной компетентности дошкольников. В статье анализируются социальный интеллект и профессиональная компетентность дошкольного воспитателя на концептуальной основе. Социальный интеллект также отражен в этой статье.

Ключевые слова: *Компетентность, социальная компетентность, интеллектуальная структура, практическая деятельность, психологический застой, социальное восприятие, социальное мышление.*

This article is intended as a practical study of the social intelligence and professional competence of preschool educators. The content of the article analyzes the social intelligence and professional competence of preschool educators on a conceptual basis. Social intelligence is also reflected in this article.

Key words: *Competence, social competence, intellectual structure, practical activity, psychological stagnation, social perception, social thinkin.*

Мавзунинг долзарблиги: Маълумки, ҳозирги замон ижтимоий психология фанида шахс амалий фаолиятини ўрганиш ва ривожланиш билан боғлиқ изланишлар муҳим ўрин эгалламоқда. Шу нуқтаи назардан айнан амалий фаолият маҳсули бўлган касбий компетентлик жараёни самарадорлигини таҳлил қилишнинг талайгина муаммолари ва қийинчиликлари мавжуд. Касбий компетентлик жараёни нафақат ижтимоий психология илми, балки қатор психология фани тармоқларининг ҳам амалиётда қўлланилмоқда. Худди шундай тушунча барча илмий адабиётларда ўз ифодасини топган ҳам, лекин ушбу тушунчани инкор этмаган ҳолда айтиш мумкинки, касбий фаолият самарадорлигига фақат касбий компетентлик воситаси сифатидаги ижтимоий-психологик самарадорлик мезони сифатида қараб таҳлил қилиш учун мукамал даражадаги ягона илмий қонуниятни ўзида мужассам этган илмий-тадқиқий асос фанда ҳали қабул қилинмаган.

А.К.Маркова касбий компетентликка асос қилиб тарбиячи фаолиятининг айнан психологик тамойилларини ўзлаштиришга бўлган малакаларини қабул қилишни таклиф этади. Шундан келиб чиқиб А.К. Маркова томонидан илгари сурилган касбий фаолият модели ўз ичига қуйидагиларни олади:

- меҳнат жараёни ва унинг психологик натижаси.
- самарадорлиги ва самарасизлиги, турли шароитларда ўзига хослиги.

Касбий компетентлик деганда тарбиячининг шундай касбий фаолияти назарда тутиладики, бунда етарлича юқори даражада педагогик фаолият, педагогик муомала амалга оширилади. Бунда тарбияланувчиларнинг тарбияланиши борасида яхши натижаларга эришишда акс этувчи педагог шахси юзага чиқади. Айни пайтда педагогнинг касбий компетентлиги унинг касбий билим ва малакалари, бошқа бир томондан касбий позицияси ва психологик сифатлари мутаносиблиги билан баҳоланиши мумкин. Зеро, таниқли психолог олим А.К.Маркова томонидан тўғри таъкидланганидек, тарбиячи касбида процессуал кўрсаткичларнинг, яъни у ёки бу натижаларга эришишга олиб келувчи таъсир воситалари ва муҳитнинг роли катта. Тарбиячи профессионализи унинг касбий фаолияти шароитида ўзини турлича намоён қилади. Тарбиячи учун касбий фаолиятнинг турли шароитларида бир томондан касб талабларига мос келиш, бошқа бир томондан эса-ўзини касбий ривожлантириш мантиқига риоя қилиш, ҳар қандай ҳолатларда ҳам ички психологик турғунликни сақлаш муҳимдир.

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

Касбий компетентликнинг тузилишини ташкил этувчи компонентлар унинг ривожланиш босқичи билан ҳам боғлиқлиги кузатилади. Р.Селманнинг касбий компетентлик концепцияси шахснинг социаллашуви билан боғлаб талқин этилган:

1.Коммуникатив–психологик алоқалар ва коммуникатив ҳамкорликни ифодаловчи коммуникатив сифатлар интеграцияси асосида шаклландирган комплекс хусусиятлар бу касбий компетентликнинг устуни ҳисобланади.

2.Социал перцепция, социал тафаккур, социал ҳаёл, социал тасаввур,социал ҳодисаларни, инсонларни ва уларнинг ҳаракатлантирувчи мотивларни моделлаштириш ва тушуниш қобилияти.

3. Энергетик тавсифи: психик ва жисмоний бардошлилик, фаоллик ёки толиққанлик.

Бугунги кунда ҳам касбий компетентлик ривожланишига таъсир қилувчи муҳим омиллардан бири социал интеллектни тадқиқ қилишга бағишланган энг аҳамиятли психологик модел сифатида Дж. Гилфорднинг назариясига алоҳида эътибор қаратилади.

Дж. Гилфорднинг интеллект структурасининг кубик модели ўзида 120 та интеллектуал қобилиятларни қамраб олган. Ҳар бир қобилият ўзининг кичкина кубигига мос келиб, мазмун, жараён ва натижалардан иборат учта координата ўқининг кесишмасидан ҳосил бўлади.

Дж.Гилфорд моделининг аҳамиятини баҳоловчи изланиш натижаларида қуйидаги жиҳатлар унинг кадр-қимматини белгилаши кўрсатилган:

Инсон интеллектуал қобилиятларини тизимли ва батафсил ифода этувчи кенг маъноли концепция.

Нисбатан қисқа вақт мобайнида интеллектуал қобилиятларни башорат қилиш имкониятининг мавжудлиги.

Ушбу модел асосида амалий жиҳатдан мавжуд бўлган интеллектуал тестларни классификациялаш ва уларнинг маъно жиҳатдан натижаларини самарали талқин этилиши.

Ушбу дастурнинг ўзига хослиги кубик моделда социал интеллектнинг тўзилишига ҳам алоҳида ўрин ажратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Шунга кўра касбий компетентлик хулқ-атвори тушуниш имконини берувчи олтига омилни ўзида қамраб олган:

Хулқ-атвор элементларини билиш – вербал ва новербал мулоқот ҳаракатларни ажратиш қобилияти.

Хулқ-атвор сифатларини билиш хулқ-атвор ҳақидаги вербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш ёки вазиятли ахборотлар оқимидаги умумий хусусиятларни аниқлаш.

Хулқ-атвор муносабатларини билиш – хулқ-автор ҳақидаги ахборот бирликлари ўртасидаги алоқаларни ўрнатиш ва тушуниш қобилияти.

Хулқ-атвор тизимини тушуниш – ўзаро таъсирлашувнинг яхлит ва-зиятларини ривожланишини, бу вазиятларда улар хулқ-атворини мазмунини тушуниш қобилияти.

Хулқ-атворнинг ўзгартиришини билиш ҳар хил мазмундаги вербал ва новербал мулоқотнинг мазмунидан келиб чиқиб, ўзгаришлар мазмуни тушуниш қобилияти.

Хулқ-атвор натижаларини билиш – мавжуд ахборотлардан келиб чиқиб, хулқ-атвор оқибатларини кўра олиш қобилияти.

Дж. Гилфорднинг «Социал интеллектни ўлчаш» тести ва унинг тадқиқот мақсадиги мослиги Мазкур тест таниқли психолог Дж. Гилфорд томонидан ишлаб чиқилган. «Социал интеллектни ўлчаш» тести социал интеллектни соф ҳолда ўрганиш имконини бериши билан қимматлидир. Жаҳон илмий амалиётида мазкур тест имкониятлари вазиятли характердаги топшириқларни ҳал этишга мўлжалланганлиги, шахслараро муносабат мотивациясини адекват баҳолай олишга қаратилганлиги ҳамда социал омилларга асослаган муносабатли ҳолатларни ўрганишга мўлжалланганлиги билан муҳим.

Усулни қўллаш тартиби

Методика амалиётда индивидуал ва гуруҳий қўллашга мўлжалланган. Унда баҳолаш мезонларининг аниқлиги, натижаларнинг психологик талқин этиш учун қулайлиги ва бошқа ҳолатлар инобатга олинган. Касбий компетентлик даражалари тўртта мезон бўйича таҳлил қилинди.

I мезон – мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш.

II мезон – новербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш.

III мезон – вербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш.

IV мезон – шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш.

Текширилувчилар тўртта субтест билан танишгач, ўзининг айна пайтдаги ҳиссий кечинмаларига мос хусусиятлар ифодаланган ҳолатларни танлайди ва тегишли тартиб асосида

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

белгилаб беради. Ушбу белги мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари касбий компетентлик ҳақида тасаввур қилиш имконини беради.

Усулнинг калити

Тестнинг шартига кўра ҳар бир субтест беш баллик тизим асосида қайта ишланади. Респондент йиққан баллар қанчалик юқори бўлса касбий компетентлик даражаси шунчалик юқори, баллар қанчалик паст бўлса касбий компетентлик даражаси шунчалик паст кўрсаткичларни ташкил этади.

Олинган эмпирик маълумотларни шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин. Яъни уч, тўрт, беш балларни мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари социал интеллект учун «адекват» ҳамда бир, икки балларни эса «ноадекват» баҳо сифатида қабул қилиш мумкин. Мазкур тестни қўллаш орқали мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари социал интеллект ҳақида тегишли тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Мазкур модел мутахассислар томонидан эътироф этилаётганини инобатга олинса, уни таълим-тарбия жараёндаги социал ўзаро таъсирлашув масалаларини қийналмасдан таҳлил эта оламиз. Илмий мулоҳазалар бугунги кунда мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларларда таркиб топтирилаётган касбий компетентлик жараёнини ўрганишни ва тадқиқ қилишни тақозо этмоқда. Шунга кўра, илмий таҳлилларимизга асосланиб, мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларларда касбий компетентлик самарадорлигини ифода этишга йўналтирилган махсус иерархик тизим - схемаси ишлаб чиқилди ва ушбу тизим асосида касбий компетентлик омиллари ва уни тадқиқ қилиш услуби белгиланди.

1-жадвал**Мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг социал интеллектини ўрганиш натижалари**

Методикалар	Шкалалар	X	Y	T
Социал интеллектни ўрганиш тести (Гилфорд бўйича)	Мулоқот иштирокчисининг хис-сиёти, фикри ва ниятларини тушуниш	3,42	1,12	29,7
	Новербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш	3,52	0,92	35,9
	Вербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш	3,44	1,16	32,8
	Шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш	3,40	1,10	28,8

Энди, мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг социал интеллектининг умумий шарҳига тўхталиб ўтайлик. Биринчи навбатда уларнинг «мулоқот иштирокчисининг хиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш» қобилиятига мурожаат қилинади. Мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг бу шкала бўйича кўрсаткичлари 3,42 га тенг бўлди. Мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари фаолият жараёнида атрофдаги инсонлар ва тарбияланувчилари билан муомалада хулқ-атвор оқибатини олдиндан кўра олиш қобилиятини шакллантиришган. Улар муомаладаги реал вазиятдан келиб чиқиб, унинг нима билан якунлашини баҳолай олишлари, баъзан одамлар билан қутилмаган, нотипик ҳолатларда хатти-ҳаракатларни прогноз қилишда янглишишлари мумкинлиги, қўйган мақсадга эришишда ўз режаларини пухта ишлаб чиқа олишига хайрихоҳликларини аниқлашмоқда.

Мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг «новербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш» бўйича кўрсаткичи (3,52) эса уларни шахслараро вазиятларни яхши англашга, инсонлар орасидаги мураккаб вазиятларни таҳлилга олишга, уларни ривожланишини мантиқан тушуниш қобилиятини ривожлантиришга ҳамда мураккаб вазиятларни мулоқот иштирокчиларини иштирокига қараб вазиятларни баҳолаш қобилиятини ўстиришга имкониятлари борлигини кўрсатмоқда.

Социал интеллектда яна бир ўзига хослик вербал тарзда ифодаланаётган мулоқот ҳаракатларини тушуниш қобилиятидир. Бу борада тарбиячиларнинг социал интеллектининг умумий кўриниши қуйидагича (3,42), яъни бошқа субтест натижаларига қараганда озроқ қуйи қиймат акс этганлигидир.

Бу эса тарбиячиларнинг шахслараро муносабат характерига кўра бир-бири билан суҳбатлашадиган инсонларни тез ва яхши тушунишга мойилликлари, мулоқотда ҳар қандай инсонлар билан тил топишиб кетишга имконликларини қайд этмоқда. Ўйлаймизки, ушбу қобилият улар учун нафақат инсонлар билан муносабат, балки тарбияланувчиларининг билдирадиган фикр-мулоҳаза ва муносабатларига қараб ҳам уларнинг шахсига хос таърифлар бера олишларидан далолат беради.

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

Социал интеллектнинг баҳоловчи навбатдаги шкала «шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш» бўлиб, у бўйича мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари 3,40 балл қийматига эга бўлдилар. Бу балл тарбиячиларнинг новербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш шкаласи билан бир хил қийматни акс эттирмоқда ва қуйидаги психологик маънога эга бўлган ижтимоий қобилиятни ўзида акс эттиради: шахслараро вазиятларни яхши англашга, инсонлар орасидаги мураккаб вазиятларни таҳлил эта олишга, уларни ривожланишини мантиқан тушунишга, мураккаб вазиятларни мулоқот иштирокчиларини фаоллигига қараб вазиятларни баҳолаш қобилиятини ўстиришлари мумкин.

2-жадвал

Мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг социал интеллект кўрсаткичлари орасидаги корреляцион муносабат натижалари

Шкалалар	Мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш	НOVERбал мулоқот ҳаракатларини тушуниш	Вербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш	Шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш
Мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш	1	0,364**	0,111	0,132
НOVERбал мулоқот ҳаракатларини тушуниш	0,364**	1	0,022	0,272*
Вербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш	0,131	0,024	1	-0,131
Шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш	0,131	0,272*	-0,151	1

Изоҳ:** $p \leq 0.01$. * $p \leq 0,05$

Юқоридаги мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг социал интеллектининг умумий ҳолатини сифат жиҳатидан таҳлил қилиш учун методика шкалаларининг кўрсаткичлари ўртасидаги корреляцион муносабатларни аниқлашга эришилди. Қўлга киритилган натижалар навбатдаги 2.3-жадвалда ўз аксини топган.

Мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари социал интеллектининг умумий натижалари қийматлари ўртасидаги корреляция муносабатларида иккита аҳамиятли корреляцион салмоққа эга коэффицентлар аниқланди. Улардан биринчиси, «мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш» қобилияти билан «новербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш» қобилияти орасида аниқланди: $r=0,364$, $p \leq 0,01$. Социал интеллект шкалаларининг бундай салмоқли корреляция коэффиценти тарбиячиларнинг касбий фаолиятида «мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш» қобилиятини ривожлантириб боришлари «новербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш» қобилиятини ўсиши билан ўзвий бораётган экан. Бу эса, тарбиячиларнинг касбий фаолиятда хулқ-атвор оқибатини олдиндан кўра олиш, муомалада реал вазиятдан келиб чиқиб, унинг нима билан яқунлашини баҳолай олишлари, қўйилган мақсадга эришишда ўз режаларини пухта ишлаб чиқишлари, инсон хулқ-атворини бошқариши, ролли меъёрлари ва қоидаларига доир билим ва ўзаро таъсирлашуви, иштирокчилари билан боғлиқ новербал реакцияларда тўғри мўлжал ола билишлари туфайли инсон кечинмалари, мақсади ва ҳолатини новербал намоён бўлиши, мимикаси, позаси, имо-ишорасига кўра тўғри баҳолашга, мулоқот иштирокчиларининг новербал реакцияларини кўзатувчанлигига, новербал мулоқот ҳаракатларини тушунишга сезгирликни, бошқаларни тушунишларига имкон берар экан.

Мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларидаги «новербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш» қобилиятининг ривожланиши сабабли «шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш» қобилиятини яхшироқ намоён этишга олиб келар экан. Буни улар ўртасидаги корреляцион таҳлил қийматлари ифода этмоқда ($r=0,272$, $p \leq 0,05$). Бу икки қобилият орасидаги ўзаро ижобий корреляцион алоқадорлик қуйидаги социал интеллектнинг ифодаловчи хусусиятларни камол топишига олиб келади: мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг инсон кечинмалари, мақсади ва ҳолатини новербал намоён бўлишини, мимикаси, позаси, имо-ишорасига кўра тўғри баҳолашлари, мураккаб вазиятларни мулоқот иштирокчиларини иштироқига қараб баҳолаш қобилиятларини

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

ривожлантираётган эканлар. Демак, юкоридаги илмий мулоҳазаларга асосланиб шуни айтиш мумкинки муайян муаммони ўрганиш бугунги кунда мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг компетентлигини тадқиқ қилиш ва илмий хулосалар чиқариш имконини яратади. Мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг касбий фаолиятига хизмат қилувчи касбий компетентлик кўрсаткичларининг ўзига хос услубда ривожланиши социал интеллект хусусиятларига ҳам бевосита боғлиқ. Мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг касбий компетентлигини ривожланишида социал интеллект хусусиятларининг ўрни алоҳида ва аҳамиятлидир. Мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг касбий фаолияти давомида социал интеллект билан социал-психологик компетентлик ўртасидаги боғлиқлик индивидуал ривож-ланиш характерига эга бўлиб, уни социал тажриба, кўникма ва малакаларни тўплаб бориш орқали ривожлантиришга эришиш мумкин бўлади.

Адабиётлар

1. Ш.Ж. Усмонова Талабалар касбий шаклланишида интеллект динамикаси: Псих. фан ном. ... дис. – Т.: ТДПУ, 2011. – 124 б.
2. Л.Б. Филонов Социальная психология личности. – М.: «Наука», 1979. – 296 с.
3. Е.В. Хлыстова Особенности социально-перцептивных процессов подростков с интеллектуальной недостаточностью: Дис. ... канд. псих. наук. – Шадринск: ШГПУ, 2002. – 233 с.
4. М.А. Холодная Когнитивные стили: О природе индивидуального ума. – СПб.: «Питер», 2004 – 296 с.
5. Г.И. Челпанов История психологии от античности до середине XX века. М.: –Академия, 1996.– 350 с
6. Р.Тошимов,Э.Ғозиев Психодиагностика ва амалий психология. – Тошкент. 2004. – 132 б.

Анвар ХИКМАТОВ

Учитель цикла специальной подготовки
факультета военного образования,
Бухарский государственный университет

К ВОПРОСУ РАЗВИТИЯ СИСТЕМЫ ВОЕННОЙ РАЗВЕДКИ АМИРА ТЕМУРА (исторический анализ)

Мақолада Амир Темур салтанатида хавфсизликни таъминлашда разведка хизматининг ўрни ва роли илмий жиҳатдан таҳлил этилган. Шунингдек, разведка хизматини ташкил этиши, уни қўллаш усул ва услубларини ақс этиши тарихий, илмий манбаларга асосланган ҳолда ёритилган. Маълумки, XIV асрда Мовароуннаҳрнинг ҳарбий, ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётида катта ўзгаришларнинг рўй бериши А.Темур фаолияти билан бевосита боғлиқ. Бундан маълумотларни Амир Темур замондошлари бўлган тарихчилар асарлари, бугунги кун тадқиқотчиларининг илмий изланишларида кўришимиз мумкин.

Калит сўзлар: *Амир Темур, разведка, контрразведка, салтанат, хавфсизлик, ҳарбий санъат, савдогар, ҳарбий салоҳият, сайёҳ, қўроллар, дипломатлар.*

В статье анализируются роль и значение разведки в обеспечении безопасности империи Амира Темура. Кроме этого, освещаются пути и методы, способы применения и использование службы разведки, в основе которой находятся исторические и научные источники. Как известно, с появлением могущественного государства в Мовароуннахре в последней четверти XIV века в Центральной Азии проявляется мощный военный, социально-политический, культурный подъем, в основе которого лежит великий талант Амира Темура. Интереснейшие сведения обо всем этом нам представляют исторические источники, мемуары современников А.Темура и современных исследователей.

Ключевые слова: *Амир Темур, разведка, контрразведка, безопасность, военное искусство, война, военная мощь, торговцы, оружие, дипломаты.*

The article analyzes the role and significance of reconnaissance in ensuring the security of the empire of Amir Temur. And also, the ways and methods, the ways of using and using the intelligence service, are based on historical and scientific sources. As we know, with the emergence of a powerful state in Movarounnahr in the last quarter of the fourteenth century, a powerful military, socio-political, cultural upsurge is being observed in Central Asia, based on Amir Temur's great talent. The historical sources, the memoirs of Timur's contemporaries and contemporary researchers, provide us with interesting information about all this.

Key words: *Amir Temur, intelligence, counterintelligence, security, military art, war, military power, traders, weapons, diplomats.*

Общеизвестно, что основой и верной опорой власти Амира Темура было его войско, считавшееся тогда лучшим во всем Средней Азии. Это стало возможным благодаря тому, что его военное дарование раскрывалось в двух направлениях - во-первых, как реорганизатора войска и уже, во-вторых, как обладателя талантом непобедимого полководца.

Ярким свидетельством того, что Амир Темур обладал мудростью выдающегося государственного деятеля, стала созданная им великолепная система управления государством, изложенная в труде «Тюзик-и-Темур» («Уложение Темура»).

Как отмечал первый Президент И.Каримов, «Известно, мы все вполне обоснованно гордимся тем, что наш предок Сахибкиран Амир Тимур родился в этом крае, освободил его от врага, создал великое государство. Эту великую личность нам подарил сам Господь. Наследие Амира Тимура будет служить всем нашим потомкам и дальнейшей генерации»[1]. Государство Амира Тимура, самое великое своего времени, управлялось по принципам социальной справедливости, ведь Сахибкиран обращал особое внимание на развитие страны, в котором особое место занимали науки.

Сегодня заслуги славного сына узбекского народа высоко оценены во всем мире. Благодаря инициативе Первого Президента Ислама Каримова в годы независимости проделана широкомасштабная работа по глубокому изучению истории, дана объективная оценка жизнедеятельности Амира Темура. Отдавая дань уважения и почитания великому предку.

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

Создав централизованное государство, Амир Темура заложил фундамент развития системы содержания войска, военного дело, и разведки. Только за рубежом сегодня почти в 50 странах ученые-темуроведы раскрывают новые грани выдающейся личности и его потомков.

Неоценимый вклад Амира Темура в развитие мировой цивилизации. Заложив основы узбекской государственности, он создал самое могущественное государство, военного искусство, военной разведки того времени.

Выступая на совместном заседании палат Олий Мажлиса 14 декабря 2016 года, Президент нашей страны Шавкат Мирзиёев подчеркивает, что наполненные глубоким смыслом слова нашего великого предка Амира Темура «Пусть справедливость будет нашим спутником и руководством в каждом деле!» должны прочно войти в жизнь каждого из нас. Что и происходит в настоящее время. Пример тому созданные народные приемные, задача которых еще более утвердить в нашей жизни этот критерий, о чем ратовал великий предок, к чему призывает сегодня глава нашего государства[2].

При жизни Амира Темура о государственном управлении и в обеспечении безопасности страны было написано специальное сочинение, известное под названием «Уложения Темура». Этот ценнейший исторический источник средневековья состоит из двух частей. В нем изложена автобиография Амира Темура и связанные с его жизнью события, взгляды этого выдающегося государственного деятеля и полководца на военное искусство, устройство и управление страной.

Амир Темура особо заботился об военной и экономической мощи и величии страны, свидетельствуют письменные источники тех времен. Историк Хафиз-и Абру в сочинении «География» в составе Самаркандской области перечисляет ряд благоустроенных районов: Согд, Шавдар, Иштихан, Яркат, Каранд, Ярайлак, Дизак, Шиераз, Анхор-и Жадид. Согд Самарканда своим благоустройством славился на всем мусульманском Востоке. Главной водной артерией области была река Кухак (современное название Зарафшан); было проведено множество новых каналов, вследствие чего в окрестных землях Самарканда было образовано более семидесяти сел, которые получали воду из каналов Базар, Маздахин, Аби-Рахмат, Каранд, Анхор-и Жадид. По утверждению историка, последний построен непосредственно по приказу Амира Темура. Этот канал существует и ныне. Именно эти территории имели очень важную стратегическую роль в жизни г.Самарканда.

В письменных источниках эпохи Темуридов наиболее подробно освещена военная мощь, военная реформа и искусство ведения военной сражений. Велика его роль в строительстве городов, крепостей, караван-сараев, рынков, рабатов, мечетей, ханака, надгробниц, создании оросительных сетей, садов, посевных площадей, которые имели стратегический важный роль в ведении военной политики.

Амир Темура зародил традицию, касающейся повышению военной способности своих войск. Кроме того, Амир Темура дал указания для комплексного развития города и его окрестностей, превратив в единый ансамбль. Клавихо об этом пишет так: «Весь город окружен садами и виноградниками, которые тянутся в иных местах на полторы лиги (более 8 км), а в других — на две (более 11 км). А город стоит среди них. Между этими садами пролегают улицы и площади, очень населенные, где живет много народа. Так что то, что находится за валом, более населено (чем сам город). В этих загородных садах много больших и знаменитых построек, и у самого сеньора там есть дворцы». Во всех созидательных делах Амир Темура сам показывал личный пример и воодушевлял этим других.

По словам Шараф ад-дина Али Язди в «Зафарнаме» Амир Темура всячески старался возвеличить славу Самарканда, строил пышные здания, и в результате город превзошел все другие столицы. Рассказывая о Соборной мечети в Самарканде, он писал, что она построена по приказу Амира Темура, начало постройки — 4-го рамадана 801 года (10 мая 1399 года); на строительстве работали пятьсот камнетесов из Азербайджана, Фарса, Индии и других стран, еще пятьсот человек ломали камни в горах; камни привозили в город с помощью 95 сильных слонов, которых называли занджирпил; из привезенных камней для мечети готовили 480 колонн. Назначив на строительство мечети ответственных, Амир Темура лично контролировал и наблюдал за работой.

Как отмечают историки, к концу XIV столетия государство Темура находилось в зените мощи и могло оказывать непосредственное и опосредованное влияние на все происходящее на международной арене, ключевыми игроками которой являлись Османская империя, Мамлюкский султанат, Золотая Орда и Китай. Иран в этот период, распавшись на мелкие владения, переживал междоусобные войны. В получении полную информацию об социально-политических ситуации, о военной мощи и составе войск этих государств сыграл ключевую роль военная разведка Амира Темура..

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

Исследователь С.Гуломов отмечает, что во Франции в летописях Chronographia Regum Francorum» были зафиксированы данные о визите Иоанна Галонифонтибуса в королевский дворец. В частности, в них говорится о его прибытии в мае 1403 года в Париж, о приеме его Карлом VI, о цели визита и др. Есть также запись о том, что Иоанн тогда составлял летопись о Темуре на французском языке. Здесь речь идет о его труде под названием «Memoire sur Tamerlan et sa Cour» («Мемуары о Темуре и его дворце»). Данное произведение, состоящее из 24 разделов, включает в себя интересные и очень важные сведения. Например, в девятнадцатом разделе «о порядках, которые держит Темир Бей в своих городах и по всей своей земле» Иоанн пишет следующее: «...он (Темур) охотно посещает иностранных купцов и оказывает им покровительство, помощь и безопасность по всей своей стране и особенно франкам и христианам. Он установил безопасность купцов самой большой хитростью: если какой-нибудь купец был ограблен, где бы то ни было в его стране, то все те страны, где купец подвергнется ограблению, возвратят ему вдвойне и заплатят штраф Темир Бейю в пять раз больше того, что потеряет купец. В отношении этого указа он имеет должностных лиц во всех местах и строго поддерживает справедливость»[3].

Как пишет историк Ибн Арабшох, Амир Темур создал четко систему функционирования деятельности разведки. Как свидетельствует историк, тогдашние разведчики особо обратили внимание на расположение местности противника, составляли географическую карту. Они четко описали расположение кишлаков, рек, крупных объектов, а также дорог.

Точно, определили вид и число войска, оружия, полководцев. Дополнительно собирали информацию о биографии видных военных начальников, об их предках и т.п.

Особое значение имел, отношение народа к нынешнему правителю или завоевателю. Они детально изучали мнение населения политику правителя. Это играло важную роль в завоевании новых государств.

Историк Ибн Арабшох в свое время высоко оценил профессионализм разведчиков. Они всегда хранили конспирацию. Не привлекали к себе внимание. Они были хамелеонами. Они с лёгкостью меняли свой облик и высокой артистизмом играли роли кочевников, попрошайек, пастухов и др. Если их разоблачают, то они никогда предавали других[4].

Амир Темур отправлял разведчиков в качестве торговцев, писателей, поэтов, астрологов, путешественников, ремесленников и др. Особенно, пожилые люди приносили больше пользы. Так как они были очень осторожными, бдительными, чувствительными и т.п.

Как отмечаю историки, перед вступлением в бой с противниками, он часто отправлял своих разведчиков, в лице разных людей. Таким образом, он собрал все необходимые информации о противнике[7].

Кат отмечает зарубежный историк Марсель Брион, Амир Темур положил основу создания хорошо вооруженной и обученной армии. Он обучал своих эмиров основам стратегии и тактики. Эмир, одержавший победу над противником, получал право участвовать в государственном совете, насаждался: знаком отличия, флагом.

Литературы:

1. Ислам Каримов. Она юртимиз бахту икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш - энг олий саодатдир. – Т.: “Ўзбекистон”. НМИУ. 2015. – Б. 263.
2. Якупова И. Символ величия нации. // 11. 04. 2017. www.xs.uz.
3. Европейские дипломаты о Сахибкиране. // 06.04.2017. www.xs.uz.
4. Содиков Х. Амир Темур салнатанида хавфсизлик хизмати. Т.: “ARTFLEX”. -2010йил. Б-9
5. Содиков Х. Амир Темур салнатанида хавфсизлик хизмати. Т.: “ARTFLEX”. -2010йил. Б-11
6. Бердиев Б. “Темур тузуклари”да жамият ижтимоий қатламларининг акс этиши. Ижтимоий фикр-инсон ҳуқуқлари. 2013 йил №3. Б-115
7. Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихидан. Тошкент: “Шарқ” МАКБ. Б-101.

Анвар АЛИМОВ

Бухоро давлат университети
педагогика кафедраси доценти

Иқбол САВРИЕВА

Бухоро муҳандислик-технология институти
саноат экологияси кафедраси ассистенти

**БЎЛАЖАК КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШДА
ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ
ИМКОНИЯТЛАРИ**

Ушбу мақолада олий таълим муассасалари талабаларини касбий фаолиятга тайёрлашда педагогик инновацияларнинг ўрни очиб берилган. Шунингдек, бугунги кунда талабаларнинг шахсий ривожланиши уларнинг келгуси касбий фаолиятида муҳим аҳамият касб этиши ёритиб берилган. Бундан ташқари, педагогик инновацияларни олий таълим тизимида қўллаш таълим сифати ва самарадорлигини ошириши кўрсатилган ҳамда педагогик инновацияларни ишалаб чиқиши, амалда қўллаш босқичлари ва мавжуд муаммоларга ечим топиши юзасидан тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: *замонавий талаб, инновация, бакалаврият, педагогик фаолият, таълим самарадорлиги, шахсни ривожлантириши.*

В соответствии с приоритетами, изложенными в Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан, актуальным вопросом было признано личностное развитие будущих педагогов профессионального образования в высших учебных заведениях. При повышении духовных потребностей личности студента важно учитывать психологические требования, требующие внимания к его внутреннему миру, который имеет особую логику развития. Поэтому их способность к саморазвитию обеспечивается тем, что они оснащены средствами развития, способностью рационально владеть ими и систематически их использовать.

Ключевые слова: *современные педагогические требования, инновация, бакалавриат, педагогическая деятельность, эффективность образования, развитие личности.*

In accordance with the priorities set out in the Action Strategy for the further development of the Republic of Uzbekistan, the personal development of future teachers of professional education in higher education institutions was considered a topical issue. In increasing the spiritual needs of the student's personality, it is important to take into account the psychological requirements that require attention to his inner world, which has a special logic of development. Therefore, their ability to self-develop is ensured by the fact that they are equipped with development tools, the ability to possess it rationally, and their systematic use.

Keywords: *modern pedagogical requirement, innovation, bachelor degree, pedagogical activity, educational effectiveness, personality development.*

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган “Илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш” устувор вазифалари таълим муассасаларида таълим олувчи шахсини ривожлантириш масалалари долзарблигини кўрсатади. Таълим жараёнида шахсий ривожланиш масалалари эса асосан, коллективизмни тарбиялаш, шахснинг ва жамоанинг ўзаро алоқаси асносида талқин қилинган эди. Ҳозирги вақтда таълим мазмунини ижтимоийлаштириш оммалашмоқда, шахслараро муносабатларда шахс маънавиятининг қиммати кўтарилмоқда. Шунингдек, “шахс” тушунчасига берилган таърифларнинг ўзи унинг ривожланишини назарда тутди.

Жаҳонда касб таълими ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлашда уларнинг шахсий ва касбий сифатлари (рефлексивлик, ўз-ўзини фаоллаштириш, яратувчанлик, ижобий “Мен-концепцияси” ва макбул ахборотларни излаб топиш ва уларга ишлов бериш ҳамда ахборот технологияларидан таълим жараёнида самарали фойдаланиш)ни ривожлантиришга қаратилган вариатив таълим технологиялари асосида уларда мустақил ҳаракат қилиш ва ўз-ўзини ривожлантиришга ўргатиш катта аҳамият касб этади.

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

Шунинг учун талаба шахсини ривожлантириш, уларни педагогик ижодиётга, янгиликка интилиш ва яратувчанликка йўналтириш масалаларига кам эътибор қаратилганлиги ҳамда уларнинг инновацион фаолият олиб бориш қобилиятларини шакллантиришда шахсга йўналтирилган технологияларини самарали қўллашнинг илмий-педагогик асослари, аҳамияти ва имкониятларини ўрганиш долзарб ҳисобланади.

Талаба шахсини ривожлантириш шартларидан бири ташкилий таълим жараёни ҳисобланади. Бирок, авваламбор, “шахсни ривожлантириш” айнан нимани англатишини аниқлаб олиш зарур. Ўз моҳиятига кўра, шахсни ривожлантириш унинг имкониятлари доирасини ва амалга оширилган қобилиятларини ва оқибати сифатида – ҳаракатлар, интилишлар, билишга оид ва ижтимоий фаолликнинг кенгайишини англатади. Педагогик нуқтаи назардан шахсни ривожлантириш “бажара оламан” контекстида мақсадга йўналтирилган ҳолда кенгайтиришни англатади. Ўз-ўзидан “бажара оламан” тушунчаси талабанинг бирор фаолият турига киришганлигини ва унинг муваффақиятини таъминламайди, чунки маълум асос, сабаб, ундовчи кучлар ва интилишлар билан бирга кечмайди. Чунки, “бажара оламан” атамаси кўникмалар тўпламига айнан тенглаштирилмайди. У шунингдек, ўз ичига шахснинг интилишларини қамраб олади.

Таълим олувчи шахси эҳтиёжларининг ошишида ривожланишнинг хусусий мантиғига эга бўлган ички дунёсига эътибор қилишни назарда тутувчи психологик талабларни ҳисобга олиш муҳим ҳисобланади. Ўз-ўзини ривожлантириш қобилияти ривожланиш воситалари билан жиҳозланганлик, унга оқилона эғалик қила олиш ва улардан тизимли фойдаланиш билан таъминланади. Биз ўз-ўзини ривожлантиришни шахсни унинг бевосита иштирокида бойитиш, мукаммалаштириш, ижтимоийлаштириш, ҳаракатлантириш каби ўргандик. Бинобарин, таълим жараёни шахсга йўналтирилган ёндашув доирасида, аввало, талабаларнинг интилишларини шакллантиришга ва такомиллаштиришга қаратилган бўлиши керак.

Интилиш – бу инсоннинг ўз-ўзидан роҳатланиш сифатида ҳис этиладиган кечинмаларини амалга ошириш ҳаракатлари, жараёнларини рўёбга чиқаришга йўналтирилганлигидир. Ҳаракат қилиш мумкинлигининг ўзи уйғонишга айланади, ҳаракат қилиш истагининг қаноатлантирилиши эса ҳаракатланиш имкониятининг ортишига ундайди. Педагогик жараён шароитида бундай интилишларнинг шакллантирилиши тўғрисида сўз юритадиган бўлсак:

- билишга оид соҳада (интеллектуал ривожланиш);
- кечинмалар соҳасида (ҳиссиётнинг ривожланиши) – ҳиссиёт соҳасида бошқа кишига унинг ҳиссиётларига фаол шерик бўлишнинг намоён қилиниши устувор ҳисобланади (ўз ҳиссиёти ҳолатини қабул қилиш, бошқа кишиларнинг ҳиссиёти ҳолатларини тушуниш қобилияти).
- фаолият соҳасида (хулқ, операционал компонент). Талабалар хулқининг мустақиллиги тўғрисида уларнинг маълум эҳтиёжи сифатида гапириш лозим.

Бизнинг фикримизча, шахснинг ривожланишини таълим олувчининг ҳаётдаги ўз муваффақияти учун шахсий жавобгарлигининг, унинг фаолиятнинг турли хил соҳаларида ва мулоқотда маълум натижаларга эришиш учун шахсий ҳаракат қилишга тайёр туришнинг шакллантирилиши нуқтаи назаридан ҳам қараб чиқиш мумкин. Касбий педагогика фанида ва амалиётида бу муаммо кўп жиҳатдан шахс устидан ҳукмронлигини белгилаб берувчи мос равишда пештахтага руҳий босимни – очик ёки ёпиқ ҳолда олиб чиқувчи қатъий авторитар кўрсатма тарзида ҳал этилади. Ўз фаолияти учун жавобгарлик шахснинг қизиқишлари, унинг жамият субъекти сифатидаги ўз олдидаги масъулияти нуқтаи назаридан эмас, балки ташқаридан, меъёрий талаблар асосида берилиши салбий натижаларга олиб келиши мумкин.

Демак, жамият ривожининг ўзгариб кетган ижтимоий-иқтисодий шароитлари таълим тизимида, уни ислоҳ қилишнинг мақсадларига, йўналишларига, ўқитувчининг касбий фаолиятига; таълим тизимининг эгилувчанлигини (мослашувчанлигини) ошириш, таълим тизимларида ҳақиқий вариативликни яратиш, педагогик фаолият жараёнида таълим олувчиларнинг индивидуал талабларини ва шахсий имкониятларини янада тўлиқроқ ҳисобга олишга бўлган талабларни тузатишни назарда тутати. Жумладан, таълим тизимини ривожлантириш истиқболлари таълимнинг муқобиллигида ва индивидуаллаштирилишида, таълим шакллари ва турларини кенгайтиришда кўрилади. Бошқача қилиб айтганда, таълим олувчилар таълимнинг мазмунли ва процессуал жиҳатларини танлаш зарурлиги ва танловни таълимнинг мазмуни сифатида ҳам, унинг шакллари ва методлари, ўқув фаолиятининг турлари сифатидаги ҳам “танлаш майдони”ни кенгайтириш ёрдамида, талабанинг ҳақиқий қизиқишлари ва имкониятларига яқинлаштириш зарурлиги таъкидланади.

Олиб борилган тадқиқот натижасида бўлажак касб таълими ўқитувчисини касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнида олий таълим муассаларидаги 5111000 – Касб таълими бакалавриат таълим

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

йўналишлари ўқув режалари ва фан дастурлари таҳлил қилинганда, қуйидаги муаммолар борлиги аниқланди:

- умумқасбий фанларини ўқитишда бўлажак касб таълими ўқитувчисининг мустақил ва ижодий ишлаш қобилиятини ривожлантиришга қаратилган шахсга йўналтирилган таълим технологияларидан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги;

- бўлажак касб таълими ўқитувчисини тайёрлашда педагогик инновациялардан машғулотлар ва семинарларини ўтказишда ҳамда ўқув материалларини ишлаб чиқишда кам эътибор қаратилаётганлиги;

- “Касб таълими методикаси”, “Таълим технологиялари”, “Педагогик маҳорат” фанларидан талабаларни ижодий фикрлаш, янгиликларни излаш ва амалда қўллашга йўналтиришга етарлича аҳамият берилмаётганлиги;

- ахборот технологияларидан таълим жараёнида самарали фойдаланиш ва электрон таълим ресурсларини яратиш бўйича билим, кўникмаларни ва малакаларни шакллантиришга кам эътибор қаратилганлиги.

Юқоридаги муаммо ва камчиликлар касб таълими битирувчиси ўзининг дастлабки педагогик фаолиятини олиб боришида қийинчиликлар келтириб чиқаради. Бу эса, унинг ўзида ўқитиш методикасини ва педагогик маҳоратини етарли даражада шакллантириши учун доимо ўз устида ишлаб боришини тақозо этади. Иккинчидан, педагог ўқитадиган махсус фани бўйича янгиликларни излаши, таҳлил қилиши ва энг муҳим маълумотларни ўқув жараёнига татбиқ қилиб боришга эътиборли бўлиши зарурлигини кўрсатади.

Демак, касб таълими бўйича мутахассислар тайёрлайдиган олий таълим муассасасининг асосий вазифаси шундай таълим муҳитини яратишдан иборатки, у жамият манфаатлари йўлида замонавий, юксак педагогик маҳоратга эга, инновацион фаолият олиб боришга қодир бўлган ўқитувчини тайёрлашга йўналтирилган бўлиши керак. Шу нуқтаи назардан, бўлажак касб таълими ўқитувчисини инновацион фаолиятга тайёрлашни бакалавриятнинг биринчи босқичиданоқ бошлаш мақсадга мувофиқ. Жумладан, талабаларда янгиликка интилиш ҳиссини уйғотиш, мустақил ишлаш қобилиятини ривожлантириш ўқишнинг дастлабки йиллариданоқ бошланса, у ҳолда 3-босқичда педагогик-психологик туркум фанларини бўлажак касб таълими ўқитувчисини инновацион фаолият олиб боришга йўналтириб ўқитиш, 4-босқичга келиб эса уларга янгиликларни мустақил равишда излаб топиш, релевант ахборотларни танлаб олиш ва амалга татбиқ этиш кўникмаларини шакллантириш лозим бўлади. Бу босқичларнинг барчасини амалга ошириш жараёнида шахсга йўналтирилган таълим технологияларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Илмий манбаларнинг назарий таҳлили шуни кўрсатдики, шахсга йўналтирилган таълим талабаларда мустақил ўрганиш, коммуникативлик, когнитивлик, креативлик, ўз-ўзини ривожлантириш ва намоён қилиш (экзистенциаллик) каби қобилиятларни ривожлантиришга имкон яратади.

Демак, шахсга йўналтирилган таълим шундай ташкил этилиши керакки, бунда у таълим олувчиларни ҳам ўқув, ҳам ижтимоий хусусиятга эга муаммоларни мустақил ҳал қилишларига қаратилган бўлсин. Таълим олувчининг ўзининг ютуғи ва мағлубияти учун жавобгарлик ҳисси реал вазиятни мустақил баҳолаши ва хулқ-атворни ўзи танлаши орқали шакллантирилади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, бугунги педагогнинг инновацион таълим технологиялардан самарали фойдаланиш, асосан, педагогнинг касбий тайёргарлигига ҳамда унинг шахсий тажрибасига боғлиқлиги кўринади. Бу эса педагогда шахсий тайёргарлигининг етарли эмаслиги, янгиликлар ҳақида тасаввурларининг ва шахсий имкониятларининг торлиги ўқув муаммосини англаб етилмасдан қолишда намоён бўлиши мумкин [1, Б. 164]..

В.П.Беспалько ўқитувчининг касбий-педагогик ривожланишни унинг педагогик масалаларни ечишнинг тўртта даражасини ўзлаштириш жараёни сифатида қараб чиқади [4]:

I – педагог аввал ҳал қилинган муаммони мустақил ҳал қилади;

II – педагогик вазиятнинг мақсадини билган ҳолда ва уни тушуниб ҳаракат қилишнинг ўзлаштирилган усулларидан фойдаланиб муаммони ҳал қилади;

III – педагог фаолиятнинг мақсадини кўради, лекин унга педагогик ҳолат унча равшан эмас, чунки у умумий эмас; бу даража педагогдан эвристик фаолиятни, ўзлаштирилган билимлар ва кўникмаларнинг фаол шакл алмаштирилишини талаб этади;

IV – ёрқин ифодаланган тадқиқотчилик асосига эга ижодий даража.

Аммо даврийлик билан бир пайтда педагогик инновациялар қонуний хусусиятга ҳам эга бўлади. Масалан, Н.Р.Юсуфбекова таълимда инновацион жараённинг қуйидаги қонуниятларини ажратади [2]:

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

1. Педагогик инновацион мухитнинг қайтмайдиган нобарқарорлиги. Яъни, таълим тизимида ҳар қандай инновацион жараён ўзининг амалга оширилишида ўзи амалга ошаётган ижтимоий-педагогик мухитга қайтмайдиган деструктив ўзгаришларни муқаррар киритади. Бу хусусан, бирор педагогик жараёнлар ёки ҳодисалар тўғрисидаги яхлит тасаввурлар бузила бошлашига олиб келади; педагогик янгиликнинг ижтимоий-педагогик мухитга бостириб кириши педагогик онгинг, янгилик баҳоларининг бўлинишига олиб келади ва пировардида, у-тўғрисидаги унинг аҳамияти ва ҳиммати тўғрисидаги фикрларнинг кутбланишига олиб келади. Кейинчалик яхлит тасаввурни тиклаш мумкин бўлмай қолади. Янгиликка қарши турувчилар ҳар доим топилади, улар уни психологик, ижтимоий-иқтисодий ёки ташкилий-бошқарув сабабларига кўра қабул қилишмайди. Бундан ташқари, педагогик янгилик қанчалик даражада аҳамиятлироқ бўлса, нобарқарорлик шунчалик асослироқ бўлади.

2. Инновацион жараённи якуний босқичини амалга ошириш. Моҳияти шундан иборатки, ҳар қандай янгилик табиий ва онгли равишда амалга оширилиши керак. Бунга мисол тариқасида педагогик ҳамжамият томонидан муаммоли ва дастурлаштирилган таълимни А.С.Макаренко, С.Т.Шацкий, В.А.Сухомлинскийнинг ва бошқа буюк педагог-новаторларнинг ғояларини дастлаб инкор қилинишини келтириш мумкин.

3. Инновацияларни стереотиплаштириш, яъни педагогик жараёнда амалга ошириладиган ҳар қандай педагогик инновациялар тафаккур ва амалий ҳаракатнинг стереотипига айланиш анъанасига эга эканини тасдиқлайди. Педагогик жараённинг стереотипга айланиши, бу кейинги инновацияларни амалга ошириш йўлида тўсиқ бўлади.

4. Педагогик инновациялар даврининг такрорланувчанлиги, яъни янги шароитда уларнинг такроран вужудга келиши, бу эса таълим тизимининг ўзига хос хусусияти билан белгиланади. Шунинг учун педагогика назарияси ва амалиётида инновациялар алоҳида қарши таъсирни вужудга келтиради, чунки педагогик ҳамжамият педагогикада “мутлак” янгиликни яратиш жуда қийинлиги, айниқса кўп асрлар давомида тўпланган тажрибаги таянмасдан яратиш қийинлигини эсан чиқаради.

Шундай қилиб, педагогик инновациянинг муваффақияти педагогик фаолиятнинг анъанавий қарор топган ёндашувларга, тамойиллари, методлари ва шакллари асосланганлик даражасига боғлиқ бўлади. Педагогик инновация – бу эскини рад қилиш эмас, балки уни ривожлантириш ва шаклини ўзгартиришдир. Бу фикрнинг тасдиғини биз П.Г.Шедровицкийнинг “инновация” тушунчасига берган таърифидан топамиз [3, Б.16-20]: инновация – бу инновацион ривожланишнинг қайта тикланиш механизми; бу ривожланишни таъминловчи фикрлаш фаолияти шакли бўлиб, аммо бир соҳадан иккинчисига (бир таълим муассасасидан бошқасига), у ёки бу элементларни, блокларни, тузилмаларни ёки мазмунни трансфер(кўчириш) қилиш эмасдир. Шу аснода, у шунини таъкидлайдики, инновация айнан фаолиятнинг ташкилий тузилмасини ҳақиқатдан ўзгартирилишини назарда тутаяди.

Педагогик фаолиятнинг хусусиятлари, ўқитувчининг инновацион салоҳиятининг ўзига хослигига, бўлажак касб таълими ўқитувчисининг малака талаблари ҳамда инновацион салоҳиятни ривожлантириш омиллари таҳлилга асосланган ҳолда, касбий фаолиятни мотивацион, когнитив, фаолиятли, ҳиссий-иродавий, ахборотли каби ташкил этувчи компонентларга бўлиб ўргандик. Юқорида келтирилган компонентлар интеграцияси талабаларнинг инновационлиги намоен қилади. Инновационлик талабанинг ички дунёсини бойитади, ижодий имкониятларни ҳамда ўз фаолиятини танқидий таҳлил қилиш, мақбул қарорлар қабул қилиш ва янги ғоя ва технологияларни излаш ва тадқиқ этиш ва инновацион экспериментлар ўтказишга ундайди. Биз шахсга йўналтирилган технологиялар асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлашнинг куйидаги педагогик шарт-шароитлари белгилаб олдик:

1. *Ўқув режаларини такомиллаштириш.* Касб таълими йўналишлари ўқув режалари таҳлил қилинганда педагогик инновацияларга оид махсус курсларни киритиш орқали касб таълими йўналиши бакалаврият босқичи 3-4-курслари талабалари инновацион фаолият билан боғлиқ шу давргача олган педагогик билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштиришга мўлжалланган бўлиб, инновацион фаолиятга йўналтиришда назарий билимларни ва амалий кўникмаларни чуқурлаштириш кўзда тутилади.

2. *Фан дастурларини такомиллаштириш.* Ҳозирги кунда жаҳон миқёсида виртуал ва интернет тармоғидаги таълим (3D learning; e-learning: moodle, web quest ва ҳ.к.)нинг турли кўринишлари оммалашиб бормоқда. Шу сабабдан бўлажак касб таълими ўқитувчилари ўзлаштириши зарур бўлган умумкасбий (педагогик-психологик) фанлари мазмунини илғор шахсга йўналтирилган таълим технологиялари билан бойитиш назарда тутилади.

Бўлажак касб таълими ўқитувчисини педагогик инновациялардан фойдаланиб касбий фаолиятга тайёрлашнинг куйидаги босқичларини келтириш мумкин:

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

1-босқич. Талабаларда инновацион касбий билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш жараёнини талабаларнинг малака талабларини бажаришга қаратилган ҳаракатлар мажмуи деб қараш мумкин. Бу дастлабки босқич бўлиб, бўлажак касб таълими ўқитувчиси инновацион фаолиятни ташкил этувчи биринчи компонентни онгли равишда тушуниб олиши лозим.

2-босқич. Бу босқичда бўлажак касб таълими ўқитувчиси ўз устида ишлашни, ижобий “Мен” образини шакллантиришни, мустақил равишда замонавий ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиб маълумотларни излаш, қайта ишлаш ва кераклисини танлаб олиш каби кўникмаларни ўзлаштиради ҳамда ўзида инновацион фаолиятнинг камида учта компонентини пухта ўзлаштириб олиши керак бўлади.

3-босқич. Мазкур босқичда талабалар ўзларининг фаолиятини танқидий таҳлил қилиш; аниқланган муаммо ва вазиятларга ностандарт ечимлар топиш; педагогик янгиликларни ўзлаштириш ва ўқув жараёнида қўллаш; илмий-методик адабиётлар ва замонавий таълим технологиялардан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш ҳамда инновацион фаолиятнинг компонентларидан камида 4 тасини пухта эгаллаши керак.

4-босқич. Педагогик инновацияларни ишлаб чиқиш ва битирув малакавий ишига татбиқ этиш кўникмаларини шакллантириш. Бунда битирувчиларда ўқув жараёни давомида ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларнинг туб моҳиятини англаш; битирув малакавий иши мавзуси бўйича муаммоларни аниқлаш; қўйилган педагогик вазифаларни шахсга йўналтирилган ёндашув асосида бажариш; замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб, ностандарт ўқув машғулотларини ишлаб чиқиш ва ўтказиш каби назарда тутилади.

Шундай қилиб, педагогик инновациянинг ўзига хослиги шундаки, у асосан “педагог ва талаба”нинг шахсий сифатлари билан мувофиқлаштирилади. Чунки, педагогик фаолият олдиндан ишлаб чиқилган ва идеаллаштирилган лойиҳа асосида ташкил қилинади. Инновациялар қўлланилиши бир жихатдан таълим жараёнини доимий такомиллаштириш зарурлигидан иборат булган педагогик амалиётнинг объектив эҳтиёжларига боғлиқ бўлган, иккинчи жихатдан эса уларни кулланиш самарадорлиги педагогларнинг субъектив сифатларига, уларнинг педагогик инновацияларнинг объектив зарурлигини англаганлик даражасига боғлиқлиги тушунилади.

Бўлажак касб таълими ўқитувчисини шахсга йўналтирилган технологиялар асосида инновацион фаолиятга тайёргарлигини баҳолаш учун бир-бирини тўлдирувчи қуйидаги баҳолаш мезонлари (мотивацион, когнитив, жараёнли, инновацион) аниқлаш мумкин бўлади:

Мотивацион мезон – касбий фаолиятни шакллантиришга қизиқиш (фаол фаолиятга ички интилиш); касбий вазифаларни ечишда инновацион фаолият ҳақидаги билим, кўникма ва малакаларнинг зарурлигининг англаш лаёқати; *Когнитив мезон* – касбий фаолиятнинг методологик асослари, турлари, мазмуни ва аҳамияти тўғрисидаги билимлар тизимининг шакллантириш лаёқати; *Жараёнли мезон* – касбий фаолиятнинг барча функционал компонентларини амалда қўллаш ҳамда ўз-ўзини фаоллаштириш ва бошқариш лаёқати; *Инновацион мезон* – креатив салоҳият; педагогик фаолиятга танқидий қараш; таълимнинг ностандарт шакли, методи ва воситаларини яратиш лаёқати.

Илмий изланишлар натижасига асосланиб, бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий фаолиятга тайёргарлик даражалари (мослашувчанлик, коммуникативлик, интеллектуаллик, ижодий-яратувчанлик) белгилаб олинди:

Мослашувчанлик даражада талабаларнинг замонавий ахборот-коммуникацион технологияларига, янги муҳит ва шарт-шароитга, педагогик жамоага мослашиш қобилиятлари кўзда тутилади. *Коммуникативлик даражада* эса, талабаларнинг педагогик жамоа ва ўқув жараёнида таълим олувчилар билан ўзаро муносабат ва мулоқотга киришиш кўникмаларининг шаклланишини ифодаланади. *Интеллектуаллик даражада* талабаларнинг шахсий қобилиятлари ҳамда касбий билим, кўникма ва малакаларини мантиқий ва тизимли ёндашув асосида педагогик фаолиятда қўллаш билиши, ўз имкониятларини тўғри баҳолай олиши ҳамда ностандарт педагогик вазиятларда тезкор ва мақбул қарор қабул қилиш каби кўникмалар тушунилади. *Ижодий-яратувчанлик даражада* эса, бўлажак касб таълими ўқитувчилари касбий камолотининг энг юқори чўққиси бўлиб, унда педагогик фаолиятни инновацион тарзда олиб бориш, педагогик инновацияларни ишлаб чиқиш, амалда қўллаш ва илмий-тадқиқот ишларини инновацион ёндашувлар асосида ташкил этиш ва ўтказиш кўникмаларининг шаклланишини кўзда тутилади.

Олиб борилган тадқиқот натижасида бўлажак касб таълими ўқитувчисини касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнида талабаларни фаоллаштирувчи, мустақил ҳаракатга ундовчи ва доимий янгиликка интилишга қаратилган бир қатор таълим технологиялари ишлаб чиқилди. Ушбу технологияларнинг назарий жиҳатлари, амалда қўллаш имкониятлари ва афзалликлари ўрганилди. Жумладан, “Ҳаракатга йўналтирилган таълим” технологиясида касб-хунар таълими учун муҳим

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

бўлган меҳнат фаолиятларига йўналтирилган ўқув жараёнини иш-ҳаракат билан ўқитиш асосида ташкил этиш ва ўтказиш орқали талабаларда касбий ва шахсий компетенцияларни шакллантириш ҳамда ривожлантириш ғояси илгари сурилади.

“Фаолиятга йўналтирилган таълим” технологияси - талабаларнинг фаол иштирокидаги ўқитиш бўлиб, унда ўқитувчи ва талабалар орасидаги мувофиқлаштирилган ҳаракат орқали ўқув жараёни ташкил этилади ва бошқарилади. Ушбу таълим технологияси асосини ўқув вазиятлари ташкил қилади.

Ўқув вазиятлари – бу ўқув дастурининг элементлари бўлиб, ўқиш ва ўрганиш жараёнини ташкил этишда ўқув майдонини аниқлаштиради; таълим мақсади ва касбий малакаларни эгаллашга, фаолиятга йўналтиради; топшириқни бажаришда вазифалар ҳар томонлама ва ишончли қўйилади; мутахассислик бўйича назарий билимларни амалиёт билан боғлайди; ўзида мустаҳкам ўзаро боғланган ҳаракатларни намойиш қилади [6].

“Латерал фикрлаш” технологияси – бу таълимга ижодий ёндашув бўлиб, таълим оловчининг мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга ёрдам беради. У “ён томондан фикрлаш”, “ностандарт фикрлаш”, нуқтаи назар ўзгариши ва “ғояларни ижодий топиш” жиҳатдан устувор вертикал фикрлашни кенгайтиради. Латерал фикрлашнинг дидактик мақсади, муаммоли масалаларни ечишда талабаларнинг мустақил фикрлаш ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришдан иборат. Методик мақсади эса маълумотларни қайта ишлашнинг анъанавий, одатий усуллари билан фарқли бўлган йўллар орқали альтернатив, ижодий, ностандарт ғоялар ёки таклифларни яратиш ҳисобланади [5].

Ўтказилган назарий изланишлар ва экспериментал тадқиқотлар асосида бўлажак касб таълимини ўқитувчисини касбий фаолиятга тайёрлашда педагогик инновацияларнинг имкониятларини кенгайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Касб таълими йўналишлари малака талабларида кўрсатилган касбий ва шахсий қобилиятларни шакллантиришда ўқув режасидаги умумкасбий фанлар блокидаги педагогик-психологик фанлар мазмунини шахсга йўналтирилган илғор таълим технологиялари билан бойитиш ҳамда ўқув режага инновацион таълим технологияларига оид махсус курсларни кенгроқ жорий қилиш лозим.

2. Олий таълим муассасаларида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини инновацион салоҳиятини шакллантириш учун уларни 1-курсдан бошлаб босқичма-босқич инновацион фаолиятга ўргатиш, мустақил равишда инновацион ғояларни излашлари ҳамда амалий ишланмалар билан инновацион танловлар ва лойиҳалардаги иштирокларини таъминлаш ҳамда битирув малакавий ишлари мавзуларини инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва педагогик муаммоларнинг ностандарт ечимларини топишга йўналтириш мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар

1. Ziyamammedov B. (2002) Novaya pedagogicheskaya texnologiya [New pedagogical technology]. Tashkent: “Abu Ali ibn Sino”.
2. Yusufbekova N.R. (1991) Obshchie osnovy pedagogicheskoy innovatiki: opyt razrabotki teorii innovatsionnykh protsessov v obrazovanii [General principles of pedagogical innovation: the experience of developing the theory of innovative processes in education]. Moscow: Pedagogical Society of Russia.
3. Shedrovitskiy G.P. (2004) Moskovskiy metodologicheskii krujok: razvitie idey i podxodov [Moscow methodological circle: development of ideas and approaches]. Moscow: Russian way.
4. Bepalko, V.P. (1970). Programmirovannoe obuchenie (didakticheskie osnovy). Retrieved from <https://vikent.ru/enc/458/>
5. Olimov K.T. Kasb ta'limi metodikasi [Methods of professional education]. Tashkent: Science and technology. (2016)
6. Alimov A.T. Maxsus fanlarni mustaqil harakatga yo'naltirilgan o'qitish texnologiyasi [Technology for teaching special subjects focused on independent action]. Pedagogik mahorat [Pedagogical skills]. 2. pp. 24-28 (In Uzb). (2013)

Озода ЯДГАРОВАСамарқанд давлат чет тиллар
институтини I-курс докторанти**БЎЛАЖАК ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИДА ПЕДАГОГИК
ВА ПСИХОЛОГИК БИЛИМЛАР ИНТЕГРАЦИЯСИНИНГ АҲАМИЯТИ**

Мазкур мақолада таълим сифатини таъминлаш муаммолари, республикада таълим сифатини тубдан яхшилаш борасида амалга ошириладиган ишлар, хориж тажрибасида таълим сифатини шакллантиришнинг асосий устувор йўналишлари, 5111400 – Хорижий тил ва адабиёт (инглиз тили) бакалавриат йўналишининг битирувчилари (бўлажак инглиз тили ўқитувчилари)нинг малака талаблари, уларнинг профессионал-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришида педагогик-психологик ҳамда методик билимлар интеграциясининг аҳамияти баён этилади.

Калит сўзлар: таълим сифати, 5111400 – Хорижий тил ва адабиёт (инглиз тили) бакалавриат йўналиши, умумқасбий фанлар, профессионал-коммуникатив компетентлик, фаолиятли ёндашув, – Умумий педагогика” ва “Умумий психология” фанлари.

В данной статье рассматриваются проблемы обеспечения качества в образовании, работы проводимые для кардинального улучшения качества образования в стране, основные приоритеты в формировании качества образования в зарубежной практике, квалификационные требования к выпускникам бакалавриата 5111400 - иностранный язык и литература (английский), важность интеграции педагогических, психологических и методологических знаний в развитие коммуникативной компетентности будущих учителей английского языка

Ключевые слова: качество образования, 5111400 - иностранный язык и литература (английский), общепрофессиональные предметы, профессионально-коммуникативная компетентность, деятельностный подход, «Общая педагогика» и «Общая психология».

This article discusses the problems of ensuring quality in education, the work carried out to radically improve the quality of education in the country, the main priorities in shaping the quality of education in foreign practice, the qualification requirements for graduates of the bachelor's degree 5111400 - foreign language and literature (English), the importance of integrating pedagogical, psychological and methodological knowledge in the development of communicative competence of future English teachers

Keywords: quality of education, 5111400 - foreign language and literature (English), general professional subjects, professional and communicative competence, activity approach approach, “General pedagogy” and “General psychology”.

Ҳозирги даврда ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаб ҳар қачонгидан юқори. Чунки жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва маънавий ҳолати энг биринчи навбатда шу жамиятнинг таълим тизими ва унинг сифатига боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларига ўтишда олий таълим муассасалари фаолияти ва самарадорлигини оширишда устувор вазифалар қўйди. Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштирар экан: “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор кучи ва имкониятларини сафарбар этамиз”,- деб таъкидлайди Президент [1].

Шу мақсадда 2019 йил 8 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ПФ-5847-сонли “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Фармоннинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш [2] этиб белгиланди. Шунингдек, фармонда:

– олий таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш;

– халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, жумладан ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтиш [2] каби вазибалар алоҳида белгилаб кўйилди. Демак, хозирги кунда таълим сифати, бўлажак мутахассисларни тайёрлаш сифати давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Хориж тажрибасида таълим сифатини шакллантиришнинг асосий устувор йўналишлари сифатида қуйидаги 5 та компонент белгилаб олинган:

1-жадвал

№	Компонентлар	Кўрсаткичлар
1	Таълим олувчилар (learners)	– талабалар сифати; – уларнинг билим олишга қобилияти.
2	Муҳит (environment)	– ОТМнинг материал-техник базаси; – ўқув материаллари ва жиҳозлар сифати; – инфратузилма сифати.
3	Мазмун (content)	– ўқув предметларининг сифати ва мазмуни; – инновацияларни жорий этиш.
4	Жараён (processes)	– профессор-ўқитувчилар таркиби сифати; – уларнинг компетентлик даражаси; – таълим бериш усулининг сифати; – раҳбариятнинг инновацион фаолияти.
5	Натижа (outcomes)	– билим сифати; – битирувчиларга бўлган талаб; – битирувчиларнинг меҳнат бозорида рақобатбардошлиги; – битирувчилар ютуқлари.

1-жадвал: Таълим сифатини белгиловчи компонентлар

1-жадвалдан кўриниб турибдики, таълим сифати профессор-ўқитувчилар таркибининг сифатига, уларнинг компетентлик даражасига, таълим бериш усулининг сифатига ҳамда раҳбариятнинг инновацион фаолияти кўрсаткичларига бевосита боғлиқдир. Бу ерда ўқитувчининг профессионал кўникма ва малакалари етакчи ўринни эгаллайди. Адабиётлар тахлили шуни кўрсатадики, ўқитувчининг “профессионал компетентлиги” фақатгина касбий фаолият учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар, шахсий сифатлар мажмуи сифатига эмас, балки, мулоқот кила олиш [3], ўз-ўзини такомиллаштириш ва ривожлантириш [4], касбий фаолиятга ижодкорлик ва масъулият билан ёндашиш [5] кабиларни қамраб олади. Чунки ўқитувчи фақатгина билимли, ўз соҳасида илғор шахс эмас, балки ана шу ўзида мавжуд бўлган билим ва интеллектуал захирани бошқаларга ҳам етказа оладиган, назарий билимларини амалиётда қийинчиликсиз қўллай оладиган, рефлексив, коммуникатив перцептив малакалар соҳиби бўлиши лозим. Буюк француз ёзувчиси ва файласуфи Мишел де Монтен таъкидлаганидек: “Бировга ўргатишнинг учун ўзинг ўрганишнинг учун лозим бўлгандан ҳам кўра кўпроқ ақл керак”. Беш аср илгари айтилган ушбу фикрлар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини ёқотган эмас.

Маълумки, 5111400 – Хорижий тил ва адабиёт (инглиз тили) бакалавриат йўналишининг битирувчилари умумий ўрта таълим, ўрта махсус касб хунари таълими муассасаларида хорижий тил ва адабиётга оид фанлардан ўрнатилган тартибда дарс бериш ҳуқуқига эгадирлар [6]. Яъни бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини тайёрловчи асосий таълим йўналиши ҳисобланади.

Республикамизнинг 17 тага яқин (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон миллий университети, Тошкент давлат педагогика университети, Бухоро давлат университети, Гулистон давлат университети, Қорақалпоқ давлат университети, Қарши давлат университети, Наманган давлат университети, Самарканд давлат университети, Самарканд давлат чет тиллар институти, Термиз давлат университети, Денов тадбиркорлик ва педагогика институти, Фарғона давлат университети, Урганч давлат университети, Жиззах давлат педагогика институти, Қўқон давлат педагогика институти, Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти каби) университет ва институтларида ушбу таълим йўналиши бўйича мутахассислар тайёрланиб келмоқда.

5111400 – Хорижий тил ва адабиёт (инглиз тили) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунари таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг қуйидаги мажбурий фанлар блоklarини ўзлаштиришини назарда тутлади:

- гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий;
- математик ва табиий-илмий;

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

- умумкасбий;
- ихтисослик;
- кўшимча.

Шунингдек, касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тулади. Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олади.

Бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилади. Бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

5111400 – Хорижий тил ва адабиёт (инглиз тили) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган. Ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 36 соатгача қилиб белгиланиши мумкин. Ўқишнинг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур. Ўқув даврининг умумий ҳажми куйидагича тақсимланади:

- назарий таълим - 63 - 70%;
- аттестация - 8 - 10 %;
- таътил - 12 - 16 %;
- малака амалиёти - 6 - 12 %;
- битирув малакавий иши - 2 - 3%.

Назарий таълим ҳажми “Гуманитар соҳа” билим соҳасига мувофиқ фанлар блоклари бўйича куйидагича тақсимланади:

- гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар 23 - 25 %;
- математик ва табиий-илмий фанлар 8 - 25 %;
- умумкасбий фанлар 33 - 50 %;
- ихтисослик фанлар 9 - 10 %;
- кўшимча фанлар 5 - 7 %.

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6 - 10 ҳафта қилиб белгиланади.

Биз бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг профессионал компетентлигини касбий ва шахсий сифатларнинг интеграцияси махсули сифатида кўриб чиқамиз. Ушбу интеграция касбий фаолият учун зарур бўлган куйидаги компонентлар бирлигида намоён бўлади:

- мотивацион (бўлажак касбий фаолиятга нисбатан ижобий мотивация);
- когнитив (инглиз тилини билиш даражаси, педагогик-психологик ҳамда методик қобилиятлар бирлиги);

– фаолиятли (инглиз тилида сўзлашиш даражаси, дарс бериш малакаси, педагогик мулоқот малакаси, ўз-ўзини ривожлантириш малакаси);

- шахсий (рефлексия, креативлик, эмпатия, мослашувчанлик).

Таҳлил натижасида куйидаги камчиликлар аниқланди:

– амалдаги малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари мазмун жиҳатидан битирувчиларда амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилмаган;

- фанлар бўйича УМК лар керагидан ортик назарий материаллар билан тўлдириб юборилган;
- талабаларда танқидий фикрлаш, ахборотни мустақил излаш ва таҳлил қилиш кўникмалари, топшириққа ижодий ёндашиш кўникмаларини шакллантирувчи мавзу ва топшириқлар кам;

– таълим жараёнида хануз анъанавий методлар (маълумотли маъруза, тушунтириш, савол-жавоб, конспект), “Ақлий хужум”, турли график органайзерларни қўллаш даражаси юқори, бироқ илгор хорижий тажриба асосида замонавий педагогик технологияларни қўллаш даражаси паст;

– ушбу фанлардан яратилган ва масафадан ўқитиш имконини берувчи модул платформаларижа жиддий камчиликлар мавжуд, талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш учун ишлаб чиқилган аксарият топшириқлар оддий савол ёки тест кўринишида берилган. Продуктив фикрлашга йўналтирилган топшириқлар жуда оз.

– “Умумий педагогика” ва “Умумий психология” фанлари мазмуни айнан тил ўргатиш билан боғлиқ мавзулар, лингводидактик, психолингвистик материаллари жуда оз.

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

– мустақил таълим мустақил иш кўринишида (реферат, слайд ва х.к.) кўринишида мавжуд, бироқ мустақил таълим олиш ва бу бўйича талабаларга услубий кўрсатмалар бериш, таълим сифатини таъминлаш жараёнига талабаларни кенг жалб этиш ҳамда «тьюторлик» ташкилий-методик ёрдам тизимини жорий этиш яхши йўлга қўйилмаган.

– бўлажак инглиз тил ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида ўқув ва малакавий амалиёт самарали ташкил этилмаган, тайёрланаётган мутахассислар малакавий даражаси меҳнат бозорининг замонавий талабларига етарлича жавоб бермайди;

Юқоридаги фикрлардан кўришиб турибдики, нафақат инглиз тилини билиш даражаси балки педагогик-психологик, методик кўникмалар бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлашнинг муҳим элементларидир. Шунинг учун ҳа, бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг профессионал-коммуникатив малакаларини ушбу ривожлантиришда умумқасбий фанлар, хусусан “Умумий педагогика” фанининг дидактик таъминтни такомиллаштириш зарур.

Ушбу муаммоларни ҳал этиш учун қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

– бўлажак инглиз тил ўқитувчиларини тайёрлашда умумқасбий фанлар блогига киритилган фанлар имкониятларидан тўла фойдаланиш, уларнинг мазмунини хорижий тажрибалар асосида бойитиш;

– “Умумий педагогика” ва “Умумий психология” фанлари мазмунини лингводидактик ва психолингвистик метод в методикалар билан бойитиш, уларнинг ихтисослик фанлари билан интеграциясини таъминлаш;

– бўлажак инглиз тил ўқитувчиларининг профессионал кўникмаларини ривожлантириш мақсадида тил ўргатиш билан боғлиқ педагогик технологияларнинг самарали усул ва воситаларини қўллаш, маълумотларни шунчаки ўзлаштириш эмас балки қайта ишлаш кўникмаларини ривожлантиришда танқидий фикрлашга йўналтирилган технологиялардан самарали фойдаланиш;

– бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг коммуникатив кўникмаларини шакллантириш мақсадида психологик ва ижтимоий тренинглари имкониятларидан фойдаланиш;

– фаолиятли ёндашув асосида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлашни йўлга қўйиш лозим. Бунда бўлажак мутахассислар нафақат зарурий билимларга эга бўлиши, балки зарур вақтда уларни амалда қўллаш олиш кўникамаларига ҳам эга бўлишлари даркор. “Талимда фаолиятли ёндашув – бўлажак мутахассисдан нафақат хорижий тилни билиш, балки фалсафий (ахлоқий), педагогик-психологик (ижтимоий), фалсафий ва лингвистик (предметли) қобилиятларга (кузатиш, таққослаш, тоифалаш, нуқтаи назар ва хулосаларни илгари суриш) эга бўлишни талаб қилади [7].

Адабиётлар

1. 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ” Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола. Т., 2017. 197-бет

2. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/docs/4545884>

3. Браже Т. Г. Из опыта развития общей культуры учителя // Педагогика. – 1993. – № 2. – С. 70–73

4. Гершунский Б. С. Философия образования для XXI века : учеб. пособие. – М. : Пед. общ-во России, 2002. – 512 с

5. Варламова Е. Ю. Этнокультурный компонент содержания профессиональной компетентности бакалавров иноязычного педагогического образования // Сибирский педагогический журнал. – 2015. – № 1. – С. 53–56.

6. ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017-йил 24 августдаги 603-сонли буйруғи

7. Тройникова Е. В. Системно-деятельностный подход в профессиональном иноязычном и межкультурном образовании // Казанский педагогический журнал. – 2015. – № 6. – С. 105–107

Шохида ЮСУПОВА

старший преподаватель

Бухарского инженерно-технологического института

ИННОВАЦИОННАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ПРЕПОДАВАТЕЛЕЙ ПРИ ФОРМИРОВАНИИ ТЕХНИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ СТУДЕНТОВ В ТЕХНИЧЕСКИХ ВУЗАХ

В статье рассматривается роль технического образования и инновационная деятельность преподавателей при формировании технического мышления студентов неязыковых вузах.

Ключевые слова: *техническое мышление, инновация, критерии, техническое образование.*

Мақолада нофилологик олий ўқув юртларда талабаларнинг техник тафаккурини шакллантиришда техник таълимнинг ўрни ҳамда ўқитувчиларнинг инновацион фаолияти ҳақида фикр юритилган.

Таянч сўзлар: *техник тафаккур, инновация, критериялар, техник таълим.*

The article deals with the role of technical education and innovative activities of teachers in the formation of students' technical thinking of non-linguistic universities.

Key words: *technical thinking, innovation, criteria, technical education.*

В последние годы в нашей стране ведется масштабная работа по созданию системы высшего образования, отвечающей приоритетам социально-экономического развития и международным стандартам. Наряду с развитием культурных и экономических связей между странами мира растет интерес к иностранным языкам, особенно английскому.

Стремительно быстро развивающемся в современном мире помочь студентам развить техническое мышление, оценить и проанализировать свои идеи является одним из ключевых задач технического образования. В то же время способность мышление студентов очень важна, потому что это одна из актуальных проблем в современном мире.

Мы можем встретить технику практически во всех сферах человеческой жизни, неразрывно связывая человека, что требует изменения концепции мышления и действия. Таким образом, техника заставляет человека активно исследовать новые технологии, оборудование, машины, инструменты и использовать их в повседневной жизни. Важно, чтобы эти знания были структурированы, обоснованы и связаны не только с практическими действиями, но и с техническим мышлением, которое будет обеспечивать правильное функционирование студентов в их повседневной жизни.

Техническое мышление имеет концептуально-образный характер, и его развитие возможно, когда преподаватель обладает инновационным мышлением и творческим подходом для подбора соответствующих задач, методов и практических действий на уроках английского языка.

Роль технического образования, которое также называют: образование в области технологий, техническое образование, общее техническое обучение, технические уроки и т.д., является важной. Это связано с тем, что оно помогает получить знания о направлении развития технологий, и воздействует на отдельных людей и общество, позволяет нам судить об основных принципах использования технических систем социальных взаимозависимостей при их производстве, использовании и утилизации. Основная цель общего технического образования - помочь студенту в процессе его развития на основе ценностей, подчеркивающих современные технологии как часть человеческой культуры [1,85].

Основные задачи общего образования через технологии включают в себя:

- поддержка и интеграция психического, психомоторного и социально-нравственного развития студента, позволяющего узнать и понять самого себя и свою субъективность в обществе и в целом;
- ознакомление студентов с социально-природной средой, в которой технологии играют все более важную роль;
- знакомство студентов с миром человеческих ценностей;
- знание и понимание студентами сути и значения человеческой работы;
- поддержка процесса направления и профессиональной школы студентов [3,140].

В контексте вышеперечисленных задач можно сделать вывод, что именно «мир технологий» может стать инструментом поддержки развития познавательной, эмоциональной и мотивационной деятельности студента. Особенно это поощряется активностью студента, сопровождающейся

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

постоянным контактом с технологическими продуктами. Студент осваивает технику творчества и процессы их формирования и постепенно начинает понимать природу и ценность человеческого труда. На технических занятиях студент знакомится с новым «технологическим языком», то есть понятиями и именами, и начинает их использовать. Суть технического образования должна заключаться не только в передаче знаний о «мире технологий», но и в поддержке студента в сложном процессе обучения, развитии его технического мышления и интересов. Основным условием эффективного технического образования должна стать интеграция теоретических и практических знаний элементарных вещей, действий и явлений, связанных с техникой.

Техническое образование - это деятельность, позволяющая студенту связать практическую деятельность с мышлением. Во время занятий студент вовлечен эмоционально и, таким образом, формирует такие черты характера, как воля к действию, настойчивость, аккуратность, сохранение регулярности. У студента есть возможность развивать воображение и практическое мышление, тренировать эффективность и координацию. Умственная деятельность и направленность углубляют знания, опыт и навыки студента и влияют на развитие его личности.

На развитие интересов студентов влияет множество факторов. К ним относятся: возраст человека, его активность и другие факторы окружающей среды. Что касается технического образования, то здесь много студентов с разными интересами, которые раскрываются только при соответствующих условиях. Их выявление во многом определяется такими факторами, как эмоции и мотивы, которые не формируются одновременно с психическими наклонностями и не позволяют студентам максимизировать свои способности. Очень часто возможности студентов остаются неразвитыми и неиспользованными.

Когда мы говорим о навыках, мы имеем в виду способность выполнять те или иные действия, а каждая способность - это способность что-то делать, Изначально любой навык - сознательное действие человека, направленное на решение той или иной задачи. Это также относится к различным инженерным сооружениям, таким как инструменты, модели, машины и оборудование. Напротив, интеллектуальная деятельность не вызывает прямых изменений объектов вокруг среды обитания человека.

Результатом интеллектуальной деятельности являются проекты, концепции, которые затем могут быть отражены в конкретном предмете, структуре или материале. Умственная деятельность в этом случае разрабатывает и определяет характеристики и свойства конструкции, а также необходимость технического мышления. Это может быть осознанная и целенаправленная технологическая деятельность, умственные и практические формы, структура индивидуальных способностей и технических навыков. Это может быть способность проектировать, способность изучать различные незнакомые слова и определенный предмет.

Точно так же техническое мышление должно включать элементы теоретического и практического мышления. «Способности и технические навыки также называют техническим воображением, это тот факт, что человек смотрит на технический рисунок и может мысленно представить, как будет выглядеть вещь, выполненная по чертежу, каково соотношение ее отдельных частей». Технический талант - это такое умственное свойство, которое позволяет использовать технические характеристики, основанные на взаимодействии теоретического мышления с практическими действиями. Результатом этой деятельности является проектный чертеж устройства, оборудования или объекта. Технический потенциал в силу своей сложности имеет другие составляющие. К неразделимым факторам, демонстрирующим технические возможности, относятся интересы и навыки.

В связи с этим обучение и развитие технических навыков зависят не только от методики преподавателей, но в основном от учащихся и среды, в которой они живут. Следовательно, важную роль в формировании технического образования играет техническое мышление.

Как уже указывалось, техническое мышление, по сути, заключается в значении технических продуктов с точки зрения прав и принципов искусства. Это понимание является отличительной чертой технического мышления и основой технической деятельности. Однако для этого необходимо развивать технические интересы студентов, развивать воображение и технические навыки. В связи с этим значимой является инновационная деятельность преподавателя, родителей, и различных форм технического образования.

Инновации в образовании возникают благодаря действиям, которые определяются как наиболее творческий педагогический, образовательный прогресс, инновации» [6,115]. Педагогические инновации понимаются как «новые материальные или символические творения, нацеленные на реализацию до сих пор неизвестных изменений как улучшений». Инновационная деятельность

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

педагога – это необходимая часть образовательного процесса. Точно так же проблема признается В. Оконь, который определяет инновации как «любую деятельность, направленную на сознательное и сознательное внедрение изменения в системе образования, чтобы улучшить ее» [2,105].

В мировой литературе мы можем найти много различных разделов и классификаций инноваций, в зависимости от критериев, принятых отдельными авторами. В связи с рассматриваемой темой следует обратить внимание на разделение инноваций с точки зрения типа инновационных решений. Таким образом, мы можем выделить следующие:

- Инновационные программы - применяют любые изменения к целям, содержанию и требуемым достижениям в области образования;
- Методологические инновации - включают в себя любые изменения, внесенные в метод обучения, и связаны, в первую очередь с передачей технологии и применением знаний в образовании;
- Технологические инновации - включают в себя изменения в использовании технических средств обучения, образовательных технологий;
- Организационные инновации - применяются к любым структурным изменениям, определяющим функции и роли в системе и организационно-высшем образовании.

Под инновациями в широком понимании следует понимать совокупность мероприятий по развитию, осуществляемых на всех уровнях образовательной системы и умножающих педагогический опыт. В более узком понимании мы должны отнести их к категории инновационной деятельности, которая осуществляется преподавателями, как непосредственные участники образовательного процесса [5, 98].

В первом случае творчество является синонимом педагогического прогресса и состоит из всех категорий инновационной деятельности, осуществляемой в системе образования, а именно: планирование и реализация образовательных реформ, постоянное обновление работы администрации, экспериментальных учебных заведений и инновационная педагогика, представленная преподавателями.

Узкий подход эквивалентен работе преподавания с различными проявлениями инновационной деятельности преподавателей, а значит и с таким типом преднамеренного развития, которое происходит во время практики непосредственного обучения.

Сущностью в этом процессе является преподаватель и студент, в которой решается конкретная, инновационная педагогическая ситуация. Педагогическая работа педагогов обусловлена творческим отношением к педагогическому пониманию и готовностью, решать проблемы, профессионально, в которых эффективен поиск инновационных решений, проверка и склонность к научным модификациям. Это сводится к разработке и использованию нетрадиционных методов и форм обучения, инновационных учебных пособий, сценариев оригинального урока или научных проектов. Здесь необходимо отношение преподавателя к отсутствию шаблонов, изучению и совершенствованию стиля работы, методам контроля и оценки знаний студентов, инновационному способу использования учебных пособий, стимулированию студентами инновационного мышления и независимости [4,208].

Компетенции, необходимые для творческих усилий, - это необходимые знания, навыки и опыт, подкрепленные соответствующей мотивацией и ответственностью за свои действия. Развитие творческой активности студентов на уроках, например, на уроках английского языка во многом зависит от творчества преподавателей и методов, которые они используют для стимулирования технологического мышления студентов. Правильное развитие мышления возможно благодаря инновационному мышлению и преподавателям с творческим подходом, которые уделяют внимание подбору соответствующих заданий и предпринимают ряд практических мер.

В сложившейся образовательной ситуации отправной точкой в деятельности образования по развитию технического мышления должна стать проблема ситуаций. С точки зрения преподавателя, важно создать на уроке атмосферу, которая вызывает поведенческую и познавательную активность студентов, что в основном влияет на методы обучения и активное участие студентов в обучении. Правильный климат на уроке вызывает активность у студентов и мотивирует их к обучению технике. В том числе и техническому мышлению на уроках английского языка.

Важную роль в первую очередь играет подбор соответствующих заданий с учетом индивидуальных потребностей, способностей и талантов студентов. Эта задача представляет собой структуру целого, которая требует знания отдельных элементов, разработок, обоснования программы, задачи и результаты проекта, они должны участвовать в формировании целого, логичного и заданного правильного решения.

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

Каждая задача состоит из фазы исследования задачи; определяет шаги, ведущие к решению, обосновывает действия и определяет окончательные результаты. Имеются в виду учебные задания, которые связаны с преподаванием – это обучение, основой которого является технический процесс мышления студентов.

Содержание, объем и уровень сложности технических заданий должны соответствовать возможностям и интересам обучаемых студентов. Особенно, технические задачи, решаемые в группах, имеют особые воспитательные ценности. Благодаря преподавателю, реализуется сотрудничество студентов в команде. Студенты также учатся ответственности.

Здесь задача вузов и преподавателя состоит в том, чтобы подготовить соответствующую материально-техническую базу, чтобы студент имел доступ к различным материалам, интересной информации, необходимым инструментам, поддержке и техническим средствам обучения.

Говоря о техническом развитии, студенты должны передать новые знания и навыки. В дополнение к урокам неоценимой помощью является повышение уровня чтения и литературы через соответствующие книги и журналы. Просмотр телевизионных программ и технических видеороликов, доступных как по телевидению, так и в Интернете, так же обеспечивают развитие технического мышления. Здесь преподаватели должны использовать свободное время студентов.

Развитие технического мышления студентов является одной из задач в процессе технического образования. Техническая подготовка позволяет преподавателям внедрять широкий спектр творческих занятий для преподавания и обучения. Он не может быть ограничен только задачами поколения, но должен уделять внимание формированию отношений и технической культуры, включая познавательную деятельность и интересы студентов. Правильное развитие мышления возможно благодаря инновационному мышлению и творческому подходу преподавателя, который уделяют внимание подбору соответствующих заданий и предпринимают ряд практических мер.

Литература

1. Гаврисяк М. Роль общего технического образования в приобретении ключевых квалификаций. – Краков, 1993. - 85с.
2. Оконь В. Новый педагогический словарь. – Варшава. 1998.- 105 с.
3. Формирование учебной деятельности студентов / Под ред. В.Я. Ляудис. – М.: “Педагогика”, 1989. – 140 с.
4. Хекхаузен Х. Мотивация и деятельность. Т. 1. М., 1986. – 208 с.
5. Шульц Р. Педагогическое творчество. – Варшава. 1994.- 98 с.
6. Шульц Р. Исследования в области педагогических инноваций. – Торунь. 1996.- 115 с.

Зебо ҲАСАНОВА

Бухоро муҳандислик технология институти
катта ўқитувчиси

БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА АХЛОҚИЙ-ЭСТЕТИК ДУНЁҚАРАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

Ушбу мақолада амалга ошириладиган муҳим тадбирлар қаторида умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълимини эгаллаб, бўлажак олий маълумотли мутахассисликка тайёрланаётганларда шахсий-касбий хусусиятларни юксалтириши, маънавий-ахлоқий салоҳият, ақлий камолот фазилатлари ва ахлоқий-эстетик дунёқарашини ривожлантиришнинг психологик асослари ҳақида фикр юритилган.

Касб эгасининг ахлоқий-эстетик дунёқарашининг такомилли, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, маънавий-психологик ҳаёт, меҳнат, санъат ва фаолиятдаги гўзаллик қонуниятларини давр, тараққиёт талаблари асосида эгаллаши ҳамда унинг табиатга, жамиятга, меҳнат аҳлига, ўз-ўзига, шахсий ҳаётга бўлган ижобий муносабатларининг такомиллашишига амалий ёрдам кўрсатишини ва илмий дунёқарашини ривожлантириши кенг таҳлил қилинган

Буюк мутафаккирлар Ал-Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Юғнакий, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Умар Хайём, Саъдий, Абдулла Авлоний асарларидаги зоялар, ёшларнинг ахлоқий тарбияси, маънавий-психологик дунёқараши, эстетик баркамоллиги ҳар томонлама ривожланган шахс тарбиясининг бош мақсади эканлиги очиб берилган.

Калит сўзлар: *маънавий, жамият, дунёқараши, ахлоқий эстетик, талаба-ёшлар.*

Данная статья посвящена реализации важных событий: стать мастером общезо-среднего специального образования и развитие психологической основы повышения профессиональных возможностей и содействовать духовно-нравственного потенциала, психических качеств, эстетическое и нравственное мировоззрение совершенство людей, которые готовятся к высшему образованию.

В работе великих мыслителей, как Аль-Фараби, Абу Райхан Бируни, Ибн Сина(Авиценна), Юсуф Хос Хожиб, Ахмад Юғнаки, Алишер Навои, Омар Хайям, Саади, Абдуллы Авлоний описаны идеи, нравственное воспитание духовное психологическое мировоззрение и эстетическое совершенство молодежи которые включают в себя основной целью образования.

Проблема совершенной нравственной эстетической перспективы каждой профессии социально-экономического развития, духовной и психологической жизни, труд, искусство и закон красоты должны иметь в основе текущего спроса и помощи для природы, общества, народа и развития научно перспективы широко проанализированы.

Ключевые слова: *духовность, общество, мировоззрение, этическая эстетика, студенческая молодежь.*

This article deals with the implementation of important events: being the master of general-secondary, special and vocational education and the development of psychological basis of raising the professional features and promote the spiritual and moral potential, mental qualities, aesthetic and moral perfection outlook of people who are preparing for higher education staff.

In the work of great thinkers like Al-Farabi, Abu Rayhan Biruni, Ibn Sina (Avicenna) Yusuf Khos Khojib, Ahmad Yugnaki, Alisher Navoi, Omar Khayyam, Saadi, Abdulla Avloniy are described ideas, moral upbringing, spiritual psychological outlook and the aesthetic perfection of youth include the main aim of education.

The problem of the perfect moral aesthetic outlook of every profession social and economic development, spiritual and psychological life, labor, art and law of beauty should be occupied in the basis of the current demand and helping for nature, society, people and the development of scientific outlook are widely analyzed.

Keywords: *spirituality, society, worldview, ethical aesthetics, student youth.*

Бўлажак ўқитувчиларда ахлоқий-эстетик дунёқарашни ривожлантириш ижтимоий-педагогик муаммолардан биридир. Шу ўринда эътироф этиб ўтиш жоизки, талабаларнинг ахлоқий-эстетик дунёқараши фанда психологик ҳодиса сифатида ҳам қайд этилган. Чунки ҳар бир талаба ўзига хос билиш фаолияти, характер хусусияти, ирода кучи, хулқ-атворга эгадир. Шу сабаб ҳар бир бўлажак

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

касб таълими ўқитувчисининг ахлоқий-эстетик дунёқараши ривожланишини таъминлайдиган психологик қонуниятлар мавжуд бўлиб, у ёшнинг ақлий тараққий этиши, тафаккури, онги, эътиқодини ривожлантиришни тушуниш ва англашни йўлга қўйишга ҳар томонлама ёрдам беради. Бу ҳар бир кишига индивидуал муносабатда бўлишдир. Чунончи, талаба ахлоқий-эстетик дунёқараши мазмунидаги эътиқод, онг, идеал, тафаккур, фаолият каби таркибий қисмларнинг шаклланиши ва ривожланиши унинг руҳий ҳолати, психологик тайёргарлик билан боғлиқ. Шу боис бу компонентларнинг талаба-ёшларда таркиб топиб, ижтимоий йўналиш касб этишида психологик қонуниятларга таяниб иш тутиш, таълим-тарбия ишларини шу қонуниятлар асосида қуриш, фаолият натижавийлигини таъминлаши мумкинлигини тадқиқотимиз натижалари исботламоқда.

Маълумки, барча касб соҳиблари каби, бўлажак касб таълими ўқитувчисининг ахлоқий одатлари, ишонч-эътиқоди, касбий маънавий савияси, ижодий тафаккурининг юксаклиги, ахлоқий-эстетик дунёқарашининг ривожланганлиги, ёшларнинг анатомик-физиологик (тавда тузилиши, ўпканинг ҳаво сифими, қон босими ва таянч ҳаракат органлари, жисмоний кучлари) ва психологик (диққат, хотира, тафаккур хусусиятлари, сўз бойлиги, нутқининг ривожланганлиги, характер, ирода, фаолият ва ҳоказоларнинг таъсирида таркиб топиб боради ҳамда ривожланади. Шунинг учун олий таълимда фаолият кўрсатадиган ҳар қандай ўқитувчи бу психологик қонуниятларни билиши, фан талаблари юзасидан ёндашиши мақсадли бўлади.

Одам дунёга биологик мавжудот сифатида келади. Унинг ижтимоий зотга айланиши ва шахс сифатида шаклланиши учун ижтимоий муҳит шароитлари ва таълим-тарбия лозимлиги, улар таъсирида одам инсон сифатида ривожланиб шахсга айланишини фан исботлаган.

Илғор назариянинг таъкидлашича, инсон мураккаб субъектив зот сифатида биологик ва ижтимоий омиллар таъсири остида шаклланиб, ривожланади. Бу икки жиҳат таъсирида ўқувчи-ёшларнинг турли ёш босқичларида характери, ижтимоий ахлоқ қоидаларига риоя қилиши, ҳаракатнинг мақсадга қаратилганлиги, режаллиги, онглилиги, фаолият самарадорлиги, эҳтиёжларнинг вужудга келиши ва уларни қаноатлантириш имкониятлари ўртасида қарама-қаршилиқларнинг пайдо бўлиши рўй беради. Шулар асосида инсон ривожланиши ва такомиллашуви амалга ошади. Бу ривожланиш инсоннинг ақлий, ахлоқий, руҳий, жисмоний жиҳатдан ўсиши бўлиб, унинг интеллектуал, маънавий, жисмоний, руҳий етилишини таъминлайди ва сифат ҳамда миқдорий ўзгаришни юзага келтиради. Шу асосда инсондаги ижтимоий фазилатлар ривожланиб боради. Бунинг Шарқнинг буюк алломалари Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Аҳмад Дониш, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат ва бошқалар ҳам ўз асарларида таъкидлаб ўтганлар.

Чунончи, Абу Наср Фаробийнинг инсон ва унинг руҳияти тўғрисидаги ғоялари «Ақл ҳақидаги рисола», «Идеал шаҳар аҳолисининг фикрлари», «Логикага кириш», «Субстанция ҳақида», «Шарҳлар», «Масалалар моҳияти» каби бир неча асарларида ўз ифодасини топа олган. Абу Райҳон Берунийнинг эса инсон руҳиятига оид қарашлари «Ҳиндистон» ва «Ўтмиш ёдгорликлари» асарларида ёритилган. Берунийнинг фикрича инсон табиат, жамият ҳодисалари, турмуш воқеаларини сезги органлари орқали англаб олади ва унга муносабат билдиради. Сезги ўз қўзғатувчи аъзолари орқали юзага келади. Масалан, кўриш сезгисини нур қўзғатади, эшитиш ва ҳид билиш сезгисини ҳаво билан бурунга ҳамда кулоққа уриладиган хидлар қўзғатади, таъм билиш озуқанинг мазаси билан вужудга келади. Улар биргаликда мавжудотнинг мазмун-моҳиятини англаш учун хизмат қилади. Улар меъёрида бўлса яхши, меъеридан ортса дардли ва ҳалокатли бўлади дейди аллома. Беруний ҳар бир иш меъёрида инсон қобиляти ва руҳиятига мос бўлишига эътибор беришни мақсадга мувофиқ деб билган.

Ибн Сино ҳам ўзининг «Тиб қонунлари» китобида инсон танасининг тузилиши, унинг физиологик ва психологик жараёнлари, нерв фаолияти тўғрисида фикр юритиб, уларнинг бола хулқ-атворини шаклланишидаги аҳамиятини руҳий-физиологик жиҳатдан изоҳлайди. Унинг фикрича «Бола хулқини мўътадилликда сақлашга эътибор бериш лозим. Бунда икки манфаат бор. Бири – боланинг руҳи учун бўлиб, у ёшлиқдан бошлаб яхши хулқли бўлиб ўсади ва кейинчалик бу унга ажралмас малака бўлиб қолади.

Иккинчиси – унинг бадани учундир, чунки ёмон хулқ турли мижоз бузилишларидан бўлади. Шунингдек, агар ёмон хулқ одатга кириб қолса, у мижоз бузилишини келтириб чиқаради. Масалан, ғазаб кучли қиздиради, қайғу кучли қуритади...».

Буюк аллома ғазал мулкининг султони Алишер Навоий ўзининг «Маҳбуб-ул қулуб», «Лисон-ут-тайр», «Ҳазойин ул-маоний» каби асарларида баркамол шахс ахлоқи, одоби, одамларга муносабати, дунёқараши, маънавияти, истеъдоди, қобиляти ва иродаси тўғрисида фикр юритадиган экан, булар барчаси инсоннинг руҳияти, жисмоний етуқлиги билан боғлиқ деб билади. Унинг фикрича,

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

одам шахси кишилар билан муносабатда, айниқса, кишиларнинг бир-бирига бўлган рухий ва маънавий таъсирлари натижасида таркиб топади. Шунинг учун инсон ўз руҳияти, ўз сўзини, инсоний муносабатини яхшилаши, очиқ юзли бўлиши лозим, бу эса унда назокатни, ёқимлилиқни, хушмуомалалиқни вужудга келишига ёрдам беради.

Юзидан кўнгилларга шодлик ва хурсандлик келади,

Сўз баданлардан хасталиқни аритади.

Очиқ чехраси тоза гўлдан нишона,

Сўзларига булбул ўз жонини фидо қилади.

Буюк мутафаккир, фалакиёт илмининг асосчиларидан бири Мирзо Улугбек ҳам шахс дунёқарашининг юксалиши, диний ва дунёвий билимларини мукамал эгаллашида унинг рухий ва жисмоний баркамоллиги муҳим ўрин эгаллайди, деб билади. Унинг уқтиришича, боланинг билим олишга ҳавасмандлиги, қизиқиши унинг жисмоний ва рухий баркамоллигига боғлиқ. Болаларни ёшлиқдан жисмонан соғлом ва руҳан баркамол қилиб вояга етказиш келажакда маънавий камолотини таъминлайди. Шунинг учун болалар ёшлиқдан бошлаб жисмоний машқлар ва руҳиятини чиниқтирадиган ишлар билан шуғуллантирмоғи лозим.

Демак, бўлажак касб таълими ўқитувчиси ахлоқий-эстетик дунёқарашининг шаклланишида унинг рухий ҳолати ва психологик хусусиятларининг роли катта экан, буни олий таълим ўқитувчи билиши ва шу қонуниятларга таяниб фаолиятини ташкил қилиши лозим. Буюк рус педагоги К.Д.Ушинский таъкидлаганидек: «Биз педагогларга ундай қилинг ёки бундай қилинг деб айтмаймиз, аммо биз уларга ўзингиз бошқармоқчи бўлган психик ҳодисаларнинг қонуниятларини ўрганинг ва бу қонунларга амал қилиб, уларни татбиқ қилмоқчи бўлганингиз шароитларини ҳисобга олиб иш қилинг, деб айтамыз».

Жаҳон илғор психологияси назариясида ҳам болалар психологияси ва уларнинг ёшига қараб ўсиш давлари, анатомик, физиологик ривожланишлари тўғрисида қимматли фикрлар илгари сурилган Жумладан, Б.Т.Ананьев, Н.В.Кузьмина, Н.Ф.Тализина, Дж.Брунер, С.Холл, Ж.Пиаже, А.В.Петровский, В.А.Крутецкий, Ю.А.Самарин ва бошқалар.

Республикамизда ёшлар психологияси масаласи П.И.Иванов, М.Воҳидов, М.Г.Давлетшин, Р.З.Гайнуддинов, Ғ.Б.Шоумаров, Э.Ғозиев, В.Каримова, В.А.Токарова, М.Абдуллажонов, Ш.Р.Баротов ва бошқаларнинг илмий тадқиқот ишларида ўз ечимини топган. Ушбу олимлар ёш давларни табақалаштириш, ҳар бир даврнинг ўзига хос психологик хусусиятларини тадқиқ қилиш, шахслараро муносабат, жамоада шахсий хусусиятлар психологияси, талаба-ёшлар тафаккурининг хусусиятлари, қобилият психологияси, инсон руҳиятининг такомили, ўз-ўзини англашининг психологик жиҳатлари ва шуларга ўхшаш масалаларни назарий жиҳатдан тадқиқ қилганлар.

Жаҳон психология назарияси ва амалиёти талабалиқ даврида (18-25 ёш) барча шахсий сифатлар, жумладан, ахлоқий-эстетик дунёқарашининг ривожланиши учун энг қулай давр эканлигидан далолат беради. Зеро, олий ўқув юртида ўқиш – бу фаолиятга, яъни моддий ва маънавий ишлаб чиқариш фаолиятига тайёрланиш, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, мафкуравий, илмий-техникавий билимлар билан қуролланиш мақсадга қаратилганлик, онглилик, режалилик ва самарадорликнинг ижобий тус олган жараёнидир. Бунда воқелиққа (табиат, жамият, тафаккур тараққиётига), кишиларга муносабат чуқур ички-маънавий мазмун касб этади, ўзлигини англаш, ўз кадр-қимматини билиш, ўз-ўзини баҳолаш, ўз-ўзини назорат қилиш ва ўзига ёққан кишиларга яқин бўлишга интилиш, ўзи танлаган касби, ўзининг қизиқишлари доирасида ўз ихтисослиги йўналишида илғор бўлган, аждодларимиз, фан, ишлаб чиқариш фидойилари ҳақида, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ҳақида кўпроқ билим олишга мойиллик, ўз-ўзича улардан фахрланиш, уларга муносиб бўлишга интилиш туйғулари жўш урган ёш даври ҳисобланади. Шунингдек, бу даврда тафаккур, айниқса, мантикий тафаккур ва интеллектнинг муҳим жиҳатлари янги ривожланиши босқичида бўлади. Буларнинг барчаси ўзини билиш, табиат, жамият, меҳнат, шахсий ҳаётдаги гўзаллиқни идрок қилиш, дид, фаросат, ҳалоллик, ростгўйлик, виждон, этиқод, иймон каби ахлоқий-эстетик дунёқараш сифатларини ёшларда таркиб топтириш учун яхши имкониятларни вужудга келтиради. Бунинг учун бу даврда олий ўқув юртларида таълим-тарбия ишларининг янги, замонавий шакл, метод, воситаларини ишлаб чиқиш ва улардан самарали фойдаланиш, айниқса, касбий таълим йўналишида ўқитиладиган ижтимоий-гуманитар турқум фанларни ўқитишни илғор педагогик технологиялар асосида ташкиллаштириш ва улардан талабалар таълим-тарбиясида фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади ва бундай ҳолат мақсадга эришишни тезлаштиради.

Масаланинг яна бир муҳим томони бу даврда талабанинг мустақил ҳаёт кечириши (ота-она, қавм-қариндошлардан бўлак яшай бошлаши), янги фан асосларини ўрганишга бўлган талаблар, олий ўқув юртидаги тартиб-интизом, ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг талаба ахлоқий-эстетик дунёқарашининг

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

ривожланиши учун муайян ички зиддиятларни келтириб чиқаришдир. Бу соҳада сўз юритиб, таникли ўзбек психологи Э.Ғозиев шундай ёзади: «Талабалик даври ўспиринликнинг иккинчи босқичидан иборат бўлиб, 17-22-25 ёшни ўз ичига олади ва ўзининг қатор бетакрор хусусиятлари ва қарама-қаршиликлари билан характерланади. Шу боисдан ўспиринлик даври шахснинг ижтимоий ҳамда касбий мавқеини англашдан бошланади. Мазкур паллада ўспиринлик ўзига хос руҳий инқироз ёки тангликни бошидан кечиради, жумладан, катталарнинг ҳар хил кўринишдаги (унга ёқиш ёки ёқмаслигидан қатъи назар) ролларини тез суръатлар билан бажариб кўришга интилади, турмуш тарзининг янги жиҳатларига кўника бошлайди. Катта одамларнинг турмуш тарзига ўтиш жараёни шахснинг камол топиш хусусиятларига боғлиқ ички қарама-қаршиликларни келтириб чиқаради»[64, 30-31]. Бу зиддиятлар ва қарама-қаршиликларни тўғри ҳал этиш учун талаба билим олиш, дўстлар сафини кенгайтириш, катталар ёрдамига суяниш эҳтиёжини сезади. Бундай шароитда талабадаги мотив муҳим роль ўйнайди (Мотив – инсон фаолиятида муайян мақсадни бажаришга сабаб бўлувчи омил). Чунки у муайян эҳтиёжни қондириш билан боғлиқ. Эҳтиёж эса сабабларда намоён бўлади. Ўз навбатида эҳтиёж кишини ҳаракатга келтирувчи, йўналтирувчи, қўзғатувчи мотивдир. Шуни ҳисобга олиб, олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари, тарбиячилари талаба фаолиятини мотивлаштиришлари талаб этилади. Мотивлаштириш кучли руҳий омил сифатида зиддиятларни енгиш, талаба фаоллигини ошириш, билим олиш кўникмаларини ривожлантириш, мутахассислик фанларни ҳавас билан ўрганиш, ахлоқий-эстетик фазилатларни ривожлантириш йўлидаги жонли меҳнат фаолиятига рағбатлантирувчи кучли восита ролини ўтайди. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларида ахлоқий-эстетик дунёқарашни ривожлантиришнинг яна бир муҳим жиҳати – бу **шахслараро муносабат**дир. Бу даврда талаба янги кишилар (курсдошлар, профессор-ўқитувчилар, тарбиячилар)га дуч келади. Илғор психологик таълимотнинг таъкидлашича, бу ёш даврда шахслараро муносабат шахсий, предметли-информацион, эмоционал-интеллектуал ҳолатда бўлади. Шу сабабли талабаларнинг бир-бирларини тушунишга интилишлари, ўзга кишиларнинг фикрларини қабул қилиши, ёқтириши (бошқаларни ўзига жалб қилиши), кийинишда, ўқишда ўз «ўрнига» эга бўлишга, ўзини англашга ҳаракат қилиши кучлилиги билан тавсифланади. Бу ҳолат талабада ўз кучи, иродаси, ички имкониятлари, қобилияти, фикрлашига қатъий ишончни юзага келтиради. Натижада талабада мустақил фикрлаш, фикрларини далиллаш, ташаббус кўрсатиш ҳис-туйғуларининг ривожланиши тезлашади. Бу эса уларга ахлоқий-эстетик дунёқарашнинг ахлоқий онг, ахлоқий тафаккур, ахлоқий идеал, воқеликдаги, меҳнатдаги, шахсий ҳаётдаги гўзалликни идрок қилиш ва муносабат билдириш ўз шахсий ҳаёти ҳамда фаолиятини шу гўзаллик асосида ташкил этиш каби хусусиятларининг тарбияланиши учун қулай имкониятлар яратади. Шу боис, олий ўқув юртидаги шахслараро муносабат, гуруҳ аъзоларининг бир-бирини тушунишлари учун «психологик муҳит» деб аталмиш энг муҳим ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий вазиятни вужудга келтиради. Бу вазият кўпроқ келишувчанликни эмас, балки бир йўналишдаги фаолият ҳамкорлигини туғдиради. Ҳамкорликда фаолият кўрсата олишда шахслараро муносабатдан қониқиш, фаолият (бирга ўқиш, ижтимоий ишларга қатнашиш, ишлай олиш натижаси) орқали, ҳамкорликдаги фаолият эса мулоқотдан қониқиш ҳосил қилиш орқали амалга ошади. Шу нуқтаи назардан талабаларда ахлоқий-эстетик дунёқарашнинг меҳнатсеварлик, ўзаро ёрдам, дўстлик, бир-бирини тушуниш каби кўрсаткичларини ривожлантириш жараёнини жадаллаштириш зарур бўлади. Бунинг учун эса, биринчидан, ахлоқий-эстетик дунёқарашнинг мезонларини ривожлантириш жараёнини индивидуаллаштириш, яъни талабанинг индивидуал-руҳий хусусиятини ҳисобга олиш лозим. Чунки психолог А.В.Петровский таъкидлаганидек, ўспирин шахснинг индивидуаллиги, характер, темперамент, иродавий сифатлар каби психик жараёнлардан иборат бўлиб, улар фаолиятнинг кучли ҳиссиёти ва мотивлар йиғиндисини ташкил этади ва билим олиш қобилиятини, малака, кўникмаларнинг таркиб топишини уйғунлаштиради. Бу маълум даражада талабаларда ахлоқий-эстетик дунёқарашни ривожлантириш имкониятининг мавжудлигига ишорадир. Иккинчидан, ахлоқий-эстетик дунёқарашни ривожлантириш жараёнини оптималлаштириш (жадаллаштириш) учун ўқув гуруҳидаги талабалар таркибини аниқ (муайян тартибда) ташкиллаштириш лозим. Чунончи, гуруҳдаги талабалар таркибини аниқ тартибда ташкиллаштириш талабаларнинг индивидуал-типик ҳамда гуруҳнинг тарбияланганлик ва таълимий-тарбиявий йўналганлик даражасини аниқлаштириш учун муҳим аҳамият касб этади. Бунда гуруҳ фаолиятининг натижаларини инобатга олган ҳолда ташкиллаштириш унинг истиқболли режасини тузиш ва шу асосда гуруҳ аъзоларига ахлоқий-эстетик дунёқараш сифатларини таркиб топтиришга қаратилган тадбирларни амалга оширишни йўлга қўйиш орқали ҳал этиш кутилган натижани беради.

Илмий-психологик таълимот ва тажрибанинг далолат беришича, талабалик даврида, шахслараро муносабат, хулқнинг мустақиллик, ташаббускорлик, топқирлик, фаросатлилик, билим

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

олишга қизиқиш каби хусусиятларининг ривожланиши таъсиридан ўз-ўзини анлаш ва шахснинг субъектив «Мен»и сезиларли даражада ўсади. Бундаги ўз-ўзини анлаш даражаси оддий ривожланишдан иборат бўлмай, у сифат жиҳатдан ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Бу хусусият талаба ахлоқий-эстетик дунёқарашининг маънавий-психологик томонларини аниқ ҳаётий мақсадлар ва интилишлар нуктаи назаридан анлаш ҳамда уларга баҳо беришнинг ривожланганлиги билан тавсифланади. Ўз-ўзини анлаши ўз фаолиятини назорат қилиш, ўзининг бажараётган иши учун масъулликни ҳис қилишда намоён бўлиб, у ижтимоий ҳаёт ва фаолият талабларидан келиб чиқади. Янги жамоадаги вазият, курсдошлар, ўқитувчилар, гуруҳ раҳбарлари билан бўладиган мулоқот, муносабатлар талабани ўз имкониятларини баҳолашга, ўзининг шахсий хусусиятларини ўзига нисбатан қўйилаётган талабларга жавоб бера олиши ёки жавоб бера олмаслиги нуктаи назаридан анлашга йўналтиради. Бу эса талабада бурч ҳисси, виждон ҳисси, ўзининг кадр-қимматини билиш каби сифатларни тарбиялашга ёрдам беради. Натижада талаба катталар томонидан берилган ижобий фикрларгагина эмас, ҳатто унга билдирилган танқидий мулоҳазаларни ҳам диққат-эътибор ва миннатдорчилик билан қабул қилади.

Талабалик даврида ўғил ва қизларда ўзини анлаш асосида ўз-ўзини тарбиялаш эҳтиёжи ўсади. Эҳтиёж талабанинг фаоллиги ва руҳий ҳолатини акс эттирувчи механизм сифатида, унинг моддий, маънавий, физиологик, ижтимоий заруриятларини ифодалайди ва ўз-ўзини анлашини шакллантириб, талаба шахсидаги ижобий ахлоқий-эстетик фазилатларни ривожлантиради, салбий хусусиятларга зарба беради. Ўз-ўзини тарбиялаш муайян тарзда ўз хулқ-атвори, интизоми, билимидаги нуқсонларга барҳам бериш ёки ижобий сифатларини ривожлантиришга қаратилибгина қолмасдан, балки шахсий ҳаётларидаги вужудга келадиган идеалларга мувофиқ хусусиятларни таркиб топтиришга қизиқиш билдирадидлар. Қизиқишнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у ҳамма вақт маълум нарсага йўналган бўлади. Қизиқиш ва анланган мотив асосида инсон ўзини олдинга интилишга йўналтиради. Шу маънода талабалар тарбия объектидан тарбия субъектига айланадилар.

Шунинг учун бу ёш давр ўғил-қизлари билан ота-оналар, тарбиячилар, ўқитувчилар қайд этилган ҳолатлар салбий йўналиш касб этмаслиги учун, талабанинг ўзини ўзи бошқара олиши, шахсий қизиқишларини ижобий тус олишини йўлга қўйиш, ўз шахсига, фаолиятига танқидий кўз билан қараш, ўзини ўзи қўлга олиш, ўзини ўзи такомиллаштиришга эришишларини йўлга қўйишга ҳаракат қилишлари лозим.

Ўспиринликнинг иккинчи даврнинг яна бир муҳим жиҳати – бу талабанинг эътиқоди, дунёқарашининг янги кўриниш ва йўналиш касб этишидир. Эътиқод фалсафий-педагогик тушунча сифатида муайян мақсад, фикр ва қадриятларга ишончидир. У табиат, жамият, тафаккур тўғрисидаги билим асосида вужудга келади. Билимларнинг ҳақиқийлиги эътиқодни мустаҳкамлайди. Дарҳақиқат, жаҳон психология назариясининг таъкидлашича, эътиқод кишининг хулқ-атворини, дунёқарашларини таркиб топишини йўлга солувчи муҳим омил ҳисобланади. Шу маънода эътиқод таъсирида воқелик тўғрисидаги билимлар мажмуи вужудга келади ва ахлоқий қоида-меъёрлар, дид-фаросат, табиат ҳодисалари ва жамият тараққиёти қонуниятларига нисбатан қарашларнинг шаклланишини мукаммаллаштиради. Бу эса талабанинг ўз олдига қўйган мақсадига ишончини ифодалаб, бўлажак ихтисослигига қизиқишни, фан асосларини пухта ва чуқур эгаллашга, ахлоқ меъёрларига риоя қилиш, оила, халқ, Ватанга бўлган садоқат, муҳаббатини мустаҳкамлайди. Демак, эътиқоди кучли инсон билим олишга интилади, ўз мақсад-муддаосига эришишга ҳаракат қилади, маънавий-ахлоқий салоҳияти, интеллектуал қобилияти, ахлоқий-эстетик дунёқарашни ривожлантириб ҳар томонлама баркамол бўлишга интилади. Бунинг учун олий ўқув юртидаги фан асосларини ўзлаштириш жараёнида эгалланадиган билимлар эътиқодга айланиб, у хатти-ҳаракатни, муносабатни, хоҳиш-иродани, тартибга солишга хизмат қилиши лозим.

Тадқиқотимиз мақсад, вазибалари ва илмий фарази доирасида, бўлажак касб таълими ўқитувчиларида аждодларга ҳурмат, она-Ватанга меҳр-муҳаббат, келажакка ишонч ҳис-туйғуларини эътиқод даражасига юксалтириш ёрдамида талабаларда ахлоқий-эстетик дунёқарашни ривожлантириш масаласига асосий эътибор қаратишга ҳаракат қилдик. Зеро, талабадаги эътиқодлилиқ, илмий дунёқараш, ўзини-ўзи анлаши ҳам, ахлоқий-эстетик эътиқод, онг ва тафаккурнинг ривожланганлиги ҳам – шахсдаги фидойилиқ, журъат, ҳалоллик, ирода, виждон, иймон, фаоллик, мақсадга интилувчанлик, қатъиятлиқ, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик каби бир неча ижобий ахлоқий-эстетик фазилатлар билан ҳамонҳангдир.

Таниқли рус психологи И.С.Кон ўспиринликнинг иккинчи даври (23-25 ёш)нинг энг муҳим хусусиятларидан бири – бу ўз индивидуаллиги, тақрорланмаслигини анлаш образи «Мен» **концепциясининг** шаклланиш даври деб таъкидлайди. Дарҳақиқат, «Мен» концепцияси – ижтимоий-маънавий йўриқнома сифатида шахснинг ўзига нисбатан муносабатини билдиради ва билиш, ҳис-

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

туйғу (эмоционал), хулқ-атвор каби таркибий қисмларни ўз мазмунига олади. Шу асосда инсон шахсининг ўзига хос субъектив «Мен»и шаклланади. Субъектив «Мен» мустақиллик ҳолатини акс эттириб, шахс сифатларида кўзга ташлана боради ва ўзларининг бу «Мен»га бўлган муносабатларини англашда намоён бўлади. Бу концепция ўзини англаш, ўзини баҳолаш, ўз фикрига эга бўлиш, ўз хурматини жойига қўйиш, ўзини севиш, ўзига ишонч каби маънавий-ахлоқий фазилатлар мажмуи бўлганлиги, инсоннинг ўзи ҳақидаги тасаввурларини акс эттирганлиги ва бу сифат талабалик даврида жадал ривожланиш босқичида эканлиги учун ҳам талабаларда ахлоқий-эстетик дунёқарашни ривожлантириш жараёнининг муҳим педагогик-психологик ҳодисаси ҳисобланади.

Эътироф этиш жоизки, «Мен» концепцияси талабада ўз мақсади, режаларининг ижтимоий-маънавий ва маърифий йўналиш касб этиши, уларнинг социал-сиёсий фаоллик даражасига кўтарилишини ва талабанинг шахсий ва касбий фаолияти мазмуни учун асос бўлиши учун замин яратади. Шунинг учун ҳам «Мен» концепциясининг мазмуни ва мақсадини ойдинлаштириш ва ижтимоийлаштириш лозим бўлади, бу унинг шахсий эҳтиёж, истак-хоҳиш, талаб, қизиқиш каби субъектив амалларнинг такомиллашувини таъминлайди. Шунинг учун, талаба аввало, «Мен»ининг мазмунини аниқ англаши, унинг шахс камолотидаги ўрнини тўғри тасаввур қилиши ҳамда ўз «Мен»ининг ижобий ва салбий томонларини назардан қочирмаслиги талаб қилинади.

Ўспиринликнинг иккинчи даври (18-25 ёш) нинг яна бир ўзига хос психологик жиҳати ўқув юртидаги миллий анъаналар, қадриятлар, урф-одатларга нисбатан алоҳида муносабатнинг таркиб топа боришидир. Бу талабанинг хатти-ҳаракатларида, билим олишга бўлган қизиқишида, тенгқурлари ва катталарга бўлган муносабатида намоён бўлади. Бу ҳолат талабанинг ўз фаолияти, хулқ-атворида катталарнинг баҳоси қизиқтиришини туғдиради ва талаба ўз хатти-ҳаракатини ўқув юртида белгиланган меъёрий талаблар асосида қуришга ҳаракат қилади. Бу унинг ахлоқий-эстетик дунёқарашдаги ижобий фазилатларини ривожланишини таъминлайди.

Ҳуқуқий демократик давлатни янада мустаҳкамлаш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришда мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар албатта инсон психологиясига ўз таъсирини ўтказиши керак. Бу ҳар бир фуқаронинг, айниқса, бўлажак мутахассисликка тайёрланаётган ёшнинг ҳис-туйғулари, хатти-ҳаракатлари, ахлоқий-эстетик қарашларининг туб моҳиятидан келиб чиқса, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва маънавий ҳаёт талабларига мос бўлади.

Тажрибанинг кўрсатишича, мамлакат воқелигидаги ҳар қандай ҳодисалар бир инсон, айниқса, талаба-ёшлар психологиясига кескин ўзгартиришлар киритади. Янги вазият ҳар бир инсондан янги сифатлар, юксак маънавият, ижтимоий ўз-ўзини англашнинг мукамал намунасини талаб қилиб, унинг ўз фаолиятида у ёки бу қарорни қабул қилишда ижодий фаол мустақил ҳолатда ёндашишни тақозо қилади. Кучли давлатдан кучли жамият сари шиорини амалга ошириш шароитида кўпинча фуқаролар фикрини ҳисобга олиб, ошқоралик, турли фикрлар бўлишини эътироф этиш билан бирга инсоннинг ўз эркинлиги, фикрини баён қилиш ҳуқуқини инкор этмайди. Янги қурилаётган жамиятда қонун устуворлиги таъминланганлиги сабабли, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, кадр-киммати, шаънини ҳимоя қилиш, ўз навбатида уларнинг ижтимоий мажбуриятини аниқ белгилашга олиб келади. Бу эса кишиларнинг ўз-ўзини назорат қилиш, қонунга итоат этиши ижтимоий эҳтиёжга айланади. Мазкур эҳтиёжнинг таъминланиши ўқиш-ўрганиш, таълим-тарбияни янги поғонага кўтариш ва жамиятнинг ҳар бир аъзосида ахлоқий-эстетик дунёқарашни ривожлантириш орқали амалга оширилиши мумкин бўлади.

Демак, олий ўқув юртлирида ўқиш даври воқеликка, хулқ-атворга аниқ баҳо бериш, иймон-этиқодга эга бўлиш, яхшини-ёмондан, тўғрини-нотўғридан ажрата олиш даври ҳисобланади. Талабанинг бу хусусиятлари, унга ахлоқий-эстетик дунёқараш асосларини ривожлантиради. Талабанинг ахлоқий-эстетик дунёқарашининг ривожланиши фан асосларини ўрганиш, тизимга солинган билим, тасаввурлар, ғоялар мазмунини англаб етишга ундайди. Бу йўналиш талабаларда янгича дунёқараш – Ватанга садоқат, миллатга муҳаббат, миллий қадриятлар, анъаналарни асраб-авайлаш, эъзозлаш, ўзи танлаган ихтисосликка содиқликни тарбиялайди. Шунинг учун олий таълим тизимида талабаларда ахлоқий-эстетик дунёқарашни ривожлантиришни режалаштирар эканмиз, қайд этиб ўтилган психологик омилларни ҳисобга олиш, уларни талабалар билан бўладиган ўқув машғулотида ва дарсдан ташқари тарбиявий тадбирларда ижтимоийлаштириш, ўқув-тарбия жараёнига илғор педагогик технологияларни қўллаб ўқитаётган фаннинг жаҳонда содир бўлаётган ижобий ҳодисалар, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, миллат келажаги билан боғлаш талабаларда ахлоқий-эстетик онг, идеал, тафаккур, ахлоқий-эстетик дид, ахлоқий-эстетик дунёқарашнинг мазмунини англаб етиш ва уни ўзида тарбиялаш учун муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Юқорида баён қилинган фикрлар, олий ўқув юртининг таълим-тарбия, айниқса, ижтимоий-гуманитар туркум фанларни ўқитиш жараёнида талабаларни чуқур билим олиши асосида ўқув-тарбия

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

ишларини ташкил этиш масаласини ниҳоятда долзарб масала қилиб қўйади. Бундай шароитда ўқув юртида фаолият кўрсатаётган ижтимоий-гуманитар туркум фанларнинг ўқитувчилари нафақат ўқитиладиган фанларни ҳар томонлама мукамал билишлари, маҳоратли педагог бўлишлари, балки талабалар учун юксак ахлоқий-эстетик дунёқараш намунаси, яъни ахлоқий поклик, ахлоқий гўзаллик, эстетик дид, эстетик идеал, эстетик онглиликнинг тимсоллари бўлишлари лозим. Шу билан бирга тажрибанинг кўрсатишича ҳар бир бўлажак касб таълими ўқитувчисининг руҳий-физиологик ва психологик хусусиятларини ҳам ҳар томонлама билишлари ва унга асосланиб иш тутишлари даркор бўлади. Бунинг муҳим механизмлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

– фан асосларини ўрганиш жараёнини замонавий таълимий технологиялар асосида шундай ташкил қилиш керакки, бунда талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг демократик мулоқоти ташкил этилиб, фан мазмунидаги ахлоқий-эстетик дунёқараш тушунчаларини англаш учун ишчан, дўстона, бир-бирини тушуниш шароити таъминлансин;

– ижтимоий-гуманитар ўқув фанларини ўқитиш орқали талабанинг ўқиш мотивлари, руҳий-физиологик кечинмаларини инobatга олиш имконияти яратилиб ва унинг ёрдамида ўқув-тарбия ишлари жараёнида ҳар бир талабада фан мазмунидаги ахлоқий-эстетик дунёқараш сифатларини аниқ ажрата олиш кўникмалари шакллансин;

– талабалик давридаги шахслараро муносабат, талабадаги индивидуаллик, жўшқинлик, қатъийлик, эътиқод, онглилик, интизомлилик, шунингдек, талаба ички дунёсида рўй берадиган ўзгаришлар, қарашларни инobatга олиш ва талабанинг ўз имкониятларини тўла намоиш этиши учун шарт-шароит яратилсин;

– бўлажак касб таълими ўқитувчиларида ташаббус, эркинлик, мустақилликни ривожлантириш асосида ижтимоий-гуманитар фанлар мазмунидаги, ахлоқий-эстетик дунёқараш унсурларини англашдаги фаолиятни мунтазам рағбатлантириб бориш таъминлансин;

– таълим-тарбиянинг турли воситаларидан фойдаланиб, талаба шахсида юз берадиган физиологик, жисмоний, руҳий, ижтимоий ўзгаришларнинг ижобий йўналиш касб этишига кўмаклашсин;

– талабаларда ўзини-ўзи англашнинг психологик жиҳатлари асосида ахлоқий-эстетик дунёқарашни ривожлантириш эҳтиёжи вужудга келсин;

– ўқитувчи фаолиятида талабчанлик, хайрихоҳлик, қувноқлик, оғир-босиқлилик, қаттиққўллик ва меҳрибонлик, зарур ҳолатларда бепарволик (талабанинг айрим нуқсонларига нисбатан), ўз сўзига тура олиш каби иродавий-руҳий хусусиятларни шакллантириш.

Адабиётлар

1. Ибн Сино. Тиббий ўғитлар. – Т.: «Меҳнат», 1991. - 192 б.
2. Навоий А. Маҳбуб-ул қулуб (Қалблар севгилиси). – Т.: “Ғафур Ғулом”, 1983. - 112 б.
3. Ушинский К.Д. Асарлар. Т.8. – М.: “ЛПН РСФСР, ПФА”, 1950. 1 е. 50. – 774 б.
4. Ғозиев Э. Олий мактаб психологияси. – Т.: “Ўқитувчи”, 1997. - 104 б.

Дилафруз ФАРСАХОНОВА

Жиззах давлат педагогика институти
бошланғич таълим методикаси
кафедраси катта ўқитувчиси,
педагогика фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯЛАШНИНГ ШАКЛ ВА МЕТОДЛАРИ

Мазкур мақолада педагогика олий таълим муассасалари талабаларини маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг шакл ва методлари, айнан “Тарбиявий ишлар методикаси” фанини ўқитишида фойдаланиладиган метод ва воситалар хусусида сўз юритилган. Сўхбат, учрашув ва баҳс-мунозара, танлов ва тарбиявий тадбирлар уюштириши, аудитория ва аудиториядан ташқари машгулотларда қўлланиладиган методлар орқали талабаларда ижобий маънавий-ахлоқий муносабатлар ва фазилятлар таркиб топтириши мазмунини очиқ берилган.

Калит сўзлар: талаба, маънавий-ахлоқий тарбия, шакл, метод, восита, компетентлик, методика, мутахассис.

В данной статье речь идет о формах и методах духовно-нравственного воспитания студентов педагогических высших образовательных учреждений, а именно о методах и средствах, используемых в преподавании предмета “методика воспитательной работы”. Посредством бесед, встреч и дискуссий, организации конкурсных и воспитательных мероприятий, методов, применяемых на аудиторных и внеаудиторных занятиях, раскрывается содержание положительных духовно-нравственных отношений и качеств у студентов.

Ключевые слова: студент, духовно-нравственное воспитание, форма, метод, инструмент, компетентность, методика, специалист.

In this article we are talking about the forms and methods of spiritually-moral education of students of pedagogical higher education institutions, namely on the methods and tools used in teaching the subject “methodology of educational work”. Through conversations, meetings and discussions, the organization of competitive and educational events, methods used in classroom and extracurricular classes, the content of positive spiritual and moral relationships and qualities of students is revealed.

Keywords: student, spiritual and moral education, form, method, tool, competence, methodology, specialist.

Бугунги кунда замонавий таълим модели жамиятда эркин фикрловчи шахсни шакллантиришга олиб келади. Бу эса ҳаётий мақсадларга эга ва иродали, ўз кадрини билладиган инсонларни тарбиялаш имкониятини беради. Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг ёшлар маънавиятини юксалтириш борасидаги қуйидаги фикрлари эътиборга молик: “Дунё шиддат билан ўзгариб, барқарорлик ва халқларнинг мустақкам ривожланишига раҳна соладиган турли янги таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавият ва маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга етишга интилишига эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. Айнан таълим ва маърифат башарият фаровонлигининг асосий омилларидан ҳисобланади, инсонларни эзгуликка даъват этади, саховатли, сабр-қаноатли бўлишга ундайди” [1; 27–28-б.].

Мамлакатимизда олиб борилаётган ёшларга оид давлат сиёсати Президентимиз ва халқимиз орзу қилган баркамол авлодни тарбиялаш йўлидаги эзгу ишлар намунасидир. Ҳукуматимиз томонидан ёшларнинг билим олиши ва касб-ҳунар эгаллашлари учун яратилаётган шарт-шароит ва имкониятларни мустақил тараққиёт йўлидаги давлатимизнинг маънавий ҳаётини ўйлаб қилинаётган амалий ишлар инъикоси сифатида баҳолаш мумкин.

Таълим ва тарбия мунтазам равишда замон талабларига мос ҳолда ривожланиб, янгиланиб бораверади. Шу ўринда узлуксиз таълим шароитида ижтимоий ҳаётнинг барча жаҳаларида ўзлигини намён қила оладиган компетентли кадрларни тайёрлаш вазифаси устуворлик касб этади. Замонавий таълим моделига асосланган ҳолда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлашда компетенциявий ёндашув асосида таълим-тарбия жараёнини амалга ошириш муҳим

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

хисобланади. Чунки ўқувчиларда зарур компетенцияларни шакллантириш учун, аввало, бўлғуси педагогнинг ўзида компетентлик ривожланган бўлиши лозим.

“Таянч компетенциялар – инсон ким ва қандай касб эгаси бўлишидан қатъи назар, шахс ҳаётида, касбий фаолиятида, ижтимоий муносабатларда муваффақиятли бўлиши учун эгаллаши лозим бўлган лаёқатлар, қобилиятлар ва ҳаётий кўникма ва малакалар мажмуидан иборат. Бунда ҳар бир шахс коммуникатив бўлиши, ахборот билан ишлай олиши, шахс сифатида ўзини-ўзи ривожлантириши, ижтимоий фаол фуқаро бўлиши, умуммаданий хислатларга эга ва фан-техника янгиликларидан хабардор бўлиши назарда тутилади” [2; 4–5-б.].

Педагогика олий таълим муассасалари талабаларини маънавий-ахлоқий тарбиялашда қуйидаги ижтимоий компетенцияларни ривожлантиришга эътибор қаратилади:

шахс сифатида ўзини-ўзи ривожлантириш компетенцияси – доимий равишда ўзини-ўзи жисмоний, маънавий, руҳий, интеллектуал ва креатив ривожлантириш, камолотга интилиш, ҳаёт давомида мустақил ўқиб-ўрганиш, ўз хатти-ҳаракатини муқобил баҳолаш ва мустақил қарор қабул қила олиш кўникмаларини эгаллаши;

ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси – жамиятда бўлаётган воқеа-ҳодиса ва жараёнларга дахлдорликни ҳис этиш, уларда фаол иштирок этиш, ўзининг фуқаролик бурчи ва ҳуқуқларини билиш, унга риоя қилиш, меҳнат ва фуқаролик муносабатларида муомала ҳамда ҳуқуқий маданиятга эга бўлиш лаёқатларини ривожлантириш;

миллий ва умуммаданий компетенция – ватанга садоқатли, инсонларга меҳр-оқибатли ҳамда умуминсоний ва миллий кадриятларга эътиқодли бўлиш, ораста кийиниш, маданий қоидаларга ҳамда соғлом турмуш тарзига амал қилиш лаёқатларини ривожлантириш муҳим ҳисобланади.

Педагогика олий таълим муассасаларининг “Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш” йўналишида ўтиладиган “Тарбиявий ишлар методикаси” фанининг мазмуни ҳамда олиб бориладиган таълим технологиялари асосида талабаларда юқоридаги ижтимоий компетенциялар ривожлантирилишига алоҳида эътибор қаратилади. Ҳар бир мавзу доирасида компетенциявий ёндашув асосида талабанинг касбий тайёргарлиги ҳамда маънавий-ахлоқий сифатлари такомиллаштириб борилади.

“Тарбиявий ишлар методикаси” фанини ўқитишда талабалар қуйидагилар билан таништирилади: 1) фаннинг мақсад ва вазифалари; 2) миллий тарбиянинг мазмун-моҳияти; 3) тарбия усуллари ва шакллари; 4) тарбия жараёнини ташкил этиш шакллари; 5) синф раҳбарининг мактаб жамоат ташкилотлари билан олиб борадиган ишлари; 6) мактабдаги тарбиявий ишлар тизимида синф раҳбарининг фаолияти; 7) синф раҳбарининг тарбиявий фаолияти самарадорлигини ошириш усуллари; 8) синф тарбиявий соатлари мазмуни; 9) синф жамоасини ташкил этиш ва тарбиялаш, ўқувчилар жамоасини шакллантириш усуллари; 10) тарбиявий жараён ва тарбиявий ишларни ташкил этиш ва ҳ.к.

Мазкур мавзуларни ўзлаштириш мобайнида талабаларда маънавий-ахлоқий сифатлар ҳам ривожлантирилиб, улар келгуси педагогик фаолиятда тарбиявий ишлар тизимини самарали ташкил этишга тайёрлаб борилади. Ёш авлодни маънавий етук қилиб тарбиялаш учун бўлажак ўқитувчиларни замонавий фан-техника ютуқларини кенг қўллашга, ахборот-коммуникацион технологиялардан ҳамда тарбиянинг самарали усул ва воситаларидан фойдаланишга, суҳбат, учрашув ва баҳс-мунозаралар уюштиришга, танловлар ва тарбиявий тадбирлар ташкил этишга ўргатиш ижобий самарасини беради.

Таълим-тарбия жараёнида узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш орқали ёшларда маънавий-ахлоқий сифатлар ривожланиши кафолатланади. Педагогика олий таълим муассасалари ўқув режасининг умумкасбий фанлар блокадаги умумий педагогика фанида таълим қоидаларидан энг асосийси таълимнинг *тарбияловчилик* қоидадир. Чунки келажакда ёш авлодни ҳар жиҳатдан етук қилиб тарбиялашда уларда хулқ-одоб меъёрларига мос келувчи ижобий фазилатларни юксалтириш муҳим саналади. Бу ўринда, аввало, талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш методикасини ҳисобга олган ҳолда иш юритиш мақсадга мувофиқ.

Жамият тараққиёти, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги учун хизмат қиладиган виждони пок, имони бутун, софдил, ватанпарвар, халқсевар, мард, ҳар томонлама соғлом, интеллектуал салоҳиятли, бир сўз билан айтганда, маънавий-касбий етук, касбий компетентликка эга мутахассисларни тайёрлаш давр талабидир. Бу ишни амалга ошириш барча педагогларнинг Ватан олдидаги муқаддас бурчи ҳисобланади. Бўлажак мутахассисларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш орқали юртига муносиб, халқ фаровонлиги ва жамият тараққиёти учун хизмат қиладиган, етук ва ижтимоий фаол компетентли мутахассисни тарбиялашга эришиш мумкин.

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

Педагогикада тарбиянинг умумий методлари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилар: 1) ижтимоий онгни шакллантирувчи методлар; 2) фаолият жараёнида ижтимоий хулқ тажрибаларини ривожлантириш методлари; 3) машқ ва ўргатиш методлари; 4) ўзини-ўзи тарбиялаш методлари; 5) рағбатлантириш ва жазолаш методлари.

Тарбиячидан тарбиянинг мутлақо янги методларини яратиш талаб этилмайди, аммо мавжуд методларни такомиллаштириш муаммоси доимо мавжуд, ҳар бир тарбиячи ўз имкониятига кўра уни ҳал қилади, тарбия жараёнининг аниқ шарт-шароитларига мос хусусий қарашларини ифода этиш асосида умумий методикани бойитади. Тарбия методларини бундай хусусий такомиллаштириш тарбия усуллари деб аталади. Талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда педагогиканинг умумий метод ва воситаларидан фойдаланилади. Жумладан, шахсга йўналтирилган таълим-тарбия талабага ўқув материалининг мазмунини, вазифа ёки топшириқларни, фаолият усуллари ҳамда услубларини танлаш имтиёзини беради. Танлаш имконияти талабани қарор қабул қилиш, мустақил изланиш ва жавобгарликни ҳис қилишга ундайди. Шу боис ўқув фаолиятининг муқобил моделларини ишлаб чиқиш ва уларни талабага таклиф этиш мақсадга мувофиқ. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларини маънавий-ахлоқий тарбиялаш шакллари қуйидагича таснифланади:

I. Суҳбатлар. Аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотларда маънавий-ахлоқий мавзудаги суҳбатлар ташкил этиш талабаларнинг эркин, мустақил фикрлашини юксалтиради, тафаккурини бойитади, ўқитувчи билан ҳамкорлигини мустаҳкамлайди. Тарбиявий ишларнинг барча йўналишлари бўйича суҳбатлар ташкил этиш мумкин. Суҳбатлар қизиқарли ва жонли ўтиши учун уни ташкил қилишдан бир неча кун олдин мавзу талабаларга эълон қилинади. Суҳбатлар олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган мураббийлик соатлари ҳамда дарсдан ташқари машғулотлар давомида гуруҳ раҳбарлари, ёшлар билан ишлаш бўйича мутасаддилар ҳамкорлигида амалга оширилади. Суҳбатлар давомида мавзунинг ёритувчи мультимедиа воситаларидан фойдаланилади. Мазмун-моҳияти ва мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб уларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Ватанпарварлик тарбияси: “Талабаларда ватанпарварлик туйғусини шакллантириш – долзарб вазифа”, “Ватан туйғуси – муқаддас туйғу”, “Мустақиллик нашидалари”, “Ватан қахрамонлари ва уларнинг жасоратлари”, “Мустақил Ўзбекистон жаҳон нигоҳида”, “Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати ва унинг устувор йўналишлари”, “Фидокор ёшлар қандай бўлиши керак?” ва бошқалар.

2. Маънавий-ахлоқий сифатларни юксалтириш тарбияси: “Талабанинг муомала маданияти”, “Талабанинг маънавий-ахлоқий қиёфасига қўйиладиган талаблар”, “Шахс маънавиятини шакллантириш омиллари”, “Талабанинг ташқи кўриниши ва унинг ички дунёси”, “Китоблар – билим ва маънавият манбаи”, “Талабалар ўртасида ижобий муносабатларни шакллантириш” ва бошқалар.

3. Миллий меросимизни улуғлаш тарбияси: “Аждодлар мероси – маънавиятимиз сарчашмалари”, “Амир Темур ёшлар камолоти ҳақида”, “Юксак маданият ва маънавият – жамият тараққиётининг пойдевори”, “Тарих – миллат маънавиятининг негизи” ва бошқалар.

4. Оила тарбияси: “Оилада фарзанд тарбияси”, “Оилада ота-онанинг ўрни”, “Фарзанднинг ота-она олдидаги бурчлари”, “Ватан остонадан бошланади”, “Бир болага етти маҳалла ота-она” ва бошқалар.

5. Ақлий тарбия: “Ёшлар интеллектуал салоҳияти – келажак муваффақияти”, “Замонавий илм-фан ютуқлари”, “XXI аср илм-фани: муаммолар ва ечимлар”, “Инновацион ғоя – тараққиёт калити” ва бошқалар.

II. Учрашувлар. Талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда жамиятда ўз ўрнига эга бўлган ёши улуғ шахслар, ўз касбининг етук мутахассислари, тажрибали педагоглар билан учрашувлар ташкил этиш ҳам ижобий самаралар беради. “14 январь – Ватан ҳимоячилари куни” муносабати билан “Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир” мавзусида Ўзбекистон қуроли кучларининг етук мутахассислари билан учрашувлар ташкил этиш мумкин.

“1 март – гиёҳвандлик ва гиёҳванд моддалар билан савдо қилишга қарши кураш куни”, “15 май – Халқаро оила куни”, “1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни”, “21 октябрь – ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун”, “4 ноябрь – ЮНЕСКО ташкил топган кун”, “10 ноябрь – Халқаро ёшлар куни”, “16 ноябрь – Халқаро бағрикенглик куни”, “17 ноябрь – Халқаро талабалар куни”, “1 декабрь – Халқаро ОИТС (СПИД)га қарши кураш куни”, “8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни” каби муҳим сана ва байрамларга оид соҳа мутахассислари ҳамда тажрибали педагог ва фахрийлар билан учрашувлар уюштирилади. Учрашувларни ўтказишга алоҳида тайёргарлик кўрилиб, талабалар томонидан мавзу бўйича соҳани ёритувчи тақдимот ва видеороликлар тайёрланади.

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

III. Баҳс-мунозаралар уюштириш. Талаба-ёшлар маънавий-ахлоқий камолотини таъминлашда мунозаралар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Маънавий-ахлоқий мавзулардаги мунозаралар талабаларда муайян ҳолат, ҳодисаларга нисбатан тўғри баҳо беришга, бу борада фикр юритишга ўргатиш ҳамда эътиқодини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Мунозара ўй-фикрларни тартибга солиди, мустақил фикрлашга, баҳс юритишга, суҳбатдошини тинглашга, ўз фикрини илгари суриш ва уни образли тарзда ҳикоя қилишга, айни чоғда, ўз хатоларини тан олишга ўргатади. Талабалар ўртасида “Маънавий-ахлоқий тарбияда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли”, “Мустақиллик ва таълим-тарбия”, “Ёшларнинг маънавий-ахлоқий қиёфаси”, “Ёшларнинг китобхонликка муносабати”, “Замонавий урф-одатларда маданият ва маънавият”, “Табиат ва инсон”, “Шарқ мутафаккирлари ахлоқий қарашларининг бугунги кундаги аҳамияти” мавзуларида баҳс-мунозаралар олиб борилади.

IV. Тарбиявий тадбирлар. Маънавий-ахлоқий тарбияда тарбиявий тадбирларни тўғри ташкил этиш катта аҳамиятга эга. Бунда тарихий шахсларнинг таваллуд кунлари, байрамлар ва муҳим саналарга бағишлаб “Конституция – бахтимиз қомуси”, “Она тили – миллат руҳи”, “Она – улуг зот”, “Хотира муқаддас”, “Мустақил юртимнинг миллат отаси”, “Меҳнати элда азиз устозим”, “Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим”, “Фидойинг бўлгаймиз сени – Ўзбекистон!” мавзуларида тарбиявий тадбирлар ташкил этилади. Ушбу тадбирларда педагогика олий таълим муассасалари талабалари иштирокчи сифатида қатнашиб, ўзларига тўғри хулоса чиқарадилар. Бу орқали уларнинг маънавиятини юксалтириш ҳамда маънавий-ахлоқий сифатларини ривожлантириш кўзда тутилади.

V. Ижодий ишлар танлови. Талабалар ўртасида “Бўлажак ўқитувчининг маънавий-ахлоқий қиёфаси” мавзусида ижодий ишлар танлови ўтказилади. Мазкур танлов президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббуснинг биринчиси - ёшларнинг мусиқа, рассомлик, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишини ошириш, ўз қобилиятларини намоён қилишига кўмаклашиш мақсадида ташкил этилиб, унда талабалар ўзларининг ижод намуналари (расм, деворий газета, шеър, кўшиқ, иншо) билан тасаввурларидаги идеал ўқитувчининг маънавий-ахлоқий қиёфасини гавдалантириб берадилар.

“Тарбиявий ишлар методикаси” фанидан аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотлар жараёнида фойдаланиладиган методларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Маъруза машғулотларида: тренинг, музокара, муаммоли таълим, БББ, “Ақлий ҳужум”, “Инсерт”, “Венн диаграммаси” ва бошқалар.

2. Семинар машғулотларида: “Ассесмент”, “ФСМУ”, “SWOT – таҳлил”, “Қарорлар шажараси”, “Гугурт дончалари”, “Нилуфар гули”, “Кейс-стади”, “Қадам-бақадам”, “Панорама”, “Контакт” – жамоавий ҳикоя тузиш тренинглари.

3. Аудиториядан ташқари машғулотларда: тренинг методи, ролли ўйинлар, суҳбат, мунозара, музокара, учрашув ҳамда тарбиявий тадбирлар ўтказиш ва бошқалар.


4. Ўқув амалиётлари жараёнида: тарбиявий тадбирлар уюштириш ва бошқалар.

Суҳбат, учрашув ва баҳс-мунозара, танлов ва тарбиявий тадбирлар уюштириш орқали талабаларда ижобий маънавий-ахлоқий муносабатлар ва фазилатлар таркиб топтирилгани олиб борилган сўровномалар асосида аниқланиб, қайд этиб борилади.

Талабаларда маънавий-ахлоқий сифатларни ривожлантиришнинг мазкур метод ва шакллари амалга оширишда албатта воситалар муҳим ўрин тутаяди. Ҳар қандай жамиятда маънавий-ахлоқий тарбия, ёшларнинг баркамоллик даражаси долзарб муаммо бўлган. Шу кунгача ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш жараёнида турли усул ва воситалардан фойдаланиб келинган. Вақтлар ўтиши билан, жамиятда модернизация жараёни юз бериши туфайли ушбу усул ва воситалар тобора такомиллашиб боради.

Маънавий-ахлоқий тарбияда воситалар муҳим аҳамият касб этади. Бунда кўргазмалар куруллар, тасвирий санъат асарлари, санъат турлари, бадий адабиёт, ибрат-намуна, меҳнат, педагогик қарашлар, халқ оғзаки ижоди, табиат, оммавий ахборот воситалари, оилавий анъаналар, сўз-нутқ, мультимедиа воситаларидан унумли фойдаланиш ижобий самара беради (1-расмга қаранг).

Давр талаби ва жамият тараққиётига мос маънавий-ахлоқий тарбия методикасини такомиллаштириш учун соҳада илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланиш лозим бўлади. Бунда ахборот-коммуникацион технологияларининг имкониятлари чексиз. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларини маънавий-ахлоқий тарбиялашни таъминлаш мақсадида “Тарбиявий ишлар методикаси” фанини ўқитишда фойдаланиш учун маълумотлар базаси тўпланган ҳамда электрон ўқув қўлланма тайёрланган. Мавжуд имкониятлардан таълим-тарбия жараёнида фойдаланишнинг оптимал вариантини таъминлаш учун тадқиқот объектига мос маълумотлар тўпланиб, электрон ўқув қўлланма тайёрланди.



1-расм. Маънавий-ахлоқий тарбия ишларида фойдаланиладиган воситалар

Фанни ўқитишда ҳар бир мавзунинг мазмун моҳиятидан келиб чиқиб, мавзуга мос методлар танланган ҳамда ушбу методларни қўллашда талабаларда ривожлантириладиган маънавий-ахлоқий сифатларга алоҳида эътибор қаратилган. Қуйида “Тарбиявий ишлар методикаси” фанида қўлланиладиган методлардан намуналар келтирилади.

Мавзу: Синф раҳбарининг тарбиявий фаолияти самарадорлигини ошириш усуллари.
“Нилуфар гули” график органайзери.

Технология дидактик муаммоларни ечишнинг самарали воситаларидан бўлиб, нилуфар гули кўринишига эга. Асос, унга бириккан тўққизта гулбарг (квадрат, тўртбурчак ёки айлана)ларни ўз ичига оладиган метод ёрдамида асосий муаммо ва унинг мазмунини ёритишга имкон берадиган хусусий масалалар ҳал қилинади.

“ФСМУ” технологияси.

Шахс маънавий юксалишида миллий кадриятларнинг ўрнини ёритинг.



2-расм. “Нилуфар гули” график органайзерининг қўлланилиши.

Технологиянинг мақсади: мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

маъруза машғулотида, мавзуни мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулоти натижаларини таҳлил қилишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологияси босқичлари ёзилган қоғозлар тарқатилади;
- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳ тартибида тақдимот қилинади.

“ФСМУ” таҳлили қатнашчиларнинг касбий-назарий билимларини амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштиришига асос бўлади.

Мавзу: Миллий тарбиянинг мазмуни ва моҳияти.

. Масалан:

Ф (фикрингизни баён этинг)	Шахс маънавий юксалишида миллий қадриятларнинг ўрни жуда муҳим
С (фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг)	Чунки миллий қадриятлар мазмун-моҳиятини тушуниб етган шахсгина ўзида миллий тарбияни намоён эта олади
М (кўрсатилган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг)	Мисол учун Шарқ мутафаккирларининг таълим-тарбияга оид қарашларидан шахс маънавиятини юксалтиришда фойдаланилса, ёшлар аждодларимизга муносиб авлод бўлишга интиладилар
У (фикрингизни умумлаштиринг)	Ҳар қандай жамият маънавий қадриятлар ва миллий ўзликни англашнинг тикланиши, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш асосида ўз истиқболини тасаввур этиши мумкин.

3-расм. ФСМУ технологиясининг қўлланилиши.

Аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотларда қўлланилган ҳар бир метод асосидаталабаларда фан юзасидан билим, кўникма ва малакаларнинг ўзлаштирилиши, ижтимоий компетенциялар ҳамда маънавий-ахлоқий сифатларнинг ривожланганлигига алоҳида эътибор қаратилади. Машғулотларда қўлланилган мазкур методлар асосида талабаларда фан юзасидан олган билим, кўникма, малакалари, ҳамда ижтимоий компетенциялар ва маънавий-ахлоқий сифатларнинг ривожланганлиги муҳим омил сифатида қаралади.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз (1-жилд). – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. 592 б.
2. Асадов Ю.Н. ва бошқ. Ўқувчиларда компетенцияларнинг шаклланиши-гени ташхислаш ва коррекциялар методикалари // Т.: Т.Н.Қори Ниёзий номидаги ЎПФИТИ, 2016. – 160 б.
3. Мавлонова Р.А., Раҳмонқулова Н.Х., Нормуродова Б.А., Матназарова К.О. Тарбиявий ишларметодикаси. Дарслик. – Т.: 2014. – 360 б.
4. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати // тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров. – Т.: “Ғафур Ғулом”, 2013. – 448 б.

БОЛТАЕВА Зулфия

старший преподаватель кафедры
«Метрология и стандартизация»

Бухарского инженерно-технологического института

ЦЕЛЕВЫЕ ОРИЕНТИРЫ ПОСТРОЕНИЯ СОВРЕМЕННОГО УРОКА НА ОСНОВЕ ЛИЧНОСТНО-ОРИЕНТИРОВАННОГО ПОДХОДА В УСЛОВИЯХ КОЛЛАБОРАТИВНОЙ СРЕДЫ

Аннотация. Статья посвящена вопросу построения современного урока на основе личностно-ориентированного подхода в условиях коллаборативной среды. Применению интерактивных методов обучения при помощи технологий критического мышления.

Ключевые слова: деятельность, инициативная активность, традиционная педагогика, моделирование, проектирование, конструирование, критическое мышление.

Maqolada hamkorlik muhitida shaxsga yo'naltirilgan yondashuvga asoslangan zamonaviy darsni tashkil etish bo'yicha ko'rsatmalar muhokama qilinadi. Tanqidiy fikrlash texnologiyalaridan foydalangan holda o'qitishning interfaol usullaridan foydalanish haqida fikr yuritiladi.

Kalit so'zlar: faoliyat, tashabbuskorlik faoliyati, an'anaviy pedagogika, modellashtirish, dizayn, muhandislik, tanqidiy fikrlash.

The article is devoted to the issue of building a modern lesson on the basis of a personality-oriented approach in a collaborative environment. The use of interactive teaching methods using critical thinking technologies.

Keywords: activity, initiative activity, traditional pedagogy, modeling, design, engineering, critical thinking.

Среди трендов современного образования ключевым является деятельность. Не случайно представление о современном уроке как личностно-ориентированном, системно-деятельностном продукте. Не случайно используется личностно-ориентированный подход очень активно и всё больше времени уделяем мотивации. Вот такое облако тегов это тоже один из способов обучения одна из форм представления информации как мы видим мотивация, исследование, творчество, работа, обучение и т.д. почему это важно? Потому что только в этих условиях возникает так называемая инициативная активность. Только в этих условиях мы можем полноценно говорить о том, что мы используем активные и интерактивные методы обучения. Почему это важно с исторической точки зрения? К которой можно отнести традиционные методы обучения традиционную педагогику. Потому что если продолжить предлагаемые фразы будет понятно, чего сегодня не хватает, в чём заключаются проблемы современного образовательного процесса.



Что есть традиционная педагогика

Учитель учит – студент....учится

Учитель знает всё –студентне знает ничего

Педагог думает – студентвоспринимает

Педагог говорит – студентслушает

Педагог управляет – студент ...подчиняется

Педагог активен – студентпассивен

Педагог определяет содержание – студентможет только согласиться

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

Педагог авторитарен – студент ...подчиняется
Педагог – субъект обучения, студент -.....объект.

Мы привыкли существовать в такой педагогике. На выходе получаем неправильные конструкции, с которыми, к сожалению, были вынуждены работать. Наша задача попробовать изменить эти конструкции. Лучший способ научиться это попробовать кого-то чему-то научить.

При традиционном обучении студент способен к исполнительской деятельности. При развивающем обучении формируется личность, способная к самостоятельной творческой деятельности.

Требования, предъявляемые к интерактивным методам:

Взаимодействие;

Практичность образования;

Реализация компетентностного подхода;

«Сжимание времени» образовательного процесса;

Возможность общения на расстоянии;

Обеспечение конкурентоспособности образовательных программ, с точки зрения используемых методов;

Опора на собственный опыт (experientiallearning).

Активность обучающихся:

физическая;

социальная;

познавательная;

инициатива (направленность действий) как преподавателя, так и обучающегося;

взаимодействие с опытом (прямое взаимодействие с областью осваиваемого опыта),

привлечение реальных практиков;

обратная связь;

решение проблем;

командообразование.

При подготовке к современному уроку учитель проходит три стадии: моделирование, проектирование и конструирование.

Моделирование – определение основных параметров урока, определение типа и вида урока.

Проектирование – разработка основных компонентов педагогического процесса.

Конструирование – создание технологии урока, т.е. системы взаимодействия учителя и студентов. На этапе конструирования учитель создает **документы – конспект урока и (или) технологическую карту**, по которому будет работать, решая поставленные задачи и добиваясь получения основного **результата образования**.

Для мировой педагогики нового столетия характерен переход к таким моделям обучения, которые ставят ученика в активную позицию. Учебный процесс строится как поисковая, исследовательская деятельность, в ходе которой происходит обмен мнениями, разворачиваются дискуссии. Переход от фронтальной к индивидуальным и групповым формам работы — это требование времени, а не дань моде. И в этой связи представляется не совсем оправданным то скромное место, которое пока еще занимает в школе групповая работа. Новизна опыта состоит во внедрении и в обосновании целесообразности использования коллаборативной среды как фактора повышения внутренней мотивации студентов Опыт может быть использован педагогами любого вуза учреждения с раз-

личным уровнем педагогического мастерства. Опыт требует постоянного личностного и профессионального роста учителя, тщательной подготовки к занятиям. [1].

Так, например, на занятии бакалавриата по предмету «Методика профессионального образования», предлагается рассказать студенту о методах активного обучения. Он вспоминает лекционный материал и отвечает на вопрос. Преподаватель ставит "5", считая, что обучение достигло своей цели. Но вот, тот же самый студент получает другое задание: заполнить таблицу "Применение активных методов обучения". Результат плачевен: студент не справился с заданием. Что произошло? Ведь казалось, студент имеет знания. Но знания студенту нужны не сами по себе, не как "мертвый" груз памяти, а как живой инструмент для решения любых учебных задач. Имея знания, студент не владеет ими. Поэтому к показателю развития относится умение применять полученные знания. А это умение невозможно сформировать, если студент не знает, зачем ему необходимо данное конкретное знание.

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

В основе психолого-педагогических аспектов применения интерактивных методов обучения лежит инициативная активность по М.Г. Ермолаевой):

инициативная активность возникает там, где есть выбор:

- *целей
- *содержания
- *средств и способов деятельности
- *предъявления себя и своего результата.

Очень актуально применять технологии критического мышления при работе в команде в среде сотрудничества. Технология критического мышления. В основе данной технологии, прежде всего идея. Критическое мышление помогает:

- *выявить предубеждение;
 - *передать знания друг другу;
- Увидеть влияние этих знаний для решения проблемы.

Критически мыслящий человек задаёт вопросы:

- *что я знаю?
- *что я узнал нового;
- *как изменились мои знания?
- *что я буду с этим делать?

Для дисциплин, где необходимо осваивать новое содержание, а не только как инструмент деятельности. Технология прежде направлена на то чтобы можно было задать и ответить на них. Основу технологии составляет трёхфазная структура: ***Вызов**. В чём его великий смысл? Как вызвать интерес у студентов занятию. Это может быть загадка. Отсутствие варианта ответа, когда мы не говорим чтобы создать атмосферу интриги. Предложить правильный вариант ответа в конце занятия.

Задачи фазы вызова (пробуждение интереса к предмету)

- *Актуализировать имеющиеся у студентов знания и смыслы в связи с изучаемым материалом.
- ***Пробудить** познавательный интерес к изучаемому материалу
- ***Помочь** студентам самим определить направление в изучении темы.

Какие приёмы можно использовать и все ли приёмы можно назвать интерактивными? Посмотрим таблицу.

1 фаза «Вызов»

Деятельность студентов	Возможные приёмы и методы
Студенты вспоминают, что известно по изучаемому вопросу (делают предположения),	Составление списка известной информации, рассказ – предположение по ключевым словам
Систематизируют информацию до её изучения, задают вопросы, на которые хотели бы получить ответ.	Систематизация материала (графическая) кластеры; Таблицы; Верные и неверные утверждения; Перепутанные логические цепочки и т.д.
Ставят собственные цели	

***Осмысление.** Здесь можно работать в парах и четвёрках. Здесь можно создавать интеллект карты, проводить опыты, эксперименты, исследования, анализировать тексты.

2 фаза «Осмысление»

Деятельность студентов	Возможные приёмы и методы
Студенты читают, (слушают) текст, используя предложенные педагогом активные методы чтения, делают пометки на полях или ведут записи по мере осмысления новой информации.	Методы активного чтения: Маркировка «INSERT»; Ведение различных записей типа двойного дневника, бортового журнала
Отслеживание своего понимания при работе с изучаемым материалом, продолжают активно конструировать цели своего учения	Поиск ответов на поставленные в первой части занятия вопросы

***Рефлексия.** Которая будет для каждого своя. Можно использовать оценочное окно, поле, трансферные листы все они абсолютно интерактивны.

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL**3 фаза «Рефлексия»**

Деятельность студентов	Возможные приёмы и методы
Студенты соотносят «новую информацию» со старой», используя знания, полученные на стадии осмысления. Производят отбор информации, наиболее значимой для понимания сути изучаемой темы, а также, наиболее значимой для реализации поставленной ранее индивидуально целей. Они выражают новые идеи и информацию собственными словами, самостоятельно выстраивают причинно-следственные связи. Важно, чтобы в процессе рефлексии студенты самостоятельно могли оценить свой путь от представления к пониманию	-Заполнение кластеров таблиц, установление причинно-следственных связей между блоками информации; - возврат к ключевым словам, верным и неверным утверждениям; -Ответы на поставленные вопросы; -Организация и использование устных и письменных круглых столов; -Организация различных видов дискуссии; -Написание творческих работ; -Исследования по отдельным вопросам темы

Можно создавать блок «толстых» и «тонких» вопросов

Толстые ?	Тонкие ?
Дайте.....объяснения, почему? Объясните, почему.....? Почему вы думаете.....? Почему вы считаете.....? В чём различие.....? Предположите, что будет, если.....? Что, если.....?	Кто...? Что...? Когда...? Может...? Будет...? Мог ли...? Верно ли...?

Организовывать можно устные обсуждения в зависимости, от того какие вопросы были разработаны. Количество вопросов можно ограничить соответственно временных рамок урока. Можно предложить интеллект-карты. В зависимости от предмета темы. Например, можно изобразить химические реакции, исторические события, литературных героев это всё интересно и это всё интерактив.

Работа с вопросами это тоже один из столпов интерактивности суть в том, как это организовать. Например «Ромашка Бенджамина Блума» в которой шесть вопросов: простой, уточняющий, оценочный, творческий, практический, вопрос интерпретация.

На лепестках написать формат вопроса, можно расшифровать, что понимается под каждым вопросом. Затем студенты делятся на группы, и каждая группа забирает себе листочек по выбору. Причём тянуть нужно, не глядя, что там написано. И дальше на основе изучаемого материала предложить поработать с этими вопросами. Результаты можно предложить представить по-разному. Например, таблица, устный ответ, интеллект-карта, сценарий, план-презентация и т.д.

Итак, чтобы сделать процесс обучения лично ориентированным, нужно немного: признать право каждого студента на самооценку, индивидуальность, стремление самостоятельно добывать знания и применять их в разнообразной и интересной для него деятельности.

«Таким образом, коллаборативное (групповое) обучение, то есть «... обучение в сотрудничестве, является личной философией обучающегося, а не только методом, используемым в классе. Во всех случаях, когда люди объединяются в группы, сотрудничество предполагает способ работы ... на основе уважения, признания способностей и личного вклада каждого члена группы». [2]

Литература

1. Болтаева Зулфия Зарифовна. К вопросу о лично ориентированном подходе к развитию познавательной активности студентов в условиях коллаборативной среды. Молодой ученый. Международный научный журнал № 16 (254) / 2019 с. 253.
2. Рассел Джесси. Формы организации обучения. 2013. 57 с.

Ситора УМАРОВА
Бухоро давлат университети
I босқич таянч докторанти

“ЖАВОМЕЪ УЛ-ҲИКОЁТ ВА ЛАВОМЕЪ УЛ-РИВОЁТ”ДА ИНСОНПАРВАРЛИК ҒОЯЛАРИ

Мақолада “Жавомеъ ул-ҳикоёт ва лавомеъ ул-ривоёт” асари таҳлил қилинган бўлиб, унда асар муаллифи Авфийнинг инсонпарварлик ҳақидаги қарашлари ўрганилган ҳамда асардан олинган иккита ҳикоят мисолида кўрсатиб берилган. Шунингдек, муаллиф ҳаёти ва ижоди борасида қилинган ишлар тўғрисида сўз юритилган.

Калит сўзлар: “Жавомеъ ул-ҳикоёт ва лавомеъ ул-ривоёт”, Авфий, тарбия, инсонпарварлик, ғоя, тазкирачилик, тарихий шахслар, ҳикоят.

В статье анализируются “Жавомеъ ул-ҳикоёт ва лавомеъ ул-ривоёт”, в которых изучаются авторские взгляды на человечество, и приводятся два примера из работы. Также рассказывается о проделанной работе над жизнью и творчеством автора.

Ключевые слова: “Жавомеъ ул-ҳикоёт ва лавомеъ ул-ривоёт”, Авфий, воспитание, гуманизм, идея, тазкира, исторические фигуры, история.

The article analyzes “Javome’ ul-hikoyat va lavome ul-rivoyat”, in which the author’s views on humanity are studied, and provides two examples from the work. It also tells about the work done on the life and work of the author.

Key words: “Javome’ ul-hikoyat va lavome ul-rivoyat”, Aurfiy, education, humanism, idea, tazkira, historical figures, history.

Юртбошимиз Ш.М.Мирзиёевнинг: “Бизни ҳамиша ўйлантриб келадиган... муҳим масала – бу ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, бир сўз билан айтганда, дунёқараш билан боғлиқ. Бугун замон шиддат билан ўзгаряпти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган ким – ёшлар. Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айни пайтда ўзлигини ҳам унутмасин. Биз киммиз, қандай улуг зотларнинг авлодимиз, деган даъват уларнинг қалбида доимо акс-садо бериб, ўзлигига содиқ қолишга ундаб турсин. Бунга ниманинг ҳисобидан эришамиз? Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан”[1], деган фикрлари Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир зиёлини ўйлантриши табиий.

Моҳиятга шу жиҳатдан ёндашсак, бугун тарбия масаласининг ҳар қачонгидан ҳам муҳимлик касб этиб, миллий жамиятимиз учун ижтимоий эҳтиёжга айланганлигини сезамиз. Бу эҳтиёжни қондириш эса аждодлар меросига қайта ва қайта мурожаат этиш орқали ҳам амалга ошишини тажрибалар кўрсатиб турибди. Демак, шарқ алломаларининг тарбияга оид асарларини ўрганиш баркамол авлод тарбиясида ҳам ҳаётий заруратга айланган.

Шарқ алломаларидан бири бухоролик Муҳаммад Авфий Бухорий (асл исми Саъдидуддин, баъзи манбаларда Нуриддин Муҳаммад ибн Тохир ибн Усмон Бухорий дейилган) 1172-1242 йиллар оралиғида яшаб ўтган. Манбаларга кўра, умрининг охириги йилларини Ҳиндистон(Дехли)да ўтказган бу аллома ҳаёт йўлини тадқиқотчилар уч қисмга бўладилар:

–биринчи давр (1172-1201 йй.) Авфий ҳаётининг гўдақлик ва илк таҳсил йиллари ҳисобланади;

–иккинчи давр (1201-1220 йй) унинг Самарқандга сафаридан бошланган мусофирликдаги йилларини ўз ичига олади;

–учинчи давр (1220-1233 йй.) Авфий асарлари яратилган давр саналади.

Шарқ адабиётида тазкирачилик асосчиларидан бири ҳисобланган Авфий илк таҳсилни Бухородаги мадрасада олган, ўткир зеҳни, билимга чанқоқлиги боис тезда илм аҳлининг назарига тушган бўлажак аллома 1201 йилларда Бухорода илек (ҳоким) саройида котиблик қилгани маълум. У кейинчалик илмини ошириш, юртнинг донишу фозиллари даврасидан баҳраманд бўлиш учун Яқин ва Ўрта Шарқ бўйлаб сафар ихтиёр қилади.

Самарқанддан бошланган бу сафар Ўрта Осиё ва Ҳиндистоннинг бир қанча шаҳарлари бўйлаб давом этади. Авфийнинг Хоразм, Хуросон, Нишопур, Тус, Ҳирот, Марв, Ғазна, Лохур, Канбойт, Наҳрволога саёҳат қилганлиги, ўз замонасининг Нажмиддин Кубро, Шайх Мажиддин Бағдодий

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

каби кўплаб донишмандлари билан мулоқотда бўлганлиги хусусида тарихий манбаларда маълумотлар бор.

Донишлар суҳбатлари, ўзининг тинимсиз изланишлари оқибатида у ўз даврининг билимдон кишилардан бири бўлиб етишади. Ниҳоят, 1219 йилда катта сафардан она ватанига қайтади, бироқ бунда бошланган мўғул истилосидан қочиб яна Ҳиндистонга кетишга мажбур бўлади ва умрининг охиригача ўша ерда яшаб ижод қилади.

Муҳаммад Авфийдан авлодлар учун эътиборли асарлар мерос бўлиб қолган. Улар орасида энг қимматлиси 1222-1223 йилларда яратилган «Лубоб ул-албоб» («Мағизларнинг мағзи») тазкираси бўлиб, асар 12 бобдан иборат. Мазкур тазкирада форсий тилда шеърят юзага келганидан бошлаб, ўз давригача бўлган назмий асарлардан намуналар келтириладики, у мўғул истилосидан аввалги адабиёт ва маданият арбоблари ҳақидаги ягона манба ҳисобланади, яъни «Лубоб ул-албоб» форсий шеърят ҳақида бизгача етиб келган тазкираларнинг энг қадимийсидир. Унда номлари келтирилган шоирларнинг асарлари мўғул талон-тарожи натижасида йўқолиб кетган, «Лубобул албоб» улар ҳақидаги бирдан бир манбадир.

Авфий 1223 йилда араб ёзувчиси Қрзи Муҳсин Таннуҳий (Ю-а.)нинг «Ал-фараж баъд аш-шидда» («Қийинчиликдан кейинги шодлик») асарини арабчадан форсчага таржима қилган. Сўнгра ўзида ҳам шунга ўхшаш асар ёзиш шавқи пайдо бўлган бўлса керакки, 1228-1233 йилларда «Жавомеъ ул-ҳикоёт ва лавомеъ ур-ривоёт» («Ҳикоятлар тўплами ва ривоятлар жилоси») асарини ёзади. Асарда турли фанларга оид илмий лавҳалар, баҳслар ва хулосалар ҳикоя ҳамда ривоят тарзида содда баён қилинган.

Авфийнинг шу асаридан шарқда кенг тарқалган айрим ҳикоялари ўзбек тилига таржима қилинган [4].

Китоб 2000 дан ортиқ ҳикоят ва ривоятни ўз ичига олган, унда Таннуҳийнинг «Ал-фараж баъд аш-шидда» китобидан олинганлари ҳам бор. Асар тўрт қисмдан иборат, улар ўз навбатида махсус боблардан иборат. Асарнинг биринчи қисмида авлиё ва анбиёлар, каромату мўъжизалар, халифалар тарихига оид, Ажам тарихига оид, ҳокиму арбоблар қиёфасига оид, адолат фазилати ва шунга ўхшаш мавзулардаги ҳикоятлар жамланган. Иккинчи бўлимда эса ҳаё ва тавозеъ, ҳилм, саховат, лутфу карам, сабру тоқат, шижоат, меҳру вафо каби инсоний фазилатлар ҳақидаги ривоят ва ҳикоятлар тўпланган бўлса, учинчи бўлимда мазкур фазилатларнинг акси бўлган ҳирсу ҳасад, тамаъ ва ёлгончилик, бахиллигу зикналик, золимлик, хиёнаткорлик каби иллатлар қаттиқ қораланган, баъзи ўринларда ҳажв қилинган. Аёллар донолиги, ақлу заковати, уларнинг хушахлоқлиги ва бадахлоқлиги ҳақидаги ҳикоятлар ҳам шу бўлимда ёритилган.

Асарнинг тарихий-адабий аҳамияти шундан иборатки, баъзи тарихий шахслар, воқеалар, олим ва шоирлар ҳақида манбалар йўқолиб кетган ва шу китобгина бир озгина бўлса-да, маълумотни бизгача сақлаб қолган. Қолаверса, Авфийнинг содда, бетакаллуф тил билан ёзилган бу асарини XII-XIII аср прозасининг ёрқин ҳайкали деса бўлади.

Авфий ҳақидаги баъзи қимматли маълумотларни профессор Ш.Шомухамедов «Дилкушо ҳикоятлар» тўпламида келтирган [4]. Ушбу ҳикоятлар тўпламида Убайд Зоқоний (1270-1370)нинг «Рисолайи дилкушо» сатирик-юмористик китобидан, Фахриддин Али Сафий (15-16 аср)нинг «Латоиф ут-тавоиф» асаридан, Сурия адабиётининг классик шоири Абул Фароҳнинг «Мароқли ривоятлар» китобидан бир қанча ибратли ҳикоятлар жамланганки, «бу ҳикоятларнинг абадий навқиронлик сабаби, кўпчилигининг халқ оғзаки ижоди заминида чечак отганлигидадир. Бу латифа ва ҳикоятларнинг баъзилари ўзбек фольклорида ҳам учрайди, бунинг сабабини ҳам худди ўша поёнсиз ганжина – халқ ижоди хазинасидан изламоқ даркор».

Муҳаммад Авфий «Жавомеъ ул-ҳикоёт ва лавомеъ ур-ривоёт» асарида келтирилган ҳикоятлар катта тарих ва ахлоқнинг ҳар бир қиррасидан сўзлагувчи дурдона ҳисобланади. Юқорида келтирилган барча фикр ва мулоҳазаларимизни қуйида берилган икки ҳикоят орқали асослашга ҳаракат қиламиз.

Биринчи ҳикоят. Қадимги Юноннинг энг буюк файласуфи Арасту ўлимига яқин ўғлини чақириб шундай дебди:

– Болажоним, ўз умримни илму ҳикматнинг сирларидан воқиф бўлиш йўлида сарф қилдим. Илму ҳикмат нури билан жуда кўп тугунларни ечдим, аммо ўлимига келганда чора тополмадим. Сенга қиладиган насиҳатим шуки, **мол-давлат орқасидан орттирилган иззат-обрўда бақо йўқдир. Иззат-ҳурмат, шон-шараф илмда.** Илм орқасида қўлга киритилган шон-шараф фано ва заволни билмайди, давлат ва сиёсатнинг ўзгариши унга таъсир қилмайди. Ўғлим, шоҳлар сенинг отангни илми туфайли улуғлашди, бўлмаса, отанг ҳам улар қарамоғидаги бир одам эди. Шоҳлар тобелигидаги одамлар шоҳларга таъзим қилишади ва сиғинишади. **Обидалар ва маъбудалар орасида ер билан осмонча**

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

фарк бор. Отангинг илми бўлмаганда унинг подшоҳлар учун **китоблар юкланган эшакдан фарқи** қолмасди. Уларга сиғинадиган ва хизматни бажо келтирадиган бир ғулом бўлар эди, холос. **Иззат-эхтиромга лойиқ бўлай, номим абадий қолсин десанг, илм орттир!**[2]

Иккинчи ҳикоят. Хусрав I вазири Бузургмеҳрдан инсон учун энг зарур нарса нима, деб сўраган эканлар, у:

–**Туғма зеҳн**, – деб жавоб берибди.

–Туғма зеҳн бўлмаса-чи? – деб сўрасалар:

–**Одоб ва илм ўргансин**, – дебди.

–Ўрганолмаса-чи? – деб сўрасалар:

–**Мол-давлат, зару зевар орттирсин**, бу ҳам кўп айбларни беркитади, –дебди.

–Эпллмаса-чи? – дебдилар.

–Бўлмаса **сертавозеъ ва серилтифот бўлсин**, бу ҳам одамнинг зийнати,–дебди.

–Бу ҳам қўлидан келмаса-чи?

–Унда **бунақа тирикликдан ўлган афзалроқдир**, ҳам одамлар ундан қутилади, ҳам ўзи ўзидан қутилади, – дебди Бузургмеҳр [2].

Биринчи ҳикоятда Арастудек буюк ақл-заковат соҳиби тимсолида илмнинг қудрати ва қадри қуйидаги жумлаларда таъкидланган: *“Шоҳлар тобелигидаги одамлар шоҳларга таъзим қилишади ва сиғинашади”*, *“Обидалар ва маъбудалар орасидаги фарқ”*, *“Подшоҳлар олдида хизмат қилувчи илмсиз бир киши”*, *“Китоблар юкланган эшак”*.

Иккинчи ҳикоятда : *“туғма зеҳн”*, *“одоб ва илм”*, *“мол-давлат, зару зевар”*, *“сертавозеъ ва серилтифот”*, *“(илмсиз) тирикликдан ўлган афзал”*.

Ҳар икки ҳикоятда инсон учун зарур бўлган ижтимоий омиллар ва ахлоқий сифатларни ажратган ҳамда уларни даражалаган.

“Авфий ушбу (“Жавомеъ ул-ҳикоёт ва лавомеъ ур-ривоёт”) асарида юздан ортик бошқа китоблардан истифода этган”,–дейди профессор Шомухамедов [4,7]. Булар орасида Абу Райҳон Берунийнинг “Осор ул-боқия”, “Китоб ул-Ҳинд” асарлари, ўз тоғаси Маждуддин Муҳаммад бинни Адном Сурхакатийнинг “Тарихи Туркистон”, тарихчи Абу Жаъфар Табарийнинг “Тарихи Табарий”, Салжуклар вазири Низомулмулкнинг “Сиёсатнома”, Унсурул Маолий Кайковуснинг “Қобуснома” ва бошқа кўп тарихий ва бадиий асарлари мавжуд. Бу асарлар ҳақида муаллифнинг ўзи маълумот бериб борган. Ва бильякс, Хусайн Воиз Кошифийнинг “Ахлоқи Мухсиний” асарида айнан “Жавомеъ ул-ҳикоёт ва лавомеъ ур-ривоёт”дан фойдаланилган ўринларни кўриш мумкин [2; 3; 5].

Бугунги кунларда эса адиб ҳаёти, ижод йўли ва асарлари тўғрисида бир қанча тадқиқотлар олиб борилганини кузатамиз, Эрон олими Муҳаммад бин Абдуваҳҳоб Қазвиний, Ҳинд тадқиқотчиси Муҳаммад Низомиддин, Эрон профессори Муҳаммад Таки Баҳор ва х.к. 1974 йилда Ғафур Ғулом номидаги “Адабиёт ва санъат” нашриётида чоп этилган “Ажойиб хангомалар” номли ҳикоялар тўпламида Авфийнинг “Жавомиул-ҳикоёт”идан 31 та ҳикоят ўзбек китобхонларига тақдим этилган. Кейинроқ, яъни 1977 йилда шу нашриётда форс тилидан тарих фанлари номзодлари Илём Низомиддинов ва Турғун Файзиев таржималари билан “Нодир ҳикоялар” номи остида 42 та ҳикоят чоп этилди [7].

Муҳаммад Авфий Бухорийнинг бизгача сақланиб қолган маънавий меросида кучли инсонпарварлик ғоялари, ахлоқий фазилатларнинг “юксак” ва “тубан” сифати билан зидланиши, ҳикояларда жамият ижтимоий ҳаётининг иллатлари устидан моҳирона кула олингани ва шу орқали маънавиятга таъсир эта олиши бугунги кунда ҳам ушбу озукага эҳтиёжимиз борлигини кўрсатади.

Адабиётлар

- 1.Мирзиёев Ш.М. Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби//Видеоселектор йиғилишидаги нутқ.– 15 июнь, 2017 йил./https://www.google.com
2. Авфий Муҳаммад.Нодир ҳикоялар.–Т.: Адабиёт ва санъат,1977. –204 б.
3. Бекмуҳаммад Умид. Мақола: Ҳиндистондаги бухоролик қози/www.kh-davron.uz
4. Шомухамедов Ш. Дилкушо ҳикоятлар.Убайд Зоконий, Муҳаммад Авфий, Фахриддин Али Сафий,Убайд Зоконий/–125 б. /qadriyat.uz › ibrat
- 5.Избуллаева Г.В. Педагогика назарияси ва тарихи (XIII-XIV асрлар).Ўқув қўлланма.–Бухоро: “Дурдона”, 2019. – 182 б.
- 6.<https://rubuzurgoni.forsutojikttopics>
- 7.[file:///MuhammadAvfiy Buxoriy/dilkusho_hikoyatlar_ziyouz_com.pdf](file:///MuhammadAvfiy%20Buxoriy/dilkusho_hikoyatlar_ziyouz_com.pdf)

Феруза АЛКАРОВА

Ўзбекистон педагогика фанлари илмий
тадқиқот институти таянч докторанти

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ АМАЛИЙ КЎНИКМАЛАРИНИ ФАОЛЛАШТИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ВАЗИЯТЛАР САМАРАДОРЛИГИ

Ушбу мақолада ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштиришида уларнинг руҳий имкониятларини, ёш хусусиятларини ва гендер хусусиятларини ҳисобга олиши муҳим аҳамиятга эга эканлиги ёритилган. Таълим муассасасида ўқувчиларнинг ақлий фаолият кўрсатиши имкониятлари ва уларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириши вазиятлари ҳақида сўз юритилган.

Калит сўзлар: амалий фаолият, фаоллаштириши, гендер хусусиятлари, билим, кўникма, малака, компетенция, ўқув вазиятлари, педагогик жараёнлар.

В этой статье подчеркивается важность учета психоэмоциональных способностей, возрастных данных и гендерные характеристики для повышения практических навыков учащихся. Рассказывается о возможностях умственной деятельности учащихся и активизации их практических навыков в учебном заведении.

Ключевые слова: практическая деятельность, активация, гендерные характеристики, знания, умения, компетенции, компетенции, учебные ситуации, педагогические процессы.

This article emphasizes the importance of taking into account psycho-emotional abilities, age data and gender characteristics to enhance students' practical skills. It tells about the possibilities of mental activity of students and the activation of their practical skills in an educational institution.

Keywords: practical activities, activation, gender characteristics, knowledge, skills, competencies, competencies, learning situations, pedagogical processes.

Ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштиришида уларнинг руҳий имкониятларини ҳисобга олиш алоҳида ўринда туради. Ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини фаоллаштиришида уларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш биринчи даражали аҳамиятга эга. Ўқувчиларнинг билиш фаолиятлари фаоллигини таъминлашда уларнинг ёш хусусиятлари билан бир қаторда, гендер хусусиятларини ҳисобга олиш ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Масалан, қиз болалар уйда ҳам, мактабда ҳам бирдай фаол бўлсалар, ўғил болалар уйда, кўча-қуйда фаоллик кўрсатганлари ҳолда ўқув жараёнида бир қадар сокин бўладилар. Бу баъзи ҳолларда улар яшаётган оила муҳити ва таълим муассасасининг ижтимоий хусусиятлари билан ҳам боғлиқдир. Таълим муассасаси ўқувчилар олдида муайян талаблар қўяди. Таълим муассасасида ўқувчиларнинг ақлий фаолият кўрсатиши имкониятлари очилади. Бу қоида таълим муассасаси муҳитида мустаҳкамланади.

Ҳар бир ҳолатнинг ўзига мос келадиган вазиятлари ва руҳияти мавжуд. Айни бир шахснинг турли муҳитга хос бўлган руҳияти унинг фаоллигига сезиларли таъсир кўрсатади. Чунки турли ижтимоий вазиятларда шахс фаоллиги турлича намоён бўлади.

Таълим муассасасига қадам қўйган ўқувчи унга бирданига мослашиб қолмайди. Чунки ўқувчи илк кунданок тамоман янги оламга киради, унинг фаолият тарзи ўзгаради. Ўқув жараёни ўқувчи учун тамоман янги характердаги фаолият тарзини амалга ошириш шароитидир. Бу ўз навбатида ўқувчи амал қиладиган қоидаларни аниқ белгилаб беради. Ўқувчи диққатининг муайян жараёнга йўналтирилиши ва қучайтирилиши унинг янги муҳитга киришишига кўмаклашади, мазкур муҳитга мослашиш ва ўзига хос хусусиятларини ўзлаштириш миконини беради. Ўқувчи босқичма-босқич янги қоидаларни ўзлаштиради ва у ўқувчи сифатидаги мавқеини эгаллайди. У янги қиёфа касб этар экан, гарчан ички жиҳатдан мувофиқлашмаган бўлса-да, янги фаолият тарзини ўзлаштира бошлайди. Аксарият ўқувчилар ўқув жараёнига тез мослашадилар ва ўқув фаолиятини жадал ўзлаштирадилар. Ўқувчи характерининг ўзига хос жиҳатлари сирасига унинг ахлоқий сифатларини киритиш мумкин. Ўқувчилар муайян гуруҳга ҳар доим қўшилиб кетишлари учун кўп ёки кам даражада ўқитувчи билан қарама-қаршиликка борадилар. Бунинг натижасида таълим муассасасида туб маънодаги иккиланишларга дуч келадилар.

Ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири — уларнинг таълим муассасасидаги қоидаларга бўйсунтирилиши, ижтимоий мавқега эга бўлишларидир. Баъзан ўқувчилар ялқов, одобсиз бола мавқеини ҳам эгалладилар. Чунки бундай вазиятларда ўқувчилар эътибордан четда қолган

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

бўладилар. Масалан, аълочи ўқувчилар баъзан манманликка берилиб атрофдагиларга беписандлик билан қарай бошлайдилар, уларнинг мавқелари бошқаларни тан олишларига тўсқинлик қилади. Бу кўп жиҳатдан ўқувчиларнинг руҳиятига боғлиқ бўлади.

Таълим муассасасида ўқувчиларда юзага келган кўрқув вужудга келишига кўра турли-тумандир. Бу эса таълим муассасаси муҳитининг самарасидир. Баъзан ўқитувчининг обрў-эътибори ҳам ўқувчиларда кўрқувни вужудга келтиради. Баъзан эса таълим муассасасидаги кўрқув ўзига хос хурофот натижасидир. Масалан, имтиҳон арафасидаги кўрқув ва ирим-сиримлар.

Ўқувчиларга хос бўлган хусусиятлардан яна бири – ўзларининг улғайганликларини намоён қилишдир. Ўқитувчилар ва ота-оналар буни алоҳида ҳис қилишлари, уларга улғайганликларини тез-тез эслатиб туришлари лозим. Бу ўз навбатида ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштиришни таъминлашга хизмат қилади ва янги билимларнинг жадал ўзлаштиришларига кўмаклашади.

Ўқувчи алоҳида психологик категория сифатида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам унинг ўзига хосликларини ҳис этган ҳолда қалбига йўл топиш ўқитувчининг асосий вазифаларидандир. Ўқитувчи ва ўқувчилар орасида муайян тўсиқлар бўлмагандагина уларнинг билиш фаолликлари таъминланади. Чунки ўқувчилар самарали ҳаракатланишлари учун уларни ўқитувчилар яхши тушуниши, қизиқишларини йўналтириши ҳамда амалга оширадиган ҳаракатларини қўллаб-қувватлаши лозим. Ўқувчилар руҳиятида ўрнашиб қолган воқеликни таҳлил қилиш ва бартараф этиш жуда мураккаб вазифа ҳисобланади.

Ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштиришда ўқитувчининг руҳий ҳолати ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Ўқитувчи руҳияти ўзига хос шаклга эга бўлиб, ўқувчиларникидан бир қадар мураккабдир. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўқитувчининг мавқеи алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, унга эришиш учун педагог катта билим, маҳорат ва тажриба соҳиби бўлиши керак. Чунки ўқитувчи меҳнатининг маҳсули узоқ вақт мобайнида намоён бўлади.

Шахсга йўналтирилган таълим жараёнида ўқувчиларнинг билиш фаолликлари унинг иштирокисиз кўмаги асосида шаклланишига эришиши лозим. Бунинг учун у ҳар доим ўз ўқувчиларининг амалий кўникмаларини фаоллаштиришни таъминлаш устида фикр юритиши талаб этилади. Шундай натижага эришиш учун ўқитувчи ўз ўқувчиларига меҳр бера олиши, уларни тушуниши ва кўмакдош бўлиши лозим. Бунинг учун у ўқувчилар билан мунтазам мулоқот қилиши, уларнинг билиш эҳтиёжлари ва интилишларини эътибордан четда қолдирмаслиги зарур.

Ўқитувчи руҳиятига хос бўлган ҳолатлардан бири – унинг ўз ўқувчилари ҳақида ғамхўрлик қила олиши, уларнинг туйғулари, кечинмаларини ҳис этишидадир. Ўқитувчи ҳар доим ўз ўқувчиларининг имкон қадар кўпроқ нарсаларни билишларига интилиши керак. Ўқитувчи ўз ўқувчилари хатти-ҳаракатидаги ҳар бир ҳолатга эътибор қаратиши лозим. Бу ўқитувчилик касбининг ўзига хос жиҳати ҳисобланади. Ўқитувчи ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш йўлида учрайдиган барча қийинчиликларни ҳис этиши, уни бартараф этиш йўллари ишлаши лозим.

Ўқитувчи ҳар доим ўз ўқувчиларига нисбатан эътиборли бўлиши талаб этилади. Аксинча, у ўқувчиларнинг билиш фаоллигини ривожлантиришга эҳтиёткорлик билан ёндаша олмайди. Ўқитувчи талабчан, икир-чикирларга эътиборли ва безовта бўлиши лозим. Ўқитувчининг ғамхўрлиги қанчалик юмшоқ ва нозик бўлмасин баъзи ўқувчилар уни оғир қабул қилдилар. Шунинг учун ҳам, кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар дарсларни яқунлаб уйларига йўл олганларида енгил тин оладилар. Бу кўпроқ уларнинг ўйинқарокликлари билан боғлиқ.

Аксарият ҳолларда ўқитувчи руҳияти ўзининг табиийлигини йўқотади. Ўқитувчи ҳар доим ўқувчиларни олқишлаш ёки уларга танбеҳ беришга ўзини тайёрлаб боради. Ўқитувчи ҳар доим ихтиёрсиз тарзда ўзини ўз ўқувчилари ўрнига қўйишга интилади. Шундагина у ўқувчиларни яқиндан тушуна олади ва ўзи ҳам улар учун тушунарли бўлади. Бундай ҳолатга тушиш ўқитувчи учун ниҳоятда мураккаб бўлиб ундан алоҳида педагогик маҳоратни талаб қилади. Агар ўқитувчи ўзини ўқувчилар ўрнига қўя олмаса уларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштиришни самарали ривожлантира олмайди.

Ўқитувчи учун ўз-ўзига бўлган ишонч ниҳоятда зарур. Ўз-ўзига ишонмасдан туриб ўқитувчи ўзининг педагогик фаолиятини мувофиқлаштириши ва ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштиришни ривожлантиришга хизмат қиладиган инновацион методларни қўллаши мумкин эмас. Бундай ишонч ўқитувчи билан ўқувчилар орасидаги ишчан мулоқот ва шаффофиклини таъминлайди. Бу ўз навбатида ўқитувчи руҳиятидаги энг муҳим ҳолат ҳисобланади. Худди мана шу ишонч туфайли улар ўз фаолиятларига эътиборли бўладилар. Ўқитувчи ўз ўқувчиларига алоҳида муҳаббат билан қараган тақдирдагина ўқувчилар ҳам уни астойдил тинглайдилар ва берган топшириқларини бажонидил бажарадилар. Ўқитувчи ўқувчиларнинг мустақил фикрларини хурмат

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

қилиши, уларнинг ностандарт фикрлаш тарзларини қўллаб-қувватлаши лозим. Шундагина ўқувчиларда ақлий фаоллик намоён бўла бошлайди, улар ўз нуктаи назарларига ишонч билан қараб уни қатъият билан ҳимоя қила бошлайдилар.

Авторитар иш услубидан воз кечиб ўқувчиларга табиий тарзда муносабатда бўлиш педагогик фаолият самарадорлигини таъминлайди. Ўқитувчи ҳар доим ўқувчиларга инсонпарварлик тамойили асосида ёндашиши талаб этилади.

Ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштиришни ривожлантиришга хизмат қиладиган шахсга йўналтирилган педагогик жараён ўзига хос хусусиятларга эга.

Ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини фаоллаштиришда ўқитувчи ҳам улар билан бир қаторда ўзига хос мавқе эгаллайди. Уларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштиришни ривожлантиришга йўналтирилган ўқув-билув жараёнини ўқувчилар руҳиятининг ўзига хослиги мунтазам мураккаблаштириб боради. Ўқитувчи ўқувчиларнинг янги билимларни ўзлаштириш устида самарали ишлашларини ташкил этиш учун катта куч сарфлайди.

Синфда паст ўзлаштирувчи ўқувчиларнинг мавжудлиги вазиятни мураккаблаштиради. Бундай вазиятда ўқитувчи ўқувчиларнинг ўқув-билув жараёнларини муваффақиятли бошқара олишлари керак. Бунинг учун ўқитувчи дастлаб синфдаги ўқувчиларнинг табиати ва ўзлаштириш даражасини ўрганиши зарур. Чунки педагогик жараён фарқатгина ўқув фаолиятини амалга ошириш жараёни эмас.

Гербарт ўз тадқиқотларида тарбияловчи таълим ҳақида фикр юритиб унинг ўқувчиларни интеллектуал ривожлантириш имкониятига эгаллигини таъкидлаган эди. Ўқувчиларга таълим бериш жараёнида ўқитувчи уларнинг қалбига чуқур кириб бориши, ҳиссиётларига таъсир кўрсата олиши лозим. Ўқувчиларнинг қалби ва ҳис-туйғуларига таъсир кўрсатишнинг асосий усули улар билан жонли мулоқот ўрнатишдир. Ўқувчиларга тўғри таълим бериш орқали уларнинг интеллекти ва ҳис-туйғулари тўғри йўналтирилади. Чунки ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини ривожлантиришда уларнинг интеллектуаллари ва ҳис-туйғулари етакчи ўрин эгаллайди. Уларнинг ақлий ривожланиш жараёнларини ташкил этиш орқали фикрий изчиллик таркиб топтиради.

Ақлий меҳнат ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштиришни таъминлашга хизмат қилади.

Кузатишларимиз шуни кўрсатмоқдаки, ўқувчилар дастурда кўзда тутилган асосий ўқув материалларидан кўра қўшимча материалларни тез ва муваффақиятли ўзлаштирадilar. Чунки бундай материаллар улардан жуда катта куч-қувват сарфлашни талаб қилмайди. Бунда асосий ўринни ўқувчиларнинг ихтиёрий қизиқлари эгаллайди.

Ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини ривожлантириш учун уларда педагогик жараёнга нисбатан алоҳида қизиқиш ва интилишни таркиб топтириш лозим. Уларнинг тафаккури ижтимоий муҳитда жадал ривожланади. Чунки бу жараёнда ўқувчилар бир-бирлари ва ўқитувчилари билан ижтимоий ҳамкорликка киришадилар. Ижтимоий тафаккурнинг бундай ўзига хос жиҳати ўқув-билув жараёнида яққол намоён бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, педагогик жараён биринчи навбатда ижодий жараёндир. Бунда ўқувчиларда амалий кўникмаларни фаоллаштириш орқали уларда ижодкорлик кўникмалари таркиб топтиради.

Адабиётлар

1. Якунин В.А. Педагогическая психология: Учеб. пособие / Европ. ин-т экспертов,— СПб.: Изд-во Михайлова В.А.: Изд-во «Полиус», 1998. - 639 с.
2. Ғозиев Э. Психология: Ёш даврлари психологияси. – Т., 1994.–224 б.
3. Сафарова Р., Мусаев У.Қ., Мусаев П. ва бошқ. Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим стратегияси муаммолари ва таълим мазмунининг янги моделлари, уларни татбиқ этиш йўллари. –Т.: “Фан”, 2005. – 255 б.
4. Сафарова Р., Юсупова Ф. ва б. Ўқувчиларда ўзаро дўстона муносабатларга асосланиб ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш жараёнини ташкил этиш тамойиллари ва параметрлари. – Т.: “Фан ва технология”, 2013. – 142 б.

Адхамжон ЗИЯЕВ

Кўкон давлат педагогика институти
умумий педагогика ва психология
кафедраси катта ўқитувчиси

Улуғбек МАҚСУДОВ

Фарғона давлат университети
педагогика кафедраси ўқитувчиси

ЎҚУВЧИЛАРДА ФУҚАРОЛИК ТУЙҒУСИНИ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР АСОСИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК ЖИХАТЛАРИ

Мақолада миллий қадриятларимизнинг ўқувчиларда фуқаролик туйғусини тарбиялашдаги ўрни ва аҳамияти ёритилган. Узлуксиз таълим тизимининг бу борадаги имкониятлари ва уларнинг айримларидан намуналар ҳамда таҳлили, шунингдек, амалга оширишнинг йўл-усуллари ҳақида тавсиялар мавзудан келиб чиқиб ўз ифодасини топган.

Калит сўзлар: қадрият, фуқаро, фуқаролик, туйғу, метод, узлуксиз, конституция, ватанпарварлик, ҳуқуқ, меъёр, тарбия.

Данная статья рассматривает проблематику воспитательному значению национальных ценностей и об их влиянии на воспитание гражданской позиции молодого поколения, а также рассматриваются некоторые образцы национальных ценностей. В статье даны рекомендации методов и возможностей воспитания гражданских чувств.

Ключевые слова: Ценности, гражданин, гражданство, чувств, метод, непрерывность, конституция, патриотизм, права, норма, воспитания.

The article is focused on the importance of the national values and their offsets on the on the educating of the patriotic position of the young generation. The opportunities of the continuous education which is related to the French, models and analysis of some of them, recommendations which is about the ways of carrying out is conveyed according to that topic.

Keywords: Citizen, citizenship, sense, method, continuous, constitution, patroness, law, right, criterion, education.

Мамлакатимизда 2020 йил “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб ном берилиши ёш авлодни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш учун катта имкониятлар эшигини очмоқда ва ўз навбатида таълим тизимининг барча босқичларида янада сифатли, замонавий ишлаш талабларини тақозо этмоқда. Бу борада ёш авлодни ижтимоий фаол, мустақил, эркин фикрловчи, салоҳиятли ҳамда маънавиятли баркамол шахс сифатларини тарбиялашда ижтимоий тарбиянинг муҳим таркибий қисми бўлган фуқаролик тарбияси алоҳида ўрин тутди. Ўз фуқароларига эга бўлиши давлатнинг муҳим белгиси ҳисобланади. Республикаимизда инсонпарвар, ҳуқуқий-демократик давлат барпо этишдек эзгу мақсадлар замирида фуқаролик мавқеини янада юқори пағоналарга кўтариш моҳиятан ўз ифодасини топмоқда. Сўнгги йиллар ижтимоий ҳаётимиздаги туб ўзгаришлар, барча соҳаларни замон талаблари асосида ислоҳотлар ўтказилиши мамлакатимизни дунёга юз тутишида алоҳида аҳамият касб этмоқда. Миллий қадриятларимизнинг улуғланиши халқимизнинг миллий ўзлигини ангашига хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда турли мавзуларда ўтказилаётган маънавий-марифий ва маданий тадбирларнинг тизимли ўтказилиши халқимиз маънавиятини қадриятлар асосида шаклланиш имкониятларини оширмоқда. Масалан, Кўконда ўтказилган “Халқаро ҳунармандчилик фестивали” мисолида миллий қадриятларимизнинг моҳиятини ва тарбиявий аҳамиятини яна бир бор дунёга кўрсатди. Қонунчилик уствор бўлган давлатда фуқаролик мавқеи янада мустаҳкамланиши ёш авлодни мазкур жамиятда муносиб яшаш, умумжамят томонидан қабул қилинган ахлоқий, ҳуқуқий меъёрларга ҳурмат асосида риоя қилиш, ўз юрти, ватани, халқи равнақи йўлида ҳалол, самарали меҳнат қилиш, ўз ватанини севиш, унинг моддий, маънавий қадриятларни қадрлаш, миллий бағрикенглик каби эзгу ҳис-туйғуларни узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида изчил шакллантиришга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Зеро, ушбу мақола тадқиқот иши муаммоси сифатида миллий қадриятларимизда фуқаролик мавқеи масалалари ҳамда ёш авлодда фуқаролик туйғуларини миллий қадриятлар асосида шакллантириш ҳамда ривожлантириш тизимини тадқиқ этишдан иборат.

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

Хуқуқий ўрни қонун йўли билан кафолатланган шахснинг давлат ичкарасида ёки ташқарисида бўлишдан қатъи назар маълум бир давлатга қарашлилиқ ҳолати фуқаролик дейилади. Шундай хуқуқга эга шахс эса фуқаро деб аталади.[4] Кўриниб турибдики, фуқаролик шахсдан ўз давлати, яшаётган жамият аъзоси сифатида хуқуқ ва бурчларини англаш ва маънавий етуклик талаб этади. Шахсда ўз халқи, давлати ўтмишига хурмат туйғусини қарор топтириш, миллий қадриятларга нисбатан муҳаббат туйғусини тарбиялаш ҳамда улардан ғурурланиш, фахрланиш, ифтихор хисларини ошириш олиб бориладиган фуқаролик тарбиясининг муҳим вазифаларидан биридир.

Қадрият жамият ва табиатдаги аҳамияти, ўрни, нуфузи эътироф этилган моддий, маънавий неъматлар, муносабатлар, жараёнлардир[2]. Ўз навбатида миллий қадриятлар миллат тарихи, мавжудлиги ва тақдири учун ҳаётий аҳамиятга молик қадриятлардир. Зеро, фуқаролик тарбияси ўз моҳиятидан келиб чиқиб ёш авлод онгига миллийлигимиз асоси бўлган қадриятларимизни сингдиришда урф-одат, анъаналаримиз ҳақида, халқимиз тарихида эл-юрт, миллат равнақи ва келажаги учун фидойи инсонларнинг буюк жасоратлари борасида кўплаб маълумотлар бериш, уларнинг ҳаёт ва фаолиятини ибрат намуна қилиб кўрсатиш бу борадаги самарали тарбия усуллари ҳисобланади.

Бу борада узлуксиз таълимнинг барча босқичларида катта имкониятлар мавжуд. Хусусан, мактабгача таълим тизимида тарбияланувчилар билан олиб бориладиган таълим тарбиявий машғулотлар ўзининг мазмуни моҳияти миллий қадриятлар асосида ташкиллантирилади. Айниқса, катта гуруҳларда ўтказиладиган турли халқ ўйинлари - “Оқ теракми, кўк терак” кабилар, шунингдек, “Конституция оламига саёҳат” машғулотларида, “Наврўз” сайларида, турли эртақ ва ривоятлар айтиш орқали ўз ватани ўтмиши, бугуни ва келажагига хурмат, ғурур ва ифтихор хисларини шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

Фуқаролик туйғуси миллий онг, психик оламнинг энг юксак кўриниши бўлиб, ҳар бир кишининг ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида хуқуқий қоидалар, тартиблар, бурчларига онгли муносабатда бўлиши, шунингдек, ҳаётда фаол қатнашиши, маънавий-ахлоқий жиҳатдан етуклигини ифодалайди.[6] Фуқаролик туйғуларини миллий қадриятлар асосида тарбиялашда умумий ўрта таълим, хусусан, бошланғич таълим жараёнида катта имкониятлар мавжуд. Айниқса, “Ўқиш” китобларида ҳар бир мавзуларда халқ оғзаки ижоди материалларидан намуналар берилган. “Конституция алифбоси” дарсларида давлатчилигимиз тарихи, бугунги кунда фуқароларимизнинг хуқуқий меъёрлар миллий қадриятлар руҳи билан суғорилганлигини таъкидлаш мақсадга мувофиқ. Масалан, 3-синф “Ўқиш китоби”да шоира Кавсар Турдиеванинг “Обод маҳалла бўйлаб” шеъри

Бизнинг маҳалла-ю кўй,

Ҳар бир хонадон ва уй,

Меҳрларга тўлмоқда,

Шундан обод бўлмоқда. – каби мисралар билан бошланади.

Ушбу мисралардаги ҳар бир хонадон ва уй меҳрларга тўлишлиги, маҳалла, ҳашар, ободончилик каби сўзлар маъносини тушунтириш орқали миллий қадриятлар ва фуқаролик туйғуларини шакллантириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Маълумки, фуқаролик тарбиясининг муҳим таркибий қисми харбий ватанпарварлик бўлиб, юқори синфларда бу борада буюк давлат барпо этган буюк саркарда бобомиз А. Темурнинг афсонавий қаҳрамонлиги ҳақида, унинг ҳаётий фалсафий қарашларини дарс ва дарсдан ташқи ишлар жараёнида чуқур ўрганиш ўқувчиларда ватанпарварлик туйғусини шакллантириш, уларда мустаҳкам барқарор фуқаролик туйғуларини шаклланишидаги ўрни ва аҳамияти каттадир.

Миллий маънавий қадриятларимиз дебочаси сифатида “Авесто” ёзма ёдгорлиги, “Ўрхун энасои” битиклари, Махмуд Қошғарийнинг “Девони луғатит турк” асарлари, ислом таълимоти ҳамда буюк қомусий олимларимиз А. Беруний, Ибн Сино, А. Фаробий, Ал-Хоразмий, маърифатпарварларимиз А. Авлоний, А. Фурқат, А. Чўлпон, Мунавварқори Абдурашидхонов, И. Ибрат каби кўплаб халқимиз тарихи ва ўтмишининг зарварақаларига битилган номлар, уларнинг заҳматли ва шавкатли ижодий меҳнатларининг бугунги кундаги ўрни ва моҳияти ҳақида ўқувчиларга билимлар бериш орқали уларда фидойилиқ хисларини шакллантириш ҳамда фаол фуқаролик туйғуларини сингдириш самарадорлиги ортади. Айниқса, сўз мулкининг султони Алишер Навоий ижодини ўрганишда унинг асарларидаги пок муҳаббат, вафо, дўстлик, шафқат, саховат, адолат, инсоф, қаҳрамонлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик каби инсонпарварлик ғоялари кенг тарғиб этилганлигини кўраемиз. Масалан, унинг “Ҳайрат ул-аброр” достонидаги ушбу машҳур мисраларни келтириш фикримиз ифодасидир:

Одамий эрсанг, демагил одами

Оники йўқ халқ гамидин йўқ гами.

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

Шоирнинг эл тинчлиги, осойишталиги учун айтган ушбу юрак сўзлари:

Менга қилса минг жафо, бир марта фарёд айларам,

Элга қилса бир жафо, минг марта фарёд айларам.[1]

Фуқаролик туйғусини шахсда ривожлантириб бориш жараёни ўзига хос мураккаб, серқирра жараён бўлиб, ўқитувчидан маълум маънода чуқур билим ва касбий маҳоратлилики талаб этади. Айниқса, биз тадқиқот объекти қилиб олган фуқаролик туйғуси тарбиясини амалга оширишнинг муҳим омили сифатида қаралаётган миллий кадриятлар ҳақидаги билимларни ўқитувчи тарбия тизимига олиб кириш маҳоратига эга бўлиш заруратини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Ёш авлодда фаол фуқаролик қарашларининг қарор топишида маънавий кадриятларимиз бўлган халқ педагогикаси материалларидан таълим тарбия жараёнида ўринли ва унумли фойдаланишни тақозо этади. Узоқ асрларни ўз ичига олган ўзбек халқи тарихида фарзанд тарбияси азалдан асосий ҳаётий масала сифатида қараб келинган. Бола тарбиясидаги тарбия идеали, тарбияланганлик мезони бўлган олийжаноб мақсад, ўтмишда ва ҳозирда ҳам эл- юрт қорига бакор келадиган ақлли, билимли, меҳнатсевар, халқпарвар комил инсон тарбияси бўлиб келганлиги маълум. Халқимиз томонидан яратилган дostonлар, ривоятлар, мақолу маталлар, эртақлар, қахрамонлик эпослари, кўшиқлар каби жуда кўплаб халқ оғзаки ижоди жанрларида жамиятга муносиб, ватанпарвар, яратувчи меҳнаткаш фидоий инсонлар образи тараннум этиб келинган. Фуқаролик тарбияси бугунги узлуксиз таълим турларининг барча босқичларида изчилликка асосланган ҳолда тизимли олиб борилиши жараёнида халқ педагогикасидан унумли фойдаланиши имкониятлари борасида кўплаб манбалар мавжуд. Халқимиз манавиятининг сарчашмалари бўлган халқ озаки ижоди мактабгача таълим, ўрта умумтаълим мактаблари таълим мазмунида кўпроқ ўз ифодасини топган. Айниқса, мактабгача таълим муассасаларида олиб бориладиган машғулотлар, ўтказиладиган ўйинлар, бошланич синфлар ўқиш китоблари, юқори синфларнинг адабиёт, тарих каби ижтимоий фан асосларида халқ оғзаки ижоди материалларига бойдир. Масалан, 5-синф адабиёт дарслигидан “Широқ” дostonи, 8-синфда “Алпомиш”каби дostonларни ўрганиш ўқувчиларда ўз ватани, халқини севиш, ҳимоя қилишга тайёрлаш ҳисларини шаклланишда алоҳида аҳамиятга эга. “Она юртинг омон бўлса, ранги рўйинг сомон бўлмас”, “Кўшни келди –кўмак келди”, “Элга хизмат-олий ҳиммат”, “Сахий топса барча ер, бахил топса босиб ер” каби мақоллар ва бошқа жанрларда эл- юрт учун фидоийлик, фаол фуқароликни ўқувчиларга сингдириб бориш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу борада ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига мос иш шакл ва усулларини ўқитувчи томонидан тўғри танлаш ва қўллаш фаолият самарадорлигини таъминлайди.

Эл- юрт манфатларини шахсий манфатларидан устун қўювчи фидоий инсон тарбияси фуқаролик тарбияси моҳиятини ташкил этувчи асосий жиҳатлардан ҳисобланади. Бу борада барча таълим-тарбиявий ишларимизга миллий истиқлол ғоялари асосида ёндашув ўқувчи ёшларда фуқаролик тарбиясини самарали ташкил этиш имкониятларини орттиради. Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари ғоя мазмунида миллий кадриятлар алоҳида ўрин тутди ҳамда уларни таълим-тарбия жараёнига сингдириш орқали ижтимоий тарбия мақсадлари шахс мақсадларига айланиши ва ўз навбатида шахсда ўз шахсини такомиллаштириш учун фаол фаолиятини пайдо қилади. Ўқувчи онгида ҳаёт, ахлоқ, меҳнат кишилиқ ижтимоий муносабатлари билан боғлиқ ҳуқуқий, ахлоқий меъёр ва қоидалар ҳақида тушунчалар ҳосил бўлиши ва уларга оғишмай амал қилиш истагининг шаклланиши фаол фуқаролик туйғуси ва қарашлари барқарорлигини таъминловчи омилга айланади.

Ўқувчи ёшларда кадриятлар тизимини шакллантириш борасида қуйидаги тавсиялар берилиши мақсадга мувофиқ:

- ҳар бир ўқитувчи ва тарбиячи, аввало, ижтимоий тарбия, хусусан, фуқаролик тарбиясининг мазмуни, мақсад ва вазифаларини тўлиқ англаган ҳолда фаолиятга киришиши;
- миллий кадриятларимиз, маънавий меросимиз, халқ педагогикаси материалларини миллий истиқлол ғоялари асосида ўрганиш ва таълим-тарбия ишига татбиқ этиш;
- ўқувчиларга ўз конституциявий ҳуқуқ ва бурчларини тўғри англаш орқали уларда фуқаролик қарашларини шакллантириш;
- ватан, эл-юрт, халқ фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилиш, ватан ҳимоясига тайёрлик ҳислаларини кадриятлар асосида шакллантириш;
- уларга ижтимоий фойдали фаолиятда масъуллик сифатларини сингдириш;
- жамиятимизда устувор ахлоқий-ҳуқуқий меъёрларга ҳурмат ҳисларини ўқувчиларда қарор топтириш жараёнида юксак туйғуларни шакллантиришга эътибор қаратиш;
- ўқувчиларда ўзликни англаш ҳисларини қарор топтиришда миллий ва умуминсоний кадриятларни улуғловчи тарбиявий ишларни тарбиявий қонуният ва тамойиллар талаблари асосида ташкил этиш кабилар.

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

Хулоса сифатида айтиш лозимки, ёш авлод тарбияси жараёнида миллий кадриятларга ҳамиша ҳурмат ва ғурур ҳисларини, фаол фуқаролик туйғуларини шакллантириш ижтимоий тарбиянинг мақсад ва вазифаларини мамлакатимиз тараққиёти йўлида амалга оширишига хизмат қилади.

Адабиётлар

1. Хошимов К., Очил С. Ўзбек педагогикаси анталогияси. – Т.: “Ўқитувчи”, 1995 йил.
2. Қаҳҳоров М., Ҳамидов А. Фалсафа. – Т.: “Фарғона”, 2000.
3. Хасанбоев Ж., Тўракулов Х., Алқаров И., Усмонов Н. Педагогика. – Т.: “Ношир”, 2011 йил.
4. Йўлдошев Ў., Зияев А., Юсупов М. ва бошқалар. Умумий педагогика. – Т.: “Фан ва технология” 2018.
5. Мардонов Ш.Қ. Педагогик таълим тизимида таълимий кадриятлардан фойдаланиш. “Халқ таълими” ж. 2005 йил 6-сон.
6. Соҳибов А., Зияев А. Бошланғич синф ўқувчиларида фуқаролик туйғусини шакллантиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари. Бухоро ДУ “Педагогик маҳорат” илмий методик журнал 2-сон (2019-йил, апрель)

Zarina MURODOVA

Buxoro muhandislik texnologiya instituti
axborot kommunikatsiya texnologiyalari
kafedrası mustaqil izlanuvchisi

ILMIY-AXBOROT TEXNOLOGIYALARINING JADAL RIVOJLANISHIDA INTELLEKTUAL SALOHİYATNING SHAKLLANISHI

Ushbu makolada ta'lim jarayonini tashkil etishda axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini qo'llash, yagona ochiq axborot ta'lim muhitini shakllantirish, ta'limni axborotlashtirish, ta'lim muassasasini tegishli zamonaviy uskunalar, dasturlar va ilmiy-uslubiy ta'minot bilan ta'minlash davr talabi ekanligi haqida fikr yuritilgan. Axborot ta'lim muhitini yaratish, ikkinchidan, o'quvchilarning o'quv faoliyatini tashkil etish va boshqarishda interfaol usullarni biladigan, ulardan o'quv va tarbiyaviy mashg'ulotlarni tashkil etishda foydalanish qoidalaridan xabardor bo'lgan o'qituvchilar kerak.

Kalit so'zlar: tarbiya, modernizatsiya, pedagogika, uslubiyot, innovatsiya, interaktiv metod, zamonaviy axborot, virtual ilmiy laboratoriya, didaktika, pedagogik texnologiya.

В данной статье говорится о применении информационно-коммуникационных технологий в сфере организации образовательного процесса, формирование единой открытой информационной образовательной среды требует обеспечения образовательного учреждения современным оборудованием, программами и научно-методическим обеспечением. С одной стороны, необходимо создать информационную образовательную среду, а с другой-информировать учителей, которые знают интерактивные методы организации и управления учебной деятельностью учащихся, знают правила их использования при организации учебных и воспитательных занятий.

Ключевые слова: воспитание, модернизация, педагогика, методология, инновации, интерактивный метод, современная информация, виртуальная научная лаборатория, didaktika, педагогические технологии.

This article discusses the use of information and communication technologies in the organization of the educational process, the formation of a unified open information educational environment requires the provision of educational institutions with modern equipment, programs and scientific and methodological support. On the one hand, it is necessary to create an informational educational environment, and on the other-to inform teachers who know interactive methods of organizing and managing students' educational activities, and know the rules for their use in organizing educational and educational classes.

Keywords: education, modernization, pedagogy, methodology, innovations, interactive method, modern information, virtual scientific laboratory, didactics, pedagogical technologies.

Professional identifikatsiya qilish kasbiy rivojlanish jarayoni sifatida XXI asrda yangi axborot texnologiyalari asri deb nomlangan va ularning asosida tashkil etilgan ta'lim va makon muhiti shaxsiy yo'naltirilgan ta'limning maqsadiga yanada samarali erishish imkonini beradi. Ushbu texnologiyalar o'qituvchining shaxsiyatini rivojlantirishga, o'z-o'zini tarbiyalash va o'z-o'zini anglashga bo'lgan ehtiyojlarini shakllantirishga, o'quv, kasbiy va hayotiy vaziyatlarda o'z xatti-harakatlari uchun shaxsiy mas'uliyatlari haqida xabardor bo'lishga yordam beradi.

Zamonaviy, tobora kengayib borayotgan va mustahkamlanayotgan ijtimoiy rivojlanish tendensiyalari va ulardan kelib chiqadigan yangi hodisalar "yangi didaktika"ni shakllantirish uchun ikki turdagi shart-sharoitlarni yaratadi[1]:

- ta'lim mazmuni sohasida – axborot jamiyatini shakllantirish va kontekstli, shaxsiy yo'naltirilgan ta'limga o'tish zarurati;

- ta'lim jarayonini tashkil etish sohasida – ta'limda axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini qo'llash, yagona ochiq axborot ta'lim muhitini shakllantirish, ta'limni axborotlashtirish, ta'lim muassasasini tegishli zamonaviy uskunalar, dasturlar va ilmiy-uslubiy ta'minot bilan ta'minlashni talab qiladi. Bir tomondan, axborot ta'lim muhitini yaratish, ikkinchidan, o'quvchilarning o'quv faoliyatini tashkil etish va boshqarish ko'zda tutiladi.

YUNESKOning "Yashash uchun o'rganish" ma'ruzasida ta'lim texnologiyalari ta'limni modernizatsiya qilishning asosiy omili sifatida baholanadi [2]. Ilmiy-axborot texnologiyalarining jadal rivojlanishi ta'lim oldiga ilg'or o'qitish amaliyotini kengaytirish, yangi texnik vositalardan foydalanish, ta'lim usullarini takomillashtirish, pedagogik texnologiyalarni axborot darajasiga o'tkazish muammosini tug'diradi.

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

Ta'lim muassasalari, bir tomondan, iste'molchi, mavjud ilmiy-axborot texnologiyalaridan foydalanuvchi (ilmiy-axborot texnologiyalari), boshqa tomondan, yangi, ixtisoslashtirilgan, ta'lim jarayonida foydalanish uchun yaratuvchidir. Shu bilan birga, axborotni uzatish bilim, ko'nikma va qobiliyatlarni uzatish emas, shuning uchun ilmiy-axborot texnologiyalari o'qituvchilar uchun juda samarali bo'lib, o'qitish vositalarini taqdim etadi.

Bir qator ta'lim muassasalarining ta'lim jarayonida ilmiy-axborot texnologiyalaridan kompleks foydalanish tahlili ularning imkoniyatlaridan muayyan darajada pedagogik texnologiyalarni boyitib borish, o'qituvchilarning ilmiy-uslubiy faoliyatiga ko'maklashish, boshqaruv muammolarini hal etishni takomillashtirish va yengillashtirayotganidan dalolat beradi. Bundan tashqari, umumiy ta'lim tizimida va ta'lim muassasasida to'plangan tajriba, bilim va an'analar, xususan, axborot makonining mazmuni, umumiy madaniy tarkibiy qismini — alohida oliy ta'lim muassasasining mahalliy tarmog'idan Internet tarmog'ini to'ldiradi.

Ta'lim jarayonida ilmiy-axborot texnologiyalaridan foydalanish ta'limga shaxsiy va faol yondashishga asoslangan, chunki ilmiy-axborot texnologiyalari asosiy vazifani hal qilishni ta'minlash uchun mo'ljallangan, bu vazifalar: ichki zaxiralarni faollashtirish, professional vakolatli shaxs, ya'ni yangi axborot jamiyatida o'z-o'zini anglash orqali uyg'un, axloqiy jihatdan mukammal, ijtimoiy faol rivojlanish sharoitlarini yaratish.

Professional va shaxsiy komponent ilmiy-axborot texnologiyalaridan foydalangan holda o'tkaziladigan barcha treninglar o'quvchilarning bilimlari, ko'nikmalari, qobiliyatlari va mavjud tajribasini, subyekt munosabatlarida uning shaxsiy xususiyatlarini hisobga olgan holda quriladi. Ta'lim talabaning shaxsiyatiga, maqsadlariga, manfaatlariga, qadriyatlariga, istiqbollarga va boshqalarga qaratilgan va o'quvchiga shaxsiy o'sish, rivojlanish, uning individualligini oshkor qilish imkoniyatini beradi[3]. Insonning ta'lim ehtiyoji ikki komponentdan iborat: bilim va axborot. Axborotga bo'lgan ehtiyojni qondirish bilimlarni olish va assimilyatsiya qilish bilan bog'liq, axborot esa axborotni olish va iste'mol qilish bilan bog'liq.

Axborotni bilimga aylantirish o'quv materialini bilish jarayoni yoki uning ta'lim va bilim faoliyati sifatida tushuniladi. O'quvchilarning axborot faoliyati inson kommunikatsiyalari jarayonida axborotni qabul qilish va ulardan foydalanish bilan bog'liq, bilim faoliyati esa yangi bilimlarni olishga qaratilgan mavzuning ijodiy faolligini anglatadi. Shunday qilib, faqat bilim va axborot ehtiyojlarini qondirish jarayonida talabaning axborot malakasi shakllantiriladi: kerakli ma'lumotlarni mustaqil ravishda izlash, tahlil qilish, tanlash, qayta ishlash, uzatish va shu asosda muayyan professional vazifalarni hal qilish qobiliyati shakllanadi. Ilmiy-axborot texnologiyalaridan foydalanish qobiliyatiga ega bo'lish bugungi kunda ijtimoiy, madaniy, madaniyatlararo, kommunikativ, tadbirkorlik kabi vakolatlar bilan bir qatorda asosiy shaxsiyat vakolatlari tizimiga kiradi.

Zamonaviy axborot ta'lim texnologiyalari o'quvchilarning harakatlariga moslashib, o'quv jarayonini o'zgartirishga imkon beradi. Ilmiy-axborot texnologiyalarining professional shaxsiy salohiyati turli xil dasturiy vositalar (modellashtirish dasturlari, qidirish, intellektual, ta'lim, ekspert tizimlari, biznes o'yinlar uchun dasturlar va boshqalar) va o'quvchilarning ijodkorligini rivojlantirish usullari (virtual munozaralar, qo'shma ijodiy loyihalarni amalga oshirish va boshqalar) kabi ta'lim muhitining imkoniyatlarini kengaytiradi. Ta'lim oluvchining bilim qobiliyatini rag'batlantirish uchun qo'shimcha imkoniyatlar yaratadi (ilmiy-texnik, ilmiy-uslubiy, o'quv, ma'lumotnoma axborot manbalariga, ilmiy va axborot markazlarining interaktiv ma'lumotlar bazalariga, entsiklopediyalar, lug'atlarga kirish, virtual ilmiy laboratoriyalarda ishlash imkoniyati, modellashtirish dasturlari yordamida kompyuter eksperimentlarini o'tkazish); talabalarga o'z ijodiy ustaxonasini yaratish uchun qo'shimcha imkoniyatlar beradi; turli xil fikrlashni tavsiflovchi fazilatlarni rivojlantirishga bevosita va bilvosita ta'sir ko'rsatishga yo'l ochadi; o'qituvchi va o'quvchilar o'rtasida hatto ularning hududiy bo'linishi sharoitida (elektron pochta va elektron konferentsiyaga xos bo'lgan asenkron muhitda muloqotning o'ziga xos xususiyatlari turli xil fikrlashni talab qiladigan sharoitlarga mos) yaqin hamkorlikni ta'minlashga yordam beradi.

Yangi axborot ta'lim texnologiyalarining professional va shaxsiy salohiyati turli xil g'oyalarni ishlab chiqarish qobiliyatiga bevosita ta'sir ko'rsatadi, har qanday ta'lim va o'quv dasturlari, chiziqli bo'lmagan algoritmlarga asoslangan vaqtni nazorat qilish bilan ishlaydigan o'yinlar va qayta ishlatish bilan bog'liq muammolarni hal qilish talabalarga yangi va yangi vaziyatlarni taklif qiladi. O'qituvchi cheklangan vaqtda ularni hal qilish uchun to'g'ridan to'g'ri topshiriqlarni ishlab chiqishni emas, balki ularni umumlashtirib, o'quvchilardan turli xil yechimlarni ishlab chiqishni talab qiladi. Bu o'z harakatlarini tahlil qilish va bunday vaziyatlarda harakat qilish usulini tezda tanlashga yordam beradigan o'ziga xos algoritmlarni ishlab chiqishga o'rgatadi.

Talabalarning professional va shaxsiy salohiyatini rivojlantiradigan eng samarali vosita jamoaviy hamkorlikning turli shakllari va ularning natijalarini e'lon qilishdir. Ta'lim muassasasining axborot-ta'lim

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

muhiti har bir ishtirokchi yakuniy natijaning sifatiga mas'ul bo'lgan qo'shma loyihalarni amalga oshirish uchun o'quvchilarning sa'y-harakatlarini birlashtirishga imkon beradi. Internet tarmog'ida olingan natijalarni nashr etish mualliflarga alohida mas'uliyat yuklaydi, chunki bunday nashrlar keng foydalanish uchun ochiq, bu esa o'z navbatida o'z ishining natijalarini takomillashtirishga qo'shimcha rag'bat hisoblanadi.

Shunday qilib, ilmiy-axborot texnologiyalari tegishli professional qobiliyatlarni rivojlantirishga va ijodiy jarayonning ko'plab bosqichlarini samarali qilishga yordam beradi, bu esa ko'proq va ko'proq natijalarga erishishga imkon beradi va mavjud fikrlash usullariga aniq ta'sir ko'rsatadi. Ilmiy-axborot texnologiyalari nafaqat ular bilan bog'liq bo'lgan faoliyatning mohiyatini o'zgartiribgina qolmay, balki ham bevosita, ham bilvosita o'quvchilarning keyingi kasbiy faoliyatida ham o'z ta'sirini ko'rsatadi.

Ta'lim jarayonida ilmiy-axborot texnologiyalarining yordami bilan talabalar atrofidagi yangilik va o'zgarishlar, kelajakdagi professional faoliyat haqida yangi bilimlar olib, hayot faoliyatining barcha sohalariga bevosita ta'sir ko'rsatadigan ma'lumotlarni o'rganadilar.

O'quvchilarning kommunikativ faoliyatini rivojlantirish turli vaziyatlarga yordam beradi: ta'lim va bilim faoliyati doirasida muayyan axborot texnologiyalari bilan bevosita muloqot qilish; kompyuter dasturlari bilan aloqa qila olish va o'quv dasturlarini keng o'zlashtirib olish; o'qituvchilar va o'quvchilarning axborot texnologiyalari vositasida guruhdagi boshqa talabalar bilan faol o'zaro ta'sirga kirishish; turli ijtimoiy rollar bilan tanishish, axborot texnologiyalarini o'zaro o'rganish va keng yoyilishiga ko'maklashish; ularning hayotiy faoliyatning barcha yo'nalishlariga ta'sirini kuchaytirish.

Ta'lim jarayoniga ilmiy-axborot texnologiyalarini qo'llash quyidagi ustunliklarga egaligini kuzatishimiz mumkin: axborot texnologiyalari ta'siri ostida paydo bo'ladigan yangi jarayon an'anaviy ta'lim sharoitlariga o'z ta'sirini ko'rsatib, foydalanuvchilarning global tarmoqdagi turli axborotlardan foydalanish ko'lamini oshiradi, ilmiy yangiliklarning tezroq yoyilishiga yordamlashadi, ta'lim jarayonini individuallashtiradi, o'qituvchi va talabalar o'rtasida yuzaga keladigan muomala va fe'l-atvor bilan bog'liq tushunmovchiliklarni bartaraf etadi; talabalarning mustaqilligini oshiradi, mustaqil qaror qabul qilishga undaydi, o'zi uchun harakat qilishga, tashabbuskorlikka undaydi.

Ilmiy-axborot texnologiyalarining talabaning shaxsiyatiga ta'sirini yanada kengroq quyidagicha ifodalash mumkin: ularning hissiyotlarini ifodalay olishi cheklanadi, tayyor ma'lumotlardan foydalanishga o'rganib qolib, ijodiy fikrlashi yo'qolib boraveradi, bundan tashqari, kompyuter oldida ko'p o'tirish natijasida ko'z, oshqozon va nerv sistemasiga doir kasalliklarning kelib chiqishiga olib keladi, foydalanuvchilar orasida hissiy aloqa vositalarining roli kamayadi; texnikaga qaramlik ortadi.

Bunday sharoitlarda axborot texnologiyalarining rivojlanishi bilan o'qituvchilar va psixologlarning mas'uliyati yanada ortib, ta'lim jarayonida ilmiy-axborot texnologiyalarilardan foydalanish bo'yicha tavsiyalarni ishlab chiqish va bu borasida jahonda qilinayotgan ishlarni o'zimizda tatbiq qilishni tezlashtirish choralarini ko'rishi zarur.

Yangi axborot texnologiyalari turli xil ma'lumotlarga ega bo'lish qulayligini ta'minlaydi, bu esa o'qituvchiga o'quvchilarning yangi axborotni mustaqil ravishda ishlab chiqishga qaratilgan sa'y-harakatlarini yo'naltirishga imkon beradi.

Ta'limni axborotlashtirish ta'lim tizimini isloh qilishning asosiy imkoniyatlarini axborot ta'lim texnologiyalari bilan bog'laydi, ulardan foydalanish quyidagi asosiy vazifalarni hal qilish asosida ta'lim jarayonini jadallashtirish va amalga oshirishni ta'minlaydi: ta'lim oluvchining shaxsiyatiga qarab tanlangan turli axborot texnologiyalarini qo'llash orqali ilmiy-axborot texnologiyalari faoliyatni faollashtirish uchun rag'batlarni aniqlash va ulardan foydalanish; kompyuter simulyatsiyasi, mahalliy va tarmoq ma'lumotlar bazalari va bilim texnologiyalari kabi zamonaviy axborotni qayta ishlash vositalaridan foydalanish orqali turli fan sohalaridagi muammolarni hal qilishda o'zaro aloqalarni chuqurlashtirish; o'quvchining ta'lim yo'nalishini loyihalash va amalga oshirishda faol ishtirok etishi, bu esa o'quv jarayonini tashkil etishda shaxsiy yo'naltirilgan yondashuvni ta'minlaydi. Ta'lim jarayonida ilmiy-axborot texnologiyalarining professional va shaxsiy salohiyatini samarali amalga oshirish faqatgina tegishli texnologiyalarni ushbu jarayonga oqilona va uyg'un tarzda integratsiya qilish o'qituvchilar va o'quvchilar uchun yangi imkoniyatlar yaratib, mavjud ta'lim tizimidan samarali natijalar ko'rishni ta'minlaydi. [10]

Ilmiy-axborot texnologiyalarining professional va shaxsiy salohiyatini ro'yobga chiqarish o'rganilayotgan intizomning mazmunidagi tegishli o'zgarishlarni, talabalar va o'qituvchilar faoliyatini tashkil etishni, ular o'rtasida alohida munosabatlarni o'rnatishni, talabalarning katta mustaqilligi va tashabbuskorligini, ular bilan o'qituvchilar o'rtasidagi hamkorlik muhitini yaratishni talab qiladi. Axborot texnologiyalarini ta'lim jarayoniga integratsiyalashning muvaffaqiyati, asosan, bilim, ko'nikma va ko'nikmalarni egallash jarayonida ushbu texnologiyalardan foydalanish bo'yicha talabalarning motivatsiyasi bilan belgilanadi.

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

Ta'limda ilmiy-axborot texnologiyalaridan foydalanish uchun talabalarda ishtiyiqni shakllantirish talabalar individual xususiyatlari, motivatsiyasi, ustun motivlar tuzilishini o'rganish haqida olingan ma'lumotlar asosida amalga oshiriladi [6]. O'qituvchilarning ilmiy-axborot texnologiyalaridan foydalanishga bo'lgan motivatsiyasini shakllantirishda o'qituvchilik faoliyati quyidagi tarkibiy qismlardan iborat bo'lishi mumkin: o'qituvchilarning ichki ehtiyojlarini aniqlash (xavfsizlik, guruhga mansublik, o'z-o'zini hurmat qilish, o'z-o'zini anglash); o'qituvchilarning ulardan foydalanishga bo'lgan ehtiyojlarini, ta'lim maqsadlariga erishish va o'qituvchilarning rivojlanishini ta'minlaydigan axborot ta'lim texnologiyalarini qo'llash usullarini aniqlash; o'qituvchilarning axborot ta'lim texnologiyalaridan foydalanishga bo'lgan motivatsiyasini shakllantirish (ushbu texnologiyalardan foydalanish ta'lim jarayonining vazifalarini hal qilish bilan bir qatorda, ularning ichki ehtiyojlarini qondirish imkonini beradigan o'qituvchilarga ko'rsatish va tushuntirish). [7] Shunday qilib, ta'limdagi ilmiy-axborot texnologiyalarining kasbiy va shaxsiy salohiyati pedagogik ijodning tarkibiy qismlaridan biri bo'lib, bu muammoni hal qilishning universal usullari mavjud emas. Bu holatda o'qituvchi nazariy bilim, amaliy tajriba va sezgi bilan boshqarishi kerak.

Adabiyotlar

1. Masofaviy ta'lim didaktikasining boshlang'ich kursi : umumlashtiruvchi monografiya [The initial course of didactics of distance education : generalizing monograph] / Ed. -P.25-26.
2. <http://dictionary.fio.ru>
3. Masofaviy ta'limning pedagogik texnologiyalari: ta'lim, oliy o'quv yurtlari talabalari uchun qo'llanma. o'tish: saytda harakatlanish, qidiruv [Pedagogical technologies of distance education: instruction for students of educational, higher educational institutions. jump to: navigation on site, search] O'tish: Saytda Harakatlanish, Qidiruv P. 24-36.
4. Ta'lim sifatini ijtimoiy-professional baholash institutlarini shakllantirish: [Formation of institutions of socio-professional assessment of the quality of Education] monografiya / OA Ilchenko va boshqalar-M.: bozor DS, 2007. O'tish: saytda harakatlanish, qidiruv
5. Zaxarova I. G. Ta'limda axborot texnologiyalari [Information technology in education]: ta'lim, oliy o'quv yurtlari talabalari uchun qo'llanma. ta'lim, muassasalar. O'tish: Saytda Harakatlanish, Qidiruv O'tish: saytda harakatlanish, qidiruv.
6. Sublasy ip Pedagogika: yangi kurs. O'tish: saytda harakatlanish, qidiruv - Kn. 1. — S. 376-377.
7. Ivanova T. A. Rossiya mintaqalarining innovatsion rivojlanish darajasining reyting tahlili. [Rating analysis of the level of innovative development of Regions.] // Ijodiy iqtisodiyot jurnali. 2012-yil. № 4. Pp. 113-117.
8. Dovlatyan G. p. mintaqalarning innovatsion va investitsion jozibadorligini baholash tahlili // ilmiy kashfiyotlar olamida. 2011-yil. № 3 (15). Pp. 110-116.
9. Dmitrieva T. E. mintaqalararo va intraregional taqqoslamalarda reyting [rating in interregional and intraregional comparisons] (uslubiy aspekt). URL: [http://do.gendocs.ru/docs / index-169583.Format](http://do.gendocs.ru/docs/index-169583.Format) (12.11.2013 kirish) HTML.
10. Loseva O. V. mintaqaning inson intellektual kapitalini baholash(PFD misolida): monografiya.[assessment of the human capital of the region] Penza: Penza davlat pedagogika Universiteti. 2011 yil UNT. 116 PQ.

Гулжан КУТТИБЕКОВА
старший преподаватель ДжГПИ

ИННОВАЦИОННАЯ МОДЕЛЬ ПРИМЕНЕНИЯ ТЕХНОЛОГИЙ АРТПЕДАГОГИКИ И АРТТЕРАПИИ В ПРОЦЕССЕ ЭСТЕТИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ МЛАДШИХ ШКОЛЬНИКОВ

В статье раскрывается содержание модели воздействия технологий артпедагогики и арттерапии на результативность эстетического воспитания и художественно-творческого развития младших школьников.

Ключевые слова: артпедагогика, арттерапия, эстетическое воспитание, модель, принципы, критерии, комплексный подход.

This article illustrates the contents of the model influence on technology teachers and therapy on result of the aesthetic education and artistic-creative development of younger schoolchildren.

Key words: pedagogics, therapies, aesthetic education, model, principles, criteria, complex approach.

Maqolada artpedagogika va artoterapiya texnologiyalarining estetik ta'lim samaradorligi va yosh maktab o'quvchilarining badiiy va ijodiy rivojlanishiga ta'siri modelining mazmuni ko'rsatib berilgan.

Kalit so'zlar: artpedagogika, artoterapiya, estetik ta'lim, model, tamoyillar, mezonlar, murakkab yondashuv.

Анализ исторического и современного опыта интеграции педагогического и художественного потенциала обнаруживает наличие объективных историко-культурных предпосылок использования потенциала арт-терапии и арт-педагогики как самостоятельного направления педагогической науки, изучающего природу, общие закономерности, принципы, механизмы привлечения искусства для решения задач воспитания, обучения, развития, поддержки, социализации человека. Арт-терапию, применяемую в работе с детьми, можно правомерно представить как здоровьесберегающую инновационную технологию, которая может проявляться через систему методов спонтанного творчества наравне с другими технологиями психологической и социальной работы [3,6].

В Узбекистане вопросы активизации и совершенствования деятельности образовательных и культурных учреждений в целях приобщения молодого поколения к национальным и общечеловеческим ценностям, достижениям мировой культуры, развития чувства прекрасного, эстетических потребностей и вкусов возведено в ранг государственной политики, что создает условия для развития арт-терапевтического и арт-педагогического направлений в системе образования. Поиск путей и технологий, активизирующих помощь учителям в достижении образовательной цели – научить и воспитать личность духовно богатого, творчески мыслящего гармонически развитого гражданина – позволяет рассматривать данную проблему как социально и педагогически значимую[1,2].

В качестве основных сфер арт-педагогической и арт-терапевтической деятельности рассмотрено стимулирование и организацию педагогом художественного творчества участников образовательного процесса, а также создание в образовательном пространстве системы нравственно-эстетического взаимодействия за счёт интеграции возможностей искусства, педагогики, психологии и других областей человекознания. На этой основе дано теоретическое обоснование арт-педагогического сопровождения как целостной и гибкой системы действий по интеграции арт-педагогической деятельности в образовательный процесс на уроках эстетического цикла – изобразительного искусства и музыки - в целях его успешной реализации и создания благоприятных условий для становления личности [4,5,7,8].

Методическое обеспечение арт-педагогического сопровождения осуществляется на основе модели, включающей **целевой** (повышение уровня эстетической воспитанности, приобщение к общей и художественной культуре, эмоциональное раскрепощение, развитие творческих способностей), **содержательный** (содержание выбранных исследователем предметов – изобразительного искусства и музыки, отраженное в ГОСТе, требованиях, программах и учебниках, дополненных приемами артпедагогики), **диагностический** (обоснование и разработка критериев, выявление актуального уровня эстетического развития учащихся, формулирование выводов о педагогических путях целесообразного применения арт-педагогических и арт-терапевтических методик в процессе эстетического воспитания), **организационно – технологический**(педагогические принципы, художественные и арт-педагогические арт-

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

педагогические стратегии и механизмы художественно-эстетического воспитания), **творчески-деятельностный**(изобразительные и музыкальные упражнения, техники), **результативный**(оценивание итогов исследования, выявление педагогических условий благоприятного протекания процесса – включения арт-педагогических средств на уроках эстетического цикла) **блоки** (схема 1).

**ИННОВАЦИОННАЯ МОДЕЛЬ
ПРИМЕНЕНИЯ ТЕХНОЛОГИЙ АРТПЕДАГОГИКИ И АРТТЕРАПИИ В ПРОЦЕССЕ
ЭСТЕТИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ МЛАДШИХ ШКОЛЬНИКОВ НА УРОКАХ
ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОГО ИСКУССТВА И МУЗЫКИ**

ЦЕЛЕВОЙ БЛОК		
<p>Социальный заказ– Указы Президента Республики Узбекистан «О мерах по воспитанию физически здоровой, духовно и интеллектуально развитой молодежи, поднятию системы ее образования на качественно новый уровень» «О мерах по инновационному развитию сферы культуры и искусства в Республике Узбекистан»</p> <p>Государственная значимость проблемы эстетического воспитания младших школьников обусловлена социальным заказом общества на приобщение подрастающего поколения к ценностям мировой и национальной художественной культуры</p>		
ЦЕЛИ		
инновационной модели	эстетического воспитания	артпедагогике и арттерапии
разработка педагогической системы применения арт-педагогических технологий на уроках художественно-эстетического цикла в начальной школе.	формирование основ эстетического сознания и эстетической деятельности у младших школьников, целенаправленный и организованный процесс воздействия средствами искусства на внутренний мир ребёнка, осуществляемый в образовательном процессе школы на уроках гуманитарно-эстетического цикла.	терапевтическое и коррекционное воздействие искусства на субъекта, реконструирование психотравмирующей ситуации с помощью художественно-творческой деятельности, выведении переживаний, связанных с ней, во внешнюю форму через продукт художественной деятельности, а также создании новых позитивных переживаний, рождении креативных потребностей и способов их удовлетворения.
СОДЕРЖАТЕЛЬНЫЙ БЛОК		
КОМПОНЕНТЫ		ЭТАПЫ
Интеллектуальный, Личностно-творческий, Психологический	арт-педагогическая целесообразность, деятельность; арт-педагогический креатив, анализ, исследование	накопление впечатлений; спонтанное выражение творческого начала; импровизация создание собственных продуктов творчества
ДИАГНОСТИЧЕСКИЙ БЛОК		
МЕТОДЫ	КРИТЕРИИ	УРОВНИ
Анализ государственных законодательных и директивных документов, учебной документации, анкеты для учителей и учащихся, методики изучения, тесты, наблюдение, беседы	<p>Эстетической воспитанности</p> <p>Когнитивный, ценностный, творчески-деятельностный</p> <p>Эстетической воспитанности на уроках ИЗО</p> <p>Эстетической воспитанности на уроках музыки</p>	<p>Высокий</p> <p>Средний</p> <p>Низкий</p>

#3, 2020 PEDAGOGIK MANORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

ОРГАНИЗАЦИОННО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ БЛОК		
ПРИНЦИПЫ	СТРАТЕГИИ	МЕХАНИЗМЫ
системность гуманизация рефлексивность сотрудничество субъектность активность творчество недирективный подход	Формирование эстетического сознания художественно-чувственные впечатления; начальные эстетические знания. Практико-ориентированные Развитие художественно-творческих способностей школьников в деятельности	ассоциации эмпатия эмоциональное заражение идентификация инсайт изменение актуального эмоционального состояния учащихся
ТВОРЧЕСКИ-ДЕЯТЕЛЬНОСТНЫЙ БЛОК		
УПРАЖНЕНИЯ И ПРИЕМЫ		
НА УРОКАХ ИЗО	НА УРОКАХ МУЗЫКИ	
творчески-развивающие, рефлексивные, фан-тазийные, коммуникативно-социальные упражнения; работа с репродукциями, открытками, фотографиями; изображение эмоций; придумывание и рисование историй; сказкотерапия.	моделирование музыкального образа; письменные задания; презентации, рецептивная, активная и интегративная музыкотерапия; активная работа с музыкальными образами; метод вокализации; фольклорная артпедагогика	
РЕЗУЛЬТАТИВНЫЙ БЛОК		
Для учащихся	Для учителей	
Обретение комфортного психологического состояния, снижение тревожности, скованности и агрессивности, самопознание, самопринятие, повышение интереса к искусству, развитие коммуникативных и творческих способностей	Возможность объединения профилактических, психо-логических, развивающих, обучающих элементов; Комплексное решение учебных, воспитательных, коррекционных и диагностических задач	

Важнейшим принципом реализации арттерапевтической и артпедагогической модели является недирективный подход к применению арт-терапии, предполагающий следование учителя за инициативами ребенка. Арт-терапевтические функции учителя заключаются при этом в создании психологически безопасных и комфортных для ребенка условий деятельности, а в случае необходимости (когда дети переживают растерянность, застенчивость, беспокойство либо проявляют агрессию) – в тактичном структурировании и организации его творческой активности.

Комплексный подход являлся ведущим при организации и проведении практико-экспериментальной работы, что выражалось в следующем:

- комплексном исследовании художественно-эстетической, художественно-творческой деятельности учеников начальных классов на двух предметах – изобразительного искусства и музыки, что позволяет составить более полное представление об эстетическом развитии учащихся;

- комплексной трехступенчатой диагностике, построенной на критериях **эстетической воспитанности** учащихся (когнитивный, ценностно-ориентационный, творческий, деятельностный), **критериях эстетической воспитанности на уроках изобразительного искусства** (изобразительные навыки, эмоционально-ценностное отношение, творческий подход), **критериях эстетической воспитанности на уроках музыки**

(восприятие музыки, креативные способности и потребности, активность музыкально-творческой деятельности).

Комплексный характер был также свойствен методико-технологическому оснащению учебно-воспитательного процесса на уроках ИЗО и музыки и процессу эстетического воспитания в целом, и включал в себя:

- **общие технологии,** соответствующие специфике уроков изо, музыки и задачам эстетического воспитания школьников в целом (показ готового образца, применение творческих заданий во всех видах художественной деятельности - сочинение, пение, танец, пластика, рисунок, лепка), творчески-развивающие и арт-терапевтические упражнения, нетрадиционные формы урока и общения учителя с учащимися (доверительно-партнерские)

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

- **технологии на уроке изобразительного искусства** (упражнения на изображение, восприятие, оценивание произведений искусства, интерактив, сказкотерапия с привлечением других видов искусства – музыки, литературы, работа с различными материалами с применением разных техник рисования)

- **технологии на уроке музыки** (слушание музыки в индивидуальной и в групповой формах работы, сочетание таких видов музыкотерапии, как рецептивная, активная и интегративная; использование таблицы воздействия музыкальных произведений на болезненные состояния человека; активная работа с музыкальными образами (моделирование музыкального образа), активное слушание, метод вокализации, использование приемов фольклорной арт-педагогике, свободное самовыражение в ритмических движениях, танце, спонтанном рисунке, дирижировании).

Практическое значение применения техник арт-педагогике и арт-терапии в образовании заключается в том, что обучающиеся приобретают ценный опыт позитивных изменений; постепенно происходит углублённое самопознание, самоприятие, гармонизация личности, личностный рост; снижается уровень тревожности, формируются механизмы эмоциональной саморегуляции, развивается позитивное самоотношение, анализ своего поведения, мыслей и чувств; осваиваются новые роли, улучшается общая атмосфера в группе, ребёнок становится терпимее по отношению к другим.

Завершение исследования и итоговый срез его результатов свидетельствуют о том, что идея возможности разработки системы включения артпедагогических и арттерапевтических технологий в процесс эстетического воспитания младших школьников на уроках эстетического цикла получила экспериментальное подтверждение. Доказано, что данные технологии, ранее нераспространённые в педагогической практике республики, являются инновационным ресурсом влияния и позитивных изменений личности школьника, обеспечивая гуманизацию и гуманитаризацию образовательной среды, гармонизацию психологического состояния обучающихся, оптимизацию педагогического взаимодействия, творческую самореализацию детей.

Установлено, что арт-педагогические занятия стимулируют активность творческого самовыражения учеников, повышает их познавательный интерес к предметам художественного цикла и в целом к новой информации, обеспечивает психофизиологическую и психологическую комфортность обучения, создаёт условия для личностного роста.

Литература

1. Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по инновационному развитию сферы культуры и искусства в Республике Узбекистан» ПП-3920 от 26.08.2018 г.
2. Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по поднятию на качественно новый уровень системы духовно-нравственного и физически гармоничного воспитания молодежи, ее обучения и воспитания» № ПП-3907 от 14 августа 2018 г.
3. Айтбаева А., Шайгозова Ж., Султанова М. Художественное воспитание и артпедагогика в XXI веке: новые ценностные ориентиры и возможности G - Globalcommunicationplatform 18 ноября 2016 г.
4. Изобразительное искусство: учебник для 4 класса школ общего среднего образования: изд-е 2-е перераб./ А. Сулейманов, И. Рахманов, З. Сулейманова – т.: «Sharq», 2017 – 112 с.
5. Музыка. Учебник для 3 класса переработанное 5-е издание. /Н. нарходжаев, С. Дебердеева, Х.Нурматов, Э. Шаинская. Т.: Издательско-полиграфический творческий дом им. Гафура Гуляма, 2019.- 108 с.
6. Корженко О. М., Заргарьян Е. А. Артпедагогика сегодня: цели и перспективы развития [Текст] // Теория и практика образования в современном мире: материалы III Междунар. науч. конф. (г. Санкт-Петербург, май 2013 г.). — СПб.: Реноме, 2013. — С. 95-97. — URL <https://moluch.ru/conf/ped/archive/70/3855/> (дата обращения: 28.10.2019)
7. Артпедагогика и арттерапия в специальном образовании: Учебник для вузов / Е.А. Медведева, И.Ю. Левченко, Л.Н. Комиссарова, Т.А. Добровольская. - М.: Академия, 2001. – 248 с.
8. Арт-терапия - новые горизонты / Под ред. А.И.Копытина. - М.:Когито-Центр, 2007. – 336 с.

Шокир ДОНИЁРОВ

Ўзбекистон педагогика фанлари илмий
тадқиқот институти
мустақил тадқиқотчиси

ЎҚУВЧИЛАР ЖАМОАСИ БИЛАН ИШЛАШДА БОШҚАРУВ УСЛУБЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Ушбу мақолада педагогнинг ўқувчилар жамоаси билан ишлаш жараёни ва бунда бошқарув услубларидан фойдаланиш имкониятлари баён қилинган. Шунингдек, педагогларнинг ўқувчилар жамоаси билан ишлаш лаёқатини ривожлантириш учун уларни ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этиш методлари билан қуроллантириш мақсадга мувофиқлиги ҳақида фикр юритилган.

Таянч сўз ва иборалар: авторитар услуб, либерал услуб, демократик услуб, ҳамкорликдаги фаолият, ўқувчилар жамоаси, компетенциявий ёндашув, ўқув топшириқлари, индивидуал хусусиятлар, дидактик воситалар, жамоавий фаолият.

В этой статье описывается процесс работы с командой учителей и как они могут использовать методы управления. В статье также обсуждается возможность предоставления учителям способов организации совместной деятельности с целью развития их способности работать со студенческим сообществом.

Ключевые слова и фразы: авторитарный стиль, либеральный стиль, демократический стиль, совместная деятельность, студенческое сообщество, компетентностный подход, учебные задачи, индивидуальные характеристики, дидактические средства, командная работа.

This article describes the process of working with a teacher's team of students and how they can use management techniques. The article also discusses the feasibility of equipping teachers with ways to organize collaborative activities in order to develop their ability to work with the student community.

Key words and phrases: authoritarian style, liberal style, democratic style, collaborative activity, student community, competence approach, learning tasks, individual characteristics, didactic means, teamwork.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида "...ўқитиш методикасини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш" каби устивор йўналишлар белгиланган[1]. Бундай вазифани самарали ечишда замонавий ўқитувчи ўқувчилар жамоасини муваффақиятли ташкил этиши ва бунинг учун биринчи навбатда, таълим олдида турган ижтимоий буюртма, таълимнинг умумий ва хусусий мақсадлари, фан-техника ютуқлари, жамият эҳтиёжлари, шахс ва жамоани ривожлантириш қонуниятларини яхши ўзлаштирган бўлиши лозим. Бунинг учун ўқитувчида юқори даражадаги педагогик майл, инсонпарварлик, жамоавий фикрни ҳурмат қилиш каби сифатлар барқарор ривожланган бўлиши керак.

Бизнингча, педагогларнинг ўқувчилар жамоаси билан ишлаш лаёқатини ривожлантириш куйидагилар билан бевосита боғлиқ: ўқувчилар жамоаси билан ишлаш жараёнини лойиҳалаштириш компетенциясига эга бўлиш; ўқувчилар жамоаси фаолиятини ташкил этиш усулларини эгаллаш; ўқувчилар жамоаси билан педагогнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ривожлантириш йўлларини билиш; ўқувчилар жамоаси фаолиятини бошқариш ва назорат қилиш методларини қўллаш кабилар.

Педагогларнинг ўқувчилар жамоаси билан ишлаш лаёқатини ривожлантиришга йўналтирилган малака ошириш жараёнида куйидагиларга эътибор қаратиш талаб қилинади:

1. Ўқувчилар жамоаси билан авторитар услубда ишлайдиган педагогларни инновацион усуллар билан қуроллантириш.
2. Либерал услубда фаолият олиб борадиган педагогларни ўқувчилар жамоаси билан ишчан, маҳсулдор мулоқотга тайёрлаш.
3. Ўқувчилар жамоаси билан демократик услубда ишлайдиган ўқитувчиларнинг ўз педагогик фаолиятларини оммалаштириш, халқаро илғор тажрибалар билан бойитишларига эришиш.

Педагогларнинг ўқувчилар жамоаси билан ишлаш лаёқатини ривожлантириш мақсадида уларни ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этиш методлари билан қуроллантириш мақсадга мувофиқ. Бунда ўқувчилар жамоаси учун умумий муваффақиятни таъминловчи вазифаларни хал қилиш устувор аҳамиятга эга [2; 76-б.].

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

Бундай умумий вазифалар сирасига куйидагилар киради:

1. Педагогларни ўқувчилар жамоаси билан ишлашнинг назарий асослари ва технологиялари билан қуроллантириш.

2. Ўқитувчиларни ўқувчилар жамоаси аъзоларининг қобилиятлари, шахсий ривожланиши, ўзига хослигини ташхислашга ўргатиш.

3. Педагогларни ўқувчилар жамоаси билан ишлашга оид ўз фаолиятларини таҳлил қилиш, ютуқ ва камчиликларини аниқлаш, тузатишлар киритиш, ушбу соҳадаги билимларини бойитишга йўналтириш.

Бунинг учун ўқитувчилар жамоавий вазифаларни ўқувчиларга бажартиришга тайёр бўлишлари керак.

Ўқувчилар жамоаси билан авторитар услубда ишлайдиган педагогларни инновацион усуллар билан қуроллантиришда уларнинг педагогик фаолиятини кенгайтириш, бойитиш мақсади устувор қилиб қўйилади. Педагогларнинг психологик хусусиятларини ҳисобга олиш натижасида касбий меҳнатнинг интеграллашган, тизимлаштирилган модели вужудга келади. Бу эса педагог касбий фаолиятининг ўқувчилар жамоаси билан ишлаш имконини берадиган жиҳатларини аниқлашга қўмаклашади. Ўқитувчи меҳнатининг инновацион характер касб этиши унинг фаолият йўналишлари, фикрлари ва шаклланиш мақсадларини ифодалайди. Бунда ўқитувчи олдида куйидаги вазифалар қўйилади:

1. Ўқитувчининг ўқув мақсадларини аниқлаш кўникмаларини шакллантириш, бунда ўқувчилар жамоасининг ўзига хослиги ва имкониятларини ҳисобга олиш, улар фаолиятининг истиқболга йўналтирилишини таъминлаш, умуминсоний ва миллий кадриятларга таянган ҳолда ўқувчилар жамоасининг ўқув фаолиятини ташкил этиш.

2. Педагогларда ўқувчилар жамоаси аъзоларининг ҳаётий эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ривожланиш траекториясини моделлаштириш кўникмасини таркиб топтириш: бунда ўқитувчи ҳамда ўқувчилар жамоаси аъзоларининг тажрибасидан фойдаланиш.

3. Ўқувчилар жамоаси фаолиятини замонавий технологиялар ёрдамида ташкил этиш эҳтиёжи ва талабларидан келиб чиққан ҳолда педагогнинг ижодий имкониятларини кенгайтириш. Бу куйидагиларда намоён бўлади: муаммоли, ижодий-жамоавий, лойиҳа дарслари, ўйин ва ўзаро мулоқот машғулотлари.

Либерал услубда фаолият олиб борадиган педагогларни ўқувчилар жамоаси билан ишчан, махсулдор мулоқотга тайёрлаш жараёнида куйидаги вазифаларга ечим изланади:

1. Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим жараёнида педагогларнинг ўқувчилар жамоаси билан амалга ошириладиган ўзаро мулоқот жараёнидаги тўсиқларни бартараф этишларига эришиш ҳамда таълим жараёни иштирокчилари бўлган ўқувчиларни бир-бирларини ўзаро тушуниш, тенглик руҳида тарбиялаш.

2. Педагоглар ўқувчилар жамоасини рикожлантиришни назарда тутган ҳолда босқичма-босқич ўқув топшириқларини мураккаблаштиришлари, ҳамкорликда бажарадиган ишлар кўламини кенгайтиришлари талаб қилинади. Бунда ўқувчиларнинг креативлиги, мустақиллиги, ўқув ҳамда ижодкорлик майлларини ривожлантириш таъминланиши лозим.

Ижодкор, тадқиқотчи ўқитувчилар ўқувчилар жамоаси билан ишлаш жараёнида куйидаги вазифаларни ҳал қилишлари лозим:

- педагоглар ўқувчилар жамоасининг ютуқларини таҳлил қила олишлари, ўқувчиларнинг ривожланишига имкон берадиган иккиламчи дидактик лойиҳаларни танлай олишлари;

- ўқувчилар жамоаси билан ишлаш методлари ва воситаларининг педагогик аҳамиятини назарий жиҳатдан асослаб бера олишлари;

- ўқувчилар жамоаси фаолияти натижаларини ташхислаш асосида истиқболдаги педагогик хатти-ҳаракатларини такомиллаштиришлари талаб этилади.

Педагог касбий лаёқатининг ривожланиши ўқувчилар жамоасининг муваффақиятини таъминлайди. Бу куйидагиларда ўз ифодасини топади:

- ўқувчилар жамоаси фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш мезонларини ўзлаштириш;

- ўқувчилар жамоасининг ривожланишини таъминлашга хизмат қиладиган педагогик моделни ўз фаолиятида қўллай олиши;

- ўқувчилар жамоасининг ривожланишини аниқлашга хизмат қиладиган ташхислаш методларидан фойдалана олиши;

- ўқувчилар жамоаси фаолиятини ташкил этиш жараёнини лойиҳалаштира олиши.

Ўқувчилар жамоаси билан ишлашга йўналтирилган педагогик вазиятлар ўз характерига кўра мунтазам ривожланувчи педагогик фаолиятни талаб қиладди. Ушбу педагогик фаолиятнинг

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

муваффақиятини таъминлаш учун ўқитувчи ва ўқувчилар жамоаси аъзоларининг хоҳиш-иродаси, онглилиги, фаоллиги муҳим аҳамиятга эга [3]. Педагогнинг ўқувчилар жамоаси билан ишлаш лаёқатини ривожлантириш учун малака ошириш жараёнида қуйидаги ишларни амалга ошириш керак:

1. Ўқитувчиларнинг ўқувчилар жамоаси билан ишлашга йўналтирилган педагогик фаолиятининг шакллари ва методларини такомиллаштириш, уларнинг касбий-педагогик билимдонлиги ва маданиятини юксалтириш.

2. Ўқувчилар жамоаси билан ишлаш жараёнида педагог ўзининг ижодий нуқтаи назарини татбиқ қилиши учун қулай дидактик вазиятни вужудга келтириш.

3. Ўқувчилар жамоаси билан ишлаш жараёнида ўқитувчиларнинг маҳсулдор фаолият кўрсатиш майлларини ривожлантириш.

4. Ўқитувчиларни ўқувчилар жамоасининг ривожланиш даражасини муайян мезонлар асосида ташхислаш методикалари билан қуроллантириш.

5. Педагогнинг ўқувчилар жамоасини бошқариш маданиятини шакллантириш.

6. Ўқувчилар жамоаси аъзоларининг ривожланиши ва ўз-ўзини намоён қилишини таъминлашга имкон берадиган педагогик вазиятларни вужудга келтириш ўз ечимини кутаётган муҳим масалалардандир.

Ўқувчилар жамоаси билан ишлаш жараёнида барча ўқувчиларнинг тажрибасини умумлаштириш муҳим педагогик аҳамиятга эга. Бу ўринда педагог ўқувчилар билан диалог асосида ҳамкорлик ўрнатиши керак. Ўқувчилар жамоаси билан ишлаш жараёнининг самарадорлигини таъминлашда педагогнинг ўзига хос иш тажрибаси, педагогик маҳорати ҳам муҳим аҳамиятга эга. Барча ўқитувчилар бир хилдаги иш шаклидан фойдаланиш билан бир қаторда ўқувчилар жамоаси фаолиятини таҳлил этишда турлича ёндашадилар. Бундай ўзига хослик ўқувчилар жамоаси томонидан оммавий тарзда бажариладиган топшириқларда яққол намоён бўлади. Шунингдек, педагог ўқувчилар жамоаси фаолиятини назорат қилишга ҳам ўзига хос тарзда ёндашади. Мактаб педагогик жамоасида ўқувчилар билан амалга ошириладиган ишларни самарали ташкил этишда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- ўқитувчиларга ўқувчилар жамоаси билан ишлашга оид суҳбатлар ўтказиш ва уларга маслаҳатлар бериш;

- ҳар бир ўқитувчининг дарси, ташкил этадиган педагогик тадбирларига қатнашиш ва уни босқичма-босқич таҳлил қилиш;

- ўқитувчига ўқувчилар жамоаси билан ишлаш йўналишида маслаҳатлар бериш ва уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш;

- услубий кенгашлар томонидан методик йўналишдаги семинарлар ташкил этиш;

- илғор ўқитувчиларнинг ижодий лабораториялари, муаллифлик дастурларидан фойдаланишга ёш ўқитувчиларни жалб этиш;

- педагогик-психологик йўналишда тренинглар ўтказиш кабилар.

Педагогнинг ўқувчилар жамоаси билан ишлаш соҳасидаги фаолияти бошқа ўқитувчилар томонидан ҳар томонлама таҳлил қилиниши, унинг ютуқ ва камчиликлари кўрсатиб берилиши муҳим амалий аҳамиятга эга. Бунда қуйидагиларни аниқлашга алоҳида эътибор қаратилади:

- синфдаги ўқувчиларнинг ўзига хос индивидуал хусусиятлари, дарс жараёнида уларга қўйиладиган кучайтирилган талаблар;

- ўқувчилар жамоасининг таркибий тузилиши қандайлиги, ҳаракатлантирувчи кучлари нимадан иборат эканлиги;

- ўқувчилар жамоаси билан ишлаш жараёнида педагогнинг эришган ютуқлари ва йўл қўйган камчиликлари нимадан иборат эканлиги кабилар.

Педагогнинг ўқувчилар жамоаси билан ишлаш лаёқатини ривожлантириш учун муайян чора-тадбирларни қўллаш талаб қилинади:

1. Ўқитувчи ўқувчиларга тақдим этиладиган дидактик воситаларни мазмун жиҳатдан доимий тарзда бойитиши.

2. Ўқитувчи жамоавий фаолият жараёнида ўқувчиларнинг муваффақият қозонишлари учун қулай педагогик-психологик муҳит ярата олиши, ўқув материални ўзлаштиришда уларга қўмаклашиши ва қўллаб-қувватлаши.

3. Жамоавий фаолият жараёнида педагог ўқувчиларнинг қизиқишлари, интилишларини изчил тарзда қўллаб-қувватлай олиши.

4. Жамоа бўлиб ишлаш жараёнида ўқитувчи ўқув материалларини ўқувчиларнинг шахсий тажрибалари, билимлари билан уйғунлаштирган ҳолда тақдим эта олиши лозим.

#3, 2020 PEDAGOGİK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

Жамоавий ҳамкорлик жараёнида педагог ўқувчиларнинг мустақил фаолият кўрсатишлари, ўзаро мулоқотга киришишлари, ягона мақсад сари интилишларига қулай шароит яратиши лозим. Ҳамкорликдаги фаолият жараёнида ўқитувчи билан ўқувчилар орасида ўзаро мулоқот, диалог тарзидаги суҳбат, баҳс-мунозаралар ва ўзаро фикр алмашиш учун қулай педагогик вазият вужудга келтирилиши талаб этилади [4;39-б.].

Ўқувчилар жамоаси билан ишлаш жараёни самарадорлигини таъминлашда педагог ҳар бир ўқувчига эътибор қаратиши лозим. Бунда тажрибали ўқитувчиларнинг ўзаро маслаҳатлашувлари, суҳбатларини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчилар жамоаси билан ишлаш жараёнида ўқитувчининг педагогик фаолияти ўқувчиларнинг тараққиётини таъминлашга йўналтирилиши керак. Ўқитувчи ўқувчилар жамоаси билан ишлаш жараёнининг мазмуни, мақсад ва вазифаларини ҳам аниқ лойиҳалаштира олиши керак.

Ўқитувчи ўқувчилар жамоаси билан ишлашнинг педагогик-психологик асосларини чуқур ўрганиш билан бир қаторда таълим олувчиларнинг ўқув ҳамда ижтимоий фаолиятини методик жиҳатдан узлуксиз таъминлаш йўллари, уларда ўз фаолиятини ташкил этиш йўллари билиши лозим.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси” тўғрисидаги ПФ-5712-сонли Фармони. <https://lex.uz>
2. Тожибоева Х.М. Ўқувчи-ёшларни ижтимоий фаоллигини оширишнинг педагогик тизими. Пед. ф.б.ф.д. (PhD). ... дис. – Тошкент, 2018. 131 бет.
3. Sears R. Your ancients Resisted: A History of Child Psychology // E.N.Heterington (ed). Review of child development research. V.S.Chicago, 1975...." <http://psychlib.ru/mgppu/ODE/ODE-001.htm>
4. Сафарова Р.Г., ва б. Ўқувчиларда дўстона муносабатлар асосида ҳамкорлик кўникмаларни шакллантириш жараёнининг мазмуни// «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. Тошкент. 2015. -12,9 б.т.

Дилфуза ЖАББОРОВА

Навоий давлат педагогика

институти ўқитувчиси

МАСОФАЛИ ТАЪЛИМ – ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ МУҲИМ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ СИФАТИДА

Ушбу мақолада масофавий таълим ва унинг хусусиятлари, афзалликлари тўғрисида маълумотлар берилган. Шунингдек, ўқитиш жараёнини ташкил қилишда анъанавий ва замонавий педагогик технологиялар асосида ёндашувларнинг ўзаро алоқадорлиги изоҳланган. Масофавий таълим замонавий педагогик технологияларнинг муҳим таркибий қисми сифатидаги йўналишлари ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: *ислоҳот, ривожланиш, таълим, тарбия, ўқитиш жараёни, педагогик технология, масофавий таълим, интернет, фаол таълим, педагогик таълим, ижтимоий-гуманитар фанлар, натижа.*

В этой статье представлена информация о дистанционном образовании и его особенностях, преимуществах. Также объясняется взаимосвязь подходов к организации учебного процесса на основе традиционных и современных педагогических технологий. Дистанционное образование разработано в качестве важной составляющей современных педагогических технологий.

Ключевые слова и фразы: *реформа, развитие, образование, воспитание, процесс обучения, педагогические технологии, дистанционное образование, интернет, активное образование, педагогическое образование, социально-гуманитарные науки, результат.*

This article provides information on distance education and its features and advantages. Interrelation of approaches to educational process organization on the basis of traditional and modern pedagogical technologies is also explained. Distance education is developed as an important component of modern pedagogical technologies.

Keywords: *reform, development, education, upbringing, learning process, pedagogical technologies, distance education, Internet, active education, pedagogical education, social and humanitarian sciences, result.*

Хозирги кунда илмий-техникавий тараққиёт нафақат ишлаб чиқаришнинг кўп сонли тармоқларига, балки маданий, ижтимоий-гуманитар билимлар, таълим соҳасига ҳам замонавий технологияларни жорий этишни тақозо этмоқда. Ушбу талаб, айниқса, бугунги кунда дунё ҳамжамятини, жумладан, Ўзбекистон халқини ташвишга солаётган коронавирус пандемиясининг тарқалиши Республикамизда “карантин” эълон қилинишига сабаб бўлди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсири юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5969-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 мартдаги “Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 176-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши тарқалишини олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссияси қарорларининг қабул қилиниши олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва талабалари олдида долзарб вазифаларни қўйди. Ушбу вазифалар биринчи навбатда фуқароларнинг саломатлигини асраш мақсадида карантин талабларига қатъий риоя қилиб, уйда ўтириш бўлса, иккинчи муҳим талаб, сабр-бардошли ва юксак интизомли бўлиб, Мухтарам Президентимиз “... уйда вақтингизни бекор ўтказманг! Онлайн дарсларни кунт билан ўзлаштиринг. Китоб ўқинг, билимингизни оширинг, бадантарбия ва жисмоний машқларни бир кун ҳам қолдирманг”, – деб таъкидлаганларидек, талабаларимиз бугун уйда дарсларни бир соатини ҳам қолдирмай онлайн тарзда ўзлаштиришлари зарур. Дарсларни онлайн ўзлаштиришнинг муҳим шаклларида бири – бу масофавий таълим бўлиб ҳисобланади.

Масофавий таълим – ўқитишнинг ўзига хос, мукаммаллашган шакли бўлиб, у ўзида янги ахборот технологиялар ва мультимедия тизимига асосланган таълимдир. Телекоммуникациялар ва электрон нашрларнинг замонавий воситалари анъанавий ўқитиш шакллари камчиликларини бартараф этиш имконини беради ва бунда уларнинг барча афзалликларини ўзида сақлаб қолади.

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

Масофадан ўқитиш таълим субъектлари ва объектларининг бир-бирлари ҳамда ўқитиш воситалари билан ўзаро таъсири жараёнидан иборат. Масофадан ўқитиш жараёни таълим берувчи ва таълим олувчининг каерда жойлашганига боғлиқ эмас. Таълим жараёни ўқитиш мақсади, ўқитиш мазмуни, ўқитиш усуллари, ўқитиш воситалари, ўқитишнинг ташкилий шакллари, идентификацион-назорат, ўқув-моддий, молиявий-иқтисодий, меъёрий-ҳуқуқий, маркетинг каби элементларни ўз ичига камраб олган педагогик тизимни ташкил этади.

Масофавий таълим – талабанинг мустақил билим олиш тамойилига таянувчи таълим жараёнининг тузилмаси ҳисобланади. Таълим муҳити шу билан характерланадики, таълим олувчилар кўпинча ёки доимо фазо (ёки вақт) жиҳатдан ўқитувчидан узоқда бўлишади. Аини вақтда улар истаган пайтда телекоммуникация воситалари ёрдамида мулоқот қилиш имконига эга бўладилар.

Масофавий таълим – бу ўқитишнинг универсал гуманистик шакли. Бунда таълимнинг анъанавий технологиялари, янги ахборот ва телекоммуникация технологиялари ҳамда техник воситалардан кенг фойдаланилади. Бу воситалар таълим олувчига стандартларга мос таълим фанларини эркин танлаши, ўқитувчи билан мулоқотга киришиши учун шарт-шароитлар яратади. Бунда ўқиш талабанинг таълим олиш жойи ва вақтига боғлиқ бўлмайди. Чунки талаба ихтиёрий пайтда ўқишни бошлайди, материалларни ўқитувчи назоратида ўзлаштиради. Ўзлаштириш талабанинг топшириқларни, тестларни бажаришига қараб, аниқланади. Таълим олувчи берилган дастурни қанчалик тез ўзлаштирса, шунчалик маълумотга эга бўлади. Масофавий таълимнинг афзаллиги шундаки, унда талаба ўзига қулай вақтда ўқиши мумкин.

Масофавий таълимнинг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1. Масофавий таълимнинг юзага келиши жамиятнинг эҳтиёжлари ва ижтимоий буюртмалар билан белгиланади.

2. Масофавий таълимкоммуникация воситаларининг техник тараққиёти билан узвий боғлиқ, бинобарин, у бу воситаларнинг эволюцияси билан мослашади.

3. Таълим жараёнида масофадан ўқитишдан фойдаланиш натижасида таълим тизимида ўқитишнинг синхрон жараёнидан асинхрон жараёнига ўтилади.

4. Нофаол ўқитишдан фаол ўқитишга, ўқув материални статистик тақдим этишдан видео ва анимациялардан динамик фойдаланишга асосланади.

5. Реал объектлардан фойдаланишдан виртуал объектлардан фойдаланишга, ўқув материални умумий тарзда тақдим этишдан индивидуал фаолиятга ҳамда ўқув материални бир йўналишда тақдим этишдан ҳамкорликда (интерфаол) тақдим этишга имконият туғилади.

Масофавий таълим – турли географик минтақаларда жойлашган ўқитувчи ва талабани боғловчи жараён бўлиб, ўзаро алоқалар махсус технологиялар ёрдамида амалга оширилади. Ўзаро алоқаларни амалга оширишда турлича усуллар қўлланилади: телефон телеграм каналлари орқали материаллар алмашиш, аудиоконференция, видеоконференция, компьютер орқали виртуал конференциялар ташкил қилинади. Масофавий таълимга микротўқинли телевидение, аудиографик, сиқилган видео, телеконференция, аудиконференция каби турли интерактив воситалар кириб келди. Улар қаторида масофавий таълимда сўнгги пайтда янада янги рақамлаштирилган технологиялар қўлланила бошланди. У ўзида гипермедиа программаларини мужассамлаштириб, талабага ўқув-услубий материалларни қай даражада ўзлаштирганлигининг назоратини бевосита ўзи амалга ошириш имконини беради. Шу билан бирга, ўзига қулай, уйи ёки иш жойидан туриб ИНТЕРНЕТ ёки бошқа тармоқлар орқали умумий маълумотлар базасига, видеокурсларга, аудиоматериалларга ва бошқа дастурий таъминотларга уланиши ва фойдаланиши мумкин.

Масофавий таълимда тескари алоқа – масофавий талаба фаолиятини ўқитувчи томонидан баҳолаш натижасига қўра педагог томонидан талабага юборилаётган ахборот оқимидир. Бу жараёнда педагог талабанинг ўзлаштиришга ўз муносабатини билдиради ва унинг фаолиятини баҳолайди. Ўз вақтида ва рационал ташкил қилинган тескари алоқа ўқитиш фаолиятини барқарор рағбатлантириш позициясининг шаклланишига олиб келади. Анъанавий ўқитишда тескари алоқа ўқитувчи томонидан овоз интонацияси, турли мимика ҳаракатлари орқали осонлик билан ўрнатилиши мумкин. Масофавий таълимда ўқитувчи ва талабанинг кўпгина вербал имкониятлари чекланганлиги сабабли ҳам тескари алоқа масофавий таълимни ташкил қилиш ва режалаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Масофавий таълим қуйидаги хусуситларга асосланади:

- талабанинг ахборотни яратувчи ва уни етказувчи манбадан географик узоқлиги;
- технологик жиҳатдан мулоқот муҳитининг, шунингдек, психологик ва педагогик жараён муҳитларининг ўзига хослиги;
- масофавий таълим жараёни иштирокчиларининг ахборот технологиялари воситалари ёрдамидаги синхрон ва асинхрон мулоқотига асосланганлиги;

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

- талабаларнинг таълим дастурларини мустақил танлаши ва ўқиш траекторияларини белгилашларидаги эркинлиги;
- талабанинг ахборот ва компьютер технологияларидан мустақил равишда фойдалана олиши ҳамда ўз устида астойдил ишлаши кабилар назарда тутилади.

Масофавий ўқитиш замирида инсонпарварлик жиҳатлари ҳам катта аҳамият ва қўлам касб этади. Чунки ушбу таълим турида ўқитиш жараёнини тўлалигича инсонга қаратилиши, унинг жамиятда ўзини ижтимоий ҳимояланган, беҳавотир ва қулай ҳис қилиш ва яшаши учун таълим олишида унга максимал қулай шароит ва имконият туғдирилиши билан характерланади. Масофавий ўқитишнинг бу шакли кўйидаги қулайликларга эга эканлиги, таълим оловчилар манфаатига қаратилганлиги билан ажралиб туради:

- таълим оловчи учун унинг ижтимоий шароитидан қатъи назар (ногиронлик, яшаш ва оилавий шароити), таълим олиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш имкониятини яратилганлиги;
- масофавий ўқишга кирувчилар учун кириш суҳбати, имтихон ёки тестларга қўйиладиган талабаларнинг енгиллиги;
- ўқитиш даврининг қатъий чегараланмаганлиги;
- таълим оловчилар ўзига қулай бўлган шароит ва вақтда шуғулланиши мумкинлиги;
- ўқишни ишдан ажралмаган ҳолда олиб бориш мумкинлиги;
- таълим оловчилар томонидан ўқиш траекторияларини танлаш эркинлигининг мавжудлиги.

Ҳар бир даврда ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда таълимнинг мазмуни ва унга қўйиладиган талаблар тубдан ўзгариб боради, ўз навбатида бозор иқтисодиёти ҳаётимизда тобора кенг қўлам олаётган шароитда келажакда кадрлар кўп қиррали билимга эга, чуқур мушоҳада ва мулоҳаза асосида қарорлар қабул қилишга қодир юқори малакали мутахассис бўлиши лозим. Негаки, мавжуд ресурслардан мақбул даражада фойланиш ҳамда иқтисодий ўсишга зарур шарт-шароитлар яратиш учун кадрлар, аввало, янги технологияларга асосланган ишлаб чиқариш жараёнларини таҳлил этишни, унинг ўзига хос хусусиятларини яхши билиши, хулосалар чиқариб, уларнинг тўғри ва асосли эканини исботлаб бера олиши керак. Шунини алоҳида қайд этиб ўтиш жоизки, республикамизда таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади уни жаҳон стандартларига мувофиқлаштириш, замонавий педагогик технологияларни амалиётга жорий этиш орқали таълим-тарбия самарадорлигини оширишдан ва юқори малакали мутахассислар тайёрлашдан иборат.

Юқорида келтирилган фикрлардан шундай хулосага келиш мумкинки, ўқув жараёнини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш таълим самарадорлигига эришишнинг биринчи шартидир. Бунинг учун эса ёшлар орасида педагогик фаолиятга лаёқатли ва қизиқиши бор йигит-қизларни тўғри танлай билиш керак. Шундагина таълим-тарбияда эришажак ютуқларимиз кўрсаткичи самарали бўлади. Бунинг учун педагогик жараёнларни замонавий технологиялар асосига қуриш, таълим жараёнида талабаларни ижтимоий фаолликка йўналтиришда қизиқарли, фаол, ноанъанавий, янги инновацион усуллардан фойдаланган ҳолда уларга касбий таълим асосларини ўргатиш муҳим аҳамиятга эга. Бу бугунги янги Ўзбекистоннинг асосий мақсадидир.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инкироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5969-сон Фармони. www.lex.uz.
2. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Т., 2006.
3. Йўлдошев Ж.Ф., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. –Т., 2004.
4. Очиллов М. Янги педагогик технологиялар. – Қарши: “Насаф”, 2000.
5. Фарберман Б.Л., Мусина Р.Г. Жумабоева Ф.Р. Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. –Т., 2002.
6. Яҳёев М.С., Тожиева Ф. Масофадан ўқитиш ва ўқитиш тамойиллари тўғрисида // Ta’lim texnologiyalari, 2006 йил 4-сон.
7. Ҳасанов П., Ботиров М. Масофавий таълим учун янги технологиялар.// Жамият ва бошқарув, 1999 йил 1-2-сонлари.

Маъмура ЁДГОРОВА
Бухоро муҳандислик-технология
институти ўқитивчиси

БЎЛАЖАК МУТАХАССИСЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ФИКРЛАШЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МУАММОЛИ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ҚЎЛЛАШ МЕТОДИКАСИ

Ушбу мақолада ўқув жараёнида муаммоли таълим технологиясини қўллаш самарадорлиги, талабаларда мустақил фикрлаш, муаммони ҳал қилиш йўллари излаб топиш, фанга нисбатан қизиқишини уйғотишда муаммоли таълим технологиясининг ўрни тўғрисида баён этилган ва муаммоли маъруза дарс ишланмасидан намуна келтирилган.

Калит сўзлар: муаммоли таълим, муаммоли вазият, ўқув муаммоси, психологик муаммо, педагогик муаммо.

В этой статье обсуждается роль проблемной технологии обучения. Изучение использования проблемной технологии обучения, самостоятельного мышления студента, поиска путей решения проблемы и приведён пример проблемной лекции по направлению “Пищевая технология”.

Ключевые слова: проблемное обучение, проблемная ситуация, образовательная проблема, психологическая проблема, педагогическая проблема.

This article discusses the role of problem learning technology. The study of the use of the problem technology of learning, independent thinking of the student, the search for solutions to the problem and an example of a problem lecture in the direction of “Food technology”.

Keywords: problem-based learning, problem situation, educational problem, psychological problem, pedagogical problem.

Тафаккур – муаммоли вазиятдан бошланади.

С.Л. Рубинштейн

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг, турли соҳалар қатори таълим тизимида ҳам ўзига хос йўлни танлаши, етук мутахассис кадрларни тайёрлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Бугунги кунда таълимнинг самарадорлигини ошириш, шахсни таълим марказида бўлишини ва ёшларнинг мустақил билим олишини таъминлаш учун замонавий педагогик технологияларнинг ўрни жуда катта. Ҳар томонлама етук инсон ва малакали мутахассисни тарбиялаб вояга етказишда замонавий педагогик технологияларнинг ўзига хос аҳамият касб этаётганлигини инобатга олган ҳолда таълим жараёнида педагогик технологиялардан унумли фойдаланиш ижтимоий эҳтиёж эканлиги тобора аён бўлиб бормоқда.

Шахсга йўналтирилган таълимнинг асосий мақсади ёш авлодда юкори касбий маданият, ижодий ва сиёсий фаоллик, мустақиллик, эркин фикр юритиш қобилиятларини шакллантиришга йўналтирилган. Бу мақсад ўз навбатида, таҳсил олувчиларнинг фаоллигини оширишни талаб қилади.

Таълим муассасаларида таълим олувчиларнинг педагогик фаолияти куйидаги йўналишларда ташкил этилиши уларда ижодий фикрлаш кўникмаларини муваффақиятли шакллантириш имконини беради:

- таълим олувчиларнинг ижодий фикрлаш малакаларини аниқлаш механизмларини ишлаб чиқиш;

- ҳар бир таълим олувчининг инновацион технологиялар ҳақидаги маълумотларга эгаликларини аниқлаш;

- гуруҳларда турли тренинглар, форумлар, дебатларни уюштириш;

- назарий ва амалий машғулотлар самарадорлигини объектив баҳолаш тизимини яратиш;

- таълим олувчиларда ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришнинг мазмуни, методлари, шакл ва воситалари аниқлаш;

- муассаса, оила ва ижтимоий ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва шу асосида уларнинг касбий малакаларини шакллантириш чора-тадбирларини белгилаш.

- таълим олувчиларда педагогик технологиялардан ижодий фойдаланиш кўникмаларини ривожлантиришнинг ташкилий-технологик асосларини ишлаб чиқиш

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

- таълим олувчиларнинг малакавий амалиётларини самарали ташкил этиш, кузатиш, эгалланган назарий билимлардан ижодий фойдаланиш кўникмасини шакллантириш ва амалиёт давомидаги мавжуд қийинчиликлар, тўсиқлар, муаммоларни ижобий ҳал этиш йўлларини белгилаш.

Шахсга йўналтирилган замонавий таълимда яхши самара бериб келаётган технологияларидан бири муаммоли ўқитиш технологияси ҳисобланади.

Муаммоли ўқитиш – ўқув жараёнида ўқитувчи раҳбарлиги остида муаммоли вазиятларни вужудга келтириш ва таълим олувчилар томонидан мустақил тарзда ечимни топишни назарда тутати, бунинг натижасида билим ва кўникмаларни ижодий ўзлаштириш ва фикрлаш қобилиятларининг ривожланиши амалга ошади.

Муаммоли вазият ва ўқув муаммоси муаммоли ўқитишнинг асосий тушунчалари ҳисобланади. Ўқув муаммоси ўзлаштириш жараёнининг мантикий-психологик зиддиятлигининг акси сифатида тушунилиб, ақлий қидирувининг йўналишини белгилайди, номаълумнинг моҳиятини ўрганишга қизиқиш уйғотади ва янги тушунча ёки янги усулни ўзлаштиришга олиб келади. Ўқув муаммосининг икки асосий функцияси мавжуд:

1. Ақлий қидирув йўналишини, яъни ўқувчининг муаммо ечимини топиш фаолиятини аниқлаш.

2. Ўқувчининг янги билимларни ўзлаштириш бўйича билиш қобилиятларини, қизиқишларини шакллантириш.

Ўқитувчи учун муҳим восита таълим олувчининг билиш фаолиятини бошқариш, унинг фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш ҳисобланади.

Муаммоли вазият – муаммоли ўқитишни ташкил этиш воситасидир. Муаммоли вазият турлича бўлиши мумкин.

- Номаълум таркиби бўйича муаммоли вазиятлар қўйидагиларга бўлинади: мақсад номаълум; фаолият объекти номаълум; фаолият усули номаълум; фаолият бажарилиши шароитлари номаълум.
- Ахборот номувофиқлиги бўйича: можаро; таклиф; рад этиш; жавоб бермаслиги; ноаниқлиги.
- Методик хусусиятлар бўйича: атайлаб қилинмаган; мақсадли; муаммоли ифодалаш; ўйинли муаммоли вазиятлар; тадқиқот лаборатория иши; муаммоли оммавий эксперимент; ҳаёлий муаммоли эксперимент; вазифаларни муаммоли ҳал этиш.

Муаммоли вазиятларни ҳосил қилишнинг қўйидаги қоидаларини шакллантириш мумкин.

Биринчидан, муаммоли вазиятлар, албатта, қўлдан келадиган ўрганиш қийинчилигини сақлаши керак. Ўрганиш қийинчилигини сақламаган вазифани бажариш фақат репродуктив фикрлашга қўмақлашади ва муаммоли ўқитиш ўз олдига қўядиган мақсадларга эришишга йўл қўймайди. Бошқа томондан, ўқувчилар учун катта қийинчилик туғдирадиган муаммоли вазият уларнинг ривожланиши учун жиддий ижобий натижаларни бермайди, истикболда уларнинг мустақиллигини пасайтиради ва ўқувчиларнинг демотивациясига олиб келади.

Иккинчидан, муаммоли вазият ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш учун абстракт аҳамиятга эга бўлса ҳам, энг қулай вариант бўлиб материал ривожланиш билан биргаликда олиб бориш, янги билимлар, маҳорат, кўникмаларни ўзлаштириш ҳисобланади. Бир томондан, бу бевосита ўқув мақсадларига хизмат қилади, бошқа томондан эса ўқувчиларнинг мотивациясига ижобий таъсир кўрсатиб, бунда улар ижодий потенциални оширишдан кўра сезиларли аниқ ифодани олишади.

Учинчидан, муаммоли вазият ўқувчиларда ўзининг ноодатийлиги, кутилмаганлиги, ностандартлиги билан қизиқиш уйғотиши керак. Ҳайрат, қизиқиш каби ижобий ҳиссиётлар ўқитиш учун мақбул асос бўлади.

Муаммоли вазият ўқитувчи томонидан алоҳида методик усулларни қўллаш орқали ҳосил қилинади:

- ўқитувчи таълим олувчиларни зиддиятга олиб келади ва уларнинг ўзларига ечимини топишни таклиф қилади;
- амалий фаолиятнинг зиддиятларини тўқнаштиради;
- айнан битта саволга турли нуқтаи назарларни келтиради;
- синфга ходисани турли позициялардан кўриб чиқишни таклиф қилади;
- ўқувчиларни такқослаш, умумийлаштириш, вазиятдан чиқиш, далилларни солиштиришга ундайди;
- конкрет саволларни (умумийлаштиришга, асослашга, конкретлашга, фикрлаш мантиғига) қўяди;
- муаммоли назарий ва амалий вазифаларни белгилайди;
- етарсиз ёки ортиқча бошланғич маълумотли; саволни қўйишда ноаниқликлик; зид маълумотли; атайлаб қўйилган хатоликлик; чегараланган вақтли ва бошқа муаммоли вазифаларни қўяди.

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

Муаммоли технологияни амалга ошириш учун кўйидагилар керак:

- энг актуал, муҳим вазифаларни танлаб олиш;
- ўқув ишининг турли кўринишларида муаммоли ўқитиш хусусиятларини аниқлаш;
- муаммоли ўқитишнинг оптимал системасини тузиш, ўқув ва методик қўлланма ва йўриқномаларни яратиш;
- ўқитувчининг ўқувчи фаол ўрганиш фаолиятини чақирадиган шахсий ёндашуви ва маҳорати.

Талабалар фаоллигининг ошиши ўқув-ишлаб чиқариш фаолиятига муаммоли вазиятларни киритилиши ва уларни идрок этирилишидан бошланади. Муаммоли вазиятнинг идрок қилиниши дастлаб билишга оид, сўнгра касбий қизиқишларнинг шаклланишига олиб келади. Талаба муаммоли вазиятни ҳал этишга жалб қилингандан сўнг, унда касбга оид қизиқишлар устувор аҳамиятга эга бўлиб қолади. Талабаларда нафақат билишга оид, балки касбга оид қизиқишлар ҳам пайдо бўлади, булар эса маълум бир даражада кўйилган муаммони ҳал этишга ёрдам беради. Муаммоли вазиятни муваффақиятли ҳал этиши учун ўқитувчи талабалар ўзлаштирган, уларга маълум бўлган билимларига таяниши керак. Шундагина, уларда ўз фаолиятидан мамнун бўлиш сезгиси ва ижобий ҳиссиётлар вужудга келади ва тақрорланиб туради. Талабаларда бундай кайфиятнинг барқарорланиши, уларда ўзига ишонч ва янги муаммоли вазиятларни ҳал этишга интилиш ҳиссиётларни шакллантиради. Илмий тадқиқотларда муаммоли вазият яратиш– билишга интилиш эҳтиёжини пайдо қилишнинг асосий шартларидан бири деб қаралади. Чунки у талабаларга дарс мазмунини чуқурроқ англашга ёрдам беради.

Дон ва дон махсулотларининг физикавий хоссалари.

Машғулот ўтиш давомийлиги: (80 дақиқа) 2 соат

Машғулот ўқув мақсадлари:

Таълимий: дон ва дон махсулотларининг физикавий хоссалари ҳақида талабаларнинг назарий билимларини шакллантириш.

Тарбиявий: талабаларда ўз-ўзини назорат қилиш, узаро хурмат муносабатини, бошқа талабалар фикрини булмаслик каби хислатларини шакллантириш.

Ривожлантирувчи: талабаларнинг фаоллигини ошириш, уларнинг мустақил ва эркин фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш.

Ўқитиш технологияси: муаммоли маъруза.

Машғулот шакли: жамоавий ва кичик гуруҳларда.

Машғулот ўтиш жойи: замонавий дидактик ва ахборот технологиялари воситалари билан жиҳозланган аудитория.

Машғулотнинг бориши:

1-босқич. Ташкилий қисм (дарсга тайёргарлик).

Ташкилий тадбирларни ўтказиш.

Назарий машғулотни ташкил қилиш, ўқитиш жойини танлаш, аудиторияни дарсга тайёргарлигини кўздан кечириш, мавзуга тегишли тестлар, тарқатма материаллар, назарий машғулот вақти ва дарснинг давом этишини белгилаш.

Ўқув машғулотига кириш (5 дақиқа).

Давоматни текшириш. Мавзунинг мақсади, режаси, эришиладиган ўқув натижалари билан талабаларни таништириш. Машғулотни муаммоли маъруза шаклида ўтказилишини эълон қилиш.

2-босқич. Асосий қисм (60 дақиқа).

2.1. Суҳбат шаклида талабалар билимини фаоллаштиради. Билимларни фаоллаштириш жараёнида ўқув муаммосини ҳал қилиш бўйича талабаларнинг изланувчанлик фаолиятида фаол қатнашуви учун зарур бўлган талабалар томонидан ўзлаштирилган дастлабки билимлар қанчалик даражада етарлилигини куйидаги саволлар орқали аниқлайди.

1. Дон массаси физикавий хоссаларининг тавсифи.
2. Оқувчанлик, унга таъсир қилувчи омиллар ва унинг амалий аҳамияти нимадан иборат?
3. Уз-уздан сараланиш (нормал, ассиметрик, симметрик, уз-уздан сараланиш) нима?
4. Дон массасининг бушликлиги, унга таъсир қиладиган омиллар ва амалий аҳамиятини айтинг.
5. Доннинг сорбцион хоссалари. Гигроскопик хусусиятига таъриф беринг.
6. Доннинг мувозанатдаги намлиги, унга таъсир қиладиган омиллар ва унинг катталиги, аниқлаш усуллари нимадан иборат?
7. Сорбцион гистерезис нима?
8. Намнинг дон массасида нотекис таксимланиш сабабларини айтинг.

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

9. Доннинг иссиқликфизикавий хоссалари, бу хоссаларнинг амалий ахамиятига таъриф беринг.
10. Ун ва ёрманинг физикавий хоссаларини таърифланг.

2.2. Янги укув материални баён қилади. Фаоллаштирилган билимларга таяниб машғулота ҳал этилувчи муаммоларни киритади ва уни ифодалайди.

1. Доннинг шакли канча юмалок булса, окувчанлик шунча катта булади. Намлик канча катта булса, окувчанлик камаяди. Бегона аралашмалар микдорининг куплиги ҳам окувчанликни камайтиради. **Фикрланг-чи! Бунинг сабаби нимада?**

2. Биз ёзда силосларда сакланаётган доннинг секин кизишини кузатсак, киш кириши билан эса доннинг секин совушининг гувоҳи булаемиз. **Кизик! Нега бу жараён секинлик билан амалга ошади?**

3. Дон массасининг айрим участкаларида иссиқлик оқими йуналиши бўйича намликнинг томчи-суоқлик, яъни сув бугининг конденсатланиб кучиш ҳолати руй беради.

Фикрлаб кўринг-чи! Бу инкорлар нима натижасида юзага келади ва у қандай оқибатларга олиб келади? Уни олдини олиш учун нима қилиш керак?

Ўқитувчи юқоридаги муаммолар ечимини таъминлаш учун уни ҳал этишга қаратилган вазиятларни юзага келтиради. Талабаларни мунозарага чорлайди. Муаммо ечимини талабалар билан биргалиқда таҳлил қилади.

2.3. Талабаларни кичик гуруҳларга ажратади ва ўқитувчи ҳар бир гуруҳга саволлар беради.

1-гуруҳга. а) дон массасини бир жойдан иккинчи жойга кучиришда унинг уз-узидан сараланиш ҳолати юз беради. **Тасаввур қилиб кўринг-чи!** Бу ҳолат қандай кунгилсиз оқибатларга олиб келади?

б) **фикрлаб курунги!** Дон массасида бушлиқнинг борлиги нималарга таъсир курсатиши мумкин?

в) дон массаси турли хил газларни тез ютади. Сизнингча бу қандай амалга ошади? **Фикрлаб кўринг-чи!** Бу жараёни исботлашда нималар қилиш мумкин?

2-гуруҳга. а) **ўйлаб кўринг-чи!** Паст иссиқлик ва харорат утказувчанлик қандай салбий томонлари бор?

б) дон массаси каттик жисмларнинг эркин тушишида хавонинг қаршилиги имкон беради. **Сиз нима деб ўйлайсиз!** Бу қаршилиқ нималарга боғлиқ булади?

в) Силосларда урни чиқариш жараёнида титрлаш мосламалари урнатилган. **Фикрлаб курунги!** Бу мосламаларни урнатишдан мақсад нима? Бу мосламалар урнатилмаган вақтда қандай ҳолларни кузатиш мумкин.

3-гуруҳга. а) **сиз нима деб ўйлайсиз!** Дон массаси окувчанлигининг ишқаланиш бурчаги нима?

б) доннинг гигроскопик хусусияти нима? **Сизнингча нима учун** хар хил экин донлари бир хил шароитда турлича микдорда намликни ютади?

в) термонамутказувчанлик деганда нимани тушунаемиз? Бу ходиса натижасида қандай ҳоллар кузатилади?

Ўқитувчи муаммони ҳал этиш усуларини излашни ташкил этишга ўтади: дастлаб, кичик муаммони ифодалаб беради, кейин эса муаммоли саволларни қўйиш ва уларнинг жавобини муҳокама қилиш орқали талабаларни муаммони ҳал этиш усулини топишга етаклайди, яъни муаммонинг ечими бўйича биринчи оралиқ хулосани шакллантиради. Худди шундай кейинги муаммолар ечими йўллари изланишни ташкил этади. Муаммоли маърузанинг боришини тўлиқ ташкил этиш учун ёрдамчи саволлар беради ва хулосалар қилади.

Талабаларни муаммони ҳал этиш усулини топишга етаклайди, яъни муаммони ечими бўйича биринчи оралиқ хулосани шакллантиради.

2.4. Муаммоли савол ечишга йўналтирилган : ақлий ҳужумни қўллаш ва муаммони ҳал этиш бўйича якуний хулосани ифодалайди. Гуруҳларда ёки жуфтликларда иш бошланиши ҳақида талабаларга эълон қилиш. Муаммоли саволларни ечими бўйича қўшимча кўрсатма бериш.

2.5. Ўқитувчи гуруҳларга берилган муаммоли саволлар бўйича муҳокама эълон қилади, ҳар бир гуруҳ етакчиси муаммони ечими бўйича чиқошини мувофиқлаштиради.

Берилган муаммо бўйича якунлар ясайди. Ҳар бир муаммога берилган ечимларнинг энг муқобил вариантларини дафтарларига киритишларини тақлиф этади. Мавзу юзасидан якуний хулосани ифодалайди.

3-босқич. Якуний (15 дақиқа).

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

3.1. Муаммоли маъруза машғулотида яқун ясалади. Талабаларнинг ўқув мақсадлари натижаларига эришишдаги муваффақиятлари қайд этилади.

3.2. Талабалар билимини мустаҳкамлаш ва уларда шаклланган билимларни аниқлаш учун тестлар беради

Демак, замонавий таълим шароитида муаммоли таълим технологияларининг қўлланилиши ўқитиш жараёнининг самарали кечишини таъминлаш билан бирга талабаларда мустақил, танқидий ва ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантиради. Таълим сифатини яхшилаш ва самарадорлигини оширишга нисбатан қўйилаётган ижтимоий талаблар ўқитувчилардан лойиҳа ва муаммоли таълим технологияларини ўқитиш жараёнида мақсадли, самарали қўллашни талаб этади.

Адабиётлар

1. Авлиякулов Н.Х. Замонавий ўқитиш технологиялари. Ўқув қўлланма. – Т.: 2001.
2. Азизходжаева Н.Н. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. – Ташкент: “Молия”, 2002.
3. Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. – М.: “Наука”, 1989.
4. Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. – М: “Знание”, 1989.

Umida XALIKOVA
Buxoro davlat universiteti
tayanch doktoranti

RAQAMLI TEXNOLOGIYALAR – MAKTABGACHA TA'LIM YOSHIDAGI BOLALARNING AQLIY SALOHİYATINI RIVOJLANTIRUVCHI VOSITA SIFATIDA

Maqolada hayotimizning barcha jabhalarini raqamlashtirish, jumladan, maktabgacha ta'lim sohasini ham raqamlashtirish muammolari ko'rilgan. Maktabgacha ta'limda raqamli texnologiyalarni joriy etishning ijobiy va salbiy tomonlari, tug'ilishdan maktabgacha bo'lgan sezgir davrlarning xususiyatlari va kiritish imkoniyati, maktabgacha ta'limda raqamli texnologiyalar ahamiyati, ulardan oqilona va samarali foydalanish talablari keltirilgan. Maqolada hozirgi globallashtirish davrining muhim ehtiyoji hisoblanmish maktabgacha yoshdagi bolalarning bilim faolligini, dunyoqarashini va motivatsiyasini oshiruvchi zamonaviy o'quv jarayoni vositasi sifatida axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va raqamli texnologiyalarni qo'llash nazariyasi va metodologiyasining dolzarb muammolari muhokama qilinadi. Ta'lim va tarbiya jarayonida raqamli texnologiyalarni qo'llash maktabgacha yoshdagi bolalar yutuqlarining kafolatlari va keyinchalik maktabda muvaffaqiyatli o'qish kafolatlari haqida so'z yuritilgan.

Kalit so'zlar: *axborot kommunikatsion texnologiyalar, raqamli texnologiya, kognitiv faoliyat, hissiy idrok, germeneytika, maktabgacha ta'lim, raqamlashtirish, ta'lim, virtual dunyo, rivojlanish, globallashtirish, motivatsiya.*

В статье рассматриваются проблемы оцифровки всех аспектов нашей жизни, включая дошкольное образование. Плюсы и минусы внедрения цифровых технологий в дошкольных учреждениях. Особенности и возможности ввода чувствительных периодов от рождения до школы. Представлено значение цифровых технологий в дошкольном образовании, требования к их рациональному и эффективному использованию. В статье рассматриваются актуальные вопросы теории и методологии информационно-коммуникационных технологий и использования цифровых технологий как средства современного обучения, повышающего познавательную активность, кругозор и мотивацию дошкольников, что является важной потребностью современной глобализации. Использование цифровых технологий в образовании и воспитании является залогом успеха дошкольников и залогом успешного обучения.

Ключевые слова: *информационные и коммуникационные технологии, цифровые технологии, познавательная деятельность, эмоциональное восприятие, гermeneytika, дошкольное образование, цифровизация, образование, виртуальный мир, развитие, глобализация, мотивация.*

The article discusses the problems of digitizing all aspects of our lives, including preschool education. Pros and cons of introducing digital technologies in preschool institutions. Features and possibilities of entering sensitive periods from birth to school. The importance of digital technologies in preschool education, the requirements for their rational and effective use are presented. The article discusses current issues of the theory and methodology of information and communication technologies and the use of digital technologies as a means of modern learning, which increases the cognitive activity, horizons and motivation of preschoolers, which is an important need for modern globalization. The use of digital technologies in education and training is the key to the success of preschoolers and the key to successful learning.

Keywords: *information and communication technologies, digital technologies, cognitive activity, emotional perception, hermeneutics, preschool education, digitalization, education, virtual world, development, globalization, motivation..*

O'zbekiston bugungi kunda rivojlangan davlatlar qatori raqamli davrga o'tmoqda va bu bilan bog'liq o'zgarishlar aksariyat hollarda, ishlab chiqarish sohaslarida, uy-joy kommunal xo'jaligida, savdo va boshqa sohalarda aniq ko'rinmoqda.

Hozirgi kunda biz o'z hayotimizning asosiy qismini virtual dunyoga o'tkazayapmiz: kompyuterlar, noutbuklar, planshetlar, smartfonlar va boshqa moslamalar. Biz u yerda suhbatlashamiz, do'stlar orttiramiz, ishlaymiz, fotosuratlar almashamiz, taassurotlar, fikrlarimizni bo'lishamiz, o'yinlardan foydalanamiz, tomoshabop filmlar ko'ramiz, "like"lar bosamiz, ma'lumotlar joylashtiramiz – inson zamonaviy hayotining ulkan qatlami raqamli dunyoga bog'liq.

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

So'nggi paytlarda maktabgacha yoshdagi bolalarning elektron o'yinlar, telefonlar va boshqa raqamli texnologiya mahsulotlaridan hech qiynalmay foydalanayotganligining guvohi bo'lishimiz mumkin. Faol hayot orasidagi hozirgi avlod vakillari o'zlarini raqamli texnologiyalarsiz tasavvur qila olmaydilar, ular qandaydir intuitiv darajada raqamli texnologiyalar bilan muloqotga kirishmoqda. Murakkab texnologiyalardan foydalanishning yosh chegarasi har yili pasayib bormoqda.

Shunday qilib, biz maktabgacha ta'lim davrini raqamlashtirish masalasini kechiktirmasligimiz kerak va biz pedagoglar birinchi navbatda quydagi savollarga javob topishimiz kerak: "Ta'limni raqamlashtirish o'zi nima?", "Umumiy o'rta ta'lim va maktabgacha ta'limni raqamlashtirishning ijobiy va salbiy tomonlari qanday?", "Qaysi yoshdan boshlab biz maktabgacha ta'limda o'quv jarayonining bir qismini raqamli dunyoga o'tkazishimiz mumkin?", "Biz bolalarni real hayot bilan aloqasi uzilmasligi uchun virtual dunyoga qay darajada kiritishimiz kerak?"

"Raqamli texnologiya yoki raqamlashtirish – bu ma'lumotlarni raqamli (mashina o'qiydigan) formatga o'tkazish jarayonidir, unda ma'lumot bitlarda namoyon bo'ladi. (Computerworld, 2015)». [4].

Ta'lim tashkilotlarida kompyuterlar vositasida virtual tabellar, elektron hisobot hujjatlari yuritilmoqda va tashkilotlararo hujjatlar almashinuvi amalga oshirilmoqda. Turli tanlovlarga ariza berish, o'z ma'lumotlarini yuborish, onlayn tanlovlarda qatnashish, shuningdek, elektron sovrin materiallarini yutib olish, hatto turli darajadagi ilmiy-amaliy konferensiyalarda qatnashish va elektron pochta orqali maqolalarni yuborish imkoniyatlari mavjud.

Bundan tashqari, buxgalteriya hisobini yuritish, ovqatlanishni tashkil etish va nazorat qilish uchun dasturlar ishlab chiqilgan va amaliyotda qo'llanilmoqda. Barcha tashkilotlarda asosiy hujjatlarning tayyorlanishi va dizayni kompyuter texnikasi orqali amalga oshirilmoqda.

Shunday qilib, ta'lim tashkilotlarining ma'muriy faoliyatida, aloqa, yozuv va ma'lumotlarni uzatishning raqamli usuliga o'tish, raqamli qurilmalardan foydalanish allaqachon yo'lga qo'yilgan.

O'qituvchi-pedagoglar ham faoliyatida ish rejalarini va dars ishlanmalarini tuzishda, saqlashda raqamli texnologiyalardan foydalanilmoqda. Ayrim maktabgacha ta'lim muassasalari guruhlarida raqamli doskalar, kompyuterlar, proyektorlar va boshqa orgtexnika vositalari paydo bo'lmoqda va tarbiyachilar ulardan turli mashg'ulotlarni o'tkazish jarayonida foydalanmoqdalar. Zamonaviy bolalar raqamli media mahsulotlarni, raqamli tasvirlarni juda katta qiziqish bilan qabul qilmoqdalar, ularning ta'sirida qog'ozli ko'rgazmalar ularda umuman taassurot qoldirmayapti.

Yuqorida aytib o'tilgan holatlar tobora ommalashib borayotganligining guvohi bo'lyapmiz. Ammo maktabgacha ta'limni butunlay raqamlashtirish mumkin emas, quyida bu fikrimizga sabablarni keltirib o'tishga harakat qilamiz:

- jismoniy rivojlanish bilan bog'liq muammolar. Raqamli texnologiyalarning eng ko'p uchraydigan salbiy oqibatlaridan biri – bolalarda ko'rish va kichik motorika qobiliyatlariga zarar yetkazadi. Ekran oldida uzoq turish ko'zning charchashiga olib keladi. Vaqt o'tishi bilan ko'zda quruqlik paydo bo'ladi; qizarish, qichishish; ko'rish buzilishi yuzaga kelishi mumkin. [6].

Maktabgacha yoshdagi bolalar jismoniy rivojlanishining tahlili shunday holatni ko'rsatdi: bolalarning 50%i mushak-skelet tizimining turli xil kasalliklaridan aziyat chekmoqda. Tekis valgus oyoqlar, umurtqa pog'onasining turli xil egriligi va boshqa muammolar yuzaga kelmoqda. Noto'g'ri o'tirish ichki organlarning depressiyasiga olib keladi va natijada ularning rivojlanishi va ishlashidagi buzilishlar, bu holatlarning surunkali qaytarilishi kasalliklarning yanada rivojlanishiga olib kelishi mumkin. Uzoq muddat klaviatura va planshetda ishlash barmoqlarning fiziologik o'zgarishiga olib keladi. [6]

- ijodkorlikning susayishi va aqliy qobiliyatning pasayishi. Olimlarning isbotlashicha, ranglar kompozitsiyasi insonda ma'lumotni eslashni chuqurlashtiradi. Hatto kattalarda ham o'z xayollarini ranglarda tasvirlash tavsiya etiladi. Bu ham ijodiy rivojlanishga xizmat qiladi.

Biroq axborot texnologiyalari bunday imkoniyatni namoyon qilishda istisno holat hisoblanadi. [6]

Bola berilgan topshiriqni bajarishi uchun uni yuklab olishi kifoya. Undan materialni to'ldirish yoki bo'yash talab etilmaydi va bola tayyor ma'lumotga o'rganib qoladi, natijada bolaning badiiy ijodkorligi pasayadi. [6]

Ta'lim muassasida bola nafaqat bilim oladi, balki do'stlar orttiradi, o'zaro munosabatda bo'lishni o'rganadi, jamiyat bilan aloqada bo'ladi. Axborot tizimi uning faoliyatini sezilarli darajada cheklaydi. Shaxsning keyingi rivojlanishiga ta'sir qiluvchi ijtimoiylashuv jarayonini murakkablashtiradi. [6].

Ayrim mualliflarning fikriga ko'ra, raqamli texnologiyalarning hayotimizga kirib kelishi va inson faoliyati o'rnini egallashi, shaxs faoliyatiga bo'lgan ehtiyojning pasayishi, ishsizlik muammolariga olib kelmoqda. [3]

Shunga qaramay, o'quv jarayoniga raqamli texnologiyalarning joriy etilishi

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

maktabgacha ta'lim tashkilotlari – bu zamon talabi va ulardan oqilona foydalanish tarbiyachi va ot-onalar zimmasidadir.

Unutmaslik kerakki, kichik guruh va o'rta guruh yoshidagi bolalarning televizion ko'rsatuvlar va videofilmlarni uzluksiz ko'rish vaqti 20 daqiqadan, katta va tayyorlov guruhlarida esa 30 daqiqadan oshmasligi kerak.

Maktabgacha yoshdagi bolalarning televizion ko'rsatuvlarni ko'rishga kuniga ikki marotaba(kunning birinchi va ikkinchi yarmida) ruxsat berilishi kerak.

«Tez-tez va uzoq vaqt televizor tomosha qilish, bolalarning asab tizimi, uyqusining buzilishiga olib keladi. Ko'rish buzilishining turli xil turlarini, ba'zida nevrozlarni keltirib chiqarishi mumkin». [2]

Muhim tomonlardan yana biri, bolani raqamli texnologiyalar dunyosiga kiritish davrini to'g'ri belgilay olishdir. M. Montessori umumiy rivojlanishning quyidagi nozik bosqichlarini tavsifladi: bola 0 dan 3 yoshgacha - "ruhiy homila", 3 yoshdan 6 yoshgacha - "o'zining quruvchisi", 6 yoshdan 9 yoshgacha - "tadqiqotchi", 9 yoshdan 12 yoshgacha – olim.

Birinchi davrda bola dunyoni faol biladi, u hissiyotni o'ziga singdiradi, atrofdagi odamlarning (asosan, qarindoshlarning) unga bo'lgan munosabatini, odamlar va voqealarni anglay boshlaydi. 3-6 yoshda bolaning faol rivojlanishi davom etadi: yangi tuyg'ular paydo bo'ladi, hissiy taassurotlar yaxlit holga keltiriladi. Dunyoning hissiy qiyofasi 6 yoshga kelib rivojlanadi – o'zini shaxs sifatida bilish va jamiyat a'zosi sifatida his qilish, o'zini topish uning o'rnini anglay boshlaydi.

6 yoshdan boshlab, bola "tekislikda yotmagan jismlarni" bilishga harakat qiladi: soat qanday ishlaydi, suv qayerdan keladi, qurbaqalar qishda qanday yashaydi, kosmosda nima bor va faqat 9 yoshdan keyin u avvalgi natijalarga qiziqadi, tayyor ensiklopedik bilim va faktlarni o'rganishni boshlaydi.

L.S. Vygotskiy rivojlanish uchun qulay bo'lgan quyidagi davrlarni aniqladi:

1. Lug'atni to'ldirish: 1,5-3 yosh. Xuddi shu davrda motorik nutq rivojlanadi.
2. Harflar bilan tanishish: 3-4 yosh. Axborotli nutqning boshlanishi.
3. Musiqa, matematikaga qiziqish: 4-5 yosh. Shakllar haqida turli ma'lumotlarni o'rganishni boshlaydi: hajmi, rangi. Xatni faol idrok etadi.

4. Ijtimoiy ko'nikmalarni rivojlantirish, mulohaza qilish: 5-6 yosh. Yozish va o'qish.

5. Til qobiliyatining takroriy ko'tarilishi: 8–9 yosh. Tasavvurni rivojlantirish. Madaniyatni idrok etish.

Ikkala muallifning ta'kidlashicha, 6 yoshgacha bo'lgan bolalarning ichki dunyosi hayotning ko'plab muhim jarayonlariga ta'sir qiladigan davr hisoblanadi. Maktabgacha ta'lim muassasasi o'qituvchisining vazifasi bolaga dunyoni, uning xilma-xilligini, jozibasi va ahamiyatini, saqlanib qolganligini ko'rsatish, umumiy va nozik vosita mahoratini, uyg'unlikni rivojlantirishdan iborat. Bolaning sog'lig'ini mustahkamlash, nutq, fikrlash, kognitiv faoliyatini rivojlantirish.

Kichik va o'rta maktabgacha ta'lim yoshida bolaning dunyoqarashini rivojlantirish mustahkam poydevor tayyorlash davri hisoblanadi. Bu davrda bolaga turli-tuman hodisalarni o'rganish ko'proq foyda keltiradi. Va faqat 5 yoshdan boshlab maktabgacha yoshdagi bolalar faoliyatida biz turli xil raqamli usullarni joriy qilishimiz mumkin. Bu davrdan raqamli media vositalaridan foydalanish ko'nikmalarini yaratishning boshlang'ich ko'nikmalarni shakllantirish uchun sharoit hozirlash mumkin.

Bolalarning jadal o'sishi va rivojlanish davri maktabgacha yoshdagi davri hisoblanadi. Chikago universiteti professori B. Blum bolaning rivojlanish sur'ati va turli yoshdagi bolaning yashash sharoitlari unga ta'sir qilish darajasini aks ettiruvchi egri chiziqni yaratishiga sabab bo'ldi. Xususan, B. Blumning ta'kidlashicha, bola aqliy qobiliyatining 80 foizi aynan maktabgacha yoshida shakllanadi: shulardan, IQ testlariga ko'ra, bola o'z qobiliyatining 20 foizini 1 yoshgacha, 30 foizi 4 yoshgacha va yana 30 foizini 4 yoshdan 8 yoshgacha egallaydi.

Bola qobiliyatlarning foizini aniqlash o'ziga xosdir, ammo maktabgacha yoshdagi bolaning juda tez rivojlanishi va uning tashqi ta'sirlarga nisbatan sezgirlikni inkor etish qiyin. B. Blum qayd etgan ikkinchi muntazamlik maktabgacha bo'lgan yoshdagi o'ziga xos sezgirlik va ta'sirchanlikka taalluqlidir: egri chiziqqa ko'ra, bola qanchalik yosh bo'lsa, unga ko'proq ekzogen omillar – tashqi muhit sharoitlari ta'sir qiladi. Maktabgacha yoshdagi bolada yaratilgan qobiliyatlarning shakllanishi bolaning rivojlanishini g'oyat boyitishi yoki aks samara berishi mumkin. Sir emaski, to'g'ri tanlangan o'yin materiallari bolaning aqliy o'sishi uchun qo'shimcha imkoniyatlar ochadi.

Maktabgacha yoshdagi bolalarning bilim faolligini oshirish vositasi sifatida axborot texnologiyalaridan foydalanish muammosining dolzarbligi yurtimizning maktabgacha ta'lim tizimini modernizatsiya qilish, jamiyatni axborotlashtirishni rivojlantirish, maktabgacha yoshdagi bolalarni tarbiyalash va o'qitish sifatini yaxshilash uchun ijtimoiy ehtiyojlar, zamonaviy jamiyat sharoitlari yetarli darajada rivojlangan, ammo bu borada to'g'ri yo'l-yo'riq ko'rsatadigan uslubiy asoslar yetarli emas.

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

Maktabgacha ta'lim sohasida bolaning kognitiv faolligini oshirish jarayoni raqamli texnologiyalar orqali amalga oshirilsa, samarali natijalarga erishishni ta'minlaydigan tavsiyalar jamlanmasi ishlab chiqilishi zarur.

Maktabgacha yoshdagi bolalarning kognitiv faolligini rivojlantirish muammosi hozirgi kunda eng muhim muammolardan biri hisoblanadi, chunki bu shaxsning har tomonlama va uyg'un rivojlanishi uchun zaruriy shartdir. Kognitiv faoliyatning shakllanishi maktabgacha yoshdagi bolaning dunyoni o'rganishda subyektiv pozitsiyasini shakllantirishga yordam beradi va shu bilan unga tayyorlanish imkoniyatini beradi. Maktabgacha yoshdagi bolalarning bilim faoliyatini rivojlantirishning eng maqbul vositalari sifatida raqamli texnologiyalar alohida o'rin tutadi.

Hozirgi kunda O'zbekiston Respublikasida maktabgacha ta'lim tizimini modernizatsiya qilish dasturida ushbu sohani innovatsion jihozlar, interfaol doskalar, multimediali bolalar studiyalari, grafik planshetlar, elektron stellar, noutbuklar bilan ta'minlash nazarda tutilgan. Chunki bunday raqamli texnologiyalar bolani rivojlantirish muhitining muhim qismiga aylanishi ko'zda tutilgan. Ushbu "aqlli" va "chiroyli" qurilmalar atrofida maxsus o'quv maydoni shakllanmoqda.

Pedagoglar va ota-onalar bolalarning raqamli texnologiyalar bilan muloqotida uning umumiy rivojlanish tizimidagi ahamiyatini hisobga olishi kerak. Bola qobiliyati rivojlanishining ijobiy natijasini ta'minlash uchun qanday va qanaqa innovatsion jihozlardan foydalanish kerak degan savolga javob qidirar ekanmiz, bu vositalarning pedagogik muhitni har doim ham maqsadga muvofiq ravishda boyitishga qodir bo'lmashligini ham esimizdan chiqarmasligimiz kerak.

Bugungi bolalar raqamli texnologiyalar dunyosiga juda erta duch kelishadi. Bu tabiiy jarayon, biz yashayotgan zamonaviy texnika davrining belgilaridan biri shu ekanligi, shubhasiz. Ammo pedagogikaning yangi o'qitish vositasidan samarali foydalanish yo'lini topishga harakat qilishi, bu borada yangidan yangi yutuqlarga erishishi uchun hali malakaning yetarli emasligidan dalolat beradi.

Bolalar bog'chasining o'quv muhitiga raqamli texnologiyalarning kiritilishi zamonaviy texnologik vositalar bolaning rivojlanishi uchun nimani ta'minlashi mumkinligini batafsil va puxta tekshirishdan boshlanishi kerak. Raqamlashtirilgan faoliyatni tashkil qilish bo'yicha umumiy tavsiyalar va eksperimental ravishda olingan o'quv topshiriqlari namunalarini har qanday malakali o'qituvchi uchun o'z metodologik yo'lini yaratishga ko'maklashadi deb umid qilamiz.

Maktabgacha ta'lim muassasalari tarbiyachilari doimiy ravishda kengayib borayotgan ma'lumotlar oqimiga duch kelishadi va bu jarayonda ularni qidirish hamda olingan ma'lumotlarni baholashda jiddiy muammolarga duch kelishadi.

Mahalliy va xorijiy olimlarning asarlari maktabgacha yoshdagi bolalarning rivojlanishida AKTdan foydalanish maqsadga muvofiqligini tasdiqlaydi. Bir qator dissertatsiya ishlarida (L.X. Zaynutdinova, A.A. Kuznetsov, A.Yu. Kravtsova, T.A. Lavina, N.I. Pak, I.V. Robert, B.Ya. Sovetov, I.D., Rudinskiy, A.L.Semenov va boshqalar) ta'limni axborotlashtirish masalalari ko'rib chiqilgan.

Olimlarning izlanishlari asosida shuni aytish mumkinki, kognitiv faollik hissiy idrok, nazariy fikrlash va amaliy faoliyatning birligi, faol o'quv usullari va shakllari maktabgacha yoshdagi bolalarning bilim faolligini oshirish vositasidir. Maktabgacha yoshdagi bolalarning bilim faolligini oshirish vositasi sifatida raqamli texnologiyalardan foydalanishni nazariy tahlil qilish o'rganilayotgan jarayonning metodologik asoslarini shakllantirish zarurligini asoslaydi.

Raqamli texnologiyalardan foydalanish bolaning tafakkurini chindan ham boyitishi, faoliyatining kengayishi va chuqurlashishiga yordam berish uchun biz raqamli texnologiyalardan foydalanishning quyidagi shartlarini yaratib, ularga rioya qilishimiz kerak:

Birinchi, kattalar bilan bola yoki bola va boshqa bolalar o'rtasidagi erkin aloqani qullab-quvvatlash hamda bu faoliyat uchun muhit yaratib berish.



#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

Chet el olimlarining tadqiqotlari natijasi shuni ko'rsatdiki(S. Dosani, P. Xoch, 2008), bolalarning raqamli vositalarga tobe bo'lib qolishi atrofida bilan munosabatining cheklanishiga, tengdoshlaridan har tomonlama orqada qolishiga olib keladi. Masalan, bola televizor oldida kuniga ikki soatdan ko'p vaqtini o'tkazishi natijasida nutqining rivojlanishida boshqa tengdoshlariga nisbatan bir yilga kechikishiga sabab bo'lishi aniqlandi.

Ikkinchisi, bolalarning "bola" bo'lib shakllanishiga, o'z davriga xos faoliyat bilan shug'ullanishiga muhit yaratib berish, maktabgacha bo'lgan ko'nikmalarni egallashiga shart-sharoit yaratish.

Bog'cha yoshidagi kichikintoyning qiziqishlari juda ko'p bo'lib, u o'zi uchun yangi bo'lgan "dunyo"ni kashf qilishni, o'rganishni, bilishni istaydi. Bu jarayon esa turli o'yinlar bilan shug'ullanishi, ertaklar eshitishi kabilar vositasida amalga oshadi.



Innovatsion vositalar maktabgacha yoshdagi bolalarning ana shu xohish-istaklarini rivojlantirishga xizmat qilishi kerak. Boshqacha aytganda, interfaol jihozlar "bolalik" faoliyatini yaxshilashga qaratilgan bo'lishi kerak.

Uchinchisi, bolaning mustaqilligini ta'minlash. Shifokorlar va psixologlar har bir bolaning rivojlanishi ularning individual xususiyatlariga bog'liqligini ta'kidlashadi. Maktabgacha davrdagi tarbiyachilar bularni inobatga olishi va har bir bola bilan shu individual xususiyatlaridan kelib chiqib, ma'lum yo'lni tanlashi, bolaning mustaqilligini cheklemasligi zarur. Zamonaviy raqamli texnologiyalarni qo'llaganda ham shularga e'tibor berish lozim.



Bu raqamli texnik uskunaning sifatiga ma'lum talablar qo'yadi. Agar obyekt bilan o'zaro aloqaning texnik tomoni haddan tashqari murakkab bo'lib chiqsa, bola vazifani bajara olmaydi va shu bilan qobiliyatlarning rivojlanishi to'xtaydi. Shuni esda tutish kerakki, bolaga interfaol uskunalar bilan ishlash usullari va texnikasini o'rganish qanchalik oson bo'lsa, mustaqil bilim olish va atrofda haqiqatni o'zgartirish imkoniyati shunchalik ko'p bo'ladi. Yigirmanchi asrda amerikalik professor O.H.Mur "gaplashadigan" yozuv mashinkasini yaratdi - zamonaviy "bolalar" kompyuterining prototipi. Bola tugmachani bosdi, mashina mos ovozni eshitdi va yoritilgan ekranda katta harf paydo bo'ldi. Ushbu uskuna bilan ishlash imkoniyati ikki yoshdan uch yoshgacha bo'lgan bolalar uchun ham mavjud edi. Bir yarim yil ichida maktabgacha yoshdagi bolalar yozuv mashinkasida o'z kompozitsiyalarini faol ravishda yoza boshladilar, ya'ni ular ijro harakatlaridan ijodiy g'oyani amalga oshirishga o'tdilar.

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

To'rtinchisi, pedagogik qo'llab-quvvatlash, bolalar faoliyatini tashkil etish. Mustaqillik – bu bola rivojlanishining garovidir. Ammo maktabgacha tarbiyalanuvchining tashqi dunyo bilan tanishishi o'z-o'zidan yuzaga keladigan jarayon emas. Ta'lim makonida bolani voqelikni anglash yo'llarini izlash uchun muammoli hal qilish yo'llarini o'rgatish, uning yoshi va tabiatiga mos tarzda yangi voqea-hodislar va narsalar bilan sekin-asta tanishtirib borish lozim. Bu yerda pedagog nafaqat kuzatuvchi, balki bolalarning faoliyatini qo'llab-quvvatlaydigan, nazorat qiladigan, asta-sekin o'z ishtirokchilari uchun murakkab vazifalarni qo'ya oladigan mas'uliyatli shaxsga aylanadi.



Zamonaviy pedagogika nuqtayi nazaridan, kattalar bolalar shug'ullanadigan o'yin jarayonini tashkil qilish uchun qanday tashqi vositalardan foydalanishidan qat'i nazar, bolalarning faoliyatini yo'naltirish, ularning shaxsiy yutuqlari va rivojlanish sur'atlarini hisobga olgan holda boyitib, murakkablashtirib borishi zarur.

Beshinchisi, bolalar ijodini qo'llab-quvvatlash. Ijodkorlik – bu bolalikning tabiiy holati, u maktabgacha davrdagi bolalarning barchasi uchun umumiy bo'lgan ajoyib xislat. Ta'lim jarayonida bolalarning ijodkorligi qadrlanishi, rivojlantirilishi va to'g'ri yo'naltirilishi lozim. Chunki aynan shu davrdagi bola ongiga qilingan har qanday ta'sir katta ahamiyatga ega bo'lib, kelajakdagi hayoti, egallamoqchi bo'lgan kasbiga jiddiy ta'sir qiladi.



Amerikalik kimyogarlar V. Platt va R. Beyker 232 olimlar orasida tadqiqot o'tkazadi, kashfiyotlarining natijasiga ko'ra insonlar nimanidir yaratayotganida ijodkorlik qobiliyati anglashiladi. Shaxsning tafakkurida yuzaga kelgan g'oyani yuzaga keltirishga tadqiqotchi o'zi anglamagan holda ijodkorlik qobiliyatidan foydalanadi. Yangi g'oyaning paydo bo'lishi – bu tasavvurning ijodkorlik qobiliyatidan kelib chiqib ro'yobga chiqishidir.

Bolalardagi ijodkorlik maktabgacha yoshidan boshlanadi. Ularning tashabbusini qo'llab-quvvatlash, xatti-harakatlariga cheklov qattiq cheklov qo'ymasdan to'g'ri yo'naltirish va qobiliyatlari bilan kelajakda yaxshi ishlar qila olishni o'rgatib borish kerak. Ko'pgina bolalarga ijodiy yoki boshqa topshiriqlarni bajartirish harakatni emas, balki tasavvur kuchini talab qiladi, ta'lim jarayonida ham pedagog tarbiyalanuvchining tafakkurini oshiradigan, fikrlashga undaydigan, so'z boyligini oshirib, ongini

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

o‘stiradigan topshiriq hamda o‘yinlarni tanlay olishi va raqamli texnologiyalar orqali ham shuni bajarishga moslashishi lozim.

Respublikamizda maktabgacha yoshdagi bolalarni tarbiyalash jarayonida raqamli texnologiyalardan samarali foydalanish maqsadida mutaxassislar tomonidan o‘zbek tilidagi elektron manbalarni yaratilishiga ehtiyoj sezilmoqda.

Maktabgacha ta’lim davrida tarbiyalanuvchilarga beriladigan bilim va ko‘nikmalardan kelib chiqib Davlat dasturi talablariga mos ravishda bola psixologiyasining yosh jihatlarini va o‘ziga xosliklarini inobatga olgan holda yaratilgan elektron manbalar, ta’limiy ertaklar, bosqichli o‘yinlar, o‘quv-uslubiy animatsion videoroliklar juda samarali vositalar hisoblanadi.

Mashg‘ulotlar an’anaviy usullarda tashkil qilinishidan farqli ravishda raqamli texnologiyalardan foydalanib inovatsion usullarda, elektron manbalar asosida tashkil etilsa, bolada berilayotgan bilim va ko‘nikmalarga nisbatan qiziqishning uyg‘onishiga, diqqatini o‘ziga jalb qilib va xotirasida uzoq vaqt saqlanishiga xizmat qiladi.

Yuqoridagilardan kelib chiqib, xulosa qilish mumkinki, axborot texnologiyalari bir qator yangi imkoniyatlardan foydalanishga imkoniyatlar eshiklarini ochishi bilan birgalikda ayrim muammo va tahdidlarni keltirib chiqaradigan vositalardir .

Bunday sharoitda shaxsni shakllantirish avvalgi an’anaviy usullardan tubdan farq qiladi, bu globallashtayotgan axborot makonida uni maktabgacha ta’lim jarayoniga tatbiq qilishning sifat jihatidan yangi modelini ishlab chiqishni, hozirgi sharoit uchun zarur bo‘lgan va ularga mos keladigan mutlaqo yangi usullarini o‘zida jamlagan metodik ishlarni shakllantirishni talab qiladi.

Nima bo‘lganida ham, zamonaviy pedagogik raqamli texnologiyalaridan to‘g‘ri foydalanish maktabgacha yoshdagi bolalarning yutuqlarini kafolatlaydi va keyinchalik maktabda muvaffaqiyatli o‘qishini kafolatlaydi.

Adabiyotlar

1. Выготский Л.С. Собрание сочинений. В 6 т. М., 1964.
2. Голубев В.В. Основы педиатрии и гигиены детей дошкольного возраста. 2011.
3. Истоки и суть программ цифровизации экономики, образования и здравоохранения // <https://historiosophy.ru/istoki-i-smysl-programm-cifrovizacii-ekonomiki-obrazovaniya-i-zdravooxraneniya/?yclid=6966517351668022974>
4. Комарова И.И. Будущее дошкольного образования в эпоху цифровизации // Современное дошкольное образование. 2018. № 8 (90). С 16–25.
5. Монтессори М. Помоги мне это сделать самому/ <http://booksonline.com.ua/>
6. Цифровизация образования – основные плюсы и минусы. <https://plusminus.ru/cifrovizaciyaobrazovaniya-osnovnye-plyusy-i-minusy/>
7. Маклюэн, М. Понимание медиа: внешние расширения человека [Текст] / М. Маклюэн. – М.: Жуковский: «КАНОН-пресс-Ц», «Кучково поле», 2003. – 464 с.
8. Никитина, Е.Ю. Обновление содержания образовательного процесса на основе компьютерных технологий в процессе изобразительной деятельности детей дошкольного возраста [Текст] / Е.Ю. Никитина, Н.В. Бутенко // Вестник Челяб. гос. пед. ун-та. – 2013. –№8. – С.100–110.
9. Исаева, О.С. Современные образовательные технологии в ДОУ [Электронный ресурс] / И.С. Исаева // URL: <http://doshkolnik.ru/pedagogika/13473>.
10. Иванова, В.В. Развитие дистанционного образования. Социально-философский анализ: дис. ... канд. филос. наук: 09.00.11 [Текст] / Иванова Валентина Васильевна (место защиты: Современная гуманитарная академия). – Москва, 2005. – 163 с.

Азиза БОБОКЕЛДИЕВА

Термиз давлат университети ўқитувчиси

БОЛА ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИЖОДИЙ ЎЙИНЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Мақолада бола қобилиятларини ривожлантиришда ижодий ўйинларнинг ўрни ҳақида назарий-амалий маълумотлар келтирилган бўлиб, ижодий ўйинларнинг бола руҳий камолатига таъсирига тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: *ижодий ўйинлар, креатив қобилият, замонавий таълим, интеллектуал, яратувчанлик, ижодкорлик.*

В статье рассматривается обзор роль творческих игр в развитии способностей детей, в частности значение творческих игр для нормального развития сознания дошкольников.

Ключевые слова: *творческие игры, творческие способности, современное образование, развитие, игра, интеллект, креативность, творчество.*

The analysis of role of creative games on developing child's ability, especially date about the process of normal development in child's mind for importance of creative games are described on this article.

Keywords: *creative games, creative abilities, modern education, intellect, creativity.*

Баркамол шахсни тарбиялаш, Республикамизда кадрлар тайёрлашни давр талаби даражасига кўтариш, демократик жамият куриш, унинг мазмунини такомиллаштириш, тарбиячи ва тарбияланувчилардаги таълим-тарбия жараёнига бўлган муносабатни, қарашларни шакллантириш каби масалаларни қамраб олган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида” ги ПҚ-3160-сонли Қарорларининг қабул қилиниши юқорида кўрсатиб ўтилган вазифаларни бажариш заруратини янада кучайтиради [1,2].

Шунинг учун ҳам мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларининг фаолиятини ривожлантиришда ижодий ўйинлардан унумли фойдаланиш долзарб вазифага айланмоқда. Ижодий ўйинлар доимо ҳаётни акс эттиргани сабабли унинг мазмуни ижтимоий воқеликда ўзгариб туради. Ўйин мақсадга қаратилган, ўйланган жараён бўлгани учун ҳам мазкур жараён асосида ўқув фаолияти ривожланади. Тарбияланувчи бола ўйин жараёнида амалий эҳтиёжларга қарам бўлмайди. Бунда у ўзининг бевосита эҳтиёж ва қизиқишларидан келиб чиқади ҳамда жараёнда ўз таассуротлари, борлик ҳаётдаги тушунчалари ва унга бўлган ўз муносабатларини акс эттирадилар.

Таълимда қўлланилиши мумкин бўлган ижодий ўйинларнинг бир тури бу – сахналаштириш ўйинларидир. Бу боланинг мустақил ижодий ўйин тури бўлиб, унда бадий асар, ҳикоя ёки воқеликлар бола томонидан ролларга бўлиб ижро этилади. Бу ўйинлар болада ирода, интизом ва ўз хатти-ҳаракатларини бошқара олиш, бошқаларнинг ҳаракатлари билан ҳисоблашиш каби ижобий-маънавий ҳислатларни шакллантиради.

Сахналаштириш ўйинларида ўрта, катта гуруҳ болалари ўйин жараёнига кириб борадилар, воқеа қаҳрамонларининг ички ҳаётига бевосита алоқадор бўлган қаҳрамонлик, жасурлик, меҳрибонлик, жонбозлик, жонқуярлик каби ижобий фазилатларни ўзларида яққол намоён қиладилар. Бу жараёнда ўқувчиларнинг нутқ фаоллиги, луғат бойлиги, дунёқараши кенгайиб боради.

Сахналаштириш учун бадий асар, эртақлар танлаш ўқитувчилардан ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, қизиқишлари, истакларини ҳисобга олишни талаб этади. Сахналаштириш ўйинларининг қизикарли ўтиши ва узоқ вақт давом этиши учун керакли жиҳозлар тайёрланиши ва унга тўғри раҳбарлик қилиниши керак. Тарбиячи-педагоглар жараёнда ўйин режиссёри ролини амалга ошира бориб, болажонларнинг хатти-ҳаракатлари, қобилиятлари, интилишларини ҳисобга олиб борадилар. Машғулот якунида эса ўйинда фаол иштирок этган болалар алоҳида рағбатлантирилиб, ўзлаштирилган маълумотларни тарбиячи томонидан умумлаштирилиши ҳамда қўшимча маълумотлар билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқдир. [6]

Ўйин – бу болаларнинг ўзлари яшаётган ва ўзгартиришлари лозим бўлган дунёни англаш йўлидир. Боғча ва кичик мактаб ёшидаги болаларга ижодий ўйинларни ўргатишда психологик-

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

педагогик хусусиятларини, яъни уларнинг кизиқувчанликларини ва серхафсалаликларини инobatга олиш лозим. Шунингдек, болалар узок муддат давомида ўз диққатларини бир турдаги фаолиятга қарата олмасликларини ёдда тутиш зарур. Шунинг учун ўйинларни олиб бориш жараёнида болаларнинг фаолияти турли бўлиши ва хиссиётларга бой бўлиши шарт. Ижодий фаолиятдаги ўйинларни ташкил этиш катта аҳамиятга эга. Чунки ўйинлар орқали бола шахси шаклланади, қобилиятлари ривожланади. Ижодий ўйинлар асосан тафаккурни ва тасаввурни бойитиш, фикрлашни яхшилаш ва оғзаки нутқни ривожлантиришнинг яхши воситаси ҳисобланади. Шунингдек, ижодий ўйинлар машғулотларни ташкил этиш шакли ва методи ҳисобланиб, болалар бу жараёнда маълум вақт давомида диққатларини жамлайдилар ва тўплайдилар.

Ижодий ўйинлар бола қобилиятларини ривожлантиришнинг илк босқичида устун ҳисобланган фикрлашга кўмаклашади. Ўйин барча марказлар фаолиятида болалар кизиқишини, уларнинг қобилияти, фикрлаш ва фаоллигини ривожлантириш воситаси сифатида эътиборини тортади. Чуқур ўйланган ва яхши ташкил этилган ижодий ўйинлар бола интеллектини ва диққатини мустаҳкамлашни осонлаштиради ҳамда тегишли билим ва кўникмаларни шакллантиришга ёрдам беради. Қолаверса, ижодий ўйинлар мактабгача ёшдаги болаларнинг билиш жараёнларини, нутқ фаолиятининг (эшитиш, гапириш, ўқиш, ёзиш) ҳар хил турларини ривожлантиришда самарали восита ҳамдир. Бундан ташқари, ижодий ўйинлар – бу боғча ёшидаги болаларнинг шундай фаолият турики, бу жараёнда топшириқлар ўйин шаклида ҳал қилинади. Ўйин болаларнинг кизиқиши ва фаоллигини уйғотади ҳамда уларнинг кизиқарли фаолият давомида ўзларини кўрсатиш имконини беради, айнан ўйинда болалар ижтимоий функцияларини, одоб меъёрларини ўрганиб оладилар, ҳар томонлама ривожланадилар. Ўйиннинг ривожланишдаги аҳамияти унинг табиатида мавжуддир, чунки ўйин – бу доимо хиссиётлардир. Қаерда хиссиёт бўлса шу ерда фаоллик, диққат ва тасаввур бўлади, у ерда фикрлаш қобилияти ўсади. Кўпгина тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, боғча ёшидаги болаларни ўқитиш ўйин мотивацияси орқали амалга оширилса ва ўз тенқурлари орқали баҳоланса, самарали натижа берар экан.[6]

Бугунги кунда мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларида бола қобилиятларини ривожлантиришда ижодий ўйинлар муҳим аҳамият касб этади. Чунки келажагимиз бўлган баркамол шахсни тарбиялашда ҳар томонлама ҳам ижодий, ҳам илмий, ҳам замонавий талқинда ёндашиш муҳимдир. Мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида ижодий ўйинлар орқали улардаги креатив қобилиятларни ривожлантириш жараёнини ташкил этишдаги асосий вазифа педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш эканлиги, тарбиячи-педагогларнинг илмий салоҳиятини ҳамда сифатини ошириш исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқатдир. Аммо шу кунга қадар тарбиячи-педагогикларнинг аксарият қисми бирламчи маълумотларга таяниб қолганликлари учун амалиётга таъсири камроқ сезилмоқда. Бунинг учун замонавий технологияларни тезроқ амалиётга жорий этиш усулларини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Замонавий мактабгача таълим тизимида тарбияланувчиларнинг креатив қобилиятларини ривожлантиришда мактабгача таълимда янги педагогик ечимларни излашнинг фаол йўналишларидан бири ижодий амалий фаолиятлар жараёнида кўпроқ ўйинларга аҳамият беришларни яхшилашга, ижодий ўйинлар орқали бола шахсини шакллантиришга, ривожлантиришга ёрдам беради.

Шунинг учун ҳам мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларида ўйинлар воситасида улардаги қобилиятларини ривожлантириш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Бола ҳаётининг асосий ва етакчи фаолиятларидан бири ўйин эканлиги ва айнан ушбу фаолият бола шахсини шаклланишида муҳим аҳамият касб этишини инobatга олган ҳолда фаолиятлар жараёнини ўйин шаклида ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади. [2,3]

Юқорида баён этилган фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, баркамол авлоднинг шаклланишида жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбияни таъминлаш жараёнини тадқиқ қилиш ўз ечимини кутаётган долзарб педагогик муаммолардан бири ҳисобланади.

Боланинг ижодий интеллектуал салоҳиятини, қобилиятини ривожлантириш жараёнида куйидаги жиҳатлар эътиборга олиниши керак: бола интеллектини ривожлантириш жараёни максимал даражада технократик бўлиши керак. Бунинг учун педагогик технологияларни амалиётга кенг жорий этиш лозим. Бола қобилиятларини ривожлантириш, таълим-тарбия жараёнига сингдирилиши кўзда тутилаётган тегишли технологияларни илмий асослаш ва ишлаб чиқиш, шунингдек, бола қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган фаолиятнинг дастлабки босқичида ижтимоий-психологик муҳитни аниқ таҳлил қилиш ҳамда тактик жараёни мукамал ишлаб чиқиш керак.

Жаҳон педагогика ва психологияси фани ривожидида иқтидорлилик ва қобилиятлиликнинг кўплаб моделлари ишлаб чиқилган. Мазкур моделларни таҳлил этиш асосида иқтидорлилик уч ўзаро уйғун таркибий қисмлар мажмуи сифатида намоён бўлиши ҳақидаги хулосага келинди: яъни

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

интеллектуал қобилиятлар; креативлик; тиришқоқлик (мотивация, қатъият, матонатлилик) кабилардир. [5]

Бугунги олиб борилаётган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бола шахсининг креатив, яъни ижодкор бўлиши муаммосининг педагогика назарияси ва амалиётида ёритилиши, тадқиқ қилинишини ўрганиш шундаки, мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида ижодийлик қобилиятларни ривожлантиришда фанлараро, тармоқлараро ва мавзулараро ижодий ўйинлар воситасида креативликка алоҳида эътибор қаратилган.

Аmmo мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида ўйинлар воситасида бола қобилиятларини ривожлантиришда баркамол авлод тарбиясининг муҳим таркибий қисми ҳисобланганлиги, уни педагогик нуқтаи назардан тадқиқ қилиш, илмий-назарий асослаш муаммоси ҳали тўлақонли ўрганилмаган.

Тадқиқот жараёнида мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида креатив қобилиятларни шакллантиришга йўналтирилган модели ишлаб чиқилиб, ушбу модел мазмунидаги тадбирлар назарий ва амалий билим, кўникма, малакаларга эга бўлган баркамол авлодни ривожлантиришга йўналтирилади. Шунингдек, мазкур жараённинг самарадорлигини таъминлашга йўналтирилган маданий хулқ, одоб-ахлоқни таъминлайдиган, касбий малака, ижтимоий-педагогик билимлар сингдириладиган, маънавий-маърифий тадбирлар тизими, илмий-педагогик ва методик таъминотни амалга оширувчи механизмлар ишлаб чиқилиб, амалда қўлланилади.

Мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида ижодий ўйинлар воситасида бола қобилиятларни шакллантиришда назарий асосларини аниқлаш ҳамда унинг амалий асослари ва технологияларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш зарурлиги аҳамиятлидир. Мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида ижодий ўйинлар воситасида қобилиятларни шакллантириш педагогик муаммо сифатида тавсифланиб, баркамол шахс ривожланишида ижодий ўйинларнинг ўрнини очиб бериш ҳамда унинг мактабгача таълим ташкилотида амалга ошириш жараёнидаги имкониятлари кўрсатиб бериш зарур. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўйин таркибига мақсад, режалаштириш, мақсадга эришиш, натижаларни таҳлил қилиш каби компонентлар, албатта, киритилиши лозим. Гарчи ўйиннинг хусусияти унинг ижодийлигида бўлса-да, ундан кутилаётган натижа, яъни ўқувчида пайдо бўладиган билим, малака ёки кўникма энг асосий мақсад ҳисобланади. Балки шунинг учун ҳам, назарий жиҳатдан ўйинга фаолият, жараён ва ўқитиш методи сифатида ҳам қараш мумкин.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш мумкинки, мактабгача ёшдаги болаларнинг қобилиятларини ривожлантиришда замонавий ўйин технологияларининг, яъни ижодий воситаларни ҳамда мазкур жараённинг самарадорлигини таъминловчи механизмларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли 2017-2021 йилларда “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”.
2. “Илк қадам” Мактабгача таълим муассасаларининг Давлат ўқув дастури, Тошкент-2018 йил
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8-майдаги в ПҚ-4312-сонли “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълими тизимини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармон.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 29-декабрдаги “Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори.
5. Ярматов Р.Б. Иқтидорли ўқувчиларни тарбиялаш ва ривожлантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш, Тошкент - 2017.
6. Қодирова Ф., Тошпўлатова Ш., Аъзамова М. Мактабгача педагогика. – Тошкент – 2019 йил.

Jahongir KARSHIYEV

Samarqand davlat chet
tillar instituti doktaranti

DARSDAN TASHQARI MASHG‘ULOTLAR JARAYONIDA TALABALAR DUNYOQASHINI SHAKLLANTIRISH JARAYONINI LOYIHALASH

Darsdan tashqari faoliyatni loyihalash talabalarni mustaqil ishlash yo‘li bilan ta‘limni davom ettirishga yo‘llash, talabalar ijtimoiy moslashuvini tashkil etish, o‘quvchi yoshlarning bo‘sh vaqtdan unumli foydalanish, dam olish mahoratini egallashga o‘rgatish, ta‘lim oluvchining qobiliyati, qiziqishi va ishtiyoqlarini rivojlantirishga shart-sharoit yaratish imkoniyatlari va layoqatlarini rivojlantirish bo‘yicha faoliyat hisoblanadi. Pedagog darsdan tashqari mashg‘ulotning maqsadi va vazifalarini qanchalik aniq ifodalasa, uning istalgan natijalar haqidagi tasavvuri ham aniq bo‘ladi.

Tayanch iboralar: ta‘lim, tarbiya, ma‘naviyat, ta‘lim islohoti, faoliyat, loyiha, talaba, dars, mashg‘ulot, darsdan tashqari mashg‘ulot, ijodiy faoliyat, dunyoqarash.

Проектирование внеклассной деятельности-деятельность по направлению студентов к продолжению образования путем самостоятельной работы, организации социальной адаптации студентов, созданию условий и возможностей для эффективного использования учащейся молодежи в свободное от учебы время, овладения навыками досуга, развития способностей, интересов и увлечений обучающегося. Чем точнее педагог формулирует цели и задачи внеклассного занятия, тем яснее становится его представление о желаемых результатах.

Базовые фразы: образование, воспитание, духовность, реформа образования, деятельность, проект, студент, урок, занятие, внеклассное занятие, творческая деятельность, мировоззрение.

Designing extracurricular activities-activities aimed at directing students to continue their education through independent work, organizing social adaptation of students, creating conditions and opportunities for effective use of students in their free time, mastering leisure skills, developing the abilities, interests and Hobbies of the student. The more precisely the teacher formulates the goals and objectives of extracurricular activities, the clearer becomes his idea of the desired results.

Basic phrases: education, upbringing, spirituality, educational reform, activity, project, student, lesson, lesson, extracurricular activity, creative activity, worldview.

O‘zbekiston Respublikasining istiqloлга erishuvi hamda o‘z mustaqil siyosiy, iqtisodiy va ijtimoiy yo‘liga ega bo‘lishi xalq xo‘jaligining turli sohalarida, jumladan, xalq ta‘limi tizimida ham, oliy ta‘lim tizimida ham o‘sib kelayotgan yosh avlod ta‘lim-tarbiyasi bilan bog‘liq jarayonni qayta ko‘rib chiqishni taqozo etmoqda. Hozirgi paytda fan va madaniyatning eng so‘nggi yutuqlari asosida yosh avlodni hayotga tayyorlashning samarali shakl va uslublarini ishlab chiqish nihoyatda muhimdir. Ayniqsa, o‘smirlar orasida axloqiy va ma‘naviy jihatdan tarbiyaviy ishlarni kuchaytirish dolzarb mavzu hisoblanadi. Zero, axloq yo‘q ekan, inson ongli ijtimoiy shaxs bo‘la olmaydi. Shuning uchun ham axloqiy tarbiya shaxsning har tomonlama va erkin shakllanishida asosiy o‘rinni egallaydi. Oliy ta‘lim va oliy ta‘limdan tashqari ta‘lim muassasalari tarbiyachilari (o‘qituvchilar, guruh rahbarlari, ma‘naviy-ma‘rifiy tarbiya ishlari bo‘yicha rektor o‘rinbosarlari, talabalar yetakchilari va boshqalar) jamoasi oldida talabalarga umuminsoniy axloq-qoidalari asosida hayot kechirishni o‘rgatishdek muhim vazifa turadi. Fanni o‘rganishga muhabbat uyg‘otish, bilimga tashnalik fazilatlarini axloqiy tarbiyaning ajralmas tarkibiy qismidir. Talabalarning o‘qishdagi muvaffaqiyatidan uning guruhdagi o‘rni aniqlanadi, atrofda qilarning u bilan munosabati belgilanadi, o‘qishdagi muvaffaqiyat talabani axloqiy tarbiyasini yuqori darajaga ko‘taradi. O‘quvchi-talabalar qalbida yuksak ma‘naviyatlilikni shakllantirishda kitob va kitobxonlikning ahamiyati beqiyosligini tushuntirish zarur. Kitob yoshlar uchun hayot maktabidir. Bilim manbai bo‘lgan kitobni sevish, uni o‘qish va ko‘z qorachig‘idek saqlay bilish, o‘qish uchun uni tanlay olish va o‘qish madaniyatini bilish kerak. Bu ishda ustoz-u murabbiylar va kutubxona xodimlari yordam berishlari lozim.

Bizga yaxshi ma‘lumki, tarbiya jarayoni uzoq muddatli, murakkab, uzluksiz bo‘lib, u o‘ziga xos xususiyatlarga ega. Garchi zamonaviy ta‘lim texnologiyasi talaba ta‘lim jarayonidagi yetakchilik rolini yoqlayotgan bo‘lsa-da, tarbiya jarayonida tarbiyalanuvchi asosiy mavqeyini egallay olmaydi. Chunki unda xarakter, dunyoqarash yetarlicha shakllanmagan bo‘lib, u bu borada tarbiyachining yordamiga ehtiyoj sezadi. Shu bois tarbiya texnologiyasi mantiqiy hamda tarkibiy jihatdan ta‘lim texnologiyasidan farq qiladi. Tarbiya

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

texnologiyasi asosida tarbiyaviy jarayon yotadi. Talabalar faoliyatni tashkil etuvchilar bo'lib, ular tomonidan erishiladigan natijalarni rejalashtirish va unga erishish usullari, bu usullarni modellashtirish, ishlab chiqarilgan reja va modellarni ro'yobga chiqarish, bu rejalarni amalga oshiruvchi shaxsning faoliyati va axloqini boshqarish kabilar hisoblanadi. Tarbiya — tarbiyachi va tarbiyalanuvchi faoliyatlarini o'z ichiga olgan ikki yoqlama jarayon. Tarbiyachilar — bilim va tarbiyaga ega bo'lgan kishilar, tarbiyalanuvchilar — bilim va tajriba o'rganuvchi yoshlardir. Ammo tarbiyalanuvchilar muayyan darajada aktiv faoliyat ko'rsatmasalar tajriba va bilim o'rgana olmaydilar.

Dunyoqarash — bu kishi ongining bilimlar, qarashlar, maslak va oliy maqsadlarni qamragan, tabiat va jamiyatning rivojlanishiga uning munosabatini ko'rsatadigan, uning ijtimoiy-siyosiy va axloqiy-estetik mavqeyi va xulqini hayotning turli sohalarida belgilaydigan o'ziga xos sohadir. Bilimlar — dunyoqarashning obyektiv komponenti sifati, shaxsning tavsifiy, tasdiqlanuvchi mulohazasi shakliga ega bo'lib, ilmiy haqiqat tarzida tasavvur etiladi. Qarashlar — bu hikmatning tabiat va jamiyatda uchrovchi u yoki bu hodisalarini tushuntirish, bu hodisalarga o'zining munosabatini ko'rsatish bilan bog'liq bo'lgan hukmlar, subyektiv xulosalardir. Ishonch — bu chuqur anglangan va hayajon bilan boshdan kechirgan g'oyalarning majmuyi bo'lib, ular mafkura, siyosat, axloq va san'atga daxldor bo'lgan shaxsning hayotiy mavqeyi hamda faoliyati va axloqi xarakterining barqaror ekanligini bildiradi.

Oliy maqsad — anglab yetilgan va ta'sirchan idrok etishning oliy kamoloti bo'lib, shaxsning faoliyat maqsadi va hayotiy maslagidir. Dunyoqarash vazifalari:

- axborot in'ikosi;
- boshqaruvchi;
- baholovchi;

Dunyoqarashning asosiy ko'rinishlari:

- ilmiy;
- diniy;
- kundalik (hayotiy).

Tarbiyalanuvchilar faoliyatining darsdan tashqari tizimini loyihalash. Darsdan tashqari faoliyat tizimi o'qitishning nazariy va amaliy tizimini to'ldiradi. Uning asosiy vazifasi o'qitishdan tashqari vaqtini o'zini-o'zi tarbiyalash va ijtimoiy faoliyatini mehnat bilan shug'ullanish uchun oqilona taqsimlashga yordam berishdir. Ta'lim olayotganlarning darsdan tashqari faoliyatini loyihalash vazifalari:

- ijtimoiy moslashuv zonasini tashkil etish va o'qiyotganlarning ijtimoiy harakatchanligini ko'rsatish;
- bo'lajak mutaxassislarning kasbiy moslashuvi uchun ularga shart-sharoitlar yaratish;
- o'qiyotganlarni mustaqil o'qish yo'li bilan ta'limni davom ettirishga yo'llash;
- har bir ta'lim oluvchining qobiliyati, qiziqishi va ishtiyoqini rivojlantirish uchun shart-sharoitlar yaratish;

— o'quvchilarni bo'sh vaqtdan unumli foydalanish, dam olish mahoratini egallashga o'rgatish.

Tarbiya jarayonining mohiyati, qonuniyatlari va o'ziga xos jihatlari xususidagi mavjud nazariy va amaliy g'oyalarga, pedagogik bilimlarga tayangan holda tarbiya texnologiyasining tarkibiy qismlarini quyidagicha belgilaydi:

1. Tarbiya jarayonining umumiy loyihasi.
2. Tarbiyani tashkil etishga bo'lgan ijtimoiy ehtiyoj (rag'bat).
3. Tarbiya maqsadi.
4. Tarbiya mazmuni (shakl, metod, usul va texnik vositalar).
5. O'qituvchi (tarbiyachi) faoliyati.
6. O'quvchi (tarbiyalanuvchi faoliyati).
7. Tarbiya samarasi (natija).

Tarbiya nazariyasi — pedagogikaning bir qismi bo'lib, tarbiyaviy jarayon mazmuni, usuli va tashkil etilishi masalalarini o'rganadi. Hozirgi zamon pedagogikasida tarbiya tarbiyachining tarbiyalanuvchi shaxsiga oddiy ta'sir ko'rsatishi emas, balki tarbiyachilar va tarbiyalanuvchilarni aniq bir maqsadga qaratilgan, bir-biri bilan hamkorlikda qiladigan munosabatlari va o'zaro ta'sir ko'rsatishi ekanligi alohida ta'kidlanadi. Bugungi kunda shunchaki bilim egasi bo'lgan insonni emas, balki ijodkor, o'z iste'dodi bilan ajralib turuvchi ishbilarmon insonni tarbiyalash zamon taqozosidir. O'quv yurtlarida tarbiyaviy jarayonni tashkil qilish asosiga ilg'or milliy, ma'naviy, axloqiy qadriyatlar va mezonlar, xalq pedagogikasi, marosimlar, bayramlar, o'yinlar va boshqalar qo'yilishi kerak. Shu bilan birga, tarbiya jarayonida kishining turli qobiliyatlari rivojlanadi, g'oyaviy, axloqiy, irodaviy, estetik xislatlari shakllanadi, jismoniy kuch-quvvati mustahkamlanadi.

Tarbiyaviy jarayon umumiy o'rta, o'rta-maxsus va kasb hunar, oliy ta'lim muassasalarida o'ziga xos mohiyat kasb etadi. Pedagog xodimlar, o'qituvchilar va tarbiyachilar milliy istiqlol g'oyasi bilan qurollangan

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

bo'lib, uni har bir fuqaro ongiga yetkazish malakalariga ega bo'lishlari kerak. Ta'lim muassasalarida tarbiyaviy jarayonni tashkil qilish asosiga ilg'or milliy, ma'naviy-axloqiy qadriyatlar va mezonlar, xalq pedagogikasi, marosimlar, bayramlar, o'yinlar va boshqalar qo'yilishi kerak. Ularni tashkil qilish, o'tkazishda tarbiya texnologiyalaridan yoki interfaol metodlardan foydalanish o'quvchilarda o'z yurtiga mehr-muhabbat, vatanparvarlik, oilaparvarlik, kasbiy fidoyilikning shakllanishiga yordam beradi. Tarbiyalanuvchilar faoliyatining darsdan tashqari tizimini loyihalash ularning darsdan tashqari faoliyat tizimida o'qitishning nazariy va amaliy qismini to'ldiradi. Uning asosiy vazifasi darsdan tashqari vaqtini o'zini-o'zi tarbiyalash bilan shug'ullanish uchun oqilona taqsimlashga yordam berishidir.

Darsdan tashqari faoliyat tizimi ko'p komponentli bo'lib, unga quyidagilar kiradi:

- ⇒ O'quv guruhi tarkibi.
- ⇒ Individual (yakka tartib).
- ⇒ Ijtimoiy birlashmalar va tashkilotlar.
- ⇒ Mehnat jamoalari.
- ⇒ Klublar, to'garaklar, muzeylar.

O'quvchi yoshlarning darsdan tashqari faoliyatining o'ziga xosligi shundaki, uning har bir komponenti alohida loyihalashtiriladi va har doim ham pedagogik ta'sir doirasi bilan qamrab olinmaydi.

Darsdan tashqari faoliyatni loyihalash talabalarni mustaqil ishlash yo'li bilan ta'limni davom ettirishga yo'llash, talabalar ijtimoiy moslashuvni tashkil etish, o'quvchi yoshlarni bo'sh vaqtdan unumli foydalanish, dam olish mahoratini egallashga o'rgatish, ta'lim oluvchining qobiliyati, qiziqishi va ishtiyoqlarini rivojlantirishga shart-sharoit yaratish imkoniyatlari va layoqatlarini rivojlantirish bo'yicha faoliyat hisoblanadi. Mana shu tarbiyaning asosiy manbasi shaxslar bo'lib qoladi — bu jamiyat va individning o'zidir. Tarbiyalanayotgan shaxs maqsadlari va qadriyatlari tizimida individuallik va ijtimoiylik nisbatlari muammosi tarbiya nazariyasida markaziy muammo hisoblanadi. Jamiyat va shaxs bir-biri bilan qanday munosabatda bo'ladi? Shaxs jamiyatdan tashqarida yuzaga kelmaydigan jonzotdir, jamiyat esa, o'z navbatida, shaxslardan tashkil topadi. U shaxslar o'zaro munosabatlari jarayoni natijasi va jarayonning o'zidan iborat. Shaxssiz jamiyat yo'q va, demak, jamiyat ularga bog'liq bo'ladi. Ba'zida shaxsni mikrosotsitsi, jamiyatni esa makrosotsitsi, deb ataydilar. Bu bilan materiya harakatlanishining ijtimoiy shakli, ikki asosiy tarkibiy qismi to'g'risida gap borayotganligini ta'kidlaydilar. Shaxs va jamiyatning yaqin bir-biriga bog'liqligi turli tomonlardan qaralishi mumkin.

Shaxs jamiyat emas. U jamiyatda paydo bo'lib, o'zini amalga oshirish jarayonida madaniyatini o'zgartiradi, ba'zan madaniyati rivojlanishida shunchalik ilgarilab ketadiki, o'n yillar, ba'zida hatto asrlar davomida jamiyat xotirasida qoladi. Bunday shaxs o'zining zamondoshlari uchun ma'lum bo'lgan yoki begona tajribani olib kiradi, faqat vaqt o'tishi bilan asta-sekin jamiyatga kirib boradi. Bunday shaxs o'zini jamiyatga qarshi qo'yishi, unga qarshi chiqishi va u bilan kurashishga kirishishi mumkin.

Jamiyat — bu shaxs yoki shaxslar to'plami emas. Jamiyat — bu qadriyatlar o'z maktabini yaratadigan, har qanday subyektini xizmat qilishga majbur etishga intiluvchi, o'zining mavjudligini saqlab qolish uchun shaxsni yutib yuborishga qodir, o'zini harakatlantiruvchi ijtimoiy birlikdir. Shu bilan bir vaqtda, jamiyat insonlar to'plagan madaniyatni saqlab qolish va odamga yetkazish usuli demakdir. Shaxs va jamiyat ijtimoiy hayotning ikki asosiy subyekti sifatida ishtirok etadi. Ma'lum sharoitlarda ular bir-biriga qarama-qarshi turishi mumkin. Tarbiya, jamiyatdagi hodisa sifatida, o'sib kelayotgan avlodning jamiyat hayotida, turmushi, ijtimoiy ishlab chiqarish faoliyati, ijodi va ma'naviyligida ishtirok etishi murakkab qarama-qarshi ijtimoiy-tarixiy jarayon hisoblanadi. Ularning odam bo'lishlari, rivojlanishlari va individualliklari, jamiyatning ishlab chiqarish kuchlari muhim elementlari, shaxsiy baxtlarini yaratuvchilari bo'lib ishtirok etadi. U ijtimoiy taraqqiyot va avlodlar ketma-ketligini ta'minlaydi.

Tarbiya ijtimoiy hodisa sifatida butun ijtimoiy hayotning tabiiy bir qismidir. Shuning uchun uning qarama-qarshiliklari ijtimoiy hayotning eng umumiy qarama-qarshiliklarining ifodasidir. Tarbiya aks ettiradigan bunday qarama-qarshiliklar qatoriga qotib va eskirib qolgan ishlab chiqarish munosabatlarining, ishlab chiqarish kuchlarining rivojlanishni ortga surishi natijasida yuzaga keluvchi qarama-qarshiliklar kiradi. Bu qarama-qarshiliklar ijtimoiy tarbiyada o'sib kelayotgan avlodni tayyorlashga konservativ yondashishlar mustahkam o'rnashib olishi ko'rinishida namoyon bo'ladi. Bizning jamiyatimizda mustaqillik davrigacha ijtimoiy hayot va ishlab chiqarish kuchlarining faqat davlat mulkchiligi asosida tashkil etilishi ishlab chiqarish o'sishini ortga surishga olib keldi. Xalq ta'limi tizimida bu o'zining mazmuni, shakli va metodlari qandaydir rasmiylashtirish hamda bir xilligi bilan ifodalanadi. Tarbiyadagi boshqa bir qarama-qarshilik hayot talablari va shaxsning ijtimoiy hayotga va ishlab chiqarish faoliyatiga tayyorgarligi darajasi o'rtasida yuzaga keladi. Hayot talablarini ang'ay etish, mana shu talablar asosida tarbiya mazmunini va tashkil etilishini ko'ra bilish ilmiy-texnik taraqqiyot keskin rivojlanishidan ortda qoladi. Ushbu qarama-qarshilik chuqurlashib borgan sari o'sib kelayotgan avlodni zamonaviy tayyorlashga xalaqit qiluvchi

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

“qalpoq” va konservativ holatlarni o‘z vaqtida aniqlash hamda yo‘qotish zarur bo‘ladi. Uni hal etish ta‘lim va tarbiya mazmunini muntazam va mos ravishda hal etishni, ta‘lim va tarbiya metodlarini hayot talablariga javob bera oladigan qilishni talab etadi. Mana shu holat ijtimoiy hayot yangi sharoitlari va unga bolalarni tayyorlash bilan uning eskirib qolgan usullari o‘rtasidagi qarama-qarshilik hisoblanadi.

Tarbiyadagi uchinchi qarama-qarshilik — insondagi mavjud tabiat kuchlari, inson tabiati rivojlanishi, uning cheklanmagan imkoniyatlari bilan jamiyat ijtimoiy hayotidagi bu rivojlanish cheklovi sabab bo‘luvchi, dasturlashtiruvchi sharoitlar o‘rtasida yuzaga keladi. Erkinlikni cheklovchi avtoritar jamiyat iste’dodlarni so‘ndiradi, odamlarni buzadi, iltifotli mansabdorlarga va befarq rasmiyatchilarga, ishlab chiqarish jarayonining bir ortiqcha qismiga, ijtimoiy hayotda to‘siqqa aylantiradi. Demokratik jamiyat esa moddiy-texnik bazasini rivojlantira borib, turli ijtimoiy munosabatlarni takomillashtirib, har bir inson shaxsining ijtimoiy hayot talablariga mos va o‘zida mavjud tabiiy kuch, iste’dod va qobiliyatlarga nisbatan rivojlanishiga haqiqiy sharoit yaratadi. Tarbiyaning to‘rtinchi qarama-qarshiligi — bolaning faol tabiati, uning ijtimoiy hayotda, turli munosabatlarda, muomalalarda ishtirok etishga intilishi bilan hayot jarayonida amaliy, haqiqiy ishtirok etish uchun tajriba, bilim, malaka va ko‘nikmalari yetishmasligi va uning tabiiy hamda ijtimoiy yetuk emasligi o‘rtasida kuzatiladi. Ushbu qarama-qarshilik bolalar uchun idrok etishga, tarbiya jarayonida faol ishtirok etishga haqiqiy harakatlantiruvchi kuch, rag‘bat hisoblanadi. U bolani faqat tarbiyaviy o‘zaro munosabatlar obyekti sifatida emas, balki subyekti sifatida ham ijtimoiy hayotda ishtirok etishga ta‘lim-tarbiyaviy tayyorlashga sabab bo‘ladi.

Pedagog darsdan tashqari mashg‘ulotning maqsadi va vazifalarini qanchalik aniq ifodalasa, uning istalgan natijalar haqidagi tasavvuri ham aniq bo‘ladi. Faqat shundan keyingina mashg‘ulotning mazmunini, metodlarni, vositalarni tanlashga kirishish mumkin. Mashg‘ulotning mavzusi, mazmuniga alohida ahamiyat berib, uning maqsadini ifodalashga normal yondashadigan yoki uni e‘tibordan chetda qoldiradigan pedagoglar noto‘g‘ri ish yuritadilar. Bunday holda tarbiyaviy ishning maqsadga yo‘naltirilganligi va tizimliliigi yo‘qoladi. Mashg‘ulot modelini tayyorlash natijalari umumsinf tarbiyaviy mashg‘uloti konspektida aks ettiriladi. U quyidagi tuzilishdabo‘ladi:

- 1) mashg‘ulotning nomi;
- 2) maqsadi va vazifalari;
- 3) jihozlanishi;
- 4) o‘tkazish shakli;
- 5) mashg‘ulotning borishi.

Mashg‘ulotning nomida darsdan tashqari mashg‘ulotning mavzusi aks ettiriladi. U faqat aks etib qolmay, shakl bo‘yicha lo‘nda qilib ifodalangan, jozibali bo‘lishi lozim. Vazifalar juda aniq bo‘lib, mazkur mazmunni aks ettirishi kerak. Ular universal xarakterda bo‘lmasligi lozim. Darsdan tashqari mashg‘ulotning jihozlanishiga turli vositalar: qo‘llanmalar, o‘yinchoqlar, videofilmlar, diapozitivlar, adabiyotlar va boshqalar kiradi. Adabiy manbaning nominigina emas, balki uning muallifi, nashr etilgan joyi va yili ko‘rsatilishi kerak. Dars mashg‘ulotlari ekskursiya, viktorina, konkrus, spektakl va hokazo shaklda o‘tkazilishi mumkin. Bunday holda mashg‘ulot rejasida uni o‘tkazish shakli „Matematik viktorina“, „Fantaziyachilar konkursi“, „Hayvonot bog‘iga ekskursiya“ kabi nomlar bilan birlashtiriladi. Agar dars mashg‘uloti o‘zida birorta o‘tkazish shakllarini birlashtirsa, unda bolalarni joylashtirish usuli ko‘rsatiladi: aylana, jamoalar va hokazo. Mashg‘ulotning borishida uning mazmuni, tarbiya metodlari tavsif etiladi va pedagogning mashg‘ulotni birinchi shaxs nomidan batafsil, izchillik bilan bayon qilishidan iborat bo‘lishi mumkin yoki (pedagogning shaxsiga qarab) asosiy mazmuni kartochkalarda ifodalangan tezisli plandan tashkil topishi mumkin. Mashg‘ulotning borishini modellashtirishda uning davomiyligi va strukturasi hisobga olish zarur. Dars tarbiyaviy mashg‘uloti olti yoshlilar uchun 15 — 20 daqiqadan o‘n-o‘n bir yoshlilar uchun 1 — 2 soatgacha davom etishi mumkin. Mazmuni va metodlari bo‘yicha xilma-xil bo‘lgan dars mashg‘ulotlarini samarali o‘tkazish maqsadida uning asosiy to‘rt bosqichdan iborat bo‘lishiga amal qilish ma‘qul:

1. Tashkiliy qism (0,5 — 3 daqiqa). Pedagogik maqsad: bolalarni o‘quv faoliyatidan faoliyatning boshqa turiga ko‘chirish, ana shu faoliyat turiga qiziqtirish, ijobiy his-tuyg‘ular uyg‘otish. Tipik xatolar: darsning boshlanishini aynan takrorlash, uning vaqt jihatidan uzoq davom etishi. Tavsiyalar: tashkiliy qismda kutilmagan holatni yuzaga keltirish, ya‘ni topishmoqlar, muammoli masalalar, o‘yin momenti, tovush yozuvlari va hokazolardan foydalanish; bolalarni uyushtirish shakllarini o‘zgartirish; bolalarni boshqa xonaga, binoga (biologiya, fizika, musiqa sinflariga, kutubxonaga, maktab muzeyiga) o‘tkazish yoki ularni sinfda gilamcha, aylana shaklda joylashtirish bolalarning darsdan tashqari faoliyati samarali kechishiga yordam beradi.

2. Kirish qismi (butun mashg‘ulot vaqtining 1/5 qismidan 1/3 qismigacha). Pedagogik maqsad: bolalarni faollashtirish, ularni tarbiyaviy ta‘sirga moyil qilish. Pedagog o‘zining pedagogik prognozi haqiqatda bolalarning imkoniyatlari, shaxsiy sifatleri, mazkur mavzu yuzasidan xabardorlik darajasi,

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

emotsional kayfiyati, faollik, qiziqish darajasi bilan qanchalik mos tushishini aniqlaydi. Bu bosqichda pedagogdan bolalarni qiziqtirishgina emas, balki mashg'ulotning borishi davomida unga qanday tuzatishlar kiritishi kerakligi va tuzatishlar qanday xarakterda bo'lishini aniqlash talab etiladi. Shunday qilib, kirish qismining maqsadi bolaning shaxsiy tajribasidan mashg'ulot mavzusiga "ko'priktashlash"dan iborat.

Pedagog mashg'ulotning kirish qismini bolalarning faolligiga emas, balki shaxsiy faollik asosiga quradi, teskari aloqani mensimay, bolalarga passiv tinglovchilar rolini beradi. U bolalarning emotsional kayfiyatini e'tiborga olmaydi. Tavsiyalar: kirish qismi mashg'ulotning mazmuniga qarab bilish xarakteridagi kirish suhbatidan, estetik va axloqiy mashg'ulotlar yoki aqlni "charxlab olish" topshiriqlaridan (viktorina, konkurs va h. k.) iborat bo'lishi mumkin. Birinchi holatda savollar, ikkinchisida esa topshiriqlar bolalar uchun qiziqarli bo'lib qolmay, pedagogga o'quvchilarning tayyorlangan materialni idrok qilishga tayyorligi haqida axborot berishi kerak. Kirish qismida pedagog bolalarning bo'lg'usi mashg'ulot haqidagi dastlabki tasavvurlarini shakllantiradi, ularning faoliyatini tashkil etadi, ya'ni baholash tizimi bilan tanishtiradi, mashg'ulot rejasini ma'lum qiladi, ularni jamoalarga bo'ladi. Baholashning an'anaviy tizimida pedagog aniq mezonlarni berishi, zarur qoidalarni tushuntirishi kerak. Bolalar jamoalarga bo'linganda ularning xatti-harakatlarini raqobat asosiga emas, balki hamkorlik asosiga qurish lozim. Buning uchun quyidagi usul samaralidir: jamoalarga to'g'ri javoblar uchun ochkolar o'rniga qirqib ajratilgan rasmning bo'lakchalari tarqatiladi. Mashg'ulotning yakuniy qismida bu bo'laklardan umumiy rasm yig'iladi hamda ballar miqdori emas, balki umumiy natija muhimligi ayon bo'lib qoladi. Mashg'ulotning kirish qismida bolalarni faollashtirishning turli-tuman metodlari hamda vositalaridan: muammoli suhbat, rebus, krassvord, topqirlik va chaqqonlikka doir topshiriqlar va hokazolardan foydalanish mumkin.

3. Mashg'ulotning asosiy qismi — vaqt jihatidan eng davomli bo'lishi kerak (mashg'ulotning 2/4, 1/3 dan sal ko'proqismi). Pedagogik maqsad: mashg'ulotning asosiy g'oyasini amalga oshirish. Tipik xatolar: bolalarning qisman yoki butunlay passivligida pedagogning faolligi, metodlarning bir xilligi — faqat hikoya yoki suhbat. Ko'rgazmalilikning yo'qligi, foydalaniladigan tarbiya vositalarining juda ham kamligi. Metodik tavsiyalar: agar bolalar maksimal ravishda faol bo'lsalar, mashg'ulotning rivojlantiruvchi, to'g'rilovchi, shakllantiruvchi, tarbiyalovchi, ta'lim beruvchi vazifalarini amalga oshirishda tarbiyaviy samara yuqori bo'ladi. Darsdan tashqari mashg'ulotda bolalarni faollashtirishda darsdan farq qiladigan alohida emotsional muhitni yaratish birinchi darajali ahamiyatga ega. Masalan, bolalardan qo'llarini ko'tarish, o'rnilaridan turish talab etilmaydi. Intizomni saqlab turish uchun alohida qoidalar joriy qilinadi. Bir masala yuzasidan bir necha o'quvchi o'z fikrini bildirishi eng qulaydir. Pedagogning nutqida „to'g'ri“, „balli“, „ofarin“ deb baholaydigan fikrlarning bo'lmasligi, baholar o'rniga xayrixohlik, his-hayajon, pedagogning his-tuyg'ularini ifodalovchi, qoyil qolish bilan aytilgan „Ha“, „Juda qiziqarli“, „Yangi xabaring uchun rahmat“, „Shundaymi?“, „Buni qarang-a!“ kabi iboralardan foydalanish iliq, xayrixohlik muhitining yaratilishiga yordam beradi. Agar pedagog xulq-atvorni shakllantirishning xilma-xil metodlaridan iloji boricha ko'p foydalansa, vaziyatni, o'yinni tarbiyalovchi mashqlar, o'rgatish, topshiriqlar berish, mashg'ulotga turli xil faoliyat turlari: mehnat, ijodiy ishlar, sport elementlari va hokazolarni kiritisa, samaradorligi shuncha oshib boradi. Pedagog turli faoliyat turlarini tashkil etishda bolalarni jamoalarga birlashtirar ekan, ularni bir-birlari bilan erkin muomalada bo'ladigan qilib joylashtirishi, vazifalarni esa har bir ishtirokchi o'zi uchun alohida emas, balki o'zini jamoaning bir qismi deb his etadigan qilib taqsimlashi kerak. Topshiriqni bajarish uchun vaqt berishda jamoaga uni bajarishni muhokama qilishiga bir necha daqiqa vaqt ajratish va jamoa vakilidan tayyorligini so'rash lozim. Shunday qilingan taqdirdagina bolalarda faoliyatning umumiy maqsadi, xilma-xil vazifalar va hamkorlik uchun sabab (motiv)lar bo'ladi. Ongni shakllantirish metodlari bolalarda e'tiqodning, amaliy-axloqiy tushunchalarning tarkib topishiga yordam berishi kerak. Bu maqsadlarda hikoya metodini o'quvchining axboroti, ma'ruzasi tarzida o'zgartirish, tez-tez munozaradan foydalanish yaxshi samara beradi. Darsdan tashqari tarbiyaviy ishlarning ommaviy shakllarida bolalarni munozara qoidalariga o'rgatish lozim:

a) shuni yodda tutingki, bahslashuvchilar haqiqatni izlaydilar, ammo uni turlicha tasavvur qiladilar; bahsda umumiy mazmunni aniqlash, keyin esa qarashlardagi farqni oydinlashtirish va bunga hurmat bilan munosabatda bo'lish kerak;

b) munozaraning maqsadi — tomonlardan birining haqligini aniqlash emas, balki haqiqatni qaror toptirishdir;

d) haqiqatni opponent shaxsiga ayblar qo'yish bilan emas, balki dalillar yordamida qidirish zarur;

e) so'zlovchini avval hurmat bilan tinglash, keyin esa o'z nuqtayi nazarini bildirish lozim.

4. Mashg'ulotning yakuniy qismi.

Pedagogik maqsad: bolalarning egallagan tajribalarini o'zlarining ta'lim dargohidan tashqi hayotlarida amalda qo'llashga moyil qilish (xohish uyg'otish) va mashg'ulot qanchalik muvaffaq bo'lganligini aniqlash. Shunday qilib, yakunlovchi qism pedagogning bolaga boshqa muhitda tarbiyaviy ta'sir ko'rsatishiga imkon beradi. Tipik xatolar: bu qism umuman inkor qilinadi yoki „Yoqdimi?“, „Yangidan nimalarni bilib

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

oldingiz?“ qabilidagi ikki savoldan iborat bo‘lib qoladi. Tavsiyalar: dastlabki natijalarni aniqlash uchun krossvord, kichik viktorina, berilgan savolga uzoq o‘ylamay tez javob qaytarish, o‘yin vaziyatlari kabi bolalarni qiziqtiradigan test xarakteridagi nazorat topshiriqlari, bolalarning egallash tajribalarini shaxsiy hayotlarida qo‘llashga doir turlicha tavsiyalar berish. Bu mazkur muammoga doir kitoblarni ko‘rsatish, bolalarning mashg‘ulotda egallagan bilim, malaka va ko‘nikmalarini qo‘llashi mumkin bo‘lgan vaziyatlarni muhokama qilish bo‘lishi mumkin. Hosil qilingan tajribani qo‘llashga doir bolalarga maslahatlar: ular o‘z yaqinlariga nimalarni gapirib berishlari, mazkur mavzu yuzasidan nimalar haqida so‘rashi mumkin; qayerga borish, u yerda nimalarga e‘tibor berish, qanday o‘yinlar o‘ynash, mustaqil ravishda nimalar qilish va hokazo. Yakunlovchi qismda mashg‘ulot mavzusini kelgusida yana yoritib borish zarurati bormi, bor bo‘lsa, buni qanday yo‘l bilan amalga oshirish mumkinligini aniqlash maqsadga muvofiqdir. Mashg‘ulotning yakunlovchi qismidan pedagog bundan keyingi dars mashg‘ulotlarini o‘tkazishda bolalar tashabbusini rivojlantirish uchun ham foydalanishi mumkin. Darsdan tashqari tarbiyaviy ishlarning individual va ommaviy shakllari, agar ularni tashkil etish va o‘tkazishda ota-onalar bevosita ishtirok etsalar, bolalarga tarbiyaviy ta’sir ko‘rsatishda ancha samarali bo‘ladi.

Adabiyotlar

1. Azizxo‘jayeva N.N. Pedagog mutaxassisligiga tayyorlash texnologiyasi. – T., TDPU, 2000.
2. Azizxo‘jayeva N.N. Pedagogik texnologiya va pedagogik mahorat. – T.: Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – T.: TDPU, 2003.
3. Mavlonova R. A., Rahmonqulova N. X., Normurodova B. A., Matnazarova K. O. Tarbiyaviy ishlar metodikasi. Darslik. – Toshkent, 2014.
4. Ishmuxammedov R.J. Innovation texnologiyalar yordamida ta’lim samaradorligini oshirish yo‘llari. – T., TDPU, 2004.
5. Ochilova G. Pedagogik mahorat. – T., 2005.

Муталиб МИРЗАЕВ

Термиз давлат университети
педагогика кафедраси тадқиқотчиси

КИТОБХОНЛИК – МАЪНАВИЙ ТАРБИЯНИ ШАКЛЛАНТИРУВЧИ ОМИЛ СИФАТИДА

Ушбу мақолада китобнинг инсон маънавиятида тутган ўрни, ҳар бир шахснинг шаклланишида, унинг маънавий тафаккурини тарбиялашда алоҳида аҳамиятга эга эканлиги таъкидланган. Шунингдек, китобхонликни кенг ёйиш ва тарғиб этиш, ёшларимизнинг китобга бўлган муҳаббатини ошириш, уларнинг маънавий иммунитетини янада юксалтириш учун бугунги кунда олиб борилаётган давлат миқёсидаги амалий ишлар, китобнинг жамиятдаги ўрни ва унга бўлган эътибор ҳақида тавсия ва хулосалар берилган.

Калит сўзлар: китоб, китобхонлик, маънавий тафаккур, маънавий тарбия, гоя, адолатлилик, бағри кенглик, инсонпарварлик, билимдонлик, ақлий етуклик.

В этой статье подчеркивается роль книги в духовности человека и в формировании каждого человека, его или ее духовного мышления. Кроме того, даются рекомендации и выводы о текущей общегосударственной практической деятельности, роли книги в обществе и ее внимании к популяризации и популяризации чтения, повышению любви нашей молодежи к книге и укреплению их духовного иммунитета.

Ключевые слова: книга, чтение, духовное мышление, духовное воспитание, идеи, справедливость, щедрость, гуманизм, знания, умственная зрелость.

This article emphasizes the role of the book in the spirituality of the human being, and in the formation of each individual, his or her spiritual thinking. Also, recommendations and conclusions are given on the current state-wide practical activities, the role of the book in society and its attention to the popularization and popularization of reading, to increase our youth's love for the book, and to further their spiritual immunity.

Keywords: book, reading, spiritual thinking, spiritual education, ideas, justice, generosity, humanism, knowledge, mental maturity.

Мамлакатимизнинг таълим тизимида ёш авлодга замонавий билим ва хунарлар бўйича мустаҳкам таълим бериш билан бирга, уларни ҳар қандай мафкуравий таҳдид ва тажовузларга берилмайдиган қилиб тарбиялашдан ташқари, шундай кучларга қарши фаол кураша оладиган, мустақил тафаккурга ва етук онг ва фикрга эга бўлган, катта ишонч ва мақсад билан яшайдиган фидойи, юксак маънавиятли инсонлар этиб тарбиялаш долзарб аҳамият касб этади[4]. Айниқса, халқимизнинг асрлар оша яшаб келган анъаналари, урф-одатлари, тили ва руҳи негизига қурилган миллий мустақиллик мафкураси умуминсоний кадриятлар билан маҳкам уйғунлашган ҳолда келажакка ишонч туйғусини ўқувчилар қалби ва онгига етказиш, уларни ватанга муҳаббат, инсонпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳалоллик, мардлик, сабр-бардошлилик, билим ва маърифат эгаллашга интилиш кабилар орқали тарбиялаш шахс маънавий тафаккури орқали камолотига олиб боровчи, қолаверса, турли ёт ғоялар таъсиридан химоялашда энг самарали йўлдир[9]. Бундай фазилатларга эга шахснинг маънавий тарбияси учун, аввало, ўқув-тарбия жараёнида:

- ёшлар онгига шарм-уҳаё ,одоб-андиша, ота-оналарга хурмат, катталарга иззат-эҳтиром, кичикларга шафқат каби олижаноб фазилатларни шакллантириш;
- шахснинг ривожланишида ўзаро муносабатлар ҳамкорлиги, буюк аждодларимиз меросига улкан ғурур туйғуларини сингдириш, асрлар оша бизгача етиб келган кадриятлар ва урф-одатларга беқиёс хурмат кўникмаларини шакллантириш;
- ўз дини ва ўзга динларга нисбатан бағрикенглик тамойилларини сингдириш;
- шахс камолоти ва маънавияти ижтимоий жамиятдаги муҳим омиллардан эканлигини англашиш;
- инсоний фазилатлар ва ғайриинсоний қарашларнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиш;
- инсонларга хос самимийлик, ватанпарварлик, меҳр-оқибат, имон-эътиқод, фидойилик каби фазилатларнинг жамият тараққиётидаги энг асосий омиллардан бири эканлигини англашиш;
- ёшларда мустақил, ижодий фикрлаш, ахборотларни саралаш, таҳлил этиш малакасини шакллантириш зарур деб ҳисоблаймиз.

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

Узлуксиз таълимнинг ҳар бир босқичида ўқувчи-ёшларнинг ёши, психологик хусусиятлари, ўзлаштириш имкониятларини инобатга олиб, ўқув фанларининг хусусиятидан келиб чиқиб, уларнинг калби ва онгини турли зарарли ғоя ва мафкуралар таъсиридан ҳимоя қилишни давом эттириш ва илмий-оммабоп, бадий, тарихий асарларни ўқишга қизиқишларини мунтазам ошириб бориш лозимлигини қайд этган ҳолда умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларига қуйидагиларни тавсия сифатида келтиришни лозим топдик:

- халқ оғзаки ижоди намуналари: эртақ, масал, ривоят, достонларда акс этган миллий ва умуминсоний қадриятлар, ҳамжиҳатлик, мардлик тушунчалари акс этирилган қаҳрамонлар қиёфаси орқали эзгу тушунчаларни сингдириш;
- миллий эртақ қаҳрамонлари орқали ҳалоллик, ростгўйлик, виждонлилик, меҳнатсеварлик, ўз сўзининг устидан чиқиш инсон кўрки эканлигини англаштириш;
- шахс маънавий камолотида миллий ғурур ва миллий ифтихор туйғуларини давлатимиз рамзлари мисолида тушунтиришдан иборат.

Юқори синфларда:

- бадий, тарихий асарларда акс этган миллий ва маънавий қадриятларнинг моҳиятини юксак инсоний фазилатлар: юртга муҳаббат, ватанга садоқат, унга дахлдорлик туйғуларини шакллантириш;
- асар қаҳрамонларида мавжуд бўлган ижобий хислатлар: фидойилик, тинчликсеварлик тушунчаларининг умумий мазмуни, тафаккур озодлиги, онг ва шуурнинг тазйикдан ҳалос этилганлиги, ақлий заковат, руҳий, маънавий салоҳият каби тушунчаларнинг мақсадга йўналтирилганлиги;
- асардаги воқеаларни ўқувчи ҳаётидаги воқеликлар билан солиштириб, кундалик фаолиятида одоблилик, ростгўйлик, виждонлилик фазилатларини шакллантириш;
- Ватанимизнинг истиқболи ва истиқлоли ҳақида қайғуриш, ўз халқининг кадр-қиммати, орномусини англаш ва уни ҳимоя қилиш, эзгу ниятлар оғушида меҳнат қилиб, ўз истеъдоди, бор имконияти, керак бўлса жонини юрт истиқболи, элига бахшида этиш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 13 сентябрда «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори № 20621 эълон қилинди. Ушбу қарор маънавий ҳаётимизни юксалтиришда улкан аҳамиятга эга бўлиб, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишга кўмаклашади. Ана шундай муҳим вазифаларни комплекс ҳал қилиш, китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини такомиллаштириш, ўзбек ва дунё адабиётининг энг яхши намуналарини интернет тармоқларига жойлаштириш ва уларни тарғиб қилиш ҳамда кенг китобхонлар оммасига етказиш ишларини самарали ташкил этиш мақсадига мувофиқдир[3].

Бугунги кунда кўпчилигимиз мактаниб: “Ёшларимиз компьютерни яхши билишади, интернет тизимидан хоҳлаган ахборотни бир зумда олишади”, – дея кўп гапирамыз. Аслида-чи, тўғри, ёшларимиз компьютер ривожланган асрда яшашапти, хорижларда таълим олишапти. Асосий билимни интернет саҳифаларидан олишга ҳаракат қилишапти. Интернет саҳифалари нафақат инсоният ақлининг маҳсули, балки илоҳий неъмат бўлган китобнинг ўрнини боса олармикан. Эътибор берадиган бўлсак, болаларимиз тобора китоб ўқимаёти буюришапти. Муҳтарам Президентимиз Ш.М. Мирзиёев бошчилигида китобхонликни янада ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар бизни янада қувонтираётган бўлса-да, бугунги кунда фарзандларимизга китоб ўқишни, китобга меҳр қўйишни ўргатишимиз машаққат бўлмоқда.

Эътироф этиш жоизки, юқорида тилга олинган аниқ амалий тавсиялар Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан кўрсатилган фармойиши китоб, китобхонлик маданиятининг жамият маънавий ҳаётидаги ўрнини юқори босқичга кўтарганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Бу муҳим ҳужжат мамлакатимизда маънавий-маърифий жараёнларни изчиллик билан амалга ошириш, китобхонлик маданиятини юксалтириш, ёшларимизнинг маънавий тафаккурини ривожлантириш ва баркамол бўлиб тарбияланиши учун зарур шарт-шароитларни янада кенгайтириш йўлидаги муҳим қадамдир. Ҳар қандай бузғунчи куч ва хуружни юксак маънавият билан енгил мумкин. Шу маънода китобхонлик бугун барчамиз учун ҳаётини заруратга айланмоғи керак. Ушбу масалага шахсан давлатимиз раҳбари томонидан алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада муҳим вазифаларнинг белгилаб берилаётганлиги аҳоли ўртасида юксак маънавий тафаккурни, юксак онг ва маърифатпарварликни тарғиб қилиш йўлида барчамиз учун янги ибрат босқичини бошлаб берди, дейиш мумкин.

#3, 2020 PEDAGOGIK MANORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

Буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳазратлари «Китоб – беминнат устоз, билим ва маънавий юксалишга эришишнинг энг асосий манбаи», дея таъкидлаган бўлса, соҳибқирон бобомиз Амир Темур «Китоб – барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-идрокнинг, илм-у донишнинг асосидир. Ҳаётни ўргатувчи мураббийдир»[5], дея уқтирган. Китобнинг биринчи мўъжиза эканига бутун вужуди билан ишонган адабиётшунос олим Фитратининг теран томирлари қандай сарчашмалардан сув ичганини галдаги мулоҳазаларимиз тасдиқлайди. Жумладан, ёзувчи ва драматург С. Цвейг «Қаердаки китоб бор экан, у ерда одам ўзи билан ўзи авора бўлмайди, ўз кўлами доирасида қолиб кетмайди, у ўтмиш ва бугунги куннинг барча оламшумул ютуқларига, бутун инсониятнинг фикр ва туйғуларига ошно бўлади», деб ёзади. Ёзувчи ва файласуф Ж. Свифт «Китоблар ақл фарзандларидир», деса, педагог ва ёзувчи Я. Коменский «Китоблар донишмандликни ёйиш куролидир», дейди. Кўриниб турибдики, маънавий камолотга етакловчи беминнат устоз ва битмас-туганмас маънавият бойлик саналган китоб ҳақидаги фикрларни бир жойга жамласа, уларнинг ўзи бир китоб бўлиши, шубҳасиз. Маънавий жасорат соҳиби деб ардоқланган атоқли адабиётшунос олим ва таржимон Озод Шарофиддинов дунёдаги етти мўъжизага таъриф бериб «...етти мўъжиза инсон ақлининг, тафаккурининг, қалбининг оташин мадҳияси, инсон даҳосининг улуғлигига қўйилган мангу обида бўлиб келмоқда. Бироқ шундай бўлса-да, оламда яна бир мўъжиза борки, унинг буюклиги, муқаддаслиги етти мўъжизанинг жамики улуғворлиги, гўзаллигидан камлик қилмайди. Бу мўъжиза – китоб. Китобнинг мўъжиза, мўъжиза бўлганда ҳам биринчи мўъжиза эканлигини кўпгина буюк одамлар қайд қилган» деб ёзади.

Ҳозирги кунда оилавий китобхонлик маданиятига эришиш – давр талабидир. Китоб – инсон умр йўллари эритувчи сўнмас нур, инсон ҳаётига мазмун бахш этувчи саодат манбаи, ҳар қандай вазиятда ҳам ҳамроҳ бўлгучи содиқ дўст. Инсоннинг руҳий-маънавий камолотини таъминлашда китобчалик кучли қудратга эга восита йўқдир. Шу боисдан, азал-азалдан маърифат пешволари, аҳли донишлар бутун инсониятни китоб ўқишга, ундан илм-у одоб сирларини ўрганишга чорлаб келишган. Тарбиянинг барча мезон ва унсурлари, аввало, оилада шакллантирилганидек, китобхонлик маданиятини тарбиялашда ҳам оиланинг ўрни ниҳоятда каттадир. Қуш уясида кўрганини қилади, деган нақлга таянса, бу моҳият янада долзарб босқичга кўтарилади.

Дарҳақиқат, шахс такомилда оилавий муҳит, оилавий кадрятлар асосий восита ролини ўтайди. Ота-онанинг маънавий даражаси, ахлоқий қарашлари бевосита фарзандга ҳам кўчиб ўтади, фарзандлар шахсиятида акс-садо беради. Бинобарин, китобхонлик, бадиий адабиётга муҳаббат ҳам инсон маънавий тафаккурини, тарбия аҳволини намоен қилувчи муҳим хусусиятлар сирасидандир. Китоб дунёсига ошуфта, адабий оламга ҳамнафас, бадииятдан баҳраманд қалб эгаси ўзидаги бу туйғу ва фазилатларни атрофидагиларга, айниқса, оиласига ҳам юқтириши, сингдириши эҳтимоли юқори. Китобхон ота-оналарнинг фарзанди ҳам китобга ўзгача меҳр кўрсатади, бу маънавият хазинасига табиий қизиқиш ва интилишга олиб келади. Шу боис китобхон авлод тарбиясида, аввало, ота-онанинг тарбияли бўлиши, бадиий адабиётга ошно эканлиги муҳим заруриятдир. Яқин атрофдаги таниш оилаларимиз ҳаётига синчков назар ташласак, қайси оилада китобхонлик маданияти қай даражада шаклланганлигига амин бўламиз. Кимдир дунёвий ҳодисалар уммонида сузиб юришни хуш кўрса, кимлардир бадиий адабиёт осмонида сайр этишга иштиёқманд. Кимдир бир ойда бир китоб ўқишга вақт ажратса, яна кимлардир бир ҳафтада бир китоб мутолаа қилишни лозим билади. Хуллас, китоб билан ҳамма ўз оламида, ўз хоҳиш ва имкониятлари чегарасида турли ҳолатда юзлашади. Шу ўринда, моҳиятни янада аниқлаштириш учун айнан бир оила мисолида китобхонликка қаратилган эътибор хусусида тўхталиб ўтамиз.

Шундай оила борки, улар хонадонда китоб ўқиш кундалик машғулот, жиддий фаолият сифатида кадр топган. Беш фарзанд ўстираётган бу хонадон соҳиб ва соҳибалари ҳам ўзлари, ҳам фарзандларининг китобхон бўлиши учун интилишади. Ўзи туғилиб ўсган оилавий муҳитида ўз вақтида китобга муҳаббат, адабиётга эътибор билан улғайган, китобхонликни оилавий муҳим кадрятга айлантирган бу инсонлар бугун фарзандларининг ҳам китоб аталмиш буюк ва бебаҳо хазинадан баҳрабанд бўлиб, маънавий баркамолликка эришишини истайди. Бунинг учун, ҳам ота, ҳам она ўз вақти ва имкониятига қараб, сермазмун, бадиий-эстетик аҳамияти юқори бўлган турли адабий жанрдаги, жаҳон ва ўзбек адабиёти дурдоналарини, диний-маърифий сарчашмаларни танлаб харид қилишади. Бу асарларни фарзандларининг ёш ва қизиқишлари, ақлий салоҳияти, ўзлаштириш қобилиятини эътиборга олган ҳолда тақсимлаб беришади. Энг муҳими, китоб тақдим қилинганда, ҳажмини ҳам эътиборга олган ҳолда, мутолаа учун муайян вақтлар ажратишади.

Оила бошлиғи, яъни ота, бу борада янада талабчан. У ҳар куни ўқилиши лозим бўлган саҳифа миқдорини белгилаб беради, шеърини асарларга алоҳида қизиқиш билдириб, ҳар бир фарзандига шеърлар ёдлаб боришни тайинлаб туради. Деярли ҳар кеч ишдан қайтгач, овқатлангандан сўнг,

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

фарзандларини бирин-кетин чакириб, бир педагог каби топширилган вазифа ижросини қабул қилиб олади. Яъники, фарзандлар ўзлари ёд олган шеърларни айтиб беришади; ўқиётган асарларидан белгиланган саҳифалар ва унинг мазмунини гапиришади; қаҳрамонлар фаолияти, характер-хусусиятига муносабат билдиришади. Китобни яқунлаганлар эса асардан олган таассуротларини ҳам ўртоқлашади. Бу жараёнда фарзандларнинг ўзлаштириш кўрсаткичи, топшириққа масъулият билан ёндашиш даражаси, китобхонлик маданияти ҳам ойдинлашиб, ўзига хос ёндашувларга турки бўлади. Яна бир муҳим жиҳати, фарзандлар ўзига тегишли асарни ўқиб бўлгач, китоблар алмаштирилади, бири-иккинчисининг китобини ҳам ўқиб-ўзлаштириб бораверади. Шунингдек, оила даврасида ҳам китоб ўқиб бериш йўлга қўйилган. Онанинг уй юмушлари кўп бўлгани боисидан, кўпинча, дам олиш кунлари ота фарзандларини атрофига тўплаб, тарбиявий аҳамияти юқори (“Тарихи Муҳаммадия”, “Ижтимоий одоблар”, “Хамса” каби) асарларни мутолаа қилиб, мазмунини тушунтириб беради. Натижада, фарзандларнинг умумий тарбиясида ҳам ижобий моҳият акс этади.

Бугун жамиятимизда китобхонликни ривожлантириш, мутолаа маданиятини такомиллаштириш борасида ҳар доимги даврдан бир неча баробар кўп миқдорда самарали ишлар амалга оширилмоқда, ташвиқот-тарғиботлар олиб борилмоқда. Бироқ шундай бўлса ҳам, оилавий муҳитда китобхонлик маданияти такомилли кониқарли даражада эмас. Юқорида кўриб ўтганимиз каби китобсевар оилалар билан бир қаторда, уларнинг акси бўлган оилавий муҳитни ҳам учратишимиз ачинарли. Кўпгина оилалар, ота-оналар на ўзлари китоб ўқишга қизиқишади, на фарзандларини бу борада тўғри йўналтиришади. Шунингдек, оилавий китобхонликда китоб танлови маданиятига ҳамма ҳам етарлича аҳамият қаратиларвермайди. Бадиий асар танлашда фарзандининг ёш ва физиологик хусусиятлари, рухий-маънавий дунёси, қизиқиш ва интилишлар кўламини назарда тутмас экан, ҳар қандай китобсевар ота-она бу борада ижобий ютуқларга эриша олмайди. Кўринадики, мутолаа маданиятининг ҳам ўзига хос меъёр ва талаблари мавжуд. Шуларни эътиборга олган ҳолда, оилавий китобхонлик маданиятига эга бўлиш учун қуйидаги тавсияларни эътиборга олиш назарда тутилади:

- китоб мутолаасида ота-она ҳаммиса фарзандларга ўрнак бўлиши;
- муайян вақтларда оила даврасида навбатма-навбат китоб ўқиб беришни йўлга қўйиш;
- ҳар бир фарзанднинг ёш ва характер хусусиятини, рухий-маънавий дунёсини назарда тутган ҳолда китоб тақдим қилиш;
- кичик ёшдаги болаларга кўпроқ ранг-баранг суратларга йўғрилган, катта-катта ҳарфларда ёзилган, унинг беғубор ҳаёлотли сарҳадларини акс эттира олган асарларни танлаш;
- ўрта ёшли китобхон фарзанд учун эса унга тенгдош қаҳрамонлар тақдири акс этган, ҳаётий, ҳаёлий-фантастик воқеалар тасвирланган, кўнгил кечинмалари жонлантирилган асарларни тавсия қилиш;
- катта ёшдаги мустақил, оила қурган фарзандлар билан ҳам тез-тез китоб мутолааси хусусида суҳбат ўтказиб, зарурий тавсиялар бериб туриш (бу оилавий китобхонлик анъанасини мукаддас кадрият сифатида давом эттиришга замин яратади);
- жамиятнинг моддий-маънавий тараққиёти учун муносиб ҳисса қўшадиган юксак маънавиятли, интеллектуал салоҳиятли оила сифатида кадр топиш.

Бинобарин ёшларнинг маънавияти ва дунёқараши, мафқурасига ёт ғояларнинг таъсир этишининг олдини олишда қуйидагича хулосаларга келдик:

- оммавий маданият ва терроризмнинг ёшларга ғоявий ва мафқуравий таъсирининг олдини олишда кенг жамоатчилик (ота-она, бобо-буви, маҳалла)нинг ролини янада ошириш;
- экстремизм ва террорчиликнинг дунё бўйлаб тарқалиши, уларнинг мақсадларидаги ўхшашлик, яқинлик, экстремистик ташкилотларнинг яшаш ва қуролланиш манбалари каби йўналишларни илмий тадқиқ этиш ҳамда уларнинг танлаган ғоялари ва йўллари пуч эканлигини ёшларга тушунтириш;
- Ўзбекистонда глобаллашув ва экстремистик мафқураларга қарши ғоявий курашнинг назарий-услубий жиҳатларини тадқиқ этиш ва «жаҳолатга қарши маърифат билан курашмоқ керак»[1] шиорини жонлантириш;
- ёшларга мамлакатимиз тараққиётига раҳна солаётган ҳар қандай ғоявий-мафқуравий қарашларнинг олдини олишда, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишларини назоратга олиш;
- таълим муассасалари, маҳаллаларда кутубхоналарни ташкил этиш ва китоб фондини бойитиш;
- ҳар бир оилада шахсий кутубхонанинг ташкил топишига эришиш кабилар.

Юқоридаги фикр мулоҳазалардан кўринадики, маънавий баркамол китобхон авлод тарбиясида оила муҳим ва мустаҳкам пойдевор. Шу боис жамиятда китобхонликни ривожлантириш, мутолаа

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

маданиятини такомиллаштириш борасидаги ҳар қандай фаолиятда оила билан ҳамоҳанг, ҳамфикр иш юритиш кўзланган мақсадларга эришишга муносиб замин яратади[2]. Шундай қилиб, китоб ўқиш маънавий оламни бойитади, сўзлашув маданиятини оширади. Буюк олимларининг айтганидек, буюк аждодларимиздан қолган миллий бойлигимизни авайлаб-асраш, уларни ўрганиш ва афкор оммага тарғиб қилиш учун ҳам китоб ўқиш лозим.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”.–Т.: “Ўзбекистон”, 2017.
2. Мирзиёев Ш.М. Ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратиш бўйича беш ташаббус.–Т.: “Сиёсат”, 3 апрель 2019 йил.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутоаласи ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги ПҚ-3271 сонли Қарори. –Т.: 2017.,13 сентябрь.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008 й.
5. Амир Темур.Темур тузуклари. –Т.: Шарқ.2003 й.
- 6.Абу Наср Форобий. Метафизика. –Т.: Фан.2004 й.
- 7.Матчонов С. Ғафлат ва Жаҳолат. –Т.: Чўлпон, 2016 й.
8. Фарбермен Б.Л. Педагогик технологиялар. – Т.:”Ўқитувчи”, 2001 й.
9. Худойқулов Х.Ж. Маънавий комиллик мезонлари. – Т.: “Наврўз”, 2016.

Феруза Саидкулова

Бухоро давлат университети
педагогика кафедраси тадқиқотчиси

ТАЛАБАЛАРДА ИҚТИСОДИЙ КОМПЕТЕНЦИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ-МЕЪЁРИЙ АСОСЛАРИ

Мақолада талабаларда иқтисодий ислохотларнинг маънавий асослари, иқтисодни эркинлаштириши, бозор иқтисодиётининг ўзига хослиги, демография ва иқтисодий сиёсат, интеллектуал мулк ва уни баҳолаш, оила бюджети ва унинг иқтисодий асослари, суғурта ҳамда солиқ тизимининг ижтимоий моҳияти, Ўзбекистонда стратегик, иқтисодий янгиланиш, ривожланиш ва тараққиёт йўлида бутун дунё билан ўзаро манфаатли иқтисодий алоқаларга эришиш, ёшларда мулкдорлик туйғусини шакллантириши, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг келиб чиқиш сабаблари ва уни бартараф этиши, ишлаб чиқаришни модернизациялаш йўллари, табиий ва инсон ресурсларидан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ иқтисодий билим, кўникма ва малакаларни шакллантира олиш ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: компетенция, танқидий саводхонлик, касбий тайёргарлик, касбий компетентлик, касбий фаолият самарадорлиги, глобаллашув жараёни.

В статье рассматриваются духовные основы экономических реформ, либерализация экономики, специфика рыночной экономики, демографическая и экономическая политика, интеллектуальная собственность и ее оценка, семейный бюджет и его экономические основы, социальная сущность страховой и налоговой систем, достижение взаимовыгодных экономических связей со всем миром на пути стратегического, экономического обновления, развития и развития в Узбекистане, формирование у молодежи чувства собственности, причины возникновения и преодоления мирового финансово-экономического кризиса, пути модернизации производства., речь идет об умении формировать экономические знания, навыки и навыки, связанные с рациональным использованием природных и человеческих ресурсов.

Ключевые слова: компетенция, критическая грамотность, профессиональная подготовка, профессиональная компетентность, эффективность профессиональной деятельности, процесс глобализации.

The article discusses the spiritual foundations of economic reform, liberalization of the economy, the specificity of the market economy, demographic and economic policy, intellectual property and its evaluation, family budget and its economic foundations, social nature of the insurance and tax systems, the achievement of mutually beneficial economic relations with the world on the path of strategic, economic renewal, development and development in Uzbekistan, the formation of the youth a sense of ownership, the causes and overcoming the world financial and economic crisis, ways to modernize production., it is about the ability to form economic knowledge, skills and skills related to the rational use of natural and human resources.

Keywords: competence, critical literacy, professional training, professional competence, efficiency of professional activity, the process of globalization.

Демократик давлат шакллантириш ва уни ривожлантиришнинг барча жараёнлари шахс, жамият ва давлатнинг ижтимоий, иқтисодий, илмий-техникавий, маънавий-маърифий ва маданий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда таълим тизими олдига муайян ижтимоий талабларни қўяди. Бу ўринда, устувор масала – қонунларнинг мазмун-моҳиятини халқимиз, айниқса, ёшларимизга ва масъул ижрочиларга ўз вақтида етказиш, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиш ҳамда қонун талабларига қатъий амал қилишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ҳар томонлама камол топган, таълим ва касб-хунар дастурларини онгли равишда танлаган ҳамда пухта ўзлаштирган, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологик-педагогик билимларга эга, жамият, давлат ва оила олдидаги ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялаш билан боғлиқ ижтимоий талаблар белгилаб берилган. Маълумки, ҳар қандай мақсад эҳтиёж туфайли пайдо бўлади. Демак, шахсий шижоат ташқи ижтимоий, шу жумладан, мақсадга йўналтирилган таълим-тарбия муҳити таъсири остида кечади. Шунинг учун ҳам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев бу вазиятга доир шуни таъкидладилар: “Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз” [1].

Мазкур долзарб вазифалар иқтисодий таълимнинг барча йўналишлари олдида қуйидаги муаммоларни ҳал қилишни талаб қилади:

- талабаларда иқтисодий амалиёт мотивациясини шакллантириш, меҳнат бозорида касбий мартаба ва хулқ-атвор кўникмаларини шакллантиришнинг асосий принципларига ўргатиш;
- барча ўқув фанлари орқали талабаларнинг ижтимоий ва иқтисодий компетенциясини шакллантириш;
- меҳнат бозорида рақобатдош мутахассисни шакллантириш;
- талабаларни касаба уюшма анъаналари ва қадриятлари, корпоратив этика билан ташиштириш;
- танланган мутахассислик бўйича ўзини такомиллаштиришга ижодий ёндашувни шакллантириш;
- талаба ўзида ижодийлик ва профессионалликни вужудга келтиришига шароит яратиш ва бошқалар.

Мамлакатимизда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасида, таълим ва тарбияда инсонпарварлик – таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойилларидан бири, сифатида ифодаланган. Шунинг учун, иқтисодий йўналишдаги талабаларга касбий билим, кўникма ва малакалар бериш муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, уларни аниқ касбга йўналтириш жараёнида меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, халққа хизмат қилиш, табиатга ва инсонга меҳр-шафқатли, мурувватли, саховатли бўлиш, халқ ҳунармандчилиги, миллий ва касбий анъаналар, диний эътиқод, одамларнинг шахсий фикрлари ҳамда ҳис-туйғуларини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш устувор вазифадир. Демак, талабаларни мазкур касбий компетенциялар ва шахсий сифатлар уйғунлиги асосида тарбиялаб бориш уни тўғри ҳамда онгли равишда касб-хунарга йўналтиришда ижтимоий аҳамият касб этади. Таълим жараёни фикрлаш ва малака ҳосил қилишга йўналтирилган бўлиши лозим, фақат ана шундагина яхши натижаларга эришиш мумкин [2].

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар маҳкамасининг фармон, қарор ва асарларида жамиятимизда амалга ошириладиган ижтимоий-иқтисодий, мафкуравий, маънавий-маърифий ўзгаришлар, ҳуқуқий-демократик жамият қуриш тамойиллари ўз аксини топган. Масалан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида талабаларнинг илмий салоҳияти ва компетентлигини оширишга хизмат қилувчи қуйидаги чаро-тадбирларга эътибор қаратилган [3]:

- таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, замонавий ўқув ва лаборатория асбоблари, компьютер техникаси ҳамда ўқув-методик қўлланмалар билан жиҳозлаш орқали уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан мақсадли чора-тадбирларни кўриш;
- узлуксиз таълимни янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш;
- таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, олий таълим муассасаларига қабул квоталарини босқичма-босқич кўпайтириш;
- илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ҳамда технопаркларни ташкил этиш.

Мамлакатимиз Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг “Миллий ғоя асосий тушунча ва тамойиллар” номли рисоласида эса таълим тизими олдида қуйидаги талаблар қўйилган:

- ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, маърифий ишларнинг самарали шакллари ва усулларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш;
- янги педагогик ва ахборот технологиялари, тайёргарликнинг модул тизимидан фойдаланган ҳолда ўқитиш самарадорлигини ошириш;
- халқнинг бой маънавий ва интеллектуал мероси ҳамда умумбашарий қадриятлари асосида таълимнинг инсонпарварлик йўналишини таъминлаш;
- ўқув-услугий мажмуаларнинг ҳамда таълим жараёнидаги дидактик ва ахборот таъминотининг янги авлодини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;
- ўқув жараёнини юқори сифатли ўқув адабиётлари ва илғор педагогик технологиялар билан таъминлашни амалга ошириш;

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

- ёшлар онги ва қалбига миллий ғоя ва мафқурани сингдириш, таълим муассасаларида мафқуравий тарбияни бугунги кун даражасига кўтариш;
- таълим беришнинг барча даражаларида таълим олувчиларнинг ҳуқуқий, иқтисодий, экологик ва санитария-гигиеник таълими ҳамда тарбиясини такомиллаштириш;
- юқори малакали кадрлар тайёрлаш, таълим тизимининг кадрлар салоҳиятини тубдан яхшилаш, педагогларнинг касбий нуфузини ошириш, таълим муассасаларини махсус тайёрланган малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, уларнинг фаолиятида рақобатга асосланган муҳитни вужудга келтириш.

Жамиятда кечаётган стратегик ижтимоий-иқтисодий ва маданий ўзгаришлар такомиллашган тарзда таълим тизимининг янги мазмун касб этишини таъминлади, илғор ғояларни ўзида намоён этувчи таълимий кадриятлар шаклланди. Бунинг учун халқнинг бой интеллектуал мероси ҳамда умумбашарий кадриятлар устуворлиги асосида таълимнинг барча даражалари ва бўғинларида ёшларнинг маънавий ва ахлоқий сифатларини ривожлантириш лозим [4].

Умуминсоний, маънавий-ахлоқий, касбий аҳамиятга молик кадриятлар таълим олувчини тарбиялашда хизмат қилиши, унинг кадр-қимматини ошириши, шахс омилининг таълим-тарбия жараёнларининг етакчи субъекти ва объекти сифатида тан олишини таъминлаши, унда ижодий фикрлаш, шунингдек, ижтимоий фаоллик кўникмаларини шакллантиришга ёрдам бериши билан аҳамиятлидир.

Аниқ компетентли хусусиятга эга бўлган малакали мутахассисни тарбиялаб, вояга етказиш ҳамда янгича стратегик ижтимоий-иқтисодий муносабатлар қарор топаётган мавжуд шароитда янада долзарб аҳамият касб этади.

Давлат таълим стандарти таълимнинг зарур, етарли даражада ҳамда ўқув юктамалар ҳажмига қўлланиладиган асосий давлат талаблари ва кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолашни белгилаб берувчи мезон бўлиб, и “Таълим тўхрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва асарларида белгилаб берилган вазифалар ҳамда педагог шахсини шакллантиришда умуминсоний, маънавий-ахлоқий, касбий аҳамият касб этадиган кадриятларни ўзида мужассамлаштиради.

Шунингдек, давлат таълим стандартларида касбий билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш, олийгоҳ талабаларнинг касбий шаклланиш жараёнининг субъекти сифатида иштирок этишининг педагогик шарт-шароитлари, механизм, метод ва технологиялари белгилаб берилган.

Давлат таълим стандарти таълим олувчиларнинг билими ва касбий малакаси даражасини вақти-вақти билан баҳолаш тартиби ва тартиботига, шунингдек, таълим фаолияти сифати устидан назорат қилишга нисбатан кўйиладиган тегишли талабларни белгиловчи меъёрий базани яратишга хизмат қилади. Улар биринчи босқичда талабаларда шахсий сифатларини ҳамда иккинчи босқичда амалий компетентлигини шакллантириш учун хизмат қилади.

Иқтисодий таълим йўналишидаги талабаларнинг касбий-шахсий сифатларини шакллантириш учун қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- давлат-хусусий шерикчиликни ривожлантириш ҳисобига давлат таълим тизимида рақобат муҳитини кенгайтиришнинг назарий ва амалий асосларини ўрганиш ҳамда унинг платформасини яратиш [5];
- юксак маънавият, миллий ғурур ва миллий ифтихор, ахлоқий фазилатлар, глобаллашув шароитида миллий иқтисодий ўзликни англаш, маънавий камолотга интилиш туйғуларини шакллантира олиш;
- бағрикенгликнинг ўрни ва аҳамиятини билиши, диннинг халқимиз маънавиятига, инсоннинг покланишида, жамиятни руҳий-ахлоқий жиҳатдан соғломлаштириш борасида ижобий таъсирини тарғиб қилиш кўникмалари билан боғлиқ диний бағрикенглик (толерантлик) маданиятига эга бўлиши лозим;
- талабалар юксак тадбиркорлик этикаси ва экологик маданият уйғунлиги, ички ва ташқи бозорларда кечаётган жараён ва ҳодисаларни яхлит тасаввур қила олиши, талаб ва таклиф ўзгарувчанлиги ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда фойдалана олиши, глобал экологик хавфлар, атроф-муҳит муҳофазаси билан шуғулланувчи давлат ва нодавлат ташкилотлари, жамиятнинг экологик барқарор ҳамда ўзгарувчан иқтисодиётнинг ривожланишини таъминлаш билан боғлиқ билим, кўникма ва малакаларни ўзида мужассамлаштирувчи экологик билим ва маданиятга эга бўлиши лозим;
- иқтисодий ривожланишни таъминлаш билан боғлиқ билим, кўникма ва малакаларни ўзида мужассамлаштирувчи экологик билим ва маданиятга эга бўлиши лозим;

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

- таълим олувчилар шарқона одоб-ахлоқ ва умумбашарий ғоялар руҳида камол топиши, соғлом турмуш тарзи ҳамда рақобатбардошлик маданиятига эга бўлиши лозим. Шу ўринда, асосий вазифа – бу юқори касб-маҳорати ва замонавий тафаккурга эга, пухта ўйланган, ҳар томонлама тўғри қарорлар қабул қила оладиган, белгиланган мақсадларга эришадиган раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг янги таркибини шакллантиришдан иборат [6].
- Амалий-касбий компетентлик сифатларига эга бўлиш қуйидагилардан иборат:
- замонавий мутахассис масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлиши керак;
- жамиятнинг демократик институтларини ривожлантиришда иштирок этиш;
- инқирозли ва фавқулотда вужудга келган вазиятларни тартибга солиш, улар асосида қарорлар қабул қилиш;
- маданият, дин, тил ва миллий урф-одатларнинг фарқларини тушунишга ва қабул қилишга тайёр бўлиш;
- бошқарув кўникмалари ва технологияларини доимий равишда такомиллаштириб бориш;
- назарий ва амалий дарс жараёнларидан ўринли фойдалана олиш;
- дидактик мақсадлар асосида машғулотнинг ҳар бир босқичи учун репродуктив ўқув топшириқларини ўз вақтида бажариб бориш;
- фанлараро, мавзулараро боғланишни амалга оширишни билиши лозим;
- тарбиялашнинг усул ва воситаларини эгаллаганлик маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда педагог илмий-назарий, маънавий-маърифий, маданий кадриятлардан самарали фойдаланиш малакасига эга бўлиши, ўқитиш жараёнида ёшлар онгига миллий ғояни сингдиришнинг мазмуни, воситалари, методлари ва шакллари билиши;
- ёшларни жамоага бирлаштириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, бажарилган ишни баҳолай олиш, таълим муассасаларида ташкил этиладиган маънавий-маърифий ишларнинг шакллари, педагогик этика меъёрларини билиши талаб этилади.

Талаба ёшлар мустақил ва ижодий ишларни ташкил этиш, мустақил ва ижодий фикрлаш кўникмаларини таркиб топтиришнинг ижтимоий-иқтисодий зарурати ҳамда назарий пойдеворларини билиши шарт.

Замонамизнинг ўта долзарб масалаларидан бири – бу талабалар информатика ва ахборот технологиялари асослари, ахборотларни сақлаш, қайта ишлаш, тарқатиш ва намойиш қилишни билиши, Microsoft Office дастурлари, жумладан, Windows операцион тизимида ишлаш олиши, Microsoft Excel дастурий муҳитида жадвали маълумотларни қайта ишлаш технологияси, Интернетнинг асосий имкониятлари, Интернетда ахборот майдонларини сараловчи Web сайтлари ҳақида маълумотлар, Интернетдан маълумот олиш ва маълумотлар киритиш технологияларини билиши, электрон почта ва ундан фойдаланиш технологияларини, дастурий таъминотнинг асосий турларини билиши ва фойдалана олиши лозим. Бу ўринда, «энг аввало, жаҳон илм-фани ва адабиёти ютуқларини етказиш учун зарур муҳит ва шарт-шароит яратиш ... ва замонавий компьютер технологиялари ва, айниқса, интернет тизими биздан анча илдамлаб кетганини ҳам инобатга олиш зарур»[7].

Айниқса, ҳозирги даврда талаба турли хорижий тилларни ўзлаштириши, чет тилида турли жанрдаги (телекўрсатув, радио эшиттириш, эълонлар, янгиликла ва ҳ.к.) аудио ва видео матнларни эшитиб, асосий маъносини тушуниб муҳокама қила олиш ҳамда ҳар қандай оғзаки нутқни тинглаб тушуниши керак. Бундан ташқари, хорижий тилда турли ҳужжатли ва бадиий фильмлар, теле суҳбатлар, ток шоулар, спектаклларни тушуна олиш ва касбий ҳамда шахсий қизиқишига доир маърузалар, тақдиротлар, нутқларни тушуна олиши даркор. Бунинг учун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга ошириладиган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775- сонли Қарорида қуйидагилар назарда тутилган [8]:

- янги ғоя ва ташаббусларни шакллантириш мақсадида ҳар бир олий таълим муассасасида “Ёш экспертлар гуруҳи”ни ташкил этиш;
- ўқув машғулотларини талабаларни инновацион фикрлашга йўналтирилган ўқитиш технологиялари ва интерфаол услубларни жорий этиш асосида ташкил қилиш, асосий эътиборни талабаларнинг мустақил таълим олиши билан боғлиқ механизмларни амалга оширишга қаратиш;
- ҳар бир олий таълим муассасасида биринчи босқич ўқув жараёни давомида саралаб олинган энг иқтидорли талабалар учун алоҳида гуруҳлар ташкил этиш (мазкур гуруҳлардаги талабалар сони олий таълим муассасаси томонидан белгиланади), иккинчи босқичдан уларни ўқитишни алоҳида ўқув режа ва дастурлар асосида амалга ошириш, ушбу тоифадаги талабаларни магистратурага

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

мақсадли қабул қилиш ва бу орқали олий таълим муассасалари кафедралари учун малакали кадрлар тайёрлаш тизимини жорий этиш.

Бундан ташқари, қисқа оддий қайдларни ва ахборотларни ёза олиш, шахсий хусусиятга эга, мураккаб бўлмаган хатлар ёза олиш, сўровнома, маълумот дафтарларини тўлдиролди олиш, таржимаи ҳол ёзиш, эълон ва мактублар туза олиш, грамматик ва лексик хатоларсиз қисқа баён ва иншолар ёзиш, e-mail, Интернет форумларига хатлар ёзишни талаба билиши шарт ва зарур.

Таклиф этилаётган модел иқтисодий таълим тизимини такомиллаштиришнинг замонавий босқичида таълим олувчиларга қўйилаётган талабларни ўзида акс эттиради.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устиворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабр. Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. – 22 б. <https://www.gazeta.uz/uz/2016/12/07/speech/>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 сонли Фармони. Тошкент. 2017 йил. <https://lex.uz/docs/-3107036>

3. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997. 20-бет.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси»ни тасдиқлаш тўғрисидаги фармони 29.04.2019 й. N ПФ-5712. Тошкент. 2019 йил. <https://lex.uz/docs/4312785>

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 5 июнь, ПҚ-3775-сонли Қарори. Тошкент. 2018 йил. <https://www.lex.uz/docs/3765586>

6. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. «Ўзбекистон» НМИУ, 2016.- 56 б. http://el.tfi.uz/images/Sh.Mirziyoyev_Erkin_va_farovon_14702.pdf

7. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. © «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. - 47 б. http://el.tfi.uz/images/Tanqidiy_tahlil.compressed_ad4e1.pdf

8. Markvard K.G. Initial Teacher Training in Universities of England. – London, 1988. – P. 250.

МАКТАБГАЧА ВА БОШЛАНГ'ИШ ТА'ЛИМ

Абдурашид ТУРҒУНОВ
педагогика фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ МАКТАБГА ПСИХОЛОГИК ТАЙЁРЛАШ

. Мақолада мактабгача ёшдаги болаларни мактабга психологик тайёрлаш тизими тўғрисида сўз юритилган. Мактабгача ёшдаги болаларни (6-7 ёшдаги) мактабга тайёрлашда, уларнинг билиш жараёنларини ривожлантиришда психологик ёндошувнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: мактабгача таълим ташкилоти, педагог-психолог, мактабгача ёшдаги болалар, мактабга психологик тайёрлаш, дастур, билиш жараёнлари ривожлантириш, психологик таълим-тарбия муҳити.

В статье рассматривается система психологической подготовки дошкольников к школе. При подготовке дошкольников (6-7 лет) к школе, в развитии их познавательных процессов говорится об особенностях психологической предрасположенности.

Ключевые слова: дошкольное образовательное учреждение, педагог-психолог, дошкольники, психологическая подготовка к школе, программа, развитие познавательных процессов, психологическая образовательная среда.

The article deals with the system of psychological preparation of preschool children for school. When preparing preschool children (6-7 years old) for school, the development of their cognitive processes refers to the features of psychological predisposition.

Keywords: preschool educational institution, teacher-psychologist, preschool children, psychological preparation for school, program, development of cognitive processes, psychological educational environment.

Болалар томонидан мустақил равишда ва катталар назоратида зарур ижтимоий тажрибанинг тўпланиши мактабгача ёшдаги боланинг ёш потенциални очиб беришга, мактабга, кейинчалик эса катталар ҳаётига муваффақиятли тайёргарлик кўришига ёрдам беради. Болаларнинг ижтимоий етуклигини айнан мактабгача ёш даврида шакллантириш асосларини яратиш, ўзгарувчан жамиятда ривожланиш ва муваффақиятли мослашишнинг имкониятини белгилайди.

Мактабгача ёшдаги боланинг ижтимоий етуклиги деганда, биз турли босқичларда ва турли хил ижтимоий вазиятларда юзага келадиган ижтимоий муносабатларнинг фаол ижодий ривожланиш жараёнида шаклланган шахснинг сифатини, шунингдек, шахслараро ва ички ижтимоий муносабатларни қуриш ва тартибга солишга асос бўлган ахлоқий нормаларнинг ўзлаштирилишини тушунамиз.

Ёш авлоднинг ижтимоий компетентлигини шакллантириш жараёнида ўйин фаолияти алоҳида ўрин тутаяди. Ўйиннинг мактабгача ёшдаги бола шахсининг ижтимоий етуклик кўникмаларини шакллантиришга таъсири шундаки, у ўйин имитацияси ва ролли ўйинлар орқали болалар катталар ўртасидаги хулқ-атвор ҳамда муносабатлар меъёрлари билан танишади, бу эса ўзини тутиш этикасининг шаклланиши ва ривожланишига асос бўлади. Ўйинда бола атрофдагилар билан алоқа ўрнатиш ва ўзаро муносабатларни ривожлантириш учун зарур бўлган ижтимоий етукликнинг асосий кўникмаларини эгаллайди.

Мактабда боланинг таълим муваффақиятини таҳлил қилишда, улар томонидан тайёрланадиган чизмалар, графиклар, жадвал, диаграммалар ва бошқ. материалларни таҳлил қилиш ва синтез қилиш қобилиятини ҳисобга олиш лозим. Бундан ташқари, таснифлаш ва умумлаштириш, боланинг умумий тушунчаларини ривожлантириш, шунингдек, диққатнинг ривожланиш даражасини, кўриш хотирасини (дастлабки машғулотларда асосий эътибор ахборотни визуал идрок этишга қаратилади), қўлнинг майда моторикасини ҳисобга олиш муҳим ҳисобланади.

Психолог ўз фаолиятида болаларнинг шахсий хусусиятларига ҳам таяниши мақсадга мувофиқдир. Мактабга кирган вақтда болада ўзини-ўзи назорат қилиш, одамлар билан мулоқот қилиш қобилияти, хатти-ҳаракати ва мустақиллиги етарли даражада ривожланган бўлиши лозим.

#3, 2020 PEDAGOGİK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

Яхши ўзлаштириш қобилиятисиз катта ҳажмдаги билимларни ўзлаштиришга мураккаб кўникмаларни шакллантириб бўлмайди.

Бола мактабнинг бошланиши билан боғлиқ ўзгаришлар ва қийинчиликларга тайёр бўлсагина, мактабга мослашув жараёни осон кечади.

Болаларни мактабга мослашув жараёни осон кечиши учун уларни бу даврга психологик тайёрлашнинг ўрни муҳим ҳисобланади.

Таклиф этилаётган “**Энди, мактабга бораман**” болаларни мактабга психологик тайёрлаш дастури (6-7 ёшли) болаларни диагностик босқич натижасида олинган психик ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олган ўйин машғулоти асосида мактабга тайёрлаш имконини беради.

Болаларни мактабга психологик тайёрлаш дастури қуйидагиларни ўз ичига олгани мақсадга мувофиқдир:

Дастурнинг мақсади: болаларда ижтимоий етуқликни ривожлантириш ва уларни мактабга тайёрлашдан иборат.

Вазифалар:

1. Болаларда:

- таълим олиш истагини;
- мулоқот ва хулқ-атвор кўникмаларини;
- билиш жараёнларини (диққат, хотира, тафаккур, нутқ)
- йирик ва майда моторикасини ривожлантириш;

2. Сўз бойлигини ошириш.

3. Мантқиқий фикрлаш ва воқеликларга муносабатини билдириш хусусиятини ривожлантириш.

4. Мулоқот ва ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантириш.

5. Тасаввурини ва фазовий тасаввурини ривожлантириш.

6. Ирода сифатларни, мактабга ҳиссий-ижобий муносабатни шакллантириш.

Дастур иштирокчиларининг ёш тоифаси: 6-7 ёш.

Дастурнинг давомийлиги 1 йил – 26 та машғулоти.

Дастур қуйидаги босқичлардан иборат:

- психодиагностика (сентябрь);
- коррекцион-ривожлантирувчи машғулоти (октябрь-апрель);
- психодиагностика (*назорат*) (май).

Машғулоти давомийлиги – ҳафтада 1 марта (30-40 дақиқа).

Дастур болаларнинг ёш давр хусусиятларини эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Машғулоти билиш жараёнларини белгиловчи бешта ўзаро боғлиқ психик жараёнларни ривожлантиришга қаратилган бўлиб, қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади: “Диққат”, “Хотира”, “Тафаккур”, “Нутқ”, “Моторика”. Ҳар бир машғулотида мушак ва ҳиссий зўриқишни бартараф этиш учун психологик ва жисмоний тренинглари ўтказилади.

Дастур педагог-психолог томонидан олиб борилади.

“**Энди, мактабга бораман**” болаларни мактабга психологик тайёрлаш дастурини тузишда психологик методикаларнинг боғлиқлиги тамойили ҳисобга олинган, бунда методикалардан амалий психология нуқтаи назаридан фойдаланилиши лозимлигини ҳамда ушбу дастурда қўллашда энг яқин ижтимоий муҳитни фаол жалб қилиш зарурлигини билдиради. Чунки боланинг ақлий ривожланишида ота-оналар, тарбиячилар ҳамда субъектив ривожланаётган муҳит ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Ота-оналар билан ишлар:

- “Болаларни мактабга психологик тайёрлаш” ота-оналар йиғилишини ўтказиш;
- диққат ва бошқа психик жараёнларни ривожлантириш бўйича ота-оналарга индивидуал маслаҳат (консултация) бериш;
- ота-оналар учун кўргазмали маълумотларни тайёрлаш.

Педагоглар билан ишлаш:

- ривожлантирувчи муҳитни ташкил этиш бўйича индивидуал маслаҳат (консултация) бериш;
- психик жараёнларни ривожлантириш бўйича гуруҳлараро консултациялар (сўров бўйича) ўтказиш.

Қутилаётган натижа:

Ўқув йили охирига келиб болалар маълум дунёқараш, ўзига хос кўникмалар захирасини эгаллайди, ташқи хусусият ва объектларга нисбатан муносабат билдириш усулларини ўрганадилар.

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

Билим олиш жараёнида бўлажак биринчи синф ўқувчиси учун зарур бўлган ақлий фаолият шаклланиши ва ўқиш, ўрганиш ҳисси пайдо бўлади.

Ўқув йили охирига қадар болаларда мактабга тайёрлик бўйича қуйидаги сифатлар юзага келади:

- ташкилотчилик, тартиблилик;
- иродалилиқ сифатлари;
- диққат, узоқ вақт диққатли бўлиш қобилияти (15-20 мин.);
- қизиқувчанлик;
- ривожланган нутқ ва кенг (фазовий) тасаввур;
- яхши хотира;
- моторик маҳорат;
- дўстоналик, болалар ва катталар билан мулоқот қилиш қобилияти.

Мактабгача ёшдаги болалиқ даврида бола психикасининг барча қирралари жадал ривожланиб, унинг янада ўсишига замин яратилади. Мактабгача ёшдаги болаларни психик ривожланишининг учта асосий йўналиши мавжуд: шахс, фаолият ва мулоқот.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг психик ривожланиш хусусиятларини ўрганиш учун қўлланиладиган усуллар:

- 1) билиш жараёнларини ўрганиш: диққат, хотира, тафаккур, нутқ;
- 2) бола шахсининг энг муҳим соҳаларини ўрганиш: боланинг ўзига-ўзи баҳо бериш даражаси.

“Энди, мактабга бораман” болаларни мактабга психологик тайёрлаш дастури қуйидаги шаклларни тақдим этади:

1. Гуруҳли машғулотлар.
2. Индивидуал машғулотлар.

Болаларни мактабга психологик тайёрлаш бўйича машғулотлар тузилмаси қуйидаги босқичлардан иборат:

- майда моторикани ривожлантириш;
- тафаккурни ривожлантириш;
- нутқни ривожлантириш;
- хотирани ривожлантириш;
- диққатни ривожлантириш;
- ҳиссий зўриқишни (чарчок) чиқариш, релакс;
- ўқув мотивларини шаклланишига қўмаклашиш.

Аввал майда моторикани ривожлантириш учун ўйин ва машқлар берилади: бармоқ ўйинлари, хуснихатда нақшлар, кейин ҳарфлар ёзиш. Кейин билиш жараёнларини ривожлантириш учун ўйинлар ва машқлар қилинади.

Ҳар бир ўйин машғулотининг якуний қисмида хайрлашув – рефлексия ўтказилади. Ҳам ижобий, ҳам салбий ҳиссиётларнинг биргаликда ҳис этиш болаларни бирлаштиради, бир-бирини қўллаб-қувватлаш ҳиссини пайдо қилади.

1. “Майда моторикани ривожлантириш”.

Қўлнинг кичик мушаклари ҳаракатларини ривожлантириш боланинг тўғри, чиройли ва осон ёзиши учун муҳимдир. Майда моторикани ривожланиши интеллектуал қобилиятни ривожланишига асос бўлади.

Вазифалар:

- Қўлни узоқ вақт ёзишга тайёрлаш (бармоқлар ва қўл мушакларининг майда моторикасини ривожлантириш);

- Болаларни фазовий ҳаракат қилишга ўргатиш: ўнг-чап, юқори-пастга;
- Босма ҳарф ёзишга машқ қилиш.

2. “Тафаккурни ривожлантириш”.

Боланинг тафаккури 6-7 ёшида “яширин” бўлади, объектларнинг боғланишларини билмайди ва мантиқий муносабатларни ўрната олмайди. Фикрлаш қобилияти қуйидагиларни назарда тутади:

- объектнинг муҳим хусусиятларини аниқлаш;
- турли предметларни хусусиятларига қўра синтез қилиш; объектларни таққослаш ва улардаги фарқларни аниқлаш ва х.к.

Вазифалар:

- Қўрғазмали-образли тафаккурни ривожлантиришга қўмаклашиш;
- Тасаввур қилиш ва қизиқувчанликни ривожлантириш;
- Тасаввур қилиш ҳолатини ривожлантириш;

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

- Мантикий фикрлашни ривожлантириш;
- Муҳим хусусиятларни аниқлашга ўргатиш.

3. “Нутқни ривожлантириш”.

Нутқ нафақат мулоқот воситаси, балки фикрлаш, ижодкорлик, хотира ва ахборот ташувчи, ўзликни англаш воситаси ва бошқ.

Ҳар қандай тил, ўзининг алоҳида фарқларига қарамай, қуйидаги таркибий қисмларга эга: фонетика, лексика ва грамматика. Нутқ тизими ҳали тўлиқ шаклланиб бўлмаган мактабгача ёшдаги боланинг нутқ тизимининг барча таркибий қисмларини ривожлантириш лозим.

Вазифалар:

- Сўз бойликларини ошириш ва нутқини фаоллаштириш;
- Билим ва ахборот захирасини тўлдириш;
- Тафаккур ва тасаввурини ривожлантириш;
- Болаларни ўзларини қизиқтирган мавзулар бўйича саволлар беришга ундаш.

4. “Хотирани ривожлантириш”.

Психолог болага хотирадан фойдаланишнинг турли шакллари ўргатади. Хотиранинг барча турлари бир-бири билан чамбарчас боғланган ва бир-биридан ажратилмаган. Инсон ҳар қандай ҳажмдаги маълумотни эслаши мумкинлиги экспериментал исботланган, лекин хотирадан нафақат миянинг айрим соҳаларига ташқи таъсир бўлганда чиқариш мумкин. Болалар ўйин фаолиятига оид материални эслаб қолиш табиийроқ ҳисобланади.

Вазифалар:

- Ихтиёрий ва ихтиёрсиз хотирани ривожлантириш;
- Кўриш ва эшитиш хотирасини ривожлантириш.

5. “Диққатни ривожлантириш”.

Диққатнинг ривожланиш даражаси боланинг мактабда таълим олиш муваффақиятини белгилайди. Бола қизиқиши сўнмагунча диққатини узоқ вақт бирор нарсага қаратиши мумкин. Эътибор ва қизиқиш бир-бирига боғлиқдир. Шунинг учун диққатни ривожлантирувчи ўйинлар ва машқлар бола учун қизиқарли ҳисобланади. Лекин келажакда мактабда ўқиш давомида, диққатни иродавий ҳаракат билан бирга эслаб қолиш билан боғлиқ вазифаларни бажариши лозим бўлади. Шунинг учун бўлажак биринчи синф ўқувчиларини алоҳида хусусиятларга (ҳажми, концентрацияси, тақсимлаш, бошқа воқелика тез кўчиш, барқарорлик) эга бўлган, аста-секин ривожланадиган ихтиёрий диққатини ривожлантириш жуда муҳимдир.

Вазифалар:

- сенсонрли диққатни ривожлантириш;
- эшитиш диққатини ривожлантириш;
- таянч-ҳаракат диққатини ривожлантириш.

6. “Ҳиссий зўриқишни (чарчоқ) чиқариш, релакс”.

Ҳар бир машғулотда мушак ва ҳиссий зўриқишни бартараф этишга қаратилган тренинг ўтказилади. Машғулотнинг бу қисмида болалар машғулот давомида қилган ишларида улар ёқтирган ёки ёқтирмаган нарсаларини, улар учун қийин бўлган ва осон бўлган нарсаларни айтишлари ва қилган ишлари учун ўзаро олқишлашлари назарда тутилади.

7. “Ўқув мотивларини шаклланишига қўмаклашиш”.

Мактаб таълимига мотивацион тайёрликнинг муҳим нуқтаси, бу хатти-ҳаракати ва фаолиятини ўзбошимчалик билан қилишидир, яъни боланинг эҳтиёжлари ва мотивларининг бундай тузилиши, у онгли равишда мақсадларини белгилашга хоҳиш-истакларини бевосита бўйсундира олишга тайёр бўлади.

Вазифалар:

- билиш мотивларини ривожлантириш (боланинг билишга қизиқишини уйғотиш; болаларнинг тушунчаларини кенгайтириш);
- муваффақиятга эришиш “истаги”ни шакллантиришга қўмаклашиш (боланинг эҳтиёжлари ва ютуқларига ҳурмат ва эътиборда бўлиш, боланинг муваффақиятини ҳиссий жиҳатдан рағбатлантириш ва янги нарсаларни эгаллашига ҳаракат қилиш);
- “Ўрганиш” ижтимоий мотивларни шакллантириш (болаларда мактаб ва ўқувчининг ижобий имиджини ривожлантиришга ёрдам бериш, болаларда мактабга кичик ёшдан катта бўлиб қолган ва ўқиш истаги бўлган болаларни қабул қилинишини тушунтириш лозим).

Машҳур ривоятда (“Бола туғилгандан кейин ёш ота болани қачон тарбиялашни бошлаш ҳақида маслаҳат сўраш учун бир доно инсонга боради. У “Боланг неча ёшда?” – деб сўрайди. Ёш ота: “Энди бир ҳафталик бўлди”, – деб жавоб беради. Доно инсон шунда: “Бир ҳафта кечикибсан”, –

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

дейди”) айтилганидек, болаларни мактабга тайёрлаш жараёни, мустақил равишда чақалоқлигидан бошлаш керак. Шунда боланинг “*психологик тайёрлиги*” каби муаммога жамият дуч келмайди. Лекин, афсуски, мактабгача ва мактаб муассасаларининг педагогик амалиётида бўлажак ўқувчининг психологик тайёргарлигига алоқадор бўлган муаммолар кўп.

Кўриб турганимиздек, психологик тайёрлик кўп ўлчовли тушунчадир. Бола мактабга борар экан, психологик, физиологик ва ижтимоий муносабатларга тайёр бўлиши керак, боланинг мактабдаги мувофақияти айнан шу омилларга боғлиқ. Боланинг мактабдаги мувофақияти ижтимоий ҳаётга самарали тайёр бўлишига асос бўлиши мумкин. Бунда мактабгача таълимда педагог билан бир пайтда мактабгача таълим педагог-психологининг ўрни муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сон қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси “Илк қадам” давлат ўқув дастури.
3. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирининг “Давлат мактабгача таълим ташкилоти педагогларининг иш ҳужжатларини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 30 августдаги 155-сон буйруғи.
4. Венгер Е.А., Венгер А.Л. Готовность детей к школе: Диагностика психического развития и коррекция его неблагоприятных вариантов. – М., 1990.
5. Дуброва В.И., Милашевич Е.П. Организация методической работы в дошкольном учреждении. –М., 1995.
6. Психолог дошкольном учреждении / Учебный центр им. А.Л.Венгер. – М., 2002.
7. Венгер Е.А. Психодиагностика в детском саду. – М., 2003.
8. Жалилова С.Х., Бердиев Г., Махмудова Д.А., Ботиров Б.М. Шахсининг психик тараккиёти диагностикаси. – Т., 2009.
9. Сафаев Н.С., Эргашев П.С., Бутаева УА., Зиявитдинова Г.З. Психологик етуклик даражасини ташхис қилишнинг илмий-услугий жихатлари. – Т.: ТДПУ нашриёти, 2017.
10. Турғунов А.А. Мамлакатни модернизациялаш шароитида юқори синф ўқувчиларини касб-хунарни мустақил танлашга тайёрлашнинг ташкилий-педагогик тизимини такомиллаштириш. Пед.ф.ф.д. (PhD) дисс. – Нукус.: 2018. –155 б.
11. www.урок.рф
12. www.maam.ru

Бузулайхо ҚОДИРОВА

Андижон давлат университети ўқитувчиси

БАДИЙ АСАРЛАР ВОСИТАСИДА БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ТАРИХИЙ ОНГНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Мазкур мақолада бошланғич синф ўқувчиларида бадий асарлар воситасида тарихий онгни шакллантиришнинг ўзига хослиги, мазкур жараёнга замонавий ёндашиши, таълимда ижодий машқ ва топшириқлардан самарали фойдаланиши йўллари ёритилган.

Таянч сўзлар: ўқувчи, ўқитувчи, бошланғич таълим, ўқув-тарбия жараёни, билиш фаолияти, ижодий фикрлаш, тарихий онг, мустақил топшириқлар, бадий асар, тафаккур.

В данной статье исследуются особенности формирования исторического сознания посредством художественных произведений у учащихся начальной школы, современный подход к данному процессу, эффективное использование творческих упражнений и заданий в образовании.

Ключевые слова: ученик, учитель, начальное образование, учебно-воспитательный процесс, познавательная деятельность, творческое мышление, историческое сознание, самостоятельные задания, художественное произведение, мышление.

This article explores the features of the formation of historical consciousness using fiction literature in elementary school students, a modern approach to this process, and the effective use of creative exercises and assignments in education.

Key words: student, teacher, primary education, educational process, cognitive activity, creative thinking, historical consciousness, independent tasks, fiction literature, thinking.

Ёш авлоднинг билиш фаолиятини шакллантириш ва узлуксиз ривожлантириб бориш – унинг мақсади, вазибалари, мазмуни, воситалари, методларини илмий педагогик асосларга таянган ҳолда белгилаб беришни тақозо қилади. Ушбу муаммонинг ечими ўқувчиларни ижодий фикрлашга йўналтириш, билишни эгаллашда фаолликни ошириш, мустақил билиш фаолиятини шакллантириш масалаларига боғлиқ. Бунда бошланғич синф ўқувчиларининг билиш фаолиятини шакллантириш долзарб аҳамият касб этиши яққол намоён бўлмоқда. Айнан бу йўналишда билишнинг тарихийлик тамойилига таяниш ҳам муҳим ва самарали омиллардан биридир.

Анъанавий таълим назарияси ва унга оид педагогик амалиётда бошланғич синф ўқувчиларининг мустақиллиги, ташаббускорлиги, ижодкорлиги, тафаккурига етарли эътибор берилмайди. Ўқувчи таълимда ижрочи, ўқитувчи топшириқлари, хоҳиш-истакларини бажарувчи ролида иштирок этади. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, таълимда ўқувчилар мавқеини, мақомини янгиламасдан, зарур ўринларда уларни бутунлай ўзгартирмасдан, боланинг ўқув-тарбия жараёнининг фаол иштирокчисига айлантирмасдан, унинг онги, тафаккурини ривожлантирмасдан ўқув-тарбия жараёнининг фаол иштирокчисига айлантирмасдан ўқув-тарбия жараёнини ижодий ташкил этиш мумкин эмас.

Таълимда бошланғич синф ўқувчиларига ижодкорлик жиҳатдан ёндашиш болаларни ўқув-тарбия жараёни субъекти сифатида шарҳлаш масаласини тақозо қилади. Ана шу асосга кўра болалар ижодкорлигини “субъект-объект” тизимида шарҳлаш тамойилини тавсифлаш муҳим аҳамият касб этади. Таълим жараёнида болаларда шаклландирган шахсий сифатлар онглилик, мустақиллик, топқирлик кабилар ўқитувчи ишининг натижаси бўлмай, улар кўп жиҳатдан ўқувчининг ўзига боғлиқ. Шу тамойилга риоя қилиб, ўқув материали фаолият предмети сифатида қаралиб, ижодий фаолиятининг таркибий қисмлари ажратилади.

Таълимни ижодий ташкил этиш яна бир масалани – болаларнинг ўқув фаолияти ва билув фаолиятини бадий асарлар воситасида тарихий онгни шакллантириш ва ўзаро муҳокама қилиб ўрганиш муаммосини ёритиш билан боғлиқ. Уларни ўзаро таққослаш қатор хулосаларга олиб келади: бу иккала фаолиятнинг таркиби бир хил бўлиб, мотив, мақсад, восита, натижадан иборат.

Бошланғич синф ўқувчилари фаолиятига кўра, бадий асарлар воситасида тарихий онгни шакллантирувчи топшириқларни уч гуруҳга ажратиш таҳлил қилиш мумкин. Булар:

- бадий асарларни ўрганишни ижодий мустақил иш шаклида амалга ошириш;
- ижодий машқлар орқали тарихий онгни шакллантириш;
- ўқув муаммоларидир.

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

Маълумки, ижодий мустақил иш ижодий топшириқларнинг бошқа турларидан икки жиҳати билан фарқ қилади: оператив (зудлик билан) ташкил этиш имконияти борлиги ва ўқув-билув фаолиятини давом эттириш имкониятига эгаллиги. Бинобарин, ижодий мустақил иш таълимнинг шундай воситасики:

- уни таълимга татбиқ этиш йўли билан ўқиш, ўрганишга иштиёқ давом эттирилади, дарс доирасида ҳосил қилинган мотивларнинг давом этиши таъминланади;
- ўқувчиларни билишга, билим, малакалар доирасини кенгайтиришга олиб келади;
- ўрганилаётган ўқув материали устида ўқувчиларнинг ўз фаолиятларини мустақил давом эттиришга замин тайёрлайди;
- ўқувчилар фаолиятига раҳбарлик қилишни маълум даражада осонлаштиради.

Ижодий характердаги мустақил ишларни таълимга татбиқ қилишда: топшириқни тузишда риоя қилинган тартибни “аниқлаш ёки фаолиятни амалга ошириш тамойилини ажратиш”, қайд қилинган тамойилга риоя қилиб топшириқни бажариш, уни бажаришда эришилган натижани эслаб қолиш, агар зарур бўлса, натижани синфдошлари билан ўртоқлашиш, уни ўқитувчига айтиб бериш шартларига риоя қилинади. Айнан мана шу жараён бадиий асарлар воситасида амалга оширилиши барчага аёндыр. Бунда тарихий асарларнинг бола ёшига хос парчалари олиниб таҳлилга тортилиши мақсадга мувофиқдир.

Ижодий машқлар орқали тарихий онгни шаклантиришда, аввало, ижодий машқ тушунчасининг шарҳига эътибор қаратсак. Маълумки, ҳар доим билимларни эсга тушириб машқ қилдириш таълимда ўқувчиларнинг зерикашига сабаб бўлади. Машқ қилиш жараёнида ўқувчиларнинг зерикашини бартараф этиш учун ижодий машқлардан фойдаланилади. Хўп, ижодий машқни қандай тушуниш керак?

Ижодий машқ ноижодий машқдан икки хил хусусиятига кўра фарқ қилади, булардан биринчиси – ўрганилган билимлар доирасини кенгайтириш. Бунда ўқувчи олдин ўрганилган ўқув материалига такрорий қайтиб келганда, ўз тушунчаси доирасини янги билимлар, тасаввурлар, фактлар, боғланишлар билан бойитади.

Ижодий машқлар доимий шуғулланишга мўлжалланган машқлардан фарқли ўларок ҳам хотирага, ҳам тафаккурга мослаб тузилади. Бунда ўқувчи мавзу доирасида ўрганилган билим, фаолият усулларини такрорий ишлатиш билан бирга кўшимча ахборот, фаолият усулларини ҳам ижодий ўрганади.

Ўқув муаммолари – ўқув топшириқлари мажмуи бўлиб, уларни ижодий топшириқлар тизими шаклида тасаввур қилиш мумкин.

Қ.Хусанбоевнинг «Адабий таълимда мустақил фикрлашга ўргатиш асослари» монографиясида ижодга ундаш ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш катта аҳамиятга эга экани қайд этилади [4]. Ўқиш дарсларида болаларни ижодга ундаш йўллари кўрсатилган. Бу борада тарихий онгни шаклантириш масаласи алоҳида қайд этилмаган. Хусусан, эртақлардан мисоллар келтириб ижодга ундаш учун қуйидаги мисолларни келтириш мумкин. Эртақ қаҳрамонлари характерини ўзгартириш билан ҳам болаларни янги эртақ тўқишга ўргатиш мумкин. Эртақлар, уларни ким тўқишдан қатъи назар, кўпинча мантикий фикрнинг эмас, фантазиянинг маҳсули бўлади. Болаларнинг эса фантазияси кучли. Таниш эртақ сюжети асосида янги эртақ яратиш, яъни ўша қаҳрамонлар билан бошқа эртақ тўқиш, хотира билан ўйнаш – сўзлар ва ҳодисаларни эслаш, синфда ҳикоячи ролини бажариш – ўйлаб топилган воқеани айтиб бериш сингари ишларни амалга ошириш. Бундай эртақ тўқиш, ҳикоячи ўрнини эгаллаш сингари дарслар жараёнида ўқитувчи болаларнинг ижодини, у қандай бўлишидан қатъи назар, ёзиб бориши керак. Бола ўқитувчининг бирор нарсани ўзгартириб ёзмаганлиги, тушуриб қолдирмаганини назорат қилади. Бу болага сўз эркинлигини бериш, ўз сўзига эгалик қилиш саналади. Айна мана шу ўринда тарихий эртақлар ҳамда тарихий воқелик асосида қаҳрамонлар ҳолатини ҳис қилдириш, уларни сўзлатиш орқали қалбида тарихга муҳаббат уйғотиш ва энг муҳими мурғак болаларимизда тарихий онгни шаклантиришнинг илк куртақларини кўрамыз.

Бошланғич синфларда ўқувчиларни ижодга ундаш, уларни мустақил фикрлашга йўналтириш катта аҳамият касб этади. Болаларнинг интеллектуал ривожланиши, юксак орзулар қилишга ва уларни амалга оширишга қодир бўлишини истаган ҳар қандай одам уларнинг ижодга ошно бўлишини таъминлаши керак. Ижодкорлик – мустақил фикрлашга ўргатиш омилидир.

Бошланғич синфларда ўқувчиларнинг бадиий асарлар воситасида тарихий онгни шаклантириш муаммосини ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Бошланғич синф ўқувчилари ижодида тарихга муносабатнинг чуқур маъно ва мантиққа етарли даражада эга эмаслигини тушуниш мумкин. Чунки мақсад улар ижодида чуқур мантиқ ёки юксак маъно бўлишига эришишда эмас. Улар кейинроқ, таълим-тарбиянинг юқорироқ босқичларида

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

пайдо бўлади. Муҳими – ижод жараёни, уларнинг ижод қилишларига имконият яратиш орқали тарихий онгни шакллантиришнинг илк босқичларига эришишдир. Бола учун қизиқарли бўлган ҳар қандай фаолият фойдали, у нимани хоҳласа, нимага қизиқса шуни қилиб кўриши кераклиги билан бир қаторда “тарихсиз келажакни яратиш бўлмайди” фикрларига таянган ҳолда келажакимиз бўлган боллар қалбига тарихий асарлар ва ундаги қаҳрамонларга ижобий муносабатни шакллантиришга эришиш зарур.

2. Бошланғич синфнинг ўқиш, она тили дарсларида болаларни ижодга ундашнинг йўллари ва имкониятлари жуда кўп. Эртак қаҳрамонларининг ҳаракатини ўзгартириб, болаларни янги тарихий эртак тўқишга, таниш эртак сюжети асосида янги тарихий эртак яратишга, яъни ўша қаҳрамонлар билан бошқа тарихий эртак тўқишга ўргатиш, хотира билан боғлиқ сўзлар ва ҳодисаларни эслашга, синфда ҳикоячи родини бажаришга, ўйлаб топилган нарсани айтиб беришга одатлантириш мумкин.

3. Бошланғич 4-синф ўқиш дарсларида бадиий матн устида ишлаётганда болаларга матн устида режа тузиш ва ўқишларини режа асосида қайта ҳикоялашга ўргатиш болаларнинг ижодий фаолият кўрсатишларига олиб келади.

4. Муаммоли таълимни ташкил этиш ўқувчиларнинг ижодкорлиги ривожланишида муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Ҳар бир ўқувчи ўзининг ўқув фаолиятида маълум даражада ижодкорлик қирраларини намоиш этиши мумкин. Ижодкорлик – интеллектуал қобилият билан битта нарса эмас. Катта интеллектуал имкониятлар ҳамини ҳам ижодкорликнинг баланд ривожига мос келмайдими. Ижодий қобилиятларни тарбиялаш ва ривожлантириш, ижодга ўргатиш мумкин.

Одам руҳияти билан шуғулланадиган мутахассисларнинг далолат беришича, инсон фикрлаш жараёнини юзага келтиришнинг асосий шартини ундаги борлиқ сирларини билишга бўлган интилиш, ички эҳтиёж, яъни мотивдир. Усиз инсонда фикрлаш пайдо бўлмайди. Фикрловчи шахс атрофдагиларнинг биргаликдаги меҳнати, ўзаро мулоқоти ва ҳамкорлигида шаклланади, ривожланади. Шахснинг тараққиёти унинг ижтимоий аҳамияти, яъни ўзгалар учун фойдалилик даражаси билан характерланади.

Демак, умуман фикрланганда нарса-ҳодисаларнинг бошқалар томонидан кашф этилган жиҳатлари билиб олинади. Мустақил фикрлаганда эса, одам олам ҳодисалари ва ҳаётини вазиятлар моҳиятини ўзгаларникига ўхшамаган йўсинда, уларникидан бошқача йўл билан билиб олади.

Тафаккур хусусиятлари ўрганилган тадқиқотлардан маълумки, фикр мустақиллиги даражаси инсон ақлий фаолиятининг ташаббускорлиги, пишиқлиги ва танқидийлигида акс этади. Киши фикри мустақиллигининг белгиларидан бири – ташаббускорлик инсоннинг ўз олдига аниқ мақсад ва вазифалар кўйиши, уларни амалга ошириш йўлидаги муаммолар ечимини топиши, ниҳоясига етказиш учун зарур бўлган усул ҳамда воситаларни қўллашида намоён бўлади. Бу фаолиятнинг пишиқлиги вазифаларни тез бажариш, бу жараёнда қўл келадиган усул ва воситаларни тезкорлик билан излаб топиш, уларни фарқлашда кўринади. Ақлий фаолият танқидийлиги эса мустақил фикрловчининг воқеа-ҳодисага муносабати, унинг хусусиятларини ажрата билишида намоён бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, ўтилган ҳар бир қизиқарли машғулот ўқувчи онгида яхшироқ қолиши, шунингдек, дунёқарашини кенгайтириш билан бирга мустақил ижодий қобилиятини ўстиради. Ижодкор ўқувчи ўзига хос, ноёб тарзда фикр юритади, унинг фикрлари мустақил, тиник, бировникига ўхшамаган бўлиб, кўпинча ғайри табиий ечимларни ҳам топа олади. Шунингдек, тарихий онгни шакллантиришга эриши орқали эса бутун бир жамиятнинг келажакига тарихийликка асосланган мустаҳкам пойдеворнинг замини тайёр бўлади.

Адабиётлар

1. Каримова В., Нишонова З. Мустақил ижодий фикрлаш ва шахснинг хиссий иродавий ва интеллектуал хислатлари орасидаги боғланиш. // Халқ таълими. – Тошкент, 2001. – №3. –Б. 64-69.
2. Ниёзмухамедова Г. Ижодий фаолликни ўстиришнинг педагогик тамойиллари. // Халқ таълими. – Тошкент, 2001. – №1. – Б.59-61.
3. Раимов М. Ўқувчиларнинг мустақил билиш фаолиятини ташкил этиш. // Халқ таълими. – Тошкент, 2000. – №6. –Б.89.
4. Хусанбоева Қ. Адабий таълимда мустақил фикрлашга ўргатиш асослари. Монография. – Тошкент, 2003. 37-39 б.

Rustambek QO'LDOSHEV

Buxoro davlat universiteti
boshlang'ich ta'lim metodikasi
kafedrası o'qituvchisi

CHAPAQAY BOLALARNI MAKTABGA QANDAY TAYYORLASH KERAK?

Ushbu maqolada chapaqay bolalarni maktabga tayyorlash jarayonida ota-onalar, tarbiyachi va maktab o'qituvchilariga zarur tavsiyalar berilgan. Shuningdek, farzandingizni o'rganish va rivojlantirishga yordam beradigan bir nechta foydali maslahatlar ham kiritilgan.

Kalit so'zlar: *chapaqay, o'naqay, fantaziya, grafika, yozuv, maktabga tayyorgarlik.*

Эта статья предоставляет советы для родителей, педагогов и школьных учителей о том, как подготовить левшей к школе. Вот несколько полезных советов, которые помогут вашему ребенку учиться и расти.

Ключевые слова: *левая рука, правша, фантазия, графика, письмо, школьная подготовка.*

This article provides tips for parents, educators, and school teachers on how to prepare lefties for school. Here are some helpful tips to help your child learn and grow.

Keywords: *left hand, right, fantasy, graphics, writing, school training*

Oilada farzand dunyoga kelganida, ota-onalar uning o'naqay yoki chapaqayligi haqida o'ylamaydilar. Ammo asta-sekin, bola ulg'aygan sayin, ota-onalar farzandi chapaqayligini anglaydilar. Ammo agar bola chapaqay bo'lsa, bu uning afzallik yoki kamchilik yoki noqulayligini anglatadimi?

Chapaqay bola alohida e'tibor va alohida yondashuvni talab qiladi, chunki u chapaqay bo'lgani uchun emas, balki u har qanday bola singari noyob va individualdir. Biroq chapaqaylik – bu bolaning juda muhim individual xususiyati bo'lib, u ta'lim va tarbiya jarayonida e'tiborga olinishi kerak.

5-6 yoshgacha, ko'pincha, qo'llarning qanday xususiyatligini bilish masalasi yuzaga kelmaydi, ammo maktabga tayyorgarlik jarayonida ota-onalar, tarbiyachilar va o'qituvchilar bolaning chapaqay ekanligidan tashvishlana boshlaydilar. Bu holatni qanday ifodalash mumkin?

Qo'llarning assimetriyasi, ya'ni o'ng yoki chap qo'lning ustunligi, yoki qo'llarning birortasida ustunlik qilish, miya yarim sharlarining funktsional assimetriyasining xususiyatlariga bog'liq. Chap qo'l egalari miya yarimsharlari ishida kamroq ixtisoslashgan. Chapaqayning miya yarimsharlarida miya funksiyalari joylashuvining o'ziga xos xususiyatlari ularning kognitiv faolligi xususiyatlariga ta'sir qiladi, ularga quyidagilar kiradi:

- Vizual – motorli muvofiqlashtirish qobiliyatining pasayishi: bolalar grafik tasvirlarni chizish bo'yicha vazifalarni bajara olmaydilar; yozishda va o'qishda satrni saqlashda qiyinchiliklar ko'rinadi, qoida tariqasida ular qo'l yozuvi bilan yaxshi tanish emas.

- Fazoviy idrok etish va vizual xotiraning kamchiliklari, harflarni aks ettirish, harflarning xatosi va joylashtirilishi, optik xatolar.

- Chapaqay o'quvchilar, materialga qarab, to'g'ri oqilona ishlash bilan ajralib turadi.

- Diqqatni zaifligi, kontsentratsiyalashning qiyinligi va diqqatni jamlash;

- Nutqning buzilishi: ovoz-alfanumerik xatolar.

Chapaqay o'quvchilarning muhim xususiyatlaridan biri – bu ularning hissiy sezgirligi, ortib borayotgan zaiflik, xavotir, ishlashning pasayishi va charchoqning kuchayishi. Chapaqay o'quvchilarning ortib borayotgan hissiyotlarini sezilarli darajada qiyinlashtiradigan omil – maktabda moslashish. Chapaqay o'quvchilar uchun maktab hayotiga kirish ancha sekin va og'riqli bo'ladi.

Bizning hayotimiz, asosan, o'naqay odamlarga moslashtirilgan bo'lib, chapaqay bolalar dunyoga moslashish va to'liq hayot kechirishda biroz qiynalishadi. Bolaning eshitishidagi birinchi narsa – bu kattalarning so'zlari: “Uni o'ng qo'lingga ol ...” (qalam, ruchka, qoshiq, piyola va boshqalar). Bola qanchalik katta bo'laversa, bu so'zlar yana ko'payadi.

Bunday ko'rsatmalar nevroz kasalligining rivojlanishiga olib kelishi mumkin, chunki chapaqay bolalar uchun o'ng qo'lda bajarish qulaylik hissining yo'qolishi, hayajon va xavotir, qo'rquv va umidsizlik hissi va umuman faoliyatdan voz kechish tuyg'ularini rivojlantiradi.

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

Bolalarni chap qo‘ldan o‘ngga qayta tarbiyalash bilan shug‘ullanish mumkin emas, chunki bu bilan siz tabiatni aldashga harakat qilasiz va buni qilish befoйда, psixologlar tomonidan ham bu tavsiya etilmaydi, aks holda bolalar uchun oqibatlar juda qayg‘uli bo‘lishi mumkin. Agar siz chapaqay bolani qayta o‘qitishni boshlasangiz, bu uning miyasini qayta tiklashga va o‘zgartirishga harakat qilayotganingizni anglatadi. Chapaqay bolalarni o‘ng qo‘lga qayta tayyorlash bilan o‘quvchining ruhiyati yanada beqaror bo‘lib qoladi va siz uni qanchalik qattiq bajarishga harakat qilsangiz, bola shunchalik asabiylashadi. Bundan tashqari, chapaqay o‘quvchilarni o‘ng qo‘lga yozishga qayta tayyorlash bolaning maktabda sust ishlash, jismoniy rivojlanish, nutq va fikrlash jarayonlariga tahdid soladi. Qayta tarbiyalangan chap qo‘lli bolalarda uyqu va ishtahasining buzilishi, enurez, qo‘rqish, ovqat hazm qilish tizimi bilan bog‘liq muammolar va boshqa juda noxush oqibatlar yuzaga kelishi mumkin.

Chap qo‘lning ba‘zi belgilari erta yoshda aniqlanishi mumkin, masalan, bola dominant qo‘lning kamarini siqib chiqaradigan kuchi bilan; jumboqni hukmron qo‘lda ushlab turish davomiyligi bo‘yicha. 16-20 haftadan 2 yoshgacha chapaqay to‘lqinli o‘zgarishlar ro‘y beradi. 2 yoshdan 4 yoshgacha qo‘llar deyarli teng va teng darajada faol bo‘ladi. 4-5 yoshga kelib, bola kelajakda hukmronlik qilishda davom etadigan qo‘llarning biriga nisbatan ustunlikni rivojlantiradi.

Bu jarayonni vaqtida aniqlasangiz, chap yoki o‘ng qo‘lning qaysi birida ustunlik borligini bilsangiz va bu haqda bolaning o‘qituvchilariga ogohlantirsangiz, yozuvdagi muammolar ham paydo bo‘lmaydi. Ota-onalar quyidagi usullardan foydalanib bolaning qaysi qo‘li ustun ekanligini bilib olishlari mumkin:

1. Kuzatishishni boshlang, hafta davomida qayerdadir qo‘lning ustunligini belgilarga ko‘ra qayd etib borish kerak: qaysi qo‘l bilan osonroq va chiroyli yozadi; qaysi qo‘l bilan to‘pni otadi va uni ushlaydi; qaysi qo‘li bilan qaychini ushlab kesadi; qaysi qo‘li bilan eshik dastasini tortadi; qutilarni ochishda va yopishda u qaysi qo‘ldan foydalanadi; u qaysi qo‘l bilan sochini taraydi; qaysi qo‘li bilan stakanda suv ichadi va hokazo.
2. Bolalar psixologiga murojaat qiling. Bir qator testlar va usullardan foydalangan holda mutaxassis bolaning dominant qo‘lini aniqlashga yordam beradi. Psixolog dominant qo‘lni aniqlash uchun quyidagi usullardan foydalanishi mumkin: "Napoleonning pozasi", qarsaklar, bir vaqtning o‘zida harakatlar, vosita sinovlari va boshqalar.
3. Bolaning dominant qo‘lini aniqlash uning tabiiy xususiyatlaridan to‘liq foydalanish va chapaqay bolalar uchun maktab ta‘limiga o‘tishda yuzaga keladigan asoratlar ehtimolini kamaytirish uchun zarurdir.

Agar siz farzandingiz chapaqay ekanligiga ishonchingiz komil bo‘lsa, chapaqaylar uchun ishlab chiqilgan mashqlarni iloji boricha erta boshlashingiz kerak. Bu vaziyatda quyidagi mashqlar yordam berishi mumkin: boladan qo‘lini stol ustiga qo‘yishini so‘rang va har bir barmoqni stol yuzasida navbat bilan harakatlantiring, ammo kaftning o‘zi harakatsiz qolsin. Bu mashq barmoqlarning fiziologik holatini yaxshilashga yordam beradi.

Chap qo‘lli bolalarda tasavvur qilish qobiliyati ustunlik qiladi sababli, bundan o‘qitishda samarali natijaga erishish maqsadida unumli foydalanish mumkin. Masalan, harflarni o‘rgatishda ularni biror narsa bilan taqqoslash mumkin: "P" harfi qo‘ziqorin bilan, "A" harfini uy bilan va boshqalar.

Shuni bilishingiz kerakki, chapaqaylar, ko‘pincha, harflarni oynaga yozgandagiday noto‘g‘ri yozishlari mumkin. Qaysi harf to‘g‘ri yozilganligini tushunishga o‘rgatish uchun oddiy mashq yordam beradi: harflarni ketma-ket yozib, oynaga tuting va boladan qaysi ekanligini topishini ayting. Bola harfning oynadagi aksi va qog‘ozdagi shakliga qarab, qaysi biri to‘g‘ri, qaysi biri xato ekanligini topsin. Bu mashq natijasida bola o‘z xatosini anglab yetadi va tuzatishga harakat qiladi.

E‘tibor bering, yozayotganda yorug‘lik chapaqay o‘quvchiga, o‘naqaylarga o‘xshab tushmasligi kerak. Agar chap qo‘li bilan o‘tirgan bolangiz xatlarni vertikal ravishda yoki chapga egilgan holda yozsa, unda siz uni bu uchun jazolashga shoshilmang, chunki bunday yozish chapaqay qo‘lli bolalar uchun juda qulay. Ko‘pincha, chap qo‘l egalari muayyan muammolar uchun original yechimlarni topadilar va shuning uchun, ko‘pincha, o‘qituvchining ko‘rsatmalariga rioya qilmaydilar, buni o‘z algoritmi asosida qilishni afzal ko‘rishadi. Ba‘zan chapaqay o‘quvchilarda rasm chizish, haykaltaroshlik va boshqa shunday ijodiy jarayonlar uchun erinchoq va beparvodek tuyulishlari mumkin. Bu holatga jiddiy e‘tibor berib, bolani ko‘p majburlash tavsiya etilmaydi, chunki yuqorida aytganimizdek, bu ularni individual xususiyatlaridan biriga kiradi.

Farzandingizni o‘rganish va rivojlantirishga yordam beradigan bir nechta maslahatlar:

1. Farzandingiz birinchi sinfga borishidan oldin, o‘qituvchisi bilan gaplashing, shunda u chapaqay farzandingizni o‘qitish va tarbiyalashda sizga yordam beradi.

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

2. Agar bolangiz haddan tashqari hissiyotga ega va biroz injiq bo'lsa, unga baland ovozga gapirmang va jazolamang. Unutmangki, bu uning aybi emas, balki miyasining o'ziga xos xususiyati, buning natijasida u yig'lab yuborishi mumkin.
3. Chapaqaylik – bu bolaning kamchiligi emas, balki bunday bolalar ijodkor va tasavvurlari cheksiz bo'lishadi. U sizga hayajon bilan aytib beradigan afsonalariga kulmang. Masalan, u kechasi Marsda bo'lganligi, bolalar bog'chasida sayr qilishda sirli hayvonni ko'rganligi va hokazo.
4. Yodingizda bo'lsin, chapaqay odam ko'rgan rasmlarini tez eslaydi, shuning uchun mashg'ulot paytida yaxshiroq yod olish uchun rasmlar va boshqa ko'rgazmali vositalardan foydalaning.
5. Chapaqay bolaga ruchkani to'g'ri tutishni iloji boricha tezroq o'rgating.
6. Bolaga uy ishlari va mashg'ulotlarini haddan tashqari ko'p yuklamang. Chapaqay bola juda himoyasiz va sezgir, unga baland ovozda gapirmaslikka yoki jazolamaslikka harakat qiling, kerakli natijaga olib keladigan boshqa ota-onalik taktikasini tanlang. Agar bu siz uchun qiyin bo'lsa, yordam va maslahat uchun bolalar psixologlariga murojaat qilishdan qo'rqmang.
7. Maktabdagi bolaning muammolarini chapaqayligi bilan bog'lamang. O'naqay odamlar chapaqay odamlarga qaraganda kamroq yoki ko'proq muammolarga duch kelishlari mumkin.

Mulohazalarimiz oxirida yana bir bor eslatib o'tishni lozim deb topdik: barcha bolalar bir-biridan farq qiladi, ularning har biri o'ziga xos rivojlanish xususiyatlariga ega, shu sababli maktabga tayyorgarlik ushbu xususiyatlarni hisobga olgan holda amalga oshirilishi kerak.

Adabiyotlar

1. Безруких М.М. Проблемные дети. М.: Изд-во УРАО, 2000. 380 с.
2. Безруких М.М. Леворукий ребёнок в школе и дома. Екатеринбург: ЛИТУР, 2001.320 с.
3. Безруких М.М. Трудности обучения письму в начальной школе. М.: Новаяшкола. 1999. 75 с.
4. Azimov Y.Y., Qo'ldoshev R.A. Husnixatga o'rgatishning amaliy asoslari (metodik qo'llanma). Buxoro, 2017. – 130 bet.

Гулширахон Юсупова

Қорақалпоғистон Республикаси

Халқ таълими ходимларини қайта

тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш

худудий маркази Мактабгача, бошланғич ва

махсус таълим методикалари кафедраси доценти

**БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА КРЕАТИВ ФАОЛЛИКНИ
ТАРКИБ ТОПТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ИМКОНИАТЛАРИ**

Ушбу мақолада бошланғич синф ўқувчиларида креатив фаолликни шакллантиришнинг педагогик имкониятлари, ўзига хос педагогик -психологик хусусиятлари ҳақида фикр юритилган бўлиб, ўқувчиларда креатив фаолликни шакллантириш учун ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган, педагогик-психологик жиҳатдан қулай муҳит яратиш мақсадга мувофиқлиги таҳлил қилинган.

Калит сўзлар:*креатив фаоллик, ижодий ютуқ, интеллект даражаси, башоратлаш, тафаккур, ижодий тасаввур, ижодий муҳит, ижод эркинлиги, эвристик ўқув вазияти, эвристик ўқитиш, индивидуал таълим.*

В данной статье были рассмотрены педагогические возможности формирования креативной активности у учащихся начальных классов, специфические педагогическо-психологические особенности, проанализирована целесообразность создания педагогически-психологически благоприятной среды, основанной на взаимном доверии и уважении, для формирования у учащихся креативной активности.

Ключевые слова:*творческая активность, творческий прогресс, уровень интеллекта, прогнозирование, мышление, творческое воображение, творческая среда, свобода творчества, эвристическая образовательная ситуация, эвристическое обучение, индивидуальное образование.*

This article discusses the pedagogical possibilities of forming creative activity in primary school students, specific pedagogical and psychological features, and analyzes the feasibility of creating a pedagogically and psychologically favorable environment based on mutual trust and respect for the formation of students ' creative activity.

Keywords:*creative activity, creative progress, level of intelligence, forecasting, thinking, creative imagination, creative environment, freedom of creativity, heuristic educational situation, heuristic training, individual education.*

Ҳозирги замон таълим жараёни субъектларнинг фаолият кўрсатиш воситаларини янгилашни тақозо қилмоқда. Бундай янгилашни ўқитувчи, ўқувчи ҳамда мактаб таълимини бошқарувчи субъектлар фаолиятига алоқадордир. Мазкур воситалар сирасига дарсликлар, ўқув адабиётлари, компьютер технологиялари, ўқитишнинг инновацион усулларини киритиш мумкин. Бу ўқувчининг креатив фаоллик кўрсатишини таъминлаш, уни фронтал топшириқлардан озод қилиш, мустақил фикрлаш учун кенг йўл очиш, янгиликлар яратишига имконият бериш, ўзи учун индивидуал таълим йўналишини танлашига йўл очиш демакдир.

Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш” бандида[1] узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш алоҳида таъкидланган. Бундай улкан вазифани амалга ошириш эса ўсиб келаётган ёш авлоддан ижодий фаолликни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида ҳам ўқитиш методикасини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш; ёшларни тарбиялаш ва уларнинг бандлигини таъминлашда мактабдан ташқари таълимнинг замонавий усуллари ва йўналишларини жорий этиш, ўқувчиларда таълим олишга кучли мотивацияни шакллантириш таълим тизимининг устувор йўналишлари сифатида белгилаб қўйилган[2].

Жаҳон тажрибаларининг кўрсатишича, иқтидорли болаларни ўқитиш ва уларни ҳар томонлама ривожлантириш таълим жараёнининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Ушбу вазифани ечиш учун бошланғич синф ўқувчиларида креатив фаолликнинг шакллантиришнинг ўзига

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

хос педагогик-психологик йўналишларини татқиқ этиш талаб қилинмоқда. Чунки бошланғич синф ўқувчиларида креатив фаолликни шакллантириш муайян педагогик жараёнда амалга оширилиб, аниқ мазмун, мақсад, восита, усул ва методларга эга. Бунинг учун биринчи навбатда ўқувчиларда шаклланидиган креатив фаоллик ва унинг таркибини ҳар томонлама чуқур тушуниш лозим.

Креатив фаолликка тайёрлик ҳозирги замон кишининг лаёқатини намоён қилувчи ҳодиса бўлиб, у таълим жараёнида шакллантирилади ва ривожлантирилади. У ўқувчи шахсининг ижодий тафаккур қилиш қувватини оширади. Бунинг натижасида ўқувчининг ижодий қобилиятларига фаолиятли ёндашув тамойили рўёбга чиқарилади. Ўқув фаолиятини ривожлантириш механизмлари такомиллаштирилади, инсон фаолиятининг табиати таҳлил этилади. Бунда ўқувчи жисмида вужудга келадиган шахсий ривожланиш жараёни, шахсининг ривожланиш муаммолари, фикрий аниқлик табиатининг очилиши, ўқувчиларнинг индивидуал хиссий ривожланишлари билан боғлиқ муаммоларнинг ечими, мослашмаган фаоллик ғояси кабиларнинг педагогик ечимларига мурожаат этилади.

Креативлик (ижодийлик) (лот. creation – яратувчанлик, ижодкорлик) – қандайдир янги, бетакрор нарса ярата олиш лаёқати, бадиий шакл яратиш, фикрлаш, ғоя ва ечимга олиб келувчи ақлий жараён; шахсининг янги ғояларни яратиш ва қабул қилишга тайёрлигини тавсифловчи ижодий қобилияти[3; 198-б.].

Креатив фаоллик эса ижодий жадаллик, жонбозлик, ишчанлик кўрсатишни англатади. Бошланғич синф ўқувчиларида креатив фаолликни шакллантириш, айниқса, зарур бўлиб, уларнинг яширин иқтидорларини рўёбга чиқариш имконини беради. Креатив фаоллик ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияси таркибида намоён бўлувчи лаёқатдир.

Мазкур фаолият тури ижодкорликка йўналтирилган ўқув жараёнининг негизини ташкил қилади. Унинг асосида ўқитувчи ҳамда ўқувчи фаолиятининг изчилликка асосланган яхлит тизими ўз ифодасини топади. Мазкур туркум эвристик ўқув вазияти тарзида намоён бўлади. Эвристик ўқув вазиятлари мазкур йўналишдаги ўқув жараёнининг асосий технологиясини ифодалайди. Эвристик ўқув вазиятининг мақсади – махсус ташкил этилган фаолият жараёнида ўқувчиларда шахсий таълимий махсулотни яратиш кўникмасининг вужудга келишини таъминлайди.

Ўқувчиларда креативликни шакллантириш қуйидаги педагогик шароитлар билан таъминланиши лозим:

1) ижод эркинлигини таъминлаш мақсадида педагогик жараённи ўқувчи шахсига йўналтириш. Жумладан, ижодий тафаккурнинг ижобий тимсолини яратиш ва муносабатларини шакллантириш; ўқитувчининг креативлиги; қулай ижодий муҳитни яратиш;

2) ўқувчиларда креатив фаолликни шакллантириш учун ўқув жараёнида уларнинг мустақил фаолият кўрсатишларини таъминлаш. Яъни, креатив фаолликнинг мавжуд даражасини кучайтириш мақсадида ўқувчиларнинг идентификациялаш имкониятларини кенгайтириш, ўз-ўзини ижодий ривожлантиришлари учун шароит яратиш, ўқувчиларнинг ривожланиш жараёнларини жадаллаштириш кабилар;

3) ўқувчилар учун хавфсиз ижодий муҳитни яратиш. Ушбу мақсадда синфда ўзаро ишончга асосланган муносабатларни қарор топтириш, ижобий натижаларни қўлга киритиш, муваффақият вазиятларини ҳосил қилиш кабилар;

Ўқувчиларда ижодий тафаккур ва ижодий тасаввурни шакллантириш учун қуйидаги кўникмаларни шакллантириш зарур:

- турли асосларга кўра объектлар, вазиятлар ва ҳодисаларни таснифлаш;
- сабаб-оқибат боғланишларини аниқлаш;
- ўзаро алоқаларни кўра олиш ва янги тизимлар орасидаги боғланишларни аниқлаш;
- ривожланишдаги изчилликни кўра олиш;
- башоратлаш характериға эға бўлган тахминларни илғари суриш;
- объектнинг тўзаро қарама-қарши белгиларини ажратиш;
- зиддиятларни аниқлаш ва шакллантириш;
- объектларға хос бўлган қарама-қаршиликларни замон ва макон уйғунлигида тақсимлаш;
- муайян маконға хос объектларни тасаввур қилиш;
- тасаввур қилинган маконға хос бўлган турли образларни идрок этиш;
- ажратилган белгиларнинг объектға хос жиҳатларини тасаввур этиш;
- фикрлашдаги психологик турғунликни бартараф этиш;
- ечимларнинг табиийлигини баҳолаш;
- ечимларға олиб борадиган фикрлаш қўламини танлаш;
- объектлар, вазиятлар, ҳодисаларни хаёлан қайта шакллантириш;

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

- ўрганилаётган мавзу билан боғлиқ ҳолда объектларни фикран қайта шакллантириш. Юқорида кўриб чиқилган кўникмалар тизимли фикрлашнинг асосини ташкил этади.

В.Н.Дружинининг таъбирича, интеллектуал диапазонни ҳосил қилиш ўқувчиларда креатив фаолликни шакллантиришга асос бўлади. Унинг моҳияти шундаки, шахснинг ютуқлари, шу жумладан, ижодий ютуқлар шахснинг умумий интеллекти даражасини аниқлашга хизмат қилади. Юқори даражада ривожланган интеллект ижодий ютуқларга эришишнинг манбаи ҳисобланади[4; 75-б.].

Креатив фаолликнинг кўлами эса шахснинг майллари ва компетенцияларига боғлиқ. Натижалардан манфаатдор бўлмаслик ўқувчилардаги интеллектнинг паст эканлигидан далолат беради. Бироқ таълим-тарбия жараёнида уларнинг интеллектуал имкониятлари кенгайди, бу эса ўз навбатида креатив фаолликнинг ортиб бориши, фаолият натижаларидан манфаатдорликнинг кучайишига олиб келади. Креатив фаоллик юқори чўққисига етганда эса шахснинг натижаларидан манфаатдорлиги ортиб боради, интеллектуал зўриқиш туфайли креатив фаоллик даражаси пасаяди. Бошланғич синф ўқувчиларида креатив фаолликнинг шаклланишида ўқитувчининг ўрни беқиёс. Шахсга йўналтирилган таълим талабларига кўра бошланғич синф ўқитувчиси ўқув жараёнида ўқувчилар билан тенг ҳамкор, фасилитатор вазифасини бажаради. Бошланғич таълим жараёнида ўқитувчининг ўқувчилар ишига аралашуви камдан кам ҳолатларда уларнинг ижодий имкониятларини пасайтириши мумкин. Асосан эса педагогнинг ўқувчилар гуруҳи, синф жамоаси ёки ҳар бир ўқувчи билан ҳамкорлиги уларда креатив фаолликнинг шаклланишига хизмат қилади. Ўқитувчининг ўқувчиларга нисбатан инсонпарварона муносабатда бўлиши натижасида улар орасида ўзаро ишонч, ҳурмат, ҳамкорлик таркиб топади.

Ўзаро ҳурмат ва ишонч асосида ўқувчилар билан ўқитувчилар орасида ўзаро ҳамкорлик ва ишончнинг мустақамланиши натижасида таълим олувчиларда муайян шахсий сифатлар, жумладан фаоллик шакллантирилади. Ўқувчилар билан ўқитувчилар, ота-оналар, атроф-муҳитдаги кишиларнинг ҳамкорлиги натижасида ҳам бошланғич синф ўқувчиларида креатив фаоллик шаклланади. Агар синфда ўқув фаолияти шахсга йўналтирилган таълим талаблари асосида шакллантирилмаса, ўқувчиларда ўқув жараёнидан ташқарида амалга ошириладиган муносабатларга нисбатан интилиш кучаяди. Улар ташқаридан ўзларига ҳамкор излай бошлайдилар. Ўқувчиларда кузатиладиган юз ифодаси, нутқ, артистлик қобилияти, ҳаракатларнинг аниқлиги ва ифодалилиги, кўз қарашлари, рухий жиҳатдан яқинлик ва ўзаро бир-бирини тушуниш, ишонч, ижодий ҳамкорликка тайёрлик кабилар креатив фаолликни шакллантиришга хизмат қилади.

Ота-оналар ва ўқитувчилар ўз вақтида ҳар бир ўқувчининг креатив жиҳатдан ривожланишини таъминлаш мақсадида уларга тегишли ролларни ажратиб беришлари лозим. Бошланғич синф ўқувчиларида креатив фаолликни шакллантиришга ёрдам берувчи педагогик қўллаб-қувватловчи муносабатларни вужудга келтириш муҳим аҳамиятга эга.

Креатив фаолликка ундовчи педагогик жараёнларда ўқитувчи ўқувчиларга буйруқ ва кўрсатмалар бериши, талаблар қўйиши, мажбурлаши мумкин эмас. Ўқувчининг ижодий жиҳатдан ўз-ўзини намоён қилиш усуллари излаши ўқитувчи томонидан қўллаб-қувватланиши керак. Ўқувчилар томонидан яратилган барча ижод намуналари, уларнинг мазмуни, шакллари, эстетик жиҳозланишидан қатъий назар қабул қилиниши лозим. Креатив фаолликни шакллантириш жараёнида ўқувчиларнинг ишлари ўзаро қиёсланмаслиги, баҳоланмаслиги, йўл қўйилган хатолар учун улар жазоланмасликлари шарт.

Ўқувчиларда креатив фаолликни шакллантириш учун ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган, педагогик-психологик жиҳатдан қулай муҳит яратиш мақсадга мувофиқ. Атроф-муҳит ва яратилган шарт-шароитлар ўқувчиларда креатив фаолликни шакллантиришда алоҳида ўрин эгаллайди. Муҳит ижодкор шахснинг яратилиши ва шаклланишида ўзига хос ўрин тутаяди. Ривожланишнинг ижтимоий вазиятлари бошланғич синф ўқувчиларида креатив фаолиятни изчил тарзда шакллантиришнинг муҳим омили ҳисобланиб, ушбу жараёнда янги ривожланиш вазиятлари ҳосил бўлади.

Ижтимоий вазиятларда ўқувчиларда креатив фаолликни шаклланишида муҳим омил сифатида оилавий муҳит ўз ўрнига эга. Жумладан:

- болаларда ижодкорликни тарбиялашга етарли даражада эътибор қаратиш;
- креатив фаолиятнинг етакчи омили сифатида ижодкорлик мотивларини шакллантириш;
- ижодкорликнинг турли кўринишлари намоён бўлиши учун қулай шароитлар яратиш, бир қолипдаги фикрлаш тарзидан воз кечишларига кўмаклашиш;
- ўқувчиларнинг креатив фаолликларини ҳиссий, психологик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;
- ота-оналарнинг креативлик сифатларини намоён қилишлари ҳамда ушбу жараёнда болаларнинг ҳам уларга ўхшашлари учун қулай вазиятларни яратишлари;

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

- ота-оналарнинг ўз фарзандларининг креатив фаоллик кўрсатишларига умид қилишлари, уларнинг ютуқларига эришишлари, муваффақият қозонишларини таъминлашлари талаб этилади.

Ўқитувчилар ва ота-оналарнинг ўқувчилар ижодий фаолияти натижаларини қўллаб-қувватлашлари, уларнинг креатив фаолиятига нисбатан ижобий муносабатда бўлишлари якуний натижаларга сезиларли таъсир кўрсатади. Аксарият ҳолларда ижодкор ўқувчиларнинг юморни ҳис қилишлари, темперамент типларининг яққол намоён бўлиши ўқитувчилар ва ота-оналарнинг уларга нисбатан салбий, баъзан эса эътиборсизлик билан муносабатда бўлишларига сабаб бўлади. Бунинг натижасида эса улардаги креативлик сифатлари сўна бошлайди.

Креатив фаолликнинг шаклланиши 7-10 ёшли ўқувчиларда жадал кечади. Бу даврдаги креатив фаоллик ўзининг муайян даражадаги чегарасига эга бўлади. Ўқувчилардаги мустаҳкам хотира ва ижод қилишга бўлган интилиш креатив фаолликнинг шаклланишига асос бўлади.

Креативлик интеллектга нисбатан юқори даражадаги кўринишга эга бўлиб, уни шакллантиришига муайян омиллар асос бўлади. Интеллектуаллик сингари креатив фаоллик ҳам туғма бўлмайди, у таълим-тарбия жараёнида шакллантирилади. Бунда ҳар бир ўқувчига хос бўлган иқтидор ва лаёқатлар атрофдагилар томонидан қанчалик қўллаб-қувватланишига қараб ўқувчи ўз қувватларини рўёбга чиқаради.

Хулоса қилиб айтганда, бошланғич синф ўқувчиларида креатив фаолликни шакллантириш учун биринчи навбатда уларни зарур топшириқлар билан қуроллантириш, ота-оналар ва ўқитувчиларни креатив фаоллик борасидаги педагогик-психологик билимлардан хабардор қилиш мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. /Расмий нашр/ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: Адолат, 2017. – Б.37.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси” тўғрисидаги ПФ-5712-сонли Фармони. <https://lex.uz>
3. Педагогика: энциклопедияси II жилд. /тузувчилар: жамоа. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти – 2015. Б.198
4. Дружинин В.Н. Психология общих способностей. – М.: Лантернавита, 1995; 118 с.

FILOLOGIYA VA TILLARNI O'QITISH

Zilola AMONOVA

Buxoro davlat universiteti
O'zbek adabiyoti kafedrasida dotsenti,
filologiya fanlari nomzodi

Gulbahor QURBONOVA

Buxoro shahridagi 11-maktab o'qituvchisi

SHEKSPIR TRAGEDIYALARINING UMUMTA'LIM MAKTABLARIDA O'RGANILISHI

Maqolada jahon adabiyotining zabardast vakili V.Shekspir ijodiga munosabat beriladi. Ayniqsa, ijodkorning "Hamlet" va "Otello" tragediyalari g'oyaviy-badiiy tahlilga tortilib, mazkur asarlarning umumta'lim maktablarida o'qitilishi bilan bog'liq mulohazalar beriladi. Bunda asosiy e'tibor ushbu asarlarni o'rganish uchun berilgan soatlarning to'g'ri taqsimlanishi va ularning amaliy ahamiyatiga qaratiladi.

Kalit so'zlar: *Shekspir, drama, tragediya, jahon adabiyoti, adabiy aloqa, badiiy mahorat.*

The article deals with the work of Shakespeare, a prominent figure in world literature. In particular, the tragedies of the writer "Hamlet" and "Otello" are analyzed in an ideological and artistic way, and the comments are made on the way these works are taught in public schools. The emphasis is on the proper distribution of the hours devoted to the study of these works and their practical significance.

Key words: *Shakespeare, drama, tragedy, world literature, literary communication, artistic skill.*

Статья посвящена творчеству выдающегося деятеля мировой литературы Шекспира. В частности, в идейно-художественном плане анализируются трагедии писателя "Гамлет" и "Отелло", комментируются способы преподавания этих произведений в государственных школах. Акцент делается на правильном распределении часов, посвященных изучению этих работ и их практическому значению.

Ключевые слова: *Шекспир, драма, трагедия, мировая литература, литературное общение, художественное мастерство.*

Shekspir – nafaqat ingliz, balki jahon adabiyotining zabardast vakillaridan biri. U o'zining o'lmas asarlari bilan jahon adabiyoti xazinasiga ulkan hissa qo'shgan shoir va dramaturgdir. Ayniqsa, tragediya janrida katta muvaffaqiyatlarga erishib, mazkur sohaning rivojiga salmoqli hissa qo'shdi. Ijodkor tragediyalari insonning ma'nan yetuk, qalban pok bo'lishga chorlaydi.

A dibning axloqiy-ta'limiy qarashlarini o'rganish, undagi sharqona falsafani tadqiq qilish ahamiyatli jihatlardan biridir. Zero, barkamol avlod tarbiyasida jahon adabiyoti namunalari, g'arb falsafasi va uning sharq tafakkuri bilan qiyosan o'rganish alohida ahamiyat kasb etadi. Shunday ekan, jahon adabiyotining yirik siymolaridan biri Shekspir ijodini tahlil va tadqiq etish ziyolilar oldidagi muhim masalalardan biridir. Chunki hozirgi globallashuv davri har bir o'sib kelayotgan yosh avloddan zamon talablariga hozirjavoblik, ijodiy tafakkur teranligi va intellektual faollikni talab qilish bilan bir qatorda, ularning savodxonlik darajasi, to'g'ri va ravon nutqqa ega bo'lishlarini har qachongidan ko'ra dolzarb darajaga ko'tarmoqda. Ayniqsa, chet tili va adabiyotini o'rganishga bo'lgan qiziqish yoshlar o'rtasida tobora kuchayib bormoqda. Bu, albatta, quvonarli hol. Ayni jihatlarini inobatga olgan holda umumta'lim maktab o'quvchilariga jahon adabiyotining noyob asarlari haqida ma'lumot berish bilan birga, ularning yoshiga mos kitobni tavsiya etish juda zarur hisoblanadi. Masalan, respublikamiz umumta'lim maktablarining 9-sinfida Shekspir hayoti va ijodi hamda "Hamlet" tragediyasini o'rganish juda o'rinli tanlangan. Chunki mazkur tragediya o'smir yoshidagi, hayotning barcha jihatlariga qiziqayotgan, o'zini kattalardek tutishga urinayotgan o'quvchilar uchun yaxshigina tarbiya maktabi bo'lishi mumkin. Mazkur mavzuni o'rganish uchun rejada umumiy 7 soat berilgan. 1-soat ijodkor hayot faoliyatiga, keyin "Hamlet" tragediyasini o'qib, o'zlashtirishga 2 soat berilgan. 1 soat "Hamlet" fojiasi haqidagi ma'lumotga, 2 soat "Hamlet timsoliga tavsif" mavzusida nazorat ishi, ya'ni inshoga, 1soat insho tahliliga ajratilgan. Mazkur mavzularni to'liq o'rganish uchun dars soatlarini to'g'ri taqsimlash va undan unumli foydalanish zarur. Tabiiyki, 1-soatda dramaturgning hayoti va ijodi o'rganiladi.

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

Shekspir hayoti va ijodiga alohida ahamiyat qaratish lozim. Chunki ijodkor faoliyati asarlarini yaratishga ham sezilarli ta'sir ko'rsatadi. Adabiyotshunos olimlar biografik metod ijodkor asarida muhim o'rin tutishini qayd etishgan. Shekspirning tarjimaiyati holiga doir ma'lumotlar juda kam saqlangan bo'lib, ijodkorning hayoti va adabiy faoliyatiga oid materiallar zamondoshlari tomonidan berilgan izohlar hamda xotiralar asosida yig'ilgan. Shekspir ijodida jami ikki poema, 154 ta sonet, 37 ta pyesa mavjud.

Mutaxassislar fikricha, Shekspirning adabiy faoliyatini uch davrga bo'lib o'rganish mumkin. Ijodining birinchi davrida (1590-1601) shoir poema va sonetlaridan tashqari, "Adashishlar komediyasi", "Qiyiq qizning quyilishi", "Veronalik ikki yigit", "Sevgining behuda kuchayishi", "Yoz kechasidagi tush", "Vindzorlik masxaraboz ayollar", "Yo'q narsadan bir talay g'avg'o", "Bu sizga yoqadimi?", "O'n ikkinchi kecha"; "Angliyaning o'tmishidan olingan xronikalar" deb nomlangan asarlar hamda tarixiy dramalar: "Genrix IV", "Genrix VI", "Genrix V"; "Richard II", "Richard III", "Qirol Ioann", shuningdek, "Romeo va Julietta" hamda "Yuliy Sezar" nomli ikki mashhur tragediyasini yozdi. Ijodining ikkinchi davri (1601-1608) aytish mumkinki, Shekspir dramatik faoliyatining yanada rivojlanishi bilan ajralib turadi. Bu davrda yozuvchi insonparvarlik g'oyalari va davr fojialarini aks ettirgan «Gamlet», «Qirol Lir», «Otello», «Makbet», «Antoniy va Kleopatra», «Koriolan», «Afinalik Timon» tragediyalarini yaratdi. Ijodining uchinchi davrida (1608-1612) esa nisbatan ayricha, ya'ni tragikomediya «Simbelin», «Qishki ertak», «Bo'ron» kabi asarlarini yozdi.

Biz Shekspir ijodini asosan tarjimada o'rganamiz. Tarjima – bu yuksak badiiy ijoddir. Tarjima – lisoniy, adabiy-estetik hodisa, so'z san'ati. Tarjimon esa ijodkordir. Millatlar o'rtasida o'zaro aloqa qilishga ehtiyoj kuchaygani sari tarjimachilik faoliyati ham kengayib boraveradi. Shekspir ijodi ham bir qancha o'zbek shoir va yozuvchilari tomonidan ona tilimizga tarjima qilingan. Jumladan, G'afur G'ulom, Turob To'la, Maqsud Shayxzodalarning xizmatlari katta.

Ijodkorning hayoti va faoliyatiga tegishli jihatlar qayd etib o'tilgandan keyin, darslikda berilgan "Hamlet" fojeasi o'rganiladi. Ta'kidlaganimizdek, asarni o'qib, o'zlashtirishga 2 soat berilgan. Shu ikki soatning 1-soatida dastlab o'qituvchi kirish so'z sifatida "Hamlet" tragediyasi haqidagi ayrim mulohazalarni aytadi: Shunday asarlar bo'ladiki, u ma'lum bir xalq yoki millat tafakkuri uchun emas, butun insoniyat – g'arb-u sharq tafakkuri uchun g'oyat muhim ahamiyatga molik bo'ladi. Bunday asarlar bashariyat tamadduniga xizmat qilish barobarida o'z nomini abadiyatga muhrlaydi. Shunday noyob kitoblardan biri bu "Hamlet" desak mubolag'a bo'lmaydi. Sababi, unda odamzodni azaldan o'ylantirib kelgan muammolar – ezgulik va haqiqat uchun kurash, vafo va sadoqat masalalariga keng o'rin ajratilgan. Inson yaralibdiki, qalbi ezgulikka tashna, ammo shunday holatlar bo'ladiki, nafs girdobiga tushib kishilar yovuzlikka qo'l uradi. Ayni shu jihat insonni yovuz, berahm qilib qo'yadi.

Ma'lumki, inson barcha yaratilgan orasida eng ulug'i qilib yaratilgan. Unga Olohdan aql, nutq, farosat kabi ulug' in'omlar ato etilgan. Ba'zi hollarda insonlar shu jihatlarni unutib, boylik to'plash, shaxsiy manfaatlarini o'ylash bilan o'z nomlariga dog' tushiradilar. Hatto bu yo'lda turli razilliklardan qaytmaydilar. Tragediyani o'qib, bularning barchasiga amin bo'lamiz. Asarda ezgulikka intilgan kishilar va hokimiyat uchun kurashgan va bu yo'lda hech bir yomonlikdan tap tortmaydigan kimsalarning to'qnashuvi juda ta'sirchan ifodalangan. Chunki Shekspir ham insonni har jihatdan yetuk, barkamol ko'rishni istagan, shu orzu-istaklarini drama qahramonlari tili va harakatiga jo aylagan. Tragediyani o'qib, o'zimiz guvoh bo'lamiz. Mazkur tragediya bilan o'zbek kitobxonlari ilk bor jadid adabiyoti vakili Abdulhamid Cho'lpon tarjimasini orqali tanishdilar. Shuningdek, ulug' shoir va dramaturg Maqsud Shayxzoda ham mazkur tragediyani o'zbekchaga o'g'irgan. Shu kabi mulohazalardan so'ng, asarni rollarga bo'lib o'qish tavsiya etiladi. Bunday o'qish turi dramatik asarlar tabiatiga xos xususiyat sanaladi. Qolaversa, har bir o'qiyotgan o'quvchi o'ziga berilgan qahramon nutqidan ta'sirlanib, o'sha obrazga nisbatan simpatiya yoki antipatiya his qiladi. Bu esa, ayni chog'da o'quvchi dunyoqarashining shakllanishiga, hayotga o'z shaxsiy nigohi bilan qarashiga o'rgatadi. Bir so'z bilan aytganda, ijodiy tafakkur sohibini tarbiyalashimizga xizmat qiladi. Chunki har bir o'quvchida shaxsiy fikr va bu fikrni asoslaydigan mantiqiy mulohazalar shakllanishi zarur. Shundagina u o'z mulohazalarini erkin bayon etib, qahramonlar faoliyatiga to'laqonli baho bera oladi. Zero, qahramon xarakteri yoki uning tutgan yo'li o'quvchiga ibrat bo'lishi mumkin. Demak, adabiyot darsi bola tafakkurining shakllanishi bilan birgalikda hayot yo'lini belgilashda ham alohida ahamiyatga ega. Ikkinchi soatda esa tragediya g'oyaviy-badiiy jihatdan tahlilga tortiladi. Darslikda asarning birinchi va uchinchi pardalaridan parchalar berilgan. Jumladan, birinchi pardaning 4-sahna qismi keltirilgan. Mazkur parchada Hamlet, Horatsio, Marsell ishtirok etadi. Bu qahramonlarning suhbat qasr oldidagi maydonchada bo'ladi va shu o'rinda Hamlet otasining arvohi kirib keladi. Hamletning murojaati juda ta'sirli tarzda ifodalangan. U, avvalo, osmon farishtalaridan panoh so'rayda, so'ng arvoning kimligini bilishga urinadi:

*Panoh bo'ling bizga, osmon farishtalari!
Kimsan, ruhi Yazdonmisan yo zilli shayton?*

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

*Jannat nafasimi yoki do‘zax hovuri,
Niyatingda savobmi yo kufri pinhon?[2, 295]*

Mazkur parchada shoir tazod san‘ati (yazdon, shayton; jannat, do‘zax; savob, kufri)dan unumli foydalanib, kitobxon uchun arvoHning sifatlarini ochishga harakat qilgan. Parchaning keyingi misralarida Hamlet arvoHga ketma-ket savollar bilan murojaat qilib, uning bezovtaligi sababini, nechun jonsiz jasad yarog‘ taqib olganligini so‘raydi:

*G‘aflat aro qolib ketmay. Javob ber menga,
Nechuk zulmat makoningni bundoq tark etib,
Kafaningni yulib-yulqib otibsan nega?
Biz jasading qo‘yib kelgan o‘sha sag‘ana
Tosh jag‘larin yirib ming bir mashaqqat ila,
Nechun ozod qo‘ymish seni? Nechun izoh ber?*

Bu qismda arvoH Hamlet bilan xoli so‘zlashmoqchiligini anglatish uchun uni imlaydi. Bu orada Hamletning do‘sti Horatsio va askar Marsell arvoHning imlaganini fahmlab, Hamletga to‘sqinlik qiladilar. Ammo Hamlet ularning qo‘lidan chiqib arvoH bilan ketadi va shu bilan birinchi pardaning 4-sahnasi yakunlanadi. Beshinchi sahna maydonchani uzoq bir chekkasida arvoH bilan Hamletning suhbat bilan boshlanadi. Suhbat davomida arvoH o‘zini quyidagicha tanishtiradi:

*Men otangning arvoHdurman,
Kechalari hayron-sarson kezib yurmoqqa,
Kunduzlari jahannamda yonmoqqa mahkum.
Gunohlarim yonib ado bo‘limguncha to
Davom etar bu mazallat, bu qora savdo.*

Shuningdek, shoir arvoH tilidan aytmoqchi bo‘lgan fikrlarining ta‘sir doirasi kuchli ekanligiga ishora qilib, uni tinglagan kishida quyidagicha ruhiy o‘zgarish bo‘lishini she‘riy misralarda bayon etadi:

*Ammo kichik bir hikoya so‘zlasammi, bas,
Joning halqumingga kelib qotar qonlaring
Yulduzlar o‘z mehvarlaridan otilgan kabi,
Ko‘zlaring haq xonasidan chiqar shu nafas.
Soching tikka turib, unda har bitta mo‘ying
Quturgan jayranning o‘tkir nayzalariday.*

Tikkayardi, xuddi sachrab otilmoqqa shay[2,297].

Albatta, arvoH tilidan bayon etilayotgan fikrlar Hamletni mudhish qotillik yoki bo‘lmasa, adolatsizlik, johillik yuz bergan-u, ammo u bexabar ekanligini obrazli ifoda etgan. Mazkur yo‘l ijodkorning o‘ziga xos uslubini namoyon etadi va kitobxonni hayajonga soladi. Hamletga shum qotillik haqida arvoH xabar beradi:

*...Ammo, eshit, eshitib ol, eshitgin, evoh,
Sen otangni chindan sevar bo‘lsang mabodo...
Shum qotillikning qasosini ol[2,295].*

Aynan mana shu qismda tragediyadagi asosiy g‘oya o‘z ifodasini topgan desak, bo‘ladi. Chunki toj-u taxt uchun nohaq qon to‘kishlar, o‘z manfaati yo‘lida uka-akaning umriga zomin bo‘lishi, yuksak pafosda aks ettirilgan. Ya‘ni Hamletning amakisi uning otasini o‘ldirib, ilon chaqib o‘ldirdi, deb xalqqa e‘lon qiladi va o‘zi uning taxtiga o‘tiradi:

*Eshit, Hamlet, meni bog‘da uxlab yotganda
Ilon chaqib o‘ldirdi, deb etishdi e‘lon.
Elni amal-taqal qilib aldashdi shundoq,
Ammo, o‘sha – meni chaqib o‘ldirgan ilon
Tojim kiyib o‘tiribdi[2,295].*

Shekspir mazkur fojeasida taxt uchun nohaq qon to‘kishlar, qabohat, razolat avj olgan zamon dardini, davr fojeasini juda haqqoniy, ta‘sirchan syujet orqali ko‘rsatib bergan. Ma‘lumki, Shekspiri qiyinagan bu dard barcha zamonlarning ham og‘riqli nuqtasi bo‘lgan. Ayni holat bilan bog‘liq voqealar Sharq davlatchilik boshqaruvida ham ko‘zga tashlanadi. Tahlillar davomida o‘qituvchi Sharq va G‘arb bilan bog‘liq xususiyatlar haqida to‘xtalib, jahon adabiyotida yaratilgan nodir asarlar hamma xalq va millat vakillari uchun birdek xizmat qilishini ta‘kidlab o‘tishi zarur. Tragediya tahlilini davom ettirar ekanmiz, arvoH, ya‘ni Hamletning otasi uni qasos olishga undab, adolat qaror topishini xohlaydi. Qolaversa, agar Hamlet qasos uchun shay turmas ekan, uning holatini chiroyli tashbehlar vositasi orqali ijodkor ifodalaydi:

*Shaysan, ko‘rib turibman.
Kim bo‘larding, agar shunday tug‘yon urmasang?
O‘lik daryo suvlarida bujmayib o‘sgan,*

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

Baqa to 'ni, sassiq alaf bo 'larding balkim[2,296].

Demak, ijodkor ushbu tragediya g'oyasi orqali insonni adolat uchun kurashga undaydi, agar u kurashmas ekan, "sassiq alaf" dan farqi qolmasligini uqtiradi. Ayni shu o'rinda darsning tarbiyaviy jihatiga ham ahamiyat qaratib, o'quvchi-yoshlarni adolatparvar va Vatan yo'lida fidoyi bo'lishga chaqirish lozim. Tragediyaning qolgan qismlari rollarga bo'lib o'qitilib, o'z o'rnida yuqoridagi kabi g'oyaviy-badiiy tahlil qilinadi. Bunda o'quvchilarga murojaat qilib, ularning tahlillari va mulohazalari so'raladi. Asardagi har bir qahramon xususiyati, fe'l-atvoriga baho beriladi. Bu darsda asosiy ishtirokchi, albatta, o'quvchilar bo'lib o'qituvchi faqat boshqaruvchi sifatida faoliyat yuritadi. Chunki tahlil va munosabat bildirish o'quvchilarning fikrlash doirasini kengaytirib, og'zaki nutqini ham rivojlantiradi. O'qituvchi o'quvchilarning fikrlaridagi xatolarni tuzatib, to'ldirib boradi. Jumladan, asarning bosh qahramoni shahzoda Hamlet muallif tomonidan mukammal yaratilgan obrazlardan biri bo'lib, tragediyada o'ylar, gumonlar, iztiroblar girdobida tasvirlanganligini ta'kidlab, o'z mulohazalarini bayon etadi. Hamlet mehribon o'g'il, oriyatli yigit bo'lgani uchun ham otasi o'limini juda og'ir kechiradi, yo'qotish dahshatidan qutilolmaydi, doimo shuning ta'sirida yuradi, Shunday bo'lsa-da, o'z dardini boshqalarga namoyon etishni xohlamaydi. U – inson hayoti, umr mazmuni va mohiyati haqida ko'p o'ylaydigan yigit. O'qituvchi, albatta, shu kabi mulohazalar bayoni davomida sinfdagi yigitlarni uning shunday fazilatlaridan o'rnak olishga chaqiradi. Shu o'rinda jahon adabiyoti namunalari sanalmish asarlar qaysi xalq adabiyotida yaratilishidan qat'iy nazar umumbashariy g'oyalarni tarannum etilishi, unday asarni qaysi millat vakili o'qisa ham o'ziga tegishli xulosa chiqara olishi kerakligi ta'kidlanadi. O'qituvchi uyga vazifa sifatida darslikda asardan parcha berilganligini, qolgan qismlarini esa maktab kutubxonasidan yoki "Ziyonet"dan elektron holda olib to'liq o'qishlari mumkinligini ta'kidlaydi. Yana o'quvchilarni zamon bilan hamnafas yurishga undab, asarning asl matni, ya'ni ingliz tilidagi nusxasidan foydalanib ko'rishga chaqiradi. Bunda ingliz tili o'qituvchilaridan yordam so'rashi mumkinligini ham aytadi. Tabiiyki, bunday topshiriq ayni damda o'quvchi uchun noan'anaviy bo'lganligidan qiziqarli tuyiladi va muhimi, o'quvchi harakat qiladi, kitob o'qiydi.

Keyingi dars bir soat "Hamlet" fojiasi haqidagi ma'lumotga ajratiladi. Bu dars davomida ham asar haqidagi mulohazalar davom ettiriladi. Darsni "Hamlet" fojiasidan olgan taassurotlarim" deb nomlangan diskurs-suhbat dars sifatida ham o'tkazish mumkin. Bu o'rinda o'qituvchi hech bir o'quvchini nazardan chetda qoldirmasligi, hammani faol ishtirok etishga undashi, ayniqsa, o'quvchilar bir-birlarining fikrlarini to'ldirishlari, hech kim ilg'amagan jihatlariga ham ahamiyat berishlari lozimligini uqtirib turadi. Dars oxirida, albatta, faol ishtirokchilar baholanadi. Mazkur usul orqali bir darsda ko'pchilikni baholash imkoni ham bo'ladi. Shu o'rinda uyga vazifa sifatida "Hamlet timsoliga tavsif" mavzusida nazorat ishi, ya'ni inshoga tayyorlanib kelish topshiriladi. Keyingi ikki darsda rejalar tuzilib, epigraflar tanlanib, insho yoziladi. Albatta, diskurs-suhbat dars tufayli hamma o'z fikr-mulohazalariga ega bo'ladi. Bu esa nazorat ishi yozishda ahamiyatli bo'lib, o'quvchilar insho yozishga qiynalmaydilar. Mazkur nazorat ishi o'quvchilardagi dunyoqarashni shakllantiradi va yozma nutqni rivoltantiradi. Ikki soatlik insho darsidan keyin 1soat insho tahlili darsi o'tkaziladi. Bu darsning maqsadi insho davomida o'quvchilar yo'l qo'ygan uslubiy, imloviy, ishoraviy xatolarni tahlilga tortish va izohlashdir. Bunda har bir o'quvchi o'z xatosini tushunadi. Kelgusi ishlarida, albatta, bu xatoni takrorlamaydi. Shu bilan V.Shekspir hayoti faoliyati va "Hamlet" fojiasini o'rganishga ajratilgan soatlar tugaydi. Ammo bir necha darsdan beri Shekspir ijodi bilan tanishib kelayotgan o'quvchilarda dramaturg ijodiga qiziqish uyg'onadi. Ana shu qiziqishni so'ndirmaslik uchun o'qituvchi mustaqil o'qishga "Otello" tragediyasini tavsiya etishi mumkin. Hatto, darsdan keyingi to'garak mashg'ulotlarida mazkur dramani o'qib, tahlil qilishlarini ham qayd etadi. Mazkur fojiani umumta'lim maktabining yuqori sinf, ya'ni 9-,10-,11-sinf o'quvchilariga mustaqil o'qish uchun tavsiya etish mumkin. Chunki bu yoshdagi bolalar ancha ulg'aygan, oq-qorani tanigan, ma'lum bir asarni o'qib undan tegishli xulosa chiqara oladigan yoshda bo'ladi. Shu o'rinda kirish qismi sifatida ayrim mulohazalarini aytsa maqsadga muvofiq bo'lardi.

Shekspir yaratgan har bir asar o'quvchi qalbiga chuqur iz qoldiradi. Ayniqsa, uning "Otello" fojeasida ham xuddi "Hamlet" dagi singari pok qalbli insonlar va ularning ayanhli taqdirleri bir qator personajlar misolida ochib beriladi. "Otello" tragediyasida ezgulik va yovuzlik, xiyonat va sadoqat, oliyanoblik va pastkashlik kabi sifatlar o'rtasidagi kurash tasvirlangan. Asardagi o'z manfaatini o'ylab, yaxshi kishilarning hayotiga zomin bo'lgan Yago, Rodrigo kabi salbiy timsollar faoliyati kitobxon uchun hayotda o'z yo'lini tanlay bilishda ahamiyatlidir. Dramada Otello mard, olijanob, to'g'riso'z bo'lganligi uchun hammani o'ziday o'ylab nomard, yolg'onchi, xiyonatkor kishilarga ishonadi. Uning o'zi yuksak ma'naviyatli bo'lganligi sababli atrofidagi kishilardan ham sadoqat va ishonch kutadi. Yomonlik jazosiz qolmaydi, deganlaridek, Yagoni ham, xotini Emilyani ham yomonlik o'z domiga tortadi. Mazkur dramani darsdan keyin to'garak mashg'ulotlarida rollarga bo'lib mutolaa qilish yoki uyda o'qish, obrazlarga tavsif yozib kelish vazifa sifatida berilsa ham bo'ladi. To'garak mashg'ulotining 2-soatini to'liq asarni o'qish va g'oyaviy-badiiy

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

jiatdan tahliliga bag'ishlash lozim. Ayniqsa, savol va topshiriqlar berilib misralar tahlil qilinadi. So'ng o'quvchilarning xulosalari tinglansa, asarning tarbiyaviy ahamiyati yanada ortadi. Mashg'ulotning keyingi soatlari "Otello" fojiasi haqidagi mulohazalarga ajratiladi. Bunda har bir o'quvchining asar va undagi obrazlar silsilasi, voqealar bayoni haqidagi fikrlari so'raladi. Hatto, darsni "Asarning bugungi kundagi ahamiyati" nomli davra suhbatini tarzida olib borish ham mumkin. O'quvchilarning fikrlarini tinglab, o'qituvchi darsni "Otello" fojiasi haqidagi mulohazalar bilan xulosalaydi. Shu o'rinda tragik obrazlar va hayot haqiqati to'g'risidagi nazariy ma'lumotlar va tragediya janrda yaratilgan asarlar xususida ma'lumot beriladi.

G'arb va Sharq adabiyotini qiyosiy o'rganib, o'xshashlik tomonlarini, millatimizga mos keladigan jihatlarni yoshlarga tushuntirishimiz lozim. Jahon adabiyoti tarixiga nazar solsak, azaldan Sharq xalqlari madaniyati g'arbliliklarni maftun etib kelganining guvohi bo'lamiz. Bu holat g'arb ijodkorlari asarlarida o'z ifodasini topadi. "Yevropa kitobxonlari tarjima vositasida Sharq xalqlari ijodiyoti bilan tanishar ekanlar, bundan ming yillar muqaddam Osiyo ko'ksida yetuk madaniyat barpo etilganligi, teran ham nozik insoniy tuyg'ular ulug' gumanistik g'oyalari baralla kuylangan yuksak adabiyot yaratilganligining guvohi bo'ldilar", - deydi Najmiddin Komilov. Darhaqiqat, Sharq adiblarning asarlari Yevropa yozuvchilarning ijodiy kamolotiga samarali hissa qo'shgan. Shuning uchun ayrim asarlarda qahramonlarni sharqliklardan tanlaganlariga ham guvoh bo'lish mumkin. Jumladan, "Otello" tragediyasida ham shu holni ko'ramiz. Yoki Gyote ham aynan, Hofiz orqali Sharqqa cheksiz muhabbat bog'lab, "G'arb-u Sharq" devonini yaratadi. Braziliyalik ijodkor Paulo Koelo esa Sharq allomalaridan ta'sirlangan, yoki Sergey Yesenin she'riyatida sharqona motivlar katta o'rin egallaydi. Aytish joizki, Sharqning ezgu so'z, ezgu amal kabi o'lmas g'oyalari ko'pgina jahon adabiyoti asarlarida o'z aksini topgan. Jumladan, "Otello" fojiasida ham ko'rish mumkin. Muallif asarda yaxshilik qilish, samimiylilik kabi oliy insoniy fazilatlarini tarannum etadi.

Demak, Jahon adabiyoti durdonalaridan biri sanalgan "Hamlet", "Otello" fojialarida inson taqdiri, yo'li, ruhiy evrilishlari, ezgulik va yovuzlikning azaliy kurashi kabi umuminsoniy mavzular yoritiladi va uni o'rganish insonparvarlik, mehr-muhabbat, vafo va sadoqat, to'g'rilik va oliyanoblik kabi bir qator fazilatlarini shakllantirishda va o'quvchi-yoshlarni ayni shu ruhda tarbiyalashda alohida ahamiyat kasb etadi.

Ma'lumki, yurtimizda amalga oshirilayotgan islohotlarning mazmuni ko'p jihatdan, kelajagimiz egalari – yoshlarning ilmiy salohiyatini oshirish, intellektual qobiliyatlarini yuzaga chiqarish, ularni jahon taraqqiyoti bilan hamqadam bo'lishlariga qaratilgan. Ayniqsa, hozirgi globallashuv davri har bir o'sib kelayotgan yosh avlodidan zamon talablariga hozirjavoblik, ijodiy tafakkur teranligi va intellektual faollikni talab qilish bilan bir qatorda, ularning savodxonlik darajasi, to'g'ri va ravon nutqqa ega bo'lishlarini har qachongidan ko'ra dolzarb darajaga ko'tarmoqda. Shu jihatdan, Muhtaram Prezidentimiz Sh. Mirziyoyev tomonidan 2017-yil 12-yanvar kuni "Kitob mahsulotlarini chop etish va tarqatish tizimini rivojlantirish, kitob mutolaasi va kitobxonlik madaniyatini oshirish hamda targ'ibot qilish bo'yicha komissiya tuzish to'g'risida"gi farmoyishga imzo qo'ydi. Bu farmoyish mohiyat e'tibori bilan yoshlarimizning ma'naviy jihatdan yuksalishiga va ajdodlar merosiga sadoqat ruhida tarbiyalanishiga hissa qo'shdi. Qolaversa, Prezidentimiz 2018-yil 19-martda yurtimizning ma'naviy va iqtisodiy rivoji uchun zarur bo'lgan besh tashabbus bilan bog'liq qaror qabul qilganliklari yurtimizda san'at va adabiyot, qolaversa, kitobxonlikka bo'lgan qiziqishning oshishiga olib keldi. Demak, kitobxonlikka muhabbat uyg'otish birinchi galda adabiyot fani o'qituvchisining vazifasidir. O'qituvchi ona tili va adabiyot darslarida, to'garak mashg'ulotlarida jahon adabiyotining o'lmas durdonalari bilan o'quvchi-yoshlarimizni oshno etib borishi lozim.

Zero, adabiyotning bosh vazifasi ham ezgulikka muhabbat va yovuzlikka nafrat uyg'otishdir. Badiiy adabiyotda yaratilgan har bir asar insonni shu ulug' maqsad sari yetaklaydi. Shekspirning "Hamlet", "Otello" kabi tragediyalari nafs va sabr, nafrat va muhabbat, iymon va gunoh kabi insoniy mavzular talqiniga bag'ishlanganligi bilan alohida ahamiyatlidir. Bu kabi asarlar barkamol avlod tarbiyasida muhim o'rin egallaydi. Shuning uchun mazkur asarlarni o'qitish va o'rgatish biz- o'qituvchilarning zimmasidagi mas'uliyatli vazifadir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Boynazarov F. Jahon adabiyoti. [World literature] Toshkent 2006-y.
2. Yo'ldoshev Q. va boshqalar. Adabiyot. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 9-sinfi uchun darslik. [Literature. Textbook for 9th grade of secondary schools.]Toshkent. 2019-y.
3. Shekspir V. Tanlangan asarlar. 5 jildlik, 3-jild. [Selected works. Volume 3 of 5 volumes.]Toshkent. 1983y.

Najmiddin BAKAYEV

Buxoro davlat tibbiyot instituti dotsenti

LOTIN TILI AMALIY MASHG‘ULOTLARIDA INNOVATSION TEKNOLOGIYALARDAN FOYDALANISHNING SAMARADORLIGI

Mazkur maqolada “Lotin tili va tibbiy terminologiya” fanini hozirgi zamon innovatsion texnologiya metodlarini qo‘llab o‘qitishning ilmiy metodik nuqtayi nazardan asoslashga harakat qilingan.

Ta‘lim-tarbiya ishi bugungi kunda o‘quvchi-talabani har tomonlama rivojlantirishni majmuaviy jarayon sifatida tantana qilmog‘i darkor. Shuning uchun ham ushbu jarayon turli yoshdagi o‘quvchi-talabalarning aqliy rivojlanish dinamikasini, o‘quv-biluv jarayonida o‘quvchi-talaba shaxsining faoliyati, tahsil olishi va rivojlanishining o‘zaro aloqadorligini ta‘minlashga yordam berishi kerak. Ayniqsa, bu yondashuv rivojlantiruvchi ta‘lim-tarbiya o‘quvchi-talabalarga ko‘nikma va malakalarini shakllantirishda o‘z mohiyatini namoyon etishi ko‘rsatib o‘tilgan.

O‘quvchi-talabani har tomonlama rivojlanishiga asoslangan o‘quv-biluv jarayonini tashkil etish hozirgi kun talablaridan biri bo‘lib, o‘ta dolzarb muammolardan biridir. Bunda bilish jarayonining o‘zi o‘quvchi-talabani kuzatish, uning faoliyatini tashkil etishga yo‘naltirilish o‘z aksini topgan.

Ma‘lumki, didaktik va psixologik talablarni hisobga olgan holda muayan o‘quv predmeti doirasida maxsus tashkil etilgan individual hamda alohida guruhlarda, jamoa bo‘lib olib boriladigan amaliy – uslubiy ishlar orqali hamda turlicha murakkablik darajasida bo‘lgan topshiriqlarning har tomonlama o‘ylab chiqilgan tizimi har bir mavzuning o‘zlashtirilishi muayan pedagogik shart - sharoitlarni talab qiladi. Albatta, bu talablarni amalda tadbiq etish o‘qituvchining bilim darajasiga, pedagogik va tashkilotchilik mahoratiga bog‘liq. Bu purma‘no talab amaliy mashg‘ulotlarni mazmunli, qiziqarli tashkil etish omillari bayon etilgan.

Kalit so‘zlar: *interfaol metodlar, innovatsion texnologiyalar, tibbiy terminologiya, o‘quv o‘yinlari, multimedia, lotin tili.*

В статье рассматриваются научно-методические основания обучения предмета «Латинский язык и медицинская терминология» с современными инновационными технологиями. Учебно-воспитательная работа должна сегодня торжественно отмечать всестороннее развитие ученика и студента как комплексный процесс. Поэтому этот процесс должен способствовать динамике умственного развития учащихся и студентов разных возрастов, взаимодействию личности ученика и студента в процессе обучения и развития. В частности, в статье отмечается, что развивающее образование и воспитание демонстрируют свою суть в формировании навыков и умений учащихся.

Организация учебно-познавательного процесса, основанного на всестороннем развитии учащегося-студента, является одной из актуальных проблем современности. При этом сам процесс познания предполагает наблюдение за учеником, ориентацию на организацию его деятельности.

Как известно, обследование с учетом дидактических и психологических требований посредством практической методической работы, проводимой в рамках учебного предмета в специально организованных индивидуальных и отдельных группах, коллективах, а также всесторонне продуманная система заданий различной степени сложности требует сложных педагогических условий для усвоения каждой темы. Конечно, практическое применение этих требований зависит от уровня знаний, педагогического и организационного мастерства учителя. В статье объясняется значительными, интересными факторами организации практических занятий.

Ключевые слова: *интерактивные методы, инновационные технологии, медицинская терминология, образовательные игры, мультимедиа, латинский язык.*

The article deals with modern innovative approaches to teaching “Latin language and medical terminology” from the perspective of scientific methodological basis.

Educational and educational work today should be recognized as a complex process of comprehensive development of the pupil-student. Therefore, this process should help to ensure the dynamics of the mental development of pupils-students of different ages, the interrelationships between the activity, education and development of the student-student personality in the educational process. In particular, it is

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

shown that this approach demonstrates the manifestation of its essence in the formation of skills and qualifications of developing education students-students.

The organization of the educational process based on the comprehensive development of the pupil-student is one of the requirements of the present day and is one of the most pressing problems. This process of cognition itself is reflected in the observation of the student-student, the orientation to the organization of his activities.

It is known that muayan, taking into account didactic and psychological requirements through practical and methodical work carried out within the framework of the subject of training in individual and individual groups, specially organized, as a team, and the comprehensively thought - out system of tasks with varying degrees of complexity requires a certain pedagogical conditions, the assimilation of each subject. Of course, the practical implementation of these requirements depends on the level of knowledge of the teacher, his pedagogical and organizational skills. It is explained the factors of meaningful, interesting organization of practical classes.

Key words: *interactive methods, innovative technologies, medical terminology, teaching games, multimedia, the Latin language*

Mustaqillik yillarida, ayniqsa, 2017-yildan O‘zbekistonimizda siyosiy-iqtisodiy sohada, shuningdek, ta‘lim sohasida ham kengqamrovli islohotlar olib borilayotganligi hech kimga sir emas. Chunki «Hozirgi vaqtda eng muhim, eng dolzarb vazifalarimiz – jamiyatimiz a‘zolarini, avvalambor, voyaga yetib kelayotgan yoshavlodni kamol toptirish, ularning qalbiga milliy g‘oya, milliy mafkura, o‘z Vataniga mehr – sadoqat tuyg‘usini uyg‘otish, o‘zligini anglash, milliy va umuminsoniy qadriyatlar ruhida tarbiyalashdan iboratdir»[1]. Bu o‘ta muhim vazifalar, eng avvalo, yoshlar ta‘lim-tarbiyasiga mas‘ul hisoblangan o‘qituvchilarga qaratilgan.

Ta‘kidlangan vazifalar o‘qituvchilar tomonidan to‘la-to‘kis bajarilsa, har tomonlama kamol topgan, o‘zida yuksak axloqiy fazilatlarni mujassamlashtirgan, milliy va umuminsoniy qadriyatlarga hurmat, mustaqillik tamoyillari va ona-vatanga sadoqat ruhida tarbiyalangan, ta‘lim va kasb-hunar dasturlarini ongli tanlab, puxta o‘zlashtirgan, jamiyatimizdagi ijtimoiy-iqtisodiy o‘zgarishlarga, turmushga moslashgan, sog‘lom turmush tarsi va mehnat ko‘nikmalari shakllangan jamiyat, davlat va oila oldidagi o‘z burchini his etadigan, ijodiy, erkin va mustaqil fikrlaydigan barkamol yoshlarni tarbiyalashdek davlat siyosati darajasidagi vazifa bajariladi.

Bosqichma-bosqich amalga oshirilayotgan «Kadrlar tayorlash Milliy dasturi»ning ikkinchi bosqichida ta‘lim tizimiga yangi pedagogik texnologiyalarni joriy etish, umumiy, o‘rta maxsus ta‘lim hamda oliy ta‘lim tizimi moddiy-texnika bazasini mustahkamlashdek ulug‘vor vazifani amalga oshirish mas‘uliyati yuklangan.

Hozirgi dolzarb damlarda yangi pedagogik texnologiyalar o‘quv materialini tinglovchiga yetkazishning eng qulay va sodda metodi sifatida tan olinib, amaliy mashg‘ulot jarayonini yangi sifat ko‘rsatkichlariga olib chiqishi mumkin bo‘lgan eng muhim omil ekanligi metodist-olimlar tomonidan e‘tirof etilmoqda.

Respublikamiz tibbiyot oliygohlarining o‘quvchi-talabalari uchun kasbni egallash kasb tilini o‘rganish, shu bilan birga tushunchalar va ularni ifodalovchi atamalar tizimini o‘zlashtirish bilan amalga oshiriladi. Hozirgi zamon tibbiy atamashunosligi tom ma’noda keng va murakkab atamalar tizimi hisoblanib, bir necha yuz ming so‘z va so‘z birikmalarni o‘z ichiga oladi. Tibbiy va biologik atamashunoslikning o‘ziga xos xususiyati ko‘p asrlik «an’anaviy» lotin tilini qo‘llashdadir.

Darhaqiqat, istiqloq sharofati bilan, boshqa fanlar qatori “Lotin tili va tibbiy atamalar asoslari” fanining ta‘limiy mazmuni tubdan o‘zgardi, yangilandi. Ushbu ta‘lim lotin tili o‘qituvchilari zimasi hamda komil inson, ham ijodiy tafakkur sohibini tarbiyalashdek ulug‘vor vazifani yukladi. Bu sharaflil ulug‘vor vazifani amalga oshirish uchun, faqatgina ilg‘or pedagogik texnologiyalarni amaliy mashg‘ulotlar jarayoniga qo‘llash bilangina ijobiy natijalarga erishish mumkin.

Ma‘lumki, «Lotin tili va tibbiy atamalar asoslari» fanining ta‘lim texnologiyasi, boshqa fanlardagidek, mazmuni, metodikasi (usuli), vositalari bilan har tomonlama chambarchas bog‘liq. Ammo mazkur amaliy fan uchun ajratilgan soatlar miqdorining kamligini, o‘quvchi-talabalarning o‘zlashtirishi darkor bo‘lgan materialning ko‘pligini hamda tibbiy atamalarni yozma-og‘zaki o‘rganishlari hamda kelajakda ularni faoliyatlariga qo‘llay olish ko‘nikma va malakalarini to‘liq shakillantirishni inobatga olsak, ta‘limning yangi maqsadi zamonaviy pedagogik texnologiyaga asoslangan metod(usul)lar bilan amaliy mashg‘ulot o‘tishni taqozo etadi. Chunki zamonaviy yangi metodlar vaqtni tejaydi, qiziqarli va samarali hamdir. Shuning uchun ham amaliy mashg‘ulotlarda quyidagi metod(usul)lardan foydalanish o‘quv samaradorligini oshirishga xizmat qiladi. Masalan:

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

“Musobaqa dars”, “Aqliy hujum” , “Ruchka stol o‘rtasida”, “Multimediya dars” va boshqalar. Bu usullarning barchasi mazmunli, qiziqarli va ayni zamonda, o‘ta foydali hamda takrorlanmasdir.

Kasbiy til, ya’ni lotin tili o‘quv dasturi talablarini inobatga olgan holda amaliy mashg‘ulotlar samaradorligini yanada oshirish maqsadida o‘quv o‘yinlaridan ko‘proq foydalanish maqsadga muvofiqdir. Chunki o‘yinlar har qanday dars, mashg‘ulotni tushunarli chiqishiga, qiziqarli bo‘lishiga o‘zining ijobiy ta’sirini ko‘rsatadi. Har qanday o‘quv o‘yining ta’lim-tarbiyani maqsadli amalga oshirishda imkoniyati cheksiz.

Metodist olimlarning ta’kidlashlaricha, o‘yinli faoliyat shaxsning o‘zligini namoyon qilishda, o‘zini-o‘zi boshqarishda, o‘z imkoniyatlarini yuzaga chiqarishda va bilimga bo‘lgan ehtiyojlarini qondirish borasida katta ahamiyat kasb etadi [2,4,5]. O‘quv o‘yinlari shaxsning kasbga bo‘lgan qiziqish va intilishini amalga oshirishda ishonchli vosita sifatida xizmat qiladi, chunki o‘yinlarning ta’lim va tarbiya jarayonida boy va cheksiz imkoniyatlari borligi aniq haqiqatdir. Zamonaviy pedagogik texnologiyalari vositasida o‘quvchi-talabalarga bilim berish natijalari bugungi kun va yangi ta’lim standartlari talablariga javob berayotganini kundalik faoliyatimizdagi ijobiy o‘zgarishlar va tajribalarimiz ham tasdiqlaydi.

Yangi pedtexnologiya imkoniyatlaridan o‘rinli, unumli foydalanish, birinchidan, o‘qituvchiga katta mas’uliyat yuklasa, ikkinchidan, dars mavzusini tushuntirishda o‘qituvchiga ko‘p qulayliklar yaratadi. O‘qituvchi yangi pedtexnologiyaning mazmuni, mohiyati va uning maqsadini yaxshi tushunishi va uning usullarini dars jarayoniga olib kirishi hamda uni mavzularni tushuntirishda qo‘llay bilishi muhimdir [3,6].

Har bir amaliy mashg‘ulotda, ayniqsa, dars maqsadidan, mohiyatidan kelib chiqqan holda «Harflar olami», «To‘pni oling, so‘zni aytin», «Kim tez so‘z tuza oladi», «Tez so‘z aytish», «Sirli rishta», «O‘yla! Izla! Top!», «Zinama-zina», «Men ham bilaman» kabi o‘quv o‘yin turlaridan foydalanish maqsadga muvofiqdir.

I. “Tez aytish” o‘yini. O‘quvchi-talabalarni kasbiy tilga bo‘lgan qiziqish va intilishlarini oshirish maqsadida bu o‘quv o‘yini usulidan foydalanish yaxshi natija beradi. Maskur o‘quv o‘yini “Tibbiy atamalar yasash” mavzusini o‘tish jarayonida olingan bilimlarni mustahkamlashda va o‘rganilgan tibbiy atamalarni takrorlash hamda xotirani sinash maqsadida tatbiq etish mumkin. O‘quv o‘yini tashkil etish va o‘tkazish tartibi quyidagicha:

1. Auditoriyadagi barcha o‘quvchi-talabalar ishtirok etishi ta’minlanadi.
2. Ishtirokchilar og‘zaki so‘z aytishlari va ularni yozma yozib berishlari darkor.
3. O‘zidan oldingi ishtirokchi aytgan so‘z (lar) ni aytib, so‘ngra o‘zi yangi (takrorlanmagan) so‘z aytishi kerak.
4. Yangi so‘z ayta olmagan yoki aytilgan so‘zni takrorlagan o‘quvchi-talaba o‘yindan chetlashtiriladi.
5. Barcha so‘zlarni o‘z o‘rnida xatosiz tez ayta olgan o‘quvchi-talaba g‘olib sanaladi.

II. “Sinkveyin” o‘yini. O‘qituvchi o‘quvchi-talabalarga «Lotincha ot va sifat atama elementlarning grek negizli sinonimlarini» tushuntirish jarayonida “Sinkveyin” o‘quv o‘yin usulida mavzuni xulosalashi mumkin. Masalan, o‘qituvchi magnit doskasiga «dars o‘tayotgan o‘qituvchi» inson tanasi, quloq, og‘iz, tish, ichak, vena, oyoq, bosh, oshqozon, ko‘z, yurak kabi rangli rasmlarni iladi. So‘ng navbat bilan har ikki guruhdan bittadan o‘quvchi-talabani doskaga taklif qiladi. 1- o‘quvchi-talaba rasmni ko‘rsatib, lotincha nomini aytadi; shu zahoti 2- o‘quvchi-talaba unga aynan shu atamaning grek negizli sinonim atamani aytadi.

Shu tariqa bir necha o‘quvchi-talabadan aytib eshitilgandan so‘ng, o‘quv materialini mustahkamlash va xotirani sinash maqsadida o‘quvchi-talabalar o‘rinlaridan turib navbat bilan tez aytish topshirig‘ini bajaradilar. Oxirgi yozma topshiriq ham bajarilgandan so‘ng, ishlar tekshiriladi.

O‘quv o‘yini quyidagi tartibda baholanadi:

1. Barcha o‘quvchi-talabalar baholanishi kerak.
2. 10 ta lotincha atamaning grek negizli sinonimlarini to‘g‘ri aytgan va xatosiz yozgan o‘quvchi-talaba «5» baho bilan taqdirlanadi.
3. 10 ta lotincha atamaning 8-9 ta grek negizli sinonimlarini qiynalib aytgan va yozma ishda 2-3 tasini xato yozgan o‘quvchi-talaba «4» baho bilan taqdirlanadi.
4. 10 ta lotincha atamaning 6 ta grek negizli sinonimlarini to‘g‘ri aytgan va yozma ishda 4 tasini xato yozgan o‘quvchi-talaba «3» baho bilan taqdirlanadi.

III. “Men ham bilaman” o‘quv o‘yini.

Bu o‘quv o‘yini anatomik atamashunoslik bo‘limi o‘tib tugatilgandan so‘ng o‘tkaziladi. O‘yin tashabbuskori – fan o‘qituvchisi o‘yinning imkoniyat va mohiyatidan kelib chiqib anatomik atamalarni

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

tanlaydi. Tanlangan atamalar o'rganilgan bo'lishi kerak. Atamalarni tanlashda, o'qituvchi guruh talabalariga taqdim etiladigan konvert (konvertlar guruh talabalarini sonidan kelib chiqib, jami 20 ta, har bir konvertda 20 tadan inson organlarining foto suratlari, jami 400 tani tashkil etadi) dagi foto suratlari, albatta, rangli, nafis bo'lishi, talabalarni qiziqitira oladigan, shuningdek, ularni lotincha tez aytib to'g'ri talaffuz qilishlarini hamda atamalar xatosiz aytilishi darkorligini avvaldan bilishi lozim.

Bu o'yin natijasida talabalar o'ta qiziqish bilan bilimlarini namoyish qilibgina qolmay, balki tez va xatosiz ayta olish qobiliyatlarini ko'z-ko'z qila olish mahoratini, o'ylab mushohada qilib, idrok etishdek psixologik ichki kechirmalarni tibbiyot tilida ayta olishga o'rganadilar. Hozirgi zamon pedtexnologiya nuqtayi nazaridan qaraganda ushbu o'yinning «fikrlash, tez va xatosiz yozish, aytish» xususiyatlari ahamiyatlidir.

Eslatma: *Konvertlardagi inson organlari va ularga tegishli qismlarni ham nafaqat so'zda atalishini, balki ularning foto suratlarda tassavur qila olish, ko'rganda taniy olish kabi psixologik qobiliyat, ko'nikma va malakalarini shakllantirish hamda rivojlantirishdek mas'uliyat inobatga olingan.*

O'quvchi-talabalarning xohish-istaklariga ko'ra guruhlariga bo'linmay, har bir talaba o'z bilimini va mahoratini ko'rsatishga harakat qiladi. O'quv o'yini uchun tayyorlangan konvertlar alohida stol ustida terib qo'yiladi. Har bir talaba ixtiyoriy ravishda chiqib konvertni tanlab oladi va uni ochib, ichidagi fotosuratlarni bir-bir olib, lotin tiliga tez va xatosiz aytishga harakat qiladi.

Mazkur o'yinga berilgan javoblar uchun 30 soniya, 45 soniya, 60 soniya raqamlari katta qilib yozilgan va doskaga ilingan. O'qituvchi konvertdagi topshiriqni bajarish uchun 30 soniya o'tgan bo'lsa, 30 soniya raqamini ko'rsatib, «30 soniya o'tdi» deydi, 45 soniya o'tgan bo'lsa, 45 soniya raqamini ko'rsatib, «45 soniya o'tdi» deydi, 60 soniya o'tgan bo'lsa, 60 soniya raqamini ko'rsatib, «60 soniya o'tdi» deya ogohlantirib boradi. Bunda o'quvchi-talabaning har biri bergan javoblariga qarab raqamlarni oladilar. Javob berishga ketgan vaqt qancha oz bo'lsa, oladigan baho baland bo'ladi, ya'ni 30 soniyaga – «5» baho, 45 soniyaga - «4», 60 soniyaga - «3» baho; 60 soniyadan oshsa -«2» baho qo'yiladi. Bunday baholash tizimi o'quvchi-talabalarni tezroq, xatosiz aytishga undaydi.

O'yinning boshidanoq o'quvchi – talabalar orasidan «5» baho olganlar bo'lishi tabiiy. Bu ko'rsatkich boshqalarning (ayniqsa, o'zlashtirishi past talabalar) qiziqishini oshirib, faol bo'lishga, yaxshi natijalarga erishishga chorlaydi. Ularning faolliklarini hisobga olib, passiv talabalar ham harakat qilib qoladi. Ana shunday paytda ularni yanada faallashtirish uchun navbat ataylab shu talabalarga beriladi. Chunki bu o'yinni o'tkazishdan maqsad ham talabalarni faallashtirishdan iborat.

«Men ham bilaman» o'quv o'yinini uyushtirgan o'qituvchi o'yin oxirida barcha o'quvchi-talabalarni qo'lga kiritgan muvoffaqiyatlari bilan tabriklaydi, agar «2» baho olganlar bo'lsa, ularning sabablari har tomonlama aytib tushuntirilishi, muhokama qilinishi kerak. O'yinning nihoyasida o'yin ishtirokchilarining olgan baholari o'qib eshittiriladi.

O'quv o'yinining ijobiy tomonlari:

- a) mazkur o'yin talabalar o'rtasidagi muammoli masalalarni jamoa bo'lib hal etishga undaydi;
- b) bu o'yin guruh talabalarini orasidan liderlarning paydo bo'lishiga imkoniyat yaratadi;
- c) bu o'yin davomida ortda qoluvchilar ham aniqlanadi;
- d) bu o'yin talabalarga tibbiy atamalarni lotin tiliga tez va ravon aytish ko'nikmalarini shakllantirishga xizmat qiladi.

O'quv o'yinining salbiy tomonlari:

- a) bu o'yinda o'rta yoki passiv talabalar ham o'zlarini namoyon etishi mumkin;
- b) bu o'yinda flegmatik xususiyatga (uzoq o'ylab javob beradigan) ega talabalar o'ng'aysizlanib qoladilar.

Darhaqiqat, o'quvchi-talabalar bilimini mustahkamlash uchun barcha imkoniyatlar mavjud. Bu imkoniyatdan to'g'ri, oqilona foydalanish faqat o'qituvchining serqiqqa ijodiy faoliyatiga bog'liq. Chunki fan va texnika asrida informatsion texnologiya cheksiz imkoniyatlarni yaratib bermoqda. Texnik jihozlar, kompyuter, multiplikatsiya, multimediya va ko'plab boshqalarni misol keltirish mumkin. Bulardan o'z faoliyati mazmunini takomillashtirish va samaradorligini oshirishda foydalanish mumkin. Shuningdek, bu imkoniyatlar o'z navbatida sermahsul faol harakatlantiruvchi o'quv tizimini va elektron kitoblarni yaratishga hamda ulardan o'rinli foydalanishga qulay sharoit yaratadi. Natija o'z samarasini berib, birin-ketin informatsion ma'ruza, amaliy va tajriba xonalari tashkil etilayotgani quvonchli holdir.

Jumladan, o'quvchi-talabalar elektron kitob yordamida quyidagi imkoniyatlarga ega bo'ladilar:

1. O'qib o'rganish uchun zaruriy adabiyotni tezda izlash (oddiy darslikda buni izlash bir muncha noqulay va qiyin bo'lishi mumkin).

2. Mavzuga tegishli ilmiy, ilmiy metodik adabiyotlardan (aslidan) foydalanish.

3. Faoliyatga daxldor matnning kerakli lavhalarini printer orqali bosmadan chiqarish.

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

4. Ma'ruza va amaliy mashg'ulotlarda olgan bilimlarini mustahkamlash, tez tekshirish (test, turli boshqotirmalar, ijodiy matn tuzish, jadvalni to'ldirish va boshqalar).

5. Ko'p tarmoqli interfeysdan foydalanish.

6. Vertual muloqot asosida olib boriladigan o'qitish tizimidan foydalanish (masofaviy o'qitish).

7. Oddiy darslikda bo'lmagan audio, video materiallarni (jonli ovoz, rangli tasvir, musiqa) turli harakat elementlarini ko'rish va tinglashga muayassar bo'lish.

Xulosa qilib aytganda, lotin tilini o'qitishdan maqsad bo'lg'usi shifokor o'z faoliyatida tibbiy atamalardan to'g'ri va o'rinli foydalanish ko'nikma va malakalarini shakllantirishdan iborat. Zamonaviy inovatsion texnologiyadan foydalanish talabalar bilimini oshirishga, dunyo qarashining rivojlanishida, tafakkurini o'stirishda va fanlararo aloqalarni ta'minlashda bebahodir. Qolaversa, o'quv o'yinlari ularni e'tiborli bo'lishga, mustaqil ijodiy fikrlashga, mas'uliyatni his etishga ijobiy ta'sir etadi. Shuningdek, ularni zeriktirmaydi, toliqtirmaydi, aksincha, ularga yxshi kayfiyat, kasbiy tibbiy atamalarni har tomonlama puxta o'rganishga undaydi.

Tibbiy atamashunoslikning asoschisi Gippokrat ta'kidlashicha: « *Invia est in medicina via sine Lingua Latin* », ya'ni: "Lotin tilisiz tibbiyotga yo'l yo'q". Demak, so'zsiz, lotincha tibbiy atamalarni har tomonlama puxta o'rganish shart.

Adabiyotlar:

1. Ш.Мирзиёев 2018 й 15 июнь куни бўлиб ўтган "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби" мавзусидаги видеоселектор йиғилишидаги нутқи.

2. Avliyoqulov N.X. Zamonaviy o'qitish texnologiyalari. –T., 2001.

3. Ne'matova G.X. Ijodiy tafakkurni rivojlantirish texnologiyasi va o'quvchining mustaqil faoliyati. –T., 2001.

4. Vigotskiy L.S. Mishleniye i rech. M., 2001.

5. Bakayev N., Hafizova M.N. Xorijiy til dars samaradorligini oshirish omillari. "pragmalingvistika, funktsional tarjimashunoslik va til o'rgatish jarayonlari integratsiyasi" mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy anjuman materiallari to'plami. – Buxoro, 2018, 193-195 b.

6. Ishmuxammedov R. va b. Ta'limda inovatsion texnologiyalar. –T., 2008.

Зебо САЛИМОВА

Термиз давлат университети
факультетлараро англиз тили
кафедраси ўқитувчиси

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН МЕТОДЛАР ТАСНИФИ

Мақолада умумий ўрта таълим мактаблари англиз тили ўқитувчисининг инновацион методлардан фойдаланиши орқали таълим сифатини ошириши йўллари ёритиб берилган.

Калим сўзлар: мактаб, инновация, педагог-технолог, метод, таълим, тарбия, билим, кўникма, креатив, тасниф.

В статье освещены пути повышение качества образования за счет использования инновационных методов преподавателей английского языка в общеобразовательных школах.

Ключевые слова: школа, инновация, педагог-технолог, методика, образование, воспитание, знания, умение, творчество, классификация.

The article highlights ways to improve the quality of education through the use of innovative methods of English teachers in general secondary schools.

Keywords: school, innovation, pedagogue-technologist, method, education, upbringing, knowledge, skill, creativity, classification.

Республикамиз Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг бевосита ташаббуси ва раҳбарлигида қабул қилинган ҳамда изчил равишда амалга оширилаётган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиш бўйича Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимизда ривожланиш тараққийнинг янги босқичини бошлаб берди. Бу жараённинг амалий натижалари бугунги кунда ҳаётимизнинг барча соҳаларида, энг муҳими, халқимизнинг онг-у таффақури, интилиш ва ҳаракатларида яққол намоён бўлмоқда.

Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи – ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири бўлган таълим тизимини такомиллаштириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган [1].

Маълумки, ўзгаришлар даврида таълим тизими ижтимоий жараёнлардан келиб чиққан ҳолда шиддат билан ривожланишни тақозо этади. Таълим орқали жамиятда келажақдаги вазифаларни бажаришга қодир бўлган янги авлод шакллантирилади.

Шуни инобатга олган ҳолда умумтаълим мактаблари таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ёш авлоднинг ҳартомонлама пухта билим олиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Педагогиканинг ривожланган тажрибалари ҳамда таълимда эришилган ютуқларни амалиётга олиб кириш бугунги куннинг муҳим шартларидан ҳисобланади. Ҳозирда ўқитувчи ўз фаолияти давомида фойдалана олиши мумкин бўлган улкан тажрибалар базаси шаклланган ва у кундан-кунга янада бойиб бормоқда. Лекин шунга қарамадан, ўқитувчилар ва бўлғуси касб эгалари томонидан ана шу тажрибаларни ўзлаштириб олишлари бирмунча мушкуллик билан амалга ошмоқда. Буни ўқитувчилар томонидан мазкур тажрибаларни таҳлил қилиш ҳамда танлаш малака ва кўникмаларининг етарлича ривожланмаганлиги билан изоҳлаш мумкин. Улар ўзларининг амалий фаолиятлари давомида тўпланиб бораётган тажрибалари ва ҳамқасбларининг фаолиятларини кўздан кечиришга етарлича эътибор бермаётганликларининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Бир нарсани ёдда тутиш лозимки, ривожланган педагогик тажрибалар маълум бир даражада чекланганлик характерида эга ҳисобланади. Қолаверса, педагогик тажрибалар янги элементларни ҳам ўзида мужассамлаштириб, улартаълим амалиёти ва назариясини бойитиш хусусиятига эга. Педагогнинг мавқеи илғор тажрибаларни вужудга келтиришда ва уларни касбдошлари ўртасида оммалаштиришда, айниқса, аҳамиятлидир. Айнан мана шунинг учун ҳам янги тажрибаларни амалиётга киритиш ва оммалаштиришда субъектив омилларни алоҳида эътиборга олиш лозим. Таълим берувчи янги илғор педагогик тажрибани амалиётга жорий этишда унинг қиммати ҳамда қай даражада самарали эканлигига эътибор бериши керак. Ўқитувчи амалий фаолиятининг инновацияга йўналганлиги назарий педагогик тадқиқотлар натижасида эришилган ютуқларни амалиётга жорий этиш имкониятини беради. Айнан мана шундай тадқиқотлар натижаларини

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

оммалаштириш учун уларни кенг жамоатчиликка таништириш талаб этилади. Бундай янгиликларни соҳа мутахассислари томонидан тезкор маслаҳатлар бериш, махсус семинар ҳамда тренинглар ўтказиш, конференцияларда чиқишлар қилиш, бўлгуси педагогларга эса туркум маърузалар ҳавола этишорқали бошқа педагогика вакилларига етказиш мумкин.

Шу ўринда бирсавол туғилади: «Илғор педагогик ғоялар ва технологияларни кенг жамоатчилик вакилларига етказувчилари ҳамда тарғиботчилари кимлар?» Алоҳида педагог ёки таълим муассаси тажрибасини ўрганиб чиқиш, оммалаштиришда олий таълим муассасаларининг профессор ўқитувчилари, умутаълим даргоҳларида фаолият олиб борадиган етук педагоглар бу жараёнда муҳим аҳамият касб этади. Бунинг сабабини куйидагича изоҳлаш мумкин:

- Инновация муаллифи муайян педагогик ғоя ёки янгиликнинг истиқболи тўғрисида керакли ва аниқ баҳони бера олмайди.

- Илғор педагоглар ҳар доим ҳам ўз ғояларини оммалаштириш ҳақида ўйлайвермайдилар. Сабаби янгилик педагогнинг қўшимча вақти, меҳнатини талаб қилади.

- Ғоя ҳар доим ҳам унинг яратувчиси томонидан илмий–методик жиҳатдан етарлича асосланмайди.

- Муаллифлар ўзларининг инновациялари ва уларни амалиётга жорий этиш йўлларини баён қилишда ўзлари ва касбдошларининг индивидуал хусусиятлари билан боғлиқ бўлган тўсиқларга рўбарў келадилар.

- Нафақат педагогик инновацияларни тарғибқилиш ва оммалаштириш, балки улар асосида педагоглар қаолиятига тузатишлар киритиш бўлажак ўқитувчиларнинг касбий билимдонлиги ва маҳоратини бойитиш вазифаси ҳам ижодий гуруҳ зиммасига юкланади.

- Инновацияларни тизимли танлаш, мониторинг ўтказиш, инновацион ғоялар, технологияларга баҳо бериш, олий ўқув юртлири иш тажрибаларини бойитиш вазифалари ҳам ижодий гуруҳ аъзолари зиммасидадир.

Инновацион ғоя муаллифи амалиётда қўллашга йўналтирилган фаолиятни бошқаришда иштирок этмайди. Бу тарздаги ёндашув инноватив педагогнинг имкониятларини кенгайтириш ва уни муайян мақсадга йўналтиришга замин яратади.

Инноватив педагогика асосчиси ва оммалаштирувчининг қувватлари шу тариқа бир нуқтага жамланиб, маълум бир мақсадга йўналтирилади [5,94]. Педагогик инновациялар ўзининг муайян ўлчовларига эга. Педагогик инновациялар бўлгуси ўқитувчининг креатив фаолиятини шакллантирадиган куйидаги ўлчовлардан иборат ҳисобланади: инновацион усулларнинг нақадар янги эканлиги; унинг оптималлиги; қанчалик самара бериши; омавий тажрибада қўллаш имконияти ва шу қабилар.

Инновацион усулларнинг асосий ўлчови уларнинг янгилиги, илмий тадқиқот натижалари ҳамда илғор педагогик тажрибалар билан тенглигидадир. Шу сабабдан ҳам инновацион жараёнда фаолият олиб бориш истагида бўлган ўқитувчилар учун янгиликнинг асл моҳияти нимадан иборат эканлигини тушуниш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўтказилаётган тажриба маълум бир ўқитувчи учун янгилик бўлса, бошқаси учун эса бу усул янги бўлмаслиги мумкин. Қолаверса, бўлажак педагоглар учун айни бир усулнинг янгилик даражаси турлича бўлиши мумкин. Анашуларни эътиборга олган ҳолда бўлажак педагоглар ҳам, таълим тизимида фаолият олиб бораётган ўқитувчилар ҳам инновацион ижодий фаолиятга ўзларининг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда ёндашишлари лозим бўлади. Бу эса ўз навбатида педагогларнинг шахсий ўзига хосликлари, индивидуал-психологик хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқ ҳисобланади.

Бўлгуси педагогларнинг креатив функцияларини ривожлантиришга кўмаклашувчи инновацион усуллар янгилиги даражасига кўра бир қанча шаклларда намоён бўлади: абсолют даража; локал-абсолют даража; шартли даража; субъектив даража. Бу фарқларуларнинг қўлланиш соҳаси ва аниқлик даражаси билан боғлиқ.

Инновацион педагогик янгиликларни омавий тарзда амалиётда қўллаш уларни баҳолашнинг меъзони сифатида талқин этилади [2,103]. Педагогик амалиётда мазкур ғоялар ва технологиялар тор, чекланган даражадаги қўлланиш даражасига эга бўлиб қолади. Бу асосан ўқув жараёнининг техник таъминоти ва ўқитувчи фаолиятининг ўзига хослиги билан боғлиқ. Бундай вазиятда педагогик янгиликлар ҳақида фикр юритиш аҳамиятсиздир.

Омавий педагогик тажрибаларда педагогик инновацияларни ижодий қўллаш алоҳида ўқитувчилар иш фаолиятининг бошланғич босқичида намоён бўлади. Мазкур инновациялар тажриба-синовдан ўтказилиб, объектив баҳолангандан сўнг омавий тарзда қўллаш учун тақдим этилади. Кенг оммалашган, ижобий натижаларга эришиш имконини берадиган инновацион

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

усуллардан фойдаланган ҳолда бўлажак ўқитувчиларнинг креатив функцияларини ривожлантириш мақсадга мувофиқ бўлади[6,37].

Инновацион янгиликларнинг амалиётга қўлланилмай қолиб кетаётганлигининг иккита муҳим сабабини келтириб ўтиш мумкин ва улар куйидагилар:

1. Умутаълим мактабларига кириб келаётган инновацион янгиликлар етарлича таҳлил ҳамда тажриба-синовлардан ўтмаяпти;

2. Бундай янгиликларни амалиётга жорий этиш ташкилий, техник, шахсий-психологик жиҳатдан олдиндан тайёрланмаяпти.

Педагогик инновацияларнинг мазмуни ва ўлчовлари ҳақидаги аниқ тасаввуруларни қўллаш методикаси бўлажак ўқитувчиларнинг онги ва фаолиятига сингдирилиши биринчи даражали эҳтиёжга айланмоқда.

Ўқитувчининг инновацион фаолиятини ўрганишга йўналтирилган ташхислаш методлари ҳам ранг-барангдир. Педагогик янгиликларни яратиш ўзлаштириш ва қўллаш имконини берадиган техник муаммолар педагогик тажрибаларни ташхислаш негизида ўрганилиши лозим. Ташхислаш методларидан фойдаланиш ўқитувчи фаолиятининг кучли жиҳатларини намоён қилади[4,27].

Шунинг учун ҳам бўлажак ўқитувчиларни ташхислашнинг замонавий методикалари билан қуроллантириш давр талабидир. Бўлғуси педагогларнинг касбий эҳтиёж ва хоҳишларини ҳисобга олган ҳолда уларда касбий-педагогик этикани шакллантириш ва узлуксиз ривожлантиришга йўналтирилган тўлақонли мақсадли фаолиятни амалга ошириш лозим. Айнан мана шу асосда ҳар бир ёш ўқитувчининг яратувчанлик фаолияти билан шуғулланиши, ижодий фаолият олиб бориши, ташаббус кўрсатиши учун қулай шароит яратиш кўзда тутилади [3,19].

Педагогик инновацияларни ташхислаш асосида ўрганишда ҳар бир педагог тажрибасида ижобий, ривожлантирувчи ҳолатлар билан бир қаторда салбий кўринишлар ҳам мавжудлигини ҳисобга олиш зарурлигини унутмаслик керак. Ёш педагог таълим даргоҳида самарали фаолият кўрсатиши учун унинг иш тажрибасида мавжуд бўлган ижобий ҳамда салбий жиҳатларни ташхислаш асосида яққол кўрсатиш талаб этилади. Инновацион жараёнларни ўрганиш мақсадида қўлланиладиган ташхислаш методлари куйидагилардан иборат эканлигини бўлажак ўқитувчилар онгига аниқ етказиш лозим. Булар:

- бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик эҳтиёжлари, кизиқишлари, алоҳида аҳамиятга эга бўлган йўналишларни тизимли тарзда ўрганиш, бунда ўқитувчиларнинг фаолиятида учрайдиган кийинчиликлар ва уларни бартараф этиш имкониятларини аниқлаш;

- уларнинг кизиқишлари ва эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиладиган ғоялар, концепсиялар ҳамда илғор педагогик тажрибаларни излаб топиш ва олий педагогик таълим амалиётига жорий этиш;

- бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик инновацияларни ўзлаштириш ва қўллаш жараёнидаги ўзига хослик ва уларнинг турли-туман кўринишларини аниқлаш, бунда намоёйиш қилиш, тасвирлаш, очиқ дарслар ўтказиш, янги манбалар устида ишлаш, маърузалар ташкил этиш, тажриба-синов ишларида иштирок этиш сингари иш турларидан кенг фойдаланиш кабилар.

Педагогик инновацияларни ташхислаш асосида ўрганишга йўналтирилган амалий ишларни ҳам бир неча босқичларда ўтказиш тавсия этилади:

1. Бўлажак ўқитувчилардан дастлабки босқичда анкета сўровлари, анкета саволларига олинган жавобларни экспертизадан ўтказиш, индивидуал суҳбатлар ташкил этиш ва анкета саволларига олинган жавоблардаги маълумотларни тасдиқлаш, ташхис натижалари асосида олинган маълумотларни таҳлил қилиш.

2. Мазкур босқичда биринчи босқич натижалари асосида бўлажак ўқитувчининг касбий-педагогик малакасини оширишга йўналтирилган тадбирлар режалаштирилади ҳамда уларни амалга ошириш йўллари кўрсатилади.

3. Ушбу босқичда амалга оширилган ишлар яқунлиниб, такрорий ташхислаш ўтказилади. Мазкур жараёнда бўлажак ўқитувчининг оралиқ ҳамда якуний натижаларни олишга йўналтирилади. Гуруҳдаги талабалар фаолиятида рўй берган ўзгаришлар чуқур таҳлил қилинади.

Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, бўлажак ўқитувчиларнинг ҳосил қилган касбий кўникма, малакалари ва тажрибаларини ташхислаш ҳамда уларни ташхислаш методлари билан қуроллантириш ҳамда касбий педагогик таълим жараёнини инновацион ғоялар асосида қайта қуриш талабаларнинг креатив фаолиятини самарали ривожлантириш имконини беради. Бунинг натижасида бўлажак ўқитувчиларни ижодий фаолият кўрсатишга, ташаббускорликка ундаш имконияти вужудга келади.

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

Ўқитувчининг ижодий педагогик фаолияти инсон онги, хулқини шакллантиришга, провард натижа–баркамол инсонлар авлодини яратишга бўйсундирилган вазифаларни ижобий ҳал қилиш жараёнидир. Шу нуқтаи назардан, ҳар қандай педагогик тизимда, хусусан, инновацион таълим технологиялари тизимида ўқитувчи-устоз педагогик фаолиятига эътиборсизлик самарага олиб келмайди. Аксинча, ўқитувчи фаолияти қанчалик фаоллашса, таълим олувчиларнинг хатти-харакатлари қанчалик ижодий, қизиқарли, истиқболли ташкил этилса, албатта, қўлланилаётган таълим технологияларининг самарадорлиги ортади. Шунингдек, лойиҳалаштирилган ўқув мақсади энгил амалга ошади ҳамда кутилаётган натижага тезроқ эришилади. Бу фикрлардан келиб чиқиб:

- инновацион таълим технологияси тизимида ўқитувчининг ўрни ва вазифалари аниқ белгиланиши зарур;
- ўқитувчи янги касбий лавозим - «ўқитувчи-технолог», - «педагог-технолог» даражасига кўтарилиши керак;
- «ўқитувчи-технолог» махсус билим, кўникма, малакага эга бўлиши керак;
- «ўқитувчи-технолог»нинг педагогик жамоа ўртасида нуфузи, салоҳиятининг ортиши, маънавий, моддий манфаатдорлигининг таъминланиши бўйича аниқ тадбирлар амалга оширилган бўлиши зарур.

Таълим сифатини ривожлантиришда амалга оширилаётган ислохотлар барча таълим муассасаларида педагогик жараёнларни илмий асосда ташкил этиб, фан-техника ютуқларига асосланган ўқув жараёнининг инновацион педагогик технологиялардан фойдаланишда эса педагог ўқитувчилардан билим, кўникма ва малакалар талаб қилинади. Педагогик технологиялар асосида ташкил этилган машғулотларда ўқитувчилар дарс жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланишлари, албатта, самарали натижаларни беради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, юқори даражадаги умумий-касбий маданиятга, ижтимоий фаолиқка, мустақил фикрлашга, ўз вазифаларини қийинчиликсиз ҳал қила олиш қобилиятига эга бўлган етук мутахассисларни тарбиялаш учун бугунги кунда педагог-ўқитувчиларимиз замонавий янги инновацион педагогик технологиялардан фойдаланишлари таълим-тарбиянинг сифат ва самарадорлигини оширишнинг асосий омили эканлигини, буни эса давр талаб этаётганлигини тушуниб етишлари лозим.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони Тошкент шаҳри, 2017-йил 7-февраль ПФ - 4947.
2. Артемов В.А. Психология обучения иностранному языку. – М.: “Педагогика”, 1989.–С.103.
3. Бим И.Л. Некоторые актуальные проблемы современного обучения инос-транным языкам.- ЯИШ.2001, №4.–С.39
4. Ёралиева У.Қ. Мактабгача таълим тизимида хорижий тилларни ўқитишнинг ўзига хосхусусиятлариваундаинтерфаолусуллардан фойдаланишнинг имкониятлари//Замонавий таълим журнали.–Т., 2014,9-сон.–27 б.
5. Қодиров Б.Р., Қодиров К.Б. Касбий ташхис методлари тўплами. Амалиётчи психологлар учун методик қўлланма. – Т.: Ўзбекистон «Миллий университети», 2003. –94б.
6. Педагогика профессионального образования/Подред.В.А.Сластенина.–Москва: «Академия», – с.37

ANIQ VA TABIIY FANLAR

Тажибай САПАРБАЕВ
заведующий кафедрой
Информационной системы и
Информатики.
Кокшетауский университет
им. А.Мырзахметова
Республика Казахстан

Маралбек ЖЭНІБЕКОВ
магистрант кафедры
Информационной системы и
Информатики.
Кокшетауский университет
им. А.Мырзахметова
Республика Казахстан

Гулназ ТАУТАНОВА
магистрант кафедры
Информационной системы и
Информатики
Кокшетауский университет
им. А.Мырзахметова
Республика Казахстан

МЕТОДИКА ПРЕПОДАВАНИЯ ТЕМЫ «ТЕПЛОВОЕ РАСШИРЕНИЕ ТВЕРДЫХ ТЕЛ» ВИРТУАЛЬНО-АНИМАЦИОННЫМ МЕТОДОМ

. Ushbu maqolada ta'lim muassasalari uchun o'quv dasturlari va o'quv vositalari tahlil qilinib, "Metallarning chiziqli kengayish koeffitsientini aniqlash" mavzusida laboratoriya ishlarini modullashtirish xususida fikr yuritiladi.

Tayanch so'zlar: *chiziqli kengayish koeffitsienti, virtual laboratoriyalar, dasturlar, hodisalar, tajribalar va metallar.*

В данном исследовании проанализированы образовательные программы и учебные средства для образовательных учреждений и модулирована лабораторная работа по теме «Определение коэффициента линейного расширения металлов»

Ключевые слова: *коэффициент линейного расширения, виртуальные лаборатории, программы, явления, эксперименты и металлы.*

This study analyzes educational programs and training tools for educational institutions and modulates laboratory work on the topic "Determining the coefficient of linear expansion of metals»

Key words: *coefficient of linear expansion, virtual laboratories, programs, phenomena, experiments, and metals.*

I. Введение. В настоящее время большое внимание уделяется повышению эффективности учебного процесса. Решение этой проблемы связано с применением в учебном процессе новых методов и приемов обучения. Новые информационные технологии могут эффективно использоваться на традиционных уроках, включающих демонстрационные опыты по физике, на лабораторных занятиях, а также на занятиях физического практикума.

Для обеспечения информационно-коммуникационных технологий (далее – ИКТ) – компетенций педагогов необходимы организационное обеспечение, подготовка и повышение квалификации пользователей системы электронного обучения [1].

Одним из наиболее перспективных направлений использования новых педагогических технологий в физическом образовании является компьютерное моделирование лабораторных работ по физике, физических явлений и процессов. Виртуально-анимационные компьютерные модели легко вписываются в традиционные занятия, позволяя преподавателю продемонстрировать на экране компьютера многие физические эффекты, а также позволяют организовывать новые, нетрадиционные виды учебной деятельности обучающемуся.

В ходе выполнения реальных лабораторных работ по физике студенты под руководством преподавателя или самостоятельно знакомятся с методами изменения физических величин, исследования явлений и процессов, учатся самостоятельно работать с физическими приборами и установками, самостоятельно добывать знания на практике. В настоящее время большинство лекционных и лабораторных занятий проводится с помощью компьютерных программ, предназначенных для изучения физики. На современном этапе развития науки ее методологическая направленность становится доминирующей чертой научного стиля мышления. Благодаря сильному развитию вычислительной техники и педагогических программных средств широко применяется проведение лабораторных работ по физике с помощью виртуально-анимационных технологий, успешно развивается математическое и физическое моделирование физических явлений и процессов, превращаясь в один из основных методологических подходов преподавания разнообразных реальных процессов. Современная методика преподавания физики характеризуется модельным представлением знаний о природе, поскольку физическое знание напрямую соотнесено не с реальными объектами, процессами или явлениями, а с моделями этих объектов. Однако, анализ действующих программ по физике, современных вузовских учебников и учебных пособий, методической литературы для преподавателей физики, а также практики преподавания физики в образовательных учреждениях показывает, что методологический компонент знаний, в целом, представлен неадекватно его роли в науке. В методике и практике преподавания физики в вузе остается неразработанной проблема систематического отображения концепции и методологии моделирования физических явлений и процессов, в том числе, лабораторных работ

#3, 2020 PEDAGOGİK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

по физике при изучении теоретического материала. В процессе выполнения виртуально-анимационных лабораторных работ обучающемуся открываются следующие возможности:

- безопасность от возможных опасных ситуаций во время эксперимента, зависящих от приборов;
- возможность увидеть в разной степени сложности ситуации и процессы;
- возможность наблюдения за изменениями параметров объекта во время работы;
- экологически чистое выполнение сложных технических лабораторных работ;
- подведение итогов, исходя из данных диаграммы и графика;
- на основе информационных технологий пробуждается интерес к изучению дидактических и научных материалов.

Развитие и модернизация физического образования в общеобразовательных и высших учебных заведениях сегодня ведутся в нескольких направлениях. Появились программы, отличающиеся от друг друга по объему, структуре и содержанию. Возросло число соответствующих учебников и методических пособий по физике. Все они предусматривают индивидуальное развитие мировоззрения будущих специалистов в области естественных наук, формирование их творческих способностей. На методику преподавания физики оказывают влияние современные информационные технологии, новые педагогические технологии и идея компьютеризации учебного процесса. Однако, виртуальные лабораторные работы не могут полностью заменить реальную физическую лабораторию, они естественным образом их дополняют. Они не требуют большого времени на выполнение, поэтому могут предлагаться и в качестве дополнительного задания к реальным экспериментам на ту же тему.

II. Методологическая основа исследования. Твердые тела при нагревании увеличивают свой объем, это явление называется тепловое расширение, то есть при повышении температуры увеличиваются средние расстояния между атомами кристалла твердого тела. Это явление можно определить экспериментальным методом. По конструкции прибор (установка) по определению коэффициента линейного расширения металлов представляет собой перфорированный стакан (рис. 1) состоит из наполненной водой пробирки 5, нагревательной микропечки 4, микрометрического индикатора часового типа 1, закреплен винтом 2 в обойме.

Индикатор поворачивается в горизонтальной плоскости вокруг вертикальной оси стойки на 90° вместе с кронштейном, на котором он закреплен. Образец (стержень металл) - 6 располагается между толкателем 3 индикатора и дном пробирки с водой. При нагревании микропечки образец расширяется и перемещает толкателем 3 часового индикатора. Линейное расширение (удлинение) металла стержня фиксируется на шкале индикатора. На панели корпуса расположена индикаторная лампа и кнопочный выключатель для включения прибора [3].




Рис. 1.

III. Теория расширение твердого тела. При нагревании тела с ростом температуры твердого тела происходит увеличение теплового движения, то есть тепловых колебаний атомов в твердом теле и рост амплитуды этих колебаний, но увеличение амплитуды колебаний атомов не всегда приводит к увеличению среднего расстояния между ними. Если бы колебания атомов были строго гармоническими, то, поскольку, при этом каждый атом настолько же приближается к одному из своих соседей, насколько удаляется от другого, увеличение амплитуды его колебаний не приведет к изменению среднего межатомного расстояния, а следовательно, и к тепловому расширению. На самом деле атомы в кристаллической решетке совершают ангармонические (то есть негармонические) колебания. Это обусловлено характером зависимости сил взаимодействия атомов от расстояния между ними.

Экспериментальным методом установлено, что свойства твердых тел определяются главным образом тем, что атомы располагаются в них в определенном порядке. Причиной перехода к упорядоченному расположению атомов при образовании твердого тела являются силы взаимодействия между ними. Поскольку образование кристалла происходит самопроизвольно при охлаждении, в кристаллическом теле атомы располагаются так, чтобы их потенциальная энергия в поле сил взаимодействия была минимальной. Отсюда следует, что между атомами должны действовать одновременно силы отталкивания и притяжения.

В кристаллическом теле расположение атомов и расстояния между ними в нормальных условиях должны быть такими, чтобы силы отталкивания и притяжения были равны друг другу.


#3, 2020 PEDAGOGİK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

Рис. 2

На рисунке - 2 изображены кривые зависимости силы притяжения F_1 и силы отталкивания F_2 зависимости от расстояния между атомами. Из графика видно что, кривые эти несимметричны: силы отталкивания при увеличении расстояния убывают много быстрее, чем силы притяжения. Поэтому суммарная сила при больших расстояниях между атомами, является силой притяжения, а при меньших силой отталкивания (чем некоторое r_0). При расстоянии r_0 суммарная сила равна нулю, это и есть оно, положение равновесия атома. В этом положении их потенциальная энергия меньше, чем в любом другом соседнем положении.

Опыты показывают, что при нагревании твердого телабудетувеличиться объемтела, это явление называетсятепловым расширением. Очевидно, объем твердого тела (металл) определяется средним расстоянием между атомами. Повышение температуры приводит к увеличению этого расстояния.

Пусть твердое тело имеет начальную l_0 – длину при $0^{\circ}C$ температуре. Расширение на $\Delta l = l - l_0$ длины телапропорционально к температуре:

$$\Delta l = \alpha \cdot l_0 \cdot t^{\circ}C \quad (1)$$

где, α – коэффициент линейного теплового расширения твердого (металла) тела и характеризует $\frac{\Delta l}{l_0}$ – относительную удлинение при повышении его температуры на $1^{\circ}K$. Тогда удлинение тела при $t^{\circ}C$ температуре равна:

$$l = l_0 + \Delta l = l_0 (1 + \alpha \cdot t^{\circ}C) \quad (2)$$

Если коэффициент линейного увеличения, характеризует относительное увеличение, тогда закономерности, т.е. зависимости линейного размера тела от температуры можно написать в виде:

$$l = l_0 \{1 + \alpha(T - T_0)\} \quad (3)$$

где, l – длина тела при T температуре. Для анизотропных твердых тел (кристаллов) коэффициент линейного теплового расширения зависит от направления оси решетки, для изотропных (аморфных, таких как стекло, и поликристаллических, к которым принадлежат металлы) не зависит. Для твердых тел α – коэффициент $(10^{-5} \div 10^{-6})K^{-1}$ в порядке [3, стр-327].

По идее реального эксперимента из уравнения (3) получаем выражение:

$$\alpha = \frac{l - l_0}{l_0 \cdot (T - T_0)} \quad (4)$$

Из проведенного опыта измерив величины l_0 , $l - l_0$, T , T_0 , можно определить α – коэффициент линейного теплового расширения твердого тела и его погрешности. При нагревании твердого тела на $\Delta l = l - l_0$ – удлиняется, его можно измерить с помощью специального микрометрического индикатора часового типа, в нем удлинения длина твердого тела выражается:

$$\Delta l = (l - l_0) = (n_2 - n_1) \cdot 0,01 \text{ мм} \quad (5)$$

Из формулы (4) и (5) α – коэффициент линейного теплового расширения твердого тела:

$$\alpha = \frac{\Delta l}{l_0 \cdot (T - T_0)} = \frac{(n_2 - n_1) \cdot 0.01 \text{ мм}}{l_0 \cdot (T - T_0)} \quad (6)$$


В этой экспериментальной модели l_0 условиями первоначальная длина (мм) при T_0 °K температуре (металла + воды), T °K температуры кипения ($T = 100$ °C), а n_1 и n_2 соответственно, показания микрометрического индикатора часового типа, обеспечивающей для определения линейного удлинения твердого тела.

III. Виртуальные лабораторные методы работы. Информационные технологии и программные средства, такие как Macromedia Flash, 3d Max технологии, учебные и обучающие программы Ispring, Crocodile Physics, Interactive Physics, а также Java, C++, MatLab, Python, Fortran и другие программы помогают наглядно изобразить эффекты и процессы эксперимента, а также физические процессы, близкие к происходящим в природе. Эти явления на компьютере изображаются в виде анимации, в движении. Визуализация физических процессов и виртуальное обучение помогают решить проблемы изучения тяжело усваиваемых тем курса физики. Кроме этого, помогают правильному формированию мировоззрения о строении атома и вещества в целом, о реальной картине построения природы. Это является базисом в создании методологии виртуального обучения по труднодоступным темам.

В данной работе авторами усовершенствована методика проведения лабораторных работ по теме «Определение коэффициента линейного расширения металлов» – смоделирована с помощью специальной программы «Macromedia Flash8». Описание лабораторной работы было скачено из интернета по адресам: <http://internat.msu.ru/>, <http://physicsffm.narod.ru/> [5], а сама лабораторная работа может выполняться в реальных условиях.

При выполнении данной работы в виртуальном виде мы можем увидеть виртуальный модуль, указанный на рисунке - 3, а также пробирки, используемые в процессе работы, образцы исследуемых металлов: алюминий, железо, латунь, медь, сталь. Выбираем любой образец металла, с помощью курсора перемещаем его в пробирку. Пробирка заполнена на 2/3 объема воды при комнатной температуре.

Рис.3



Пробирку с испытуемым образцом металла нужно поместить в перфорированный стакан прибора. В поворотном кронштейне имеется вставленный индикатор удлинения часового типа. Показания индикатора удлинения часового типа можно изменять с помощью мышки, переключив циферблат в левую или правую стороны, таким образом, можно получить значение $n_1 = 0$. В виртуальной модели в нагревательную печь мы поставили

термометр, который показывает изменение конечной температуры T от начальной T_0 . Положение выключателя, расположенного на корпусе установки, переставляем с помощью мышки из положения "0" в положение "1". Лампочка, установленная на корпусе прибора загорается, соответственно, показания термометра повышаются, а показания индикатора удлинения часового типа, расположенного на кронштейне, увеличиваются, т.е. изменяются в нарастающую сторону.

Когда показания термометра доходят до температуры кипения T , нужно отключить прибор, т.е. переместить положение выключателя на «0». В это время нужно записать показания удлинения индикатора часового типа и подставить значение n_2 в формулу (5), затем вычислить коэффициент линейного расширения соответствующего металла. Так как значение $n_1 = 0$, то можно без труда вычислить значение α .

Для выполнения виртуальной лабораторной работы, сначала устанавливается рабочая компьютерная программа Macromedia Flash8. После установки надо скачивать виртуальные рабочие программы. Виртуальные лаборатории сопровождаются Казахской национальной, государственной музыкой, изображает карты Республики Казахстан и государственный флаг. Общие сведения, такие как, национальные орнаменты, символом города Астана, столицы Республики Казахстан, а также в качестве символа ЕНУ, во имя факультета. Данная виртуальная лабораторная работа также может выполняться на английском, русском и казахском языках. В верхнем правом углу окна можно выбрать язык выполнения работы, соответственно, на английском языке вверху будет надпись «Virtual lab work: Determination of the coefficient of linear expansion of metals», на русском – Виртуальная лабораторная работа: «Определение коэффициента линейного расширения металлов», на казахском языке – Виртуалды лабораториялық жұмыс: «Металлдардың сызықты ұлғаю коэффициентін анықтау». В работе можно изменять язык выполнения кнопками, например, чтобы выбрать язык: "Описание" (на казахском языке "Сипаттама", на английском языке "Description"), то виртуальная лаборатория объясняет, описывает, как делать свою работу. Виртуальная лаборатория определяется коэффициентом линейного расширения металлов: на русском мед, латунь, алюминий, сталь, железо, (на казахском мыс, латунь,

#3, 2020 PEDAGOGİK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

алюминий, болат, темір, на английском copper, brass, aluminium, steel, iron) в правом нижнем углу, пробирка, наполненная водой, трубка, нижний левый угол для определения коэффициента линейного расширения, соизмеримые с пониманием истинного цвета металлического прицела, это термометр, часы, как в специальных микрометрических индикаторах для измерения линейного удлинения, штатив, блок питания, оборудование и бытовая техника и т.д.

Порядок выполнения работы.

1. Загрузите виртуальную работу на компьютер
2. Выберите язык выполнения работ с помощью курсора
3. С помощью курсора, выбрать цвет металла, здесь выбранного металла 2/3 заполнен водой при комнатной температуре и спускается внутри трубки.
4. Нажмите на поверхность металла внутри трубки, здесь трубка для определения с помощью специального устройства металла и коэффициента линейного расширения спускается на стакан.
5. В вид почасовой микрометрический индикаторы ставим измерительной металлическая крыше диапазоне, повернув вправо или влево, чтобы изменить "0" к нему.
6. Специальные устройства установлено электрический нагреватель стены типа Перфораций такие как ключ-выключатель "0" для загара "1" до состояния их потребности.
7. Включите шланг, когда кипит вода внутри трубки термометр показывает $T = 100^{\circ}\text{C}$ переключайте от "1" до "0".
8. Определить показ в вид почасовой микрометрический индикаторы и пишите на 1-таблицу.
9. l_0 - модель начальная длина $l_0 = 160$ мм, при комнатной температуре $T_0 = 20^{\circ}\text{C}$ используя (5) - формулы и определяем α -коэффициент и пишите на 1-таблицу.
10. Повторяйте экспериментальную работу в выбранной металла в 5 раз.
11. Ответьте на контрольные вопросы и вычислите погрешности измерений.

1-таблица

Вид металла	l_1	α	α_{op}	$\Delta\alpha$	$\Delta\alpha_{op}$	ε %
	м	рад ⁻¹	град ⁻¹	рад ⁻¹	град ⁻¹	

Контрольные вопросы

1. Причина теплового расширения твердых тел с точки зрения их молекулярного строения.
2. Коэффициент линейного расширения, его физический смысл, размерность, зависимость от температуры.
3. Связь коэффициентов линейного и объемного расширения для изотропных кристаллов.

IV. Обсуждение и заключения

В заключение можно сказать, что разработанная виртуальная лабораторная работа будет совершенствоваться. Например, для закрепления полученных знаний будут разработаны тестовые задания, состоящие из, примерно, десяти вопросов по соответствующей теме. Будет возможность расширить число испытуемых образцов и сплавов, выбрать язык выполнения работы, добавится описание процесса с контрольными вопросами по данной виртуальной лабораторной работе.

В результате Республики Казахстан изучения средних школ, профессионально-технических и высших учебных заведений, учебные программы, учебно-методических материалов и специальные программы, рассмотренных в Интернете, научного анализа физических величин основными понятиями физики, «Основы молекулярной физики и термодинамики» в разделе "увеличение тепловых твердых тел", "Металл коэффициент линейного расширения определения" новая виртуальная лабораторная работа сделаны с помощью специальной программы Macromedia Flash8, которая предусмотрела и была дополнена ППК-ой, методика была переведена на казахский, русский и английский языки.

Литературы

1. Государственная программа развития образования в Республике Казахстан на 2011-2020 годы.
2. Қазақстан мектебі 2008г. №6 "Эффективность информационных технологий"
3. А.А. Детлаф, Б.М. Яворский, Л.Б. Мильковская курс физики. II-том. Электричество и магнетизм. Учебное пособие для студентов ВУЗ-ов. -М.: «Высшая школа», -1977. -С. 375
4. Сивухин, Д.В. Общий курс физики [Текст]. Т2. Термодинамика и молекулярная физика / Д.В. Сивухин. – изд. 3-е испр. и доп. – М.: Наука, 1990. – 592 с.
5. <http://internat.msu.ru/>, <http://physics-ffm.narod.ru/mkt/29.doc>

Siddiq QAHHOROV
Buxoro davlat universiteti
fizika kafedrası professori,
pedagogika fanlari doktori

Abdimo‘min KARIMOV
Navoiy davlat pedagogika
instituti fizika va astronomiya
o‘qitish metodikasi kafedrası
dotsenti, fizika-matematika
fanlari nomzodi

Oynisa KARIMOVA
Navoiy davlat pedagogika
instituti fizika va astronomiya
o‘qitish metodikasi kafedrası
o‘qtuvchisi

KOMPETENSIYAVIY YONDASHUV ASOSIDA O‘QUVCHILARNING TAFAKKURINI OSHIRISH

Ushbu maqolada fizika fanining o‘qitish metodikasini takomillashtirishda «issiqlik hodisalari» mavzusi misolida innovatsion pedagogik texnologiya – kompetensiyaviy yondashuv asosida o‘quvchilarning tafakkurini rivojlantirish to‘g‘risidagi dolzarb masala yoritilgan. Bunda kasbiy kompetensiyaviy yondashuv komponentlariga amal qilib, issiqlik hodisalarining fizik mohiyati molekulyar – kinetik nazariyaga asosan bayon etilgan. Bu esa termodinamikaning I qonuni haqidagi bilimlarni sistemalashtirish va umumlashtira bilish malakasi hamda bu bilimlarni hayotda qo‘llay bilishda o‘quvchi tafakkurini o‘stirishning muhim qirrası ekanligı ko‘rsatilgan.

Kalit so‘zlar: kompetentlik, tafakkur, texnologiya, issiqlik harakati, termodinamik qonun, energiya, temperatura, bosim, hajm, massa, molyar massa, modda miqdori, issiqlik dvigateli.

В данной статье на примере темы «Тепловые явления» в совершенствовании методики преподавания физики освещен актуальный вопрос о развитии мышления учащихся на основе инновационных педагогических технологий – компетентностного подхода. При этом, следуя компонентам профессионального компетентного подхода, физическая сущность тепловых явлений изложена на основе молекулярно – кинетической теории. Это указывает на умение систематизировать и обобщить знания о законе I термодинамики, а также на то, что эти знания являются важным аспектом развития мышления ученика в жизни.

Ключевые слова: компетентность, мышление, технология, тепловое движение, термодинамический закон, энергия, температура, давление, объем, масса, молярная масса, количество вещества, тепловой двигатель.

This article discusses the topical issue of developing students' thinking on the basis of innovative pedagogical technology - a competency-based approach on the example of "thermal phenomena" in improving the teaching methods of physics, which is currently working in the education system. The teacher of physics teaches students the properties of thermal phenomena in the study of thermal phenomena, using the definitions of matter, mechanical energy, internal energy, heat quantities in the study of thermal phenomena, following the components of a professionally competent approach to education. It has been shown that by teaching, absorbing information into their minds, their worldviews are enriched and their thinking is developed. Also, given that the possibility of explaining the physical nature of thermal phenomena in the example of the concept of temperature is in a more molecular-kinetic definition, the readers' attention is drawn to and explained in this definition. One of the most important laws of nature is the ability to systematize and generalize knowledge about the I-law of thermodynamics, which is an important aspect of developing students' thinking in the application of this knowledge in life. the processes of solving the problems required in the implementation, the acquisition of skills to calculate the efficiency of ideal and real heat engines.

Key words: competence, thinking, technology, thermal motion, thermodynamic law, energy, temperature, pressure, volume, mass, molar mass, amount of matter, heat engine.

Murakkab, mashaqqatli, kutilmagan holatlarga boy, ammo jamiyatning zaruriy ehtiyoji hisoblangan ta‘lim-tarbiya tizimida “Kadrlar tayyorlash Milliy dasturi” da belgilangan erkin, mustaqil fikrlaydigan yuksak madaniyatli, chuqur bilimli, keng mushohadali va kelajakda amaliy faoliyat ko‘rsatadigan ijodkor yoshlarni tarbiyalab, voyaga yetkazish bugungi kunda fizika ta‘limining ham bosh maqsadidir .

Bugungi kunda fizika fanining rivojlanishida fakt-dalillarning nihoyatda ko‘payib ketayotganligi, izlanishlarning yangi metodikasi va yo‘llarining paydo bo‘lishi bilim miqdorining uzluksiz oshishiga olib kelmoqda. Shuningdek, o‘z navbatida axborotlarning keskin o‘sishi hozirgi zamon ta‘lim tizimining oldiga yechimini kutayotgan muammolarni qo‘ymoqda. Bu esa ta‘lim-tarbiya tizimida yangicha uslubiy yondashuvlarni taqozo etmoqda. Ana shunday ilg‘or pedagogik texnologiyalardan biri – bu kompetensiyaviy yondashuvdir.

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

Kopetentsiyaviy yondashuv, avvalombor, ta'lim maqsadi va mazmunini, o'qitish shakli va usullari hamda o'qituvchi va o'quvchi o'rtasidagi munosabatlarga bog'liq.

Ta'lim muassasasi bitiruvchisi o'z hayotida shaxsiy, ijtimoiy, iqtisodiy va kasbiy munosabatlarga kirishishi, jamiyatda o'z o'rnini egallashi, duch keladigan muammolarning yechimini hal etishi, eng muhimi o'z sohasi, egallagan kasbi bo'yicha raqabatbardosh bo'lishini ta'minlashda, asosan, pedagogik kadrlar salohiyati hal qiluvchi omil hisoblanadi. Shuning uchun jamiyatdagi barcha yangilanishlarni uyg'unlashtirish uchun shaxsiy yetuklik bilan birga kasbiy kompetentlik ham muhim ahamiyat kasb etadi [1,2]. Chunki bugungi kunda ta'lim tizimida faoliyat olib borayotgan o'qituvchi axborot texnologiyalar asrida aql-idrokli, halol, mehnatsevar, vatan taraqqiyoti va faravonligiga o'z hissasini qo'shish kabi fazilatli yoshlarni tarbiyalashda o'zining bilim, kunikma va malakalarini amaliyotda qo'llay olishi lozim. Buning uchun:

- ta'lim tizimida uzviylik va uzluksizlikka amal qilib, o'quv - tarbiya jarayoni mazmunini ta'minlashga;
- o'quvchilarning ta'lim - tarbiyasida pedagogik - psixologik yondashuvga;
- dars jarayonini sifatli tashkil etishda innovatsion pedagogik metodlarni to'g'ri tanlash va axborot kommunikatsiya texnologiyalardan foydalanib, pedagogik faoliyatida qo'llay olish kabi kasbiy kompetentsiyaviy yondashuv komponentlariga amal qilishi lozim.

Yangicha mazmunda dars jarayonida innovatsion pedagogik va axborot kommunikatsion texnologiyalarni samarali qo'llash orqali ta'lim samaradorligiga erishish davr talabidir. Haqiqatdan ham ilgari maktab yoki oliy o'quv yurtida olingan bilim bugungi kunda oldindan eskirgandek hisoblanmoqda. Ta'limning klassik texnologiyalari (*yo'zuv taxta va bo'r vositasi*) deyarli dars jarayonida foydalanilmayapti. Chunki bu texnologiyalar axborot kommunikatsiya texnologiyalar asrida ta'lim sohasida erishilgan yutuqlarni to'laonli qo'llashga imkon bermaydi. Klassik texnologiyalardan foydalanilgan dars o'sib kelayotgan yosh avlodga qiziq emasligini tajribalar ko'rsatmoqda. Darhaqiqat, uzoq vaqtlar davomida bizning nazarimizda chetda qolgan faktlardan biri shuki, o'qituvchi bergan barcha bilimlardan o'quvchi faqat o'zi o'zlashtirgan bilimlar uning hayotida ko'proq asqotgan, xolos. Qolganlari esa mutlaqo nom-nishonsiz xayolidan ko'tarilib ketgan. Bunday hol yuz bermaslik uchun o'qituvchi, eng avvalo, birinchi navbatda o'quvchilarga bilim berish vaqtida o'rganilayotgan fizik hodisa va murakkab jarayonlarni qaysi izchilikda, qanday yunalishda rivojlanishini va oqibati nima bilan tugallanishini mantiqiy tahlil qilishga o'rgatish lozim. Shuning uchun hozirgi kunda ta'lim tizimida olib borilayotgan islohatlar kompetentlikka yo'naltirilgan ta'lim tizimini joriy etishni taqozo etmoqda. Kompetentsiyaviy yondashuv asosida ta'lim tizimini tashkil qilish mavjud o'quv jarayonining didaktik tuzilishini o'zgarishini talab qiladi. Jumladan, kompetentsiyaviy yondashuv o'quvchida fanlar bo'yicha integrallashgan bilim, malaka va kunikmalarni shakllantirishni taqozo etadi. Shu maqsadda o'quvchilar bilimini kompetentsiyaviy yondashuv asosida "issiqlik hodisalarini" mavzusi misolida tahlil etaylik. Masalan, umum o'rta ta'lim maktabining VI- sinf darsligida modda va mexanik energiya tushinchasi, IX- sinf darsligida esa ichki energiya va issiqlik miqdori haqida tushincha va ta'rif berilgan [3,4]. Binobarin, issiqlik hodisasini o'rganishda yuqorida ko'rsatilgan darsliklarda modda, mexanik energiya, ichki energiya, issiqlik miqdorlariga berilgan ta'rifni issiqlik hodisasiga ham tatbiq etsa bo'ladimi?

Shu maqsadda bu holatni aniqlash uchun o'quvchilarga quyidagi savollar bilan murojat etamiz:

- Issiqlik nima ?
- Issiqlik modda bo'lishi mumkinmi?
- Issiqlik energiya turlaridan birimi?
- Issiqlik va temperatura bir xil tushinchalarmi?

O'quvchi *issiqlik nima?* degan savolga yorug'lik bo'lmasa bizni o'rab turgan olamni ko'ra olmaslikni yoki tovush bo'lmasa eshitib ham bo'lmaslikni va h.z., xuddi shuningdek, issiqlik bo'lmaganda edi insoniyat ham, bizni o'rab turgan olamda hech narsa, masalan, o'simliklar, qushlar, baliqlar, hayvonot dunyosi va h.z. paydo bo'lmagan va shubhasiz, yashay olmagan bo'lar edi, deb fikr yuritadi;

Issiqlik moddami? degan savolga mexanik hodisalar xususiyatlardan farqli o'laroq, issiqlik hodisalaridagi yangi xususiyatlar – moddaning uzlukli tuzilishi hamda o'zaro ta'sirlashuvchi zarralar (molekulalar, atomlar, ionlar) soning ulkanligi bilan, shuningdek, ko'pchilik moddalarning kundalik amaliyotda issiqlikdan kengayishi va sovuqlikdan torayishi, bundan tashqari, issiqlik modda bo'lsa, nima uchun jismlar issiqroq holda og'irroq bo'lib, sovuqroq holda yengilroq bo'lmaydi? Balkim, issiqlik hodisalarini tushintirishni boshqacha, bundan ham mukammalroq uslub va yulini izlash kerakligini izohlaydi;

Issiqlik energiya turlaridan birimi? degan savolga esa issiqlik – energiya ekanligiga, u jismlar ustida ish bajarilganda yuzaga kelishiga ishonch hosil qilishi, ayniqsa, masalan, mis simini egib,

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

bukilganda yoki tangani matoga ishqalaganda, shuningdek, muzni erish temperaturasidan ancha past bo'lgan temperaturalarda ham ular erib ketishi va nihoyat, shunga o'xshash tajribalar o'quvchining fikrini mantiqiy tuldirishini bilishadi;

Issiqlik va temperatura bir xil tushinchalarmi? degan savolni javobi uchun o'quvchi quyidagi tajribani eslaydi: agar qish tunlarida eshikdan tashqariga qaynab turgan bir chelak suv, shu temperaturada bir chelak qum hamda yog'och bochokga 60 °C suv qo'yib, ularning qaysi birining temperaturasi 0 °C gacha tushishi ko'zatilsa, sovush jarayoni shunday ketma - ketlikda amalga oshishini - avval chelakdagi qum, so'ngra suv va nihoyat, bochkadagi suv oxiri sovushi ko'zatiladi. Bundan esa jism va moddalarning issiqlik uzatishi ularning temperaturasiga, massasiga va moddalarning tabiyatiga bog'liq ekanligini fikrlab, anglashadi.

Demak, faqatgina temperaturaning o'zi jism va moddalar issiqligining o'lchov me'yori bo'la olmas ekan, ya'ni issiqlik va temperatura bir xil narsa emasligini tushinib, fikrlab, xulosa qilishadi.

O'quvchilar uchun issiqlik va temperatura tushinchalari yangilik emas, albatta. Lekin ko'pchilik o'quvchilar bu tushinchalarni adashtirib yuborishadi. Shuning uchun o'qituvchi temperatura tushinchasining fizik mohiyati o'quvchilarga yanada tushinarli bo'lishi uchun "*Temperatura nima?*" degan savolni o'quvchilar o'rtasiga qo'yadi. Bunday savol izlanuvchan masala sifatida o'quvchilarning faol qatnashuvi yordamida hal qilinish mumkin.

Ma'lumki, temperatura tushinchasi issiqlik hodisalari haqidagi ta'limotning muhim tushinchasidir.

Temperatura tushinchasiga beriladigan ta'rif boshqa fizik kattaliklardan farqli ravishda bir oz qiyinroqdir. Chunki unga termodinamik nuqtai nazaridan bir ta'rif berilsa, molekulyar - kinetik nuqtai nazaridan ham ta'rif beriladi.

Termodinamik ta'rifda « *temperatura jismlarning isitilganlik darajasi* » ni bildirsa, molekulyar - kinetik ta'rifda esa « *temperaturaga modda molekulalarining o'rtacha kinetik energiyasi* » tarzida beriladi. Shunga ko'ra temperatura tushinchasining fizik mohiyatini ochib berish imkoniyati ko'proq molekulyar - kinetik nuqtai nazaridagi ta'rifda ekanligini o'qituvchi hisobga olib, o'quvchilarning e'tiborini shu ta'rifga jalb qilish orqali tushintiradi:

- molekulyar qanchalik tez harakat qilsa, jismning temperaturasi yuqori bo'ladi. Agar gaz yopiq idishda isitilganda gazning bosimi ortadi.

Molekulyar – kinetik nazariyaning asosiy tenglamasi

$$p = \frac{2}{3}n\bar{E}_k \quad (1) \text{ ga asosan esa } p \text{ bosim molekulyar ilgarilanma harakatining o'rtacha kinetik energiyasi}$$

\bar{E}_k ga to'g'ri proporsionaldir.

Ma'lum bir massali gazning bosimi va hajmi aniq bir qiymatga ega bo'lgan issiqlik muvozanati holatida gaz molekulalarining o'rtacha kinetik energiyasi temperaturaga o'xshab aniq bir qiymatga ega bo'lishi kerak.

Issiqlik muvozanati holatida hamma gazlar molekulalarining ayni o'sha o'rtacha kinetik energiyasi bir xil bo'ladi, deb faraz qilish mumkin. Albatta, bu fikr hali faqat faraz. Uni tajribada tekshirib ko'rish kerak. Ammo uni bevosita tekshirib ko'rish mumkin emas. Chunki molekulalarning o'rtacha kinetik energiyasini o'lchash juda qiyin. Biroq molekulyar – kinetik nazariyaning asosiy tenglamasi (1) yordamida o'rtacha kinetik energiyani makroskopik parametrlar orqali ifodalash mumkin.

Gaz molekulalarining konsentratsiyasi

$$n = \frac{N}{V} \quad (2) \text{ bo'lgani uchun } (1) \text{ tenglamadan}$$

$$p = \frac{2}{3} \frac{N}{V} \bar{E}_k \quad (3) \text{ kelib chiqadi.}$$

Bundan: $p \frac{V}{N} = \frac{2}{3} \bar{E}_k$ (4) ko'rinishdagi tenglamani yozish mumkin.

Bosim bilan hajm bevosita o'lchab topiladi. Molekulalar soni N ni gazning massasi m ni, Avogadro doimiysi N_A ni va molyar massasi μ ni bilgan holda aniqlash mumkin.

Modda miqdori $\nu = \frac{m}{\mu}$ va $\nu = \frac{N}{N_A}$ ekanligini hisobga olib,

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

$$N = \frac{m}{\mu} N_A \quad \text{tenglamani yozamiz.}$$

Agar issiqlik muvozanati holatida kinetik energiya \bar{E}_k haqiqatdan ham hamma gazlar uchun bir xil bo'lsa, u holda (4) tenglamadagi $p \frac{V}{N}$ miqdor hamma gazlar uchun bir xil bo'lishi kerak. Bu taxmini faqat tajriba tasdiqlashi yoki rad etishi mumkin.

Bunday tushinchalardan so'ng o'quvchilarda issiqlik har doim ham jism temperaturasini o'zgartirishini, temperaturaning har qanday o'zgarishi molekularning harakat energiyasini o'zgartirishini, bu esa temperaturani jismning molekulyar energiyaga bog'liq xossasi ekanligini anglaydilar.

Bulardan esa shunday xulosa chiqarish mumkin: - temperatura jism molekularining o'rtacha kinetik energiyasining o'lchovidir yoki temperatura jismning isitilganligini bildiruvchi jarayon deb saddaroq ta'rif berish ham mumkin ekan, deb fikrlashadilar.

“*Issiqlik*” so'ziga xos bo'lgan xususiyatlarni kompetensiyaviy yondashuv asosida o'quvchilarni tafakkurini rivojlantirish uchun ishini yana davom ettirish mumkin.

Bularning barchasida issiqlik hodisalarini tushintirib berishda tabiat qonunlarining eng asosiylaridan biri – termodinamikaning I - qonuni haqidagi bilimlarni sistemalashtirish va umumlashtira bilish malakasi hamda bu bilimlarni hayotda qo'llay bilishda o'quvchi tafakkurini o'stirishning muhim qirrasini, shuningdek, o'quvchi bu qonunni har xil issiqlik jarayonlariga tadbiiq qilishda talab etiladigan masalalarni yechish, ideal va real issiqlik dvigatellarining foydali ish ko'effitsiyantini hisoblab topish malakasini egallaydi.

Xullas, umumta'lim muassasalarida dars jarayonini yanada sifatli tashkil etib, o'quvchilarning bilim samaradorligini kompetensiyaviy yondashuv asosida oshirishda:

- *birinchidan*, zamonaviy axborot resurslari bilan ta'minlanganligi,
- *ikkinchidan*, axborot kommunikatsiya texnologiyalari va internet ta'minoti yaratilganligi,
- *uchinchidan*, zamonaviy ilmiy-uslubiy ta'minotning mavjudligi,
- *turtinchidan*, o'qituvchilarni uzluksiz ravishda malakasini oshirib borishligi lozim.

Shunday qilib, fizik tushincha (issiqlik misolida) larning xususiyatlarini kompetensiyaviy yondashuv asosida o'quvchilarga o'rgatib, ma'lumotlarni ularning ongiga singdirib, ularning dunyoqarashini boyitadi, tafakkurini esa rivojlantiradi. Bizga esa mana shunday harakatchan, bilimli, faol tarbiyalangan yoshlar kerak [5].

Адабиётлар

1. Ta'lim jarayonida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini qo'llash: muammolar, izlanishlar va yechimlar. Respublika ilmiy-amaliy konferentsiya materiallari to'plami. I- kitob. Navoiy. 2015. 211 b.
2. Maxmudov A. Kompetentlik yondashuv asosida magistrnlarni tayyorlashning didaktik ifrastrukturasi. Xalq ta'limi ilmi-metodik jurnal. 2012. №2. 22-25 b.
3. N.Sh. Turdiyev. Fizika 6 –sinf uchun darslik. T. 2005. 12-24, 63-66 bb.
4. Habibullayev P., Boydedayev A., Bahronov A., Yo'ldosheva M. Fizika. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 9-sinfi uchun darslik. T. 2010. 10, 13, 22-24 bb.
5. Karimov A., Karimova O. Kompetentlik yondashuvi asosida o'quv jarayonini tashkil etish. “Oliy ta'lim sifatini takomillashtirishda innovatsion hamkorlikning dolzarb masalalari” mavzusidagi Xalqaro ilmiy onlayn konferensiyasi materiallari. Navoiy. 2020. May.

Лазиз НИЯЗОВ

Бухоро давлат тиббиёт институти
тиббий кимё кафедраси мудири,
физика-математика фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

Умурбек ҒАПУРОВ

Бухоро давлат тиббиёт институти
тиббий кимё кафедраси ўқитувчиси

КИМЁ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ВИЗУАЛ ОБЪЕКТЛАРДАН Фойдаланишнинг Аҳамияти

Мақолада кимё фанини ўқитишда ахборот коммуникация технологиялари, дастурий таъминот ва медиа воситаларни қўллаш имкониятлари таҳлил қилинган. Кимё фанларини ўқитишда абстракт тушунчаларнинг визуал кўринишини намойиш этиш, кимёвий моддаларни молекуляр ва атомар даражада тасвирлаб, уларнинг квант-кимёвий хоссаларини дастурий таъминот билан кўрсатиш орқали талабаларнинг фанни тушуниш даражаси ошиши кузатилди. Бунда янги технологияни талабалар томонидан ўзлаштиришда ўзига хос қийинчиликлар вужудга келиши аниқланган.

Калит сўзлар: кимё, ахборот коммуникация технологиялари, медиа, кимёвий реакция, таҳлил, дастурий таъминот

В статье анализируются возможности использования информационно-коммуникационных технологий и медиа в преподавании предметов химии. Наблюдали улучшение степени понимания студентами предметов химии при визуальной демонстрации абстрактных понятий и визуализации квантово-химических свойств химических веществ на молекулярном и атомном уровнях. В то же время установлено, что при освоении новой технологии студентами, возникают определенные сложности.

Ключевые слова: химия, информационно-коммуникационные технологии, медиа химическая реакция, анализ, программное обеспечение.

The article analyzes the possibilities of using information communicational technologies and media in the teaching of chemistry. We observed an improvement in the degree of understanding of chemistry by students with a visual demonstration of abstract concepts and the visualization of the quantum chemical properties of chemical compounds at the molecular and atomic levels. At the same time, it was established that when students master the new technology, certain difficulties arise.

Key words: chemistry, information communicational technologies, media chemical reaction, analysis, software

Маълумки, ҳозирги кунда иш берувчилар олий таълим муассалари олдига битирувчиларнинг тез ўзгарувчан замонда самарали малакага эга бўлишлари ва меҳнат соҳасига тез мослашувчан бўлишлари каби талабаларни қўйишмоқда.

Хусусан, замонавий билимларга эга ёш мутахассисларни тайёрлаш ва уларнинг билимларини амалиёт билан уйғунлаштириш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3151-сонли қарорида “...республика олий таълим тизимида юқори малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг мазмунини мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти истиқболлари, жамият эҳтиёжлари, илм-фан, маданият, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқларидан келиб чиққан ҳолда тубдан такомиллаштириш...” деб айтилган [1].

Шунингдек, жорий йилнинг 22 январида президентимизнинг олий мажлисга мурожаатномасида табиий фанларни ривожлантириш масаласига алоҳида тўхталиб, қуйидаги фикрларни билдириб ўтдилар: “Мамлакатимиз учун илм-фан соҳасидаги устувор йўналишларни аниқ белгилаб олишимиз керак. Ҳеч бир давлат илм-фаннинг барча соҳаларини бирийўла тараққий эттира олмайди. Шунинг учун биз ҳам ҳар йили илм-фаннинг бир нечта устувор йўналишини ривожлантириш тарафдоримиз”.

Жорий йилда математика, кимё-биология, геология каби йўналишларда фундаментал ва амалий тадқиқотлар фаоллаштирилиб, олимларга барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Шунингдек, илм-фан соҳасида фундаментал ва инновацион тадқиқотлар учун мақсадли грант маблағларини ажратиш механизмини тубдан қайта кўриб чиқиш керак.

#3, 2020 PEDAGOGİK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

Илм-фан ютуқларининг электрон платформаси, маҳаллий ва хорижий илмий ишланмалар базасини шакллантириш лозим. Ҳар бир олий таълим ва илмий-тадқиқот даргоҳи нуфузли чет эл университетлари ва илмий марказлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиши шарт” [2].

Буларга ўзининг мутахассислигини чуқур билиш билан бирга мулоқотга кириша олиш, жамоада ишлаш, ахборот коммуникацион технологиялар (АКТ) дан фойдалана олиши ва мустақил равишда ўз устида ишлаб, тегишли билимларни ўзлаштириш кабилар кирази. Бу нуқтаи назардан кимё фани ўқитиладиган таълим йўналишлари, яъни кимё, фармацевция, биотехнология, кимёвий технология, йўналишлари битирувчилари учун ҳам муҳим ҳисобланади. Чунки бу йўналиш битирувчилари амалий муаммоларни ечиш учун назарий ва лабораторияда тажрибаларни амалга ошириб билим, кўникма ва малака (БКМ) га эга бўлишлари лозим. Бугунги кунда жамоада ишлаб муаммоларни ечиш қобилияти ишга жойлашишда ҳал қилувчи омил сифатида белгиланмоқда.



Кўпгина соҳалардаги каби кимёда ҳам АКТ кенг қўлланилиб келинмоқда. Одатда кимё фанларини ўқитишда АКТ оддий презентациялар тайёрлаш, кимёвий формулаларни ёзиш ва структураларини ифодалаш, кимёвий презентацияларни тасвирлаш, моделлаштиришда олий таълим тизимида ишлатилади. Шу билан бирга турли дастурлар ҳам ишлаб чиқилган. Охириги пайтларда ёшларнинг табиий фанларга қизиқиши пасайганлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу сабабдир, ёшларни табиий фанлар, айниқса кимё фанига қизиқтириш учун замонавий АКТ ва дастурларни анъанавий дарс усуллари билан комбинатциялаш муҳим аҳамиятга эга. Бунга эришиш учун замонавий электрон дарсликларни ишлаб чиқиш нафақат олий таълим муассасалари (ОТМ), балки барча даражадаги кимё фанидан дарс берадиган педагоглар олдида турган долзарб муаммо ҳисобланади. Кимёвий реакциялар ва жараёнлар одатда кимёвий тенгламалар сифатида ифодаланади. Бунда ёзма маълумотдан ташқари ҳеч қандай визуал маълумотлар мавжуд эмас, бу эса кимёвий реакция ва жараёнларни тушуниш имкониятини бермайди. Маълумки, реакциялардаги ўзаро таъсирлашувларни модел ва моделга асосланган симуляциялар орқали тушуниш экспертлар томонидан тан олинган [3.Б.165]. Амалий дарслар ва лаборатория машғулотларини ўтказиш учун турли дастурлар ишлаб чиқилган бўлиб, ҳатто таҳлил намуналарини визуал кузатишни реал вақтда амалга ошириш имкониятини беради [4.Б.161]. Бундан ташқари кимёвий модда структураси ва зарраларининг динамикасини кузатишни имконини берадиган дастурлар ҳам бор. Бу дастурлар ёрдамида талабалар макроскопик ва субмикроскопик даражадаги жараёнларни амалга ошириши мумкин бўлади [5.Б.17].


Талабалар томонидан статик ва динамик визуализацияларнинг ўзлаштириши [6.Б.734] адабиётда кенг ёритилган бўлиб, [7.Б.790] адабиётда эса талабалар томонидан статик формулаларни ифодалаш, масалан, қоғозда ёзиш уларнинг билим олишига ёрдам бериши таъкидланган.

Компьютер симуляциялари тўғрисида [8.Б.1342] адабиётда симуляциялар анъанавий амалий машғулотлар каби самарали (маърузага асосланган, дарсликка асосланган) ҳисобланади ва кўп ҳолларда юқори самарали бўлиб, талабаларнинг малакасини оширади ва концептуал ўзгаришларга олиб келади, деб айтилган.

Умуман олганда, ушбу мақола кимё фанларини ўқитишда олий таълим даражасида олиб борилаётган изланишлар ҳақида маълумот беришга қаратилган бўлиб, шу билан бирга тузилма-мулк-муносабатлар концепциясини тушунишда тўсиқлар ўрнига кимёвий тушунчаларни муваффақиятли қўллаб-қувватловчи восита сифатида фойдаланишни муҳокама қилади.

Кўпроқ дифференциаллаштирилган визуализацияни ўрганиш яхшиланишини кутиш мумкин бўлса-да, тадқиқотлар шунини кўрсатдики, улар қўшимча талабаларни шакллантириши ва шу билан когнитив юкни келтириб чиқариши мумкин [9.Б.723].





1-расм. Молекуланинг 2D (а, б) ва 3D кузатиш бурчаги ўзгаришидаги кўриниши (в, г) ва атомларда зарядларнинг тарқалиши (д)

Мисол учун, 1-расмда модда молекуласи анъанавий 2D ва 3D кўринишда тасвирланган бўлиб, бу 2 хил кўриниш орасида визуал жиҳатдан катта фарқ бор. Негаки талабаларга кимё фанларида модда молекулалари таркибидаги атомлар ёки атомлар гуруҳининг бир бирига нисбатан фазода қандай бурчак остида жойлашувини тасвирлашда 3 ўлчамли кўринишда тасвирлашнинг аҳамияти катта. Албатта, бундай ўлчамлар махсус компьютар дастурлари орқали яратилади. Масалан GaussView 5 шундай дастурлардан бири ҳисобланади. 1-д расмда биофаол модда таркибидаги II-ацетоксибензоил калий глицинат тузи молекуласи таркибидаги атомларнинг зарядлари ва электрон зичиги ранглар шкаласи интенсивлиги билан ва электромагнит майдони текис юзага нисбатан тасвирланган. Ушбу дастур ёрдамида модда молекуласининг нафақат 3D фазовий кўриниши балки молекуласининг физик-кимёвий хоссаларини олдиндан айтиш имконини берувчи атомларнинг зарядлари, боғ энергияси, УБ, ИҚ, квант-механик ҳисоб-китобларни ва бошқа кўшгина параметрларни ҳам тақдим этади. Бундай дастурий таъминотлардан фойдаланиб тиббиёт олий ўқув юртларининг фармацевтика йўналиши талабаларига кимё фанини ўқитиш талабаларда реал вақт давомида молекуласида бўладиган кимёвий ўзгаришларнинг сабаби ва моҳиятини тушинишга имкон беради.


Бу эса ўз навбатида дастурий таъминотни муваффақиятли ишлатиш каби кейинги хатти-ҳаракатлар билан боғлиқ бўлиши мумкин, аммо кимёвий талаблар, масалан, концептуал тушунчани қўллаш фазовий қобилияти туфайли ҳам бўлиши мумкин. 2D, 3D ва ҳатто иммерсив муҳит қандай фойдали ва халақит берадими деган савол кимёнинг турли даражалари ва соҳалари учун ўрганилиши ва таҳлил қилиниши керак. Мактаб даражасида бўлгани каби агар кучайтирилган воқеалардаги ҳодисалар ва намунавий тасвирларнинг тайёрланган комбинацияси, ҳодисаларга алоҳида тақдим этилган ва ҳар бир ўқувчи томонидан индивидуал равишда боғланган виртуал воқеликка нисбатан ёрдамчи ёки аралашувчи бўлиши мумкин бўлса, таҳлил қилиниши мумкин.

Техник ютуқларга келсак, технологияни таълим мақсадлари учун кўпроқ ва фойдалироқ қиладиган иккита умумий тенденцияни аниқлаш мумкин: “Биринчидан, дизайнерлар фойдаланувчиларга мавзу ёки вазифага хос бўлган функцияларни тақлиф қиладиган муайян фанлар учун умумий воситаларни мослаштиридилар. Масалан, ишлаб чиқувчилар визуализация воситаларини молекулалар, кристаллар, ер тузилиши ёки кимёвий реакциялар билан йўналтиришади. Иккинчидан, янги технологиялар одатда шахсийлаштиришни қўллаб-қувватлайди, бу одамларга ўзларининг моделлаштириш воситаларини, онлайн порталларини ёки мунозаралар ойнасини шахсийлаштиришга имкон беради. Муайян фанга йўналтирилган ўқув воситаларини ишлаб чиқиш ва солашдаги технологик ютуқлар тобора эстетик хусусиятга эга бўлган ўқув

#3, 2020 PEDAGOGİK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

ресурслари билан таъминланди. Дастурий таъминот ўрганишга ва талабаларни тушунишдаги ютуқларга асосланган ва ўрганилиши керак бўлган таркибнинг мураккаблиги билан ажралиб туриши керак. Бирок, ушбу ютуқлардан фойдаланиш қўшимча техник тажрибани талаб қилади, бу эса контент, педагоглар ва техник мутахассислар ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйишни талаб қилади. Учала соҳани ҳам инobatга олган ҳолда ишлаб чиқилган таълим ресурслари сифат жиҳатидан юқори даражада бўлади ва шунга қараб унинг нархи ҳам юқори бўлиши табиий, албатта.

Таълим мақсадлари учун рақамли медиа воситаларини ривожлантиришдаги барча технологик ютуқларга қарамай, ҳақиқатан ҳам рақамли медиа воситаларининг ўзи ўқув жараёнининг муваффақиятини таъминлай олмайди. Уларни махсус ишлаб чиқилган ўқув муҳитига киритиш янада муҳимдир. Айниқса, янги фойдаланувчилар учун контекстуал ривожланиш турли хил бўлганлиги сабабли улар қўллашда, кутилганидек талабаларнинг мотивацияси ва қизиқишига таъсир қилади. Бунда яна медиа воситаларини контекст дизайни ва маълум бир жараёни тушунтиришда қўллаш мумкин, бунда талабаларни ўқув муҳити орқали бошқарилади. Бундай ҳикоялар видео ёки жонли равишда тақдим этилган тадқиқотлар натижасида юзага келиши мумкин ёки талабалар гуруҳлари учун ҳал қилиниши керак бўлган мавжуд муаммоларни ечишга йўналтириш мумкин.



2-расм. Органик молекулаларнинг турли кўриниши

Учинчи нуқтаи назар сифатида, медиа воситаларини танлаш, тузиш, тақдимотлар ва уларни ўқув муҳитида қўллашда талабалар ёки фойдаланувчиларнинг билим даражасини ҳисобга олиш керак. Муаммоларни ечиш бўйича мутахассисларнинг тажрибаларини янгиларига нисбатан ўрганиш ва кузатиш, босқичма-босқич ёрдамчи воситаларни ишлаб чиқиш учун замин яратиб, фарқларни истиқболли тушунишни тақлиф қилинади. Медиа усуллари ёрдамида муаммоларни ечишга ёндашувлар ҳақида батафсил тасаввурга эга бўлиш мумкин, уларга фақат кимёвий формулаларни ёзиш каби бир қисмини ишлатиш билан кифояланиш керак эмас. Мутахассислар ва янги фойдаланувчилар учун видеофильмни кейинчалик ижобий ва салбий томонларини муҳокама қилишни кучайтириш учун ўқув воситаси сифатида ишлатиш мумкин.

Иккинчиси ҳозиргача деярли ўрганилмаган бўлса-да, таҳлилий усуллар илмий таълимда аллақачон таҳлилий восита сифатида ишлатилган, аммо турли даражадаги талабалар учун тузилма-мулк муносабатлари нисбати қандай яхшиланиши масаласи тадқиқотнинг энг истиқболли йўналиши бўлиб қолмоқда.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, талабалар дарс жараёнида АКТ ва медиа воситаларини қўллашда маълум қийинчиларга дуч келишди. Бу компьютер воситасини ишлатиш билан боғлиқ қийинчиликлар, дастурий таъминотни тушунмаслик билан боғлиқ қийинчиликлар ва дастурий таъминот тили (дастурий таъминотларнинг аксарияти инглиз тилида) билан боғлиқ камчиликларни мисол қилиш мумкин. Шу билан бирга талабаларнинг кимёвий тушунчаларни тушуниш даражасининг ортиши, шу жумладан фазовий тузилиши, атомларда зарядларнинг тарқалиши, молекулалар конформацияси ҳамда изомериясини турли фазовий кўринишлардан кузатиши имконияти кузатилди.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш

#3, 2020 PEDAGOGİK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3151-сонли қарори [Электрон ресурс] URL: http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3286194 (мурожаат этилган сана: 08.01.2020)

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. [Электрон ресурс] URL: <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020> (мурожаат этилган сана: 30.01.2020)

2. K.L.Daniel (Ed.) Towards a Framework for Representational Competence in Science Education, Springer International Publishing, Cham, 2018.

3. Taskin V., Bernholt S. Students' Understanding of Chemical Formulae: A review of empirical research // International Journal of Science Education. – 2014. – Т. 36. – №. 1. – С. 157-185.

4. Tortosa M. The use of microcomputer based laboratories in chemistry secondary education: Present state of the art and ideas for research-based practice // Chemistry Education Research and Practice. – 2012. – Т. 13. – №. 3. – С. 161-171.

5. Ping G. L. Y. et al. “Are chemistry educational apps useful?” – a quantitative study with three in-house apps // Chemistry Education Research and Practice. – 2018. – Т. 19. – №. 1. – С. 15-23.

6. Höffler T. N., Leutner D. Instructional animation versus static pictures: A meta-analysis // Learning and instruction. – 2007. – Т. 17. – №. 6. – С. 722-738.

7. Akaygun S. Is the oxygen atom static or dynamic? The effect of generating animations on students' mental models of atomic structure // Chemistry Education Research and Practice. – 2016. – Т. 17. – №. 4. – С. 788-807.

8. Smetana L. K., Bell R. L. Computer simulations to support science instruction and learning: A critical review of the literature // International Journal of Science Education. – 2012. – Т. 34. – №. 9. – С. 1337-1370.

9. M. Linn, Int. J. Sci. Educ. 2003, 25, 727.

10. Ниязов Л.Н. Кейс-стади усули ва ундан кимё таълимида фойдаланиш // Бухоро давлат университети илмий ахбороти – Бухоро, 2017, № 3 (67), 200-206 бетлар.

11. Ниязов Л.Н. Аналитик кимё фанини ўқитишда кейс-стади // Академик А.Ф.Ғаниевнинг 85 йиллигига бағишланган “Аналитик кимё фанининг долзарб муаммолари” V Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами – Термиз, –2017, 527-528 бетлар.

Мухриддин ҚАМБАРОВ

Ислом Каримов номидаги Тошкент
давлат техника университети Қўқон
филиали Математика табиий-илмий
ва умумқасбий фанлар
кафедраси ўқитувчиси

ОЛИЙ МАТЕМАТИКАДАН ДАРС МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Олий таълимда дарс машғулотларини ташкил этишида ҳар бир дарсга муайян умумий талаблар қўйилади. Лекин, ҳар бир фандан дарс машғулотларини ташкил этишида қўйилган умумий талаблардан келиб чиққан ҳолда фанни ўқитишнинг хусусий талабларига ҳам эътибор берилиши лозим. Ушбу мақолада “Олий математика” фанидан дарсларни ташкил этишида фойдаланиладиган усуллар, дарсларни ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатлари ва талаблари тўғрисида фикр юритилган.

Калит сўзлар: дарс жараёни, дарснинг мақсади, дарс талаблари, дидактик талаблар, дарс усуллари, замонавий дарс.

При организации уроков в высшем образовании к каждому уроку предъявляются определенные общие требования. Но, исходя из общих требований, предъявляемых при организации уроков по каждому предмету, следует обращать внимание и на частные требования к преподаванию предмета. В данной статье рассматриваются методы, используемые при организации занятий по предмету “высшая математика”, особенности и требования к организации занятий.

Ключевые слова: курсовая работа, цель урока, требования к уроку, дидактические требования, методы занятий, современный урок.

When organizing lessons in higher education, certain General requirements are imposed on each lesson. However, based on the General requirements for organizing lessons in each subject, you should also pay attention to the specific requirements for teaching the subject. This article discusses the methods used in the organization of classes in the subject “higher mathematics”, features and requirements for the organization of classes.

Keywords: term paper, the purpose of this lesson, the demands of the lesson, teaching requirements, teaching methods, modern lesson.

Ҳозирги ўқитиш жараёнида “Олий математика”дан дарс машғулотларини ташкил этишга қўйиладиган талаблар нималардан иборат? Ўқувчиларда дарсга қизиқувчанликни оширадиган, уни янгилик элементлари билан бойитиш учун нима қилиш керак? Ҳозирги замон таълим-тарбия тизими фақат инсоният аниқлаган билимларни ўзлаштиришигина эмас, балки жамият энди ҳал қилиши ва бунда бугунги талаба қатнашиши лозим бўлган масалалар билан танишиши ҳам талаб қилади. Бундай масалалар космосни ўзлаштириш, атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш, чўлларни ҳосилдор ерларга ва боғ-роғларга айлантириш, қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш ва ҳоказолардан иборат бўлиши мумкин. Олий таълимда ва фаннинг ҳамма соҳаларида жумладан математикада катта бурилишлар рўй бермоқда ва ҳар бир математик профессор-ўқитувчи ўзининг талабасини олий математика соҳаси бўйича навбатдаги ихтиролар ва эришилган ютуқлар билан кенг таништириши керак. Бу ишни талабаларга мос усулда ва ўқув дастурига мувофиқ амалга ошириши лозим. Барча кўзланган мақсадларга эришиш учун дарс жараёнига айрим талабларни қўйишга эҳтиёж туғулади. Бу талабларни тўғри танлаш учун илмий педагогик назар билан қараш керак бўлади.

Мазкур талабнинг иккинчи хусусияти педагог талабаларнинг математик онг ва тафаккур доирасини кенгайтириш тўғрисида доимо изланиш қилишидир.

Аввало шуни таъкидлаш лозимки ҳар қандай дарс давлат таълими стандарти талаблари асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Ўз навбатида ДТС талаблари асосида дарсни ташкиллаш учун дарс жараёнига ҳам айрим талаблар қўйилиши лозим бўлади. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари ўқув режалари ва фанлар дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблардан келиб чиққан ҳолда олий таълимнинг математик ва табиий-илмий фанлар блокига қуйидаги талаблар қўйилади.

#3, 2020 PEDAGOGİK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

• умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими билан узвийлик ҳамда узлуксизликни инобатга олган ҳолда билишнинг математик усуллари, информатика ҳамда ахборот тўплаш, уларни қайта ишлаш ва узатиш усулларининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида олий даражадаги тасаввурларни шакллантириши;

• коинотнинг табиий объект эканлиги ва унинг эволюцияси; табиий фанларнинг ўзаро фундаментал бирлиги; замонавий табиий ҳодисаларни тадқиқ этиш концепцияси; табиатдан оқилона фойдаланиш ва инсон фаолиятининг экологик тамойиллари; табиатга путур етказмайдиган технологиялар яратиш истиқболлари ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириши;

• муайян билим соҳаси учун зарур бўлган фундаментал фанларни чуқур ўрганишнинг илмий ва назарий асосларини таъминлаши лозим. [1.б.7]

Мавзуни тадқиқ қилиш жараёнида дарс жараёнини ташкил этишга қўйилган талаблар тўғрисида бизгача яшаб ўтган ва замондош олимларнинг айримларининг фикрларини ўрганиб ўрганиб чиқамиз.

Ян Амос Коменский (1592-1670) - чех мутафаккири, гуманист, файласуф, педагог, ёзувчи, материалистик ҳиссиёт тамойилларига асосланган педагогик тизимни яратган олимдир. Я. А. Коменский тизимга педагогик талабларни киритди ва бу илмий педагогик фикрнинг ривожланишида ғоят муҳим рол ўйнади. Масалан, у қўйидаги дидактик принтсипларни илгари сурди ва назарий жиҳатдан асослаб берди: илмийлик, тизимлилик, изчиллик, онглилик, кучлилик ва машғулотнинг ёшга боғлиқ хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалиёт билан боғлиқлиги. [2.б.109]

Ушинскийнинг асосий дидактик тамойиллари ҳақида гапирадиган бўлсак, унинг аҳамияти қўйидагилардан иборат эди: босқичма-босқич ўрганиш, ўқувчига доимий таъсир ўтказиш, ўзлаштиришнинг қийинлиги, ниқилик, ижобий ахлоқий таъсир, олинган билимлардан амалий фойдаланиш, ўқув жараёнида ўқувчининг фаоллиги. Буларнинг барчаси "ҳар бир дарсда мужассам бўлиши керак" ва ўтиладиган дарс табиий жараёни ташкил этишга ҳисса қўшиши керак эди.[3.б.94]

Рапацевич Е.С. ўқув жараёнини амалий ташкил этишнинг асосий талаблари энг муҳимлари сифатида қўйидагиларни санаб ўтади:

1. Ўқувчиларни таълим, тарбия ва умумий ривожланиш вазифаларини ўзаро боғлиқликда ҳал қилишга йўналтириш талаби.

2. Илмий ўрганиш принтсипи.

3. Таълимнинг ҳаёт билан давлат қурилиши амалиёти ўртасидаги муносабатлар талаби.

4. Тизимли ва изчил амалиёт талаби.

5. Фойдаланиш таълаби. Ўқувчиларнинг жисмоний ва руҳий саломатликка салбий таъсир кўрсатадиган интеллектуал, жисмоний ва маънавий ортиқча юкларни бошдан кечирмасликлари учун уларнинг жисмоний ва руҳий даражасида дарсларни ташкил қилишни талаб қилади.

6. ўқитувчининг дарс жараёнидаги етакчилик талаби.

7. Визуал ўқитиш талаби.

8. Вазифалар ва синф муҳитига қараб турли хил ўқитиш усуллари ва воситаларини бирлаштириш талаби.

9. Таълимни ташкил этишнинг турли шакллари вазифалари, мазмуни ва ўқитиш усулларига қараб бирлаштириш принтсипи.

10. Ўқиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш талаби.

11. Таълим, ўқитиш ва ривожланиш натижаларининг мустаҳкамлиги, хабардорлиги ва самарадорлиги таълаби.[4.б.185]

“Дарс ўқувчиларни нафақат ўқув-билув фаолиятини самарали ташкиллаши, балки ўқувчилар фаолиятини ривожлантириш имкониятига ҳам эга. Дарс кўп қиррали жараён бўлиб, унинг барча компонентлари (дарснинг мақсади, мазмуни, методи) ўзаро алоқадордир. Ҳар қандай дарснинг йаратилиши унинг мақсадини аниқ англашдан бошланади. Педагогик фаолият объекти бу ўқувчилар фаолияти ҳисобланади, натижаси эса ўқувчиларни ўзлаштирганлик даражасидир. Замонавий мактабда дарснинг мақсади аниқ бўлиши зарур.” - деб таъкидланади Ў.Ж.Йўлдашевнинг ўқув қўлланмасида.[5. Б. 102]

Муаллиф фикрига кўра ўқитишнинг умумий назарийасидан келиб чиқиб, таълим назарияси дарсга нисбатан бир қанча талабларни қўяди:

- Мақсаднинг аниқ қўйилиши.

- Интерфаол методлардан фойдаланиш.

- Таълим принципларига амал қилиш.

#3, 2020 PEDAGOGİK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

- Ўқувчиларда мотивни шакллантириш.
- Дарсда вақтдан ратсионал фойдаланиш.

Қ.Т.Олимов ва бошқалар “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” номли китобда ҳар бир ўқитувчининг ўқувчиларга сабоқ беришида маълум бир оидаларга риоя қилиши кераклиги ҳамда дарс жараёнига бир нечта умумий талаблар қўйилиши зарурлиги ҳақида фикр юритадилар. [6. Б. 38]

Ушбу китобда педагог таълим бериш жараёнида қуйидаги қоидаларга риоя қилиши кераклигини такидланди.

1. Ўқитувчи ўзи дарс берадиган фаннинг мақсади ва унинг бошқа фанлар билан қандай умумийликларга эга эканлиги ва фан техника ривожига қандай ўринни егаллаши ҳақида маълумотларга эга бўлиши зарур.

2. Дарс режаларини тузишда мавжуд дастурларб методик қўлланмалар, адабиётлар ва дидактик материаллардан унумли фойдалана билиши даркор.

3. Ҳар бир дарсни ўтишда унинг мақсадини тўла ёритиб бериши керак.

Муаллифлар ушбу рисолада ҳар бир ўтиладиган дарсга бир нечта умумий талаблар қўяди ва талаблар ҳар бир дарсда ўз ифодасини топиши зарур эканлигини такидлайди.

Бу талаблар қуйидагилардан иборат:

И. Тарбиявий талаблар

1. Юқори савияли эстетик дид ҳосил қилиш.
2. Дарс услуби ва мазмунини, мақсадини ҳозирги замон талаби билан мувофиқлаштириш.
3. Ўқитишнинг ҳаётийлигини таъминлаш.
4. Ўқувчиларда юксак фуқоралик ғояларини мужассамлаштириш.

ИИ. Дидактик талаблар

1. Дарс ватидан унумли фойдалана билиш
2. Дарс мавзуси ва мақсадини тўғри қўйилиши
3. Дарс жараёнида ўқувчиларнинг билим олиш фаоллигини таъминлаш.
4. Назарий, қўрғазмали ва амалий дарс услубларининг муаммоли ўқитиш услуби билан узвий боғлиқлигини таъминлаш.

5. Дарс жараёнида ўқувчиларда билим, кўникма, малакаларни шакиллантириш.

6. Назарий билимларни амалда тадбиқ этиш.

7. Ўқувчиларни мустақил равишда ўз билимларини кенгайтириш ва тўлдиришга ўргатиш.

ИИИ. Психологик талаблар

1. Ўқитувчи дарс жараёнида ҳар бир талабанинг рухий хусусиятларини ўрганиши ва ҳисобга олиши шарт.

2. Ўқитувчи ўзини тута олиши ва назорат қила олиши билан ажралиб туриши зарур.

3. Педагогик услубларшга амал қилиш.

4. Ўзоро дўстона ва ишонч муҳитини ҳосил қила олиш.

ИВ. Бошқа талаблар

1. Ўқувчиларнинг жисмоний ва ақлий ҳолатини назорат қилиш.

2. Дарс ўтишнинг турли услубларидан фойдаланиш

Албатта ушбу китобда келтирилган дарс жараёнига қўйилган қоида ва талаблар барча фанларни ўқитишга қўйилган умумий хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда келтирилган. Шунинг учун ушбу талаблар исталган дарс жараёни учун ўринлидир. Жумладан математика дарсига ҳам.

Ушбу умумий талаблардан келиб чиққан ҳолда математика дарсига қўйилган хусусий талабларни келтириш ҳам мумкин. Маълумки, математика фанидан дарс машғулоти педагог ва талабаларнинг назарий ҳамда амалий билиш фаолиятини таълимий вазибаларини бажаришга қаратилган тадбир ҳисобланади. [7.б.173] Унга қуйидаги муайян талаблар қўйилади:

1. Математикани ўрганишнинг ўқитувчи тавсия этган усули талабаларнинг диалектик қарашлари, ижобий хусусиятлари ва хулқининг шаклланишига олиб бориши керак. Ана шу талаб нуқтаи назаридан дарс маўғулоти усули тарбиявий тусда бўлиши лозим.

2. “Олий математика”дан дарс машғулоти усулининг илмий асоси яққол ва аниқ бўлиши зарур. Шундагина ўқитувчи мазкур усул орқали қандай масалалар қўйилиши ва ҳал қилиниши мумкинлигини, қандай масалаларни ҳал қилиб бўлмаслигини кўра олади.

3. Олий математикада дарс машғулотининг тизимлилиги унинг самарадорлигини белгилайди.

4. Дарс машғулоти методининг тушунарлилиги яни математикани ўрганиш усули билимларни ўзлаштиришнинг имкониятларига мувофиқ бўлиши шарт.


#3, 2020 PEDAGOGİK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

5. Математика дарс машғулотининг ниҳоятда жиддий талабларидан бири ўқитишнинг онглилик ва фаоллик заруриятидир.

6. Математикада билимларнинг пухталиги ва асослилиги ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

7. Математикани ўқитиш усулида назарий ва амалий ҳодисаларнинг мувофиқлигига эришмай ҳам дарс ўтиб бўлмайди.

Ҳозирги замонавий дарс машғулотида қўйиладиган энг асосий талаблар: I – Дидактик талаблар, II – Психологик талаблар, III – Гигиеник талаблар, IV – Технологик талаблар.



Мазкур талаблар асосида қуйидагиларга эътибор бериш керак:

1. ДТС талабини аниқ ва ижобий бажариш.
2. Талаба билим даражаси имкониятини аниқлаш, бунда талабаларнинг ёш хусусиятини инобатга олиш.
3. Талабаларнинг қизиқиши асосида аниқ мақсадга йўналтириш.
4. Талабаларнинг дастур асосида билим даражасини шакллантириш, мустақил фикрлашга эътибор бериш, ижодий ишларни тўғри ва объектив баҳолаш. Хулқини ва билимга бўлган тиришқоқлигини ижодий баллар асосида тўғри рағбатлантириш, хотирасини яхшилаш учун эркин фикрлашга эътибор бериш.
5. Дарс машғулотини оқилона режалаштириш орқали илмий муҳитни ташкиллаштириш.
6. Дарс машғулотида талабалар ўрганиши лозим бўлган тушунча, таъриф, теорема, ҳодиса-воқеаларни давр талабига асосан етказиш. Булар орқали дунёқарашини шакллантириш, фанлараро боғланишга аҳамият бериш.
7. Талабаларнинг кўникма ва малакасини шакллантириш, талаба имконияти ва давр талаби асосида касбга йўналтириш.
8. Дарс машғулотида фикрлашга ундовчи, янгилик берувчи, ақлий ва жисмоний меҳнат қилишга ўргатувчи кўргазмали куроллардан фойдаланиш, муаммоли дарсларни ташкил этиш.
9. Талабаларнинг нутқини такомиллаштириш, уларни ахборот ва маълумотларни таҳлил қилишга ўргатиш.
10. Дифференциал таълимни жорий қилиб, талабаларнинг билим даражасини “беш баллик баҳолаш тизими”да ҳолисона баҳолаш.
11. Талабаларда таҳлил, синтезни ва вақтдан унумли фойдаланишни ўргатиш.
12. Ўқув хонасини замонавий талаблар асосида жиҳозлаш, унда илмий, техника тараққиётдан унумли фойдаланиш ҳамда ёрдамчи воситалар бўлишига эътибор бериш.
13. Гигиена ва эстетика талабларига эътибор бериш ва талабалардан талаб қилиш.
14. Мавзу учун ўқитиш методини тўғри танлаш, муаммоли вазиятларнинг аниқ ечимларини топиш.

Дарс машғулоти ўқитишни ташкил этишни узгармас шакли эмас. Уқув амалиёти ва педагогик олимлар ҳар доим уни такомиллаштириш йулларини излайдилар. Барча педагогик фикр мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда дарс машғулоти қуйидаги умумий дидактик талабларга жавоб бериши лозим.

1. Ҳар бир дарс аниқ бир мақсадни амалга оширишга қаратилган ва пухта режалаштирилган бўлиши шарт.

#3, 2020 PEDAGOGİK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

2. Хар бир дарс мустахам ғоявий-сиёсий йуналишга эга булмоғи лозим.
3. Хар бир дарс ҳаётий жараёнлар яэни, турмуш ва амалиёт билан боғланган булмоғи лозим.
4. Хар бир дарс турли усул, услуб ва воситалардан унумли фойдаланган холда олиб борилиши керак.
5. Дарсга ажратилган хар бир соат ва дакикаларни тежаб, ундан унумли фойдаланиш лозим.
6. Хар бир дарсда уқитувчи ва талабанинг фаоллиги бирлигини таъминланмоғи лозим.
7. Дарсликда юксак даражада интизом бўлиши керак.
8. Дарс жараёнида укув машғулотларини мазмунига оид кўргазмали куроллар, техника воситалари ва компьютерлардан фойдаланиш имкониятларини яратмоқ лозим.

9. Дарс машғулотларини бутун гуруҳ билан ёппасига олиб бориш билан хар қайси талабанинг индивидуал хусусиятлари, унинг мустақиллигини ошириш ҳисобга олинади.

10. Хар бир дарс мазмунининг характеридан келиб чиқиб, халқимизнинг бой педагогик меросига мурожаат қилиш ва ундан фойдаланиш лозим.

11. Хар бир дарс ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаолияти бирлашгандагина қўйилган мақсадга эришиши мумкин. Бунинг учун: ўқитувчининг дарсга пйхта тайёрланган бўлиши билан бирга, уни амалга ошириш учун қандай дарс типи ва ўқитиш методларидан фойдаланишни аниқ белгилаш; воситаларни тўғри танлаши ва ишлатиши; синф жамоаи ва хар бир ўқувчи билан мос муамолада бўлиши; синф ўқувчиларининг дарсдаги активлиги ва мустақиллигини таъминлаш чораларини режалаштириш (оғзаки, ёзма, график шаклдан) унумли ва самарали фойдаланиш ва ҳ.к.

12. Дарс машғулоти бутун бир синф ўқувчилари диққатини, бир эрга тўплаган холда олиб борилиши ва айни вақтда хар бир ўқувчининг индивидуал ва ёш хусусиятларини ҳисобга олиши керак ва ҳ.к. Ҳозирги мактабларда дарслар учта вазифани бажаради: Биринчи вазифаси қанақа фан бўлишидан қатъий назар ўқувчиларга таълим беради. Яъни мазкур фанга мос илмий билимлар, сабоқлар беради. Иккинчи вазифаси мазкур фаннинг ўз мазмуни ва хусусиятларидан келиб чиқиб ўқувчиларни тарбиялайди. Яъни ўқувчининг мафкураси, дунёқараши, маънавий ахлоқий, ватанпарвар, инсонпарвар каби фазилатларини шакллантирилади. Учинчи вазифаси биринчи ва иккинчи вазифалари натижаси ҳисобланиб ўқувчи шахсини ривожлантириш. Соддароқ қилиб изоҳласак, ўқувчининг олган таълим тарбияларини амалда қўллашга ўргатиш вазифасидир. Таълимнинг умумий вазифаси ўқувчи шахсини шакллантиришдир.

Олий математика фанидан дарс машғулотини ташкил этишда фойдаланилган усулдан бирор мақсадга эришиш кўзда тутилади ва шунинг учун унга қандайдир мақсад қўйишни, унга эришиш бўйича фаолият усулини, ана шу фаолиятни амалга оширишда ёрдам берадиган воситаларни билишни тақозо этади. Ушбу фанда дарс машғулотидаги фаолият унинг объектини билишни талаб қилади. Бунда танланган усул мақсадга олиб бориши керак, акс холда, у қўйган метод машғулот учун яроксизлигини эътироф этиш лозим. Шундай қилиб, хар қандай усул уни қўллашдан кўзланган мақсадни, шу мақсадни амалга ошириш жараёнини ва воситаларини талаб қилади. Дарс машғулотини ташкил этишда фойдаланилган усул фаолият объекти тўғрисидаги билимларга ва қўйилган мақсадга эришишдан иборат бўлиши мумкин. Бизга маълум бўлган ҳамда дарс машғулотларида фойдаланиб келган усулларимиз айрим фанларга нисбатан мақсадга мувофиқдир, лекин олий математикадан дарс машғулотларини ташкил этиш жароёни учун етарли эмас.

Дарс машғулотларини ташкил этишда фойдаланиладиган ўқитиш усулларини қуйидагиларга бўлиш мумкин:

- тафаккур, хотира, диққат ва фикрнинг алоҳида қирраларини таркиб топтирадиган ва фаоллаштирадиган усуллар;
- фикрлаш жараёнида муаммоли ва мавҳум вазиятларни вужудга келтирадиган усуллар;
- талабаларнинг ўқув материални ўзлаштириш билан боғлиқ кечинмалари ва ҳиссиётларини фаоллаштирадиган усуллар;
- назорат ва талабаларнинг ўзини-ўзи назорат усуллари;
- Дарс машғулоти жараёнида талабаларнинг маънавий ва шахсий ўзаро муносабатларини бошқариш усуллари.

Инновацион технологиялар асосида дарс машғулотларини ташкил этиш жараёнида талабаларнинг мустақил ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш таълим тизимининг энг муҳим вазифаларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Чунки, бозор иқтисодиёти шароитида фақатгина мустақил фикрлаш қобилиятига эга бўлган шахсгина ўз муаммоларига ечим топа олади, жамиятда ўз мавқеига эга бўлади. Бундай қобилият, албатта, дастлаб оилада, кейинчалик эса, таълим муассасаларида дарс машғулотлари жараёнида шаклланади. Бу борада дарс машғулотлари замонавий инновацион технологиялардан ва дарс-интерфаол усуллардан фойдаланиб, кўргазмали

#3, 2020 PEDAGOGİK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

хамда тренинг шаклида ўтказилса ва у мантикий-таркибий жихатдан – ташкилий (тайёрлов), чақирув (даъват), англаш (мустақил ўзлаштириш), мулоҳаза (умумлаштириш - мустаҳкамлаш) ва уйга вазифа бериш босқичларидан иборат бўлса, ўз самарасини беради. Ташкилий босқич – кичик гуруҳларни шакллантириш, ақлий ёки ҳаракатли уйин ўтказиш, дарс мақсадларини аниқлаш ва муҳокама қилиш, агар лозим топилса, уни талабалар таклифини эътиборга олган ҳолда такомиллаштириш ҳамда яқдиллик билан қабул қилинишига эришиш, янги материални ўрганишга оид ўқув мотивларини шакллантириш каби жиҳатларни қамраб олади. Ташкилий босқичда талабаларнинг янги мавзуга бўлган мотивацияларини шакллантириш мақсадида мавзуга оид ролик ёки видеофилм намойиши мақсадга мувофиқ бўлади. Чақирув (даъват) босқичида кичик гуруҳларда янги ўтиладиган мавзу бўйича ўқувчиларда мавжуд ахборот фаоллаштирилади. Талабада янги билимлар ва ўзи мустақил танлаган мақсад учун интилиш анчагина кучли бўлади. Бу босқичда куйидаги 3 мақсад амалга оширилади: Биринчи босқич – талаба янги ўрганилаётган муаммо бўйича қандай маълумотларга эга эканлигини аниқлашдан иборат. Иккинчи босқич – талабани фаоллаштириш. Бунда, уларнинг жадаллашган, аниқ мақсадига қизиқиш уйғотиш, аввал олинган билимларини онглилик даражасига кўтариш, уни ўзига ёки шеригига ёзма ёки оғзаки шаклда баён қилишдек фаоллашган фаолият амалга оширилади. Учинчи босқич – талабаларда муайян мавзунини (ўқув саволини) ўрганишга оид мотив яратишдан иборат. Дарсинг, шунингдек, талабаларнинг ўзлари мустақил равишда аниқлаган мақсадлари ўқитувчи томонидан белгиланган мақсадларга нисбатан анчагина самарали бўлади. Англаш – ифодалаш, фикрлашнинг иккинчи босқичи ҳисобланади. Унда талабалар янги ахборот (ғоя)лар билан тўқнашади. Бу ахборот талабаларга матн, оғзаки баён ва тажрибаларни бажариш шаклларида ҳам тақдим этилиши мумкин аммо ахборотни видеофилм, слайд(намоишлар) ҳамда турли дастурий воситалар орқали етказиш самаралироқ бўлади. Бу босқичнинг бош вазифаси олдинги жараёнда яратилган фаоллик ва қизиқишларни ҳамда ҳар бир талабанинг мустақил ўзлаштиришга оид интилишларини сақлаб туришдан иборат бўлади. Бундан ташқари, талабалар, ўзларининг ўзлаштиришларини ўзлари кузатиб боришлари муҳимдир. Улар янги ахборот (ғоя)ларни, бу ҳақда ўзларида аввал шаклланган тасаввурлар билан боғлаб, таққослаб борадилар, яъни янги ахборот иккинчи босқичда фаоллаштирилган ахборот билан боғланади. Янги ўқув материалининг тушуниб ўзлаштиришига эришиш бу босқичнинг энг муҳим вазифасидир. Мулоҳаза – дарсинг учинчи босқичи. Айнан шу босқичда талабачилар янги ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлайдилар ва ўзларининг шахсий фикрларини баён қиладилар, олдинги тасаввурларини (агар зарур бўлса) ўзгартирадилар. Шунингдек, бу босқичда талабалар айрим масалаларни компютер дастурларидан фойдаланиб ечиб мавзу юзасидан кенгроқ тасаввур ва билимга эга бўлишлари мумкин. Натижада олдинги босқичларида ўзлаштирилган билимлар умумлаштирилади, мустаҳкамланади ва ўрганилаётган масала бўйича бошқача (тўлароқ) тасаввур шаклланади ҳамда дунёқарашни орттиради. Талаба ўз ўқув мақсадига эришгандагина бундай ўзгаришлар содир бўлиши мумкин. Шундай қилиб, талаба ўзлаштиришининг қуйи даражасидан, юқори даражасига кўтарилади. Бу – янги ғоя ва ахборотларни ўз сўзи билан ифодалай олишида, масалаларнинг моҳияти ва ечимини тасаввурида акс эттиришида ҳамда бугунги замонавий рақамли технологияларни амалиётда турли соҳалардаги муаммоларни ечишда қўллай олишида кўринади. Талабалар ўзларига кўпроқ ёққан нарсани яхшироқ эслаб қоладилар. Бугунги кунда ёшларни қизиқиши инновацион технологияларга нисбатан юқори ҳисобланиб ананавий услубдаги сокинлик ва бирхилликдан кўра ранг-барангликни мақуллашади. Шунингдек бу босқичда мунозаранинг бир неча вариантларини ўйлаб, кўриб чиқишга имкон берилади. Ўзлаштирилган янги билимлар ўқув мақсадлари билан таққосланади, уларга эришилганлик даражасини электрон тестлар орқали таҳлил қилиш мумкин. Етакчи талабаларнинг фаолиятлари рағбатлантирилади. Мулоҳаза босқичи дарс самарадорлиги ва натижасини белгилайди. Ҳар бир дарс машғулоти уйга вазифа бериш билан яқунланади.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда замонавий дарс машғулотининг энг асосий талабларидан бири дарсинг ҳар бир босқичида инновацион технологиялардан фойдаланиш бўлиб қолмақда. Ушбу талабни амалга ошириш орқали талабаларнинг мавзу юзасидан тасаввурга эга бўлишлари, мустақил фикр юритишлари, ўзлаштиришнинг юқори самарадорлигига эришишлари учун замин яратилиши мумкин. Ўқитувчи эса, уларга маслаҳат берувчи, ахборот йўлловчи, уларнинг билиш фаолиятларини бошқарувчи вазифаларини бажариш ва ҳатто, талабалар фаолиятини бир вақитда ҳар бирини яқка тартибда баҳолашни ҳам ўтказишга эришиши мумкин. Албатта ушбу натижаларга эришишимиз учун ўқитувчи ва талабалар юқорида санаб ўтилган барча дарс машғулотида қўйилган талабларга ҳам амал қилмоғи лозим.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001-йил 16-августдаги 343-сон қарори. Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида. 1-илова. (6-7 бет)
2. Турчин, Г. Д. (2010). Золотое правило дидактики Я. А. Коменского. Известия Саратовского университета. Новая серия. Серия Философия. Психология. Педагогика, 10 (3), 109-111.
3. Терских И.А. (2018). Дидактический требования к уроку К.Д. Ушинского. Вестник Таганрогского института имени А.П. Чехова, (2), 94-98.
4. Рапацевич Е.С. (2006) Психолого-педагогический словарь. Минск. 185-190.
5. Ў.Ж. Йўлдошев (2017) Умумий педагогика. Т.: «Фан ва технология». 102-103 бет.
6. Қ.Т.Олимов ва бошқаларнинг (2004) Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Т.: «Фан» нашриёти. 38-39 бет.
7. Колбина Елена Владимировна (2015). Особенности обучения математике студентов технических вузов в условиях компетентностного и контекстного подходов. Теория и практика общественного развития, (11), 273-277.
8. Бабанский Ю.К. (1977) Оптимизация процесса обучения: Общедидактический аспект, М., Педагогика. 257 с.
9. Зуннунов А. (1997) Ўзбек педагогикаси тарихи. Т.: «Фан ва технология» 208-213 бет.
10. Лордкипанидзе, Д. О. (1949). Дидактика Яна Амоса Коменского. Москва: Государственное учебно-педагогическое издательство Министерства просвещения РСФСР. 60-123 с.

Madina FARMONOVA
Buxoro davlat universiteti
biologiya kafedrası o'qituvchisi

BIOLOGIYA O'QITUVCHISINING METODIK TAYYORGARLIGIGA QO'YILADIGAN ZAMONAVIY TALABLAR

Maqolada biologiya fani o'qituvchilari tomonidan o'zlashtirilgan ilmiy-metodik tayyorgarligining barcha tarkibiy qismlari: metodologik, gnoseologik, kommunikativ, loyihalash, konstruktiv, tashkilotchilik va innovatsion faoliyatga doir bilimlarning amaliyotga qo'llanishi orqali ko'nikma va malakalarni tarkib toptirishga oid ma'lumotlar yoritilgan.

Tayanch tushunchalar: metodologik, gnoseologik, kommunikativ, konstruktiv, loyihalash va tashkilotchilik, bilim, ko'nikma, malaka.

В статье представлена информация о формировании навыков и умений за счет использования знаний всех компонентов научно-методической подготовки, освоенных учителями биологии: методологической, гносеологической, коммуникативной, проектной, конструктивной, организационной и инновационной. освещен.

Ключевые понятия: методологические, гносеологические, коммуникативные, конструктивные, проектные и организационные, знания, умения, квалификации.

The article provides information on the formation of skills through the use of knowledge of all components of scientific and methodological training mastered by biology teachers: methodological, epistemological, communicative, design, constructive, organizational and innovative. lit up.

Key concepts: methodological, epistemological, communicative, constructive, design and organizational, knowledge, skills, qualifications.

O'zbekistonda ta'lim-tarbiya sohasini isloh qilishning asosiy omillaridan biri «Shaxs manfaati va ta'lim ustuvorligi» sanaladi. Bu omil davlatimizning ijtimoiy siyosatini belgilab berganligi tufayli ta'limning yangi modeli yaratildi.

O'zbekistonda uzluksiz ta'lim tizimini joriy etishning ilmiy-nazariy asoslari bo'lgan «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi» mazkur tizim oldiga qator vazifalar, shu jumladan, iqtidorli yoshlarni aniqlash, ularning ehtiyoji va qiziqishlarini e'tiborga olgan, tabaqalashtirilgan ta'limni tashkil etish belgilangan.[1]

Talabalarining biologik fanlarga bo'lgan qiziqishlarini faqatgina o'qitish jarayonini tubdan yaxshilab, ularni mustaqil fikrlashga, izlanishga, o'z qobiliyatlarini o'stirishga bo'lgan, faolligini oshirishga qaratilgan innovatsion texnologiyalarni qo'llash davrning dolzarb talabi sifatida yuzaga chiqadi.

Biologiyani o'qitishda o'quvchilarning nafaqat jismoniy, balki aqliy, ma'naviy-axloqiy barkamolligini ta'minlash, ta'lim va tarbiyaning, shuningdek, ta'lim mazmuni, o'qitish metodlari, vositalari va shakllarini uyg'unlashtirish orqali ularni rivojlantirish, mustaqil, ijodiy, tahliliy va tanqidiy fikr yuritish ko'nikmalarini tarkib toptirishga e'tibor qaratish lozimligi haqida xulosa kelib chiqadi.

Verzilin N.M., Korsunskaya B.M. «Biologiyani o'qitishning umumiy metodikasi», Tolipova J.O. «Biologiyani o'qitishda pedagogik texnologiyalardan foydalanish», A.T.G'ofurov, J.O.Tolipova «Biologiyani o'qitish metodikasi», A.T. G'ofurov «O'quvchilarda umumbiologik tushunchalarni shakllantirish» kabi darslik va o'quv qo'llanmalarda mustaqil ta'lim va ijodiy faoliyatni rivojlantirish yo'llari ta'kidlab o'tilgan. Bundan tashqari Yo.X.To'raqulov, J.A.Musaev,, J.X.Xamidov va boshqalar tomonidan yozilgan «Umumiy biologiya» 10-11 sinf o'quvchilari uchun darslikda alohida ahamiyat berilgan.[2, 3, 4, 5, 6]

Jamiyatimizda ro'y berayotgan ijtimoiy-iqtisodiy, ma'naviy-ma'rifiy o'zgarishlar va axborotlar globalashuvi Respublikamizda joriy etilgan uzluksiz ta'lim tizimini, shuningdek, mazkur tizimning har bir bo'g'inida tashkil etiladigan ta'lim-tarbiya jarayonini modernizatsiyalashni talab etmoqda.

Ta'lim-tarbiya jarayonini modernizatsiyalash – mazkur jarayonga qo'yiladigan zamonaviy talablarni amalga oshirish, innovatsion va axborot texnologiyalaridan foydalanish orqali ta'lim samaradorligiga erishishni nazarda tutadi.

Shuni qayd etish lozimki, uzluksiz ta'lim tizimida tashkil etiladigan ta'lim-tarbiya jarayonini modernizatsiyalash jarayoni shu tizimda pedagogik faoliyat yuritayotgan o'qituvchilardan o'z kasbiy-pedagogik, shu jumladan, ilmiy-metodik tayyorgarlik darajasini orttirishni talab etadi.

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

Ushbu talab pedagogik kadrlarni tayyorlashga ixtisoslashgan oliy ta'lim muassasalarida tashkil etiladigan ta'lim-tarbiya jarayonini modernizatsiyalashni taqozo qiladi.

Biologiya o'qituvchisining ilmiy-metodik tayyorgarligiga qo'yiladigan talablar J.O. Tolipova tadqiqotlarida o'z ifodasini topgan. Tadqiqotda biologiya o'qituvchisining ilmiy-metodik tayyorgarligiga asos bo'ladigan bilim, ko'nikma va malakalar majmuasi quyidagicha belgilangan:

- Ta'lim-tarbiya jarayonining yaxlitligi, ta'lim mazmuni, vositalari, metodlari va shakllarining uzviyligini tasavvur qilishi;

- biologiyadan dars, darsdan, sinfdan va maktabdan tashqari ta'lim-tarbiyaviy ishlarning mazmun-mundariyasi, shakllari va mazkur mashg'ulotlarni tashkil qilish yo'llarini bilishi;

- umumiy o'rta va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi va oliy ta'limning biologiya davlat ta'lim standartlarini tushunishi;

- biologiyadan yangi tahrirdagi ta'lim standartlari va o'quv dasturlarini avvalgi dasturdan farqini aniqlay olish, o'quv dasturi, DTS, darsliklar va o'quv-metodik qo'llanmalarni tahlil qilish;

- umumiy o'rta va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalarida ilmiy- uslubiy, tajriba-sinov ishlarini olib borishtartib-qoidalarini;

- umumiy o'rta va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalarida o'quvchilarni kasbga yo'llash ishlarining tartibi, maqsad va vazifalari haqida ma'lumotga ega bo'lishi, biologiya yo'nalishida kasbga yo'llash ishlarini olib borishni;

- biologiyani chuqur o'zlashtirishga ixtisoslashgan maktab yoki sinflarda qo'llanilayotgan dasturning, ta'lim-tarbiyaviy ishlarning mazmun-mundariyasi, DTS, mazkur ta'lim-tarbiya jarayonini tashkil etishga qo'yiladigan didaktik talablar, shakl va usullarini;

- biologiyani o'qitish jarayonida o'quvchilar qalbi va ongiga milliy istiqlol g'oyasini singdirishning mazmuni, vositalari, metodlari va shakllarini;

- biologiyani o'qitish jarayonida o'quvchilarni huquqiy, iqtisodiy, ekologik, sanitariya-gigienik tarbiyalashning mazmuni, metodlari va shakllarini bilishi va amaliyotga qo'llayolishi;

- Biologiyani o'qitish jarayonida o'quvchilarni milliy va umuminsoniy qadriyatlarga hurmat, mustaqillik printsiplari va ona-Vatanga sadoqat ruhida tarbiyalashning mazmuni, metodlari va shakllarini bilishi va amaliyotga qo'llay olishi;

- biologiyani o'qitish kontseptsiyasi, ilmiy-metodik yondoshuvlar asosida o'quv jarayonini tashkil etaolish;

- biologiya o'quv fanining asosiy g'oyalari, maqsadi va vazifalari, shuningdek, boblar, mavzularning maqsad va vazifalarini aniqlayolish;

- biologiyani o'qitishda zamonaviy pedagogik va axborot texnologiyalarini qo'llayolish;

- o'quvchilar bilimini nazorat qilish va baholashning zamonaviy usullarini bilishi va olingan natijalarni tahlil qila olishi, reyting tizimini mukammal bilish va qo'llayolish;

- o'z mutaxassisligi bo'yicha umumiy o'rta, o'rta maxsus kasb-hunar ta'limining davlat ta'lim standartlarini va ular asosida tuzilgan o'quv dasturlarni mukammal bilishi va amaliyotga tatbiq eta olish ko'nikmalarini egallaganbo'lishi;

- biologiya darslariga qo'yiladigan didaktik talablardan xabardor bo'lishi, ularni kuzatish va tahlil qilish malakasiga egabo'lishi;

- biologiya o'qituvchilarining ilg'or ish tajribalarini aniqlashi va ularni o'zlashtira olishi va amaliyotda qo'llash malakasiga egabo'lishi;

- biologiya o'quv xonalari, laboratoriyalarini namunaviy jihozlash, tegishli me'yoriy hujjatlarni bilishi, jihozlar, ko'rgazmali vosita, didaktik va tarqatma materiallarni tayyorlash, saqlash, butlash va boyitish yo'llarini bilishi, ulardan samarali foydalangan holda o'quv mashg'ulotlarini tashkil etish va o'tkazish tajribasiga ega bo'lishi lozim.

Shuningdek, uzluksiz ta'lim tizimini tubdan isloh qilish, mazmunan yangilashning ilmiy-nazariy asosi bo'lgan O'zbekiston Respublikasi "Ta'lim to'g'risida" gi Qonuni va Kadrlar tayyorlash milliy dasturi buyurtmalari, milliy istiqlol g'oyasining asosiy tushunchalari va tamoyillari o'qituvchilarning umumiy, kasbiy, ilmiy-nazariy, pedagogik-psixologik, ilmiy-metodik tayyorgarlik darajasini zamon talablariga mos bo'lishini taqozo etadi[7].

Yuqoridagi fikrlarni e'tiborga olgan holda, biologiya o'qituvchilariga qo'yiladigan zamonaviy talablar jumlasiga quyidagilar kiritildi:

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

1. Ta'lim-tarbiya jarayonida axborot va innovatsion texnologiyalardan foydalanish.

2. Zamonaviy fikr yuritish, ya'ni ta'lim-tarbiya jarayoniga axborot va innovatsion texnologiyalarni tatbiq etish bo'yicha ilmiy-metodik manbalarni tahlil qilish va ulardan foydalanish yo'llarini belgilash.

Shuni qayd etish lozimki, yuqorida qayd etilgan talablar biologiya o'qituvchisining ilmiy-metodik tayyorgarligi, uning tarkibiy qismlari bo'lgan: metodologik, gnoseologik, kommunikativ, konstruktiv, loyihalash va tashkilotchilik bilim, ko'nikma va malakalari majmuasiga muayyan o'zgartirishlar kiritish lozimligi aniqlandi.

Biologiya o'qituvchisining ilmiy-metodik tayyorgarligining tarkibiy qismlari, darajalari, ko'rsatkichlarini aniqlash maqsadida adabiyotlar tahlil etildi.

Didaktikada o'qituvchilarning kasbiy tayyorgarligining ko'p jihatlari ishlab chiqilgan, jumladan, S. D. Smirnov kasbiy tayyorgarlikning psixologo-pedagogik asoslarini, K.M.Duray-Novakova pedagogik tayyorgarlikning tarkibiy qismlarini, N.V.Kuzmina pedagogik tayyorgarlikning tarkibiy qismlari va layoqatlarining guruhlarini, A.K.Markova pedagogik tayyorgarlikning tarkibiy qismlarini, D.U. Baysalov bo'lg'usi matematika o'qituvchilarining kasbiy tayyorgarligining tarkibiy qismlarini aniqlagan.

Respublikamizda yuqorida qayd etilgan vazifalarni amalga oshirish maqsadida pedagogik kadrlarning ilmiy-metodik tayyorgarligini orttirishga bag'ishlangan ilmiy tadqiqotlar J.O. Tolipova tomonidan amalga oshirilgan.

Mazkur tadqiqotda biologiya o'qituvchisining ilmiy-metodik tayyorgarligining tarkibiy qismlari sifatda: metodologik, gnoseologik, kommunikativ, konstruktiv, loyihalash va tashkilotchilik belgilangan bo'lib, ularga mansub bilim, ko'nikma va malakalar majmuasi aniqlangan.

BIOLOGIYA O'QITUVCHISINING METODOLOGIK BILIM, KO'NIKMA VA MALAKALARI SIFATIDA QUYIDAGILAR:

-biologiya o'qitish metodikasining maqsadi, vazifalari, ob'ekti va ilmiy- tadqiqot metodlari, predmeti, rivojlanish tarixi;

-biologiyani o'qitish kontseptsiyalari va turli yondashuvlar;

-biologiyani o'qitish printsiplari va qonunlari;

-O'zbekiston Respublikasi "Ta'lim to'g'risida"gi Qonuni, Kadrlar tayyorlash milliy dasturidagi asosiy g'oyalar, ta'lim sohasidagi davlat siyosatining asosiy printsiplari, Milliy dasturning maqsadi, vazifalari va ularni ro'yobga chiqarish bosqichlari, kadrlar tayyorlash tizimini rivojlantirishning asosiy yo'nalishlari;

-uzluksiz ta'lim tizimi oldidagi ijtimoiy va davlat buyurtmalari, ularni amalga oshirish chora-tadbirlari;

-uzluksiz ta'lim tizimining hozirgi bosqichdagi va istiqboldagi maqsadi va vazifalarini anglashi.

-uzluksiz ta'lim tizimining turlari, mazkur ta'lim tizimining faoliyat ko'rsatish printsiplari, ta'lim turlarining oldiga qo'yilgan davlat va ijtimoiy buyurtmalar, kadrlar tayyorlash milliy modeli;

-o'quvchilar ongi va qalbiga milliy istiqloq g'oyalarini singdirish yo'llarini bilishi va uni amaliyotda qo'llay olishi;

-umumiy o'rta, o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalari haqidagi nizom va me'yoriy-huquqiy, me'yoriy-uslubiy hujjatlarni bilishi;

-umumiy o'rta va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalari pedagogik xodimlarini attestatsiya qilishi va toifalarini ko'tarish tartib- qoidalari haqida ma'lumotga ega bo'lishi kabilar belgilandi.

GNOSEOLOGIK BILIM, KO'NIKMA VA MALAKALARI

-biologiyadan o'quv dasturi, DTS, darsliklar va o'quv-metodik qo'llanmalarni tahlil qilish ko'nikmalari.

-biologiyani o'qitishni tashkil etish:

-biologiyani o'qitish kontseptsiyasi, ilmiy-metodik yondoshuvlar asosida o'quv jarayonini tashkil eta olish ko'nikmalari;

-biologiya o'quv fanining asosiy g'oyalari, maqsadi va vazifalari, shuningdek, boblar va mavzularning maqsad va vazifalarini aniqlay olish ko'nikmalari;

-o'qitish shakllari, vositalari va metodlarining turlarini bilishi, pedagogik amaliyotda o'z o'rnida va samarali qo'llay olish;

-biologiyani o'qitish jarayonida ta'lim va tarbiyaning uzviyligini ta'minlash yo'llarini bilishi va amalga oshirish;

-o'quv fanini o'rganish natijasini baholash, o'quvchilar tomonidan ta'lim mazmunining tarkibiy qismlari (bilimlar, ko'nikmalar, ijodiy faoliyat tajribalari va qadriyatlar tizimi) ni o'zlashtirish darajasini aniqlash ko'nikmalari;

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

-biologiya o'quv fani, muayyan kurs, bob va mavzularda shakllantiriladigan umumiy biologik va xususiy tushunchalar, o'quv mehnati va amaliy ko'nikmalarni aniqlashko'nikmalari.

-darslikdagi o'quv axborotining asosiy shakllari (matn, illyustratsiya, savol va topshiriqlar, o'quv topshiriqlari)ni bajarish bo'yicha ko'rsatmalarni aniqlay olishi va ulardan o'z o'rnida foydalana olish ko'nikmalari;

-o'quvchilarning mustaqil ishlarini tashkil etish va ijodiy faoliyatni tarkib toptirishko'nikmalari;

-o'quv materiali, vosita, metod va shakllarini samarali tanlash va uyg'unlashtira olish ko'nikmalari;

-didaktik vositalar yordamida o'quvchilarning yozma ishlari, og'zaki savol-javoblari, amaliy ish natijalarini tahlil qilish, ulardagi xato va kamchiliklarni aniqlash ko'nikmalari;

-o'quvchilarning bilim, rivojlanish va tarbiyalanganlik darajasini aniqlash, biologiya o'quv fanining o'qitilishi, darsdagi ish turlariga bo'lgan munosabatlari, o'quv-tarbiya jarayonida sinf jamoasi va ayrim o'quvchilarning hissiyoti, irodasi, refleksiya, o'z-o'zini nazorat qilishdagi faolligini aniqlash ko'nikmalari;

-darsda o'quvchilarning o'quv faoliyatining tashkil etilishi, boshqarilishi va natijasiga baho berish ko'nikmalari;

-pedagogik va axborot texnologiyalarni tahlil qilish va ulardan muayyan mavzularni o'rganishda foydalanish ko'nikmalari;

-o'z pedagogik layoqatini o'rganish va tahlil qilish ko'nikmalari;

-o'z pedagogik faoliyatining ijobiy va salbiy tomonlarini aniqlash;

-o'z-o'zining pedagogik faoliyatiga baho berish;

-turli tipdagi va turdagi darslarni tashkil etish va ularni tahlil qila olish, o'zining va hamkasblarining darslarini tahlil qila olish ko'nikmalari;

-darsdagi faoliyatini asoslash va uni tushuntira olish ko'nikmalari[7].

KOMMUNIKATIV BILIM, KO'NIKMA VA MALAKALAR.

-o'quvchilarning e'tiboriga o'quv axborotini yetkaza olish ko'nikmalari;

-o'quvchilarning javoblarini eshita olish, o'quvchilarning javoblarini tahlil qilish, izohlash, ularning javoblaridagi tipik xatolarni aniqlash va barham berish, har xil pedagogik vaziyatlarni hal etish ko'nikmalari;

-darsda o'quvchilarning bilish faoliyatini kichik guruhlarda, yakka tartibda mustaqil ishlarini tashkil eta olish ko'nikmalari;

-sinf jamoasi va o'quvchilar o'rtasidagi kelishmovchiliklarni bartaraf eta olish ko'nikmalari;

-o'quvchilarning kayfiyatini aniqlash va uni o'zgartira olish ko'nikmalari;

-o'quvchilarning o'z fikri, nuqtayi nazari, imkoniyatlariga bo'lgan ishonchni mustahkamlash ko'nikmalari;

-o'quvchilar o'rtasida o'zaro hamkorlikka asoslangan qulay ijtimoiy- psixologik muhitni vujudga keltirish ko'nikmalari;

-o'quvchilarning o'quv-bilish faoliyatini faollashtirish, bu jarayonda muvaffaqiyatlarga yo'naltirilgan vaziyatlarni vujudga keltirish ko'nikmalari;

-o'quvchilarning hissiyoti, ular o'rtasidagi munosabatlarga e'tibor berish ko'nikmalari;

-o'quvchilar tomonidan bildirilgan fikrlardan pedagogik maqsadlarda foydalanish ko'nikmalari[7].

LOYIHALASH BILIM, KO'NIKMA VA MALAKALARI

-biologiya darslarining ta'limiy, tarbiyaviy va rivojlantiruvchi maqsadlarini aniqlash va shakllantirish ko'nikmalari.

-darsning har bir bosqichi uchun o'quv topshiriqlari, ularning didaktik maqsadlarini aniqlash ko'nikmalari.

-laboratoriya va amaliy mashg'ulotlarning ta'limiy, tarbiyaviy va rivojlantiruvchi maqsadlarini aniqlash ko'nikmalari, o'quvchilarda ko'nikma va malakalarni tarkib toptirish yo'llarinibilishi;

-yangi o'quv materiali ustida ishlashning bosqichlari va mantiqiy yo'nalishini belgilash va loyihalash ko'nikmalari.

-o'quv materialini o'rganish usullari va o'quvchilarning javoblarida vujudga kelgan kamchiliklar o'rtasidagi bog'liqlikni aniqlash ko'nikmalari.

-biologiya darslarida o'quvchilarning bilish faoliyatini faollashtirish uchun muammoli savollar zanjirini tuza olish ko'nikmalari.

-darsning har bir bosqichidan ko'zda tutilgan maqsadga muvofiq olinajak natijalarni avvaldan belgilash ko'nikmalari.

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

-o'rganiladigan mavzuning didaktik maqsadiga muvofiq darsning metodik strukturasi aniqlash, mazkur mavzuni o'rganish bo'yicha turli xil variantlardagi darslarni loyihalashko'nikmalari.

-o'quvchilarning bilish faoliyatidagi tipik kamchiliklar va ularning javoblaridagi xatoliklarni aniqlashko'nikmalari.

-biologiyani o'qitishning istiqbol va mavzuli rejalarini optimal variantda tuza olish ko'nikmalari.

-biologiyani o'qitishning shakllari dars, darsdan va sinfdan tashqari ishlar, ekskursiyalarni uyg'un ravishda tashkil etishni rejalashtirish, ularni o'tkazish bosqichlari va mantiqiy yo'nalishini aniqlay olishko'nikmalari.

-biologiyani o'qitishning barcha shakllarida o'quvchilarning bilish faoliyatini tashkil etish, boshqarish va faollashtirish yo'llarini loyihalash ko'nikmalari.

KONSTRUKTIV BILIM, KO'NIKMA VA MALAKALARI:

-dars mavzusi va maqsadiga asosan o'quv axboroti, matn, illyustratsiya, sxema, jadval, savol va topshiriqlarni tanlash ko'nikmalari;

-o'quv axborotini qayta ishlash ko'nikmalari;

-dars mavzusiga oid vosita, metod va shakllarni tanlash ko'nikmalari;

-didaktik va ko'rgazmali vositalarni yaratish va foydalana olish ko'nikmalari;

-o'qitishda ta'lim-tarbiyaning uzviyligini ta'minlash maqsadida o'quv va qo'shimcha adabiyotlardagi materiallarni qayta ishlash ko'nikmalari;

-dars ishlanmalarini loyihalash ko'nikmalari;

-o'quvchilarning bilimlarini nazorat qilish va baholash ko'nikmalari;

-dars mazmuniga bog'liq holda tayanch konspektlar tuzish ko'nikmalari;

-darsning borishini loyihalash va texnologik xarita tuzish ko'nikmalari.

TASHKILOTCHILIKKA OID BILIM, KO'NIKMA VA MALAKALARI:

-o'quvchilarni bajariladigan faoliyatning maqsadi bilan tanishtirish, ko'rsatmalar berish va o'quv topshiriqlarini mustaqil bajarishga yo'naltirish ko'nikmalari;

-o'quvchilarning mustaqil bilish faoliyatini tashkil etish uchun sharoit yaratish ko'nikmalari (mazmun va shakl jihatdan turlicha bo'lgan o'quv jihozlarini tayyorlash, o'quvchilar o'rtasida o'zaro yordamni vujudga keltirish, o'quv xonasini tartibga keltirish va tozalikka rioya qilish);

-o'quvchilarni o'quv topshiriqlarini mustaqil bajarishga yo'naltiradigan vaziyatlarni vujudga keltirish ko'nikmalari;

-darsda o'quvchilarning kichik guruhlarda, yakka tartibdagi ishlarini tashkil etish va ular o'rtasida o'quv bahsi va munozaralarni o'tkazish ko'nikmalari;

-darsda amaliy ish va laboratoriya mashg'ulotlarni tashkil etish va boshqarish ko'nikmalari;

-biologiyadan darsdan, sinfdan tashqari ishlar va ekskursiyalarni tashkil etish va o'tkazish ko'nikmalari;

-o'quvchilarning diqqatini jamlash ko'nikmalari;

-o'quvchilarning javoblarini tahlil qilish, izohlash va baholash, o'z o'rtoqlarining javoblarini to'ldirish, to'g'rilash va tahlil qilishga yo'llash ko'nikmalari;

-o'quvchilar bilan hamkorlikda ish rejasini tuzish ko'nikmalari;

-darsda vujudga kelgan vaziyatlarni hisobga olgan holda rejaga o'zgartirish kiritish ko'nikmalari;

-o'qituvchining ilmiy-metodik tayyorgarligining tarkibiy qismlarining aniqlanishi o'z navbatida ularni o'zlashtirish darajalarini ishlab chiqishni talab etadi.

Yuqoridagi ilmiy va nazariy asosli ma'lumotlarga tayangan holda biologiya o'qituvchisining metodik tayyorgarlik darajasini orttirish muammosi quyidagi yo'llar bilan hal etishni taqozo etadi:

Biologiya o'qitish metodikasi kursidan tashkil etiladigan ma'ruza mashg'ulotlarida bo'lajak o'qituvchilar tomonidan ilmiy-metodik tayyorgarligining barcha tarkibiy qismlari: metodologik, gnoseologik, kommunikativ, loyihalash, konstruktiv, tashkilotchilik va innovatsion faoliyatga doir bilimlarning egallanishiga e'tibor qaratish;

Bo'lajak o'qituvchilar tomonidan ilmiy-metodik tayyorgarligining barcha tarkibiy qismlari:

-metodologik, gnoseologik, kommunikativ, loyihalash, konstruktiv, tashkilotchilik va innovatsion faoliyatga doir bilimlarni egallash jarayonini samarali tashkil etish maqsadida mazkur jarayonda innovatsion va axborot texnologiyalaridan foydalanish;

biologiya o'qitish metodikasi kursidan tashkil etiladigan laboratoriya mashg'ulotlarida bo'lajak o'qituvchilar tomonidan o'zlashtirilgan ilmiy-metodik tayyorgarligining barcha tarkibiy qismlari:

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

-metodologik, gnoseologik, kommunikativ, loyihalash, konstruktiv, tashkilotchilik va innovatsion faoliyatga doir bilimlarning amaliyotga qo'llanishi orqali ko'nikma va malakalarni tarkib toptirishga e'tibor qaratish;

Bo'lajak biologiya o'qituvchisining ilmiy-metodik tayyorgarligi darajasini orttirish maqsadida laboratoriya mashg'ulotlarida innovatsion va axborot texnologiyalaridan foydalanishni yo'lga qo'yish zarur.

Adabiyotlar

1. Karimov I.A. Barkamol avlod – O'zbekiston taraqqiyotining poydevori. –T.: “Sharq”, 1997.-64 b.
2. Toshpo'latov T. O'quvchilarning mustaqil ishlarini tashkil etish – ta'limni demokratlashtirishning asosidir. “Xalq ta'limi” jurnali, 2005-yil 6-son, 28-b.
3. Верзилин Н.М., Корсунская Б.М. Биологияни ўқитишнинг умумий методикаси. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1985 йил.
4. Tolipova J.O. Biologiyani o'qitishda pedagogik texnologiyalardan foydalanish. – Toshkent, 2005-yil.
5. Tolipova J.O., G'ofurov A.T. Biologiya o'qitish metodikasi. –Toshkent. “Bilim”, 2004-yil.
6. A.T.G'ofurov. O'quvchilarda umumiy biologik tushunchalar uchun metodik qo'llanma. – Toshkent: “O'qituvchi”, 1975-yil 32-40 b
7. Tolipova J.O. Biologiya o'qituvchisining ilmiy-metodik tayyorgarligi darajasini orttirishning nazariyasi va amaliyoti. –Toshkent: “Fan”, 2005-yil, 40-50-b.
8. GAZIBEKOVA R.A. TALABALARNING MUSTAQIL ISH DAFTARINI LOYIHALASHNING KONSEPTUAL ASOSLARI (“BIOLOGIYA O'QITISH METODIKASI” KURSI MISOLIDA). 5A 110401-BIOLOGIYA O'QITISH METODIKASI» MAGISTR AKADEMIK DARAJASINI OLIISH UCHUN YOZILGAN DISSERTATSIYA ISHI. – TOSHKENT, 2014-YIL, 76 BET.

Севара НАЗАРОВА

Бухоро давлат университети
тупроқшунослик кафедраси ўқитувчиси, кишлок
хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)

Ҳилола САЛИМОВА

Бухоро давлат университети
тупроқшунослик кафедраси
ўқитувчиси

“ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИ” МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Мақолада “Тупроқ унумдорлиги” мавзусини ўқитишда педагогик технологиядан фойдаланиш атрофлича таҳлил этилган. Шунингдек, дарсинг таълимий, тарбиявий мақсадларини амалга ошириш учун самарали ҳисобланган айрим методлар келтирилган.

Таянч сўзлар: тупроқ унумдорлиги, табиий унумдорлик, сунъий унумдорлик, потенциал унумдорлик, солиштирма унумдорлик, иқтисодий унумдорлик.

В статье дан анализ обучения и использования инновационной педагогической технологии при изучении темы «Плодородие почв».

Ключевые слова: плодородие почвы, плодородие природы, плодородие сунь, потенциальное плодородие, сравнительное плодородие и плодородие натрия.

The article analyzes the training and use of innovative pedagogical technology in the study of the topic "soil Fertility".

Keywords: soil fertility, nature fertility, suni fertility, potential fertility, comparative fertility and sodium fertility.

Қириш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармонида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилди. Ҳаракатлар стратегиясида кишлок хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиоратив ва ирригация объектларнинг тармоғини ривожлантириш, кишлок хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, замонвий сув ва ресурсларни тежайдиган агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори кишлок хўжалиги техникасидан фойдаланиш, глобал иқлим ўзгариши ва Орол денгизи қуриб қолишининг кишлок хўжалиги ривожланиши ҳамда аҳолининг ҳаёт фаолиятига салбий таъсирини юмшатиш бўйича тизимли чора-тадбирларни кўриш каби ўта долзарб масалалар киритилди [1].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга “Мурожаатнома”сида таълим тўғрисида тўхталиб, қуйидагиларни таъкидладилар: “Илм-фан ва таълим тизимини янада такомиллаштириш, замонвий ва узлуксиз таълимни амалда таъминлаш зарур. Азалдан таълим-тарбиянинг моҳияти ва кадр-кимматини яхши биладиган халқимиз доимо илм-маърифатга интилиб яшайди. Эл-юртимизда “таълим ва тарбия бешикдан бошланади” деган нақл бор. Фақат маърифат инсонни камолга, халқни тараққиётга етаклайди. Шу сабабли таълим соҳасидаги давлат сиёсати узлуксиз таълим тизими тамойилига асосланиши, яъни таълим боғчадан бошланиши ва бутун умр давом этиши лозим.

Ривожланган мамлакатларда таълимнинг тўлиқ циклига инвестиция киритишга, яъни бола 3 ёшдан 22 ёшгача бўлган даврда унинг тарбиясига сармоя сарфлашга катта эътибор берилади. Чунки ана шу сармоя жамиятга 15-17 баробар микдорда фойда келтиради. Бизда бу кўрсаткич атиги 4 баробарни ташкил этади. Бинобарин, инсон капиталига эътиборни кучайтиришимиз, ёшларимизнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш учун барча имкониятларни сафарбар этишимиз шарт.

Олий таълим тизимида таҳсил олиш учун тенг имконият яратишга қаратилган ишларни кучайтиришимиз зарур.

Ўзбекистонда битирувчиларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси ўтган даврда 9-10 фоиз даражасида бўлиб келаётган эди. Сўнгги икки йилда кўрилган чора-тадбирлар туфайли биз бу рақамни 15 фоиздан оширишга эришдик. Лекин бу ҳали етарли эмас. Чунки дунёдаги ривожланган давлатлар тажрибасига қарайдиган бўлсак, бу кўрсаткич уларда 60-70 фоизни ташкил этади. Шунинг учун 2019 йилда мамлакатимизда бу рақамни 20 фоизга етказиш, келгуси йилларда изчил ошириб бориш – муҳим вазифамиздир.

Шунингдек, нуфузли хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни кучайтириш керак. Келгуси йилда Россия, Жанубий Корея, Германия тиббиёт институтлари билан қўшма факультет ва филиаллар очиш бўйича амалий чораларни кўрамиз” [2].

#3, 2020 PEDAGOGİK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

Республикамизда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да белгилаб берилган вазифаларнинг босқичма-босқич амалга оширилиб борилаётганлиги натижасида замонавий таълим тизимига муваффақият билан жорий этилаётганлиги замон талабларига мос ҳар томонлама ривожланган юксак ижтимоий –психологик хусусиятларга эга малакали мутахассис кадрларни тайёрлашни таъминлайди.

Юқорида қайд этилган норматив ҳужжатлар билан амалга киритилган ўқув дастури, “Тупроқ унумдорлиги” мавзусини ўқитишда илғор педагогик технологиялар, ўқув дастури, маъруза матнлари, “Тупроқ унумдорлиги” мавзусидан тайёрланаётган кейслар, амалий топшириқлар, назорат саволлари мавжуд бўлса-да, ҳали бажарилиши лозим бўлган вазифалар ҳам бисёр.

Бу ҳолатлар олий таълим муассасаларида қўлланиладиган таълим ва тарбия жараёнининг ташкилий-ҳуқуқий ҳужжатларини ва улар асосида ишлаб чиқиладиган локал ҳужжатларни ҳар томонлама назарий ҳамда амалий жиҳатдан ўрганиш, таҳлил этишни тақозо этади.

Бугунги кунда тупроқ унумдорлигига бироз тўхталиб ўтадиган бўлсак, уни оширишда сув ҳамда ўсимликлар оладиган озуқа моддаларини тупроқда яратишда мелиоратив тадбирлар орқали, яъни ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқларнинг сув, озуқа режими ва микробиологик жараёнлар орқали тўғри агротехника ва алмашлаб экиш системаси туфайли тупроқларнинг структура ҳолатини яхшилаш мумкин.

Тупроқларда намликни тўлдириш ва шу жараёнлар билан боғлиқ бўлган озуқа ва иссиқлик режимини яхшилаш мелиоратив нуқтаи назардан бир неча хил йўللар билан амалга оширилади.

Биринчидан, табиий сув ресурсларида фойдаланишни ошириш бунда ёғин-сочин тупроқ намлиги жамғармаси, тупроқ қатламларида чиқиб кетадиган сувларнинг коэффициентини камайтириши, табиий намликни тупроқ қатламида ошириш, ерларни кўндалангига ҳайдаш, тупроқ қатламларини киш ойларида, қор билан аралаштириб ҳайдаш ва ниҳоят тупроқ структурасини сақлаш.

Иккинчидан, сувларни тежаб-тергаб сарфлаш - бунда тупроқ юза қатламида намликни парланишига, транспирация жараёни орқали намликни кўп сарфланишига қарши курашган ҳолда тупроқни шамол эрозиясидан сақлаш, агротехника ва унумдорликка эътиборни қаратиш, сув режимини тўғри назарда тутган ҳолда сунъий суғоришга ўтиш, тупроққа ишлов бериш системасини ижро қилиш. Бу тадбирлар тупроқларда намликни сақлашга қаратилган бўлса, иккинчи томондан тупроқ қатламларида ошиқча намликни қочириш, анаэроб шароитда аэроб шароитини тупроқда ҳосил қилишни қуйидаги йўллار билан амалга ошириш мумкин.

Биринчидан, дала майдонларига келадиган сув микдорини камайтириш ва ерларни сув босишидан сақлаш.

Иккинчидан, қуриштириш мелиорацияси ва сув режимига қаттиқ риоя қилган ҳолда тупроқ қатламлари таркибидаги ошиқча намликни йўқотиш. Бунда тупроқларга ишлов бериш ва ерлардан кишлоқ хўжалигида тўғри, оқилона фойдаланиш лозим.

Учинчидан, тупроқларнинг ҳаво ўтказиш қобилиятларини яхшилаш ва тупроқ структурасини яхшилашга катта эътибор бериш кўзда тутилади.

Тупроқ сув режимини ташкил қилиш ёки тупроқларни намлик билан таъминлаш ёки тупроқ қатламларидан ошиқча намликни йўқотиш ҳар қандай шароитда ҳам табиат ҳамда хўжалик шароитларини ҳисобга олган ҳолда олиб борилиши шартдир. Ушбу юқорида келтирилган тадбирлар орқалигина мелиорацияда сувдан тўғри ва режали фойдаланиш имкони мавжуд[7].

Ишнинг мақсади: “Тупроқ унумдорлиги” мавзусини ўқитишнинг назарий ва амалий масалаларини тадқиқ қилиш, мавзу юзасидан ишланмани шакллантириш ҳамда ўқитишни такомиллаштириш бўйича хулосалар ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Мазкур мавзунинг мақсадидан келиб чиқиб қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

-биринчидан, олий таълим муассасаларида ўқитилаётган “Тупроқ унумдорлиги” мавзусини ўқитишнинг долзарблигини назарий ва амалий таҳлил қилиш;

-иккинчидан, “Тупроқ унумдорлиги” мавзусини ўқитишда инновацион таълим технологиялари ва илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш йўллари ёритиш;

-учинчидан, “Тупроқшунослик” фани ўқув дастури мазмун моҳиятини очиб бериш;

-тўртинчидан, олий таълим муассасаларида “Тупроқшунослик” фанини ўқитишни янада такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тупроқшунослик фанидан “Тупроқ унумдорлиги” мавзусини ўқитишда инновацион технологияларни қўллаш дарс жараёнини уч босқичга бўлиб ташкил этишни тақозо этади. Улар қуйидагилар: 1.Даъват босқичи. 2.Англаш босқичи. 3.Фикрлаш босқичи.

Даъват босқичи

1-илова

“Блиц-сўров” методи

Методнинг мақсади: талабаларда тезлик, ахборотлар тизимини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустақкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради [3,4].

Блиц сўров саволлари, тахминан, қуйидагича бўлади:

	Тупроқ унумдорлиги деганда нимани тушунаси?
	Тупроқ унумдорлигига таъсир этувчилар омиллارга нималар киради?
	Тупроқ унумдорлигини яшилашнинг тadbирларини айтинг?

Унумдорлик деб, тупроқнинг ўсимликларнинг нормал ўсиши ва ривожланиши (ҳосил бериши) учун зарур сув, озиқ элементлар ва шунингдек, уларнинг илдиз системаларини етарли миқдорда ҳаво, иссиқлик ва қулай физик кимёвий муҳит ва бошқа барча шарт-шароитлар билан таъмин эта олиш қобилиятига айтилади. Демак, тупроқнинг ишлаб чиқариш қобилияти, унда кечадиган кўплаб жараёнлар ва ҳодисаларга боғлиқ. Ўсимликларнинг барча ўсиб ривожланиш ҳаётий давлари бевосита тупроқнинг турли хоссалари ёки унда кечадиган жараёнлар билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам тупроқдан фойдаланилаётганда унумдорликнинг барча омиллари ва шарт-шароитларига бир вақтнинг ўзида таъсир эта билиш керак. Тупроқ унумдорлиги нисбий тушунча бўлиб, унумдорлик нафақат тупроқ хоссаларига, балки ўстириладиган экинлар турига ҳам боғлиқ. Масалан, муайян бир тупроқ алоҳида ўсимликлар учун унумдор ҳисобланса, бошқасига кам унумли бўлади. Чунки ҳар хил ўсимликларнинг тупроқ унумдорлигига (факторларига) бўлган талаби бир хил эмас.

Тупроқ унумдорлигининг қуйидаги турлари ажратилади: табиий, сунъий, потенциал, эффе́ктив (самарали), нисбий ва иқтисодий унумдорликлар. Табиий унумдорлик – инсонлар қўли тегмаган табиий ҳолатдаги тупроқлар учун характерли унумдорлик ҳисобланади.

Сунъий унумдорлик – инсонларнинг мақсадли фаолияти (ерни ҳайдаш, унга даврий равишда механикавий ишлов бериш, мелиорациялаш, ўғитлардан фойдаланиш сингарилар) таъсирида юзага келади.

Потенциал унумдорлик – табиий тупроқ ҳосил бўлиш жараёнлари натижасида пайдо бўлган хоссалар ва шунингдек, инсонлар фаолияти таъсирида яратилган ёки ўзгартирилган тупроқ хусусиятлари билан белгиланадиган барча унумдорликлар йиғиндисидан иборат.

Эффе́ктив (самарали) унумдорлик – муайян иқлим ва техник-иқтисодий (агротехнологик) шароитда экинлардан ҳосил олиш учун тупроқ потенциал унумдорлигининг фойдаланиладиган қисми ҳисобланади. Бу унумдорлик ҳозирги вақтда олинладиган ҳосил миқдори билан ифодланади. Демак, ҳосилдорлик миқдори самарали унумдорликнинг асосий кўрсаткичи ва конкрет кўринишидир.

Нисбий унумдорлик – муайян группа ёки турдаги ўсимликларнинг тупроқ унумдорлигига нисбатан бўлган муносабати (талаби) билан белгиланади. Бир турдаги ўсимликлар учун унумдор ҳисобланган тупроқ, бошқасига яроқсиз бўлиши мумкин.

Иқтисодий унумдорлик – тупроқнинг потенциал унумдорлиги ва ер участкаларининг иқтисодий характеристикасига кура тупроқларни иқтисодий жиҳатдан баҳолашдир [5,6].

Англаш боқичи

Талабаларга ўрганган билимлари асосида жадвални тўлдириш топшириғи берилади.

Матни белгилаш тизими


- (v) – мен билган нарсани тасдиқлайди.
- (+) – янги маълумот.
- (-) – мен билган нарсага зид.
- (?) – мени ўйлантирди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.

Инсерт жадвали

Тушунчалар	v	+	-	?
Суғориладиган тупроқлар				
Тупроқ унумдорлиги				
Тупроқ унумдорлигининг элементлари ва шарт-шароитлари				
Унумдорлик категориялари				
Унумдорликни пасайтирувчи омиллар				
Унумдорликни қайта тиклаш				

Фикрлаш босқичи

3-илова



Хулоса. Мазкур мавзунини ўқитиш жараёнининг натижаларидан келиб чиққан ҳолда биз олий таълим тизимида ўқув-методик фаолият самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи тавсияларимизни ишлаб чиқдик.

1. Ривожланиб бораётган жамиятда доимо пайдо бўлаётган янги эҳтиёжларни қондиришда фан ва технологиянинг ўрни бекиёслигини ҳисобга олган ҳолда таълим тизимига янги иновацияларни изчиллик билан киритиб бориш лозим.

2. Бугунги кунда олий таълим муассасининг замонавий ўқитувчиси педагогик технологияларнинг яратувчиси, назариялар, концепциялар муаллифи, тадқиқотчи, фойдаланувчи ва тарғиботчи сифатида намоён бўлишига эришиш зарур [3].

Адабиётлар

1. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 07.02.2017 йил ПФ-4947-сонли Фармони – Ҳаракатлар стратегияси беш босқичда амалга оширилиб, уларнинг ҳар бири бўйича йил номланишидан келиб чиққан ҳолда бир йиллик давлат дастурини тасдиқлаш назарда тутилган.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи” газетаси, 28 декабрь 2018 й.

#3, 2020 PEDAGOGİK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

3. Ишмухамедов Р., Абдукодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.
4. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. – Т.: РТМ, 2004. – 104 б.
5. Раупова Н.Б., Атабаев М.М. “Тупроқшунослик ва агрокимёда янги инновацион технологиялар” модули бўйича ўқув услубий мажмуа. – Тошкент, ТошДАУ, 2016. -25 б.
6. Махсудов Х., Раупова Н., Камилов Б., Номозов Х. Тупроқшунослик. Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти. – Тошкент, ТошДАУ, 2013. 86-91 б
7. Абдуллаев С.А., Намозов Х.Қ. Тупроқ медиорацияси дарслик. – Тошкент “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” миллий нашриёти. 2011 йил. 12-13 бетлар.

Умида УМАРОВАБухоро давлат университети
математика кафедраси
катта ўқитувчиси**МУЛОҲАЗАЛАР АЛГЕБРАСИНИ ЎҚИТИШДА ИНТЕРФАОЛ
МЕТОДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МЕТОДИКАСИ**

Ушбу мақолада олий таълим муассасаларида “Дискрет математика ва математик логика” фанининг “Мулоҳазалар алгебраси” бўлимини ўқитишда бир нечта интерфаол методларни қўллаш баён қилинган. “Мулоҳазалар ва улар устида амаллар” мавзусини ўқитишда дарсда жамоавий ишлашни таъминлайдиган “Домино” интерфаол методи татбиқ қилинган бўлиб, бу методни маърузанинг охирида ёки амалий машғулотнинг бошида фойдаланиш афзалликлари ҳақида фикр юритилган. “Мулоҳазалар алгебраси формуллари” мавзусини ўқитишда ўйин технологияларидан фойдаланиш методикаси ёритилган. “Мукамал дизъюнктив ва конъюнктив нормал шакли” мавзусини “Пазл” методи ёрдамида ўқитиш масаласи муҳокама қилинган.

Калит сўзлар: интерфаол метод, “Домино”, ўйин технологиялари, “Пазл”, мулоҳаза, дизъюнкция, конъюнкция, занжир, карточка.

В данной статье описывается применение нескольких интерактивных методов в преподавании предмета «Дискретная математика и математическая логика» в высших учебных заведениях. Интерактивный метод «Домино», который обеспечивает командную работу в классе, использовался в обучении «Высказывание и действие над ними», и обсуждались преимущества его использования в конце лекции или в начале семинара. Изложено методика использования игровой технологии при преподавании темы «Формулы алгебры высказываний». Обсуждается вопрос преподавания темы «Совершенная дизъюнктивная и конъюнктивная нормальная форма» с использованием метода «Пазл».

Ключевые слова: интерактивный метод, метод «Домино», игровые технологии, «Пазл», высказывание, дизъюнкция, конъюнкция, цепь, карточка.

This article describes the application of several interactive methods in the teaching of the section "Algebra of Reflections" on the subject "Discrete Mathematics and Mathematical Logic" in higher education institutions. Nowadays, the acquisition of ready-made knowledge is not the main goal, but, most importantly, the development of intellectual abilities of our students, the formation of independent choice and decision-making skills has become an objective necessity, therefore the reasons why different methods should be used in the study of the subjects of any science are listed as well. The interactive method "Domino", which provides teamwork in the classroom, is used in teaching the topic "Feedback and actions on them", samples of cards are given, and the procedure of the method is shown. It has been suggested that this interactive method can be used to assess students' knowledge by completing a specific module of science or by dividing it into small groups in practical classes, handing out individual domino cards. The advantages and disadvantages of the domino method have been studied.

Key words: interactive method, “Domino”, game technologies, “Puzzle”, reflection, disjunction, conjunction, chain, card.

Ҳозирги пайтда тайёр билимни ўзлаштириш асосий мақсад бўлмай, балки энг асосийси, талаба-ёшларимизнинг интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш, мустақил танлаш ва қарор қабул қилиш кўникмасини ҳосил қилиш объектив заруратга айланди. Бу мақсадни амалга ошириш эса кўп жиҳатдан дарс ўтиш методларини танлашга боғлиқ. Ҳар қандай фанни ўқитишда турли методлар қўлланилади. Бунинг сабаби, биринчидан, дарс ўтишда турли усулларни қўллаш уни қизиқарли бўлишига, талабалар диққатини ўтилатган дарсни ўзлаштиришга қаратилади. Иккинчидан, талабаларнинг дарсни ўзлаштириш, билимни қабул қилиш қобилиятлари ҳар хил бўлиб, турли усулларни қўллашга ўтилатган мавзунини талабалар томонидан нисбатан тўлиқ ўзлаштиришга олиб келади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, билимни ўзлаштириш жараёнида мавзунини тезроқ англашга бир хил талабаларга бир усул ёрдам берса, иккинчиларига бошқаси ёрдам беради. Учинчидан, дарс ўтиш методлари талабалар фикрлаш доирасини шакллантиришга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам, барча педагоглар талабаларга билим беришнинг энг самарали йўли, дарс ўтишга турли методларни қўллаш зарур, деган фикр тарафдори бўлиб, айнан қайси метод қайси категориядаги талабалар учун қўлланилиши маъқуллиги бўйича эса ягона қолип йўқ.

“Мулоҳазалар ва улар устида амаллар” мавзусини ўтишда дарсда жамоавий ишлашни таъминлайдиган “Домино” интерфаол методидан фойдаланишга доир фикр-мулоҳазаларни

#3, 2020 PEDAGOGİK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

келтирамиз. Домино – бу катталар ва болалар севадиган кенг тарқалган ўйин. Ҳозирги вақтда унинг кўп турлари мавжуд, аммо уларнинг ҳар бири карточкалар (ёки суяклар) занжирини яратишга қаратилган. Домино усулидан асосан ўқитувчилар ва математиклар фойдаланмоқдалар, бу "Ҳисобланувчи мисол" + "Унга жавоб" форматидаги карточкаларни тузишнинг қулайлиги билан изоҳланади. Ўйинни ўтказиш учун домино карточкаларини тайёрлаш керак. Ўқитувчи уларни ишлаб чиқади, ўқув материални тўлиқ қамраб олишга, шунингдек унинг мураккаблик даражасига эътибор қаратади. Карточкалар сони етарлича катта бўлиши керак, аммо дарс давомида ҳар бир гуруҳдаги талабалар сонига тўғри келадиган карточкалар сонини танлаш керак бўлади. Олдиндан тайёрланган кўп миқдордаги карточкалар ўқитувчига ҳар бир гуруҳ учун турли хил топшириқлардан фойдаланган ҳолда (улар бошқа гуруҳдан олдиндан топшириқларни ўргана олмайди). Таъкидлаш керакки, ушбу интерфаол ўқитиш усулидан фойдаланиш учун ўқитувчи домино карточкаларини ишлаб чиқишда жуда кўп тайёргарлик ишларини бажариши керак. Ҳар бир дарс бошланишидан олдин, у мавжуд карточкаларни кўриб чиқиши ва керакли таркиб билан керакли миқдорни танлаши керак.

Домино усули талабалар маълум қоидаларга амал қилишларини тахмин қилади: 1) занжир халқа каби ёпиқ бўлиши керак, шунда сиз ҳар қандай карточкадан бошлашингиз мумкин; 2) занжирнинг бошланиши тасодифий ёки қуръа ташлаш орқали танланади; 3) карточкалар тўғри занжирни ҳосил қилиши учун навбат билан махсус ажратилган столга қўйилади. Иш жараёнида талабалар занжирнинг тўғри тузилишини доимий равишда кузатиб борадилар. Агар нотўғри жавоб пайдо бўлса, улар тезда хато қилинганлигига ишонч ҳосил қилишади, чунки жавоблар занжирида носозлик бор ва кимдир ўз карточкаларини ишлата олмайди. Ушбу усул ёрдамида назорат қилиш ёки ўз-ўзини бошқариш бир неча усул билан амалга оширилади:

1. Анъанавий домино. Столга тартибсиз қўйилган карточкаларни талабалар олишади, ўйинда бутун гуруҳ қатнашади. Натижада битта занжир.

2. Шахсий домино. Ҳар бир талаба ўз занжирини яратади.

3. Жисмоний домино. Талабалар столга карточкаларни қўймайдилар, балки занжирда ўзлари қатнашадилар. Бу нафақат билим устидан назоратни амалга ошириш, балки, талабаларнинг маданиятини ҳам баҳолаш имконини беради.

4. Мини домино. Гуруҳ бир неча жамоаларга бўлинган, ҳар бир жамоага ўзларининг шахсий домино карточкалари берилди. Бу ерда мусобақани ўтказиш мумкин, ким биринчи бўлиб тўғри занжирни ўрнатган жамоа ғолиб бўлади. Шунини таъкидлаш керакки, бу ҳолда карточкалар тўплами ҳар бир жамоа учун бир хил бўлиши керак ёки қийинчилик жиҳатидан бир хил бўлиши керак, чунки ғолиб жамоани аниқлашда нафақат занжирнинг тўғрилиги, балки сарфланган вақт ҳам инобатга олинади [1].

«Домино» методини «Мулоҳазалар ва улар устида амаллар» мавзусига қўллашда карточкаларни қуйидаги тартибда тузишимиз мумкин:

5	мулоҳазалар	2"	инкор амали	конъюнкция амали
Фақат чин ёки ёлгон қиймат қабул қила оладиган дарак гапларга ... деб айтамыз.	Ўзгарувчилар сони n та бўлса, у вақтда ... та қийматлар сатрига эга бўламыз.	“—“ символ билан кайси амал белгилади	“Ва” боғловчисига мос келувчи мантикий амалга ... деб айтамыз.	“ёки” боғловчисига мос келувчи мантикий амалга ... деб айтамыз.

дизъюнкция амали	Импликация амали	Эквивалентлик амали	$x y$	мулоҳаза бўлмайди
фақат x чин ва y ёлгон бўлгандагина ёлгон бўлиб, қолган ҳамма ҳолларда чиндир.	агар x ва y лар чин ёки x ва y лар ёлгон бўлса, бошқа ҳолларда у ёлгондир.	Фақат x ва y мулоҳазалар чин бўлгандагина, ... мулоҳаза ёлгондир.	$\sqrt{5 + 4\sqrt{3 - 30}}$ мулоҳаза бўладими?	Асосий мантикий амаллар ... та

Гуруҳ талабаларининг барчасига домино карточкалари аралаштирилиб тарқатилади ва бирор талаба карточка қуйи қисмида берилган савол-топшириқни ўқиб, жавобини айтади. Сўнг савол-топшириқнинг жавобини қолган талабалардан карточкаси юқори қисмида жойланган натижа

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

билан текширилади, жавоб акс этган талаба ажратилган савол-топширикни ўқиб, жавобини айтади ва ҳоказо. Охириги топширикни бажарган талабанинг натижаси биричи бўлиб, топширикни ўқиган ва бажарган талабанинг домино карточкаси юқори қисмида келтирилган бўлади. Шунда домино ўйини шартларига асосан занжир халқа каби ёпилади, яъни бошлаган талаба ўйинни тугатади. Қуйида домино карточкаларининг ишлаш тартиби кўрсатилган аммо, карточкалар аралаштирилганидан сўнг фақат тўғри жавоб эълон қилинганидагина навбатдаги талабани аниқлаш мумкин бўлади.

5	мулоҳазалар		инкор амали	конъюнкция амали
Фақат чин ёки ёлгон қиймат қабул қила оладиган дарак гапларга ... деб айтамыз.	Ўзгарувчилар сони n та бўлса, u вақтда ... та қийматлар сатрига эга бўламыз.	“—“ символ билан қайси амал белгилан ади.	“Ва” боғловчисига мос келувчи мантиқий амалга ... деб айтамыз.	“ёки” боғловчисига мос келувчи мантиқий амалга ... деб айтамыз.

дизъюнкция амали	Импликация амали	Эквивалентлик амали	$x y$	мулоҳаза бўлмайди
фақат x чин ва y ёлгон бўлгандагина ёлгон бўлиб, қолган ҳамма ҳолларда чиндир.	агар x ва y лар чин ёки x ва y лар ёлгон бўлса, бошқа ҳолларда u ёлгондир.	Фақат x ва y мулоҳазалар чин бўлгандагина, ... мулоҳаза ёлгондир.	$\sqrt{5 + 4\sqrt{3} - 30}$ мулоҳаза бўладими?	Асосий мантиқий амаллар ... та

Шундай қилиб, барча талабалар савол-топширикни бажаришда қатнашади ва улар тўғри бажарилади. Бу усулни қўллаш орқали талабалар томонидан янги мавзу қандай ўзлаштирилганлигига аниқлаш мумкин бўлади. Ушбу усулни фаннинг аниқ бир модулини тугатгандан сўнг ёки амалий машғулотларда кичик гуруҳларга ажратиб, алоҳида домино карточкалари тарқатилиб, талабалар билимини баҳолашда фойдаланилса бўлади.

“Домино”методидан фойдаланиш натижасида, биринчидан, энг сушт ўзлаштирувчи талабаларни ҳам дарсда фаол қатнашишлари таъминланади. Иккинчидан, талабалар у ёки бу тушунчани, жараёни ўрганишда ўзлари қатнашганликлари туфайли у хотираларида узоқ сақланиб, фаол билим захирасини ташкил этади. Билим ва малака ўқиш, фаолият юритиш жараёнида шаклланади. Бирор малакани эгаллаш учун унга оид фаолиятни кўп марта такрорлаш, машқ қилиш, мунтазам амалга ошириш зарур. Ана шу жараён натижасида талабаларда ўқув, кўникма шаклланади.

“Домино” методининг афзалликлари: таълим оловчиларда мустақил фикрлаш қобилиятларини шакллантиради; таълим оловчилар биргалиқда ишлаш кўникмаси ошади; бир-бирини эшитиш ва бир-бирига ўз фикрларини асослаб беришни ўрганади; таълим оловчилар натижаларни таҳлил қилишни ўрганадилар.

“Домино” методи айрим камчиликлардан холи эмас. Масалан: талабалардан юқори мотивация талаб этилади; шовқин-сурон бўлиши мумкинлиги; кўп вақт талаб этилиши мумкин. Лекин бундай камчиликларга йўл қўймаслик ўқитувчининг маҳоратига боғлиқ бўлади, албатта.

Айни вақтда таълимни ташкил этишда ролли ҳамда ишбоп ўйинлардан самарали фойдаланишга эътибор берилмоқда. Ўйин чоғида маҳсулдор эмас, балки жараёни фаолият ташкил этилганлиги боис талабалар тасвирий вазиятларни яратиш асосида ўзларининг атроф—муҳитга бўлган муносабатларини табиий намоён эта оладилар. Ўйинли фаол фаолият эса уларнинг ижодий имкониятларини ошириб, тафаккурини ривожлантиришга ёрдам беради. Талабаларнинг назарий билимларни амалий кўникма ва малакаларга айлантириш, уларда таълимий фаолликни юзага келтириш, уларни ижтимоий муносабатлар жараёнига кенг жалб этишда ролли ҳамда ишбоп ўйинлар ўзига хос ўрин тутади.

Ўйинни ташкил этиш мақсадлари қуйидагилардир:

- Таълимий (дидактик) мақсад;
- тарбиявий мақсад;

#3, 2020 PEDAGOGİK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

- фаолиятни ривожлантиришга йўналтирувчи мақсад;
- ижтимоий мақсад.

С.Каллаганнинг таъқидлашича, ролли ўйинларнинг муваффақиятли ташкил этилиши учун бир қатор шартларга амал қилиш зарур. Улар қуйидагилар:

- Жамоа аъзолари ўртасида самимий муҳитни қарор топтириш;
- ўйин жараёнида қатъий талаблар қўйилишини инкор этади;
- ўқитувчи ва талабаларнинг эркин, бемалол, ўзига ишонган ҳолда, хотиржам ҳаракат қилишларига эришиш;
- синфда қулай шароитнинг мавжуд бўлиши (шовкин даражасини назорат қилиш, талабаларни чалғитувчи ҳаракатларни содир этмаслик);
- синфда тартиб ва тинчликни сақлаш мақсадида талабаларнинг ўйин фаоллигига таъсир қилмаслик [2].

“Мулоҳазалар алгебраси формулалари” мавзусини ишбилармонлик ўйинли методлар ёрдамида ўқитишни қуйидагича ташкил қилиш мумкин: Гуруҳдаги талабалар қаторлар бўйича гуруҳларга ажратилади (1-қатор, 2-қатор, 3-қатор). Берилган вазифани ҳар бир қатордан кетма-кет, навбат билан талабалар чиқиб бажаришади.

1-ўйин: Берилган символлар кетма-кетлигига турли усуллар билан қавсларни жойлаштириб, формулалар ҳосил қилинг [3] (содаллик учун ташқи қавсларни ташлаб юбориш мумкин):

$$1) \neg P \leftrightarrow \neg Q \vee R \wedge Q; \quad 2) \neg P \wedge Q \rightarrow \neg P \vee R; \quad 3) P \vee Q \wedge \neg R \wedge P \vee R.$$

1-қаторнинг натижаси:

$$\begin{aligned} (\neg P \leftrightarrow \neg Q) \vee (R \wedge Q); & \quad \neg P \leftrightarrow \neg(Q \vee (R \wedge Q)); \\ (\neg P \leftrightarrow (\neg Q \vee R)) \wedge Q; & \quad \neg P \leftrightarrow (\neg Q \vee (R \wedge Q)); \\ \neg(P \leftrightarrow (\neg Q \vee R)) \wedge Q; & \quad \neg P \leftrightarrow \neg((Q \vee R) \wedge Q); \\ (\neg P \leftrightarrow \neg(Q \vee R)) \wedge Q; & \quad \neg P \leftrightarrow ((\neg Q \vee R) \wedge Q); \\ \neg(P \leftrightarrow \neg(Q \vee R)) \wedge Q; & \quad \neg(P \leftrightarrow (\neg Q \vee R) \wedge Q); \\ \neg((P \leftrightarrow \neg Q) \vee R) \wedge Q; & \quad \neg(P \leftrightarrow ((\neg Q \vee R) \wedge Q)); \\ \neg(P \leftrightarrow \neg Q) \vee R) \wedge Q; & \quad \neg((P \leftrightarrow (\neg Q \vee R)) \wedge Q); \\ \neg(P \leftrightarrow \neg(Q \vee (R \wedge Q))); & \quad \neg P \leftrightarrow (\neg(Q \vee R) \wedge Q); \\ \neg(P \leftrightarrow (\neg Q \vee (R \wedge Q))). & \end{aligned}$$

Берилган вақт тугагач ўйин тўхтатилади, ёзилган формулалар саналади ва нотўғри тузилганлари олиб ташланади.

2-ўйин: Берилган формулаларнинг барча қисм формулаларини ёзинг (содаллик учун ташқи қавслар ташлаб юборилган):

$$\begin{aligned} 1. \quad & \text{а) } ((P \leftrightarrow (Q \wedge \neg R)) \vee (P \wedge Q)) \rightarrow (P \vee (\neg Q \wedge R)); \\ & \text{б) } (P \rightarrow Q) \rightarrow ((P \rightarrow \neg Q) \rightarrow (P \wedge Q)); \\ & \text{в) } (P \wedge (Q \vee \neg P)) \wedge ((\neg Q \rightarrow P) \vee Q). \\ 2. \quad & \text{а) } \neg(P \vee Q) \wedge ((\neg P \leftrightarrow Q) \rightarrow (P \vee Q)); \\ & \text{б) } ((P \vee \neg Q) \leftrightarrow R) \vee (P \vee \neg(Q \wedge R)); \\ & \text{в) } (P \leftrightarrow Q) \vee (\neg R \wedge (P \rightarrow (Q \vee R)) \wedge (\neg P \vee (\neg Q \vee R))). \\ 3. \quad & \text{а) } ((P \vee Q) \rightarrow (R \rightarrow \neg P)) \rightarrow (\neg R \rightarrow \neg Q); \\ & \text{б) } (P \rightarrow (Q \rightarrow R)) \rightarrow ((P \rightarrow \neg R) \rightarrow (P \rightarrow \neg Q)); \\ & \text{в) } ((P \vee Q) \vee \neg R) \wedge (\neg P \vee (\neg Q \vee R)). \end{aligned}$$

1-қаторнинг натижаси:

$$\text{а) } ((P \leftrightarrow (Q \wedge \neg R)) \vee (P \wedge Q)) \rightarrow (P \vee (\neg Q \wedge R)) \quad \text{формуланинг барча қисм}$$

формуларини топиш учун қуйидагича тартибланиши керак:

$$1) P, Q, R - \text{ пропозиционал ўзгарувчилар;}$$

#3, 2020 PEDAGOGİK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

- 2) $\neg R, (P \wedge Q), \neg Q$ - бирта мантикий боғловчи (амал) ёрдамида боғланган формулалар;
 3) $(Q \wedge \neg R), (\neg Q \wedge R)$ - иккита мантикий боғловчи ёрдамида боғланган формулалар;
 4) $(P \leftrightarrow (Q \wedge \neg R)), (P \vee (\neg Q \wedge R))$ - учта мантикий боғловчи ёрдамида боғланган формулалар; Тўрта мантикий боғловчи ёрдамида боғланган формула йўқ;
 5) $(P \leftrightarrow (Q \wedge \neg R)) \vee (P \wedge Q)$ - бештамантикий боғловчи ёрдамида боғланган формулалар; 6) ниҳоят формуланинг ўзи - $((P \leftrightarrow (Q \wedge \neg R)) \vee (P \wedge Q)) \rightarrow (P \vee (\neg Q \wedge R))$.

Шундай қилиб, формуланинг 12 та қисм формуласи мавжуд экан.

Текшириш тез амалга ошиши учун қисм формулалар сонини топишда қуйидагидан фойдаланамиз: берилган формулада қатнашган пропозиционал ўзгарувчилар сонига формуладаги барча амаллар сонини қўшиш керак, яъни-

а) 3 та P, Q, R - пропозиционал ўзгарувчи ва 9 та амал
 $((P \leftrightarrow (Q \wedge \neg R)) \vee (P \wedge Q)) \rightarrow (P \vee (\neg Q \wedge R))$ ҳақиқатдан ҳам формуланинг 12 та қисм формуласи мавжуд. Биринчи ёзиб тугатган гуруҳ инобатга олинади, қисм формулалар сони аниқланади ва текширилади. Барча талабалар баҳоланади.

Ўйин технологиялари таълим самарадорлигини таъминлаш, талабаларда фаолликни юзага келтириш, билим, кўникма, малакаларни шакллантириш, вақтни қисқартириш, таълимни жадаллаштиришга ёрдам беради.

Ўйин жараёнида намоён бўлувчи психологик хусусиятлар ҳар талабага шахсий имкониятларини намоёниш эта олиш имконини беради, уларнинг ижтимоий ҳаётда эгаллаган ўрнини барқарорлаштиради, уларда ўз-ўзини бошқариш кўникмаларини ҳосил қилади.

Ўйин технологиялари назарий билимларни мустаҳкамлаб, амалий кўникмаларнинг малакаларга айланишини таъминлаб қолмай, талабаларда муайян ахлоқий, иродавий сифатларни ҳам тарбиялайди.

Ўйин иштирокчилари беихтиёр ўйин давомида ўз хислатларини намоён қиладилар. Бунда улар олган билим, касбий ўқув малакаларинигина эмас, балки умумий иқтидорини, ўз табиатидаги мавжуд журъат, тезкорлик, киришимлилик, ташаббускорлик, фаоллик каби хислатлар бор ёки йўқлигини ҳам намоёниш этадилар. Талабаларнинг ўйин жараёнига тортилиши, ўйин жараёнида юз берадиган вазият, эмоционал ҳаяжон, қайғуриш уларни ижодий фаолиятини оширувчи кучли стимулятор ролини ўйнайди. Талабаларда предметни ўзлаштиришга бўлган қизиқиши ортади. Ўйинли технологиялардан фойдаланишнинг асосини талабаларнинг фаоллаштирувчи ва жадаллаштирувчи фаолияти ташкил этади. Ўйин олимлар тадқиқотларига кўра меҳнат ва ўқиш билан биргаликда фаолиятнинг асосий турларидан бири ҳисобланади. Психологларнинг таъкидлашларича, ўйинли фаолиятнинг психологик механизмлари шахснинг ўзини намоён қилиш, ҳаётда ўз ўрнини барқарор қилиш, ўзини-ўзи бошқариш, ўз имкониятларини амалга оширишнинг фундаментал эҳтиёжларига таянади.

Ўйин ижтимоий тажрибаларни ўзлаштириш ва қайта яратишга йўналган вазиятларда, фаолият тури сифатида белгиланади ва унда шахснинг ўз хулқини бошқариши шаклланади ва такомиллашади.

Энди “Мукамал дизъюнктив ва конъюнктив нормал шакли” мавзусини пазл методи ёрдамида ўқитиш масаласига тўхталамиз. Пазл (инглизча *puzzle* – топишмоқ, бошқотирма) – расмни унинг бўлаклари ёрдамида тиклашдан иборат болалар ўйинининг номи. Ўтилган мавзуга оид асосий жумла, формула, теорема, тенглама, чизма ва бошқа кўринишидаги асосий маълумотлар қоғозга ёзилиб, сўнг бир нечта бўлақларга бўлиниб аралаштириб юборилади. Талабалар бу бўлақлар ичидан фақат битта маълумотга мосларини топиб, уни тиклайдилар [4].

Масалан: Айтгайлик, гуруҳ 24 нафар таълим олувчидан иборат. Ўқитувчи таълим олувчиларни 4 нафардан 6 та кичик гуруҳга бўлади, яъни А, Б, В, Г, Д, Е гуруҳлар. Биринчи гуруҳ А, ундаги таълим олувчилар А1, А2, А3, А4; иккинчи гуруҳ Б, ундаги таълим олувчилар Б1, Б2, Б3, Б4; ва ҳоказо тарзида бўлинади. Ҳар бир гуруҳга пазл бўлаклари тарқатилади. Пазл йиғилгандан сўнг топширик кўринади (1-расм) ва ҳар бир талаба ажратилган вазифани кетма-кет бажаради.

1-расм

$P \vee Q \wedge R \wedge Q \rightarrow R$	A1. Қавсларни шундай кўйингки, натижада формула ҳосил бўлсин. A2. Формулани келтирилган формула кўринишига олиб келинг. A3. Келтирилган формулани ДНШ кўринишига келтиринг. A4. ДНШ ни МДНШ кўринишини топинг.
--	---

а)

б)

1-расм: йиғилган пазлнинг а) бир томони ва б) орқа томони.

Пазл топшириғининг ечимлари:

$$A1 - ((P \vee Q) \wedge R) \wedge (Q \rightarrow R);$$

$$A2 - ((P \vee Q) \wedge R) \wedge (Q \rightarrow R) = (P \vee Q) \wedge R \wedge (\neg Q \vee R);$$

$$A3 - (P \vee Q) \wedge R \wedge (\neg Q \vee R) = ((P \wedge R) \vee (Q \wedge R)) \wedge (\neg Q \vee R) = ((P \wedge R) \wedge (\neg Q \vee R)) \vee ((Q \wedge R) \wedge (\neg Q \vee R)) = (P \wedge R \wedge \neg Q) \vee (P \wedge R) \vee (\neg Q \vee R);$$

$$A4 - (P \wedge R \wedge \neg Q) \vee (P \wedge R \wedge Q) \vee (\neg P \vee \neg Q \vee R) - \text{МДНШ.}$$

“Пазл” методини яқка тартибда ҳам, гуруҳни қисмларга бўлиб ҳам ўтказиш мумкин.

Ўқитувчилар учун ушбу методнинг афзалликлари: биринчидан - ўрганиш осон ва бу метод ўйинларга ўхшайди; иккинчидан - талабаларнинг дарсда иштирокини сезиларли даражада оширади; учинчидан - бошқа педагогик технологиялар билан биргаликда ишлатилиши мумкин; тўртинчидан - методни битта дарс учун ташкил қилиб, фойдаланиш мумкин; бешинчидан - ҳеч қандай моддий инвестиция талаб қилинмайди. Шундай қилиб, “пазл” усули визуализация усулларида бири сифатида кўриб чиқилиши мумкин; олтинчидан - ушбу метод жамоавий, жуфтликда ва индивидуал машғулотларда ишлатилиши мумкин.

Ушбу методнинг афзалликлари: талабаларнинг ижодкорлик қобилияти дарсда намоён бўлади; талабаларнинг барча материаллари визуал равишда битта умумий расмга жамланган бўлиб, уларда битта тушунчанинг бошқаси билан қандай боғлиқлигини кузатиш мумкин. Бу метод талабаларда зийраклик, топқирлик, диққатни тўплаш, таҳлил ва синтез қилиш каби қобилиятларини ривожлантиришга ёрдам беради.

Барча хусусиятларни инобатга олиб интерфаол методлардан фойдаланиш таълим самарадорлигига сезиларли таъсир кўрсатишини кузатиш мумкин. Ўқитувчи таълим жараёнида интерфаол таълим ёрдамида талабаларнинг қобилиятларини ривожлантириш, мустақиллик, ўз-ўзини назорат, ўз-ўзини бошқариш, самарали суҳбат олиб бориш, тенгдошлари билан ишлаш, уларнинг фикрларини тинглаш ва тушуниш, мустақил ҳамда танқидий фикрлаш, муқобил таклифларни илгари суриш, фикр ва мулоҳазаларни эркин баён қилиш, ўз нуқтаи-назарларини ҳимоя қилиш, муаммонинг ечимларини топишга интилиш, мураккаб вазиятлардан чиқа олиш, каби сифатларни шаклланишига муваффақ бўлади. Энг муҳими, интерфаол методларни қўллаш орқали ўқитувчи талабаларнинг аниқ таълимий мақсадга эришиш йўлида ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатларини ташкил этиш, йўналтириш, бошқариш, назорат ва таҳлил қилиш орқали ҳолис баҳолаш имкониятини қўлга киритади [5].

Адабиётлар

1. Ефимова Э. В., Кох С. В. Использование активных методов обучения для организации повторения и контроля на уроках информатики. Метод «домино». Вестник ЧПУ им. И.Я.Якоблева. 2018 №3(99). Стр. 187-193.

2. <https://multiurok.ru/files/obrozovatelnye-tekhnologii.html>

3. В.И.Игошин, Математическая логика.- Москва, ИНФРА-М2016. Стр. 25-31.

4. Потапова А.И. Методические особенности реализации метода «Пазлы» в учебном процессе // Современная педагогика. 2016. № 6 [Электронный ресурс]. URL: <http://pedagogika.snauka.ru/2016/06/5773> (дата обращения: 07.02.2019).

5. Ў.Х.Мухамедов, М.Х.Усмонбоева, С.С.Рустамов. Таълимни ташкил этишда замонавий интерфаол методлар. Ўқув-услубий тавсиялар. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. 7-8 бетлар.

Xolida FAYZIYEVABuxoro davlat universiteti
Fizika kafedrası o'qituvchisi**FIZIKA FANINI O'QITISHDA INTERFAOL METODLARDAN FOYDALANISH**

Fizika fanini o'qitishda interfaol metodlarni qo'llash orqali talabalarning fanga bo'lgan qiziqishini yanada oshirish mumkin. Bunda o'qituvchi va talaba hamkorlikda ishlaydi. Hamkorlikda o'qitish texnologiyasi har bir talabaning tahsil olishdagi muvaffaqiyatiga olib kelishini anglagan holda muntazam va sidqidildan aqliy mehnat qilishga, o'quv topshiriqlarini to'liq va sifatli bajarishga, o'quv materialini puxta o'zlashtirishga, o'rtoqlariga hamkor bo'lib, o'zaro yordam uyushtirishga zamin tayyorlaydi.

Kalit so'zlar: qattiq jismlar, Kristall panjara tiplari, Monokristall, polikristallar. Kristallanish, Qattiq jismlarning erishi va bug'lanishi, Amorf jismlar, deformatsiyalanish, elastik va plastik deformatsiyalar.

Использование интерактивных методов в преподавании физики может еще больше повысить интерес студентов к науке. Учитель и ученик работают вместе. Признавая, что технология совместного обучения ведет к успеху каждого учащегося в образовании, необходимо регулярно и усердно работать, полностью и качественно выполнять образовательные задачи, осваивать материал, сотрудничать со сверстниками, готовит почву для взаимопомощи.

Ключевые слова: твердые тела, тип кристаллических сеток, монокристалл, поликристалл. Кристаллизация, плавление и испарение твердых тел, аморфные тела, деформации, упругие и пластические деформации.

The use of interactive methods in teaching physics can further increase students' interest in science. Teacher and student work together. Recognizing that collaborative learning technology leads to the success of every student in education, it is necessary to work regularly and diligently, to fully and efficiently complete educational tasks, master the material, cooperate with peers, and pave the way for mutual assistance.

Keywords: solids, type of crystal networks, single crystal, polycrystal. Crystallization, melting and evaporation of solids, amorphous bodies, deformations, elastic and plastic deformations.


So'nggi yillarda ta'lim tizimida shiddat bilan kirib kelayotgan yangi pedagogik texnologiyalar, innovatsiyalar, interfaol metodlarni ta'lim beruvchi tomonidan o'zlashtirilib va qo'llanib borilishi, ta'lim mazmunini tubdan o'zgartirib yubordi, desak mubolag'a bo'lmaydi. Zamonaviy o'qituvchi dars jarayonida aktyor emas, aksincha, rejissyor bo'lishi kerakligini anglash lozim.

Interfaol metodlar ortiqcha ruhiy va jismoniy kuch sarflamay, qisqa vaqt ichida yuksak natijalarga erishish maqsadini nazarda tutadi. Interfaol metodlarni sanab o'tamiz: "Aqliy hujum", "Klaster", "Insert", "Bahs- munozara", "Debat", "Sinkveyn", "Venn diagrammasi", "Hamkorlikda izlanish", "Argumentlangan esse", "Harakatli ma'ruza", "Bilaman, bilishni istayman, bilib oldim" (BBB) va boshqalar. Bu metodlar va usullar talabada kommunikativ qobiliyatning o'sishiga, muammoli vaziyatlar yechimiga, o'zgalarning fikrini tinglay olishni va o'z fikrini mustaqil bayon etishni o'rganibgina qolmasdan, unda o'ziga ishonch, bilimiga tayana olish, qiziqishlarining kuchayishiga, keng fikrlashga olib keladi.

Fizika fanini o'qitishda interfaol metodlardan biri "Venn diagrammasi" strategiyasi metodini qo'llab ko'raylik.

Ushbu metod talabalarda mavzuga nisbatan tahliliy yondashuv, ayrim qismlar negizida mavzuning umumiy mohiyatini o'zlashtirish ko'nikmalarini hosil qilishda qo'llanilib, strategiya kichik guruhlarini shakllantirish asosida sxema bo'yicha amalga oshiriladi.

Yozuv doskasi o'zaro teng to'rt (mavzuga moslab) bo'laklarga ajratiladi va har bir bo'lakka quyidagi rasmda ko'rsatilgan sxema chiziladi:



Strategiya talabalar tomonidan o'zlashtirilgan yaqin nazariy bilimlar, ma'lumotlar yoki dalillarni qiyosiy tahlil etishga yordam beradi. Ushbu strategiyadan muayyan bo'lim yoki boblar bo'yicha yakuniy darslarni tashkil etishda foydalanish yanada samaralidir.

Strategiyani qo'llash bosqichlari quyidagilardan iborat:

1. Auditoriya talabalari to'rt guruhga bo'linadi. Yozuv doskasiga topshiriqni bajarish mohiyatini aks ettiruvchi sxema chiziladi.
2. Har bir guruhga o'zlashtirilayotgan mavzu yuzasidan alohida topshiriq beriladi.
3. Topshiriqlar bajarilgach, guruh a'zolari orasidan liderlar tanlanadi.

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL


4.Liderlar guruh a'zolari tomonidan bildirilgan fikrlarni umumlashtirib, yozuv doskasida aks etgan diagrammani to'ldiradilar.

Texnologik ta'lim yo'nalishi I bosqichida o'tiladigan "Qattiq jismlar: Kristall jismlar. Kristall panjara tiplari. Monokristall va polikristallar. Kristallanish. Qattiq jismlarning erishi va bug'lanishi. Amorf jismlar" nomli mavzusini o'tishda mavzuni mustahkamlash uchun yuqoridagi metodni qo'llashni ko'rib chiqsak.

Dastlab o'qituvchi yangi mavzuni to'liq nazariy bayon qiladi, jumladan: qattiq jism, uning xossalari, qattiq jismning turlari, amorf jismlar, kristallar, kristallarning xossalari, ularning 2 guruhga bo'linishi: monokristall va polikristallar haqida gapiradi. Kristallarning o'zi ham to'rt turga bo'linadi, ular: 1.Ionli kristallar 2.Atomli kristallar. 3.Metal kristallar. 4.Molekulali kristallar ekanligini aytadi va misollar keltiradi. amorf jismlar va ularning xususiyatlarini tushuntiradi. Qattiq jismlarning mexanik xossalari haqida tushuncha berib o'qituvchi darsda rezina bo'lagining cho'zilishini namoyish qiladi.

Mavzuni mustahkamlash, talabalarning mavzuni qanchalik o'zlashtirganliklarini bilish maqsadida auditoriya talabalari 3 guruhga bo'linadi.

Guruhlarga quyidagi 2-rasmdagi sxemada aks etgan savollar tarqatiladi

**I guruh**

1. Amorf jismlar:shisha,chinni, Parafin, mum, rezina, kauchik.
2. Kristall jismlar:turli xil metallar, olmos,grafit, kvarts.
3. Amorf va kristall jismlarga xos umumiy xususiyatlar:qattiq jismlar, deformatsiyalanadi, eriydi,qotadi.

II guruh

1. Monokristallar haqida gapiring (bir markazdan o'sgan kristallar)
2. Polikristallar haqida gapiring (ko'p markazdan o'sgan kristallar)
3. Monokristall va polikristallning umumiy xossalari

III guruh

1. Elastik deformatsiya: rezina, po'lat sim
2. Plastik deformatsiya: qo'r- g'oshin,mis, cho'yan,
3. Umumiy jihatlar: deformatsiya natijasida shakl va hajmning o'zgarishi

Ushbu diagrammalarni to'ldirish uchun guruhlarga 10 daqiqa vaqt beriladi. Belgilangan vaqt tugagach, har bir guruh berilgan savollarga javob beradilar. Bunda guruhning har bir a'zosi o'z fikrini aytadi. Har bir guruh savolga javob berayotganda talabani xato va kamchiliklarini boshqa talabalarga murojaat qilib to'ldirilishi o'qituvchi tomonidan taklif etiladi. Shundan so'ng o'qituvchi yakuniy xulosani aytadi. Ushbu loyiha yakunlangach faol talabalar rag'batlantiriladi.

Bu metodni dars jarayoniga qo'llashda quyidagi natijalarga erishish mumkin:

- 1.Talabalar fizik tushunchalarni taqqoslash, bir-biridan farqlashni o'rganadilar. O'xshash fizik hodisalar o'rtasidagi bog'liqlikni o'rganish, fizik jismlarning umumiy jihatlarini topish orqali kichik fizik kashfiyotlarga yo'l ochiladi. Fanga ijodiy yondashish paydo bo'ladi.
- 2.Talaba ham tinglaydi, ham gapiradi, savoliga javob oladi va baholanadi. Yangi mavzu o'qituvchi emas, talabalar hamkorligida mustahkamlanadi.
- 3.Talabani mavzuning qaysi qismini mustahkamlay olmagani yaqqol bilinadi va shu darsni o'zida muammo bartaraf etiladi.

Adabiyotlar

1. Rasulev A.A., Haydarov M.M. O'qitishning interfaol metodlari. O'quv- uslubiy qo'llanma. – T., 2015.
2. Niyozxonova B.E. Fizika darslarida internet axborot resurslaridan foydalanishning tashkiliy – uslubiy jihatlarini.// "Ta'lim muassasalarida aniq fanlarni o'qitishning dolzarb muammolari". Resp. ilmiy-amaliy anjumani. – Buxoro: 19.05. 2017. - 229 bet.
3. Karimov I. Mehnat ta'limi o'qitish texnologiyalari. O'quv qo'llanma. – Toshkent: "Fan va texnologiya", 2013. - 228 b.
4. Смирнов А.В. Способы использования информационных технологий в процессе обучения физике" [Текст]: Учебник: Издательский центр "Академия", 2008. - 240 с.
5. Saidaxmedov N.S. Yangi innovatsion texnologiyalar. – Toshkent: "O'qituvchi", 2002. - 280-b.
6. Gulboyev T. O'qituvchilarda tayanch bilimlarni rivojlantirishning nazariy asoslari. – Toshkent: "Fan", 2002, - 152 b.

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Нозимбек ЗАРИПОВ

Бухоро давлат университети ахборот
технологиялари кафедраси ўқитувчиси

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИГА ИНФОРМАТИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШДА КОМПЬЮТЕР ГРАФИКАСИ ДАСТУРИЙ ПАКЕТЛАРИДАН Фойдаланиш

Ушбу мақолада компьютер графикасининг ҳозирги кундаги замонавий дастурий пакетлари, жумладан, Adobe PhotoShop, CorelDraw ва MacromediaFlash дастурларининг асосий вазифаси, имкониятлари ёритиб берилган. Шу билан биргаликда CorelDraw дастурида амалий топшириқлар ҳам бажариб кўрсатилган. Информатика фанини ўқитишда компьютер графикаси дастурий пакетларидан фойдаланиш, ўқувчиларда дизайн ва графикага бўлган қизиқишларини уйғотади, дарсни самарали ва қизиқарли ўтишини таъминлайди. Ўқувчиларда компьютер графикасига доир билим, кўникма ва малакаларни ривожлантиради.

Таянч тушунчалар: Adobe PhotoShop, CorelDraw, формат, ранг, растр, вектор, фрактал, MacromediaFlash.

В этой статье описываются основные функции и возможности современных программных пакетов для компьютерной графики, включая Adobe PhotoShop, CorelDraw и MacromediaFlash. также предоставлены практические задачи в CorelDraw. Использование пакетов программ компьютерной графики в обучении информатике будет стимулировать интерес учащихся к дизайну и графике и сделает урок более эффективным и интересным. В том числе Развивает знания и навыки в компьютерной графике для студентов.

Опорные понятия: Adobe PhotoShop, CorelDraw, формат, цвет, растр, вектор, фрактал, Macromedia Flash.

This article describes the main features and capabilities of modern software packages for computer graphics, including Adobe PhotoShop, CorelDraw and MacromediaFlash. practical tasks in CorelDraw are also provided. Using computer graphics software packages in computer science training will stimulate students' interest in design and graphics and make the lesson more effective and interesting. Including Develops knowledge and skills in computer graphics for students.

Supporting concepts: Adobe PhotoShop, CorelDraw, format, color, raster, vector, fractal, MacromediaFlash.

Компьютер графикаси – бу рақамли тасвирларни компьютер хотирасига киритиш, қайта ишлаш ҳамда сақлаш билан боғлиқ алгоритм ва методлар билан шуғулланади. Компьютер графикаси — график дисплей (монитор) экранида тасвирий информацияни визуаллаш (кўринадиган қилиш) жараёнидир. Тасвирни қоғозда, фотоплёнкада, кинолента ва бошқаларда акс эттириш усулидан фарқли равишда компьютер графикасида компьютерда ҳосил қилинган тасвирни дарҳол ўчириб ташлаш, унга тузатиш киритиш, исталган йўналишда торайтириш ёки чўзиш, яқинлаштириш ва узоклаштириш, буриш, ҳаракатлантириш, рангини ўзгартириш ва бошқа амалларни бажариш мумкин. Китобларни безаш, расм ва чизмаларни тайёрлашда буюмларни лойиҳалаш ва моделларини ясашда, телерекламалар яратишда, мультфильмларни яратишда, кинофильмларда қизиқарли кадрлар ҳосил қилиш ва бошқа кўп соҳаларда қўлланилади.

Компьютер графикаси билан ишловчи дастурлар қаторига бир қанча дастурларни санаб ўтиш мумкин. Жумладан, Microsoft Paint, Adobe Photoshop, Adobe Illustrator, Corel Draw, Macromedia, Adobe Freehand, Adobe InDesign, Adobe ImageReady, Macromedia, Adobe Flash, Discreet, Cinema 4d, Alias, LightWave, Adobe Brush ва ҳоказолардир. Ушбу дастурларда компьютер графикасига оид ишларни амалга ошириш мумкин.

Ҳозирда компьютер графикаси илмий ходимлар учунгина эмас, балки рассомлар, лойиҳачилар, дизайн ва реклама билан шуғулланадиган мутахассислар, web сайт яратувчилар, ўқитиш жараёни ва бошқа соҳаларда кенг қўлланилмоқда. Шунинг учун компьютер графикаси

#3, 2020 PEDAGOGİK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

соҳасида етук кадрларни тайёрлаш, ёш китобхонларга компьютер графикасига доир адабиётларни откашиш олдимизда турган вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда компьютер графикаси билан ишловчи дастурларидан бири бу Adobe PhotoShop дастури ҳисобланади. PhotoShopда тасвир растрлардан ташкил топади. Растр сўзи информатикага телевидениядан кириб келган бўлиб, лотин тилидаги растр— хаскаш, омоч сўзидан олинган. Растрли графикада тасвир қаторлар ва устунларга бўлинади, тасвирнинг майда бўлаклари – пикселлардан иборат бўлади. PhotoShop дастурнинг энг янги версияси Adobe PhotoShop CC 2018 ҳисобланади. PhotoShop ёрдамида куйидаги амалларни бажариш мумкин. Фотосуратнинг чекка қисмларини ва ундаги кераксиз объектларни олиб ташлаш, расм ўлчамини ва ундаги пикселлар зичлигини ўзгартириш, расмнинг сақлаш форматини ўзгартириш, расмни ёки унинг бир қисмини бошқа текислик ёки сиртда кўринадиган қилиб трансформациялаш, фотосуратни олиш пайтида йўл кўйилган камчиликларни бартараф қилиш, масалан, уни олиш пайтида кўп ушлаб қолинган, оқ Крангнинг балансини ўзгариб кетиши, ёрқинлик ёки контрастлик кўпайиб ёки камайиб кетиши оқибатида вужудга келган камчиликларни бартараф қилиш ва яна кўплаб амаллари бажаришни PhotoShop ёрдамида осон амалга оширилади.


омпьютер графикаси билан ишловчи дастурларидан бири – бу CorelDRAW дастуридир. CorelDRAW ҳужжати файл формати CDR ҳисобланади. CDR файл формати - бу вектор тасвирлари ёки CorelDRAW билан яратилган график. Ушбу файл формати Corel томонидан хусусий дастурий таъминот маҳсулотларида фойдаланиш учун ишлаб чиқилди. CDR файллари кўплаб расмни таҳрирлаш дастурлари томонидан қўллаб-қувватланмайди. Аммо, файл CorelDRAW ёрдамида бошқа, кенг тарқалган ва машҳур расм форматларига экспорт қилинади. Бундан ташқари, CDR файл Corel Paint Shop Pro дастури томонидан очилиши мумкин. CorelDRAW дастурида ҳосил бўлган тасвир векторлардан ташкил топади. Векторли графиканинг асосий элементи — чизикдир. Векторли графика билан ишловчи дастурий воситалар биринчи навбатда тасвирларни яратишга мўлжалланган. Бундай воситалар реклама агентликларида, дизайнерлик бюрolariда ва нашриётларда қўлланилади. CDR файллари 45x45 метрли катта иш майдонига эга ва кўп тармоқли ишлайди.

CorelDrawнинг стандарт объектлари ҳам мавжуд, улар орасида мураккаблари ҳам бирқанчадир. CorelDrawда матнлар билан ишлаш матн редакторларига тенг келади деса бўлади. Бирқанча афзалликлар матнли ҳамда расмли тасвирлар яратиш имконини беради. CorelDrawда ҳар хилтасвирлар, яъни слипартлар мавжудлиги туфайли фойдаланувчи осонликча улардан фойдаланиб, матнлар билан безаб, тайёр иллюстрациялар яратиш мумкин. CorelDrawнинг ишлаш принциплари куйидагилардан иборат:

- матн киритиш ва форматлаш;
- геометрик фигуралар ёки эгрилар, очиқ ва ёпиқ шакллар тузиш;
- ҳар қандай объектни сошлаш, унга тус бериш, шаклини ўзгартириш;
- тайёр тасвир ёки олдин яратилган иллюстрация киритиш;
- тасвирий эффектлар бериш;
- объектларни тўғри жойлаштириш.

CorelDraw дастур имконияти жуда кенг бўлиб, мисол учун куйидаги учта турли хилдаги гулли нақшларни ҳосил қилиш кетма-кетлигини кўриб чиқамиз.


1. Аввало CorelDraw дастурини ишга туширамиз ва Файл>Создать ёки Ctrl+N тугмаларини танлаб янги саҳифа ҳосил қиламиз. Сўнг инструментлар сатрида жойлашган Двухточечная линия ёки F5 тугмасини босиб тўғри чизик чизиб оламиз. Шу тўғри чизик атрофида яна битта шакл чизамиз. Бу шакл инструментлар сатрида жойлашган Свободная форма ёки F5 тугмасини босиб куйидаги кўринишда чизамиз. (1-расм)



1-расм. Тўғри чизик ва уни атрофида чизилган эгри чизик.

#3, 2020 PEDAGOGİK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

Инструментлар сатрида жойлашган Перетекание бўлимидан перетекание босиб бандини танлаб курсорни тўғри чизик устига қўйиб чизиб оламиз ва қўйидаги шакл ҳосил бўлади. Ранг бериш учун шаклни белгилаб, Палитра бўлимидан керакли ранг устига сичқонча ўнг тугмасини босиб танлаймиз. (2-расм)




2-расм. Шаклга ранг бериш.

Шаклни инструментлар сатрида жойлашган Инструментов выбора буйруғи орқали белгилаб, ускуналар сатрида жойлашган Перетекание объектов бандига 70 сонини киритамиз(3-расм) ва шу ерда жойлашган Перетекание по часовой стрелке бандини танлаймиз. (4-расм)




3-расм. Ранг уйғунлигини ошириш.



4-расм. Шаклдаги ранглар уйғунлиги кўриниши.

Инструментлар сатрида жойлашган Инструмент создания форм уюки F10 тугмасини танлаб шакл кўринишини ўзгартирамиз. (5-расм)




5-расм. Шаклнинг умумий кўриниши.

2. Иккинчи шаклни ҳосил қилиш учун Файл > Создать ёки Ctrl+N тугмаларини танлаб янги саҳифа ҳосил қиламиз. Сўнг инструментлар сатрида жойлашган Двухточечная линия ёки F5 тугмасини босиб тўғри чизик чизиб оламиз. Шу тўғри чизик атрофида яна битта сперал симон шакл

#3, 2020 PEDAGOGİK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

чизамиз. Бу шакл инструментлар сатрида жойлашган Спираль ёки А тугмасини босиб куйидаги кўринишда чизамиз. (6-расм)




6-расм. Тўғри чизик атрофида спиралсимон шакл чизиш.

Инструментлар сатрида жойлашган Перетекание бўлимидан перетекание бандини танлаб курсорни тўғри чизик устига қўйиб чизиб оламиз. Ранг бериш учун шаклни белгилаб, Палитра бўлимидан керакли ранг устига сичконча ўнг тугмасини босиб танлаймиз. Шаклни инструментлар сатрида жойлашган Инструментов выбора буйруғи орқали белгилаб, ускуналар сатрида жойлашган Перетекание объектов бандига 70 сонини киритамиз ва шу ерда жойлашган Перетекание по часовой стрелке бандини танлаймиз. (7-расм)




7-расм. Ранг уйғунлигини ошириш.

Инструментлар сатрида жойлашган Инструмент создания форм ёки F10 тугмасини танлаб шакл кўринишини ўзгартирамиз. (8-расм)



8-расм. Шаклнинг умумий кўриниши.

3. Учинчи шаклни ҳосил қилиш учун ҳам Файл > Создать ёки Ctrl+N тугмаларини танлаб янги саҳифа ҳосил қиламиз. Сўнг инструментлар сатрида жойлашган Свободная форма ёки F5 тугмасини босиб эгри чизик чизиб оламиз. Шу эгри чизик устида “v” ҳарфига ўхшаш шакл чизамиз. (9-расм)



9-расм. Эгри чизикнинг умумий кўриниши.


#3, 2020 PEDAGOGİK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

Инструментлар сатрида жойлашган Перетекание бўлимидан перетекание бандини танлаб курсорни тўғри чизик устига қўйиб чизиб оламиз ва куйидаги шакл ҳосил бўлади. Ранг бериш учун шаклни белгилаб, Палитра бўлимидан керакли ранг устига сичқонча ўнг тугмасини босиб танлаймиз. Шаклни инструментлар сатрида жойлашган Инструментов выбора буйруғи орқали белгилаб, ускуналар сатрида жойлашган Перетекание объектов бандига 50 сонини киритамиз ва шу ерда жойлашган Перетекание по часовой стрелке бандини танлаймиз. (10-расм)



10-расм. Ранг уйғунлигини ошириш.

Инструментлар сатрида жойлашган Инструмент создания форм ёки F10 тугмасини танлаб шакл кўринишини ўзгартирамиз. (11-расм)



11-расм. Шаклнинг умумий кўриниши.

Adobe PhotoShop ва CorelDraw дастурларидан ташқари Macromedia Flash дастури мавжуд бўлиб, бу дастур web-саҳифаларни яратиш ва уларни безашда қўлланилади. Ушбу дастур ёрдамида web-саҳифа яратиш, уларга расмлар, графикли маълумотларни турли усулларда жойлаштириш ва анимациялар яратиш ҳамда уларни ўрнатиш усуллари, товушли маълумотларни жойлаштириш, web-саҳифаларни ўзаро бир-бири билан боғлаш каби имкониятларга эга.

Macromedia Dreamweaver 8 дастури Macromedia компаниясининг дастурий маҳсулоти бўлиб, ушбу дастур web-саҳифа ва web-сайтлар яратиш учун қулай дастурий восита ҳисобланади. Дастурга турли расмлар, жадваллар, аудио, видео файллар ўрнатиш ҳамда матн киритиш имкониятлари мавжуд. Macromedia Flash 8 дастури векторли графикадан фойдаланишга асосланган технологиядир.


Macromedia Flash 8 дастури энг самарали график форматлардан бўлмасда, SWF формати фойдаланувчиларга чекланмаган графиклар билан ишлаш имкониятига эга бўлиб, web-саҳифа ва web-сайт яратиш учун энг қулай дастурий воситалардан бири ҳисобланади. Ушбу дастурий воситанинг қулайлиги шундан иборатки, web-саҳифа яратиш учун барча безак ва анимация эффектларини ўзида яратиш ҳамда ҳисоб ишларини бажариш учун дастурлаш имкониятларига эга. Шунингдек, у барча браузерларда очилиши, юкланиш даражаси тезлиги ҳамда маълумотларни хатосиз намойиш эта олиши билан бошқа дастурий воситалардан ажралиб туради. Web-саҳифаларга мўлжалланган анимациялар яратишда ҳам Macromedia Flash 8 дастуридан фойдаланиш самарали ҳисобланади. Macromedia Flash 8 дастурида энг содда анимациялар яратишни бир нечта босқичларда амалга ошириш мумкин. Мураккаб анимациялар яратиш учун сиздан биров вақт талаб этилади. Куйида Flash дастурида идишдаги сувнинг буғланишини тасвирловчи анимация эффектини ҳосил қилиш кетма-кетлигини кўриб чиқамиз.

1. Layer 1 қатламида, Rectangle Tool (R) жиҳози ёрдамида идиш чизилади ва унга керакли ранг берилади.
2. Layer 2 қатлами ҳосил қилинади ва унда Oval Tool (O) жиҳози ёрдамида сувнинг буғланиш белгилари чизилади.
3. Layer 1, Layer 2 қатламлари белгиланади ва F5 тугма ёрдамида керакли масофа белгиланади.

#3, 2020 PEDAGOGİK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

4. Layer 2 қатламининг Framеда сичқонча ўнг тугмаси белгиланиб, Create Motion Tween қатори танланади.

5. Layer 2 қатламидаги сувнинг буғланиш белгилари юқорига силжитилади. (12-расм)



12-расм. Сув буғларининг юқорига ҳаракати.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги замон ҳар бир инсонни ахборот технологияларидан мустақил фойдаланишни талаб қилади. Чунки инсоннинг фаолияти борган сари унинг ахборотлашганидан, қолаверса, ахборотни самарали ишлатишидан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Исталган соҳа мутахассиси маълумотлар тўпламида тўғри йўналиш олиши учун, у компьютерлар ва телекоммуникация воситалари орқали ахборотларни тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш ҳамда қўллашни билиши шарт. Шу боисдан олий ўқув юрти талабалари, академик лицей, касб-хунар коллежлари, умумий ўрта мактаб ўқувчиларини компьютер графикаси фанига қизиқтириш орқали замонавий дастурлаш тилларини ўргатиш осон кечади. Бу орқали ўқувчи ёшлар дастурлаш муҳитида ишлаш ва мустақил дастур тузиш, мамлакатимизнинг турли соҳалари учун иловалар яратиш, замонавий ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришга ва уларнинг амалий ишларида янги қирраларнинг очилишига замин ҳозирлайди.

Адабиётлар

1. Gary David Bouton. CorelDraw X7: The Official Guide. McGraw-Hill Education, New York, USA. 2015. 705 p.
2. James D. Foley, Andries van Dam, Steven K. Feiner, John Hughes. Computer Graphics: Principles and Practice. – Third edition. Pearson Education Inc, USA. 2014. 1260 p.
3. Martin Evening. Adobe PhotoShop CS6 for PhotoGraphers. Published by Elsevier Ltd. Kidlington, Oxford, UK. 2012. 769 p.
4. Назиров Ш.А., Нуралиев Ф.М., Айтмуратов Б.Ш. “Растр ва вектор графика” ЎзР олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2007.–192 б.
5. Рихсибоев Т. Компьютер графикаси. – Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамғармаси нашриёти, 2006, 168 б.
6. San Jose, “Adobe PhotoShop CS6. Classroom in a Book”. Adobe Systems Incorporated, California, USA 2012. 400 p.
7. Steve Bain, Nick Wilkinson. CorelDraw 12: The Official Guide. McGraw-Hill/Osborne Media. 2004. 695 p.

Ibrat SADULLAYEV

Buxoro davlat universiteti

axborot texnologiyalari

kafedrası o'qituvchisi

SIRTQI TA'LIMDA TALABALARNING O'ZLASHTIRISH MONITORINGINI OLIB BORISH («PLIKERS» TEXNOLOGIYASI MISOLIDA)

Ushbu maqolada sirtqi ta'lim dars jarayonida talabalarning mustaqil ta'lim mashg'ulotlarini monitoring qilish, testlar orqali bilimini va keyingi mashg'ulotlarga tayyorgarligini nazorat qilish hamda natijalar asosida joriy hisobotini shakllantirish imkoniyati haqida fikr yuritiladi. Shuningdek, maqolada elektron ta'lim tizimida mobil vositalardan QR kodlari yordamida foydalanish, Plickers texnologiyasining imkoniyatlari va dars jarayonida qo'llash samaradorligini ko'rib chiqiladi.

Kalit so'zlar: *Sirtqi ta'lim, interaktiv ta'lim metodlari, «Plickers» texnologiyasi, QR kodlari, javoblar qog'oz kartalari.*

В данной статье рассматривается возможность мониторинга самообразования студентов в процессе дистанционного обучения, мониторинга их знаний и готовности к дальнейшим занятиям, а также составления текущих отчетов по их результатам. В статье также рассматриваются вопросы использования QR-кодов в электронном обучении, возможности технологии Plickers и эффективность их использования на занятиях.

Ключевые слова: *заочное обучение, интерактивные методы обучения, технология «Пликеров», QR-коды, ответные бумажные карточки.*

This article discusses the possibility of monitoring students' self-education during distance learning, monitoring their knowledge and readiness for further lessons, as well as compiling current reports based on the results. The article also discusses the use of QR codes in e-learning, the possibilities of Plickers technology and the effectiveness of their use in the classroom.

Key words: *Correspondence education, interactive teaching methods, «Plickers» technology, QR codes, the answer paper cards.*

Sirtqi ta'lim – ishlab chiqarishdan ajralmagan holda oliy va o'rta maxsus ma'lumot olish shakli. Kunduzgi ta'lim shaklidan talaba (o'quvchi)larning mustaqil o'qishi bilan farq qiladi. Sirtqi ta'lim muayyan sohadan ma'lumot olish shakli sifatida 19-asrning oxirlarida Germaniya, AQSH, Buyuk Britaniya va boshqa davlatlarda joriy etilgan bo'lib, ular dastlab eksternat shaklida texnik, harbiy va pedagogik ma'lumot olishga, shuningdek, savod o'rganishga yo'naltirilgan. 20-asrning 20 yillarida oliy ta'lim muassasalarida sirtqi ta'lim kurslari, keyinchalik bo'limlari va hozirgi kunda amal qilinyotgan shakllari paydo bo'ldi.

O'zbekistonda sirtqi ta'lim 1938-yildan tashkil etildi. Shu yili O'rta Osiyo universitetida sirtqi bo'lim tuzildi. Hozir sirtqi ta'lim o'rta maxsus va oliy ta'lim muassasalarida tashkil etilgan maxsus markaz, bo'lim va fakultetlarda amalga oshiriladi. Unda ta'limning asosiy qismi (60- 70%) talaba (o'quvchi)larning mustaqil bilim olishiga asoslangan bo'lib, ular 1 yilda 2 marta kunduzgi ta'lim shaklida o'quv fanlaridan ma'ruzalar tinglaydilar hamda semestrlar bo'yicha imtihonlar topshiradilar.

O'rta maxsus hamda oliy o'quv yurtlarida sirtqi ta'lim o'rta maxsus va oliy o'quv yurtlarining sirtqi fakultet (bo'lim)larida olib boriladi. Darslik va dasturlar, odatda, kunduzgi va sirtqi ta'lim tizimida umumiy bo'ladi. Sirtqi oliy va o'rta maxsus o'quv yurtlarida (fakultet, bo'limlarida) ta'limning predmetkurs tizimi qabul qilingan. Sirtqi ta'lim tizimining mazmuni, talabalar (o'quvchi)lar tomonidan o'zlashtiriladigan bilimlarning majburiy minimal darajalari, shuningdek, kirish imtihonlari kunduzgi ta'lim shakli bilan bir xil bo'ladi. Ta'limning sirtqi va kunduzgi bo'limlarini bitirgan mutaxassislar uchun bir xil namunadagi diplom beriladi. Sirtqi ta'limda qishloq xo'jaligi, iqtisodiyot, aloqa va ayniqsa, pedagogika bo'yicha eng ko'p mutaxassis tayyorlash yo'lga qo'yilgan. Sirtqi ta'lim shakli sog'liqni saqlash tizimi uchun mutaxassislar tayyorlashda qo'llanilmaydi.

Sirtqi ta'lim bo'yicha kasb-hunar kollejlari tayanch umumiy o'rta ta'lim, oliy o'quv yurtlariga kasb-hunar kollejlari, akademik litsey va umumiy o'rta ta'lim maktablarini bitirganlar yoshlaridan qat'i nazar qabul qilinadilar.

Sirtqi shaklda:

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

– umumiy o‘rta (10-11-sinflar negizida), o‘rta maxsus, kasb-hunar ma’lumoti to‘g‘risidagi tegishli hujjatga ega bo‘lgan va test sinovlaridan (kirish imtihonlaridan) muvaffaqiyatli o‘tgan;

Maxsus sirtqi shaklda:

– faqat tegishli yoki turdosh ta’lim yo‘nalishi bo‘yicha o‘rta maxsus, kasb-hunar ma’lumotiga va ta’lim yo‘nalishiga muvofiq soha, kasb, lavozimlarda kamida uch yillik amaliy ish stajiga (pedagogika yo‘nalishlari uchun pedagogik stajga) ega bo‘lgan, tegishli vazirliklar va idoralar tomonidan berilgan tavsiyanomaga ega, test sinovlaridan (kirish imtihonlari yoki kasbiy suhbatdan) muvaffaqiyatli o‘tgan;

Ikkinchi va undan keyingi oliy ma’lumot berishning sirtqi shaklda:

– oliy ma’lumotga ega bo‘lgan (agar xorijiy oliy ta’lim muassasasini tugatgan bo‘lsa, oliy ma’lumot to‘g‘risidagi hujjati belgilangan tartibda tan olingan (nostrifikatsiya qilishgan) bo‘lishi kerak) va test sinovlaridan (kirish imtihonlaridan yoki kasbiy suhbatdan) muvaffaqiyatli o‘tgan abituriyentlar hisobidan amalga oshiriladi.

O‘zbekistonda 2000/2001-o‘quv yilidan boshlab maxsus sirtqi ta’lim shakli joriy etilgan bo‘lib, unga o‘rta maxsus ma’lumot hamda 3 yillik mehnat stajiga ega bo‘lgan pedagog xodimlar mos yo‘nalishlar bo‘yicha qabul qilinadilar. O‘rta maxsus va oliy o‘quv yurtlarida sirdan ta’lim olayotganlar uchun ularning asosiy ish joylaridan belgilangan tartibda imtiyozlar beriladi. 2002/2003 o‘quv yili O‘zbekistondagi 45 oliy ta’lim muassasasida 61 ming talaba, o‘rta maxsus o‘quv yurtlarida 73,7 ming o‘quvchi sirdan ta’lim oldi. O‘zbekistonda 1998-yilgacha umumiy o‘rta ta’lim tizimida, 2002-yilgacha aspirantura tizimida ham sirtqi ta’lim mavjud bo‘lgan.

Sirtqi (maxsus sirtqi) ta’limda masofadan turib o‘qitish talabalarning asosiy ish joyidan ajralmagan holda o‘quv rejasidagi barcha fan dasturlarida belgilangan bilimlarni mustaqil masofadan turib o‘zlashtirish asosida amalga oshirilishi mumkin. Masofadan turib o‘qitish on-layn (masofadan turib real vaqt rejimida videoma’ruzalar, konsultatsiyalar, nazorat turlarini o‘tkazish) va off-layn (masofadan turib o‘qitish tizimidagi tegishli o‘quv-metodik resurslarni mustaqil ravishda o‘zlashtirish) rejimlarida tashkil etiladi. Sirtqi (maxsus sirtqi) ta’limda masofadan turib o‘qitish elementlaridan foydalanganda o‘quv kurslarining sifati va samaradorligining doimiy nazorati O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi tomonidan amalga oshiriladi.

Sirtqi (maxsus sirtqi) ta’limda ta’lim faoliyatini amalga oshiruvchi kafedralar professor-o‘qituvchilari masofadan turib o‘qitishda o‘quv materiallari, topshiriqlar va maslahat-konsultativ ishlarni oliy ta’lim muassasasi saytidagi "Sirtqi (maxsus sirtqi) ta’lim" sahifasiga joylashtiradi va ularning bajarilishini nazorat qilib boradi.

Hozirgi kunda ta’limning elektron shakli jadal rivojlanib borayotganligining guvohi bo‘lyapmiz. Bu holat elektron ta’lim tizimi va ko‘plab boshqa ishlab chiqarish vositalarining paydo bo‘lishiga sabab bo‘ldi. Elektron ta’lim tizimi ta’lim oluvchiga o‘quv materiallari va ulardan olingan bilimlarni test topshiriqlaridan foydalanib, tekshirish imkoniyatini taqdim etadi. Zamonaviy talablarga muvofiq, o‘quv jarayoni murakkablashib borayotgan bir vaqtda, ta’limda mobil vositalardan foydalanish o‘zlashtirishni osonlashtirib, qiziqarlilik jihatini oshirayapti.

Elektron ta’lim texnologiyasining rivoji elektron o‘qitish tizimida ta’lim strategiyasining tuzilishi va har bir o‘quvchi uchun o‘quv materiallarini yakka tartibda taqdim etish kabi imkoniyatlarni beradi. Shunga muvofiq ishlab chiqarishga sarf-xarajatlar, doimiy talablarning o‘sishi va elektron ta’lim tizimini amalga oshirishda zaruriy baholash va boshqarish sifatlari shakllandi. Hozirgi avtomatlashtirilgan ta’lim tizimi sifatini baholash uslublari o‘qish jarayoni natijalari nuqtai nazaridan, o‘qitish tizimlarini baholashga, shuningdek, ushbu uslublar umumiy bo‘lib, paydo bo‘lgan va elektron ta’lim tizimi hayot siklining turli bosqichlari sifatini boshqarishga yetarli darajada imkon bermaydi.

Shu sababli ham elektron ta’lim tizimi sifatini baholash mezonlari va usullari o‘qitish jarayoni sifatini boshqarishni amalga oshirishga imkon beruvchi, joriy etish va foydalanish bosqichlarini ishlab chiqish zarur. O‘qitishning barcha xususiyatlari mujassamlangan ishlanmaning uslubi va o‘rganilayotgan fan bo‘yicha o‘quvchilarning o‘zlashtirgan bilimlarini baholashda darajalarga ajratish tizimining ishlashi hamda o‘lchov xususiyatlarini aniqlashtirish zarurati yuzaga keladi.

Innovatsiya ko‘pgina sohalar kabi ta’lim tizimiga ham o‘z ta’sirini o‘tkazib kelyapti. Ta’limda yangi texnologiyalardan foydalanish zaruriy omil hisoblanadi. Axborot makonining kengayib borgani sari ularni qabul qilish imkoniyati ham oshib boryapti. Ta’lim muassalarida dars jarayonini tashkil qilishda vaqt muhim ahamiyatga ega. Plickers texnologiyasi vaqt va energiyani tejagan holda yuqori samaradorlikka erishish hamda eng muhimi ta’limning boshlang‘ich ta’limdan tortib oliy o‘quv yurtlarigacha bo‘lgan barcha jabhalarida foydalanish mumkin.

QR-kod – maxsus tarzda kodlangan qandaydir bir ma’lumot, kvadrat ko‘rinishidagi tasvir. Bu oddiy matn, internet manzili, telefon raqami, ma’lum bir joyning joylashgan o‘rni va boshqa shu kabilar

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

bo'lishi mumkin. Hozirgi kunda kameraga ega zamonaviy telefonlar kvadrat ko'rinishidagi tasvir ostida yashiringan ma'lumotlarni oson o'qish imkoniyatini berap. Buning uchun bor yo'g'i telefon kamerasini QR-kodga yo'naltirgan holda, unda kodlangan ma'lumotga ega bo'lishimiz mumkin. QR-kod – inglizcha “Quick Response” so'zlaridan olingan bo'lib, Quick – tez, Response – javob, ya'ni “tezkor javob” (быстрый отклик) ma'nosini beradi. Ushbu tizim 1994 - yilda Yaponiyaning Denso-Wave kompaniyasi tomonidan yaratilgan. Bitta QR-kod 7089 ta raqam, 4296 ta raqam-harf, ikkilik sanoq sistemasida 2953 bayt yoki 1817 ta ierogliflarni o'z ichiga olishi mumkin.

Hozirda QR-kodni o'qish uchun juda ko'p dasturlar mavjud. Ulardan eng ko'p tarqalganlari: iPhone qurilmalari uchun Bakodo, Android tizimida ishlovchi qurilmalar uchun esa Barcode scanner. Plickers texnologiyasida foydalaniladigan Plickers dasturi ham shular jumlasiga kiradi.

Plickers - butun sinfning javoblarini darhol ko'rib chiqish va statistika to'plamini soddalashtiradigan dastur. Sinf (ota-onalar, tinglovchilarning auditoriyasi), mobil ilovalar bilan ishlash samaradorligi juda yuqori va bu jarayon bir necha daqiqani o'z ichiga oladi. Ushbu dasturning afzalligi, o'qituvchiga o'quvchi va talabalarning bilimini sinab ko'rishlari va o'quvchilarga smartfonlar yoki kompyuterlarga ehtiyoj sezmasliklari hisoblanadi.

Plickers texnologiyasi qulayligi:**O'qituvchi uchun**

- vaqt tejamlorligiga erishiladi.
- o'qituvchida har bir o'quvchining daftarini tekshirib baholashga ehtiyoj qolmaydi.

O'qituvchi va o'quvchi uchun

- o'quvchilarning guruh va individual o'zlashtirish ko'rsatkichi bir necha daqiqa ichida ma'lum bo'ladi.
- O'quvchilarda yonidagi o'rtog'idan ko'chirishga imkon bo'lmaydi.


O'quvchi uchun

- bu jarayon qiziqarli o'yin tarzida amalga oshadi.
- keyingi safargacha yangi bilimlarni o'zlashtirishga motivatsiya yaratiladi.

Kerakli jihozlar: Smartfon (sifatli kameraga ega), internet, kompyuter (noutbook), televizor yoki proyektor. Ushbu dasturdan darsning mustahkamlash qismida foydalanish qulay. Dasturga o'quvchilar ro'yxati va ularning bilish imkoniyatiga mos savollar test shaklida kiritiladi. Savollar soni foydalanuvchi ixtiyoriga bog'liq. Ushbu savollar televizor ekranida yoki proyektor orqali ko'rsatiladi. O'quvchilar ekranda berilgan test yechib bo'lgach, qo'llaridagi QR kod joylashtirilgan javoblar kartasini ko'rsatishadi. Bunda har bir javoblar qog'oz kartalari o'quvchi yoki talabalar uchun unikal bo'ladi ya'ni QR kodlarga ularning



1- rasm



#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

har biri biriktirilgan bo'ladi.

Dasturning yana bir afzal jihati shundaki, sinf jamoasining javoblari orqali

- har bir o'quvchining o'zlashtirish ko'rsatkichi
- sinf jamoasining o'rtacha o'zlashtirish ko'rsatkichi
- sinf jamoasining har bir testni bajarganlik darajasi foiz hisobida beriladi.

Plickers texnologiyasini ishlatish bo'yicha tavsiyalar:**1. Ilovani yuklab olish**

- Android yoki iOS-da bepul yuklab olish mumkin
- Plickers mobil ilovasi talabalarning javoblarini yig'ish uchun talab qilinadi

2. Javoblar qog'oz kartalar olish

- Bepul yoki amazon.com sotib olish mumkin
- Har bir kartaning o'ziga xos raqami mavjud - o'quvchilarga javoblarini kuzatib borish uchun kartalarni belgilashingiz mumkin

- Talabalar kartalarini o'zlarining tanlangan javoblarini yuqoriga qo'yish uchun aylantiradilar

3. Plickers.com saytidan ro'yxatdan o'tish

- Sinflar va talabalarni qo'shish kerak
- Plickers o'z nomlarini kiritishda o'quvchilarga avtomatik ravishda kartalar ajratadi
- Sinfga eng ko'pi 63 nafar talabani qo'shish mumkin

4. Kontentingizni yarating

- Plickers.com saytidagi kutubxonangizda yangi savollar yoki so'rovlarni yaratish kerak
- Testlarni, ko'p tanlovli yoki **ha / yo'q** kabi shakllantirish mumkin
- Tasvirlarni yoki GIF-ni qo'shish imkoniyati mavjud

5. O'quvchilarning javoblarini skanerlash

- Bir xil hisobdan foydalanib mobil ilovaga va veb-saytga kirganligingizga ishonch hosil qiling
- Mobil ilovadan yoki veb-saytdan savol yoki testni tanlang
- Mobil ilovada brauzerni ochish uchun doira belgisiga teging
- Plickers bir zumda talabalarizning kartalarini skanerlashi va javoblarini yozib beradi
- Maslahat: Bir vaqtning o'zida ko'proq kartani olish uchun qurilmangizni yana ushlab turing

6. Natijalarni ko'rish

- Eng yangi natijalarni ko'rish uchun Hisobotni oching
- Talabalar progresslarini kuzatish va vaqtini baholashni hisoblash uchun Baholar jadvalidan foydalaning

- Talabalarizning, savollaringiz va umumiy sinf bo'yicha jami natijalarni ko'rish uchun sana oralig'ini va individual savollarni tanlang

Plickers texnologiyasida QR kodlari yordamida foydalaniladi. Bu bizni barchaga mashhur oq va qora kvadratlar shaklidagi ma'lumotlarni o'z ichiga olgan ikki o'lchovli shtrix shaklida ifodalanadi. O'quvchilar to'g'ri javobni tanlaydilar va kartani olishadi.

Your Classes				3 - dars	4 - dars Thu 16 May • 26%				
#	First Name	Last Name	Total	Davlat organlarining rasmiy veb	Жорий веб-сайтдан аниқлаш унун	«СПАМ» нима?	Хабар аянтрон пошта орқали	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар	Пошта ливонни дастуринда
● 1-1PMIK-16									
● 4-1MT-17, 4-2MT-17									
● 4-3MT-17									
● 6-1UZB-17, 6-1UZB-17	17	SADILLOYEVA DILFUZA SH...	100%	C	-	-	-	-	-
● 6-3UZB-17, 6-4UZB-17	25	IBRAGIMOVA SHAHLO HU...	67%	C	C	B	A	B	C
● AKT_72 (T5 va MG)	5	TO'XTAYEVA SANOBAR A...	67%	C	C	B	B	B	D
	26	IBODULLAYE... BARCHINOY ...	50%	C	A	B	A	A	C
	20	JO'RAYEVA DILNOZA O'...	50%	C	B	C	B	A	D
	13	QURBONOVA NIGORA UM...	50%	C	C	C	A	B	C
	19	TO'XTAYEVA FARANGIZ A...	50%	C	C	B	D	B	C

3- rasm

Ushbu kodlar maxsus qurilmalar yordamida o'qiladi, Plickers interaktiv texnologiyasida - o'qituvchi planshetini yoki smartfonni noutbuk bilan birgalikda ishlatish orqali skaner qilinadi. Smartfon (telefon) kamerasi orqali o'qituvchi tomonida talabalar fikriga ko'ra to'g'ri deb qabul qilingan javoblarni QR kodlari bilan ko'tarilgan kartalarni tekshiriladi. Javoblar real vaqtda skanerdan o'tkaziladi va natijalar ma'lumotlar bazasida saqlanadi hamda bevosita mobil ilovada hamda saytda darhol yoki kutilayotgan tahlil uchun paydo bo'ladi. O'qituvchi to'g'ridan-to'g'ri skanerlash natijasi, to'g'ri va noto'g'ri javoblar

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

mualliflarini statistikasi haqida ma'lumot oladi. «Plikers» dasturini natijalar bo'yicha diagrammalar tuzadi va sinfning qaysi qismini o'rganilayotgan materialni tushunganini va qo'shimcha yordamga muhtojligini aniqlab olishni ta'minlab beradi.



4- rasm

Bu orqali o'qituvchi o'quvchilarning qaysi tushunchalarni o'zlashtirishda qiynalganligini aniqlab olib, dars davomida shu jihatdan yondashadi. Yangi mavzuni mustahkamlash qismida esa dars jarayonining qay darajada samaradorlikka erishgani yaqqol namoyon bo'ladi.

Sirtqi ta'limshaklida o'qitishning mustaqil ta'limlashg'ulotlarining hissasi ko'pligi va bu jarayonni monitoring qilishdagi mavjud muammolarni bartaraf qilishda «Plikers» texnologiyasi o'qituvchiga juda katta yordam beradi. Ta'lim jarayonida bu kabi dasturlardan foydalanish o'qituvchining baholash uchun ajratadigan vaqtini tejaydi va dars vaqtida o'qituvchi, talabalarning diqqatini jalb qilish orqali o'z ustida ko'proq ishlash imkon yaratib beradi. Dars jarayonida o'quvchi va talabalar faolligini axborot kommunikatsion texnologiyalar orqali oshirish, innovatsion baholash uslublari sifatida «Plikers» dasturini keng qo'llash ta'limsifati va samaradorligini oshirishda muhim ahamiyat kasb etadi.

Adabiyotlar

1. Кукуева В.С. PLICKERS – НОВАЯ СИСТЕМА ФРОНАЛЬНОГО ОПРОСА НА УРОКЕ // Инновации в науке: научный журнал. – № 4(80). – Новосибирск., Изд. АНС «СибАК», 2018.
2. «Создание фронтальных опросов с помощью приложения Plickers»http://cou1828.mskobr.ru/shkola_novyh_tehnologij/informacionnye_materialy/sozdanie_frontal_nyh
3. Садуллаев И.Ш., Мухлисов С.С., Хазратов Ф.Х. Использование интерактивных технологий plickers в процессе обучения // УЧЕНЫЙ XXI ВЕКА Международный научный журнал № 7 (54), июль 2019 г.
3. URL: <https://www.lex.uz/uz/> //Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 21-noyabrdagi 930-son qarori.
4. URL: <https://www.plickers.com/>

Дониёр ТОШТЕМИРОВ
 Гулистон давлат университети
 педагогика ва психология кафедраси
 мудири, педагогика фанлари номзоди, доцент

Муҳаммад НИЁЗОВ
 Гулистон давлат университети
 ахборот технологиялари
 кафедраси ўқитувчиси

ИНФОРМАТИКА ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ТУРЛИ ДАРАЖАДАГИ НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Мақолада Информатика ва ахборот технологиялари фани мисолида фанларни ўқитиш жараёнида назорат топшириқларининг ўрни, турли даражадаги назорат топшириқлари яратиш ва улардан фойдаланиш масалалари кўриб чиқилган. Машигулотларнинг назарий, амалий ва лаборатория шаклларида фойдаланганда назорат топшириқларининг мазмуни ва уларга қўйиладиган талаблар келтирилган. Бунда битта мавзу доирасида оддийдан мураккабга йўналтирилган турли даражали топшириқлар яратиш жараёнига эътибор қаратилган. Назорат топшириқлари Информатика ва ахборот технологиялари фани мазмуни доирасида Microsoft Word, Microsoft Excel ва дастурлаш асослари каби мавзуларни қамраб олган.

Таянч сўзлар: ўқув жараёни, назорат топшириқлари, турли даражадаги назорат топшириқлари, машқлар тизими, таълимнинг яқунланганлик мезони.

В статье рассматривается роль контрольных задач в преподавании наук на примере информатики и информационных технологий, создания и использования контрольных задач на разных уровнях. Дано содержание контрольных заданий и требования к ним при использовании теоретических, практических и лабораторных форм обучения. Он сосредоточен на процессе создания задач на разных уровнях, от простого до сложного, в рамках одной темы. Задачи управления охватывали такие темы, как Microsoft Word, Microsoft Excel и основы программирования в области компьютерных наук и информационных технологий.

Ключевые слова: учебный процесс, контрольные задания, контрольные задания на разных уровнях, система упражнений, критерии завершения обучения.

The article discusses the role of assessment tasks, issues of developing and using assessment tasks of various levels and in teaching subjects on the example of Computer Science and Information Technology. The work includes the content of and requirements to the use of theoretical, practical and lab based assessments. The focus was on developing assessment tasks within the content of a unit with the gradual increase in their difficulty level. Assessment tasks cover themes such as Microsoft Word, Microsoft Excel and foundations of programming that are included in the content of Computer Science and Information Technology. Samples of assessment tasks reflect the assignments included in Computer science and Information Technology textbooks.

Key words: learning process, assessment tasks, assessment tasks of different levels, scope of assignments and criterion of complete education.

Таълим жараёнини ташкил этиш берилаётган маълумотнинг назарий савиясига талабларни оширишга, таълим муассасаларида ўқишнинг дастлабки кунларидан бошлаб, ўқувчиларда ижодий фикрлашни ривожлантиришга, уларда фанларнинг назарий тушунчаларини ҳосил қилишга, умумлаштириш ва мантикий мулоҳаза юритиш малакаларини шакллантиришга эришиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги куннинг талаби ўқув жараёнини ўқувчиларда фақат такрорлашга доир фикрлашни эмас, ижодий тафаккурни ҳам шакллантиришдан иборат. Ўқитишнинг бошланғич даврида таълим мазмуни ўқувчилар томонидан умумий қонуниятларга биноан ўзлаштирилади.

Маълумки, ўқитиш билимларни ўзлаштириш ва билиш йўлларини тушунишни ўз ичига олади. Таълим жараёни – ўқишга раҳбарлик қилиш, ўқувчиларнинг билиш фаолиятини бошқаришдан иборатдир.

Таълим жараёнида бир қанча методлар мавжуд бўлиб, бу методлар ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаларини ривожлантиришга ёрдам беради. Ўқув материални ўзлаштиришнинг бир неча даражалари мавжуд: 1. Эсга олиш, хотирада тиклаш – ўзлаштириш даражаси. 2. Репродуктив – ўзлаштириш даражаси. 3. Продуктив (унумли) – ўзлаштириш даражаси. 4. Ижодий – ўзлаштириш даражаси [1], [2], [3].

#3, 2020 PEDAGOGİK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

Эсга олиш, хотирага тиклаш – ўзлаштириш даражасида ҳар қандай ўрганилаётган материални изохлаш ёки асослаш учун зарур бўлган ўқув материали(мазмун)нинг ўзлаштирилишидир. Бу материалдаги ҳодисалар ёки воқеалар бир-бири билан боғланишда ва ривожланишда бўлиб, албатта, аввалги ўрганилганларига асосланади ҳамда уни такрорлаш ва эсга олиш ёки хотирага тиклаш лозим бўлади. Бунинг учун материални баён қилишда кўرғазмалиликдан фойдаланилади.

Репродуктив – ўзлаштириш даражасида бир турдаги масала ёки машқлар (саволлар)ни намунага (тайёр ечиб кўрсатилган) қараб еча олишга мўлжалланган ўқув материалига нисбатан ўзлаштириш тушунилади.

Продуктив(унумли) ўзлаштириш даражаси деганда ностандарт (стандарт бўлмаган, намунаси бўлмаган ёки намунага ўхшаш бўлмаган), яъни берилган турдаги машқ билан бир хил турда бўлмаган вазифаларни ўзлаштиришга айтилади. Бундай материални ўзлаштириш учун ўқувчиларга маълум даражада ўйлаш ва фикрлашлари талаб қилинадиган топшириқлар берилади.

Ижодий ўзлаштириш даражаси (ёки қисман ижодий) ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини турли ҳолатларда татбиқ эта олиш, масала ечишнинг турли йўллари излаш (ўқитувчи кўрсатмаган, айтмаган методлар)ни қўллашга асосланган ўқув материалига нисбатан ўзлаштириш даражаси ҳисобланади [1], [2], [3].

Юқорида келтирилган эсга олиш ва хотирага тиклаш, репродуктив, продуктив ва ижодий ўзлаштириш ҳамда таълим мақсадлари (таълимнинг умумийлиги, тарбиявийлиги ва ривожлантиришлиги) бирлашиб комплекс ҳолда келади. Ўқув материални ўзлаштириш даражаларига эришиш учун таълим жараёнида бир қанча методлардан фойдаланилади.

Ўқитиш технологиясида асосий эътиборни дастлабки ҳаракат образини шакллантириш услубига қаратишимиз лозим, чунки инсоннинг ҳар қандай онгли равишдаги фаолияти ушбу ҳаракатни бажариш услуби тўғрисидаги маълумотлар асосида амалга оширилади.

Инсон маҳорати даражаси фаолият тўғрисидаги ахборотларни ўзлаштириш билан белгиланади. Бизнинг таълим жараёнида қўлланилаётган технологиямизда ўзлаштирилган ахборотлардан фойдаланишнинг тўрт хил мураккаблик даражали бўлиши лозимлиги ажратиб кўрсатилган.

Ўқув жараёнида қўлланиладиган замонавий педагогик технологияларининг асосий мезонлари қуйидагилардир:

- ўқитиладиган ўқув материални асосий саволларга ажратиш;
- ўқув материалдаги асосий таянч тушунча ва ибораларни келтириш;
- ўқув мақсадларининг(асосий ва идентив) қўйилиши;
- ҳар бир асосий савол материални ўзлаштириш бўйича тўрт хил мураккаблик даражаларидаги назорат топшириқларини яратиш;
- ўзлаштиришнинг “автоматлашуви” кўрсатгичи;
- таълимнинг яқунланганлик мезони.

Ўзлаштириш даражаларини аниқлаш учун мос равишда назорат топшириқлари ишлаб чиқилади. Назорат топшириқлари берилган фаолият турига белгиланган вазифа ва эталонни, яъни ҳаракатни тўғри, тўлиқ бажариш натижасини ўз ичига олади. Эталонга кўра назорат топшириқлари сони (Р) аниқланиши лозим.

Таълим муассасаларида ўқувчилар учун ўқув фанлари мавзуларидан назорат топшириқларини беришда танланган топшириқлар барча ўқувчилар учун бир хил бўлмаслигига эътибор бериш керак. Назорат топшириқларининг кўриниши ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасига қараб танланиши мақсадга мувофиқ, яъни ўқувчилар ўқув предметидан олган назарий билими қай даражада ўзлаштирилганлигини эътиборга олиб мос машқлар оддийдан мураккабга қараб ўқувчиларга тавсия қилинади.

Назорат топшириқларида қуйидаги хусусиятлар бўлиши талаб этилади [4]:

- ҳар бир машқнинг қийинлик даражаси;
- машқнинг ўқувчилар учун қизиқарлилиги;
- машқларнинг соддадан мураккабга қараб танланиши;
- машқларнинг фанлараро боғланиши ва ҳаётийлиги;
- машқлар мустақил иш ва уй вазифаси сифатида фойдаланишга мўлжалланиши.

Ҳар бир танланган машқни бажариш жараёнида келиб чиқадиган хулосаларни фикрлаб ҳал қилишни таълим олувчиларнинг ўзларига тавсия қилиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Назорат топшириқларидаги бажариладиган машқларни дидактик мақсадлар мазмунини эътиборга олиб қуйидагича ажратиш мумкин:

- ўқув материални ўрганиш ва мустаҳкамлашга доир машқлар;
- ўрганилган ўқув материални такрорлаш ва малака ҳосил қилишга қаратилган машқлар;

#3, 2020 PEDAGOGİK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

- билим ва малакаларни тизимлаштиришга қаратилган машқлар;
- билим ва малакаларни текширишга қаратилган машқлар.

Ўқув материални ўзлаштиришнинг бир неча даражаларига мос назорат топшириқларидаги машқлар тизимини яратишда ундаги тўрт хил мураккаблик даражасидаги машқларни қуйидаги фоизларда тақсимлаш мақсадга мувофиқ: 1-даражали топшириқлар – 40%; 2-даражали топшириқлар – 30%; 3-даражали топшириқлар – 20%; 4- даражали топшириқлар – 10%.

Информатика ва ахборот технологиялари фанидан назарий машғулотлар учун машқлар тизими, яъни турли даражали назорат топшириқларидан намуналар “Word матн процессорида ишлаш” мавзуси бўйича қуйидагича келтириш мумкин[7]:

1 – даражали топшириқлар:

1. Матнларни киритиш амалини тушунтиринг.
2. Матнларни муҳаррирлик қилиш амалини тушунтиринг.
3. Матнларни форматлаш амалини тушунтиринг.
4. Компилятор дастури моҳиятини изоҳланг.
5. Wordнинг энг содда ва такомиллашган версиялари қайси?
6. Word матнли процессорини ишга тушириш тартиби қандай амалга оширилади?
7. Меню сатридаги ҳар бир меню буйруқлари, уларнинг вазифаларини фарқланг.
8. Стандарт ва Форматлаш усқуналар панелидаги усқуналар вазифаларини тушунтиринг ҳамда бирор матн фрагментида қўлланг?

2 – даражали топшириқлар:

9. Матнли муҳаррирлар вamatнли процессорлар тушунчалари моҳиятини тушунтиринг.
10. БЛОКНОТ оддий матнли муҳаррири вазифасини изоҳланг.
11. WordPad оддий матнли муҳаррири вазифасини изоҳланг.
12. Word матнли процессор ёрдамида бир вақтнинг ўзида бир нечта ҳужжатлар билан ишлаш тартибини фарқланг.

13. Word матн процессорида матнларни киритиш ва муҳаррирлик қилиш амаллари қандай амалга оширилади?

14. Word матн процессорида жадваллар ташкил этиш амалларини бажаринг.

3 – даражали топшириқлар:

15. Матнли муҳаррирлар қайси ҳолатларда бир-бири билан биргаликда бўладилар?
16. Матнли муҳаррирлар қайси ҳолатларда бир-бири билан биргаликда бўлмайдилар?
17. Word матн процессорида шакл ва бланклар ташкил этиш амалларини бажаринг.
18. Word матн процессорида олдиндан кўриш ва ҳужжатларни чоп этиш амаллари қандай тартибда бажарилади?

4 – даражали топшириқлар:

19. Матн муҳаррирлари ва матн процессорлари ҳақида маълумотлар тўпланг ва уларнинг вазифалари бўйича таҳлил қилинг.

20. Ўзингизнинг таржимаи ҳолингизни киритинг. Киритилган маълумотларни сақлаш, муҳаррирлик қилиш, форматлаш ва чоп этиш ишларини бажаринг ҳамда бажарилган ишларни таҳлил қилинг?

“Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитишда ўқув машғулотлари ичида амалий машғулотлар алоҳида аҳамият касб этади. “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан ташкил қилинадиган амалий машғулотларнинг асосий мақсади назарий машғулотларда олинган билимларни мустаҳкамлаш билан бирга ўқувчиларга ўзларининг келажақдаги фаолиятларида замонавий компьютерларни қўллаш имкониятларини таъминлайдиган амалий билим ва малакалар беришдан иборатдир [10].

“Информатика ва ахборот технологиялари” фанида ихтиёрий масалани ечиш жараёни уч босқичда амалга оширилади [4]:

1. Ечиш усулини топиш (алгоритм) ва уни баён қилиш.
2. Дастур тузиш.
3. Ечимни асослаш.

Шунингдек, “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан амалий машғулотлар мазмунини шакллантиришда қуйидагини эътиборга олиш лозим:

- ахборот тушунчаси ва уларнинг турлари, уларни йиғиш, сақлаш, ўзгартириш, қайта ишлаш ҳамда узатиш амалларини бажарувчи ахборот технологияларининг воситалари ҳақидаги тушунчаларни эгаллаш;

#3, 2020 PEDAGOGİK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

- ўқувчилар ўзлари ихтиёрий масалани ечиш учун турли дастурлар тузиш, шунингдек, мавжуд дастурлар таъминотидан фойдалана олиш кўникмаларини эгаллаш;

- Windows операцион тизими билан мулоқот қила олиш ҳамда унинг имкониятларидан фойдаланишни билиш;

- компьютерда турли амалий дастурларда ишлаш олиш малакаларини эгаллаш;

- матнли, жадвалли ва графикли маълумотлар ҳосил қилиш малакаларига эга бўлиш;

- бир неча дастур ва унда тайёрланган маълумотлар устида нусха олиш, ҳужжатларни бири-бирига бирлаштириш ва бошқа шу каби масалаларни ҳал қилишда билим, малака ва кўникмаларини ҳосил қилиш;

- компьютерда турли тақдиротлар ярата олиш малакасига эга бўлиш ва бошқалар.

Замонавий педагогик технологияларга асосланган таълим тизимида амалий машғулотларнинг мазмуни, мақсади, вазифалари ва уларнинг шакллари қуйидаги талабларни ўзида мужассамлаштирган бўлиши лозим:

- амалий машғулотларнинг бажарилиши натижасида ўқувчилар ўқув материалларини қандай даражада ўзлаштирилганлиги аниқланади. Шунинг учун амалий машғулот топшириқларини турли хил мураккаблик даражада тавсия қилиш;

- амалий машғулотлар мазмунини ёритишда топшириқлар тизими ҳар бир мавзу бўйича таълим мақсадларининг мазмунига мос бўлишини таъминлаш;

- амалий машғулотлар топшириқларини тузишда ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини эътиборга олиш ва бошқалар.

“Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан ташкил қилинадиган амалий машғулотлар мазмуни ўтилган мавзуларга мос равишда машқлар бажариш, ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни бажариш, таълим олувчилар томонидан мустақил бажариладиган лаборатория ишларидан иборат бўлиши мумкин [10].

Таълим муассасаларида “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан амалий машғулотларнинг вазифаси қуйидагилардан иборат:

1. Таълим олувчиларда қуйидаги амалларни бажариш кўникмаларини шакллантириш;

- компьютерни ишга тайёрлаш;

- компьютерга дастур киритиш ва уни ростлаш;

- ихтиёрий амалий дастур билан ишлаш;

- компьютернинг матн ва график муҳаррирлари воситасидан фойдаланиш;

- компьютернинг мавжуд имкониятлари билан танишиш;

- маълумотлар, дастурларнинг нусхаларини олиш ва кўпайтириш ва бошқалар.

2. Ўқувчиларда машқлар бажариш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш;

- компьютерда масала ечиш босқичларини эгаллаш;

- машқлар бажариш жараёнида назарий билимларни масала ечишга татбиқ қилиш;

- машқлар бажариш жараёнида таълим олувчилар ижобий фикрлаш масалаларини ривожлантириш.

“Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан амалий машғулотлар учун танланган топшириқлар мазмуни ихтиёрий касб эгасига зарур бўлган амалий кўникма ва малакага асосланган билимлар минимуми даражасида бўлиши керак [10].

Амалий машғулотлар учун назорат топшириқлари «Дастурлаш жараёнида графика элементлари» мавзуси мисолида машқлар тизимини қуйидагича келтириш мумкин [7]:

1 – даражали топшириқлар.

1. Компьютер экранининг марказида нуқта ҳосил қилинг.

2. Компьютер экранининг марказида ўчиб-ёнувчи нуқта ҳосил қилинг.

3. Экранда нуқтани горизонтал йўналишда ҳаракатлантириб, белгиланган жойда тўхтатиш амалларини бажаринг.

4. Экранда нуқтани горизонтал йўналишда белгиланган жойгача ҳаракатлантириб, тўхташи натижасида нуқтанинг ўчирилишини таъминлаш амалларини бажаринг.

5. Экранда нуқтани диогонал йўналишда ҳаракатлантириб, белгиланган жойда тўхтатиш амалларини бажаринг.

6. Экранда тўғри тўртбурчак ҳосил қилиб, унинг марказида горизонтал жойлашган иккита нуқта ҳосил қилинг.

7. Экранда тенг томонли учбурчак ҳосил қилиб, унинг марказида вертикал жойлашган иккита нуқта ҳосил қилинг.

8. Экранда айлана ичида квадрат тасвирини ҳосил қилинг.

#3, 2020 PEDAGOGİK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

2 – даражали топшириқлар.

9. Экранда нуктани горизонтал йўналишда ҳаракатлантириб, сўнгра дастлабки ҳолатига қайтариш амалларини бажаринг.

10. Экранда нуктани диогонал йўналишда ҳаракатлантириб, сўнгра дастлабки ҳолатига қайтариш амалларини бажаринг.

11. Экранда тўғри тўртбурчак ҳосил қилиб унинг марказида ўчиб-ёнувчи нукта ҳосил қилинг.

12. Экранда сектор ҳосил қилинг.

13. Экранда куб тасвирини ҳосил қилинг.

14. Экранда глобус тасвирини ҳосил қилинг.

3 – даражали топшириқлар.

15. Экранда тўғри тўртбурчак, унинг марказида эса горизонтал жойлашган иккита нукта ҳосил қилиб, уни биргаликда ҳаракатлантиринг.

16. Экранда исмингизнинг бош ҳарфини тўғри чизиқлар ёрдамида ҳосил қилиб, уни горизонтал йўналишда ҳаракатлантиринг.

17. Экранда тўғри тўртбурчакнинг марказида тенг томонли учбурчак ҳосил қилиб, уларни кетма-кет ўчиб-ёниб туришини таъминланг.

18. Экранда бирин-кетин ҳосил бўлувчи ичма-ич жойлашган рекуррент айланалар ҳосил қилинг.

4 – даражали топшириқлар.

19. SPRITE оператори ёрдамида компьютер экрани бўйлаб ҳаракатланадиган тасвир ҳосил қилинг.

20. Исмингизни экран бўйлаб бирор йўналишда ҳаракатлантириш амалларини бажаринг.

Лаборатория машғулоти назарий ва амалий машғулотларда олинган билимларни мустақамлаш мақсадида ўқитувчи раҳбарлигида ўқувчилар олиб бориладиган мустақил амалий иш ҳисобланади. Ўқувчилар лаборатория топшириқларини бажаришда ишни бажариш кетма-кетлиги тартибли баён қилинган методик кўрсатмалардан фойдаланади, шунинг учун лаборатория иши кўрсатмалари юқори сифатли ва дидактик талаблар асосида тайёрланиши керак.

Лаборатория машғулотларини ўтказишда ўқитишнинг замонавий шакллари ва усулларидан фойдаланиш машғулотнинг қизиқарли ва самарали ташкил қилинишига олиб келади. Лаборатория машғулотларида лаборатория ишларининг тузилиши топшириқларнинг ранг-баранглиги, турли мураккаблик даражадалигига алоҳида эътибор бериш керак. Лаборатория иши топшириқларини ўқувчиларга ўз билим даражаларига мос ҳолда табақалаштириб тавсия қилиш мақсадга мувофиқдир [5], [6].

Лаборатория машғулотлари учун табақалаштирилган топшириқлар ишлаб чиқиш жараёнини «EXCELда ишчи китоблар билан ишлаш» мавзусида қараб чиқайлик. Топшириқлар мазмунини ўзлаштириш даражаларига мос равишда қуйидагича тавсия қилиш мумкин:

1 – даражали топшириқлар.

1. EXCEL электрон жадвали дастурини ишга туширинг ва унда ишлаш тартибини кўрсатинг.

2. EXCEL электрон жадвали ячейкаларига сонли ва матнли маълумотлар киритинг.

3. EXCEL электрон жадвалида тайёрланган маълумотларни хотирага ёзинг, дастурдан чиқиш ва ёзилган маълумотни қайта дастурга жорий қилиш амалларини бажаринг.

2 – даражали топшириқлар.

1. EXCEL электрон жадвалида маълумотларни таҳрирланг ва уни жадвал кўринишда чоп этиш амалларини бажаринг.

2. EXCEL электрон жадвалида гуруҳ ўқувчилари ҳақида умумий маълумот тайёрланг.

3. EXCEL электрон жадвалида тайёрланган маълумотларга мос махсус белгилар ва расмлар жойлаштиринг.

3 – даражали топшириқлар.

1. EXCEL электрон жадвалида формулалар ва функциялардан фойдаланиш тартибини кўрсатинг.

2. EXCEL электрон жадвалида бирор корхона ёки ташкилотнинг ойлик ва йиллик даромадлари ҳақида маълумот тайёрланг.

4 – даражали топшириқлар.

1. EXCEL электрон жадвалида бирор корхона иқтисодиётининг ойлик ва йиллик ўсиши ва камайишини кўрсатувчи маълумотни график ва диаграммалар шаклида чиқариш амалларини бажаринг.

2. EXCEL электрон жадвалида бирор таълим муассаса таркибий тузилишини кўрсатувчи

#3, 2020 PEDAGOGİK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

маълумотларни график шаклда тайёр шакллардан фойдаланиб тайёрланг.

Компьютер учун ўқув ва назорат қилувчи дастурлар таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражаларига мос билим олишида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у қуйидаги талаблар асосида яратилиши мақсадга мувофиқдир [8], [9]:

- ўқитиладиган фан бўйича мавзуларни таълим олувчиларнинг хоҳишига қараб танлаш;
- танланган мавзу бўйича асосий саволларни таълим олувчининг хоҳишига қараб ўқитишни ташкил қилиши ва ўзлаштириш даражасига мос топшириқлар билан таъминлай олиш;
- кафолатланган натижадан сўнг кейинги асосий савол (ёки мавзуни) ўзлаштиришга имконият яратиш;
- таълим олувчининг ўзлаштириш даражаси натижасига кўра мавзу ёки асосий саволга қайтишни таъминлаш;
- таълим олувчининг хоҳишига кўра дастурдан чиқишни ташкил этиш;
- таълим олувчининг хоҳишига кўра назорат топшириқларига бевосита ўтишни таъминлаш;
- таълим олувчининг мавзуни қандай даражада ўзлаштирилганлиги ҳақидаги қайдномани ташкил этиш ва бошқалар.

Таълимнинг тугалланганлиги ўзлаштириш коэффициентига кўра баҳоланади:

$$K_A = A/P$$

бу ерда P – назорат топшириқлари сони, A – тўғри бажарилган назорат топшириқлари сони. $0 \leq K_A \leq 1$ бўлади.

$K_A \geq 0,7$ бўлса таълим жараёни тугалланган ҳисобланади, кейинги таълим жараёнида ўқувчилар ўз билимларини такомиллаштириб боришлари мумкин. Педагогик жараёнларга ўқувчининг ўзлаштириш сифатини аниқловчи коэффициентнинг (K_A) киритилиши педагогик технологиянинг асосий мезонларидан бири – таълимнинг яқунланганлик мезонини шакллантириш имконини беради. Бунда ўқувчининг ҳаракати фақат мазмуни билан тавсифланса, уни кўникма, агар ҳаракат яна тезлик билан тавсифланадиган бўлса, уни малака деб ҳисоблаш мумкин.

Ҳозирги замон педагогика ва психология фанларида амалга оширилган тадқиқотларга асосан, инсон томонидан ахборотлар ўзлаштирилишининг дидактик жараён тизимини учта ўзаро боғлиқ компонентлар кўринишида тасаввур қилиш мумкин: яъни мотивизация, ўқувчининг билиш фаолияти, таълим жараёнини бошқариш.

Дидактик жараённинг ҳар бир компонентини қуришда қандай педагогик тасаввурлардан келиб чиқилганига асосланиб, ўқув-тарбия жараёнининг турли технологияларини (услубларини) яратиш мумкин.

Мотивизация деб, шахс фаолияти маълум маънога эга бўладиган мазмунга, яъни шахснинг қизиқишлари, ташқи мақсадлари унинг ички талабларига айланишига айтилади (эҳтиёжни қондириш ҳақидаги интилишни таъминлайди). Унинг қуйидаги турлари мавжуд: ижобий, дахлсиз, салбий.

Мотивизациядан ташқари ўқувчининг ўқув материални ўзлаштиришга олиб келувчи ўқув-билиш ҳаракатларини бажариши талаб этилади. Педагогнинг вазифаси таълим технологиясини тўғри танлаш ва таълим мақсадлари ва ўрганиладиган фан хусусиятларидан келиб чиқиб уни ўқувчига беришдан иборат.

Мотивациянинг мавжудлиги ўқувчиларнинг режалаштирилган таълим кўрсаткичларига эришишини тўлиқ таъминлай олмайди. Таълим жараёнларини бошқаришни ташкил қилишнинг тўғри усули танлангандагина дидактик жараён тугалланганлиги таъминланади. Шунинг учун ҳам ўқувчининг барча ўқув-билиш ҳаракатлари, уларни ўзлаштириш ва тузатиш, яъни ўзлаштириш жараёнини бошқариши зарур бўлади.

Бугунги кунда замонавий педагогик технологиялар асосида яратилган маъруза ва амалий машғулотларнинг матн кўринишига келтирилганлиги, яъни ўқувчининг ўқув-билиш фаолияти кетма-кетлиги аниқланган ўқув фаолияти – билимларни эгаллаш алгоритми (БЭА)ни ташкил этади. Ўқувчига БЭА ни бажариш ёки ўзгартириш мақсадида таъсир кўрсатиш учун ўқув-билиш фаолиятини бошқаришдир. Демак, ўқувчи фаолиятини кузатиш, тузатиш тизимининг ўзига хос бошқариш алгоритми(БА) бўлиши лозим.

Агар БА ни кўрсатмалар тизими сифатида ёзиб олиш мумкин бўлса, уни БЭА билан биргаликда ўқувчининг ўзи бажариши мумкин, бунда ўқувчи нафақат бажарувчилик, балки назорат ҳаракатларини ҳам ўрганади.

Бизнинг назаримизда, замонавий педагогик технологияларга асосланган таълим жараёни тизимида ўқувчига таъсир кўрсатишнинг икки йўналиши кўзга ташланади:

#3, 2020 PEDAGOGİK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

1. БЭАнинг вазифаси ўзлаштирилиши лозим бўлган ахборотни таҳлил қилиш ва ўзлаштиришни амалга оширади.

2. БЭАнинг вазифаси БЭА кўрсатмаларини кузатиш ва бажарилишини назорат қилишга йўналтирилган.

Бу йўналишлар таълим жараёни компоненталарининг моҳияти, жараёнда ўқитувчи ва ўқувчининг бажарадиган вазифаларини ифодалайди.

Адабиётлар

1. Сайидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. – Тошкент: Молия, 2003. – 260 б.
2. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. – Т.: “Ўқитувчи”, 2004. – 144 б.
3. Жўраев Р.Х., Рахимов Б.Х., Холматов Ш.Ф. Янги педагогик технологиялар. – Т.: “Фан”, 2005. – 84 б.
4. Тоштемиров Д.Э. Лицей ва коллежларда ИХТА фанидан амалий машғулотлар мазмуни. «Халқ таълими». 2000. № 3. 117–118 б.
5. Тоштемиров Д.Э., Аллаёров С.П., Жўраев У.С. Информатика фанидан лаборатория машғулотларини автоматлаштиришнинг имкониятлари //ГулДУ ахборотномаси. – Гулистон, 2003. - №2. – Б. 73-76.
6. Тоштемиров Д.Э. Академик лицей ва касб-хунар коллежларида информатика фанидан олиб бориладиган машғулотларни такомиллаштириш //Ахборот коммуникациялар технологиялари асосида электрон ўқув адабиётларини яратиш: тажриба, муаммо ва истиқболлар: Республика илмий-амалий анжуманининг маърузалар тўплами. 28 апрел 2004. – Тошкент: ТДИУ, 2004. – Б. 86-87.
7. Исоқов, Д.Э.Тоштемиров. Информатика ўқитиш методикаси фанидан ўқув-услубий мажмуа. – Гулистон: ГулДУ. 2008. – 128 б.
8. Исоқов И., Қулмаматов С.И. Таълим жараёнини индивидуаллашда ўқув ва назорат дастурлари // Халқ таълими. – Тошкент, 2001. - №3. – Б. 95-97.
9. Исоқов И., Тоштемиров Д.Э. Таълим тизимида ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланиш усуллари //Олий таълимнинг махсус сиртки бўлимида ўқув жараёнини такомиллаштириш: Республика илмий анжумани материаллари тўплами. 23-24 май 2008. – Гулистон: ГулДУ, 2008. – Б. 27-29.
10. Ҳайитов А.Ғ. Умумий ўрта таълимда Информатика ва ҳисоблаш техникаси асосларини ўқитишни компьютерлаштириш назарияси ва амалиёти. Пед.фан. док. ... дисс. –Тошкент: ТДПУ, 2006. - 244 б.

IQTISODIY TA'LIM VA TURIZM

Отабек ҚАХҲОРОВ

Бухоро давлат университети
мустақил изланувчиси,
иқтисодиёт фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD), доцент

Асрор НОРОВ

Бухоро давлат университети
мустақил изланувчи

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖЛАНИШИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ИННОВАЦИЯЛАРНИ ТИЖОРАТЛАШТИРИШНИНГ БОСҚИЧЛАРИ

Мазкур мақолада инновацияларни тижоратлаштириш босқичлари берилган. Шунингдек, инновацион инфратузилмаси элементларининг гуруҳлари ҳамда инновациянинг устувор йўналишлари келтирилган.

Калит сўзлар: *инновацион инфратузилма, олий таълим, Технопарк, Бизнес инкубатор, Инновация марказлари, технологиялар трансфери марказлари, Инновацияларни тижоратлаштириш, трансфер.*

В данной статье дается этапы коммерциализации инноваций. Также приводятся группы элементов инновационной инфраструктуры и приоритетные направления инноваций.

Ключевые слова: *инновационная инфраструктура, высшее образование, технопарк, бизнес-инкубатор, инновационные центры, центры трансфера технологий, коммерциализация инноваций, трансфер.*

This article provides stages of innovation commercialization. Groups of elements of innovative infrastructure and priority areas of innovation are also given.

Key words: *innovative infrastructure, higher education, technology park, business incubator, innovation centers, technology transfer centers, commercialization of innovations, transfer.*

Кириш. Миллий иқтисодиётда бозор ислохотларини амалга ошириш шароитларида инновацион кўрсаткичлар энг муҳим рақобатли устунлик сифатига эга бўлади, таркибий нисбатларни инновацион йўналишда такомиллаштириш эса давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг мақсадли йўналишларидан бирига айланади. Буларнинг барчаси инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва уни ривожлантириш учун керакли шарт-шароитларни яратиш, мақсадга йўналтирилган ва мувозанатлашган инновация сиёсатини ишлаб чиқиш заруратини белгилаб беради. Бундай инновацион сиёсатни амалга ошириш имконияти аввало мамлакатда юзага келган шарт-шароитлар ва омилларга мувофиқ иқтисодий стратегияни ва унинг инновацион таркибий қисмини ишлаб чиқишни кўзда тутати [1].

Инновацион жараёнда давлатнинг асосий роли инновацион корхоналар учун қулай муҳитни яратишдан иборат бўлиб, у инновацион инфратузилмани турли иштирокчилар орқали бевосита қўллаб-қувватлашни, шунингдек, инновацион фаолиятни ривожлантириш ва инновацияларни тижоратлаштиришни рағбатлантирувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш орқали билвосита қўллаб-қувватлашни ўз ичига олади. Инновацияларни яратиш ва жорий этиш жараёнида йирик ҳамда кичик ва ўрта бизнес субъектлари иштирок этади.

Асосий қисм. Ривожланган мамлакатларда кичик ва ўрта тадбиркорликнинг инновацион жараёндаги роли уларнинг мослашувчанлиги, тезкорлиги, рағбатлантирилганлиги, шунингдек, давлат томонидан қучли қўллаб-қувватланиши туфайли катта аҳамиятга эга. Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, юқори хатарга қарамай, инновацион жараёнда иштирок этаётган кичик ва ўрта корхоналар улуши ўсиб бормоқда [2].

Бугунги кунда инновацион-инвестицион ривожланишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва тартибга солиш механизмини такомиллаштириш, жалб этилган инвестициялардан тўғри ва унумли фойдаланиш тизимини яратиш, унинг иқтисодий ўсишга таъсирини ошириш, республика шароитларига мос келувчи, яъни бозор муносабатларини ривожлантириш ва давлат томонидан тартибга солишни уйғунлаштирувчи инновацияларга инвестициялаш механизми концепциясини назарий асослаш иқтисодий фан олдида долзарб муаммолигича қолмоқда [3].

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

Бугунги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатларида иқтисодий ривожлантириш учун ўзида фаннинг турли соҳаларини қамраб олган илмталаб ишлаб чиқаришни ривожлантириш стратегик вазифа сифатида кўйилмоқда. Ривожланган мамлакатларда яратилган миллий инновацион тизими иқтисодий ўсишни юқори суръатларга кўтарётганлигини уларнинг бугунги иқтисодий-ижтимоий кўрсаткичларида яққол ўз ифодасини топаётганлигини кўришимиз мумкин. Уларнинг бой тажрибаларини ўрганиб, айрим жиҳатларини миллий иқтисодий тизимга янада юксалтириш мақсадида фойдаланиш эса ижобий натижа бериши мумкин. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, “Иқтисодий таркибий ўзгартириш ва модернизация жараёнларини чуқурлаштириш юксак технологиялар, инновацияларни талаб қилиниши биз ўзимизга яхши тасаввур қиламиз. Жаҳон тажрибаси, юксак даражада тараққий этган мамлакатлар тажрибаси бу ҳақиқатни қайта-қайта исботламоқда” [4].

Дунё бўйича ИТТКИга қилинган харажатлар 2005 йилда 400 млрд доллар бўлса, 2019 йилга келиб 680 млрд долларни ташкил қилган. Харажатларнинг 15 йиллик ўртача ўсиш суръати эса 5,4 фоизни ташкил этган бўлиб, ўсиш тенденциясига эга бўлган.

Буни соҳалар бўйича тақсимога назар ташлайдиган бўлсак, ИТТКИ да компьютер ва электроника саноатига қилинган харажатлар юқори бўлиб 25 фоиз ёки 166 млрд АҚШ долларини ташкил қилди, аммо 2019 йилда 0,7 фоизга пасайиш тенденцияси кузатилди. ИТТКИ да соғлиқни сақлаш соҳасига қилинган харажатлар 6 фоизга ўсди ва 145 млрд АҚШ долларини ташкил қилди. Прогнозларга кўра мазкур соҳа 2020 йил охирига келиб ИТТКИ харажатлари энг юқори даражада сарфланадиган тармоққа айланади [5].

Ўзбекистонни инновацион ривожланиши учун, авваламбор, олий ўқув юртлари катта, аммо ҳозирча тўлиқ фойдаланилмаётган салоҳиятга эга. Бошқа ҳеч бир институт улар каби мустақил равишда бутун инновацион циклни таъминлаб беролмайди: ОТМлар илмий тадқиқотлар олиб боришдан тортиб саноат корхоналарида инновацион маҳсулотларни жорий этишгача ҳамда ушбу маҳсулотнинг тайёрланган ходимлар томонидан эксплуатация қилинишини ҳам таъминлай оладилар. Буни англаган ҳолда, сўнгги йилларда олий таълим муассасаларида инновацион фаолиятга бўлган муносабатни давлат ўзгартиришга мажбур қиляпти ва, энг аввало, асосан педагогик фаолият билан шуғулланаётган профессор-ходимлар муносабатини ўзгартириш зарурлиги белгилаб берилмоқда.

Умуман олганда, миллий иқтисодийнинг хом-ашё экспорти моделидан инновацион ривожланиш йўлига ўтиш даврида кичик инновацион корхоналарда инновацияларни тижоратлаштириш механизмини ривожлантириш ҳозирги шароитда катта иқтисодий аҳамиятга эга бўлган долзарб илмий вазифадир.

Давлат олий таълим муассасаларига уларнинг мулк эгалари розилигисиз, мустақил равишда мақсадли хўжалик жамиятларини тузиш ҳуқуқи берилди. Ҳукумат бизнес, илм-фан ва давлат вакилларининг тадқиқотлари стратегик режаларини ишлаб чиқиш бўйича қўшма тадбирларни ташкил этишдаги саъй-ҳаракатларини бирлаштирадиган хусусий-давлат шерикчиликни қўллаб-қувватлаш учун технологик платформалар яратди, олий таълим ва илмий ташкилотларнинг кадрларини янгилаш ва ёшартириш учун ёш тадқиқотчилар ва ўқитувчиларнинг илмий фаоллигини қўллаб-қувватлаш махсус дастури ишлаб чиқилди.

Албатта, қисқа вақт ичида олий таълим муассасасида самарали инновацион муҳитни яратиш осон иш эмас, шунинг учун ҳам тадқиқотлар натижасида олинган янги билимларни инновацияларга айлантириш бўйича нима қилиш зарурлиги ҳақида яна бир бор ўйлаш керак. Университетларда инновацион ишланмаларнинг тўлиқ циклини (шу жумладан ушбу мақсадлар учун махсус фондларни яратиш орқали) жорий қилишни рағбатлантирувчи ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш учун мавжуд воситалардан самарали фойдаланишга имкон берадиган механизмларни жорий этиш зарур.

Инновацияларни тижоратлаштириш самарали амалга оширилиши учун қуйидаги босқичлардан ўтиш лозим:

- 1) инновацияларни рўйхатдан ўтказиш;
- 2) инновацияларни яратилган интеллектуал мулк сифатида ҳимоя қилиш;
- 3) интеллектуал фаолият натижаларини назорат қилиш;
- 4) комплекс экспертизадан ўтказиш;
- 5) интеллектуал мол-мулкни баҳолаш;
- 6) ишлаб чиқилган инновацияларни техник-иқтисодий асослаш;
- 7) инновацион лойиҳанинг имкониятларини баҳолашга имкон берадиган, инвесторга тушунарли бўлган бизнес-режа тузиш;

#3, 2020 PEDAGOGİK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

8) маркетинг тадқиқотлари;

9) янги маҳсулот ёки хизматларни ишлаб чиқариш учун инвесторларни излаш имкониятини берадиган инновацион кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этиш;

10) инновацион маҳсулотни стандартлаштириш ва сертификатлаш;

11) инновацион маҳсулотни ишлаб чиқаришни ташкил этиш, шунингдек уни бозорга олиб чиқиш [6].

Бозор иқтисодиёти шароитида инновацион жараён узлуксизлигини таъминлаш учун турли хил тузилмалар фаолиятининг кўламлари ва турлари мавжуд, уларсиз инновацион жараён самарали ривожланмайди. Бунинг учун инжиниринг фирмалари, илмий парклар, технопарклар, технологияларни трансфери марказлари, жамоа фойдаланиш марказлари, бизнес-инкубаторлар, илмий ва ўқув марказлари, венчурли ташкилотлар, кичик инновацион корхоналар ташкил этилади ва улар нафақат муҳандислик ва маслаҳат хизматларини кўрсатадилар, балки лойиҳани ва инновацияларни жорий этиш учун зарур профессионал ёрдамни ҳам тақдим этадилар.

Сўнгги йилларда давлат инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш бўйича бир қатор чора-тадбирларни амалга оширди, улардан 100 фоиз давлат иштирокида тузилмалар яратилганлигини алоҳида таъкидлаш мумкин. Янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ва уларни инновацияларга айланишига бозорда фаолият юритаётган давлат ва хусусий венчур ташкилотлар (компаниялар, жамғармалар) ёрдам беради. Одатда венчур ташкилотлар тайёр маҳсулотни сотишга яқин бўлган босқичда ва юқори потенциал фойдага эга бўлган ишланмаларни молиялаштиришга тайёр бўладилар (бунда улар ташкил этилган ишлаб чиқариш корхоналаридаги акцияларнинг 51 фоизига эгаллик қилишга интиладилар).

Венчур ва банк томонидан молиялаштиришни жалб қилишдаги қийинчиликлар туфайли инновацион лойиҳаларнинг катта қисми давлат инвестиция дастурлари ва жамғармалари, масалан, кичик инновациялар ва кичик инновацион корхоналарни ривожланишини қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида Ёшлар академиясининг иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш Жамғармаси, Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, шунингдек олий таълим муассасалари тузилмасидаги инновацион жамғармалар томонидан молиялаштирилади.

Агар олий таълим муассасаларида ташкил этилган КИЖдаги инновацияларни тижоратлаштириш учун инвестиция ресурсларини жалб қилишни кўриб чиқадиган бўлсак, инновацион фаолиятнинг деярли ҳар бир босқичида тижоратлаштириш амалиёти кўп вариантларга таяниши мумкин, ўз ресурсларидан (молиявий, моддий ва интеллектуал) фойдаланиш ҳам шулар жумласидандир.

Кичик инновацион корхоналарда инновацияларни тижоратлаштириш усулларида самарадорлигини баҳолаш мезонларини тўғри белгилаш учун қуйидаги тенденцияларни ҳисобга олиш лозим:

1) инновацияларни яратиш жараёнига инвестицияларни жалб қилишнинг турли хил шарт-шароитларида инновацияларни тижоратлаштириш кафолатларни бериш имконияти;

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, инновацияларни кичик инновацион корхона томонидан тижоратлаштиришдан олдин, инновацияларни потенциал эгалари бўлиши мумкин бўлган томондан аванс шаклида опцион тўловларини олиш ҳам мумкин.

2) интеллектуал кадрларни яратилиши, уларни нафақат маълум янгиликни тижоратлаштиришда балки улардан кейинчалик илмий (ёки илмий-техник) заҳира сифатида фойдаланиш ҳам мумкин;

3) йўқотилган фойданинг мавжудлиги, уни кичик инновацион корхона ўзининг ҳаётий циклининг кейинги босқичларида инновацияга бўлган ҳуқуқни сақлаб қолганида олса бўладиган фойдага нисбатан айтилади;

4) кичик инновацион корхона ходимлари инновациялар бошқа мулкдорга (вақтинча ёки доимий равишда) ўтганда активларининг бир қисмини йўқотиш эҳтимоли. Шу билан бирга, янги мулкдорга ўтган инновациялар тўғрисидаги ахборот ресурсларининг бир қисми ташкилотда инсон салоҳиятини қайта тикланиши билан боғлиқ ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, шундай инновацион инфратузилмани яратиш керакки, инновацияларни тижоратлаштириш ягона миллий технологияси вазирликлар ва идораларни, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясини, илмий марказларни, илмий-тадқиқот институтларини, эксперт ташкилотларни, хусусий бизнесни бирлаштирадиган унинг бир қисмига айланиши зарур ва у иқтисодий ўсишнинг асоси бўлмиш жамиятнинг интеллектуал даражасини ошириш бўйича янги миллий лойиҳанинг асосига айланиши лозим.

Адабиётлар

1. Отажонов Ш.И. “Иновация фаолияти инфратузилмасини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари самарадорлигини ошириш” Иқтисодийёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси. – Тошкент. 2018 й. 47 б.
2. Ильина С.А. “Совершенствование организационно-экономического механизма коммерциализации инноваций на малых и средних предприятиях” Диссертация. – М.: 2016 й. 4 б.
3. Жаҳонгиров И.Ж. “Миллий иқтисодийётни иновацион-инвестицион ривожлантириш асосида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш” Афтореферат. –Т.: 2019 й. 8 б.
4. Нурматова М.И. “Ўзбекистон иқтисодийётини иновацион ривожлантириш асослари ва уни янада такомиллаштириш йўналишлари” Диссертация. – Фарғона, 2017 й. 33 б.
5. <http://www.businesspress.ru/>
6. Новикова Е.Н. Развитие инфраструктуры коммерциализации результатов инновационной деятельности. Автореферат. 2015.

TASVIRIY SAN'AT VA MUSIQA TA'LIMI

Фаррух НУРУЛЛАЕВ

Бухоро давлат университети
муסיқа таълими кафедра ўқитувчиси

МУСИҚА ТАЪЛИМИДА БУХОРО ФОЛЬКЛОР ҚЎШИҚЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН МЕТОДИК ТАЛАБЛАР

Мақолада Бухоро фольклор қўшиқларининг ўзига хос таълимий ва тарбиявий имкониятларга эгаллиги билан аҳамиятли эканлиги ҳақида фикр юритилади. Улар халқимизнинг бадиий-муסיқий мероси сифатида ўз ўрнига эга ва сон жиҳатдан жуда кўп, аммо уларнинг барчасини ҳам 5-7 синф ўқувчиларини эстетик тарбиялаш воситаси сифатида қўллаш мақсадга мувофиқ бўлмаслиги мумкин. Чунки улар ўзининг бадиий жиҳатдан мазмун-моҳияти, муסיқий тузулмаси, куйланишига кўра бир-биридан фарқ қилади. Уларни муайян педагогик талаблар асосида танлаб олиш талаб этилади. Қўшиқларни танлашда ўқувчиларнинг қизиқишлари, эҳтиёжлари, эстетик савиялари, ижро этиш маҳоратлари инobatга олиш ва таълим-тарбияда қўлланиладиган қўшиқларнинг намуналарини саралаш мезонлари нималарга, қандай талабларга асосланган ҳолда ишлаб чиқилишини билиш янада аҳамиятли ҳисобланади.

Калит сўзлар: фольклор, муסיқа таълими, қўшиқ, муסיқий асар, ижро.

В статье анализируется внимание на важности Бухарских народных песен как со специфическими образовательными, так и с воспитательными возможностями. Хотя они имеют свое место как художественное и музыкальное наследие нашего народа и очень многочисленны по количеству, но в то же время стоит отметить, что все они могут быть целенаправленно применены в качестве средства эстетического воспитания учащихся 5-7 классов. Потому что они отличаются друг от друга своим художественным смыслом, музыкальным строем, пением. Поэтому их также необходимо отбирать исходя из определенных педагогических требований. Хотя важно в течение некоторого времени учитывать интересы учащихся, их потребности, эстетический уровень, игровые навыки при выборе песен, но гораздо важнее знать, каковы критерии сортировки образцов песен, используемых в образовании и обучении, на основе каких требований будут разрабатываться.

Ключевые слова: фольклор, музыкальное образование, песня, музыкальное произведение, исполнение.

The article focuses on the importance of Bukhara folk songs with specific educational and educational opportunities. Although they have their place as the artistic and musical heritage of our people and are very numerous in number, but at the same time it is worth noting that all of them can be purposefully applied as a means of aesthetic education of students in grades 5-7. Because they differ from each other in their artistic meaning, musical structure, and singing. Therefore, they also need to be selected based on certain pedagogical requirements. While it is important for some time to take into account the interests of students, their needs, aesthetic level, and playing skills when choosing songs, it is much more important to know what criteria are used for sorting samples of songs used in education and training, and what requirements will be developed based on.

Keywords: folklore, musical education, song, musical composition, performance.

Ёш авлоднинг муסיқа санъатидаги гўзалликларни теран идрок этишлари, айниқса, фольклор қўшиқларидаги жозибанинг таъсири уларнинг эстетик туйғу ва бадиий дидларини ўстиришда катта аҳамият касб этади. Фольклор қўшиқлари воситасида муסיқа таълими амалиётида ўзига хос мактаб яратган олимлар ва тадқиқотчилар ёш авлодга бериладиган билимлар тизимида эстетик мазмун ва моҳият касб этувчи билимларга алоҳида аҳамият беришни, ҳар бир фольклор қўшиғи шахсининг баркамол ривожланишига самарали таъсир ўтказишини таъкидлаб келмоқда.

Ҳақиқатдан ҳам, халқимиз томонидан яратилиб келинган халқ оғзаки ижоди намуналаридан бири бўлган фольклор қўшиқлари ёшларнинг эстетик диди, ҳис-туйғуси ва дунёқарашини ўстириб боришда алоҳида ўрин эгаллайди. Фольклор қўшиқлари ҳаётнинг бетакрор кирралари ва ижод ахлининг лирик кечинмаларини ўзида акс эттиргани боис ўқувчиларнинг онгида нозик

#3, 2020 PEDAGOGİK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

кечинмаларни уйғотиши, уларни гўзаллик оламига олиб кириши, гўзалликка меҳр-муҳаббат уйғотиб, ўқишда ва меҳнатда фаолликка руҳлантириши шубҳасиздир. Шу нуқтаи назардан қараганда, Бухоро фольклор кўшиқлари ҳам ўзига хос таълимий ва тарбиявий имкониятларга эгаллиги билан аҳамиятли ҳисобланади. Улар халқимизнинг бадиий-муסיқий мероси сифатида ўз ўрнига эга ва сон жиҳатдан жуда кўп бўлса-да, лекин айтиш пайтда эътироф этиш жоизки, уларнинг барчасини ҳам 5-7 синф ўқувчиларини эстетик тарбиялаш воситаси сифатида қўлланилиши мақсадга мувофиқ бўлмаслиги мумкин. Чунки улар ўзининг бадиий жиҳатдан мазмун-моҳияти, муסיқий тузилмаси, куйланишига кўра бир-биридан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам уларни муайян педагогик талаблар асосида танлаб олиш талаб этилади. Кўшиқларни танлашда ўқувчилар қизиқишлари, эҳтиёжлари, эстетик савиялари, ижро этиш маҳоратлари инобатга олиниши бир мунча аҳамиятли бўлсада, лекин таълим-тарбияда қўлланиладиган кўшиқлар намуналарини саралаш мезонлари нималарга, қандай талабларга асосланган ҳолда ишлаб чиқирилишини билиш янада чуқур тадқиқ қилишни талаб қилади.

Шу ўринда айтиш жоизки, 5-7 синф даври ўқувчиларнинг болалик билан аста-секин хайрлашиши ва катталарга эргашиш тушунчаларини шаклланиш даври ҳисобланади. Бу даврда болаларнинг биринчи мўчални тўлдириб, иккинчисига қадам қўйиш, ҳам жисмоний, ҳам маънавий-ахлоқий балоғати ўсиб бориш бўсағасидир. Ўғил ва қизлар жинсига дахлдор ҳислатлар ривожланиб, аввало, овозлар фарқлана бошлайди. Бу жараёнда уларнинг хатти-ҳаракатида, юриштиришида ўзгарувчанлик, аниқроғи, беқарорлик, оқибатини ўйламай иш қилиш, ўзига бино қўйиш ҳолатлари учрай бошлайди. Бу ёшдаги болаларга мўлжалланган муסיқий асарлар, жумладан, фольклор кўшиқларининг вазифаси ана шу мураккаб жараёни чуқур ва теран муסיқий-бадиий талқин этиб, уларнинг маънавий камолоти, эҳтиёжини қондириш, уларда чинакам инсоний фазилатларнинг таркиб топишида фаолроқ таъсир кўрсата билишдан иборат. Энг муҳими, шу ёшдаги болаларга мўлжалланиб ёзилган муסיқий асарлар ва шу ёш даврида куйлашга мос келадиган фольклор кўшиқлари уларни миллий истиқлол руҳида тарбиялаши, дунёқарашларини шакллантириши, юксак ахлоқий фазилатларни сингдиришга хизмат қилиши керак. Неча асрлар давомида Ватан мустақиллиги учун олиб борган курашлари, меҳнатнинг барча фаровонликларнинг омили эканлиги, ҳалоллик, ростгўйлик, фидойилик ва бошқа инсоний фазилатлар болалар фольклор муסיқа санъатининг асосий мавзулари бўлиши мумкин.

5-7 синф ўқувчилари табиатида хос турли нарсаларга қизиқувчанлик, ўз навбатида, фольклор кўшиқларини куйлашга бўлган қизиқувчанлигини инкор этмайди, балки бу жараёнлар бир-бирига омукта ҳолда кечгандгина катта натижа беради. Бу ёшдаги болалар ҳаётга мустақил назар солишга интилувчан бўладилар. Улар ҳаётдаги ҳар бир воқеа ва ҳодисани ижтимоий-ахлоқий моҳиятини аниқлашга, ундан ўзларига сабоқ чиқаришга ҳаракат қиладилар. Шу жараёнда уларга фуқаролик туйғулари теранлаша ва такомиллаша боради, жамият ва Ватан олдидаги бурч ва маъсулиятларини аниқлаш истаги уйғона бошлайди. Бунда уларга турли мазмундаги муסיқа асарлари ўзгача таъсир кўрсатади. Шу таъсир чуқурлашгани сайин болалар муסיқа санъати жанрларидан баҳраманд бўлиш, муסיқани касб сифатида танлашни хоҳлаб қоладилар. Халқимизнинг миллий мероси бўлмиш фольклор кўшиқларига эса қизиқиш билан қарайдилар ва уларни муסיқа жўрлигида куйлаш ҳаракатида бўладилар. Шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, фольклор кўшиқларининг таълимий ва тарбиявий имкониятлари ниҳоятда кенг. Уларни муайян педагогик талаблар асосида танлаб олиниши эса таълим-тарбия жараёнини ижобий бўлишига хизмат қилади.

Бизнингча, фольклор кўшиқлари намунасини танлашга жиддий ёндошган ҳолда, биринчи навбатда, ўқувчиларнинг ёши, психологик-физиологик хусусиятлари, кўшиқнинг бадиий-муסיқий жиҳатдан тузулмаси инобатга олиниши керак.

Иккинчидан, кўшиқнинг ўйинбоплиги, шўх, кувнок, муайян ракс ва жисмоний ҳаракатлар билан боғлиқликда ижро этиш ҳолатини эътиборга олиш даркор.

Учинчидан, кўшиқни болаларнинг куйлаш имконияти, маҳорати (овоз диапозони, овоз кучи, вокал-хор малакалари)га мослигини инобатга олиниши лозим.

Тўртинчидан, кўшиқнинг бадиий-муסיқий матни ўқувчилар учун тушунарлилиги, ғоявий-бадиий мазмунини тарбиявий таъсирчанликка эга эканлиги эътиборда бўлиши керак.

Бешинчидан, асарларни ўрганиш ва ижро этиш учун мавжуд шарт-шароитларга тўғри келишлигига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, муסיқа дарслари (шунингдек, тўгарак машғулоти)да Бухоро фольклор кўшиқларидан фойдаланишда ўқувчиларга маънавий, ахлоқий ва эстетик тарбия бериш ҳам назарга тутилиши керак, албатта. Бунинг учун қўйиладиган алоҳида эътибор берилиши лозим деб ўйлаймиз:

#3, 2020 PEDAGOGİK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

1. Танланган ҳар бир фольклор кўшиғининг ўқувчилар мусиқий дидига (куй, оҳанг, ритмик жиҳатдан) яқинлиги.

2. Кўшиқ ижроси давомида унинг ўқувчилар томонидан енгил, осон ва тушунарли тарзда идрок этилиши.

3. Кўшиқнинг усул, суръат ва ритм жиҳатдан мураккаб тузулмаларга эга бўлишидан қатъи назар уларни осон ўзлаштирилиши ва ифодали куйланиши.

4. Танланган ҳар бир фольклор кўшиғининг ўқувчиларда миллий мусиқий мерос ҳақида янги билим бериши.

5. Танланган ҳар бир фольклор кўшиғининг ҳозирги замон мусиқа таълимнинг шаклланишида катта аҳамиятга эгаллиги.

6. Ўқувчиларда миллий мусиқа меросимизга ва у орқали она-Ватанга муҳаббат ҳиссини тарбиялаш, ўқувчиларда жамоатчилик олдидаги бурчини англаш, дўстлик, ўртоқлик ва инсонпарварлик туйғуларини таркиб топтиришга алоҳида эътибор бериш ва ҳоказо.

Бухоро фольклор кўшиқларини таълим-тарбия жараёни учун танлаш ҳақида фикр юритилганда, аввало, унинг таркибий тузилиши ўқитувчи томонидан пухта ўрганилиши ва ўқувчиларга назарий билимлар бериш ҳамда амалий жиҳатдан куйлашга ўргатиш усулларини пухта билиши жуда муҳимдир. Шуни унутмаслик керакки, кўшиқнинг эстетик таъсир кучи ва характери ундаги қисмларнинг ҳар бирида, айни вақтда уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва яхлит ҳолдаги таъсири билан белгиланади. Шу маънода фикр юритиб айтиш ўринлики, Бухоро фольклор кўшиқларининг мусиқий оҳанги унинг энг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Бухоро мусиқа санъатининг ўзига хос оҳангида ҳар бир фольклор кўшиқнинг ғоявий-бадий мазмуни ўзига хос усулда, мусиқий товушлар шаклида ифодаланади. Шунинг учун ҳам болалар ёки катталар ижросида ёзиб олинган фольклор кўшиқ матнига мувофиқ келувчи куйнинг қай даражада ноталаштирилганлигига эътибор қаратиб уларни танлаш бир мунча афзалдир.

Маълумки, фольклор асарида мавжуд бўлган оҳанг кўшиқнинг бадий мазмуни, ритмик тузулмаси, суръати ва бошқа ифода воситаларига мос бўлиши унинг мусиқий-эстетик таъсирчанлигини янада оширади. Бухоро фольклор кўшиқлари ҳам шуларга мувофиқ бўлиб улардаги оҳанг ўзининг бетакрорлиги билан янада мазмундорлик касб этади. Ранг-баранг нозик товушлар, усуллар, ифодалаш воситаларининг ўзаро уйғунлашгани эса уларнинг мусиқий-эстетик таъсирчанлигини янада оширади. Зеро, бошқа вилоят фольклор кўшиқларидек Бухоро фольклорига мансуб ҳар қандай кўшиқдаги оҳанг ҳам фақат лирик, завқли туйғулар уйғотмайди, у ғамгин, аччиқ, изтиробли, мунгли кайфият уйғотиши ҳам мумкин. Шуларга кўра, болалар куйлайдиган кўплаб Бухоро фольклор кўшиқларида уларнинг орзу-армонлари, истаклари, гўзал эҳтирослари, кўшиқ куйлаб турли ўйинларни ҳам ўйнашларининг акс этиши фикрмизнинг далили бўла олади. Демак, фольклор асарларига мансуб оҳанг ҳаётнинг шодлиги-ю, ғам-алами, хурсандчилигини ифодаловчи кўшиқ мазмунига боғлиқ бўлади. Шундан келиб чиқиб фольклор кўшиқ матни билан унинг оҳангини муносиб, мувофиқлигини бош мезон сифатида эътироф этиш мумкин.

Фольклор кўшиғини ижро этиш учун танлашда, биринчи галда оҳанг жозибдорлигига, овознинг мусиқийлигига эришиш мумкинлигини ҳам эътиборга олиш керак. Ўқувчилар шу оҳангдор мусиқийликдан моҳирона фойдаланиб, юксак ижрочилик маҳоратига эга бўлсин, кўшиқ оҳангидаги сирни фарқлай олсин. Ҳар бир ўқувчининг кўшиқни дилдан жўшиб куйлаши уни эстетик тарбияда, кўшиқ санъатига ошифта қилишнинг зарур шартларидан биридир. Демак, фольклор кўшиқчилиги санъатида барча таркибий жиҳатлар уйғунлашгандагина у ўқувчиларнинг эстетик ва ахлоқий тарбиялашнинг муҳим воситасига айланади. Кўриб ўтилган жиҳатларнинг биронтасида бузилиш содир бўлса унинг эстетик қиймати йўқолиб, таъсири камаяди. Шу боис Бухоро фольклор кўшиқларини танлаб олишда юқорида таъкидлаб ўтилган жиҳатларга жавоб берувчи омиллар, мезонлар инobatга олиниши мақсадга мувофиқ келади, деб ўйлаймиз.

Фольклор кўшиқларининг муҳим жиҳатларидан яна бир шундаки, уларда куйнинг асардаги ғоя, ҳис-туйғу ва кечинмаларнинг уйғун ритмик товушлар орқали ифодаланиши билан таъминлаши эстетик аҳамият касб этиб, у ўз навбатида кўшиқ санъати кудратида катта ўрин тутати. Шунга кўра, кўшиқни ижро этиш учун танлашда куйини қайси мусиқа асбоблари билан ижро этилишини ҳам инobatга олиниши юқоридаги жиҳатлардан биридир. Ўзбек халқ чолғу асбоблари жўрлигида ижро этилган фольклор кўшиғининг эстетик таъсири юқори бўлади, албатта. Лекин кузатишлардан аёнлашдики айрим мактабларда фортепиано, аккардеон, баян каби чолғуларда мусиқа дарслари ўтилмоқда. Бундай чолғу асбоблари фольклор кўшиғининг мазмун-моҳиятини талаб даражасида очиб беролмайди, албатта. Ваҳоланки, кўшиқнинг юқори бадий савияда ижро этилиши унинг эстетик таъсирини оширувчи муҳим омилдир. Айниқса, кўшиқ куйини миллий чолғу асбобларида

#3, 2020 PEDAGOGİK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

ифодалари ижро этиш, тиник ва яхши овозда куйлаш унинг ғоявий мазмуни ва тарбиявий таъсирни янада оширади. Зеро, фольклор кўшиқ ижрочилигининг муҳим жиҳати бу хонандаларнинг ижрочилик маҳоратидир.

Фольклор кўшиқларига мурожаат қилганда, аввало, улар қайси вилоят аҳлига кўпроқ тааллуқли эканлигига эътибор бериш, бошқа воҳаларга тегишли кўшиқларга аралаштириб юбормаслик уларни танлаб олишнинг энг муҳим шarti, мезони ҳисобланади. Масалан, Тошкент ва Фарғона водийси вилоятларига Хоразм ёки Бухоро вилоятларига хос кўшиқлар, уларга хос ижро йўлларини сақлаган ва анъанавийлигига эътибор берган ҳолда ёндашиш лозим. Фарғона водийсида кенг расм бўлган болалар фольклор кўшиқлари ўзига хос усулларда ижро этилади. Хоразмча куй ва кўшиқлар эса ижро услуби билан тамомила ажралиб туради. Самарқанд ва Бухоро вилоятида яшовчи халқ ижро этиб келаётган кўшиқлар ҳам ўзларининг этнографик жиҳатлари билан бошқа жойдаги фольклор кўшиқларидан фарқ қилади. Рақс жўрлигида ижро қилинаётган мавригилар фақат Бухорода учрайди. Буни Фарғона водийси ва Тошкентда *лапар* дейишади. Термалар эса Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё бахшилари ижодида кўпроқ учрайди. Уларни хоразмликлар *чўблама* дейишади. Булар фольклор кўшиқларига хос бўлган умумий жиҳатлардандир.

Фольклор кўшиқларининг ҳудудий хусусиятлари айрим даврларда нисбатан оммалашиб кетиш ҳоллари ҳам учрайди ва бутун Ўзбекистон учун муштараклик касб этади. Бу хулосани фақат XXI аср бошларига нисбатан айтадиган бўлсак, Хоразм усулидаги кўшиқлар эндиликда мусиқа санъатининг барча соҳалари – эстрада, замонавий оммавий кўшиқлар, лирик ва фольклор кўшиқларига ҳам татбиқ этилмоқда. Демак, бу бугунги куннинг оҳанги сифатида Республикаимизнинг барча ҳудудида амалга оширилаётган эстетик тарбия мазмунида ўз аксини топиши мумкин. Зеро, ўқувчи-ёшларнинг қизиқишлари ҳам эстетик тарбия самардорлигини таъминловчи педагогик омиллардан биридир.

Мусиқа таълимида Бухоро фольклор кўшиқларини танлаб олишга қўйиладиган методик талаблар ўқувчиларни фольклор кўшиқлари воситасида эстетик тарбиялаш бўйича бир қанча мақсадларни кўзда тутаяди. Бизнингча, фольклор кўшиқларини ижро этишга жалб этилган ўқувчи ёшлар билан бу борада иш олиб боришда, аввало, қуйидаги жиҳатларга алоҳида аҳамият бериш лозим:

1. Бухоро фольклор кўшиқлари ва куйлари ўқувчиларнинг маънавий оламига эмоционал таъсир кўрсатиши ва бу борада етарлича самара беришига эришиш.

2. Санъат билан воқеликнинг ижтимоий роли ва аҳамиятини таъкидлаган ҳолда уларнинг сертармоқ турларида Бухоро фольклор кўшиқларининг ўрнини, бадий қимматини, умуммаданиятимиздаги моҳиятини тўғри англаб олишга қўмаклашиш.

3. Ўқувчиларда санъатга оид билимларни мустақамлаш билан бирга уларда бу борадаги енгил-елпи, мазмунан саёз, таъсирсиз ва чет эл оҳанглирига солиб айтилган, ўзбек мусиқа маданияти анъаналарига зид бўлган кўшиқларга нисбатан муросасизлик туйғуларини ҳосил қилиш.

4. Ўқувчиларни Бухоро фольклор кўшиқларини маънавий-ахлоқий, фалсафий, ижтимоий-сиёсий томонидан тўғри баҳолай олиш, уларни тарбиявий хусусиятларини англашга ўргатиш.

5. Мақсад Бухоро фольклор кўшиқлари билан ишлаш бўлса-да, ўқувчиларда санъатнинг бошқа турларига ҳам меҳр-муҳаббат уйғотиш, уларнинг умуммаданий савиясини кенгайтириш.

6. Бухоро фольклор кўшиқларидаги назмий матннинг мазмунини тарбиявийлик нуқтаи-назаридан таҳлил қилиб уни ўқувчилар онгига тўлалигича етказиш.

Ўқувчиларни эстетик тарбиялаш жараёнида юқорида санаб ўтилган педагогик омилларни инобатга олиш кўзланган мақсадги эришишни кафолатлаши мумкин.

Умумий ўрта таълим мактабларининг мусиқа дарсларида, (шунингдек, бадий-ҳаваскорлик машғулотларида) Бухоро фольклор кўшиқлари билан ишлаш учун ўқитувчи (ва тўғарак раҳбарлари) зиммасига ҳам муҳим талаблар қўйилади. Мусиқа дарси муаллими (бадий-ҳаваскорлик тўғараги раҳбари) ўз ишини шундай ташкил қилиши лозимки, унда ўқувчилар дарсларда (бадий ҳаваскорлик машғулотларида) фольклор кўшиқлари билан танишиб, уларни ўрганиши, тинглаши, айрим кўшиқларга бағишланган суҳбат, таниқли хонандалар билан учрашув кечаларида қатнашишлари жараёнида ўзини кўшиқда ифодаланган бадий образлар, ҳис-туйғулар оғушида сезишини таъминлаш лозим. Шундагина Бухоро фольклор куй-кўшиқлардаги сеҳрли жозоба, эзуликка чорловчи мусиқий оҳанглар идрок этувчининг хаёлида, кечинмаларида, эстетик ҳиссиётида қайта ишланиб, унинг ўз тажрибасига айланади, янги ҳиссиётларни, инсоний туйғу ва муносабатларни вужудга келтиради. Шу жиҳатдан мусиқа дарси (тўғараклари) олдида ўқувчиларда фольклор кўшиқларига нисбатан муайян муносабат, қизиқиш, ҳавас, пировард натижада муайян маҳорат кўникмаларини шакллантириш асосий вазифа қилиб қўйилиши зарур. Бундай ҳолатлар фольклор

#3, 2020 PEDAGOGİK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

қўшиқлари воситасида санъатнинг ижтимоий роли ва вазифасини яхлит тасаввур қилиш натижасида ўқувчилар маънавий оламидаги ўзгаришлар, янги жиҳатлар пайдо бўлиш жараёнини тезлаштиради.

Юқорида қайд қилиб ўтилганидек, ўқувчиларга эстетик тарбия беришда бошқа воситалар қаторида халқ санъатининг энг оммавий ва таъсирчан турларидан бўлган Бухоро фольклор қўшиқларининг роли ва аҳамияти беқиёс бўлгани ҳолда, улардан фойдаланишда ҳам ўзига хос меъёрлар бўлиши лозим. Ўқувчилар ижроси учун тўғри келган Бухоро фольклорини танлаш ярамайди, албатта. Бунда барча ишлар мақсадга йўналтирилган ҳолда муайян педагогик асос, педагогик опробациядан ўтган методика замирида олиб борилишигина кутилган самарани бериши мумкин. Шунинг учун ҳам бу борада бир мунча ишлар амалга оширилиши керак бўлади. Булар, ўз навбатида, Бухоро фольклор қўшиқлари воситасида ўқувчиларга эстетик тарбия бериш бўйича бажарилиши керак бўлган вазифалар жумласига киради.

Биз ўқувчиларни Бухоро фольклор қўшиқлари воситасида эстетик тарбиялаш, шу орқали уларнинг маънавий оламини бойитиш ва дунёқарашларини шакллантиришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганимизда, аввало, ўқувчиларга аталган Бухоро фольклор қўшиқларини излаб топдик, баъзи ижрочилар овозини магнит тасмасига ёзиб олдик, уларнинг бадиий мазмуни ва мусикий тузилишини таҳлил қилдик, баъзиларини эса ноталаштирдик. Шундан сўнг ўқувчиларнинг мусикий-бадиий тайёргарликлари, овоз ва куйлаш имкониятларини ҳисобга олиб, уларни танладик ҳамда ўргатиш, таништириб боришни лозим топдик. Буни осонгина кечган иш деб бўлмайди, албатта. Чунки ҳозиргача мутахассислар томонидан аниқланган, ёзиб олинган Бухоро фольклор қўшиқлари анча сероб, жанр жиҳатидан хилма-хил. Агар уларни бир бошдан репертуарга киритадиган бўлсак, унда кутилган натижага эришиш анча мушкул бўлиб қолиши мумкин.

Шу ўринда ҳозирги кунда энг мукамал ва қимматли манба бўлмиш «Ўзбек халқ мусиқаси» тўпламининг тўртинчи тоmidан жой олган йилнинг турли фасллари билан боғлиқ 14 та болалар қўшиқлари билан ҳам танишдик, мазмунини таҳлил қилдик. Шунингдек, турли тўпламларда «алла»нинг кўплаб вариантлари, «ёр-ёр» номи билан юритиладиган тўй қўшиқлари намуналари, дostonлардан парчалар, тожикча, уйғурча айрим қўшиқлар ўрин олганлиги билан ҳам танишдик. Хулосалар шундан иборат бўлдики, улардан умумий ўрта таълим мактаблари мусиқа дарслари ҳамда ҳаваскорлик тўғарак машғулотларида унумли фойдаланиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилдик. Умуман олганда, улардан 5-7 синф мусиқа таълими босқичлари учун мос бўлган фольклор қўшиқларини танлаб олиш муҳим педагогик аҳамият касб этади.

Ҳозирги пайтда халқнинг миллий маданиятига эътибор кучаяётган экан, буни чуқур ҳис этган ҳолда мусиқа дарслари, синфдан ва мактабдан ташқари бадиий ҳаваскорлик тўғараклари ўз репертуарларида халқ санъати намуналарига кенг ўрин бериши керак. Шундагина фольклор қўшиқларидек бебаҳо бойликларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, улардан тарбия тизимида унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу мувофиқликни таъминлаш эса айнан умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари билан олиб борилаётган мусикий таълим мазмунига боғлиқ.

Мусиқа дарсларида фольклор қўшиқларини ўқувчиларга ўргатиш, улар воситасида иш олиб бориш жараёнида раҳбар мана шу сифатларни унутмаслиги керак. Ҳар томонлама тўғри ташкил этилган ҳаваскорлик дарсларида қатнашиб келадиган ҳаваскор хонандалардан келажакда машҳур санъаткорлар чиқиши мумкин. Ўз навбатида ҳаваскорлик санъати профессионал санъат намоёндалари сафларини тўлдирадиган муҳим омиллардан биридир. Лекин бу ерда бош мақсад фольклор қўшиқларининг профессионал ижрочиларини тайёрлаш эмас, балки улар воситасида ўқувчиларни эстетик тарбиялаш, бу тарбиявий жараёнга жалб этилган ўқувчилар сонини орттириш орқали фольклор қўшиқларини оммалаштириш, унинг эстетик таъсир доирасини кенгайтиришдан иборатдир.

Халқ ўртасида кўплаб машҳур ашулачи, ҳофизларнинг ҳаваскорлик ижодий мактабини ўтаб, профессионал санъатга кириб келганликлари бежиз эмас. Шунинг учун ҳам ашула дарсларида ёшларнинг мусикий ва ижрочилик қобилиятлари ривожланади. Ўрганиладиган, тингланадиган қўшиқларнинг гоъвий мазмуни ўқувчи ёшларда юксак маънавий сифатларни: ватанпарварлик, фуқаролик, дўстлик, байналмилаллик, меҳнатсеварлик, инсонга, она табиатга, юртига муҳаббат, Ватанга ва халққа хизмат қилиш иштиёқи каби ҳис туйғуларни шакллантиради. Дарс машғулотлари давомида ижрочилар ҳам, уларнинг тингловчилари ҳам бир хил бўлмасада, эстетик кечинмаларни ҳис этадилар. Бунда ижрочиларга жуда катта ҳиссий-маънавий вазифа юкланади. Улар имкони борича ўзлари ўрганиб, ижро этаётган қўшиқнинг нафосатини, маъноси ва моҳиятини тингловчиларга етказишлари, мусиқа, шеърият асари сифатида барча кўринишлари бирлигини яратишлари, яъни тингловчиларнинг маънавий ва эстетик дунёқарашларига ҳиссий таъсирини

#3, 2020 PEDAGOGİK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

таъминлашлари зарур. Ана шундагина кўзланган натижаларга эришиш, фольклор кўшиқларининг тингловчилар ва ижро этувчиларнинг ўзларини ҳам маънавиятига таъсир кўрсатишига эришиш мумкин. Буларнинг барчаси педагогик муаммо сифатида мақсадли ва комплекс тадқиқ этилгандагина кутилган натижа беради.

Кўриниб турибдики, умумий ўрта таълим мактабларида ташкил қилинадиган ашула дарсларининг ижодий имкониятлари жуда кенг ва серқирра бўлиб, улар орқали ўқувчиларни фольклор кўшиқлари воситасида эстетик тарбиялашнинг комплекс мақсад ва вазифаларини амалга ошириш мумкин. Шундай экан, ушбу вазифаларни аниқ мақсадга йўналтирилган принципларини белгилаш ва шу асосида иш олиб бориш, эришилган натижаларни бадиий, илмий жиҳатдан синчковлик билан таҳлил қилиб бориш диссертациянинг кейинги бобида ёритилади.

Адабиётлар

- 1.Ўзбек фольклор кўшиқлари (Овоз ва фортепиано учун). I-қисм. – Т.: ЎзДавнашр, 1959. -65 б.
- 2.Қорақалпоқ халқ намалари. (Ўзбек халқ музыкаси сериясидан). VIII-том. Тўплаган ҳам нотага олган А.Ҳалимов. – Т.: Ўз.ССР Давлат бадиий Адабиёт нашриёти, 1959. -406 б.
- 3.Қалб садолари. Музыка ҳаваскорлар дарслари учун амалий тавсиянома. – Т.: Тип. Китоб, 1991.-73 б.
- 4.Қобулниёзов Ж. Ўзбек совет фолькларининг ривожланиш йўллари. – Т.: Фан. 1969. -114 б.
- 5.Қосимов Н.Фольклор мусиқа ижрочилиги. – Тошкент: “Талқин”, 2008 – 192 б.
- 6.Хасанов А.Ш. Нравственное эстетического воспитание молодежи средствами музыки. – Т.: ФАН, -1985. с. 134 б.
- 7.Хасанов А.Ш., Қудратов И. Умумий ўрта таълим мактаблари ашула дарслари учун Програма. – Т.: Ўзб. Халқ таълими вазирлиги, 1990. -32 б.

Шерали АВЕЗОВ

Бухоро давлат университети
тасвирий санъат ва муҳандислик
графикаси кафедраси ассистенти

**РАЗВИТИЕ ТВОРЧЕСКОГО ПОТЕНЦИАЛА СТУДЕНТОВ
СРЕДСТВАМИ НАРОДНОГО ИСКУССТВА**

В статье рассматривается вопросы развития творческого потенциала студентов средствами народного искусства на основе богатого и огромного наследия великих предков, мыслителей и педагогов Востока. А так же указывается пути профессионального саморазвития будущих педагогов изобразительного искусства.

Ключевые слова: *профессиограмма, профессиональная подготовка, личностные качества, способности, творчество, мотивационно - целевые условия, творческий потенциал, традиционная народная художественная культура.*

Maqolada Sharqning buyuk ajdodlari, mutafakkirlari va ustozlarining boy va ulkan merosiga asoslangan xalq amaliy san'ati orqali talabalarning ijodiy salohiyatini rivojlantirish masalalari muhokama qilinadi. Shuningdek, kelajakda tasviriy san'at o'qituvchilarining mustaqil kasbiy rivojlanish yo'llari ko'rsatib o'tilgan.

Kalit so'zlar: *professiogram, kasbiy tayyorgarlik, shaxsiy fazilatlar, qobiliyatlar, ijodkorlik, motivatsion - maqsadli shartlar, ijodiy salohiyat, an'anaviy xalq san'ati madaniyati.*

The article deals with questions of development of creative potential of students by means of folk art on the basis of a rich and vast heritage of great ancestors, thinkers and teachers of the East. And also specifies the path of professional self-development of the future teachers of the fine arts.

Keywords: *professiogram, training, personal qualities, abilities, creativity, motivation and target conditions, creativity, traditional folk art culture.*

Современная педагогическая наука рассматривает эстетическое воспитание как сложную философскую и общественно-педагогическую систему, являющееся составной частью общей духовной культуры человека. Установлено, что эстетическое отношение человека к действительности, включая природную и предметную среду, искусству, так же как и литература имеет свои объективные закономерности, которые доступны осмыслению, изучению и использованию в эстетическом, нравственном и в конечном счете духовном развитии и воспитании личности. Эстетические закономерности находят проявление в жизни природы и общества, эстетическом сознании и деятельности.

Другое важное положение – эстетическое воспитание как категорию философскую и педагогическую возможно оценить как целенаправленный, организованный и контролируемый педагогический процесс формирования личности эстетического отношения к действительности и эстетической деятельности.

Значение эстетического воспитания, роль развития творческого потенциала педагогов-наставников средствами искусства и литературы неоднократно подчеркивались многими великими мыслителями прошлых веков: Аль Форобий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Абдулла Авлоний и др., выдающимися просветителями как Н.Чернышевский, Л.Толстой, В.Белинский... Данной проблеме были посвящены научные труды многих крупных ученых – педагогов прошлого столетия: В.Сухомлинского, А.С.Макаренко, А. Бакушинского, Л.Выготского и др.

Искусство, особенно народное, с заложенными в ней огромным эстетическим потенциалом и возможностями как наиболее «концентрированная и развитая» форма эстетического сознания занимает особое место как в общей проблематике эстетики как науки, так и в «профессиограмме», разработанной педагогической наукой. И здесь очень важным представляется разработка и создание педагогических условий развития творческого потенциала у студентов - будущих учителей предметов эстетического цикла в школе, в частности учителей изобразительного искусства. Исходя из анализа задач эстетического воспитания, вытекающих из трудов ведущих учёных Республики в области теории и методики развития творческого потенциала учащихся молодежи средствами народного, декоративно-прикладного искусства Узбекистана Р.Хасанова, Б.Бойметова, С.Булатова, К.Касымова и других, а также последних научных исследований эстетики, искусствознания, психологии и педагогики можно сделать вывод о том, что уровень эстетического воспитания

#3, 2020 PEDAGOGİK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

напрямую зависит от уровня эстетического образования будущих учителей. А в условиях Узбекистана, где искусство, особенно национальное декоративно-прикладное: миниатюра, художественная вышивка, золотое шитьё, керамика, художественная резьба и роспись по дереву и ганчу и др. имеют многовековые эстетические идеалы, эстетическое образование является определяющим фактором развития творческого потенциала студентов. Первый Президент Республики Узбекистан И.А.Каримов отмечал, что «...широкая пропаганда и популяризация лучших образцов национальной и мировой культуры должна стать основой духовного воспитания подрастающего поколения, современной нашей молодежи» [1, с.144].

Необходимым компонентом педагогических условий развития творческого потенциала студентов средствами народного искусства являются мотивационно-целевые условия. Мотивационно-целевые условия должны быть направлены на достижение дидактических, воспитательных и творческих целей. Дидактические цели, в свою очередь должны быть направлены на приобретение студентами – будущими учителями изобразительного искусства комплекса знаний, умений и навыков в сфере народного декоративно-прикладного искусства, особенно его исконных, традиционных видов. К примеру, при изучении традиционной вышивки Узбекистана студент должен знать её основные локальные центры Республики, генезис Бухарского центра художественного текстиля, вышивки школ Нураты, Шахрисябза, Самаркандского центра художественной вышивки, Сурхандарьи, Карши, Ташкентских, Ферганских центров, знать исторические этапы, динамику развития этого вида художественного ремесла, уметь выделить общие черты и локальные особенности этих школ.

В процессе изучения студенты осваивают технику и приёмы работы, композиции сюжана и других изделий, конструктивное построение узоров и орнаментов, колорита, постигая их прелесть и красоту.

Достижение дидактических целей, таким образом, направлено на формирование у обучаемых эстетической образованности, что и обеспечивает в будущем направленность педагога на эстетическое воспитание школьников, студентов колледжей и лицеев. И самое главное – реализуются такие творческие цели, как развитие у обучаемых способностей к художественному восприятию, формирует творческое мышление, способствует осмыслению значимости эстетического воспитания средствами народного искусства.

Очень важно при создании мотивационно-целевых условий освоения богатейшего художественного наследия наших предков, обеспечение содержательных условий – разработка программ, факультативов, спецкурсов, спецпрактикумов в соответствии с блоком «Предметы по выбору» типового учебного плана. Такой спецкурс по глубокому изучению народного искусства родного края в объеме 54 часов разработан на факультете искусства Бухарского государственного университета. Спецпрактикум в значительной степени обеспечен научно-методическим материалом, видео и фото материалами, творческими работами, учебно-методическими комплексами. Здесь задача – непрерывное пополнение содержания обучения с использованием современных информационных и педагогических технологий.

Кроме традиционных форм и методов обучения студентов исконным видам художественных ремесел – лекциях, беседах, практической работе в учебно-мастерских, в программе спецпрактикума предусмотрены экскурсии в музей народного декоративно-прикладного искусства, посещения творческих мастерских известных художников-ремесленников, их приглашения на встречи и выставки творческих работ. А.Бакушинский считает, что «очень большое воспитательное значение имеет... эстетическое восприятие природы, конечно главным образом в виде художественных экскурсий. Это восприятие должно представлять с собой своеобразную форму художественного творчества...» [2, с. 126].

Конечной целью организация педагогических условий должно быть формирование у студентов осознанного, устойчивого интереса к национальному народно-прикладному искусству, воспитание на этой базе эстетического вкуса и эстетической восприимчивости.

Таким образом, эффективность развития творческого потенциала студентов средствами народного декоративно-прикладного искусства напрямую зависит от оптимальности организации педагогических условий, что в свою очередь влияет на уровень эстетической подготовки и эстетической образованности будущего специалиста. Б.Неменский пишет: «Искусство как культура отношений ко всем явлениям жизни – это группа задач фактически вбирает в себя содержание искусства, выраженное через него нравственно-эстетические, эмоционально-ценностные критерии общества» [3, с.82]. «Постоянный источник эстетических воспитательных дел – мир искусства», - подчеркивает другой автор И.П.Подласый [4, с.170].

#3, 2020 PEDAGOGİK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

Развитие творческого потенциала студентов средствами народного искусства – это процесс целенаправленного формирования интереса и способностей личности к познанию и полноценному восприятию прекрасного, выработки системы представлений об истории художественной культуры узбекского народа, формирование потребностей проявить себя в прикладном искусстве, вносит элементы прекрасного в школьную жизнь.

Таким образом, традиционная народная художественная культура в процессе целенаправленного изучения, восприятия, занятия в рамках спецкурсов несёт в себе ряд эстетических воспитательных функций. Роль народного декоративно-прикладного искусства как действенного фактора эстетического воспитания и эстетической образованности будущих учителей-наставников приобретает в современных условиях исключительно важное значение, является настоятельной необходимостью жизни и способствует формированию высоких нравственно-эстетических качеств личности.

Литература

1. Каримов И.А. Узбекистан на пороге XXI века. Угрозы безопасности, условия и гарантии процесса. –Т.: Узбекистан, 1997. – 317с.
2. Бакушинский А.В. Исследования и статьи. Избранные искусствоведческие труды. – Москва, С.Художник, 1981. -350 с.
3. Неменский Б. Мудрость красоты. О проблемах эстетического воспитания. Кн. для учителя. – Москва:, просвещение, 1987. -255 с.
4. Подласый И.П. Педагогика. Новый курс: Учебник для студ.пед.вузов: В 2 кн. – М.: Гуманти.изд.центр ВЛАДОС, 1999. – Кн.2: Процесс воспитания. – 256 с.: ил.

JISMONIY TARBIYA VA SPORT

Искандар ХАМРАЕВ
старший преподаватель
кафедра теории и методики
физической культуры
Бухарский государственный
университет

Мохинур ИСКАНДАРОВА
студентка факультет
физической культуры
Бухарский государственный
университет

Наргиза БАХРОНОВА
студентка факультет
физической культуры
Бухарский государственный
университет

ПРИНЦИПЫ СОВРЕМЕННОЙ ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВКИ

В статье обобщены ведущие принципы современной профессиональной подготовки учителя на основе анализа принципов профессионального обучения и принципов вузовской подготовки в целом.

Сгруппированы и охарактеризованы такие принципы современной профессиональной подготовки учителя, как учет требований компетентного подхода; фундаментализация; студенто-центрированность; опережающий характер педагогического образования; непрерывность; преемственность; интегративность; вариативность; гибкость и открытость педагогического образования; практикоориентированность (технологичность) подготовки учителя.

Ключевые слова: *современная профессиональная подготовка, профессиональная подготовка учителя, цели современной подготовки учителя, принципы современной подготовки учителя.*

Мақолада олий таълим муассасаларида касбий таълим бериш принциплари таҳлили асосида бўлғуси ўқитувчиларнинг замонавий касбий тайёргарлигининг етакчи принциплари умумлаштирилган.

Компетентли ёндошув талабларини ҳисобга олиш; фундаменталлик; талабани марказлаштириш; индивидуал касбий “тарбиялаб вояга етказиш”; педагогик таълимнинг илгарилаб бориши характери; узлуксизлик; изчиллик; интегративлик; вариативлик; педагогик таълимнинг тез мослашувчанлиги ва очқлиги; ўқитувчи тайёргарлигининг амалиётга йўналтирилганлиги (технологиклик) каби ўқитувчини замонавий касбий тайёргарлиги принциплари гуруҳлаштирилган ва тавсифланган.

Калит сўзлар: *замонавий касбий тайёргарлик, ўқитувчининг касбий тайёргарлиги, ўқитувчини замонавий тайёргарлиги мақсади, ўқитувчининг замонавий тайёргарлиги принциплари.*

The article summarizes the leading principles of modern teacher training on the basis of an analysis of the principles of vocational training and the principles of university training in general.

In the article the principles of contemporary professional teacher' training are grouped and characterized. The most important of them are; adoption of requirements of competence-based approach; fundamentalization; student-centered teaching; individual professional “growing”; outrunning nature of teachers' education; continuity; succession; integration; variability; flexibility and openness of teacher education; practical orientation (process ability) of teachers' training.

Keywords: *contemporary professional training, professional teachers' training, aims of contemporary teachers' training, principles of contemporary teachers' training.*

Введение. С момента обретения независимости Узбекистан выбрал свой собственный путь развития и строит новое демократическое государство, основанное на верховенстве закона и гражданском обществе со стабильной социально ориентированной рыночной экономикой.

В реализации этого пути значительная роль отводится системе образования в целом и ее главному компоненту - профессиональному образованию. Система образования должна предоставлять широкие возможности для удовлетворения разнообразных образовательных потребностей человека и общества, повышения важности и престижа знаний, а также социальной защиты личности в условиях меняющихся потребностей экономики на основе гибкости общего образования, общего культурная, профессиональная и научная подготовка специалистов,

фундаментальный характер их знаний.

Цели и принципы современного педагогического образования определяются тенденциями развития профессионального педагогического образования. Они могут быть поняты в практике образовательного процесса и обобщены в научно-педагогических исследованиях и государственных документах по модернизации системы образования. В рамках данного исследования особое значение имеет Постановление Президента Республики Узбекистан № 2909 от 20.04.2017 г. «О мерах по дальнейшему развитию высшего образования», в соответствии с которым основная задача этой модернизации означает создание современной системы высшего образовательного образования, которая обеспечивает личностное и профессиональное развитие учителя и характеризуется устойчивой гуманитарной ценностью, гражданской идентичностью и поликультурными ориентациями, способными осуществлять эффективную образовательную деятельность в контексте потребностей и потребностей современного общества» [1].

В постановку задач современной педагогической подготовки включены исследования в области профессиональной подготовки педагогов (В.А. Адольф, Е.В. Балакирева, Е.А. Сейтхалилов, О.Л. Жук, А.М. Новиков, Н.Ф. Радионова, С.Б.Серьякова, И.Ю. Степанова, А.П. Тряпицына), также естественным образом прослеживается ориентация на современные подходы и тенденции развития образования, вызванные прогрессивной трансформацией образовательных парадигм.

В современном переходе к постиндустриальному обществу, характеризующемуся быстрыми и постоянными изменениями условий труда, цель педагогического образования состоит в том, чтобы подготовить учителя к быстрой адаптации к этим изменениям, чтобы подготовить его к педагогической деятельности, к независимости и профессиональной ответственности в принятии профессиональных решений. Все более актуальным в данный момент является переход к широкой общей культуре и начальному образованию с учетом личных навыков и потребностей учащихся, подготовка к творческой и преобразующей образовательной деятельности. «Это требует подготовки будущего учителя для определения стратегических перспектив развития образования и подчинения их краткосрочным и среднесрочным целям». [2, с. 43].

Цель исследования. Целью нашей работы был анализ принципов современной профессиональной подготовки учителя.

В контексте развития современного понимания образовательной профессии основной задачей современного образовательного образования является подготовка квалифицированных и конкурентоспособных, социально и профессионально мобильных преподавателей, которые свободно владеют этой профессией и способны к эффективной работе в своей области знаний на уровне мировых стандартов и к постоянному профессиональному развитию [3].

В связи с продолжающейся тенденцией к компетентностному подходу к развитию педагогического образования целью педагогического образования является также обучение компетентности как важнейшей функции, которая определяет «способность решать профессиональные проблемы и типичные профессиональные задачи, возникающие в реальных ситуациях профессиональной педагогической деятельности, с использованием знаний, профессионального и жизненного опыта, ценностей и наклонностей» [4, с. 8].

Профессиональная компетенция включает в себя взаимосвязанные и одновременно развивающиеся компетенции: ключевые, базовые и специальные. Ключевые компетенции необходимы для любой профессиональной деятельности. Основные компетенции связаны со спецификой конкретной профессиональной деятельности. Основными компетенциями педагогической деятельности являются компетенции, значимые для построения профессиональной деятельности в рамках требований к системе образования на определенном этапе развития общества. Специальные компетенции отражают специфику конкретного предмета и предметной области профессиональной деятельности. Ключевые и базовые компетенции реализуются именно в специальных компетенциях. Все эти типы компетенций пронизывают друг друга, возникающие в процессе решения профессиональных задач разного уровня сложности в разных контекстах и использования определенного образовательного пространства [4].

Конечно, принципы современного педагогического образования основаны на общих принципах профессионального образования, принципах высшего образования. Принципы профессионального обучения включают в себя:

- политехнический принцип (обеспечивает овладение знаниями научных основ производства, общепрофессиональные политехнические знания);
- сочетание обучения с продуктивной работой студентов (сочетание теории и практики);
- моделирование профессиональной деятельности в образовательном процессе (выявление и

#3, 2020 PEDAGOGİK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

трансформация типовых профессиональных и образовательных задач);

- профессиональная мобильность (развитие способности быстро осваивать технические, технологические и новые предметные области, а также необходимость самообразования и обучения);

- модульность профессионально-технического образования;

- создание производственной и учебной среды (обеспечение необходимого качественного образования и материальных ресурсов, благоприятных условий, адекватных условий труда и производственной практики);

- экономическая эффективность (планирование и подготовка специалистов с учетом их актуальности на рынке труда) [5, с. 114-120].

Методы исследования. В процессе работы нами использовались следующие методы исследования:

- библиографический розыск, сбор и систематизация документальной информации;

- критический анализ и синтез работ по данной проблеме

Цели профессионального педагогического образования определяются ценностью и целью высшего образования. Оно должно не только удовлетворять потребности личности в интеллектуальном развитии через высшее образование, но и укреплять культурные, моральные и научные ценности общества; обеспечивать преподавание на уровне, максимально приближенном к наивысшим и актуальнейшим достижениям науки и практики; содействовать формированию гражданской позиции и творческих способностей личности.

Принципы, специфичные для высшего образования:

- ориентироваться на развитие личности будущего специалиста;

- соответствие содержания высшего образования современным и прогнозируемым тенденциям развития науки и производства;

- оптимальное сочетание общих, групповых и индивидуальных форм организации учебного процесса в вузе;

- рациональное использование современных методов и средств обучения;

- соответствие результатов подготовки специалистов требованиям сферы их профессиональной деятельности;

- Обеспечение конкурентоспособности будущего специалиста [6, с. 12].

Анализ принципов современной педагогической подготовки, предлагаемых современной педагогикой (В. А. Адольф, Е. В. Балакирева, Е. А. Сейтхалилов, Т. В. Бурлакова, А. Я., Данилюк, М. Б. Есаулова, О. Г. Кочергина, Н. А. Палихова, С. Б. Серякова, И. Ю. Степанова, Н.Ф. Радионова, А.П. Тряпицына) можно утверждать, что основным принципом педагогического образования сегодня является принцип учета компетентностного подхода к требованиям (существенным признакам).

Эти функции включают в себя: результирующий фокус; студенческая центрированность; практико-ориентированный контент-тренинг; создание благоприятной среды развития; смещение акцента с дисциплинарных и контент-ориентированных на компетенции и ожидаемые результаты образовательного процесса; отказ от объединения, включение автономных ресурсов, реализация академических свобод, либерализм в области дизайна образовательного контента; ориентация на образовательные цели, такие как обучение, самоопределение, самореализация, социализация и развитие личности; Принимая во внимание преобладающие перспективы в стандартах, чтобы выровнять подготовку выпускников к будущей эффективной профессиональной деятельности в мире будущего; основное внимание; повышение степени свободы студентов при выборе индивидуальных образовательных путей [7].

Вышеуказанные требования (существенные характеристики) компетентностного подхода рассматриваются исследователями, как правило, как самостоятельные принципы современного профессионального педагогического образования

Принцип базовой педагогической подготовки лежит в основе профессионального образования и обучения, что обеспечивает интеграцию университетов и учебных заведений, подготовку научных и педагогических кадров, в том числе инновационной деятельности. С точки зрения подготовки учителей «принцип фундаментальности означает необходимость предоставления базового научного образования, необходимого в качестве ресурса для продолжения профессиональной деятельности и непрерывного профессионального обучения для достижения нового уровня профессиональной компетентности». «[8, с. 23].

#3, 2020 PEDAGOGİK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

Принцип студенческой направленности состоит в том, чтобы создать благоприятную среду обучения для каждого студента, консультировать его, стимулировать творческую и исследовательскую деятельность и вовлекать их в организацию учебного процесса. Он предназначен для сочетания акцента преподавания на обучении как активной образовательной деятельности. В связи с этим меняется роль учителя: обучение студентов для достижения конкретных целей и поддержка развития их навыков.

Принцип, ориентированный на студента, тесно связан с принципами перехода от подготовки учителя к индивидуальной профессиональной ориентации и профессиональной подготовки учителей (профессиональный принцип - «от профессии к личности», личный принцип - «от личности к профессии »).

Индивидуализация педагогической подготовки предусматривает реализацию индивидуальных образовательных программ, формирование у будущего учителя качеств, необходимых для успешной социализации, обеспечение практического решения проблем современного обучения. «Внешняя индивидуализация» - направленное влияние внешнего образовательного пространства – предполагает адаптацию содержания и форм образовательного процесса к индивидуальным особенностям каждого учащегося. «Внутренняя индивидуализация» (ориентация «со стороны студента») - «процесс, направленный на раскрытие индивидуальных устремлений, реализацию сути, развитие жизненных смыслов, стилей деятельности. Одним из факторов проявления внутренней индивидуализации является осознанная необходимость качественного изменения себя в лучшую сторону» [9, с. 40].

Профессиографический принцип характеризуется выбором основных качеств личности, которые являются значимыми на профессиональном уровне в соответствии с требованиями конкретной профессии учителя, что предполагает приоритет в педагогической подготовке принципов комплементации (дополнения к содержанию педагогической подготовки знания о профессии), трансформация (создание более эффективного развития профессиональных навыков) и интеграция (создание условий, необходимых для решения профессиональных задач с использованием инновационных стратегий подготовки) [3].

Подготовка учителей на основе развивающегося и ведущего характера их подготовки - это прежде всего подготовка учителей с учетом позитивных изменений в их ценностных ориентациях, параллельная взаимосвязанная подготовка ключевых, фундаментальных и специальных навыков, личностных навыков и профессиональных качеств для последующего успеха в решении задач профессиональной деятельности в ожидаемом будущем, восполнение пробелов в навыках, сформированных с точки зрения этой перспективы.

Принцип непрерывности в профессиональной педагогической подготовке связан с многоуровневым построением (доузовское, вузовское, послевузовское), принципами преемственности и интегративности. Реализация принципа непрерывности облегчается созданием условий для формирования у будущих учителей способности самостоятельно учиться, готовности к непрерывному профессиональному самообразованию и росту. Принцип непрерывности также заключается в обеспечении организационной и предметной непрерывности, преемственности, постоянного совершенствования образовательных стандартов, учебных планов, программ, а также форм и технологий подготовки учителей.

Преемственность является одним из основополагающих принципов прогнозирования и проектирования педагогического образования. Направления его работы включают в себя: многоуровневую систему подготовки учителей, которая переходит от высокопрофессиональной и унифицированной подготовки учителей к широкому культурному и базовому общему образованию, сохраняя инструментальную направленность; активный поиск взаимодействия разных уровней подготовки учителей (от учительских классов до последипломного образования); расширение педагогического пространства («педагогизация общества»); развитие профессионального методологического мышления в профессиональном педагогическом образовании; выявление «социально-образовательных разрывов», возникающих между подсистемами и уровнями подготовки учителей и создающих «образовательные тупики» [10].

Принцип интегрируемости предусматривает интеграцию общенаучных и психолого-педагогических знаний, методов, форм и методов обучения; междисциплинарное сотрудничество научных дисциплин и учебных модулей; использование современных образовательных интегративных технологий для формирования компетенций на предметном уровне и обеспечения интеграции полученных знаний и опыта в целостный образовательный процесс [8, 11].

#3, 2020 PEDAGOGİK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

Актуальными в современной профессиональной подготовке учителя являются также принципы вариативности, гибкости и открытости педагогического образования.

Вариативность в подготовке учителей предполагает повышение уровня подготовки учителей за счет вариативной части, давая студентам право выбора, создавая благоприятные условия для проявления их самостоятельности, приобретая опыт вариативности в деятельности и самоопределения в ситуации выбора. «Чем разнообразнее учитель, чем больше он проявляет себя по-разному, тем более блестящей является его творческая личность, чем творчески разнообразнее его образовательная среда, тем больше он творчески взаимодействует со своей средой» [12]

Гибкость педагогического образования подразумевает его быстрое реагирование на потребности рынка труда, обеспечение адаптации содержания подготовки учителя к меняющимся требованиям современного образования, а также удовлетворение личных и профессиональных потребностей учащихся.

Открытость подготовки учителей в основном связано с ее развитием во взаимодействии с другими системами. На практике этот принцип реализуется на уровнях образовательной системы, образовательного учреждения и учебного процесса и предполагает нормативное, дидактическое и тематическое открытие, а также открытие планирования. Подготовка учителей должна быть направлена на формирование профессиональной открытости даже на уровне образовательных целей [13].

Следует отметить, что вышеуказанный принцип учета требований компетентностного подхода также определяет принципы выбора содержания современной педагогической подготовки; социокультурность, практическая направленность, гуманизация образования, гуманитаризация, фундаментализм, историзм (научная объективность в освещении изучаемых процессов), взаимодополняемость (характеризует взаимодействие форм педагогического знания: обыденного, научного, ненаучного). Среди них основными являются социокультурность и практическая направленность [3]. Показательно, что принцип практической направленности также называют принципом технологичности. Он «направлен на реализацию методологической связи науки и практики» [14, с. 70].

Результаты исследования и их обсуждение. Стратегические направления развития отечественного педагогического образования, изложенные в Постановлении Президента Республики Узбекистан № 2909 от 20.04.2017 г. «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» [1], обусловили формулировку обширного перечня принципов этой модернизации, которые становятся принципами современной педагогической подготовки. Модернизация педагогического образования, согласно постановления, должна осуществляться на принципах:

- открытость (готовность основных субъектов образовательного процесса к диалогу, взаимообогащению, формирование у будущего учителя готовности к сотрудничеству, согласование оценок и действий);

- целостность (формирование целостных представлений об образовательном процессе, его предметах и объектах, будущей профессиональной деятельности);

- коллегиальность (с одной стороны, коллегиальное понимание реальности педагогического образования, использование коллективно принятых норм и правил, с другой стороны, принимая во внимание способности субъектов педагогического образования к коллегиальным действиям и их готовность к субъект-субъектному взаимодействию);

- культурное соответствие (использование различных аспектов личной и профессиональной культуры учителя: предметная культура, культура педагогической деятельности и педагогической мысли, культура личного, коммерческого, профессионального общения, профессиональные и личные навыки);
- самоопределение (избегает формальностей подготовки учителей, повышает осознание необходимости и профессиональной и личной значимости профессии учителя);

- наставничества (управление процессом усвоения педагогического опыта будущим учителем посредством организации его рефлексии и самообразования, обеспечения непрерывности образовательной деятельности и ее развития);

- непрерывность (обеспечение отношения учителя к непрерывному профессиональному развитию и личностному росту);

- вариативность (с учетом индивидуальных особенностей учащихся, условий образовательной ситуации, возможности выбора собственной траектории личностного и профессионального развития, личной ответственности за результаты образовательного процесса);

#3, 2020 PEDAGOGİK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

- ориентация на будущее (акцент на будущее развитие школы, системы образования в целом, педагогической профессии);
- оперативность (подготовка специалистов, готовых профессионально решать реальные проблемы практики обучения);
- динамизм (подготовка у будущих учителей таких качеств, таких как профессиональная мобильность, инновационность, гибкость, готовность к изменениям);
- инновации (определить потребность в инновациях, определить необходимость ее реформирования с помощью специальных инструментов, поиск образовательных решений, которые можно использовать для модернизации инноваций, точно разработать инновационную модель системы образования в ее наборе или отдельных элементах расчет практической значимости и эффективности инноваций перед их применением на практике, защита образовательных инноваций от псевдоноваторов).

Выводы. Таким образом, большинство принципов профессиональной педагогической подготовки, которые характеризуют его «текущее состояние» (например, открытость, вариативность, ориентация на будущее), также имеют отношение к текущей модернизации нашей педагогической подготовки.

Литература

1. Постановление Президента Республики Узбекистан № 2909 от 20.04.2017 г. «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования».
2. Степанова И.Ю., Адольф В.А. Профессиональная подготовка учителя в условиях становления постиндустриального общества. Красноярск: КГПУ им.В.П.Астафьева, 2009. 520 с.
3. Балакирова Э.В. Профессиональный подход к развитию теории педагогического образования //Человек и образование. 2009. №3 (20). С. 60-64.
4. Радионова Н.Ф.,Тряпицына А.П. Перспективы развития педагогического образования: компетентностный подход //Человек и образование. 2006. №4-5. С. 7-14.
5. Профессиональная педагогика: учебник для студентов, обучающимся по педагогическим специальностям и направлениям: 3-е изд.перераб. /под ред. С.Я.Батышева, А.М.Новикова. М.: ЭГВЕС, 2009. 456 с.
6. Педагогика. Большая современная энциклопедия /сост. Е.С.Рапацевич. Минск: Современное слово, 2005. 720 с.
7. Сейтхалилов Э.А., Айрапетьянц Л.Р. К вопросу о современных подходах оценки результатов образования // ФАН – СПОРТГА. 2009, № 2. С. 17-21.
8. Серякова С.Б. Принципы перехода высшего педагогического образования на уровневую подготовку в контексте Болонского процесса // Пед. образование и наука. 2011. № 8. С. 22-26.
9. Бурлакова Т.В. Принципы индивидуализации профессиональной подготовки будущих учителей //Ярославский пед. вестн. 2008.№ 4 (57). С.40-44.
10. Есаулова М.Б. Принцип преемственности в современном профессиональном педагогическом образовании // Известия Рос. гос. пед. ун-та им. А.И.Герцина. 2005. № 12. С. 233-235.
11. Куровский В.Н., Пяткина Г.Н. Образовательные системы как интегрирующий фактор и механизм воздействия социальной и экономической сфер общества // Вестн. Томского гос. пед. ун-та (TSPUBulletin). 2015. Вып. 3 (156). С. 159-164.
12. Кочергина О.А. Вариативность общепедагогической подготовки как условие развития творческой индивидуальности будущего учителя: дис... канд. пед. наук. Ростов нД, 2002. 179 с.
- 13.Зубарева К.А. Открытость как феномен современного образования // Педагогическое образование в России. 2012. № 3. С.6-10.
14. Черкасова И.И., Яркова Т.А. Педагогика высшей школы: учеб. пособие для аспирантов. Тобольск ТГСПА им. Д.И.Менделеева, 2012. 171 с.

Ҳасан САФОЕВ

Бухоро муҳандислик технология
институтининг жисмоний маданият
кафедраси ўқитувчиси

ФУТБОЛЧИНИНГ МОДЕЛИ – УНИНГ ТАКТИКАСИ СИФАТИДА

Мақолада футбол спорт турида техниканинг аҳамияти, ёш футболчиларни тайёрлашда техниканинг босқичлари, уни ривожлантиришга оид усуллар ҳақида маълумотлар келтирилган. Ҳозирги кунда футбол ўйинининг тезкор суръатда ўсиб бориши футболчилардан техник ҳаракатларни ўйин давомида аниқлик билан бажаришни талаб қилмоқда. Бу эса ўйин давомида кўп маротаба амалга ошириладиган тўпга зарба бериш техник усулини бажаришларида аниқлик билан ҳаракатланиш кераклигини билдиради. Футболчиларни зарба бериш техник усулларини ривожлантиришнинг асосий воситаси, бу шугуланувчиларни тўп билан ишлашда ўйин фаолиятига хос бўлган машқлардан фойдаланиш ҳисобланади. Мақолада футболчиларни ҳозирги замонавий футболга тайёрлашда машгулот юктамаларни меёрлаш, мусобақа даврида спортчиларнинг функционал имкониятларини юқори даражада бўлишини таъминлаб, шу орқали уларни техник-тактик ҳаракатларини ва ўйин давомидаги бажариладиган ҳаракат фаолиятларининг самарадорлигини ошириш ҳамда бўлажак мусбақаларда яхши ўйин кўрастиб юқори натижаларга эришиш учун ааҳамиятли бўлган фикр-мулоҳазалар келтирилган. Футбол спорт турида тактика ва тактик тизимларнинг аҳамиятихусусида фикр юритилган.

Калит сўзлар: тайёргарлик турлари, футболчининг маҳорати, тўпни бошқариш, финтлар, тизимли ёндашув субъектив усул.

В статье приводится информация о важности технологий в футболе, этапах развития технологий в подготовке молодых игроков и путях их развития. В настоящее время быстрый рост футбола требует от игроков выполнения точных технических действий на протяжении всей игры. Это означает, что вы должны быть очень точными в выполнении техники удара по мячу, которая повторяется много раз в течение игры. Шокирующие игроки - это основное средство развития технических навыков, а именно использование стажеров для тренировки мяча. В статье подчеркивается важность стандартизации рабочих нагрузок для подготовки игроков к современному футболу, обеспечения высокого уровня функциональности для спортсменов во время соревнований, тем самым повышая их технические и тактические показатели и улучшая их производительность на будущих соревнованиях. комментарии даны. Обсуждается значение тактических и тактических систем в футболе.

Ключевые слова: Тип подготовки, навыки игрока, контроль мяча, винты, системный подход - субъективный метод.

The article provides information on the importance of technology in soccer, the stages of technology in the training of young players, and how to develop them. Currently, the rapid growth of football requires players to perform precise technical actions throughout the game. This means that you must be very accurate in performing the technique of hitting the ball, which is repeated many times during the game. Shocking players are the main means of developing technical skills, namely the use of interns to train the ball. The article emphasizes the importance of standardizing workloads to prepare players for modern football, ensuring a high level of functionality for athletes during the competition, thereby improving their technical and tactical performance and improving their performance in future competitions. comments are given. The importance of tactical and tactical systems in football is discussed.

Keywords: type of preparation, player skills, ball control, screws, systematic approach is a subjective method.

Бугун мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасини қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳукумат қарорлари жуда муҳим, чунки бу соҳа бугун ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг муҳим омилига айланиб улгурган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 мартдаги “Футболни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3610–қарори юртимиз футболни ва соҳа мутахассислари учун улкан имкониятларни яратиб берди. Ушбу қарорнинг ижроси, албатта, юртимиз футболда истикболли ўзгаришларни амалга оширишда туртки бўлади. Бугун футболчиларни тайёрлаш, тайёргарлик тизимларини такомиллаштириш ва уларнинг натижавийлигини таъминлашга доир ишларга алоҳида эътибор қаратилганлиги қарорнинг ижросидир.

#3, 2020 PEDAGOGİK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

Бошқа спорт ўйинлари каби футболда ҳам ғалабага интилувчи икки жамоа учрашадилар. Ғалаба учун кураш, спортчилардан жуда кучли жисмоний, ақлий ва иродавий хусусиятларни талаб қилади. Фақат ўз маҳоратларини тўлиқ қўллай олган футболчиларгина кучлар тенг бўлган рақиб билан яққа курашларда муваффақиятни таъминлаши мумкин. Ҳар бир жамоа ўйин давомида турли воситалар ва усулларини қўллаб ҳужум ҳаракатларини кўп марта амалга оширадилар. Спортчиларнинг тактик етуқлиги, мақсадга эришишни таъминлаб бериш, ҳужум ва ҳимоя ҳаракатларини олиб боришда маълум воситалар, услубият ҳамда ҳужумда ўз имкониятларидан кенг фойдаланишни билишларидадир.

Футбол ўйин тактикаси ҳақида: “Тол ура оладиган футболчи индивидуаллигига умид қилиши, вазиятга умид қилиши билан тенгдир. Вазият бу уйушқоқлик, мантиқийлик, жамоавийликдир” дея мулоҳаза юритади дунё футболининг машхур мураббийларидан В.В.Лобановский. Жамоавий ўйиннинг модели албатта, биринчи навбатда жамоа принципларига риоя қилишга қодир футболчи моделидир. Аксинча, жамоавий футбол импровизатсиянинг олий шакили, тараққий этган тактика пойдеворига мустаҳкам асосланади ва тўлиқ индивидуаллик эса, агар юлдузлар бундай ўйинда хали ярақламаган бўлса, демак жамоанинг муваффақиятига эришиш имкониятлари анча ошади.

Дунё футбол тарихида, бирон-бир ягона тизим кўп йиллар давомида мўжизавий ҳисобланганлиги тўғрисида жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. 1940 йилларнинг бошларида испанлар 1-3-2-5 тизимни қўллаб ҳайратланарли натижаларга эришдилар. Кейин эса дунёнинг барча жамоалари фақат шу тизимни қўллай бошладилар. Аммо 1958 йил Швециядаги жаҳон чемпионатида бразилияликлар 1-4-3-3 тизимини қўллаб ғолиб бўлдилар. Албатта, анча вақт бу тизим тараққий этган тизим ҳисобланган.

Футбол ўйинини вужудга келтириш воситаси бу техник усуллардир. Юксак спорт натижаларига эришиш кўп жиҳатдан футболчининг ана шу хилма-хил воситаларни қанчалик тўлиқ билишига, рақиб жамоа ўйинчилари қаршилиқ кўрсатаётган, кўпинча эса чарчоқ орта бораётган шароитда ўйин фаолиятидаги турли ҳолатларда уларни қанчалик моҳирлик билан, самарали қўллай билишга боғлиқ. Футбол техникасини яхши билиш футболчининг ҳар томонлама тайёргарлик кўриши ва мутаносиб камол топиши жараёнининг ажралмас қисмидир.

Ўйин тараққиётининг юз йилдан ортиқ тарихи мобайнида футбол техникасида муайян ўзгаришлар бўлди. Бу эволютсиянинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат: бошнинг чакка қисми ва орқаси билан зарба бериш, тўпни болдир билан тўхтатиш сингари номақбул усул ва усулларни қўллаш анча камайган, дарвозабон техникасида эса оёқнинг юзи билан зарба бериш, тўпни сон ва кўкракда тўхтатиш, тўпни қўл билан ташлаш, алдаш ҳаракатлари (финтлар) кабилардан фойдаланиш унумдорликни оширмоқда.


Биомеханика нуқтаи назаридан мақбул ҳаракатлар тизими сифатида футболдаги техник усуллар, яъни ўйин ҳаракатларининг тезлиги ва аниқлигини ошириш имконияти кенгроқ. Тезлик ва ишонччилик, соддалик ва самарадорлик – футбол техникасини қўллашга қўйиладиган ҳозирги кундаги талаб ана шулардан иборат.

Футбол техникасининг таснифни умумий ўзига хос белгиларига қараб гуруҳларга ажратиш мумкин.

Ўйин фаолиятига қараб футбол техникасини қуйидаги иккига ажратилади: майдон ўйинчиси техникаси ва дарвозабон техникаси. Майдон ўйинчиси ва дарвозабоннинг ҳаракатланиш техникаси ва тўпни бошқариш техникаси ўзига хослиги билан фарқланади. Масалан, футбол техникасининг ифодаланиши майдон ўйинчиси ва дарвозабон учун умумий бўлган ҳаракатланиш техникасидан бошланади. Чунончи, ўйин давомида ҳаракат йўналишини ўзгартириш учун чалиштирма қадам ташлаб югуриш ҳолатидан фойдаланилади. Бунинг учун турган жойидан ўнгга ёки чапга силтаниб югуриш ҳолатида, бурилиб олгандан кейин фойдаланилади. Бу финт ҳаракатланишнинг ўзига хос воситаси бўлиб, ундан ўйинчилар бошқа югуриш турлари билан биргаликда қўллайдилар.



1-расм



2-расм

Чалиштирма қадам ташлаб югуриш ва ён томонга ижро этиладиган югуриш қадамлари 1-расмда ифодаланган. Югуриш пайтида ҳавода учуш фазаси жуда қисқа бўлганлиги боис қадам

#3, 2020 PEDAGOGİK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

ташлаш циклининг бирида яъни қўшалок қадам ташлаганда, силтанувчи оёқ таянч оёқнинг олдига чалиштириб ўтказилади. Шунинг учун бундай финт чалиштирма қадам ташлаб югуриш деб ифодаланади.

Тактик жиҳатдан зарур ҳолатга ўтишда ҳолатида жуфтлама қадам ташлаб югуриш финтидан фойдаланилади. Масалан, ўйинчи олдини тўсиб олишда бундай тактикадан фойдаланиш мумкин. Дастлаб ҳаракатланиш фазаси сифатида қўлланилган бўлса, ўйиннинг кейинги босқичларида вазиятга қараб, ҳаракатланиш техникасининг турли усуллари билан амалга оширилади.

2- расмда кўрсатилганидай жуфтлама қадам ташлаб югуриш ҳолати оёқларни сал букиб бажарилади. Биринчи қадамни ҳаракат йўналишига қараб олд оёқдан бошлаб, ён томонга ташланади. Иккинчи қадамда эса оёқлар жуфтланади. Дипиниш ва силтаниш ҳаракатларида зўр бериш юқори томонга эмас, балки ён томонга йўналтирилади.

3-расмда ифодаланганидек, ташланиб тўхташ сўнгги югуриш қадами ҳисобига бажарилади. Яъни силтанган оёқни олдинга узатиб, товонга таянган ҳолда, оёқ ерга қўйилади. Икки оёққа таяниб қолиш билан ташланиб тўхташ ҳолатида оёқлар анчагина букилиб амалга оширилади.

Барча хил тўхташлардан кейин, одатда, турли йўналишларда ҳаракат давом эттирилади. Шунинг учун тўхташдаги сўнгги ҳолат кейинги ҳаракатнинг старт ҳолати бўлишига олиб келади.

Бурилиш тактикаси ёрдамида футболчилар тезликни минимал камайтириб, югуриш йўналишини ўзгартирадилар. Бунда турган жойда бурилгандан кейин старт ҳаракатлари бошланади. Зарба бериш, тўпни тўхтатиш, тўпни олиб юриш ва финтларнинг айрим усуллари бажариш бурилиш техникаси таркибига ҳам киради.



3-расм

Ҳатлаб ўтиб бурилиш, сакраб бурилиш, таянч оёқда бурилиш кабилар бурилишнинг усуллари дир. Ўйин шароитига қараб ён томонга ва орқа томонга бурилиш мумкин. Бурилиш техникаси турган жойда ҳам, ҳаракат пайтида ҳам амалга оширилиши мумкин. Ҳатлаб ўтиб бурилганда, қисқа-қисқа 2-3 қадам ташлаш ҳисобига керакли йўналишга қараб бажарилади.

Сакраб бурилиш ҳаракат йўналишини тўсатдан ва тез ўзгартиришда яхши самара беради. Бу тактика бурилиш томонга фаол депиниб ҳамда силкинадиган оёқнинг қафти шу томонга айлантирилади. Сакраш унчалик баланд бўлмаса-да, тўла-тўқис бажарилади.

Таянч оёқда бурилишнинг икки хил кўриниши бор. Биринчисини бажаришда бурилиш йўналишидан узоқдаги оёққа таянилади. Бунда футболчи гавда оғирлик маркази ўқининг проекциясини таянч сатҳ чегарасидан чиқариб, таянч оёқ учиде бурилиш томонга айланади. Иккинчисиде ҳаракат йўналишига яқин оёққа таянилади, гавда оғирлик марказининг ўқи бурилиш томонга кўчади. Ўтказиладиган оёқни ҳам шу йўналишда таянч оёқнинг олд томонига чалиштириб қўйилади. Бурилиш сал букилган таянч оёқ учиде бажарилади.

Майдон ўйинчилари қўлда бажарадиган ягона усул бу - тўпни ташлаш техникасидир. Бу ҳаракатининг тузилмаси кўп жиҳатдан футбол қондаларининг талабига кўра белгиланади. Бу техника унча мураккаб бўлмасада, аммо тўпни узоқроқ масофага етказиб ташлаш учун махсус кўникма ҳосил қилинган бўлиши керак. Қорин ва елка камари ҳамда қўлдаги мушак биргаликда муайян даражада куч бериб амалга оширилади.

4-расмда кўрсатилганидек, тўпни ташлаш техникасида кенг ёзилган бармоқлар уни ён томонидан, яъни ўйинчига қараган томонига яқинроқ ҳолатда, бош бармоқларни қарийб бир-бирига теккизган ҳолатда ушлаш керак бўлади.



4-расм

**5-расм**

Кўлни юқоридан орқага тортиш тайёрлов босқичи ҳисобланади. 5-расмда кўрсатилгандек, дастлабки ҳолат – оёқларни кериб ёки қадам ташлаган ҳолатда туриш лозим. Тўпни тутган қўллар тирсакдан сал букилади ва юқори кўтарилиб, бошдан орқага ўтказилади. Гавда орқага эгилади, оёқлар тиззаси букилиб, гавданинг оғирлиги орқадаги оёққа тушади. Оёқлар, гавда, қўлларни кескин ростлашдан бошланган тўпни ташлаш ҳаракати улоқтириш томонга бармоқлар ёрдамида куч бериш билан якунланади.

Яқунлаш босқичини бажариш тўпни ташлаш вақтида футболчининг иккала оёғи ерга тегиб туриши қоида талабларига мувофиқ бўлиши керак. Шунинг учун яқунловчи босқични бажаришда бир қанча вариантларидан фойдаланиш мумкин. Масалан, биринчи ҳолда ўйинчи қўллари фронтал текисликдан ўтаётганда тўпни қўйиб юборади ҳамда гавданинг олға томон ҳаракатини дарҳол тормозлайди. Айрим ҳолларда улоқтириш пайтида орқадаги оёқ олдинги оёқ билан жуфтланади. Яқунловчи босқичда атайлаб йиқилиш мумкин. Бунда гавда фронтал текисликдан ўтганидан кейин, тўп ташлаб юборилган заҳоти олдга-пастга томон ҳаракат давом этади. Қўллар гавдадан илгарилаб кетиб, ерга тушади-да, йиқилишни амортизациялайди.

Ташлаш техникаси ташлаш узоқлигини ошириш мақсадида югуриб келиб улоқтирилади. Югуриб келиш пайтида тўпни ташлашда қатнашдиган ўйинчиларнинг тезлигини оширишга ёрдамлашади.

Футбол тараққиётининг ҳозирги босқичида ўйин шиддати ўсиб бормоқда. Бу эса ўйинчидан, энг аввало, кутилмаганда ўзгарадиган вазият, чегараланган вақт ва макон шароитида техник-тактик усулларни тез ва самарали бажара олишни талаб этади. Бугунги кунда муваффақиятларга эришишни истаган жамоа тез ўйнаши билан бирга, оқилона техникага эга бўлиши, уни тезкор ҳаракатлар билан уйғунлаштира олиши лозим. Шунга кўра айрим футбол мутахассислари “тезкор техника” деган атамани қўллайдилар. Хужум ва ҳимоя орасидаги курашлар ўз орасида финтлар, дриблинг, тез ҳамда аниқ яширин узатишлар ётадиган ўткир техника ёрдамидагина хужум фойдасига ҳал бўлиши мумкин.

Мамлакатимиз ва чет эл мутахассисларининг фикрича, оммавий мудофаа чоғида голли ҳолатлар фақат тўпни оқилона, тез ва аниқ қабул қилиш орқали юзага келтирилади. Бундай шароитда, одатда, тўпли ўйинчи ёки унинг шериклари икки-уч рақибни ишонч билан айланиб ўтиш кўмагидагина зарба бериш мумкин бўлган вазиятга чиқа оладилар. Бирок, бу айниқса, финтлар, алдаб ўтишлар бобидаги алоҳида маҳорати ғайри-оддий даражада юксак бўлган футболчиларнинггина қўлидан келади. Техник кўникмалар оддий, тезкор ва мақсадга мувофиқ бўлиши керак. Илгари жуда муҳим саналган техник усуллар, масалан, тўпни бутунлай тўхтатиш ўйинида жуда кам қўлланадиган бўлди, зеро, замонавий оқилона ўйинида тўпни тўхтовсиз равишда ҳаракатга узатишга ўтиб бориляпти. Иккинчи томондан, айрим техник усуллар катта аҳамиятга эга бўлиб қолди. Бу ерда гап финтлар, айланиб ўтиш, яширин узатиш устида кетмоқда. Аммо айланиб ўтишни ўйинчилар жуда яхши ўзлаштириб олганларидагина у муваффақият келтириши мумкин. Шунинг учун техник тайёргарлик кўп йиллик жараённинг мантиқий бир ҳалқаси ҳисобланади ва унинг ҳар бир босқичи ўз муайян мақсадлари, вазифаларига эга. Ахир, дастлабки ўргатиш босқичида ўйин усулларини ўзлаштириб олишдаги қайд этилган орқада қолишлар футболчиларнинг кейинги тайёргарлигига салбий таъсир кўрсатади. Техник тайёргарлик турли машғулот воситаларининг тасодифий йиғиндиси бўла олмайди. Муҳими, шундай воситаларни танлаб олиш керакки, улар кўп йиллик тайёргарлик жараёнининг ҳар бир босқичида ўйин техникасини муваффақиятли ўзлаштиришга зарур ижобий таъсир ўтказсин.

Ёш футболчиларни етук футболчи қилиб тарбиялашда уларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, хилма – хил кўникма ва малакаларини эгалаб олишга эътибор бериш лозим. Бу эса футбол ўйинининг техник-тактикасини ўзлаштиришда қўл келади. Анъанавий стандарт машқлар ва махсус спорт турига хос машқлар ёрдамида ёш футболчиларнинг тезкорлик сифатини ошириш мумкин.

#3, 2020 PEDAGOGİK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

Албатта, бу ўқув-машғулотларда олиб бориладиган тактиканинг ўз самарасини берганлигидан далолат беради.

АДАБИЁТЛАР

1. Акромов Р.А. Игровые и тренировочные нагрузки в футболе: Учеб. пособие. – Т.: Абу Али Ибн Сино, 2000.- 135 с.
2. Голомазов, С. В. Футбол : тренировка точности, юных спортсменов., 1994. - 81 с.
3. Казаков П.Н. Футбол. – Тошкент: “Ўқитувчи” – 1981 й. 156 б
4. Akromov R.A. Futbol. Darslik, – Toshkent: O‘zDJTI nashriyot-matbaa bo‘limi, 2006, -B.189-190.
5. Nurimova R.I. Futbol /Pod red. – Т.: O‘zDJTI , 2005.
6. <https://lex.uz/docs/3589863>
7. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining "Sog‘lom avlod uchun" ordenini ta'sis qilish to‘g‘risidagi Farmoni (1993, 4 mart).
8. Качалин Г.Д. Тактика футбола. – М.: Физкультура и Спорт, 1986.
9. Голомазов С.В., Чирва Б.Г. Футбол. Анализ игр Кубка мира 1988 г. Методические разработки для слушателей ВШТ. В. 12-М: РГАФ, 1999.
10. Антипов, А.В., Губа В.П., Тюленьков С.Ю. Диагностика и тренировка двигательных способностей в детско-юношеском футболе. М Советский спорт. 2008. 152 с.
11. Бриль М.С. Отбор в спортивных играх. – М.: ФиС, 1980. - 126 с.
12. Бэтти. Современная тактика футбола. МФиС, 1975. -14 с.
13. Голденко Г.А. Оценка технико-тактического мастерства футболистов в игре. – М. 1978, - 19 с.

QUTLOV

Ўлмас РАСУЛОВ

Ўзбекистон халқ артисти,

Ўзбекистон давлат Санъат ва маданият
институти доценти

САНЪАТШУНОС ОЛИМ ФАЙЗУЛЛА ТЎРАЕВ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИГА БИР НАЗАР

Устоз Файзулла Тўраев билан анча йиллар мобайнида бирга ишланганмиз, ўз ишининг фидойиси, камтарин, меҳрибон, ҳазил-мутойибани жуда хуш кўрадиган хушчақчақ инсон. Илмий изланишдан қалбида ҳаловат уфурувчи Файзулла Тўраевнинг қалам, қоғоз ва соз доимий ҳамроҳлари бўлган. Шунинг учун бўлса керак, Файзулла аканинг китоблари орасида “Санъаткорлар хандаси” номли асари ўзига хослиги, ёзилиш услуби билан бошқа китобларидан анча фарқ қилади. Китобни ўқиб гўё устознинг ўзлари билан гаплашгандек ва кулишгандек бўлади киши. Ишдан бўш вақтларимизда, Бухоро шеvasи билан айтсак, “ҳангомалар”нинг кўписи ўзлари эдилар, аммо бу хангомаларда ибрат бор эди, назаримда.

Ўша ибратли хангомалари ҳозир ҳам бугунгидек ёдимда сақланиб қолган. Шулардан бирини сўзлаб бермоқчиман: Қиш пайтлари экан, ҳамма ёкни қалин қор қоплаган. Устоз Файзулла Тўраев ўз уйида оталари билан гаплашиб ўтирса, кўчадан бир кишининг ташвишли ва ғамгин овози эшитилиб қолибди. Ота-ўғил ҳовлига югуриб дарвозани очсалар, остонада хабарчи турган экан (маҳалладаги яхши-ёмон кунлардан одамларни огоҳлантирувчи киши “хабарчи” деб аталган).

- Нима гап, - деб сўрайдилар оталари, шунда, хабарчи:

- Фалончиникига таъзияга боринглар, тўсатдан ўлиб қолди, - дебди. Оталари эса:

- Безарарми? - деб сўрасалар бўладими. Хабарчи ўзини зўрға кулгудан тийган ҳолда улардан узоқлашибди. Хабарчи кетгандан сўнг Файзулла ака оталарига юзланиб: “Ота, бир одам ўлади-ю безарар бўладими, - десалар, оталари яна “безарар” деб жавоб берибдилар. Очиғи ўша пайт кўп қатори мен ҳам ичагим узулгунча кулгандим. Ҳозир ўйлаб қарасам бу луқмада Қуръон оятларидан бирида айтилган: “... кабрдагилар тирикларга фойда ҳам келтиролмайдди, зиён ҳам етказолмайдилар” деган мазмундаги муқаддас каломнинг ўзига хос кўриниши эканлигини таъкидлаб “безарар” сўзида Бухороча лутф акс этганлигини пайқаш мумкин, шундай эмасми?”

Устоз Файзулла Тўраев 1940 йил Бухоро вилоятининг Бухоро туманига қарашли, Кўчқумар қишлоғида дехқон оиласида таваллуд топган. Кўчқумар қишлоғининг номи Наршахийнинг “Бухоро тарихи” китобида аслича “кўшки Умар” тарзида берилган.

Кичкина Файзулла ёшлигидан санъатга ихлосманд, мусиқа чолғуларини чалишга иштиёқи баланд бўлган. Қолаверса, расм чизишга ҳам қобилияти юқори бўлганлигини кўп бор, суҳбатларимизда ўзлари айтиб ўтганлар. Шунингдек, мактабда ўқиб юрган кезларида рубобда машқлар қилган ва мактаб тадбирларида мунтазам қатнашиб, фахрий ёрликлар, мақтов қоғозлари ва рағбатлантирувчи совғалар билан тақ-дирланган. Болалик чоғларини унутилмас, энг илиқ хотиралари билан ўтказганликларини кўпдан-кўп сўзлаб берганлар.

“Шукур қиламан,- дер эдилар Устоз, - болалигимизда ҳаром луқма емадик, бўш вақтларимизни, асосан, меҳнат билан ўтказдик. Отам Жўра Тўраев ер билан тиллаша оладиган миришкор дехқон бўлганлар. Онам Қурбоной Тўраева ҳам жамоа хўжалигида ишлар эдилар. Аммо асосан уйда бола тарбияси билан машғул бўлардилар”.

Файзулла Тўраев 1954 йили Бухоро билим юрти (ҳозирги Бухоро Санъат коллежи) да таҳсил олган. 1958 йилда эса Тошкент давлат консерваторияси (ҳозирги Ўзбекистон давлат консерваторияси) га ўқишга кирадилар. Мазкур олий даргоҳда Файзулла ака ўз даврининг машҳур устозлари бў-ган Юнус Ражабий, Фахриддин Содиқов, Маъруфжон Тош-пўлатов, Сулаймон Тахалов каби кўплаб забардаст устоз санъаткорлардан мусикий ижрочилик сирларини кунт билан ўргандилар. Айтиш жоизки, бу сабоқлар Файзулла Тўраевни муқаммал созанда, ўқитувчи, тадқиқодчи даражасига етказди. Ҳали-ҳануз, Файзулла ака сабоқ олган устозларини алоҳида эҳтиром билан эслайдилар. Ўз шогирдларига талабаликнинг ўзига хос қийинчиликларини намуна тарзида сўзлаб беришни ҳеч қанда қилмади у киши. Буни қуйидагича хотирлайди: “Бизда қарачой

#3, 2020 PEDAGOGİK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

(қорачой) деган таом бўлар эди, 1980 йилларгача бухоролик талабаларнинг илигини тўқ тутган шу таом ҳисобланган. Қишлоқдан озгина сарёғ ёки патир нонлар бериб юборишар эди ота-оналаримиз, 3-4 қошиқ сарёғни қайнатилган қора чой дамламасида эритиб, шу эритмага нон тўғраб ер эдик. Ўша оғир дамларда бундан бошқа ширин таомни ейишга имкон йўқ эди. Ишонмайсизларда... бир кун давомида тўқ юрар эдик ўша таом билан, ўйлаб қарасам, бу иш ночорликдан қилинмас экан. Аслида тансиқ таомларга ҳаддан ташқари ружу қўйиш енгилтакликка ва танбаликка олиб келар экан”, - дер эдилар.

Аслида, уламолар танбаллик балосидан халос бўлиш амри маҳоллигини бекорга бот-бот такрорламаган экан, назаримда.

Устознинг хотираларида нурли из қолдирган воқеалар талайгина. Консерваторияга муваффақиятли ўқишга кирган Файзулла ака 1958 йилда таниқли санъаткорлар гуруҳи билан Москвада бўлиб ўтган “Ўзбекистон маданияти ва санъати декадаси”да қатнашиш ва унинг дастурларидаги концертлардан бирида ўзи билан борган созанда ва оркестр жўрлигида “Мирзадавлат” куйини ижро этиш шарафига муяссар бўлган эканлар. Ижро тафсилотларини Файзулла Тўраев шундай эслайдилар: “Ўшанда ижро жудаям гўзал чиққан эди, бу муваффақият сабабини энди англагандек бўлдим. Машҳур санъаткорлар Сайфи Жалил, Сайфиддин Йўлдошев, Саиджон Калоновлар билан битта поезд вағони хонасида кетган эдим. Ўзим билан “Фарғона тонг отгунча” китобини олганман, устозларимнинг юмушидан бўшадим дегунча китобни мутолаа қилишга шошилар эдим ва Москвага боргунча ўқиб тугатдим. Очиғини айта қолай, ўша роман таъсирида қалбимда муқаддас ишқ туйғуси пайдо бўлди. Энди билсам концертда “Мирзадавлат” куйини ана шу ишқ билан ижро қилган эканман...”

Файзулла Тўраев ўзининг бутун умри давомида ўша ишқ билан яшади ва ижод қилди, фарзандларини меҳр-муҳаб-атли қилиб тарбиялади. Олим барча тадқиқот ва изланишларининг муваффақиятли чиқишида, мен мана шу “Ишқ” ни кўргандек бўламан. У кишининг барча китобларини синчиклаб кўрган ҳар қандай одам интилишларида садоқатни ва ишқни сезиши мумкин. Шу ўринда устознинг баъзи китоблари ҳақида икки оғиз сўз.

Таъкидлаш лозимки, Файзулла Тўраев юзлаб турли мавзулардаги илмий мақола, ўқув мажмуаларининг муаллифи сифатида илм аҳлига яхши таниш. Бундан ташқари домла ўнга яқин илмий-оммабоп китобларнинг муаллифи ҳисобланади. У кишининг ёзган китоблари кенг қамровлиги ва тарихий воқеаларга бойлиги билан қимматлидир.

Бухоролик машҳур санъаткор Ориф Атоев, таниқли олим Охунжон Сафаров билан ҳамкорликда ёзилган “Бу-хорча ва Мавриги тароналари” китобида юздан ортиқ тер-маларнинг мусиқий ва шеърый матни жуда нозик дид билан берилган. Аҳамиятли томони шундаки, китобда бу икки мус-тақил мусиқий жанрнинг фарқли томонлари ва уларга хос воқеликлар ёрқин акс этирилган ва шу жиҳатдан ҳам китоб катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Файзулла Тўраевнинг машҳур китобларидан яна бири “Бухоро муғаннийлари”дир. Бу китоб жудаям кенг қамровга эга бўлиб, унда Х-XX асрларда Бухорода яшаб ижод қилган ўз даврининг машҳур муғанний-лари ҳақида батафсил маълумотлар келтирилади. Дикқатга сазовор томони шундаки, китобда келтирилган маълумот-ларнинг кўпчилиги ижрочи ва тадқиқотлар учун ноёб маълумот, янги мавзу бўла олади. Одатда мусиқа мактаблари ҳақида сўз борганда ўтган асрнинг 20-йилларига урғу бе-ришга ўрганиб қолганмиз. Эътибор беринг бу маълумотга: IX асрдаёқ Бухорода Абул Аббос Бахтиёр ташаббуси билан илк мусиқа мактаблари очилган экан. Бу мутаффақир олим юнон файласуфларининг асарларини таржима қилади ва шу тар-жима асосида мусиқий мактаблар учун дастурий маълумот-лар тузади. “Бухоро муғаннийлари” китобида номи тилга олинган ўз даврининг улуғ созандаларидан бири Мирза Абдукарим Танбурий сўзларига эътибор беринг: “Танбурнинг пири бор, куй унинг фариштаси”. Бу иборада жуда катта ҳикмат ва огоҳлантириш бор. Бугун шуҳрат илинжида, мол-у дунё орттириш пайида Европа мусиқаси томон боши билан югуриб бораётган ёш-у қари санъаткорлар мана шу ҳикматни чуқур ўйлаб кўрсалар яхши бўлар эди...

Бухорогагина хос созанда гуруҳлари ҳақида ҳали кўп нарсани билмаймиз, аслида. Бу санъатнинг иллизини ҳам тарихнинг энг қадимий даврларидан излаш керакка ўхшай-ди, назаримда. Устознинг ёзишларича X асрда Шакархоним номи билан машҳур бўлган санъаткорнинг ижодида бугун бизга маълум бўлган созандалик гуруҳларига хос хусусият-ларни кўришимиз мумкин. Бу муҳтарам аёл ҳам рақсга тушган, ҳам куйлаган, қолаверса “барбад” созининг машҳур ва мукамал созандаси сифатида танилган. Эътибор беринг, бугунги созандаларнинг ҳам ҳар бири камида иккита вазифани яхши бажара олган бўлиши керак. Ёки қайроқ чалиб ашула айтиши ёки рақсга тушиб ашула айтиши ёки дойра чалиб ашула айтиши керак. Ўшашликни қаранг: Бухоро созандалик санъати тарихини ҳам қадим-қадим замонлардан излашимиз керак экан. Устознинг

#3, 2020 PEDAGOGİK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

тадқиқот ва китобларидан бундай ибратли ва қизиқарли мисолларни истаганча топиш мумкин. Шу маънода санъат тарихига бефарқ бўлмаган ҳар қандай одамнинг китоб жовонида устознинг китоблари бўлишини жуда-жуда истардик.

Ривоятларда айтилишича, энг ёқимли ҳид - тандирдан чиққан иссиқ ноннинг ҳиди экан. Ҳадисларда ўқиганман, энг тоза мушк – сув, деганлар пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо с.а.в. Устознинг китоб жовонларида минглаб китоблар, юзлаб тадқиқот, мақолалар, овоз ёзувлари сақланади. Файзулла Тўраев учун энг ёқимли ҳид эндигина нашрдан чиққан китобнинг ҳиди эди, албатта нонинг ҳидидан кейин. Энг яхши мушк китоблар саҳифаларидаги муқаддас сатрлар. Устоз Файзулла Тўраев уларни ҳидлашдан, баҳра олишдан бир лаҳза тўхтагани йўқ, тўхтамайди ҳам. Шунинг учун ҳам тадқиқотчи созанда устоз Файзулла Тўраев “Саксон ёшларида ҳам сарбаланд”. Кексаликда инсонни сарбаланд қиладиган энг улуғ неъмат, бу унинг зурриёди, албатта. Мўйсафид устоз бугун олти фарзанднинг севимли отаси, йигирма неvara ва йигирма беш нафар эваранинг меҳрибон Ҳожи бобоси. Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Аҳмаджон Шукуров, Толиб Темиров, Усмон Иноятов каби бугунги кунда устозлик мақомидаги ўнлаб шогирдларнинг мураббийси...

Муштарийлар устоз Файзулла Тўраевнинг ҳаётини ва ижодий кирраларини бир мақолада акс эттириб бўлмаслигини англаб етган бўлсалар керак, деб ўйлайман. Бу фаолиятнинг нафақат мақола, балки тадқиқотларга арзирли томонлари бисёр. Устоз, профессор Файзулла Тўраев ҳозирда ҳам ижод-нинг қизгин палласида. Устоз яна узоқ йиллар изланишдан, ёзишдан тўхтамасинлар. Биз эса у кишидан ўрганишдан чарчамайлик.

Тўхтасин РАЖАБОВ

Бухоро давлат университети
музыка таълими кафедраси ўқитувчиси

ТАЪЛИМДА УСТОЗ ВА ШОГИРДЛИК АНЪАНАСИ

*Офтоб кўрмай ой касби нур этмайди
Билимнинг барини олдим сиздан
Жонимдан ҳам азиз кўрган устозим
Ҳеч вақт бебаҳра этманг нурунгиздан
Мазкур мақола Файзулла Тўраевнинг
80 йилликларига бағишланади.*

Мамалакатимизда ёш авлодни аждодларимиз анъаналари, қадриятлари ва маданияти асосида тарбиялаш, уларда маданий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш, миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга асосланган, ҳуқуқий жамиятни барпо этиш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Муҳтарам Президентимиз таъкидлаганларидай: “Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуғ аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган бекиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаманки, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам, албатта, бўлади”.

Дарҳақиқат, ҳавас қилса арзийдиган улуғ аждодларимиз, бекиёс бойликларимиз, қадриятларимиз, анъаналаримиз ва кўп асрлик тарихга эга миллий мусиқий меросимиз борлиги тарихий ҳақиқатдир. Шуларни ёш авлод онгига сингдариш ва ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимизни яратиш учун барчамиз Президентимиз бошчилигида ҳаракат қилишимиз керак. Келажагда буюк адабиётимиз ва санъатимизни яратиш борасида давлатимиз томонидан қатта эътибор қаратилиб, ёш авлодни аждодларимиз анъаналари, қадриятлари ва маданияти асосида тарбиялаш, уларда маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришда миллий-мусиқий меросимиз, хусусан, халқ кўшиқлари ва мақомларимиз алоҳида ўрин тутди.

Таълим-тарбия жараёни мазмунига миллий истиқлол мафкураси ғояларини сингдириш, ўқувчиларга миллий қадриятлар, анъаналар ва кўп асрлик мусиқий мерос воситасида эстетик тарбия бериш муаммоси алоҳида долзарблик касб этмоқда.

Мамлакатимизда маънавий мерос, миллий ва умуминсоний қадриятларга эътибор кучайди. Ўсиб келаётган ёш авлодни шу қадриятлар руҳида ҳар томонлама етуқ, маънан юксак, комил инсон қилиб тарбиялаш педагогика фани олдида турган муҳим вазифалардан бирига айланди.

Шуни таъкидлаш жоизки ёшларнинг таълим-тарбиясига асосан устоз-шогирдлик анъанасининг ўрни бекиёсдир бошқа соҳа вакиллари сингари санъат соҳасида ҳам устоз ва шогирдлик анъанасини давом эттириб келаётган фидойи устозларимиз талайгина, бугунги кунда унутилиб кетилаётган халқ кўшиқларимиз, мақомларимизни асл ҳолида келажак авлодга қолдириш ва уларга ўргатиш мақсадида кўпгина халқаро фестиваллар, кўрик танловлар бўлиб ўтмоқда.

Устоз-шогирдлик ва анъанаси жуда қадим тарихига эга бўлиб, халқ ораси устозни улуғлайдиган кўпгина мақоллар мавжуд. “Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар” ёки “Устоз отангдек улуғ” иборалари ҳозиргача касбни ўрганиш, бирор ҳунарнинг соҳиби бўлиш, таълим ва тарбия жараёнларида мисол тариқасига ишлатилади. Ота-она фарзандини дуёга келтирса устоз унга билим касб ҳунардан сабоқ бериб, шахс сифатида шакллантириб уни камолотга етказди. Худди шундай устоз ва шогирдлик анъанасини давом эттириб келаётган устозлардан бири Бухоро давлат педагогика университети мусиқа кафедрасида қариб эллик йил (1963-2011) илмий фаолиятини давомида кўпгина шогирдларнинг меҳрибон ва жокуяр устози ҳозиги кунда нафақада бўлсалар ҳам ёшлар тарбияси тафаккури ҳамда маънавияти учун фидойилик билан шогирдлардан ўзларининг илмий маслаҳатларини аямасдан келаётган мусиқашунос олим, провессор, Ўзбекистон Композиторлари ва бастакорлари уюшмаси аъзоси, Ўзбекистон халқ маорифи аълочилиси устоз мураббий Файзулла Тўраевдир.

Устоз мураббий Ф.Тўраев шогирдларидан ҳар бир берилган вазифани ўз вақтида бажаришни, одоб-ахлоқ маданиятига риоя қилиш, тўғрисиқлик, Ватанини севиш ҳамда дўстга ҳурмат ва садоқатли бўлишини талаб қилганлар. Бухоро шаҳридан унчалик узоқ бўлмаган (8км) “Кўчкўмар” (Кўчки Умар) қишлоғи азалдан ўзининг жаннатмакон боғлари, болдек ширин меваю сабзавотлари ҳамда хушфёъл, ҳамда дилтортар, мард инсонлари билан республикада машҳур бўлган обод

#3, 2020 PEDAGOGİK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

махалалардан бири ҳисобланади. Қишлоқ аҳли асосан деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланса-да, унга турли касб эгалари: зиёлилар, шифокорлар, ва бошқа ҳунар эгалари ҳам истиқомат қиладилар.

Устоз Файзулла Тўраев Бухоро шаҳрига яқин жойлашган “Кўчқўмар” Кўчки Умар қишлоғида 1940 йил 18 майда деҳқон оиласида туғилганлар. У кишининг оталари Тўра бобо Жўраев (1905-1987) миришкор деҳқон бўлиб, узоқ йиллар далачилик бригадасига бошлиқ бўлиб хизмат қилганлар. Оналари Қурбоной Аҳмад кизи (1915-1977) эса далада меҳнат қилиш билан бирга фарзандлар тарбияси билан шуғулланган. Уларга оллоҳ уч фарзанд бир қиз ва икки ўғил (қизлари ёшлиқ чоғлариданоқ дардга чалиниб вафот этади). Ф.Тўраевнинг ота-оналари гарчанд мукамал хат-саводга эга бўлмасалар-да, ҳаётда жуда мулойим, хушмуомала, оилада бир бирини тушуниш, ўзаро ҳурмат каби инсоний фазилатларга эга дилкаш одамлар эдилар.

Кичкина Файзулла ана шундай иймони бутун, меҳр-оқибатли оилада дунёга келади. У кишининг болалик йилларини жуда ҳам қувноқ ва сермазмун ўтди деб айта олмаймиз. Чунки устоз Файзулла Тўраев уруш йиллари болалари тоифсида мансуб киши ҳисобланарди. Зеро, иккинчи жаҳон уруши давридаги ҳаёт болаларни жуда маънос, маҳсун ва қувноқлик ҳамда болалик завқидан маҳрум қилиб қўйган эди. Мамлакатдаги очарчилик ва турмуш тарзининг ночорлиги болалардан шўхлик, қувноқликни ҳамда болаларча эркалик каби хислатларни олиб қўйган эди. Билимга чанқоқ бўлган ёш Файзулла 1947-1954-йилларда Кўчқумар қишлоғидаги етти йиллик мактабга ўқишга боради. Бу даврда мактаб қошидаги бадий ҳаваскорлик тўғрисида иштирок этиб, туман ва вилоятлар миқёсидаги ўтказилган ашула байрамларида яққал қўшиқчи сифатида “Тезу тоза тарайлик”, “Колхозчи қиз Лолахон” қўшиқларини ижро этиб, совринли ўринларга эришган.

1954-1958-йилларда Бухоро мусиқа билим юрти (ҳозирги Мухтор Ашрафий номидаги иқтисослаштирилган санъат мактабида) халқ чолғу асбоблари бўлимида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Нажмиддин Насриддинов ҳамда шашмақом сирларини Маруфжон Тошпўлатовлардан, мусиқа назарияси фанидан эса бастакор Аҳмад Ихтиёровдан, 1958-1963 йилларда Тошкент давлат консерваториясининг ўзбек халқ чолғу асбоблари факультетида эса Сулаймон Тахалов, Илём Акбаров, Аҳмад Жабборов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Саид Алиев каби устозлардан сабоқ олганлар. 1989 йилнинг 22-июнида Киев давлат педагогика институти қошидаги иқтисослаштирилган Илмий кенгашда “Халқ чолғу асбобларини ўрганиш жараёнида талабаларнинг мусикий-эстетик тарбиясини такомиллаштириш” (Бухоро шашмақомининг мушқилот шўбалари воситасида) мавзусида педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлаган. (Диссертацияни ОАК 1989 йилнинг октябрида тасдиқланган).

Ф.Тўраевнинг шогирдлари Б.Умаров, О.Файзиев, Б.Мадримов сигари олимлар, А.Шукуров, Толиб Темиров, Комил Аслонов, И.Ёлиев, Ф.Бўронов сингари ўнлаб халқ артистлари, хизмат кўрсатган артистлар, маданият ходимлари, ўқитувчи ва ёшлар мураббийлари етишиб чиқди. Ҳозирги вақда меҳрибон ота сифатида ҳам Шукрулла (ота касби), Лолахон, Фурқат, Суръат, Қахрамон (ота касби) ва Бахорахон каби ширин фарзандларини қатор суюкли невар ва чевараларига турмуш ўртоқлари Муборак буви билан олтиш йилдан ортиқ катакон бир оилага сарбонлик қилиб келмоқдалар. Устоз Файзулла Тўраев тўғри сўз, олий жаноб, ҳамда хуш чақ-чақликни яхши кўрадиган инсон бўлиб, 1996 йилда Санъаткорлар хандаси (ривоятлар, латифалар, ҳангомалар) номли китоблари бунинг яққол далилидир. Ҳозирги вақда устоз 10 ортиқ китобларнинг муаллифи бўлиб, устоз ва шогирдлик аънасини давом этириб келмоқдалар мен ҳам ҳозирда устозим Ф.Тўраевдан Бухоро фольклорининг тарихи ҳамда санъат соҳасиданги билмларни ўрганиб келмоқдаман.

Устозларим Файзулла Тўраев ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист ва бастакор Ориф Атоев билан бир умрлик садоқатли дўст бўлганларига ҳавас қилганман.

80 ёшингиз қутлуғ бўлсин, илм соҳасида изланишдан чарчаманг, оилангиз ва шогирдларингиз бахтига соғ-саломат бўлинг даб оллоҳдан тилаб қоламан!

Наззора БековаБухоро давлат университети
Ўзбек адабиёти кафедраси доценти,
филология фанлари номзоди**КИМЁ ГУЛШАНИДА ТОБЛАНГАН “КИМЁЙИ ВУЖУД”**

Марказий Осиё замини азал-азалдан буюк алломалар ва донишманд пирлар маскани сифатида тилга олинади. Илм-фаннинг турли соҳа ва йўналишлари айнан илк Шарқ ренессанси даврида Марказий Осиёда бошланиб, унинг дастлабки илдизлари ҳам ана шу гўшадан баҳра олганлигига ҳар биримиз тарихдан гувоҳимиз. Ана шундай муборак она заминимизнинг маърифат булоқларидан чанқоғини қондирган алломаларимиз ва улар қолдирган ҳадсиз маънавий мерос неча асрлар ўтса ҳамки бутун дунё илм аҳли учун беназир. Фан бобида тўплаган тажрибаю ютуқлари дунёга илм орттирмоқ истагида келган неча-неча авлодларга тили, ирқи, миллатидан қатъий назар барчаси учун пойдевор вазифасини ўтаб келмоқда. Илм-маърифат, санъат ва маданиятга бешик бўлган юрт бугун ўз бағрида яшаётган фидойи ва жонкуяр фарзандлари билан ҳар қанча ғурурланса арзийди. Бу азиз оламда инсон ҳаёти энг олий қадрият экан, унинг кадр-қиммати ана шу



олийжаноб қадриятларни қарор топтириш ва боқийлигини таъминлашга қаратилган. Ўз ақлу заковати, тафаккури, онги ва тинимсиз меҳнати эвазига соҳиби кадр даражасига кўтарилган ва ҳавас қилгудек ҳаёт эгаси бўлган инсонлар орамизда жуда кўп. Шундай ажойиб, гавҳар мисол қалб сохибларидан бири фидойи, самимий, меҳнаткаш ва меҳрибон инсон, талабчан устоз, органик кимё соҳасининг билимдони, Бухорои шариф фарзанди Эргашов Мансур Ярашовичдир.

Олимнинг ёстиғини тошдан яратган дейди доно халқимиз. Шунданмикан, олимлик саодати - захматли ва узун тунларни муборак тонгларга улаб, тадқиқотчига роҳат-фароғат бахш этгучи кашфиёт пайдо бўлиш жараёнида туғилади. Мансур Ярашович хузур - ҳаловатини фандан, илмдан топиб, эътиборга тушган инсонлардан десак янглишмаймиз. Олимнинг бир мақоласи эълон қилинса, ўзиданда олдин шогирдлари ва яқинлари қувончларга тўлишади. Агар шу яратма халқ хўжалигининг бирор бир соҳасидаги тадбиқи ҳақидаги патент ёки муаллифлик гувоҳномаси келса, “эл корига камарбасталигидан ўн чандон қувонишларини айтмайсиз-ми?,- дегим келади суҳбатдош ҳамкасбларга. ИЛМ Шахсни тоблайти, педагогик фаолият эса чархлайди, раҳбарлик бўлса халқни рози қилишга ўргатади. Устознинг ҳаёт ва илм йўлларига назар ташлаган инсон ТОБЛАНИШ, ЧАРХЛАНИШ, РОЗИ қилиш каби фазилатлар жамулжамлигини кўриб ҳавас қилади десак янглишмаймиз. Даъволаримиз қуруқ бўлмаслиги учун домланинг таржимаи ҳолига назар ташласак, фойдадан холи бўлмайди.

Жонкуяр инсон ва истеъдодли педагог, адолатли раҳбар Эргашов Мансур Ярашович 1960 йил 6 августда Бухоро вилояти Жондор туманида таваллуд топди. 1977 йилда Жондор туманидаги Муқимий номли мактабни олтин медаль билан тугатди. Илмга бўлган қизиқиши ва ўз устида тинимсиз ишлаши натижаси ўлароқ Мансур Эргашов 1977-1982 йиллар мобайнида Бухоро давлат университети (аввалги педагогика институти)да талаба сифатида таълим олди. Имтиёзли диплом билан тугатди. Мансур Ярашовичнинг таъкидлашларича, Яраш бобо ўша онларда фараҳга тўлиб фарзандлари олиб борган дипломни кўзларига суртар экан, қўлларини дуога очиб, “Ўғлим сенга улуғларнинг, олимларнинг йўлларини берсин”-, деган эканлар. Бу эса, ёшлик шижоати билан тўлиб тошган Мансур акага падари бузрукворлари томонидан белгилаб берилган “Ҳаёт мактабига қўйилган қадам учун улкан, айна пайтдаги масъуликни юз чандон оширган Дастур вазифасини ўтаганига шубҳа йўқ. Пироворврд натижа эса, ОЛИМУ, ИЛИМУ АМАЛ концептини бир махражга бирлаштирди.

Ўқитувчилик фаолиятини талабалик йилларидан бошлаган. Ўз устида тинимсиз ишлади ва ҳақиқий толиби илмга айланди. Институтни тугатиб йўлланма билан 1982-1983 йилларда ўз педагогик фаолиятини Бухоро вилояти Жондор тумани 15-мактаб ўқитувчиси сифатида бошлади. Олим узлуксиз меҳнат тажрибаси ва серкирра ижодий фаолият соҳибидир. 1984-1988 йилларда Бухоро давлат педагогика институти “Органик кимё” кафедраси ўқитувчиси бўлиб фаолият юритиб келган тиниб-тинчимаган бўлажак кимёгар-олим 1988 йил 1 ноябрдан Москва давлат педагогика университети Органик кимё кафедрасига стажёр-тадқиқотчиликка юборилди. 1990-1993 йилларда

#3, 2020 PEDAGOGİK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

мазкур олийгоҳда мақсадли аспирантурада таҳсил олди. Шу даврда кимё фанлари доктори, проф.Э.Е. Нифантьев раҳбарлигида илмий –тадқиқот ишини муваффақиятли якунлаб, 1993 йил 12 апрелда Москва давлат педагогика университети ҳузуридаги ихтисослашган К 053.01.15 кенгашида “Олигоариленфосфонитлар ва улар металлокомплексларининг синтези ҳамда хоссалари” мавзусида 02.00.03-органик кимё ихтисослиги бўйича номзодлик диссертациясини ёқлади. Устозлардан олинган билим ва тажриба илмий ва педагогик фаолиятни самарали ташкил қилиб, илмий жамоа орасидан муносиб ўрин эгаллашга замин ҳозирлади. 1993-1995 йилларда Бухоро давлат университети “Органик кимё” кафедрасида ўқитувчи лавозимида фаолиятини давом эттирди, касбига нисбатан чексиз меҳр ва масъулият, ҳалол меҳнатлари туфайли ўқитувчиликдан раҳбарлик даражасигача етди. Жумладан, 1995-1997 йилларда Бухоро давлат университети “Органик кимё” кафедраси мудири, 1998-1999 йилларда университет илмий-тадқиқот бўлими бошлиғи, 1999 йил апрелдан Бухоро давлат университети ҳузурида ташкил этилган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқитувчиларининг малакасини ошириш маркази директори, 1999-2002 йилларда Бухоро давлат университети ўқув бўлими бошлиғи, 2002-2005 йилларда Бухоро давлат университети кимё-биология факультети декани, 2005-2006 йилларда Бухоро давлат университети “Органик ва физколлоид кимё” кафедраси доценти, 2006-2008- йилларда Бухоро давлат университети ҳарбий факультет бошлиғининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, 2008-2011 йиллар махсус сиртки бўлими бошлиғи, 2011-2017 йилларда Бухоро давлат университети мониторинг ва ички назорат бўлими бошлиғи, 2017-2020 йилларда Бухоро давлат университетининг ўқув-услугий бошқарма бошлиғи сингари турли лавозимларда фаолият юритди. 2020 йил 24 февралдан бугунги кунгача Бухоро давлат университети таълим сифатини назорат қилиш бўлими бошлиғи сифатида бир неча йиллик тажрибага эга устоз ва истеъдодли раҳбар сифатида ўз ўрнига эгадир. М.Эргашов ўзи таълим олган Бухоро давлат университетида ўқув жараёнини мақсадга мувофиқ йўлга қўйиш, таълим сифатини ошириш, таълимда рейтинг сифатини такомиллаштиришда фидойилик кўрсатмоқда.

Устозлардан бирлари дастлаб ишга келган кезларимда Олий таълимдаги ўзига хос жиҳатлар, масъулиятлилиқ, собитлик, ҳалоллик, шаффофлик илмсеварлик, шогирдпарварлик ҳақида сўзлай туриб “...биласанми, олий таълим муассасасининг юраги - бу ўқув бўлими. Агар юрак ишчан, соф, одил, меҳрли, тутумли асосийси мактаб кўрган бўлса, ўша даргоҳ ҳамма ишда илғор бўлади “-деган эдилар. Мен, Мансур Ярашовични табаррук илм масканимиздаги ўқув жараёни, тарбиявий, илмий-тадқиқот, меҳнат ва ижро интизоми борасида, педагог-ҳодимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш сифатининг назоратини ташкил этишда, таълим сифатини оширишда самарали ишларнинг бошида турган ташкилотчилардан бири, деб биламан. Юртбошимиз таъкидлаган ҳамда таълим-тарбия тўғрисида сўзлаган ҳар бир нутқида даъват қилганидек, замонавий билимлар эгаси бўлган етук кадрларни тайёрлаш учун аввало, кундан-кунга олдига янги, замонавий вазифаю талаблар қўйилаётган ўқитувчи-мураббийлар бошида турган раҳбарларнинг ўзи шундай талабларга жавоб бера олиши керак. Кейинги бир йилдан ортиқроқ фурсатда БухДУнинг ташаббускор раҳбари билан бақамти туриб, ўқиш ва ўқитишда янгича усул ва анъаналарнинг жорий этилишида жонбозлик кўрсатиб ҳамкасбларига ўрناк бўлиб келаётганликларини таъкидлаш зарур деб ҳисобладим. Ишчанлик ва меҳнатсеварлик, илмга садоқат ва оқибат, шогирдга меҳр, устозга ҳурмат каби фазилатлар таълим ва тарбияда собит устозлари профессор Р.А.Шоймардоновдан, кимёгар эсаларда чиройли хуснихат, адабиётга ошнолик менинг устозим, Раҳимжон Воҳидов сабоқларидан ўтган дея оламан. Рост, БухДУнинг 90-йиллик тарихи давомида юзлаб, некбин улғу устозларимиз илмда, одамийликда мактаблар яратдилар. Мансур ака ҳам шундай булоқлардан сув ичиб ўзлари ҳам чин шогирдлик мақоми ила устозлик даражасига етиб келдилар. Биргина мисол, олимнинг Олий таълим муассасаларининг 5140500 – Кимё таълим йўналиши талабалари учун “Organik kimyo” дарслиги –Тошкент: Наврўз , 2015. –720 б. (Ҳаммуаллифлар: Шоймардонов Р.А., УмаровБ.Б., Абдурахмонов С.Ф.), Академик лицейларнинг табиий фанлар йўналиши ўқувчилари учун “Organik kimyo” ўқув қўлланма Тошкент: Муҳаррир, 2013. –504б (Ҳаммуаллиф: Шоймардонов Р.А.), академик лицей, касб-ҳунар коллежлари талабалари ва ёш ўқитувчилар учун Органик бирикмаларнинг изомерияси бўйича электрон ўқув қўлланма (Ўзбекистон Республикаси Давлат Патенти гувоҳномаси №ДГУ 02233). – Тошкент, 2011, –43МБ. (Ҳаммуаллиф: У Беков), Organik kimyo. Академик лицейларнинг табиий фанлар йўналиши ўқувчилари учун дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган 2-нашри. –Тошкент: Парадигма, 2017. –496 б. (Ҳаммуаллиф: Р.Шоймардонов), Biokimyodan laboratoriya mashg‘ulotlari Олий ўқув юртларининг 5140100 – Биология таълим йўналиши талабалари учун ўқув қўлланма. –Тошкент: Муҳаррир, 2018. – 180 б.(Ҳаммуаллиф: З.Қодирова), Organik kimyo sxema va jadvallarda. Олий таълим муассасалари кимё

#3, 2020 PEDAGOGIK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

таълим йўналиши талабалари учун ўқув қўлланма. –Тошкент: Парадигма, 2019. – 272 б. Organik kimyodan laboratoriya mashg'ulotlari. Олий таълим муассасалари кимё таълим йўналиши талабалари учун ўқув қўлланма. Тошкент: “Чўлпон номидаги НМИУ”, 2019. – 240б каби қатор дарслик ва ўқув қўлланмалари талаба ёшлар, кимё фани муҳиблари учун зарурий манба вазифасини ўтаётир.

Органик кимё соҳасида самарали ва сермахсул изланишлари олимни кимё фанлари номзоди, доцент (2017 йилдан кимё кафедраси профессори лавозимига сайланган) даражасига қўтарди. Олим йиллар давомида кўплаб илмий мақола, ўқув қўлланма ва дарсликлар эълон қилди. Ўзмаърузалари билан республика ва халқаро илмий анжуманларда иштирок этди. Мансур Эргашов ўз илмий соҳасининг долзарб муаммоларига, таълим тизимини такомиллаштиришга бағишланган 2та дарслик, 4та ўқув қўлланма, 1 та электрон ўқув қўлланма, 10 та ўқув-услубий қўлланмалар муаллифидир. Кимё фани доирасида турли масалалар бўйича мулоҳазалари илмий мақола сифатида турли хорижий давлатлар ва мамлакатимизнинг нуфузли илмий журналларида чоп этилган. Олимнинг ҳаммуаллифликда 2013 йилда нашр қилинган “Органик кимё” ўқув қўлланмаси юртимиздаги академик лицейларнинг табиий фанлар йўналишида таълим олувчи ўқувчиларига ўқитилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликлари ҳамда “Истеъдод” жамғармаси томонидан ташкил этилган “Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти” 2014 йилги республика танловида бу қўлланма биринчи ўринга сазовор топилиб I даражали диплом билан тақдирланган. Мазкур ўқув қўлланма академик лицей ўқувчилари учун асосий адабиётлар рўйхатига киритилган. Ҳозирги пайтда дарслик сифатида тўлиқ ишланиб, қайта нашр этилган. М.Эргашовнинг фан гулшанига қадаган уруғлари мева тугиб, бутун илм аҳллари баҳраманд қилмоқда.

Оила маънавияти - келажак асоси. Ватан оиладан бошланади. Бухоронинг ноёб дуру жаҳоирлари сочилиб ётган, Маҳмуд Таробий юртида маънавиятли инсонлар оиласида тарбия топган Мансур ака ота-она дуоларини олиб, бугун уларнинг чироқларини равшанлаштириб турганликлари фарзанду аржумандлари учун ибратдир. Нодира опа билан Нафисахон ва Сардор, Элдорларни эл қорига ярайдиган фарзандлар қилиб тарбиялашди. Бугун улар халқ хўжалигининг турли соҳаларида ўз ўрнига эга мутахассислар бўлиб шаклланишди. Севимли набиралар бобожон, бувижоннинг атрофларида муносиб давомчилар сифатида униб ўсишмоқда Кенг қўламли фаолияти билан бир қаторда устоз Мансур Эргашов ибратли ва мазмунли ҳаёти ўрганса, ибрат олса бўладиган умр йўли эгаси ҳамдир. Ибратли оила сарбони, уч нафар фарзанднинг меҳрибон отаси, 8 нафар невараларнинг бобожониси, умр йўлларида доно маслаҳатчиси бўлиб мазмунли ҳаёт кечирмоқда.

Устознинг ҳаёт йўлини кузатаётиб, Мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Шафқатда қуёш каби, жўмардликда дарё каби, ғазаб келганда ўлик каби, тавозеъда тупроқ каби бўл”,-деган ақидаларига мутаносиб ҳаёт кечираётганликларини пайқадим.

Устоз Мансур Эргашовни шахсияти ва фаолиятида камтарин, моҳир педагог, жонкуяр устоз, софдил, интизомли ва маданияти юксак инсон, жамоа ўртасида эса изланувчан, талабчан шахс сифатида яхши билишади. Зеро, устоз ўз вазифасини виждонан бажарувчи раҳбар сифатида ҳам ҳурмат-эътиборга сазовордир. Тилингиздан тушмайдиган самимий ушбу тилакни бугун ўзингизга айтгимиз келди : **“Борингизга шукур устоз, борингизга!”**

Сермахсул олим, меҳрибон мураббий, моҳир педагог, зукко тадқиқотчи, талабчан ва адолатли устоз, жонкуяр раҳбар, самимий дўст– **Эргашов Мансур Ярашовичга** сиҳат-саломатлик, тинчлик-омонлик ва бундан кейинги илмий ҳамда педагогик фаолиятига янги зафарлар доим йўлдош бўлишига тилақдошмиз. Кимё фани билан шуғулланиб, кимёгар табиатига мос ҳаётий асл ҳикматларни саралаб, қалб ва шуурни поклаб, **“кимёий вужуд”** ила шарафли мавқега эришган бағрикенг ва ҳимматли устоз – Сизнинг хизматларингиз беқиёс десак янглишмаймиз. Зеро, ҳазрат Амир Низомиддин Навоий таъбири билан айтганда,

**Чу ҳиммат эрур кимёий вужуд
Ки, андин топар эътибор аҳли жуд.**

Нишон КИЯМОВ

Самарканд давлат университети
педагогика кафедраси доценти,
педагогика фанлари доктори

ЗАҲМАТКАШ ВА ЗАБАРДАСТ ОЛИМ



Шундай инсонлар бўладикки, уларнинг ҳаёт йўли, илмий изланишлари инсониятнинг бугуни ва келажакига хизмат қилиши билан йиллар ўтган сайин адабиятга дахлдор бўлиб бораверади.

Инсоният тарихида шундай фидойи шахслар бўладикки, улар ўз ҳаётини жамият равнақи ва инсон камолати учун бағишлайдилар. Саидахбор Собитович Булатов ҳам худди шундай буюк инсонлардан бири ҳисобланади.

Булатов Саидахбор Собитович –сермаҳсул, серқирра етук олим, илмий тадқиқот йўлини босиб ўтган зиёли инсон, Россия халқаро педагогик таълим фанлари академияси (2006 й.) ва Греция “Антик дунё” халқаро илмий академиясининг академиги (2009 й.), Ўзбекистон Бадий Академияси Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси (1998 й.), Халқ маорифи аълочиси (1996 й.), педагогика фанлари доктори(1994 й.), профессор(2002 й.), таълим тизими учун 520 дан ортиқ илмий ишлар муаллифи, улардан 50дан ортиғи китоблар. Ўзбекистонда биринчи бор Ўзбек халқ амалий безак санъати комусини яратган олим.

Булатов Саидахбор Собитович, 1952 йил 28 ноябрда Тошкент шаҳрида туғилган. Маълумоти олий. 1976 йилда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти Бадий графика факультетининг расм, чизмачилик ва меҳнат мутахасислиги бўлимини тамомлаган. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” Демократик партияси аъзоси.

С.С. Булатов меҳнат фаолиятини 1978 йилда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти (ҳозирда университет) нинг “Қаламтасвир” кафедраси ўқитувчи сифатида бошлади.

Устозлари академик Малик Набиев, профессорлар Икромжон Рахмонов ва Раҳматилла Исматуллаев, техника фанлари номзоди доцентлар Карим Мавлонович Қобилжонов ва Пўлат Адиллов, Шерзод Абдурахмонов каби олимлардан илм сирларини ўрганди. Устози доцент Қобил Қосимов раҳбарлигида “Ганчкорлик тўғарак машғулотларини олиб бориш методикаси” мавзуси бўйича дастлабки илмий ишларини бошлади.

С.С. Булатов 1982-1985 йилларда Москва Давлат педагогика университети аспирантурасида таҳсил олди. Академик В.С.Кузин раҳбарлигида муддатидан аввал 1985 йилда номзодлик диссертациясини мувофақиятли ҳимоя қилди. С.С. Булатов 1990-1992 йилларда Москва шаҳрида докторантурада бўлди ва 1994 йилда Москва Давлат педагогика университетида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

1982– 1985 ва 1989 – 1991 йиллар давомида Москва шаҳрида академик В.С.Кузин, педагогика фанлари докторлари. Н.Ростовцов, Б.В.Нешумов, А.С.Хворостов, Т.Я.Шпикалова, Е.В.Шорохов, Э.И.Кубишкина, Н.Н.Анисимов каби олимлар қўлида таҳсил олди. Улардан кўп илмий маслаҳатлар олиб, тасвирий ва амалий санъат ўқитиш методикаси фанидан янада чуқур билимга эга бўлди.

С.С.Булатов 1997-2014 йилларда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг “Амалий санъат ва уни ўқитиш методикаси” кафедраси мудири лавозимида ишлаб келди.

Кўп қиррали олим 12 жилдли (2000-2006 йиллар)“Ўзбекистон миллий энциклопедяси”да педагог-олимнинг 100га яқин илмий мақолалари эълон қилинди. Таълим тизими учун “60 босма

#3, 2020 PEDAGOGİK MAHORAT*ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО*PEDAGOGICAL SKILL

табоққа яқин ҳажмдаги Ўзбек халқ амалий безак санъати (1991)”, ” 40 босма табоқли “Ўзбек халқ амалий безак санъати энциклопедияси”(2014) ва 80 босма табоқли “Ўзбекистон ҳунармандчилиги ва амалий безак санъати усталари энциклопедия” (2015) фундаментал асарлари билан эл назарига тушди.

С.Булатов ўзбек, рус ва инглиз тилларида 520 дан ортиқ кўплаб концепция, ДТС, дастур, энциклопедия (3та), дарслик (5та) , монография (14та), методик илмий ва ўқув қўлланмалар, дидактик материаллар, электрон дарслик, электрон кўргазмалар мажмуаси, изоҳли луғатлар, илмий ва услубий мақолалар муаллифи Ўзининг 1991 йил, 60 босма табоқ хажмдаги фундаментал “Ўзбек халқ амалий безак санъати” деб номланган илмий тадқиқот асари билан эл назарига тушди. Ўзбекистонда амалий безак санъати соҳаси бўйича ҳозирда ягона фан доктори. Унинг илмий раҳбарлигида 20 дан ортиқ шогирди магистрлик, номзодлик (4та) ва докторлик (1 та) диссертацияларини ёқлаган. Олим халқ амалий безак санъати соҳасидан ташқари тасвирий санъат, мантик, фалсафа, астрология, психология, халқ педагогикаси, эстетика, этика, тилшунослик, этнография ва тарих фанларидан монографиялар чоп эттирган. Ҳозирда у Давлат илмий-техника дастури доирасидаги амалий лойиҳаларга раҳбарлик қилиб келмоқда. Ўзбекистон ва дунё олимлари очмаган ва унитилган миллий тимсоллар ва рамзлар тилини қайта тиклаб, салкам 400-600 йилдан бери сир бўлиб келаётган Самарқанд шаҳридаги “Улуғбек мадрасаси” ва “Шердор мадрасаси”, Тошкентдаги “Кўколдош мадрасаси” ва Самарқанддаги ва Бухородаги “Нодир девонбегим мадрасалари” ва бошқа тарихий ёдгорликларнинг безакларни рмазий тилда ўқиб, уларнинг мантикий асосларини кашф этди. Россия, Германия, Москва, Швеция, Қозоғистон, Ўзбекистонда ҳалқаро ва Республика конференцияларда ўзбек халқ амалий санъатини таълим тизимида ўқитилишидаги муаммоларига бағишланган маърузалар ўқиди ва улар нашр қилинди.

С.С.Булатов Давлат илмий техника дастури доирасидаги инновацион лойиҳаларга раҳбарлик қилиб келмоқда. 2005-2006 йиллар 4И – 2 – 07 “Ўзбек миллий меъморчилигида амалий безак санъати” ва “Тасвирий санъат” бўйича қўлланмаларни нашрга тайёрлаш ва чоп этиш лойиҳаси бўйича, 2009– 2011 йиллар ИД – 8 – 038 рақамли “Амалий санъат кўргазма куруллар мажмуасини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш” мавзусидаги давлат илмий-техника дастурлари бўйича лойиҳаларга раҳбарлик қилди. У “4 – 134, Олий таълим муассалари профессор – ўқитувчиларининг касбий, педагогик ва маънавий-марифий соҳалар бўйича босқичма-боқич технологияларини ишлаб чиқариш” амалий тадқиқот лойиҳасида иштирок этди. Ҳозирда эса ИОТ – 2012 (2013) “Ўзбек халқ амалий безак санъати энциклопедияси”ни нашрга тайёрлаш уни чоп этиш деб номланган илмий лойиҳага раҳбарлик қилди. Ҳозирда А-1-30 рақамли (2015-2017) “Миллий тимсоллар ва рамзларэнциклопедиясини нашрга тайёрлаш” амалий тадқиқот лойиҳасида етакчи ижрочи.

Ҳозирда жамоат ишлари бўйича президент фармони бўйича “Ислом цивилизация маркази”да марказ низомини тайёрлаш ва унинг биносини меъморий безаклари бўйича ишчи грух раҳбари бўлиб фаёл иштрок этиб келмоқда.


Истедодли олим бутун умр давомида фақат эзгулик йўлида юриб, ўзига хос илм боғини ва унда етук боғбонларни яратди. С.Булатовни тинмай меҳнат қиладиган чумолига ўхшайди. Тиришқоқлик фазилати орқали тоғ чўққисини забт этди ва ҳалққа эзгу амаллари билан танилди. Устоз бир умр Баҳовуддин Нақшбандининг “Кўлинг меҳнатда, қалбинг оллоҳда бўлсин” шиорга асосан тинмай ижод қилиб келмоқда. Устоз маънавий пок, адолатпарвар ва ҳақиқатгўй инсон, илм-фаннинг фидоийси, ёшларнинг ғамхўр мураббийси.

Атоқли олим ва ажойиб инсон Саидахбор Булатов катта оиланинг бошлиғи, тўрт фарзанд, уч келин, тўрт набиранинг суюкли отаси ва бобоси.

Асосий асарлари: Ўзбек халқ амалий санъати энциклопедияси. (Наққошлик санъати) . Т., 2014. (40 б.т.) ; Ўзбекистон ҳунармандчилиги ва амалий санъат энциклопедияси. Т., 2016 (2 - томлик) (52 б.т.); Миллий тимсоллар ва рамзлар энциклопедияси. “Таълим нашрети”. Т.: 2018.(20 б.т.)Ўзбек халқ амалий безак санъати. Т., 1991(Ўқув методик қўлланма) (57 б.т.) Амалий санъат. Т., 2013. (57 б.т.) ; Ганчкорлик. Т., 2006 (Дарслик); Рангшунослик. Т., 2009. (Дарслик); Гўзалликдаги коинот фалсафаси.(Монография) (ўзб., инглиз)Т., 2013; Санъат асарларининг моҳиятини англаш психологияси. Т., 2013.(Монография); Кичик мутахасислар тайёрлашда халқ оғзаки ижоди намуналаридан фойдаланишнинг назарияси ва методикаси. Т., 2014.(Монография); Бадиий таҳлил тамойиллари. (Монография) Т.:2016. Рамзлар. Тасвир ва мазмун. Т., 2015.(Монография); Бадиий таҳлил тамойиллари. Т., 2016.(Монография) ва бошқалар.

“ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ” ЖУРНАЛИ УЧУН МАҚОЛАЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАЛАБЛАРИ

1. Мақола бошланишида Универсал ўнлик кўрсаткич (ЎУК) берилади.
Куйидагилар алоҳида қатордан бошлаб киритилади:
 - 1) мақола сарлавҳаси (оддий ҳарфларда, масалан: Абдулла Қодирийнинг тасвирлаш маҳорати);
 - 2) муаллиф(лар)нинг фамилияси (тўлиқ), исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари;
 - 3) мақоланинг аннотацияси (пробеллар билан бирга 500 белгидан иборат), аннотация курсив билан берилади ва бир қатор ташлаган ҳолда асосий матндан ажратилади;
 - 4) калит сўзлар (5–10 та).
 2. Мақола матни “Microsoft Word” дастурида тайёрланиб, “Times New Roman” 14 ўлчамли шрифтда, сатрлар ораси бир интервал, саҳифа четлари чапдан 3 см, юқоридан ва пастдан 2 см, ўнгдан 1,5 см, хатбоши 1,25 см қолдирган ҳолда терилади ва электрон варианты билан (флешка ёки CDда) топширилади.
Мақола матнида бошқа шрифтлардан фойдаланилган тақдирда бундай шрифтлар муаллиф томонидан электрон вариантда таҳририятга тақдим этилиши лозим.
 3. Мақоланинг умумий ҳажми (расм, жадвал ва диаграммалар билан биргаликда) 8 саҳифадан кам бўлмаслиги (аннотациялар, калит сўзлар ва адабиётлар рўйхати бу ҳисобга кирмайди) талаб қилинади. Журнал учун энг мақбул ҳажм 8-10 саҳифа ораллиғида.
 4. Агар мақолага расм, жадвал, диаграмма, схема, чизма, турли график белгилар киритилган бўлса, улар оқ-қора рангларда чизилган бўлиши, аниқ ва равшан тасвирланиши, қисқартмаларнинг тўлиқ изоҳи ёзилиши лозим. Мақолада матнида ранг воситасида маъно фарқлашга хизмат қиладиган расм, чизма ва диаграммаларнинг бўлиши мумкин эмас.
Формулалар матнга махсус компьютер дастурларида киритилиши керак.
 5. Иқтибос олинган ёки фойдаланилган адабиёт сатр ости изоҳи тарзида эмас, балки мақола охирида умумий рўйхатда кўрсатилади. Матн ичидаги кўчирмадан сўнг иқтибос олинган асарнинг рўйхатдаги тартиб рақами ва саҳифаси квадрат қавс ичида берилади, масалан: [4. Б. 78]. Фойдаланилган адабиётлар мақола охирида “Адабиётлар” сўзидан кейин матнда ҳавола берилиш тартибига кўра берилади. Бу ўринда китоб, тўплам, монографиялар учун муаллифларнинг исм-фамилиялари, манбанинг тўлиқ номи, нашр кўрсаткичи (шаҳар, нашриёт ва нашр йили) кўрсатилади. Журнал мақолалари ва бошқа даврий нашрлар учун муаллифларнинг исм-фамилиялари, мақола номи, журнал номи, йили ва сони, саҳифа рақами кўрсатилади.
Адабиётлар рўйхати лотин алифбосига транслитерация қилинади.
Мақолага муаллифлар ҳақида маълумот илова қилинади.
Муаллиф(лар) ҳақидаги маълумот куйидагиларни ўз ичига олади:
 - муаллиф(лар)нинг фамилияси, исми ва отасининг исми (тўлиқ)
 - илмий даражаси (агар бўлса)
 - иш жойи, бўлим, вазифаси (қисқартирмаган ҳолда), масалан: ҚУРОНОВ Дилмурод Хайдаралиевич – филология фанлари доктори, Андижон давлат университети ўзбек адабиётшунослиги кафедраси профессори. E-mail: kuronov@rambler.ru
 - алоқа учун телефон рақами.
 Муаллиф ҳақида инглиз тилидаги маълумотлар куйидагиларни ўз ичига олади:
 - 1) муаллиф(лар)нинг фамилияси, исми ва отаси исмининг инглиз тилидаги варианты, мақола номи ва муаллиф иш жойининг инглиз тилига таржимаси, масалан: *Dilmurod H. Quronov*, Andijan State University (Andijan, Uzbekistan). E-mail: kuronov@rambler.ru
- COMPOSITION OF LYRICAL WORK**
- 2) калит сўзларнинг инглиз тилига таржимаси;
- Фойдаланилган адабиётларнинг инглиз тилидаги варианты (References) APA-2010 стандарти бўйича тайёрланиши зарур.**
- 1. Китобларни бериш тартиби:**
Esin, A.B. (2000) *Printsipy i priyemy analiza literaturnogo proizvedeniya* [Principles and techniques of analyzing literary work]. Moscow: Flinta.
Rakhimzhonov, N. (2012) *Intellektual sheryatning tabiati* [Nature of intellectual Poetry] In: *Istiqolol va bugungi adabiyot* [Independence and Modern Literature]. Toshkent: Teacher. pp. 145–155.
 - 2. Мақолаларни бериш тартиби:**
Suyarov, M. (2008) *Peyzazh she'riyatida kompozitsiya* [Composition in landscape poetry]. *O'zbek tili va adabiyoti* [Uzbek language and literature]. 1. pp. 72–75 (In Uzb.).
 - 3. Интернет манбаларини бериш тартиби:**
Belova, E. A., Kilkeeva, Yu. A., & Trenogina, A. A. (2014). *Tendencies of the world market of transportation and logistics services development*. Retrieved from http://pnu.edu.ru/media/ejournal/articles-2014/TGU_5_336.pdf (in Russ.)



Buxoro davlat universiteti muassisligidagi
“PEDAGOGIK MAHORAT”
ilmiy-nazariy va metodik jurnali
barcha ta’lim muassasalarini
hamkorlikka chorlaydi.

Pedagoglarning sevimli nashriga aylanib ulgurgan “Pedagogik mahorat” jurnali maktab, kollej, institut va universitet pedagogik jamoasiga muhim qo‘llanma sifatida xizmat qilishi shubhasiz.

Mualliflar uchun eslatib o‘tamiz, maqola qo‘lyozmalari universitet tahririy-nashriyot bo‘limida qabul qilinadi.

Manzirimiz: Buxoro shahri, M.Iqbol ko‘chasi 11-uy
Buxoro davlat universiteti, 1-bino 2-qavat, 208-xona

Tahririyat rekvizitlari:

Moliya vazirligi g‘aznachiligi

23402000000100001010

MB BB XKKM Toshkent sh. MFO 00014 INN 201504275

BuxDU 400110860064017950100079002

Pedagogik mahorat: rivojlanamiz va rivojlantiramiz!

<p>PEDAGOGIK MAHORAT</p> <p>Ilmiy-nazariy va metodik jurnal</p> <p>2020-yil 3-son (73)</p> <p>2001-yil iyul oyidan chiqa boshlagan.</p> <p>OBUNA INDEKSI: 3070</p>	<p>Buxoro davlat universiteti nashri</p> <p>Jurnal oliy o‘quv yurtlarining professor-o‘qituvchilari, ilmiy tadqiqotchilar, ilmiy xodimlar, magistrantlar, talabalar, akademik litsey va kasb-hunar kollejlari hamda maktab o‘qituvchilari, shuningdek, keng ommaga mo‘ljallangan.</p> <p>Jurnalda nazariy, ilmiy-metodik, muammoli maqolalar, fan va texnikaga oid yangiliklar, turli xabarlar chop etiladi.</p> <p>Maqolada keltirilgan faktlarning to‘g‘riligi uchun mualliflar mas‘uldir.</p> <p>Nashr uchun mas‘ul: Alijon HAMROYEV. Musahhah: Muhiddin BAFAYEV. Muharrir: Gulchehra Cho‘lliyeva</p>	<p>Jurnal tahririyat kompyuterida sahifalandi. Chop etish sifati uchun bosmaxona javobgar.</p> <p>Bosishga ruxsat etildi 28.08.2020 Bosmaxonaga topshirish vaqti 30.08.2020 Qog‘oz bichimi: 60x84. 1/8 Tezkor bosma usulda bosildi. Shartli bosma tabog‘i – 20,6 Adadi – 100 nusxa Buyurtma №119 Bahosi kelishilgan narxda.</p> <p>“Sadridin Salim Buxoriy” MCHJ bosmaxonasida chop etildi. Bosmaxona manzili: Buxoro shahri M.Iqbol ko‘chasi 11-uy.</p>
---	---	--